

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАЎНАВИЯТ ВА МАЎРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

ПЕДРО ДЕ АЛАРКОН. Учбурчакли пляна. Қисса.....	3
ВЛАДИМИР ВОЙНОВИЧ. Монументал тарғибот. Роман.....	51
АНДРЕЙ АНАНОВ. Ошиғим олчи бўлди. Қисса.....	126

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

АҲМАД ЯССАВИЙ. Ҳикматлар.....	116
-------------------------------	-----

### АДАБИЙ ТАНҚИД


М.ОДЕССКИЙ, Д.ФЕЛЬДМАН. Адабий стратегия ва сиёсий фитна.....	157
РАЪНО ИБРОҲИМОВА. Жаҳон адабиёти ва фантастика.....	175

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ. Тарихий орзу-умидлар даври.....	180
--	-----

### 2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

К.ВИСЬНЕВСКА-РОШКОВСКА. Олтинчидан кейинги умр.....	183
---	-----



Октябрь 2002

Бош муҳаррир:  
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Мирзиёлат Мирзо  
(Бош муҳаррир муовини)  
Файзи Шоҳисмонил  
(масъул котиб)  
Амир Файзулла  
Раҳматилла Иноғомов

Жамоатчилик кенгаши:  
Юсуф Абдуллаев  
Аслиддин Болшев  
Жамолиддин Буронов  
Одил Ёкубов  
Хайрулла Жўраев  
Рисбой Жўраев  
Неъматулла Иброҳимов  
Абдулла Орипов  
Пулат Ҳабибуллаев  
Рустам Шоғуломов  
Тулепберген Қайипбергенов  
Савдахор Филомов

**Жаҳон адабиёти, 10. 2002**

**ИНДЕКС 828, 829**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Г.МУҲАММАДЁРОВА  
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, Д.ҚОДИРОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теринга берилди 15.09.2002 й. Босингга рухсат этилди 12.11.2002й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1000 нусха. К-9415 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2002 й.**

Педро Антонио де АЛАРКОН

## Учбурчакли шляпа

Романсларда мадҳ этилган ва куйида қандай юз берган  
бўлса шундай баён қилинган воқеа ҳақида ҳаққоний  
қисса

### МУАЛЛИФДАН

**М**ен бу латифани биринчи марта умр бўйи ўзи туғилиб ўсган овлоқ қишлоқдан нарига чиқмаган бир эчкибоқар чўпондан эшитганман. Бу табиатан қув ва масхарабоз, аммо ўқимаган оми қишлоқилардан бири эди. Ҳар доим қишлоқда никоҳ тўйи ёки бола чўқинтириш маросими бўлаётганда ё тўралар келиши нишонланаётганда чўпон албатта қизиқарли ўйинлар, кўнгилочар томошалар ўйлаб топиши, одамларни кулдириши, романслар куйлаши ва турфа хил эртақлар айтиб бериши керак эди. Алқисса, шундай намоёишлардан бирида, — бунга ҳам мана, ўттиз беш йилдан кўпроқ вақт ўтибди, — эчкибоқар “Коррехидор<sup>1</sup> ва тегирмончининг хотини” ёки бошқача қилиб айтганда, “Тегирмончи ва коррехидорнинг хотини” ҳақида назмий ҳикоя сўзлаб, бизни анча уялгириб қўйдик (ваҳоланки, бу уялиш нисбий маънода эди), бугун биз бу ҳикояни китобхонга, замон талабига кўра, бирмунча улугвор ва фалсафий ном билан яъни “Учбурчакли шляпа” номида тавсия қиламиз.

Эсимда, чўпон бу қизиқарли ҳикоясини сўзлаётганида уни эшитиб турган қизлар (ҳаммаларининг бўйи етган эди) уялганларидан доладек қизариб кетган эдилар. Бу ҳолни кўрган қизларнинг ойижонлари, бу ҳикоянинг беадаб томонлари борга ўхшайди, деган хулосага келиб, бечора чўпонни роса қойиб беришганди. Лекин Репела (чўпоннинг исми шундай эди) ҳам бўш келмади ва:

— Бекорга хуноб бўляпсизлар, сеньоралар, — деди. — Ахир мен айтаётган воқеадаги нарсаларни ҳатто роҳиблар-у гўдак болалар ҳам билишади... Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг, — деди у гапида давом этиб, — коррехидор билан

Қодир  
МИРМУХАМЕДОВ  
таржимаси

Испания мумтоз адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири бўлган Педро Антонио де Аларкон (1833-1891) Андалузия вилоятининг Гуадиса шаҳарчасида қашшоқлашган қадимги зодагонлар оиласида дунёга келди. Унинг илм олиши палапартиш, бетартиб тарзда ўтди. У қўлига тушган ҳар қандай ўқиладиган нарсани — хоҳ у мактаб болалари сабоқ оладиган дарслик бўлсин, хоҳ бирон-бир соҳада ёзилган илмий асар бўлсин, хоҳ уйда бекорчиликда ўқиладиган календар бўлсин, — фарқига бормаё ўқийверган. Чет тиллардан у фақат француз тилини билганки, бу ҳол ўша даврда Испанияда уят ва гуноҳ ҳисобланган. Йигитчанинг ота-онаси уни ҳуқуқшунослик бўйича мутахассис қилмоқчи бўлади, лекин улар ўзларининг муҳтожликда кун кечираётганларини ҳисобга олиб, ўғиллари учун черков лавозимини мақбул кўрадилар. Бироқ Педро Аларкон на у лавозимни, на бу мансабни ёқтиради. Унда ижод қилишга мойиллик устун чиқади. У ўзи яхши кўрган ёзувчилар: Вальтер Скотт, Александр Дюма-ота, Виктор Ҳюго, Бальзак,

<sup>1</sup> Коррехидор — кичик шаҳарларда маъмурият ва суд раҳбари лавозимини бажарувчи ҳукумат мансабдори.

тегирмончининг хотини ҳақидаги ҳикоя нимага даъват этади? Эр билан хотин бирга ётиши керак, биронта ҳам эр ўз хотинининг бошқа эркак билан ётишини асло ёқтирмайди! Менимча, бунинг ҳеч қанақа беадаб томони...

— Гапида жон бор, — дейишди ойижонлар қизларининг кулгисини эшитиб.

— Репела амакинлар ҳақ гапиряпти, — деб гапга аралашди куёвнинг отаси, — мана сизларга бунинг исботи... Тўйга ташриф буюрган барча кексаю ёш меҳмонларимизга аёнки, бугун оқшомда рақслар тугагач, Хуанете билан Манолилья ўз ётоқларини янгилайдилар, ҳозиргина Габриела холангиз у ердаги ўрин-кўрпаю ёстиқларни, улардаги безакларни қизларимизга кўз-кўз қилди...

— Қолаверса, — деди келинболанинг бобоси, — бу жамики ҳаётий лавҳалар ҳақида болаларимиз Муқаддас Инжилдан ва ҳаттоки муқаддас Аннанинг узоқ йиллар белгилг бўлгани, Юсуф алайҳиссаломнинг покдомонлиги, маъсума Юдифнинг ҳийласи ва ўзга қатор мўъжизалар ҳақида сўзланган ваъзлардан билиб олурлар. Бинобарин, сеньоралар...

— Йўқ, йўқ, Репела амаки! — деб чуғуллашди қизлар. — Яна бир марта айтиб беринг! Жуда қизиқ экан ҳикоянгиз!

— Ҳам қизиқ, ҳам одоб-ахлоқ доирасида! — деб гапини давом эттирди бобо. — Бу ҳикояда ҳеч қандай ноҳўя, хунук гап йўқ; у кишини ёмон йўлга бошламайди, билбакс, қинғир иш қилган одам муқаррар жазо тортажанини билдиради.

— Ҳа, майли, гапиралоқ! — дея илтифот кўрсатишди муҳтарама оналар.

Шунда Репела амаки яна ҳикоясини давом эттирди. Энди, бояги одми танқидлардан кейин, ҳеч ким унга заррача ҳам эътироз билдирмади. Бу демак, баёнчининг цензура розилигини олгани эди.

Кейинчалик мен тегирмончи ва коррехидорнинг хотини ҳақида марҳум Репела амакига ўхшаган қишқик шўх йигитлар томонидан ҳикоя қилинган турли хил нақлларни эшитдим. Лекин улардаги воқеалар ривожини ва айрим услубий жиҳатлар бизнинг чўпонимиз баён қилган ҳикоядан катта фарқ қиларди, бу тафовут шу қадар катта эдики, агар чўпонимиз ушбу нақллардан биронтасини ўз қишлоғида сўзлаб бергудек бўлса, боодоб сипо қизлар албатта кулоқларини беркигиб олган, уларнинг оналари эса, баёнчини юмма талаган бўлар эдилар. Сабабки ўзга музофотлардаги тўнг баёнчилар Репеланинг мумтоз баёнида гоётада ажиб, камтарона ва латофатли тасвирланган бу ривоятни шу даража бузиб талқин қилган эдилар!

Мен кўпдан бери бу огиздан-огизга кўчиб юрган сайёр ривоятнинг дастлабки қиёфасини, — ҳеч шак-шубҳа йўқки одоб ва камтаринлик доирасидан чиқмаган ҳақиқий қиёфасини тиклаш ниятида эдим. Зотан, бу янглиғ қиссалар дағал ва ирқит қўлларга тушгудек бўлса, асло яхшиланмайди, латифланмайди, аксинча, қабоҳатлар, хашаки иллатлар таъсирида бузилади, ифлосланади.

Ушбу китобнинг вужудга келиши сабаблари шундай...

Жорж Санд ва бошқаларнинг асарларини мук тушиб мутолаа қилади.

Аларконнинг адабий фаолияти Гуадиса шаҳрида ўзи асос солган "Ғарб акс-садоси" газетаси учун ва Мадридда чиқадиган "Қамчи" газетаси учун гоётада ўткир ва мунозарали мақолалар ёзиш билан бошланади.

Кейинроқ у батамом ижодга берилиб, шеърлар, ҳикоялар, пьесалар ёза бошлайди. Биз бу ўринда, гапни мухтасар қилиб, адибнинг бир қатор асарларини санабгина ўтишни лозим кўрдик. Булар: "Норманинг тугатилиши" романи, "Кўмирчи-алькальд" ҳикояси, "Альпухорра" шеърлар тўплами, "Жанжал", "Чақалоқ", "Учбурчакли шляпа" қиссалари ва бошқалардир.

Аларкон асарларининг ҳаммаси ҳам бир текисда бўлган деб бўлмайди. У яратган асарларнинг айримлари тез унутиб юборилди. Ҳатто ҳозир ҳам Испанияда Аларконни шоир ёки драматург сифатида камдан-кам одам билади. Лекин унинг насрий асарлари ҳозирги кунгача XIX аср испан адабиётининг энг катта бойлиги, энг нодир намунаси бўлиб

Энди мақсадга ўтайлик... Азиз ўқувчи, сенинг адолатли ҳукмингга умид боғлаб, ҳозир мен коррехидор билан тегирмончининг хотини ҳақидаги қиссамни бошлайман ва шоядки сен уни ёруғ жаҳон юзини кўришга сазовор китоб деб эътироф этсанг.

1874 й. июл.

## 1606

### ВОҶЕА СОДИР БЎЛГАН ЗАМОН ҲАҚИДА

Ҳозирги пайтда тутаб бораётган воқеа-ҳодисаларга бой аср бошланаётган эди. Қайси йил эканлиги аниқ эмас. Фақат шуниси маълумки, бу воқеа 1804 йилдан кейин ва 1808 йилдан олдин бўлган эди.

У пайтда ҳали Испанияга Карл IV Бурбон ҳукмронлик қиларди. Оврупадаги Людовик XIV нинг авлодлари бўлган бошқа ҳукмдорлар дунёнинг эскириб пугурдан кетган қитъасида 1789 йилдан бошлаб шиддатли қутура бошлаган бўронда ўз тожларидан (уларнинг энг каттаси эса калласидан<sup>1</sup>) жудо бўлган эди.

Ватанимизнинг ўша даврдаги аҳволида яна бошқа бир ўзига хос хусусият ҳам бор эди. Корсикали номи чиқмаган оддий бир адвокатнинг ўғли, Риволи, Эҳромлар, Маренго яқинидаги жангларида ва бошқа юзлаб жангларида ғалаба қозонган инқилоб солдати<sup>2</sup> эндигина Буюк Карлнинг тожини бошига кийган ва бутун Оврупани сўкиб, қайтадан бичган эди: у бутун-бутун давлатларни яратди ва бекор қилди, чегараларни йўқ қилди, янги-янги сулолалар кашф этди, ўзининг жанговар отида, мисоли қуюндек ёки шимолдаги давлатларнинг таъбири билан айтганда, “дажжол”дек бостириб борган ҳамма ерда мамлакатларнинг номларини, халқларнинг турмуш тарзи, турар-жойи, расм-таомили ва ҳаттоки кийим-кечакларини ҳам ўзгартирди.

Бироқ бизнинг оталаримиз, худо раҳматига олган бўлсин уларни, ундан нафратланмадилар ҳам, қўрқмадилар ҳам, — улар унинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган қилмишлари ҳақида, гўё гап ришарлик романи қаҳрамони ҳақида ёки ўзга бир сайёрадаги воқеалар ҳақида бораётгандек, зўр мамнуният билан мақтов сўзлар айтардилар, зеро, унинг бир кўчмас бир кун ўз юртларига ҳам бостириб кириб, худди Францияда, Италияда, Германияда ва бошқа мамлакатларда қилган ваҳшийлигини такрорлашини тушларида ҳам кўрмаган эдилар. Пиреней яриморолининг энг йирик қишлоқларига Мадриддан ҳафтада бир (нари борса, икки) марта почта биронта “Газета”нинг қандайдир сонини келтирарди; нуфузли шахслар уни ўқиб, ўзлари истиқомат қилиб турган яриморолдан ташқарида қандай давлат пайдо бўлгани ё йўқ қилингани, олти ёки саккизга қирол ва императорларнинг лашкарлари қатнашган яна қандай жанг мағлубиятга учрагани, Наполеоннинг айнаи дамда қаерда: Миландами, Брюсселдами ё Варшавадами эканлигини билишар эди. Оталаримиз бошқа ҳеч нима

ҳисобланиб келади. Бу насрий асарлардан бири бўлган унинг “Учбурчакли шляпа” қиссаси эса жуда кўп халқлар тилларига таржима қилиниб жаҳон кезди.

“Учбурчакли шляпа” дунёга келганидан кейин орадан йигирма йил ўтгач композитор Гуго Вольф бу асар асосида “Коррехидор” номли комик опера яратди. 1917 йилда эса машҳур испан композитори Мануэль де Фалья “Учбурчакли шляпа” балетини ёзди. Пабло Пикассо декорацияси билан саҳналаштирилган бу балет жаҳон хореографияси тарихида энг машҳур спектакллардан бири бўлиб қолди. 30-йиллар бошида Италия композитори Риккардо Зандони бу қисса асосида ҳазил-опера яратди. Орадан яна бир неча йил ўтгач, “Учбурчакли шляпа” суратга олинди, кино экранларида намойиш қилина бошлади. Асар айрим қисқартиришлар билан босилмоқда.

<sup>1</sup> Инқилобий конвент ҳукми билан қатл этилган қирол Людовик XVI назарда тутилган.

<sup>2</sup> 1804 йилда ҳали Франция республикасининг биринчи консули бўлган Наполеон император сифатида тахтга ўтиради.

ҳақида бош қотирмай, бамайлихотир, қадимги таомилларга амал қилган ҳолда, оч қорним-тинч кулоғим, қабилида эскичасига кун кечирар эдилар: ҳануз ўша-ўша инквизиция, ўша-ўша монахлар, ўша-ўша ғайриқонуний тенгсизлик, ўша-ўша имтиёзлар, махсус ҳуқуқлар, ўша-ўша фуқаровий ё сиёсий эркинликнинг йўқлиги; ҳали ҳам уларга ҳазрат епископлар-у қудратли кор-рехидорлар (булар ҳукмронлигининг чеки-чегараси йўқ эди, зеро улар самовий амалларга ҳам, заминий ишларга ҳам тумшук тикаверардилар) бир пайтда ҳўжайинлик қилардилар; ўша-ўша тури эллиқдан ортиқ ҳар хил солиқлар, ўпонлар, божлар...

Биз ўша даврда дунёда қандай воқеалар содир бўлаётгани ҳақида айтиб ўтдик; бундан қўзланган ягона мақсад, бизни қизиқтирган йилда (буни 1805 йил деб тахмин қила қолайлик) Испаниядаги хусусий ва жамоа ҳаётининг барча соҳаларида ҳамон эски тузум ҳукм сураётганини ўқувчига эслатиб қўйишдан иборат эди: Пиреней тоғлари гўё хитой деворига айлангану Испанияни дунёдаги барча янгилик ва ўзгаришлардан ихота қилиб турган эди.

## II б о б

### У ЗАМОНДА ОДАМЛАР ҚАНДАЙ ЯШАГАН ЭДИ

Чунончи, Андалузияда (дарвоқе, сиз эшитадиган воқеа Андалузиядаги шаҳарлардан бирида юз берган) обрў-эйтиборли одамлар тонг отар-отмас туриб (ҳатто бегим кунлар ҳам), жомага тонги ибодатта боришар, соат тўққизда кўймоқ, қовурилган бурда нон ва бир финжон шоколад билан нонушга қилишарди; тушлиқлари соат бир билан икки ўртасида бўларди; агар илвасин гўшги бўлса, тушлиққа куюқ ва суюқ таом тортиларди; агар илвасин гўшги бўлмаса, фақат суюқ овқат билан чекланардилар; тушлиқдан сўнг дам олардилар, кейин сайр қилгани чиқардилар; қош қорая бошлаган пайтда ўз қавмлари черковига кечки ибодатта борардилар; ибодатдан қайтгач, иккинчи шоколадни (энди печенье билан) ичардилар; иззатталаб, мулозаматли кишилар кор-рехидорниқиди, черков кенгаши оқсоқолиниқиди ёки шу шаҳарда истиқомат қилувчи биронга мансабдор шахсниқиди бўладиган ўтиришларга борардилар; тунги ибодатта жом чалинганда уйларига қайтардилар; кўча қоровулларининг “чироқлар ўчирилсин!” деган ҳайқириви эшитилмасдан кўча эшиқларини танбалаб олардилар-да, кечлик қилгани ўтирардилар, кечликда салат билан қовурма ердилар, кейин хобхонага кириб, хотинлари билан (агар бўлса) олдиндан грелка билан иситиб қўйилган тушакка ётардилар...

Мамлакатимиз дунёда бўлаётган маразлиқлар, ёвузлиқлар, иллатлар, иф-лосликларни пайқамай, тинч ва осуда яшаган даврлар қандай саодатли эди! Инсонлар бир-бирларидан тоифалари, эҳтирос-у урф-одатлари билан фарқ қилган замонлар қандай саодатли эди!.. У замонлар, айниқса, шоирлар учун пурсаодат эди, зеро, улар ҳар қадамда ўзларининг ашғорлари, интермедия-ю, комедия-ю драмалари ёки эпопеялари учун олам-олам мавзуларга дуч келардилар! Ҳа, юз карра саодатли эди у замонлар!..

Лекин биз ўтлаб кетдик, шекилли. Етар шунча чекинишлар, келинг, энди “Учбурчакли шляпа” воқеасига ўтайлик.

## III б о б

### DO UT DES<sup>1</sup>

Алқисса, ўша замонларда \*\*\* шаҳарчасидан сал нарироқда бир тегирмон бўларди — ҳозир у йўқ; у қишлоқдан чорак миля нарида олча ва гилос дар-рахтлари ўсган хушманзара тепалик билан шўх ва асов дарёнинг қирғоғидаги серунум полиз майдони орасида жойлашган эди.

Бу тегирмон анчадан бери бир қатор турли-туман сабабларга кўра, номи зикр этилган шаҳарчада истиқомат қилувчи энг обрў-эйтиборли кишилар учун

<sup>1</sup> Мен беришман, чунки сен қайтаришинг керак (лот.).

севимли сайргоҳ ва ҳордиқ маскани бўлиб қолган эди... Бунга биринчи сабаб — у катта йўл ёқасига жойлашган эди. Иккинчи сабаб — тегирмон олдида саҳнига силлиқ тошлар тўшалган, тепаси ток сўриси билан ёпилган кентгина шийпонча бўлиб, токнинг сербарг новдалари ёзнинг иссиқ кунларида дам олувчиларга ҳузурбахш соя солар, қишда эса, ток барглари тўкилиб, қуёшнинг ёқимли илиқ тафтидан баҳраманд қилар эди. Учинчи сабаб — тегирмончининг ўзи ниҳоятда хушпакаллуф, жуда фаросатли, заковатли, хулиас, одамларни ўзига ийдирадиган киши эди, зеро, у кечки пайтлари тегирмонига тез-тез ташриф буюриб турувчи иззат-эътиборли зотларнинг қўнглини овлашни биларди, уларни мавсумга қараб гоҳ ловия, гоҳ гилос ва олча, гоҳ қовун билан, гоҳ жўхори каботи билан, гоҳида меҳмонлар соясида ўтирган токнинг узуми билан меҳмон қиларди, гоҳо эса, кунлар совиган пайтларда (энди шийпончадамас, уйда иссиқ ўчоқбошида) мусаллас қўйиб бериб, меҳмонлар дилини хушнуд қиларди; пасха байрами кунлари дастурхонга у яна қатлама, ширинликлар, ўрама нонлар ҳам қўярди.

— Нима, тегирмончи шунақа боймиди ёки унинг меҳмонлари шунақа беандиша одамлармиди? — деб сўрарсиз балки.

Йўқ, униси ҳаммас, буниси ҳаммас. Тегирмончининг даромади фақат ўзига етарли эди, халос; унинг меҳмонлари эса, ниҳоятда камсуқум, нозиктаб кишилар эди. Лекин эллиқдан ортиқ турли хил черков ва давлат солиқларини тўлашга тўғри келган ўша даврда бизнинг тегирмончига ўхшаган идрокли деҳқон, агар рехидорлар<sup>1</sup>, руҳонийлар, монахлар, муншийлар ва ўзга аслзодаларнинг рабатидадан фойдаланолган бўлса, ҳеч қийналмасди. Мана шунинг учун ҳам одамлар, Лукас амаки (тегирмончининг исми шундай эди) уйига келган мансабдорларнинг қўнглини овлаб, ҳар йили анча-мунча маблағ ортириб оляпти, деб гап қилишарди.

“Тақсирим, бузиб ташлаган уйингизнинг эски эшигини менга беролмайсизми?” — дерди у меҳмонларнинг бирига. “Жаноби олийлари, — деб юзларди у иккинчи меҳмонга, — айтиб қўйсангиз, мендан жон солигини сал камайтириб олишса”. “Ҳазратим, монастир боғидаги тутнинг новдаларини ипақ қуртларим учун кесиб олсам майлими?” “Ҳазрати бузрук, ўрмонингиздан озгина ўтин кесиб олишимга рухсат беролмайсизми?”. “Ҳазрати муқаддаслари, икки энлиқкина хат ёзиб беролмайсизми? Иморатимга озгина ёғоч етишмай турувди”, “Менга бепул битта ариза ёзиб берсангиз, мунший жаноблари”, “Бу йил мен ижара ҳақини тўлолмайдиганга ўхшайман”, “Шоядқи, суд ишни менинг фойдамга ҳал қилса”, “Бугун мен, судья жаноблари, бир одамнинг юзига тарсаки тортиб юбордим, лекин қамоққа мен эмас, у тушса керак, албатта, негаки, ўзи менинг аччиғимни чиқарди-да”, “Жанобимнинг мана бу нарсалари ўзларига ортиқча эмасми?”, “Сиздан бир нарсани сўрасам бўладими?”, “Ҳачирингизни менга бир кунга бериб туролмайсизми?”, “Эртага эрталаб аравангиз бўш бўладими?”, “Эшагингизни олиб турсак майлими?”

Бу кети узилмайдиган илгтимосларнинг барига меҳмонлар доим мурувватли ва беғараз: “Бемалол, бажонидил” деб жавоб қилардилар.

Лукас амакининг нима учун ҳеч қачон сафолатта учрамаслиги сабабини энди тушунган бўлсангиз керак.

## IV б о б

### ХОТИН

Шаҳарлик зодагонларнинг кечкурунлари Лукас амакининг тегирмонига келиб туришларига яна битта ва, айтиш мумкинки, энг муҳим сабаб бор эди. Гап шундаки, сеньор епископдан ва сеньор коррехидордан тортиб ҳамма дин пеншволярию оқсуяк аъёнлар бу тегирмонда холиқ эгам яратган дунёда энг латофатли, энг назокатли ва энг мафтункор бир хилқатни қўнғилларига сиққанча томоша қилиб баҳра олишлари мумкин эди.

<sup>1</sup> Р е х и д о р — маҳаллий орган маслаҳатчиси.

Бу хилқатнинг исми... сенья<sup>1</sup> Фраскита эди.

Китобхонларга, биринчи навбатда, шуни айтиб қўйишим лозимки, Лукас амакининг қонуний хотини бўлмиш сенья Фраскита иззат-эҳтиромга лойиқ аёл эди, шу фазилати учун ҳам уни тегирмонга ташриф буюриб турувчи нуфузли меҳмонлар ҳурмат қилишарди. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ташриф буюрганларнинг биронтаси ҳам сенья Фраскитага ошуфта нигоҳ билан ёки қандайдир нопок ният билан қарашга журъат этолмасдилар. Роҳиблар ҳам, кабельеро (жаноб)лар ҳам, дин пешволарию мансабдор шахслар ҳам ундан завқланишар ва кези келганда, бу хонимга илтифот кўрсатишар (эрининг кўз олдида, албатта), лекин булар парвардигор яратган ёки энг маънос табиат одамни ҳам хушнуд этиб, дилини васвасага солувчи иблис кашф этган мўъжизаваш гузалликка бўлган илтифотлар эди, холос. “Қандай латифа хилқат-а!” — дерди одатда саховатли олий ҳазрат. “Эллинг<sup>2</sup> даврига хос чинакам ҳайкал”, — дерди Тарих академиясининг муҳтарама аъзоси, илмий адвокат. “Ҳа, бу Мома Ҳавонинг асл тасвири!” — дея луқма ташларди монастир бошлиғи. “Кулинг ўргилсин дўндиқча!” — деб мақтарди муҳориб полковник. “Илон, мафтункор пари, иблис”, — деб илова қиларди коррехидор. “Лекин, — дейишарди ҳаммалари, тўйиб узум ва ёнғоқ тановул қилишгач, ўзларининг меъдаларига теккан уй шароитларига қайтарканлар, — бу аёл ниҳоятда софдил, фаришта, гўдакдек маъсума”.

Холбуки, ўша маъсума гўдакнинг, яъни сенья Фраскитанинг ёши ўттизга яқинлашиб қолган эди. У сарвқомат, миқти жуссали эди; айтиш мумкинки, унинг тикмачоқдек гавдаси виқорли андомига сал доғ тушириб турарди. Бу Ҳеркулесваш аёл кўпроқ Ниобеяни<sup>3</sup> (лекин бефарзанд Ниобеяни), қадимги Рим матроналарини<sup>4</sup> эслатарди. Лекин забардаст қоматининг ҳаракатчанлиги, эпчиллиги, тийраклиги, нафис ва латифлиги ҳаммадан ҳам кўпроқ кишини ҳайратга соларди. Унинг, ҳурматли академик айтганидек, антик давр ҳайкалига ўхшаши учун маҳобатли савлат етишмасди. У мисоли қамиш поясидек эгилар, шамол тегирмони паррагидек гир-гир айланар, рақс тушганида оёқлари ерга тегмасди. Лекин чехраси ўта ҳаракатчан бўлганлиги боис, у ҳайкалга камроқ ўхшарди. Унинг юзидаги бешта (иккитаси бир яноғида, биттаси яна бир яноғида, биттаси жилва қилиб турган лабиниинг чап бурчагида ва, ниҳоят, охириги энг каттаси бежирим иягининг қоқ ўртасида бўлган) жозибали кулчици бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб, кишини оҳанрабодек ўзига ром қиларди. Бу фазилатларга яна маккора табассум, қувлик билан кўз қисишларни ва нутқини жонлантирувчи турфа хил бош иргашларни илова қилсангиз, бу хилқатнинг тароват ва назокат билан йўғрилган соғлом ва хушчақчақ чехраси ҳақида ҳаққоний тасаввурга эга бўласиз.

Сенья Фраскита ҳам, Лукас амаки ҳам андалузиялик эмас эдилар: сенья Фраскита наварралик, эри мурсиялик эди. Лукас \*\*\* шахрига келиб, ўн беш ёшида ҳозирги епископнинг салафи бўлмиш епископга яқин паж, ярим хизматкор сифатида ёлланади. Лукаснинг соҳиби уни диний лавозимга тайёрлай бошлайди ва, эҳтимол, шу сабабли бўлса керак, мансаб олиши учун ҳамда даромадсиз қолдирмаслик учун унга тегирмон васият қилади. Лекин ҳазрати бузург қазо қилган чоғда, ҳали фақат роҳиб шоғирди бўлган Лукас амаки ўша кун, ўша соатдаёқ эғнидаги роҳиблик жомасини қозиққа иладидию солдатликка ёлланади, сабабки, уни черков хизматидан ё хирмонда буғдой янчишдан қўра дунё кезиш, саргузашти ҳаёт оғушига гарқ бўлиш кўпроқ қизиқтирарди. 1793 йилда Гарбий Пиренейдаги жангда шавкатли генерал дон Вентура Каронинг махсус мулозимли сифатида жанг қилади. Кейин узоқ вақт шимоллий вилоятларда хизмат қилади ва, ниҳоят, истеъфога чиқади.

Эстельяда у сенья Фраскита билан танишади. У пайта уни олдийгина — Фраскита деб атардилар. Лукас уни севиб қолади, унга уйланади ва Андалузиядаги ўз тегирмонига, яъни уларнинг тинч ва саодатли ҳаётлари ўтган ана шу ҳам кулги, ҳам йиғи маскани бўлган байтулаҳзонга олиб келади.

Ўз туғилиб ўсган Наваррасини ташлаб, бу овлюк гўшага келган сенья Фраскита андалузияликларнинг биронта ҳам расм-гаомилига қўниқишни хоҳла-

<sup>1</sup> С е н ь я — сеньора сўзининг қисқартирилгани.

<sup>2</sup> Э л л и н д а в р и — қадимги Юнонистон.

<sup>3</sup> Н и о б е я — юнон асотирларида ўз фарзандлари ва фаровон турмуши билан фахрланган аёл.

<sup>4</sup> М а т р о н а — эъзозли она.



майди, шу боис у ҳар жабҳада маҳаллий аёллардан мутлақо фарқ қилар эди. Унинг кийим-кечаклари ерли аёлларникига нисбатан одмироқ, кенгроқ ва бежиримроқ эди; у тез-тез ювиниб турар ва яланғоч қўллари ҳамда очиқ бўйнини куёшнинг ҳароратли бўсасига, сарин шаббоданинг сийпалаб эркалашга қўйиб берарди. У деярли шахарли аёлларга ўхшаб, деярли Гойянинг<sup>1</sup> суратларидаги аёллар сингари, деярли қиролича Мария-Луиза сингари кийинарди, лекин юбкаси уларникига ўхшаш ярим қадамлимас бир қадамли ва шу билан бирга, чиройли оёқчалари очиқ кўриниб турадиган даражада калта бўларди; кўйлагининг ёқаси доирали ва очиқ бўларди — Мадрид модасига кўра, зеро, у Наваррадан Андалузияга кўчиб келаётганида эри Лукас билан бирга Мадридда икки ой яшаб турган эди; сочи бошига баланд қилиб турмакланганидан очиқ бўйни ва боши янада жозибалироқ бўлиб кўринарди; жажжигина қулоқчаларига бежирим шокилалли сирғалар ҳусн бағишларди, меҳнат билан дағаллашган, аммо покиза қўлларининг нозик бармоқларида узуклар ярқирарди. Қолаверса, Фраскитанинг овози сержило, хушоҳанг чолғунинг барча пардаларида янграр, унинг қувноқ, янгроқ кулгиси эса, пасжа байрами кечаси ибодатга чорловчи кўнғироқ садоси янглиғ жаранларди.

Энди Лукас амакининг тасвирини чизиб кўрамиз.

## V б о б

### Э Р

Лукас амаки камдан-кам учрайдиган хунук одам эди. У ҳаммаша шунақа бўлган, ҳозир, ёши қирққа яқинлашиб қолганда-ку, инчунун. Шунга қарамай, Лукас амакидай хуштакалуф, истараси иссиқ одамлар дунёда жуда кам топилади. Лукаснинг питраклиги, идроки ва зукколигига қойил қолган марҳум епископ, ўзлингизни менга тарбияга беринг, деб йигитнинг ота-онасидан (улар қўй боқиб, чўпонлик қилардилар) сўраб олган эди. Ҳазрати бузрук жон таслим қилиб улгурмай, йигит диний семинарияни казармага алмашгирди. Генерал Каро Лукасни алоҳида тақдирлаб, уни ўз пинжиги олди ва жанговар юришларида ўзининг ишончли хизматкори этиб тайинлади. Лукас амаки ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, илгари генералнинг ва епископнинг мурувватига қандай осонлик билан сазовор бўлган бўлса, Фраскитанинг қалбини ҳам шундай осон забт этди. Уша пайтда ҳаётининг эндигина йигирманчи баҳорини қарши олган ва Эстельядаги барча йигитларни (уларнинг айримлари жуда бадавлат эдилар) ҳижрон ўтида ёндирган наварралик қиз бу ошқиқ шайдо маймуннинг чақмоқ мисол зарофати, ажабтовур ҳазил-мутойибалари, шўх кўз қисишлари олдида, унинг ҳам қувлик, ҳам назокат билан йўғрилган истеҳзоли табассуми олдида, на фақат ўз маҳбубасини, шунингдек, унинг ота-онасини ҳам ўзига ром қила олган бу довюрак, гапга чечан, фаросатли, мард ва мафтункор мурсиялик йигит олдида ўзини тутиб туролмади.

Лукас Фраскитага ошқиқ бўлган пайтларида ҳам, кейин биз ҳикоя қилаётган йилларда ҳам паст бўйли (ҳарҳолда, ўз маҳбубаси ёнида шундай бўлиб кўринарди), сал букурроқ, кўса, бурундор, шалпангқулоқ, офти қоп-қора ва чўтир эди. Лекин оғзи чиройли, тишлари бекусур эди. Бу одамнинг фақат ташқи қиёфаси дағал ва бесўнақай эди, дейиш мумкин, аммо унинг ички дунёсига хиёлигина назар ташлагудек бўлсангиз, баркамол фазилатлар соҳиби эканлигини кўрардингиз; унинг бу баркамоллиги тишларидан бошланарди. Кейин унинг жарангдор, маънодор ва ёқимли овози гоҳида кескин ва ҳокимона оҳангда, гоҳида эса, айниқса, бирон нима илгимос қилаётганида, оғзидан бол томиб ширинсуханлик билан янграрди. Нутқ сўзлаганида доим оқилона гапларни топиб, ишонарли қилиб гапирарди... Қолаверса, Лукас амаки жонбоз, диёнатли, садоқатли, ақли расо, ҳар нарсани билишга интилувчи одам бўлиб, кўп нарсани олдиндан ҳис қила олар, кўп нарсани ўз ҳаётий тажри-

<sup>1</sup> Гойя Франсиско (1746-1828). Испаниянинг энг йирик rassомларидан бири.

басидан билар эди. У нодон ва жоҳил одамларни, қай табақа вакили бўлишига қарамай, жинидан ортиқ ёмон кўрар, боз устига мутойиба, киноя қилишга ҳам устаси фаранг эди.

Лукас амакининг ички дунёси ва ташқи қиёфаси шунақа эди.

## VI б о б

### ЭР-ХОТИННИНГ ИСТЕЪДОДЛАРИ

Алқисса, сенья Фраскита Лукас амакини жонидан ортиқ севар ва эрининг унга бўлган иззат-эҳтиромидан ўзини дунёдаги энг бахтиёр аёл деб ҳисобларди.

Билишимизча, уларнинг ҳеч қачон фарзанди бўлмаган, шу боис улар бутун умрларини бир-бирларига меҳриғиё билан ғамхўрлик қилишга бағишлаганлар, лекин уларнинг бир-бирларига меҳрибонлиги, назокати ҳеч қачон ғашга тегмасди, зеро бу назокатлар, бошқа бефарзанд эр-хотинларда бўлганидек, кўнгилга урадиган чучмал эмас эди. Бильякс, бу эр-хотиннинг муносабати соддадиллик, хушчақчақлик, шўхлик ва бир-бирларига ишонч замирида қурилган эди.

Назаримда, Лукас амакидек ювиб-таралган, ясангириб кийинтирилган, меҳр билан едириб-ичирилган, уйи саранжом-саришга тегирмончи дунёда топилмас керак. Шу билан бирга, сенья Фраскитадек иззат-икром, меҳр-муҳаббат билан ардоқланган биронга ҳам тегирмончининг хотини, ҳаттоки биронга ҳам малика дунёда бўлмас керак! Қолаверса, шунча хушбахра, ғаройиб, фойдали ва мутлақо бефойда бўлган нарсаларнинг биз ҳикоя қилаётган аксар воқеалар содир бўлаётган тегирмондан бошқа ҳеч бир ерда юз бериши ҳам мумкин эмас эди!

Бундай бўлишига асосий сабаб, соҳибжамол, серғайрат, билагиди кучи бор, соғлом наварралик аёл сенья Фраскитанинг пазандаликда ҳам, бичиш-тикиш, дасмол босишда ҳам, супуриб-сидиришда ҳам, ҳамир қориш, пайпоқ тўқиш, миз идишларни кум билан ишқалаб офтобдек ярақлатишда ҳам, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш, қарта ўйнаш ва ҳоказо рўзгор ишларида ҳам устаси фаранглиги эди.

Бунинг устига, Лукас амакининг ҳам ишчанликда, абжирликда хотинидан қолишмаслиги, уларнинг аҳил ва хуррам яшашларига сабаб бўлди: Лукас амаки далада ишлашни, ғалла ўриб, янчишни, ов қилишни, балиқ тутишни, дурадгорлик ҳунарини яхши кўрар ва уларни қиёмага келтириб бажарарди; у, кези келганда, темирчиликни ҳам, тоштарошликни ҳам эплаб кетаверарди, рўзгор ишида ҳамииша хотинига кўмаклашар, ўқиш-ёзиш, ҳисоблаш — ҳоказо ва ҳоказо ишларнинг кифтини келтирарди. Қолаверса, тақдир унга яна ўзга гайриоддий истеъодлар ҳам ато этган эди...

Масалан, Лукас амаки гулга астойдил меҳр қўйган эди (бу борада у хотинидан қолишмасди) ва шу қадар моҳир, заҳматкаш боғбон эдики, ҳар турли чатишгириш усулларини қўлаб, гулларнинг янги-янги навларини кашф этарди. У тегирмон учун сувни уч ҳисса кўпайтириб берадиган тўғон ва нов қуриб, ўзининг туғма қурувчи-муҳандис эканлигини исботлади. У кучугини рақс тушишга, тўти қушини ўзи ясаган қуёш соатига қараб, ҳар соатда қичқириб туришга ўргатди...

Булардан ташқари, тегирмон қошида ёсуман бугалари билан ихота қилинган ҳар турли сабзавотлар экилган полиз ва чиройли боғ, ёзнинг жазирама кунларида Лукас амаки билан сенья Фраскита чўмиладиган ҳовуз, тропик ўсимликлар учун мўлжалланган иссиқхона, қудуқ, бир жуфт эшак (эр-хотин шу эшакларни миниб шаҳарга ё атроф қишлоқларга қатнардилар) товукхона, каптархона, тирик балиқлар учун ҳовузча, ипак кўрти учун экилган тут кўчатлари, асалари уялари, мусаллас сақланадиган ертўла, мўъжазгина нон-войхона, тўкув дастгоҳи, темирчилик ва дурадгорчилик устахоналари ва бошқалар бўлиб, буларнинг ҳаммаси саккиз хоналик уй ва тахминан бир гектар келадиган майдонга жойлашган эди.

## VII б о б

## БАХТНИНГ НЕГИЗИ

Дарҳақиқат, тегирмончи ва унинг хотини бир-бирларини телбаваш севардилар, ҳатто сенья Фраскита эрини эри уни севгандан ҳам ортиқроқ севарди, десак янглишмаймиз, ваҳоланки, сенья Фраскита қанчалик соҳибжамол бўлса, Лукас амаки шунчалик бадбашара эди. Бу гапни айтишимдан мақсад, сенья Фраскита Лукас амакини рашк қиларди, агар эри тегирмон учун дон келтиргани шаҳарга ё қўшни қишлоқларга кетиб, бир оз ҳаяллаб қолгудек бўлса, аzza-баzza унинг қаёқларда юрганини суриштира бошларди. Лекин Лукас амаки бошқача эди. У хотинини тегирмонга ташриф буюрган сеньборлар томонидан эъзо3-эҳтиром қилинишини кўриб ҳузур қиларди: тегирмончи хотинининг бошқаларга ҳам худди ўзига ёққандай ёқишидан фахрланар ва қувонарди. Ҳолбуки, у баъзи меҳмонларнинг унга ич-ичларидан ҳасад қилишларини, Фраскитага дунёвий ҳирс билан боқишларини ва унинг ўз эрига салгина бевафолик қилиши учун бутун бойликларини бахшида қилишга ҳам тайёр эканликларини жуда яхши тушунарди. Шундай бўлса ҳам, Лукас амаки иш билан банд бўлиб, хотинини кун бўйи ёлғиз қолдирган пайтларида ҳам ундан асло хавотир олмас, ҳеч қачон, мен йўғимда нима қилдинг, кимлар келди... — деб суришгирмас эди.

Тўғри, Лукас амакининг севгиси сенья Фраскитанинг муҳаббатичалик кучли эмас эди, деган гап эмас бу, албатта. Содда қилиб айтганда, тегирмончи хотинининг эзгу фазилятларига, сенья Фраскита унинг садоқатига ишонгандан кўра кўпроқ ишонарди. Лукас амаки жуда сезгир одам эди, хотинининг ўзга эркаклар олдида ўзини қандай тутишини ва ўз эрини қандай беназир меҳр билан севишини биларди. Энг муҳими шу эдики, Лукас амаки худди Шекспир қаҳрамонлари сингари барқарор ҳиссиётли, гумонсираш нималигини билмайдиган, ишонувчи ё жондан кечувчи, севувчи ё ўлдирувчи, энг олий саодатдан аста-секинлик билан залоят ботқоғига фарқ бўлишни билмайдиган мард одам эди.

Қисқаси, бу оёғига арқондан тўқилган кафш, бошига мовут қалпоқ кийган Отелло эди, — охири фожа билан туташ мумкин бўлган пьесанинг биринчи пардасида у айнан шундай қиёфада намоён бўлади...

Лекин китобхон, қувноқ яйраб турган куйга бундай қайғули оҳангни олиб киришнинг, беғубор чароғон осмонда ваҳимали чақмоқ шуъласини ёқишнинг, ушбу бинойидек манзарага ҳаяжонли чизғилар беришнинг нима ҳожати бор, деб сўраши мумкин.

Бунинг сабабини ҳозир билиб оласиз.

## VIII б о б

## УЧБУРЧАКЛИ ШЛЯПА КИЙГАН ОДАМ

Октябр ойи эди. Кундузги соат иккилар пайти.

Жоме кўнғироғи одамларни ибодатга чорларди. Бу, демак, шаҳардаги барча казо-казолар тушлик қилиб бўлишган.

Бундай пайтда аҳли дин меҳроб қаршисига йўл олар, аҳли фуқаро, хусусан, эрталабдан хизматда бўлган (масалан, ҳокимият ходимлари)лар тушликдан сўнг бир оз мизғиб олиш учун ўз хобхоналари сари равона бўлишарди.

Мана шунинг учун ҳам жазирама иссиқ паллада олий насаб сеньбор коррехидорнинг бир ўзи фақат альгвасил<sup>1</sup> кузатувида сайр қилгани бемаврид йўлга чиққани ажабланарли ҳол эди. Бу одамнинг коррехидор эканлигига шубҳа йўқ эди, зеро бошига қозондай келадиган каттакон учбурчакли шляпа, эгнига тўқ-қизил рангли бежирим плаш кийганлиги боис уни на кундузи ёруғда,

<sup>1</sup> А л г в а с и л — полициячи.

на кечаси қоронгида ҳеч бир кимсага ўхшатиб бўлмасди. Қолаверса, унинг ташқи қиёфасидаги яққол кўзга ташланувчи фақат ўзигагина хос хусусиятлар ҳам уни бошқалардан доим фарқ қилиб турарди...

Сеньор коррехидорнинг гайриоддий ташқи қиёфаси масаласига тўхталадиган бўлсак, одамларнинг айтишича, унинг қомати сал букчайган экан... ҳарҳолда, Лукас амакиникига нисбатан кўпроқ букчайган, дейишади... уни деярли букри дейиш мумкин экан. Боз устига, паст бўйли, рамақижон, ранги заҳил, оёқлари тақа мисол қийшиқ, юганида икки томонга чайқалиб юраркан (бу ўринда “у икки оёғига оқсайди” деган туғуруқсиз иборани қўллаш мумкин). Лекин нақл қилишларича, унинг йирик-йирик қора кўзларидан ғазаб ва нафрат, риёсатпарастлик ва шаҳватпарастлик учқунлари чақнаб турар, юз тузилиши бинойидек бўлса ҳам, лекин ҳам олдинги, ҳам жағ тишлари тўкилиб кетганлигидан афти буришган экан. Аммо юзининг нозик бичимлиги унинг юксак эзгу фазилат соҳиби эканлигидан эмас, балки, аксинча, муғамбирлик ва ёвуз ният макони эканлигидан далолат бераркан, коррехидордаги оқсуяклик билан шаҳватпарастлик омухта бўлган виқор унинг узоқ ёшлик йилларида, оёқлари қийшиқ, қадди букур бўлишига қарамай, аёллар кўнглини кўп овлаганлигидан далолат бериб турарди.

Дон Эухенио де Суньяга-и-Понсе де Леон (жаноб коррехидорнинг исми шундай эди) Мадридда зодагон оиласида туғилган эди. Ёши эллик бешларга бориб қолган бўлиб, бундан тўрт йилини биз тилга олган шаҳарда коррехидорлик лавозимида ўтказганди. У мазкур шаҳарга келган йилиёқ шу ерли машҳура бир сеньорага уйланиб олган эди — бу сеньора ҳақида биз мавриди келганда гапирамиз.

Дон Эухенионинг ҳалпиллаган тўқ-қизил плаши унинг оқ рангли пайпоғи билан тилла тўқали қора бошмоғидан бошқа ҳаммаёғини беркигиб турарди. Бироқ очиқ далада ҳавонинг тафти зўрайди-ю, у эгнидаги плашини ечишга мажбур бўлди. Энди биз унинг эгнига батисдан тикилган серҳашам бурма ҳошия ёқали кўйлак, яшил новда гулли гуррак рангли камзул, қора шойидан тикилган калта иштон кийганини кўрамиз; у қўлига попукли дурбош асо ушлаб, белдаги камарига банди ўйма нақшли кумундан бўлган калта найза қилич, похол рангли юмшоқ юпқа теридан тикилган бир жуфт қўлқоп қистирган эди — одатда, бу қўлқоп ҳеч маҳал кийилмас, фақат юксак мартаба рамзи сифатида хизмат қиларди.

Коррехидордан йигирма қадамча орқада уни кузатиб келаётган альгвасилнинг исми Гардунья<sup>1</sup> бўлиб, исми жисмига монанд эди. Бу озгин, питтрак, кўзлари бежо, жирканч башарали, бўйни узун, қўллари қамчин мисол одам айна пайтда ҳам жиноятчиларни искаб қидирувчи искович итга, ҳам шу жиноятчиларни боғловчи арқонга, ҳам улар осиладиган дорга ўхшаб кетарди.

Гардуньяга назари тушган энг аввалги коррехидор, бир қарашдаёқ: “сендан ҳақиқий альгвасил чиқали”, деб башорат қилган экан. Мана, шундан бери у ҳозир тўртинчи коррехидорнинг қўлида альгвасил бўлиб хизмат қилапти.

Гардунья қирқ саккиз ёшда эди; у ҳам бошига учбурчакли шляпа (лекин хўжайининикига нисбатан анча чоғроқ), эгнига қора плаш, оёғига қора пайпоқ кийган — умуман, бошдан-оёқ қора либосда эди, қўлидаги мансаб таёқчасининг попути йўқ эди, қилич-найза ўрнига у сихга ўхшаш бир нима тақиб олган эди.

Боғлардаги тасқарани эслатувчи бу бошдан-оёқ қора кийинган одам тўти мисол ола чипор кийинган хўжайинининг соясига ўхшаб кетарди.

## IX б о б

### ХИХ, ЖОНИВОР!

Коррехидор билан унинг малайи ўтган ерларда деҳқонлар дарҳол ишларини ташлаб, икки букчилик таъзим қилардилар, — лекин ҳурмат юзасидан эмас, қўрққанларидан шундай қилардилар, кейин, улар ўғиб кетишгач, ўзаро пичирлашардилар:

<sup>1</sup> Гардунья — бу испанча сўзнинг таржимаси — сасиққузан.

— Бугун сеньор коррехидор сенья Фраскита хузурига барвақтроқ йўл олиб-дими-а?

— Ҳа, барвақтроқ... яна ёлғиз ўзи! — деб қўшилишарди коррехидорнинг бундай зиёратта жамоа бўлиб чиқишини кўришга одатланган бошқа деҳқонлар.

— Менга қара, Мануэль: нега сеньор коррехидор бугун наварралик жувоннинг олдига ёлғиз ўзи кетяптигиди-а? — деди эрининг орқасига эшакка мингашиб олган деҳқон аёл эрига юзланиб.

Шундай деб туриб, у эрининг биқинига маънодор бармоқ ниқтаб қўйди.

— Бемаза гапни қўй, Хосефа! — деди оққўнгил деҳқон. — Сенья Фраскита сен ўйлаган аёллардан эмас, у ҳеч маҳал...

— Менам ҳеч нарса дётганим йўқ... Лекин коррехидор наварралик хонимга ошиқу шайдо бўлиб қолганга ўхшайди... Айтишларича, тегирмонга зиёратга борувчи аслзодалар ичида фақат шу мадридлик хотинбознинг нияти бузқмиш...

— Унинг хотинбоз эканлигини сен қаяқдан билдинг? — деб суриштирди эри.

— Ўзим-ку, билмайман... Илло қўнглинг тўқ бўлсин! Агар у менга бирон қочириқ гап айтгудек бўлса, коррехидор-поррехидорлигига қараб ўтирмай, бошлаб танобини тортиб қўйган бўлардим.

Бу гапни айтган аёл худди маймундек тасқара эди.

— Қўй бу гапларни, жонгинам! — деди Мануэль. — Лукас амаки унақа одамлардан эмас, у ҳеч қачон йўл қўймайди... Сен унинг жаҳли чиққан пайтида кўрмабсан!

— Мабодо Лукас амакининг ўзи монельлик қилмаса-чи? — деб сўради Хосефа хола, мугамбирона кўз қисиб.

— Лукас амаки диёнатли одам, — деди эр, — диёнат кишиси ҳеч қачон бундай бемаънилик қилмайди.

— Ҳа, бўлса бордир... Ҳоваласи худога! Агар сенья Фраскитанинг ўрнида мен бўлганимда...

— Хих, жонивор! — деди эр эшагига, гапни бошқа мавзуга буриш мақсадида.

Эшак йўрға чиқариб пилдираб кетди-ю, биз эр-хотиннинг яна нима ҳақда гапиришганини эшитолмай қолдик.

## Х б о б

### ТОК СЎРИСИ УСТИДА

Деҳқонлар сеньор коррехидорга таъзим қилишиб, ўзаро пичирлашаётган пайтда сенья Фраскита бир қўлига челақ, бир қўлига супурги олволиб, шийпончанинг сахнини супурар ва бу ердаги беш-олтита стулни токнинг сояси тушиб турган ерга териб қўяр, Лукас амаки эса, сўрининг тепасига чиқиб олиб, фарқ пишган узум бошларини узиб, саватга солар эди.

— Ҳа, ҳа, Фраскита! — дерди Лукас амаки тепадан туриб. — Сеньор Коррехидор сенга хуштор бўлиб қолган, унинг нияти бузуқ кўринади...

— Мен бунга сенга қачондан бери айтаман, — деди шимолда ўсган хоним. — Қўй, парво қилма! Ҳой, Лукас, эҳтиёт бўл, тагин йиқилиб тушма!

— Қўрқма. Мен маҳкам жойлашиб олганман... Яна сен унга шунийчун ёқсанки...

— Бас қил! — деб эрининг сўзини бўлди сенья Фраскита. — Кимга ёқиш, кимга ёқмаслигимни ўзим яхши биламан! Ҳали худо хоҳласа, нима учун сенга ёқмаслигим сабабини ҳам билиб оламан!

— Ана холос! Шуниям билмасмидинг? Ахир, сен фирт бадбашарасан-ку... — деди Лукас амаки.

— Ҳей, оғзингга қараб гапир! Агар жаҳлим чиқса, олдинга чиқиб, сени ерга улоқтиришга кучим етади...

— Агар чиқсанг, бу ердан тушолмайсан — сени шу ернинг ўзида еб қўяман.

— Топган гапингни қара-ю! Агар хушторларим келиб қолиб, иккаламизни

тепада турганимизни кўришса, сўри бошида нима қилиб юрибди бу маймунлар дейишмайдими?

— Гапинг тўғри. Сен чинданам маймунсан, фақат энг дилбар маймунсан, мен ҳам ўз букрим билан маймунга ўхшаб кетаман.

— Букринг менга жудаям ёқади...

— Унда, коррехидорнинг букрини янаям кўпроқ ёқтирсанг керак, унинг букри меникидан каттароқ...

— Ҳа, бўлги, бўлги, сенъор дон Лукас! Рашк қилиш ҳам эви билан-да!

— Ким? Мен рашк қиларканманми? Уша қари фирибгарга-я? Аксинча, унинг сенга хуштор бўлганидан хурсандман.

— Нимага энди?

— Нимагаки, унинг хушторлик қилиши ўзи гуноҳ. Мана шу гуноҳи — менинг қасосим. Ахир, сен уни ҳеч қачон севмайсан-ку! Ҳозирча сенинг ҳақиқий коррехидоринг менман!

— Ол-а! Ургилдим сендақа шуҳратпарастдан! Сен уни севиб қолганимни бир тасаввур қилиб кўр... Дунёда нималар бўлмайди...

— Бундан мен унчалик куюнмайман...

— Нега?

— Негаки, унда сен меники бўлмайсан; ҳамонки менинг тасаввуримдаги аёл бўлмас экансан, унда жинлар сени қай кўйга солсалар ҳам менга бари бир!

— Хўп, майли, агар шундай бўлса, сен нима қилган бўлардинг?

— Менми? Қаяқдан билай?.. Ахир, мен ҳам ўшанда ҳозирги Лукас бўлмай, бутунлай бошқа одам бўлиб қолардим-да. Мен буни ҳатто тасаввур ҳам қилуяман...

— Нимага энди бошқа одам бўлиб қоларкансан? — деб суриштиришда давом этди сенъя Фраскита; у энди супургини ташлаб, икки қўлини белига қўйганча, бошини кўтариб, эрига қараб турарди.

Лукас амаки гўё биронта теран фикр қовлаб чиқармоқчи бўлгандай, энсасини қашлади ва охир-оқибат, мутлақо жиддий, доно гапларни гапира кетди:

— Шунинг учун бошқа одам бўлиб қоламанки... ҳозир мен сенга худди ўзимга ишонгандай ишонаман. Мен умрбод шу ишонч билан тирикман. Бинобарин, сенга ишонмай қўйиш — мен учун ўлим билан баробар. Унда мен мутлақо бошқача яшаган бўлардим. Назаримда, гўё бошқатдан дунёга келгандай, мутлақо бошқа қалб билан туғилгандай бўлардим! Билмайман, ўшанда сен билан қандай муносабатда бўлардим... Балки қаҳ-қаҳ уриб кулиб, орқамга ўгирилиб кетаверармидим... Эҳтимол, сени танимаганга олармидим ўзимни... Ё балки... Э, нима бўлди ўзи менга? Нима кераги бор шу диққинафас гапларни? Менга деса, дунёдаги жамики коррехидорлар ошиқ бўлмайдими сенга! Ахир, сен менинг Фраскитамсан-ку!

— Сеникиман, маймуни, сеники! — деди наварралик жувон қотиб-қотиб куларкан. — Мен — сенинг Фраскитангман, сен — менинг азиз Лукасимсан, менинг ҳақиқий тасқарамсан. Лекин сендан яхшироқ, сендан ақллироқ одам йўқ мен учун дунёда, сени мен шунақа севаманки... Қани, пастга тушиб кўргин, биласан қанақа севишимни! Биқинингга ниқтайвериб, ҳаммаёнингни чимчилайвериб, моматалоқ қилиб юборай! Вой! Секин! Кўрясанми? Коррехидор келяпти уйимизга, яна ёлғиз ўзи... Ҳалитдан-а!.. У бир нимани кўзлаб келяпти... Бояги гапинг тўғрига ўхшайди!..

— Тўхта — бу ердалигимни унга айтма. У мени ухлаб ётибди, деб ўйлаб сенга севги изҳор эта бошлайди, мени гўсхўр қилмоқчи. Қани, эшитайликчи, нималар деркин сенга. Мен уни бир майна қилмоқчиман.

Лукас амаки шундай деб туриб, ўзи узган бир сават узумни хотинига узатди.

— Зўр томоша бўлади! — деди Фраскита ва яна хандон ташлаб кулди. — Вой яшшамагур мадридлик-е! Наҳотки, у менга ҳам ҳукмини ўтказаман, деб ўйласа? Мана, ташриф буюрдилар жаноблари... Гардунья ҳам албатта соядек изма-из эргашиб келган бўлса керак, у биронта пасқам жойга биқиниб олган кўринади. Вой, суллоҳ-е! Узингни панага ол, роса мириқиб куладиган бўлдик, ҳали кетганидан кейин!..

Соҳибжамол наварралик хоним шундай деб, Андалузия аёлларининг шўх бир қўшиғини куйлай бошлади.

## Х И Б О Б

### ИЗҲОРИ ИШҚ

— Сени само ўз паноҳида асрасин, Фраскита!.. — деди шийпончага оёқ учида кириб келган коррехидор оҳиста овоз билан.

— Сизни ҳам, сеньор коррехидор! — деб лоқайд кайфиятда жавоб қайтарди Фраскита унга қайта-қайта таъзим қилар экан. — Нечук бутун жуда барвақт келибсиз? Тагин яна шунақа жазирама иссиқда! Қани, ўтиринг, жаноби олийлари... Мана бу ёққа, бу ер салқин. Нима учун, жаноби олийлари, бошқа улфатларни кутмай келавердингиз? Мен, мана, ҳаммаларига жой тайёрлаб қўйган эдим... Бутун биз сеньор епископнияем кутаётган эдик — у киши менинг Лукасимга, чиллаки узумингдан татиб кўрмоқчиман, деб сўз берган эканлар. Хўш, ўзингиз яхшимисиз, жаноби олийлари? Рафиқангиз соғ-саломатми?

Коррехидор довдираб қолди. У сенья Фраскита билан ёлғиз ўзи суҳбатлашаётган эди, бу унинг азалий орзуси эди! Бу учрашув ҳам, бу суҳбат ҳам унга гўё туш кўраётгандай бўлиб туюлди.

— Унча барвақт эмас... Ҳозир соат уч ярим бўлди чоғи... — Коррехидорнинг тошган жавоби шу бўлди, холос.

Шу маҳал тўти қуш қулоқни қоматга келтиргудек чинқириб юборди.

— Ҳозир соат иккидан чорак ўтди, — деди наварралик жувон мадридлик коррехидорнинг юзига тик қараганча.

Коррехидор худди жинойт устида қўлга тушган одамдай лол бўлиб қолди.

— Нима, Лукас ухлайптими? — деб сўради у ниҳоят.

— Вой, бўлмасам-чи! — деб жавоб қилди сенья Фраскита. — Ҳар куни бунақа пайтда у дуч келган ерда, ҳатто тубсиз жар ёқасидаям гафлат босиб ухлаб қолаверади.

— Унда, яхши... сен уни уйғотма, ухлайверсин!.. — деди қари коррехидор ранги яна ҳам кўпроқ бўзариб. — Сен, азизам Фраскита, айтмоқчи бўлган гапимни эшит... яхшилаб эшит... қани, берироқ кел... Ўтир! Сента айтадиган анча-мунча гапим бор.

— Мана, келдим, ўтирдим, — деди тегирмончининг хотини курси олиб, уни шундоққина коррехидорнинг рўпарасига қўйиб ўтираркан.

Фраскита ўтирган заҳоти оёқларини чалиштирди, гап тинглашга тайёр бўлгандай бўйнини бир оз олдинга чўзиб, юзини кафтига тиради; у лабларида табассум билан, навниҳол, дилбар ҳуснига ҳусн қўшиб турган бешта мафтункор кулгичига жон киритиб, бошини аста ликиллатганча, жаноби олийларининг дил изҳорини кута бошлади.

Бечора коррехидор бир нима демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, лекин қаршисидаги бу маҳобатли латофатга, бу малоҳат ва жозиба уммонига, бу оппоқ бадан, шукӯҳли табассум, офатижон кўм-кўк кўзлар соҳибасига маҳлиё бўлганча оғзи очилиб қолди; қаршисида гўё буюк Рубенс чизган расмдаги аёл ўтиргандай эди.

— Фраскита!.. — ҳазин овозда гўлдиради ниҳоят коррехидор, унинг ҳаяжондан қора терга ботган, сўлғин чеҳраси тамомила саросимага тушганди. — Фраскита!

— Ҳа, мен Фраскитаман! — деди Пиреней қизи. — Хўш, нима дейсиз?

— Хоҳлаган нарсангни айт — бажо келтираман... — деди чол гоятда назокатли оҳангда.

— Нима хоҳлашимни, — деди тегирмончининг хотини. — Жанобим яхши билдилар. Мен Эстельяда яшовчи жиянимни шаҳар маҳкамасига котиб қилиб ишга тайинлашингизни хоҳлайман... Хилват қишлоқда яшаш бояқишга қийин бўляпти.

— Сента айтувдим-ку, Фраскита, бу мумкин эмас, деб. Зеро, ҳозир ишлаб турган котиб...

- Ҳозир ишлаб турган котиб — қаллоб, майпарасти, фирт хайвоннинг ўзи!
- Биладан... Илло мансабдор рехидорлар ичида унинг суянчиқлари кўп. Янги котибни ишга тайинлаш учун эса, албатта шаҳар кенгашининг розилигини олишим керак. Шундай қилмасам, балого қоламан...
- Балого қоламан!.. Балого қоламан!.. Лекин мана бизлар сиз жаноби олийларини деб ҳар қандай балого рўбарў келишга ҳам тайёрмиз... Нафақат мен билан Лукас, бутун уй ичимиз, ҳаттоки муштумизгача жон таслим қилишга тайёр.
- Шундай қилсам мени яхши кўриб қоласанми? — дея дудуқланиб гўлдиради коррехидор.
- Мен шундоғам яхши кўраман жаноби олийларини.
- Ўтинаман, менга бундай сертакаллуф бўлма! Фақат “сиз” деб ё кўнглинг хоҳлаган бошқа одмироқ гап билан мурожаат қилавер. Демак, мени яхши кўрасан-а?
- Айтдим-ку, сизни яхши кўраман, деб.
- Лекин...
- Лекин-пекини йўқ. Ҳали ўзингиз кўрасиз, жияним бирам дилбар, бирам яхши йигитки!..
- Дилбарликда сендан ўтадигани йўқ, Фраскита!..
- Сизга ёқаманми?
- Ёққанда қандоқ!.. Сендай соҳибжамол дунёда йўқ!
- Рост, бунинг ажабланадиган ери йўқ, — деди сенья Фраскита енгини шимариб, кўлини тирсагигача очиб кўрсатаркан; унинг нилуфардек оппоқ кўли худди мумтоз хайкалдагидек мутлақо бекусур эди.
- Ёқаманми, деб секинроқ сўрайсанми... — деб гапида давом этди коррехидор. — Мен доим — кечаю кундуз, ҳамма ерда, ҳаммиша фақат сен ҳақингда ўйлайман!..
- Ие... Бундан чиқди, рафиқангизни ёқтирмас экансиз-да? — деб сенья Фраскита шундай ясама аянч билан сўрадики, ҳатто ваҳима касалига мубтало бўлган одам ҳам эшитса, шарақлаб кулиб юборарди. — Эссиз! Менинг Лукасим хобхонангиздаги соатни тузатаётганида хотинингизни кўрган, ҳатто у билан суҳбатлашиш бахтига ҳам муяссар бўлган экан. Эрим уни жуда чиройли, сазоватли ва хушфёъл аёл, деб айтди.
- Ол-а... — деб тўнгилади коррехидор, мақтов гапни ёқтирмагани овозидан аниқ сезилиб турарди.
- Рост, — деб гапида давом этди тегирмончининг хотини, — бошқа одамларнинг айтишича, у жуда бадфёъл, ўлгудек рашкчи экан, ундан кейин, сиз хотинингиздан худди асроилдан кўрққандай кўрқмишсиз...
- Бе, қаяқда... — деб эътироз билдирди лавлагидек қизариб кетган дон Эухенио де Суньяга-и-Понсе де Леон. — Жуда оширворишбди! Тўғри, унинг ҳам ўзига яраша инжиқлик, тантиқликлари бор... Лекин хотинимдан мен ҳеч қачон кўрққан эмасман! Ахир мен коррехидорман!..
- Лекин бари бир, айтинг менга, хотинингизни севасизми ё йўқми?
- Ҳозир айтаман... Мен уни жуда севаман... аниқроғи, севардим... то сени билмагунимча. Илло сени кўрганимдан бери, тинчим йўқолди, менга нима бўлаётганини айтолмайман, хотиним ҳам, сенга бир бало бўлганга ўхшайди, деб сезяпти. Сенга шуни айтишим кифояки, ҳозир... масалан, хотинимнинг юзини силасам, ўз юзимни силагандек бўламан... Хуллас, биласанми, мен энди севмайман хотинимни, унга нисбатан ҳеч қандай ҳиссиёт қолмади менда... Лекин сенинг шу нафис қўлчангга, шу тирсақчангга, шу яноқларинг, шу қадди-қоматингга қўл теккизишим учун бутун оламни бахшида қилган бўлардим сенга.
- Коррехидор шундай деб туриб, сенья Фраскитанинг оппоққина билагидан ушлаб олишга жазм қилди; лекин аёл ўзини йўқотмади ва фил хартумининг кучи бўлган кўли билан коррехидорнинг кўкрагидан итариб юборди, жаноби олийлари стул билан бирга умбалоқ ошиб йиқилиб тушди.
- Ё муқаддас биби Марям! — деди наварралик аёл қотиб-қотиб куларкан.
- Афтидан, оёғи синиқ стулга ўтирган экансиз-ов...
- Нима бўлди? — деб қичқириб юборди шунда Лукас амаки ўзининг бадбашара афтини ток барглари орасидан кўрсатиб.



Коррехидор ҳамон йиқилган ерида ётаркан, гўё булутлар орасидан мўра-лаётгандек туюлган одам башарасига бақрайиб қолган эди.

— Нима бўларди? — шоша-пиша жавоб қилди сенья Фраскита. — Сеньор коррехидор стулни сурмоқчи бўдилар, шекилли, чайқалиб кетиб, йиқилиб тушдилар.

— Ё Исо масих! — деб юборди тегирмончи. — Бирон ерингиз лат емади-ми, жаноби олийлари? Нима дейсиз, сизни сирка билан уқалаб қўйсамми-кин-а?

— Йўқ, йўқ, ҳеч нима қилгани йўқ, — деди коррехидор инқилаб-син-қилаб ўрнидан тураркан ва сенья Фраскита эшитадиган қилиб пичирлаб қўйди:

— Ҳали кўрасан мендан!

— Сиз, жаноби олийлари, мени бир ўлимдан асраб қолдингиз, — деди Лукас амаки сўри устида ётган еридан. — Буни қара-я, хотин, мен буёққа бачки новдаларни юлиб ташлагани чикувдим, лекин, нима бўлди-ю, бирдан гафлат босиб, пинакка кетиб қолибман. Яхшиям, сиз, жаноби олийлари йи-қилиб тушиб, уйғотиб юбордингиз мени, бўлмаса, худо кўрсатмасин, уйқи-сираб, бу нозик новдалар орасидан йиқилиб тушармидим... бошим тошга ури-либ ёрилармиди.

— Ҳа, шунақа дегин! — деди коррехидор. — Ундай бўлса, Лукас, мен хурсандман... хурсандман йиқилиб тушганимдан... Лекин сен кўрасан ҳали мен-дан! — дея такрорлади у тегирмончининг хотинига ўтирилиб.

Коррехидор бу сўзларни шундай босиқ ғазаб билан гапирдики, уни эшит-ган сенья Фраскитанинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди.

Аввалига коррехидор, Лукас ҳамма гапимни эшитибди-да, деб қўрқиб кет-ганди, лекин кейин бундай бўлмаганлигини пайқагач (Лукаснинг ясама ло-қайдлиги бу қари тулкидан айёроқларни ҳам лақиллатиши мумкин эди), яна ғазаб отига миғиб, сенья Фраскитадан ўч олиш режасини туза бошлади.

— Ҳа, бўлпти! — деб қичқирди тегирмончининг хотини. — Тезроқ бу ёққа тушиб, жаноби олийларининг кийимини қоқиб тозалашга ёрдам бер менга. Қара, ҳаммаёқлари тупроқ бўлди.

То Лукас амаки сўридан тушиб бўлгунча, сенья Фраскита ўзининг пеш-банди билан коррехидорнинг камзулидаги чангни қоқаркан, аста қулоғига шивирлади:

— У ҳеч нимани эшитмаган... Ўзи у бир ухласа тош қотиб ухлайди...

Сенья Фраскитанинг бу сўзлари, ундан ҳам кўра, уларнинг сирли оҳангда айтилгани аёлнинг коррехидор билан ҳаммаслақ эканлигидан далолат берар эдики, бу ҳол жаноби олийларининг кўнглига таскин берди.

— Вой мугамбир-е! Вой касофат-е! — деб гўлдиради дон Эухенио де Су-ньяга, ийиб кетганидан оғзидан сўлаги оқиб, лекин гижинган оҳангда.

— Жаноблари ҳалиям мендан хафамилар? — пичирлаб сўради наварралик жувон.

Жаҳолат яхши самара беришига ишонч ҳосил қилган коррехидор сенья Фрас-китага ўқрайиб қаради, лекин кўзи унинг фусункор табассумига, ўтинч ва меҳр учкунлари чақнаб турган мафтункор чиройли кўзларига тушиши билан алҳол ғазабини шафқатга айлантирди. У тиши қолмаган оғзини ўрадек очиб, тамшанганча деди:

— Буёғи энди сенга боғлиқ, маҳбубам!

Шу пайт Лукас амаки ҳам сўридан тушиб келди.

## XII б о б

### УШР ВА ПРИМИЦИЯ ЎЛПОНИ

Коррехидор ўз ўрнига қайтиб ўтиргани ҳамоно тегирмончининг хотини эрига ялт этиб қаради. Лукас зоҳиран одатдагидек хотиржам кўринса ҳам, ботинан хандон ташлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди. Сенья Фрас-кита дон Эухенионинг паришонхотирлигидан фойдаланиб, Лукасга фазойи бўса йўллади, сўнг ҳатто Клеопатранинг ҳам ҳавасини келтирувчи ғоятда на-зокатли овоз билан деди:

— Энди, жаноби олийлари, менинг узумимдан татиб кўринг!

О, бу гапни айтаётган наварралик жувон ҳозир жудаям очилиб кетган эди... Эгнига тикмачоқдек баданининг жамики жозибали жиҳатларини аниқ кўрсатиб турувчи тор кўйлак кийган бу тароватли, фусункор салобатли жувон сеҳрлангандай бақрайиб қолган коррехидорнинг қаршисида ғужумлари ферузаваши, тиниқ икки бош узумни яланғоч қўлларида боши узра кўтариб тураркан, илтижолли нигоҳ билан мафтункор табассум қиларди.

— Узумимиздан ҳали сеньор епископ татиб кўрмадилар... Бу чилаккли нав энди пишди...

Шу пайт саҳнига силлиқ тошлар тўшалган шийпончага шу ерли қавмларнинг муҳтарам епископи адвокат-академик, кексайиб қолган икки католик руҳоний, ўз котиби, яна икки хизматкори ва икки пажи кузатувида қадам ранжида қилди.

Ҳазрати бузург бу ўта кулгили ва ғоятда ажиб манзарани бир оз муҳлат кузатиб турди, сўнг ўша давр дин пешволарига хос вазмин овозда деди:

— Бешинчи хутбада... ушр ва примиция<sup>1</sup> ўлпонларини, христиан дини бизга сабоқ берганидай, муқаддас черковга тўлаш ҳақида айтилган, вале сиз, сеньор коррехидор, ҳам хўрдани, ҳам бурдани урган бандадек, ушрнинг ўзига қоникмай, яна примицияни ҳам ютиб юбормоқчи бўляпсиз.

— О, сеньор епископ! — дейишди тегирмончи билан унинг хотини ва коррехидорни қолдириб, епископнинг дуои хайрини олдига пешвоз боришди.

— Бизнинг ғариб кулбамизга қадам ранжида қилганингиз учун сиз, ҳазрати бузурга тангрим раҳнамолик қилсин! — деди эҳтиром ила Лукас амаки ва биринчи бўлиб епископнинг қўлидан ўпди.

— Кўринишингиз жуда яхши! — деди сенья Фраскита дин пешвосининг илкини Лукасдан кейин ўпаркан. — Худо марҳаматини сиздан дариф тутмасин ва сизни ўз паноҳида асрасин менинг бахтимга!

— Ҳамонки ўзинг мендан фотиҳа олиш ўрнига, мени дуо қилабошлаган экансан, билмадим, сени қандоқ дуо қилсам экан.

Шундан сўнг ҳазрати бузург икки бармоғини кўтариб, сенья Фраскитани, сўнг қолганларини ҳам дуо қилди.

— Марҳамат қилсинлар, ҳазратим, мана сизга примиция! — деди коррехидор сенья Фраскитанинг қўлидан бир бош узумни олиб, уни епископга илтифот ила узатаркан. — Мен ҳали уни татиб кўрганим йўқ...

Коррехидор бу сўзларни айтар экан, тегирмончининг эсни олар даражада гўзал хотинига густоҳона ўқрайиб қараб қўйди.

— Бу узумни, масалда айтилганидек, хом деб татимадингизми, дейман? — деб луқма ташлади академик.

Епископ эътироз билдирди:

— Масалдаги узум, аслида хом бўлмаган, сеньор лицензиат, унга тулкининг бўйи етмаган эди, холос.

Академик ҳам, епископ ҳам коррехидорни ранжитмоқчи эмас эдилар, лекин икковларининг қочириви тўғри нишонга бориб теккан эди. Дон Эухенио де Суньеганинг ранги ғазабдан бўзариб кетди ва дин пешвосининг қўлини ўпаркан деди:

— Нима, сиз мени тулки деб ҳисобляяпсизми, ҳазрати бузург?

— Tu dixisti<sup>2</sup>, — деб жавоб қилди епископ авлиёларга хос жиддий мулойимлик билан. — Excusatio non petita, accusatio manifesta. Qualis vir, talis oratio<sup>3</sup>. Илло: satis jam dictum, nullus ultra sit sermo<sup>4</sup>. Маъниси бир. Бас, лотинчага барҳам берайлик-да, эътиборимизни ушбу ажойиб неъматга қаратайлик.

<sup>1</sup> У ш р в а п р и м и ц и я — ушр — ҳосилнинг ўндан бири миқдоридаги солиқ; п р и м и ц и я — энг биринчи ҳосилдан тўланадиган ўлпон.

<sup>2</sup> Худди шундай (лот.).

<sup>3</sup> Кутилмаганда ўз-ўзини оқлаш — айбдорлик аломати. Одамнинг нутқи ўзига ўхшаган бўлади (лот.).

<sup>4</sup> Кўп гапирвордик, мунозарани бас қилайлик (лот.).

Шундай деб у... коррехидор узатган узум бошидан... бир донагина гужумни узди.

— Узум ғоятда гўзал! — деди епископ уни ёруққа тутиб томоша қилгач, шу заҳоти ўз котибига узатаркан. — Афсуски, менга тўғри келмайди!

Котиб ҳам узум бошини қўлида айлангириб кўрди ва мақтанмоқчи бўлгандай тамшаниб қўйиб, уни хизматкорга узатди.

Хизматкор епископнинг ҳаракатига ва котибнинг тамшанишига тақлид қиларкан, берилиб кетиб, ҳатто узумни ҳидлаб ҳам кўрди, лекин кейин... уни аста авайлаб саватта солиб қўйди-да, худди узр сўраётгандек қўшиб қўйди:

— Ҳазрати бузург рўзалар.

Шундан кейин ҳамма ўтирди: кузнинг ёгин-сочинсиз қуруқ келгани ҳақида гапиришди, Австрия билан Наполеон ўртасида уруш бўлиши мумкин, деб мулоҳаза юритишди ва ҳаммалари, император қўшинлари ҳеч қачон Испанияга бостириб кирмайди, деган тўхтамга келишди; адвокат нотинч, оғир замонлар келганидан зорланиб, оталари ўтган дориломон даврга ҳавас қилди. Тўти қичқириб, соат беш бўлганидан дарак берди, шунча кичик ёшли паж епископнинг ишораси билан, унинг коляскаси томон югуриб кетди ва бир соатгина бурун печдан олинган ажойиб ёвғон пирогни кўтариб келди. Шийпончанинг ўртасига муъжазгина стол олиб келиб қўйишди, пирогни бир хил бўлақларга бўлиб кесишди. Ҳамма битгадан бўлак олди. Лекин Лукас амаки билан сенья Фраскита истиҳолага бориб, анчагача тортинчоқлик қилиб туришди. Шундан сўнг деярли ярим соат мобайнида ботаётган қуёш нурини тўсиб турган тоқнинг соясида чинакам демократик тенглик ҳукм сурди...

### XIII б о б

## ҲАММАЛАРИ БИР ГҮР

Бир ярим соатдан кейин ҳамтовоқлар энди шаҳарга қайта бошладилар.

Сеньор епископ ўз муқарриблари билан шаҳарга ҳаммадан олдин етиб келди (зеро, у коляскада эди) ва келган заҳоти кечки ибодатга киришди. Биз уни шу ибодаттоҳда қолдирамыз.

Машҳур адвокат (чўпдай ориқ) билан икки руҳоний (бири-биридан бўрдоқироқ ва бақалоқроқ) коррехидорни ҳомикият маҳкамаси эшпигигача кузатиб қўйдилар (жаноби олийлари, айтишларича, ҳали яна ишламоқчи эканлар), кейин ўзлари гўё бахрийлар сингари юлдузларга қараб ёки кўр одамлардай деворларни ушлаб-ушлаб (зеро, ҳаммаёқ зим-зиё, ҳали ой чиқмаган, кўча чироқлари эса, асримиз маорифи сингари зиёга зор эди) уйларига равона бўлдилар.

— Бизлар жуда ўйинқароқ бўлиб кетдик! — дейишарди адвокат билан иккала руҳоний. — Шу бемаҳалда кириб борсак, уйдагилар нима дейишади ҳали?

— Уни айтасиз... Шу зулмат тунда кўчада деворларни пайпаслаб юрганимизни кўрган кишилар нима деб ўйлашаркин?

— Йўқ, чек қўйиш керак бунга...

— Ҳа! Ҳа!.. Лекин лаънати тегирмон оҳанрабодек жалб қилиб тургандан кейин...

— Хотинимнинг жонига тегди бу тегирмон... — деди академик, галванинг конига кетаётганидан чўчиб тургани унинг овозидан сезилиб турарди.

— Менинг қиз жияним бўлса, — деди руҳонийлардан бири, — дин пешвосининг ғийбатчи аёлникига ўтиришга бориши гуноҳи азим, дейди.

— Лекин шунга қарамай, — деб гапга аралашди иккинчи руҳоний, — тегирмон мутлақо беқусур, ҳузурбахш жой...

— Секинроқ айтасизми, ахир, кимсан ҳазрати бузург ҳам у ерга қадам ранжида қилиб турадилар-ку!

— Вале, сеньорлар, бизнинг ёшимизга муносибмикан шу ташрифлар! — деди руҳоний ота. — Кеча мен етмиш беш ёшга тўлдим.

— Тушунарли! — деди ваъзгўй ҳазрат. — Келинлар, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик. Бутун донья Фраскита жудаям очилиб кетибдими?..

— Ҳа... очилиб кетибди, чаккимас, — деди адвокат ўзини лоқайд ва бепарвадай қилиб кўрсатишга уринаркан.

— Ҳурилиқо... — деди руҳоний ота плашига ўранар экан.

— Ким бунга шубҳа қилса, — деб илиб кетди ваъзгўй ҳазрат, — коррехидордан сўраб кўрсин...

— Шўрлик ошиқ бўлиб қолган у аёлга!

— Мен ҳам шу фикрдаман! — деди муҳтарам руҳоний ота.

— Бўлмасам-чи! — деб яқун ясади суҳбатга академик. — Энди, сеньорлар, мен бу томонга буриламан, буюқдан уйимга анча яқин. Яхши туш кўриб ётинглар.

— Хайрли тун! — дейишди унга руҳоний оталар.

Улар анча ергача сукут сақлаб боришди.

— Тегирмончининг хотини бунинг ҳам жигар-бағридан урган, — деб гўлдиради ваъзгўй ҳазрат руҳоний отанинг биқинига тирсаги билан туртиб кўяркан.

— Секинроқ айтасизми! — деб жавоб қилди руҳоний ота ўз уйи эшиги олдида тўхтаб. — Қаранг-а, бу бадбахтни! Хўп, азизим, хайр, эртага кўришгунча. Ишқилиб, еган узумингиз эм бўлсин.

— Худо халлоқ Хайр эртагача... Яхши тушлар кўринг!

— Сизга ҳам оромбахш уйку тилайман! — деди руҳоний ота ўз эшиги остонасида туриб.

У эшикни тақиллатди.

Кўчада ёлғиз ўзи қолган ваъзгўй ҳазрат (у бўйидан кўра энига кенгроқ бўлганидан юрганида худди соққадек думалаб кетаётганга ўхшарди) аста-секин ўз уйи томон юра бошлади. У уйига етиб бормай, бир девор тагида тўхтаб, пешоб қиларкан, ўзининг ҳаммеҳроб биродари ҳақида ўйлаб ўзича гўлдиради: “Сен ҳам ёқтирасан сенья Фраскитани!.. Илло, — деб илова қилди бир лаҳзали сукутдан кейин, — филҳақиқат, жуда кетворган-да баччаталоқ!”

## XIV б о б

### ГАРДУНЬЯНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИ

Бу аснода коррехидор Гардунья кузатувида маҳкама биносининг устки қава-тига кўтарилди ва у билан мажлислар залида ўз рутбасига мос келмайдиган бир тартибда сирлашди.

— Мен ўз ишини пухта биладиган исковучман — ишонаверинг менинг ис билишимга, — деб уқтирарди мурдор аьлтвасил. — Сиз, жаноблари сенья Фраскитанинг жигаридан ургансиз. Мана энди, бор гапни айтиб берганингиздан кейин ҳаммаси кундай равшан бўлди.

— Лекин мен унча ишонмаяпман, Гардунья! — деб эътироз билдирди дон Эухенио оғир хўрсиниб кўяр экан.

— Тушунмадим, нима учун? Келинг, очик гаплашайлик. Жанобларининг... мени кечирсинлар-у, қадду-қоматда биттагина камчиликлари бор... Тўғрими?

— Ҳа, тўғри! — деди коррехидор. — Лекин Лукасда ҳам нуқсон бор-ку. Унинг букри меникидан каттароқ!

— О, секинроқ айтасизми! Анча катта! Ер билан осмонча фарқ бор! Аммо-лекин — мен нима демоқчиман — соҳибимнинг ажойиб ютуқ жиҳатлари бор, яъни айтмоқчиманки, сиз чиройлисиз... Лукас амаки бўлса... унақа бадбашара одам дунёда камдан-кам топилади.

Коррехидор мамнун жилмайиб қўйди.

— Қолаверса, — деб гапини давом эттирди аьлтвасил, — сенья Фраскита ўз жиянини ишга жойлаштириш учун жонини жабборга беришдан ҳам қайтмайди...

— Гапинг тўғри. Мен фақат шундан умидворман.

— Унда, сеньор, ишга киришайлик! Мен сизга ўз режамни сўзлаб бердим. Фақат уни амалга ошириш қолди... шу бугун тундаёқ...

— Неча марта айтдим сенга, маслаҳатингга зор эмасман деб! — дея ўдағайлаб берди дон Эухенио ўз хизматкоридан маслаҳат сўрагани бирдан эсига тушиб.

— Мен бўлсам, сизни мендан маслаҳат сўрамоқчисиз, деб ўйловдим... — деб гўдранди Гардунья.

— Учир овозингни!

Гардунья итоаткорона таъзим қилди.

— Демак, айтмоқчисанки, — деб гапида давом этди сеньор Суньига бир оз шаштидан тушиб, — шу кечасиёқ буни эпласа бўлади-а? Биласанми, ошна, тузган режанг чакки эмасга ўхшайди. Рост-да, нима ҳожати бор пайсалга солишинг? Бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши!

Гардунья сукут сақлар эди.

Коррехидор ёзув столи олдига бориб, бланкли варақча бир нечта сўз ёзди ва унга муҳр босди-да, сўнг чўнтагига солиб қўйди.

— Жиянини ишга тайинлаш ҳақидаги ҳужжат тайёр! — деркан, бир чимдим бурнаки тамакини бурнининг қавагига тикди. — Эртага бу масалада рехидорлар билан гаплашаман... Кани, тасдиқламай кўришсин-чи... кўрсатиб кўяман уларга!.. Нима дейсан, тўғри қиляпманми?

— Бўлмасам-чи! Жудаям тўғри иш қиляпсиз! — деди суюниб кетган Гардунья дастпанжасини Коррехидорнинг тамакидонига тикиб, тамаки оларкан. — Зўр бўлади! Зўр! Жанобимдан олдинги коррехидор ҳам бунақа арзимаган ишлар устида бош қотириб ўтирмай, бир зумда ҳал қилиб қўя қоларди. Бир куни у...

— Бас, кўп жаврама! — дея дўқ қилди коррехидор ва қўлидаги қўлқоп билан Гардуньянинг тамакидонга ўринча узатган қўлига уриб қўйди. — Мендан олдинги коррехидор фирт аҳмоқ бўлган; аҳмоқ бўлмаса сени альгвасил этиб тайинлармиди? Бўлди, кўп гап эшакка юк. Боя сен Лукас амакининг тегирмони бизнинг шаҳаргамас, қўшни қишлоққа қарайди, деб айтдинг... Шу гапинг аниқми?

— Жудаям аниқ! Бизнинг округ ери бутун мен сиз, жаноби олиёларини кутиб турган жарлик билан чегараланади... Жин урсин! Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда...

— Бас қил! — деб ўдағайлади дон Эухенио. — Ҳаддингдан ошяпсан!.. — У бир варақ қоғоз олиб, бир нималар ёзди, сўнг уни икки буклаб ёпиштирди-да, Гардуньяга топширди.

— Мана бу хатни ўша ўзинг айтган қишлоқ алькальдига<sup>1</sup> олиб бориб берасан. Ўз оғзинг билан унга нима қилиш кераклигини тушунтир. Кўряпсанми, мен сенинг режангдан четта чиқмаяпман! Лекин эҳтиёт бўл, тагин менга панд бериб ўтирма!

— Хотиржам бўлинг! — деди Гардунья. — Сеньор Хуан Лопеснинг гуноҳ ишлари кўп. Имзо чеккан хатингизни кўрган заҳоти ҳамма айтганларимни сўзсиз бажо келтиради. У қирол хазинасидан ҳам, жамоат омборидан ҳам қарзга анча-мунча ғалла олган. Қарзга олган эмас, ўмарган десак ҳам бўлади. Нима, у бевамиди, ё қашшоқмидики, олган ғалласини қайтармаса, ё фоизини тўламаса? У майхўр, қиморбоз, хотинбоз — аёлларга кун йўқ унинг дастидан. Бутун қишлоқни бадном қилди ярамас... Шундай бадкирдор одамга амал бериб қўйишганига ҳайронман!..

— Учир, дедим мен сенга! — деб ўдағайлади коррехидор. — Мени гапимдан адаштириб юборяпсан!.. Мақсадга ўтайлик. — Энди у мулойимроқ оҳангда гапира бошлади. — Ҳозир соат еттидан чорак ўтди... Энг аввал сен менинг уйимга бориб, бекангга айтасан: менсиз ўзи кечлик қилиб, кейин ухлайверсин. Мени бу ерда ярим кечагача ишламоқчи бўлганимни, ундан кейин сен бирга шаҳарни махфий тарзда айланиб, бадният безориларни тутмоқчи бўлганимизни айтасан... Хуллас, нима десанг де, фақат беканг мендан шубҳа қилмаса бўлгани. Анави иккинчи альгвасилга айт, менга уйдан овқат олиб келсин... Ўзим хотинимнинг кўзига кўринишга журъат этолмайман — у менинг феълимни шу қадар пухта ўрганганки, ҳатто нима ҳақда ўйлаётганимни ҳам

<sup>1</sup> Алькальд — қишлоқ оқсоқоли.

кўзимга қараб билиб олади! Яна, Хуанга айт, қовоқхонадан, ими-жимида, бир шиша оқ вино олиб келсин менга. Кейин сен қишлоққа йўл оласан. У ерга соат саккиз яримда етиб борсанг керак.

— Рошпа-роса саккизда ўша ерда бўламан! — деди Гардунья.

— Гап қайтарма! — деди жаҳл билан Коррехидор, бирдан ўзининг олий рутбали зот эканлиги эсига тушиб.

Гардунья чурқ этмай таъзим қилди.

— Демак, келишдик, — бир оз юмшаб гапида давом этди коррехидор, — роса соат саккизда сен қишлоқда бўласан. Қишлоқдан тегирмонгача... тахминан ярим миля келса керак...

— Чорак миля.

— Учир!

Альгвасил яна бош эгиб таъзим қилди.

— Чорак миля... — деб гапида давом этди коррехидор. — Бундан чиқди, соат ўнда... Маъқулми, сенингча, соат ўн?

— Йўқ, сал олдинроқ! Соат тўққиз яримда ҳожам тегирмон эшигини бемалол тақиллатсалар бўлади.

— Падар қусур! Ҳали сен менга ақл ўргатадиган бўлдингми?... Тахминимиз бўйича, сен...

— Мен ҳамма ерда ҳозир нозирман... Лекин энг асосий маконим жар бўлади. Вой! Унутаёзибман!.. Жанобим тегирмонга пиёда ва фонуссиз борсинлар...

— Илоё, маслаҳатларинг билан қўшмозор бўл! Нима, мени биринчи марта чиқяпти, деб ўйлайсанми бунақа сафарга?

— Мени кечиринг, жаноби олийлари... Дарвоқе! Яна битта гап! Сиз шийпончага очиладиган катта эшикни эмас, тегирмон нови тепасидаги эшикчани тақиллатинг...

— Ие, ҳали у ердаям эшик борми? Мен билмаган эканман.

— Ҳа, сенъор. Нов тепасидаги эшикчадан тўғри тегирмончининг хобхонасига кирса бўлади... Лукас амаки бу эшикдан кирмайдиёям, чиқмайдиёям. Мабодо у кутилмаганда қайтиб келгудек бўлса, демоқчиман-да...

— Бўлди, тушунарли... Отанг темирчи ўтганми — мунча чўздинг?

— Ва ниҳоят: жанобим тонг отмасдан қайтиб келишга ҳаракат қилсинлар. Ҳозир соат олтида кун ёришяпти...

— Ақл ўргатмасанг туролмайсан-а? Соат бешда уйда бўламан... Мана, келишиб олдик, бас энди... Йўқол кўзимдан!

— Хулласи калом, сенъор... омад тилайман! — деди альгвасил ёндамасига туриб қўлини коррехидорга чўзаркан, кўзини шифтга тикиб..

Коррехидор унинг чўзган қўлига бир песета<sup>1</sup> ташлади ва шу лаҳзанинг ўзидаёқ Гардунья, худди жин чалгандай, кўздан ғойиб бўлди.

## XV б о б

### ОДМИГИНА ХАЙРЛАШУВ

Кечки соат тўққиз эди. Лукас амаки билан сенья Фраскита уйдаги ва тегирмондаги ишларини тутатишди-да, димлаб пиширилган гўшт, кўкатлар, помидор ва бизга маълум бўлган ўша саватдаги узум ила кечлик қилишиб, бир неча қултумдан май ичишди, айни чоғда коррехидорни эслаб, қотиб-қотиб қулишди. Кейин бу эр-хотин ўз турмушидан мамнун бўлган одамлардай, бир-бирлари билан меҳрибонона кўз уриштириб, бир неча бор ҳомуза тортиб қўйиб (бу руҳлари оромда эканлигидан далолат эди), ўзаро шундай дейишди:

— Энди ётиб ухласак ҳам бўлади, эртага худо халлюқдир.

Шу пайт тегирмон дарвозаси икки марта қаттиқ-қаттиқ гурсиллади. Эр билан хотин чўчиб кетиб, бир-бирларига қарашди.

Уларнинг эшиги бундай бемаҳалда ҳеч қачон тақилламаган эди.

<sup>1</sup> П е с е т а — Испанияда пул бирлиги.

— Қани, бориб билай-чи... — деди наварралик довюрак жувон ва шийпонча томон йўналди.

— Тўхта! Бу менинг ишим! — бу гапни Лукас амаки шундай мардона виқор билан айтдики, сенья Фраскита беихтиёр унга йўл бўшатди. Сўнг Лукас орқасидан эргашган хотинига ўтирилиб, қатъий оҳангда қўшиб қўйди: — Чикма, деб айтдим сенга!

Хотин истар-истамас буйруққа итоат этиб хонада қолди.

— Ким у? — деб сўради Лукас амаки шийпончанинг ўртасига борганида.

— Одил суд! — деган жавоб эшитилди дарвоза ортидан.

— Қанақа одил суд?

— Сенбор алькальд номи билан, очинг дарвозани!

Лукас амаки, дарвоза тирқишидан мўралаб, ой ёруғида — ташқарида турган қўшни қишлоқнинг ўлгудек кўрс альгвасилини кўрди.

— Ундан кўра, арақхўр альгвасилга дарвозани оч, демайсанми! — деб қичқирди Лукас амаки дарвозасининг зулфинини четта сураркан.

— Нима десанг ҳам менга барибир... — деган овоз эшитилди ташқаридан.

— Мен сенга алькальд жанобларининг ўз қўллари билан ёзган фармонларини олиб келдим!.. Салом Лукас амаки!.. — деди у ҳовлига кираркан энди анча хушмуомалалик билан.

— Салом, Тоньюэло! — деди тегирмончи. — Қани, кўрайликчи, қанақа фармон экан... Сенбор Хуан Лопес бегуноҳ ҳалол одамларни қоронғи кечада безовта қилгандан кўра бошқа мақбулроқ вақт топса бўларди! Ҳамма айб сенда бўлса керак. Ҳали йўл-йўлакай барча экинзорларни кўз остинга олиб келгандирсан! Ҳа, бўпти. Бир стакан қўйиб берайми, ичасанми?

— Йўқ, сенбор тегирмончи, вақт тиғиз. Сиз ҳозирнинг ўзида мен билан кетишингиз керак! Фармонни ўқиб кўринг.

— Нега энди сен билан кетарканман? — деди Лукас амаки қўлида фармон билан хонага кираркан. — Ҳозир кўраимиз... Фраскита, чироқ тут!

Сенья Фраскита қўлида ушлаб турган қандайдир бир буюмни ташлаб, чироқни олди.

Лукас амаки хотини ташлаб юборган буюмга ялт этиб қаради. Бу — ҳар бир ўқи сал кам ярим қадок келадиган ўзининг каттакон мушкети эди.

Тегирмончи меҳр тўла нигоҳини мамнунлик билан хотинига қаратди ва унинг момиқ иягидан ушлаб туриб, деди:

— Жа зўрсан-да!

Сенья Фраскита худди мрамор ҳайкалдек хотиржам эди. У чироқни баландроқ кўтараркан, қуруққина деди:

— Ўқи!

Фармонда шундай дейилган эди:

“Худонинг паноҳидаги ҳукмдоримиз қирол аъло ҳазратларининг номи билан шул ерлик тегирмончи Лукас Фернандесга буюраман, ушбу фармонни олган заҳоти, бир лаҳза ҳам вақтни пайсалга солмай, дарҳол ҳузуримизга етиб келсин; шу билан бирга, уни оғоҳлантираманким, кўриладиган масала мутлақо махфий бўлганлиги сабабли, у ушбу ташрифини ҳаммадан сир тутсин, акс ҳолда, у, яъни тегирмончи қаттиқ жазога тортилгай.

Алькальд: Хуан Лопес”.

Имзо ўрнига хоч белгиси қўйилпанди.

— Вей, менга қара, бу нима ўзи? — деб Лукас амаки альгвасилдан сўради.

— Бу фармоннинг маънисини нима?

— Билмайман... — деб жавоб қилди мактаб кўрмаган жоҳил альгвасил. — Эҳтимол, биронта жодугарликни аниқлаш юзасидан терговдир ё бўлмаса, қалбаки пул ясовчилар ишидир... Лекин сизга бунинг дахли йўқ... Сизни, шунчаки, гувоҳ сифатида чақиршияпти. Очиги, мен аниқ бир нарса деёлмайман... Ҳамма гапни сенбор Хуан Лопесдан сўраб билиб оласиз.

— Яхши! Майли, унда эрталаб етиб бораман! — деди тегирмончи.

— Э, йўқ, буниси кетмайди, сенбор... Сиз ҳозирнинг ўзида, бир дақиқага ҳам кечикмай мен билан жўнашингиз керак. Сенбор алькальднинг буйруғи шундай.

Ҳамма сукутта толди.

Сенья Фраскитанинг кўзларида ғазаб учқунлари чақнарди. Лукас амаки гўё бир нима қидираётгандай, оёғи остига тикилиб қолган эди.

— Ҳеч бўлмаса, оғилга кириб, эшагини эгарлаб чиқишимга имкон бер... — деди ниҳоят, тегирмончи бошини кўтариб.

— Эшакка бало борми? — деб эътироз билдирди тартиб нозири. — Ярим миля йўлни пиёда босиб ўтса ҳам бўлади. Тун илиқ, ойдин...

— Гапинг тўғрику-я... Лекин менинг оёқларим шишиб кетган...

— Унда вақтни ўтказмайлик. Эшагингизни эгаллашга ўзим ёрдамлашвораман...

— Бе, қўйсангчи! Нима, қочиб кетади, деб қўрқяпсанми?

— Мен ҳеч нимадан қўрқмайман... — деб жавоб қилди Тоньюэло тошбағир одамларга хос совуққонлик билан. — Мен одил суд вакилиман.

Шундай деб у плаши ичига яширган милтигининг қўндоғини “турс” этиб ерга урди.

— Менга қара, Тоньюэло, — деб гапга аралашди тегирмончининг хотини, — ҳамонки сен ўз вазифангни бажариш мақсадида оғилхонага кетаётган экансан, илтимос, иккинчи эшакниям эгарла.

— У кимга керак? — деб сўради тегирмончи.

— Менга. Мен ҳам сизлар билан бораман.

— Мумкин эмас, сенья Фраскита! — деди альгвасил. — Менга фақат эрингизни олиб кетиш буюрилган. Орқамиздан эргашиб боришингизга рухсат беролмайман. Агар шундай қилсам, каллам кетади. Сеньор Хуан Лопес мени шундай деб огоҳлантирган... Қани, Лукас амаки, кетдик! — Альгвасил шундай деб эшик томон юрди.

— Оббо, қизиқ бўлди-ю! — деди тегирмончи эшитилар-эшитилмас овозда, аммо турган еридан жилмади.

— Мен ҳам ҳайронман! — деди сенья Фраскита.

— Назаримда... ҳамма гапга тушунаётгандайман... — деб гўлдиради Лукас амаки Тоньюэлога эшиттирмасдан.

— Хўп десанг, мен шаҳарга бориб, ҳамма гапни коррехидорга айтиб берардим... — деб пичирлади наварралик жувон.

— Йўқ! — деди Лукас амаки қатъий оҳангда. — Йўқ!

— Бўлмаса, нима қилмоқчисан? — деди хотини тажанг бўлиб.

— Кўзимга қара... — деди собиқ солдат хотинига жавобан.

Эр-хотин сукут сақлаган ҳолда бир-бирларининг кўзларига тикилдилар ва икковлари ўзларини хотиржам, бир-бирларига садоқатли ва руҳан тетик кайфиятда кўрдилар-да, елка қисиб қўйиб кулиб юбордилар.

Кейин Лукас амаки иккинчи шамчироқни ёқиб, оғил томон бораркан, йўл-йўлакай Тоньюэлога пичинг қилди:

— Баски, шунақа сертакалуф экансан, юр, ёрдамлашвор менга!..

Яна бир неча дақиқадан кейин Лукас амаки ўзининг хушбичим эшагини миниб, альгвасил кузатувида тегирмон ҳовлисида чика бошлади.

Эр-хотиннинг хайрлашуви қисқа бўлди.

— Дарвозани яхшилаб беркигиб ол... — деди Лукас амаки.

— Яхшилаб ўраниб ол, кечаси ҳаво совуқ... — деди сенья Фраскита дарвозани кулфлаб, зулфини суриб, занжирларкан.

На видолашув нидолари, на кучоқлашиб, ўпишиб хайрлашиш, на бир-бирларининг жамолита суқланиб тикилишлар бўлди.

Бунга ҳожат ҳам йўқ эди!

## XVI б о б

### МАШЪУМ ҚУШ

Энди Лукасни кузатайлик.

Тегирмончи эшакка миниб олган, альгвасил эса ўзининг мансаб таёқчаси билан эшакни халалаб, орқасидан эргашиб борарди, лекин икковлари ҳам чурқ этиб оғиз очмасдилар. Улар чорак миля йўлни босиб ўтганларида бирдан Лукаснинг кўзи узоқдаги тепалик томондан ўзлари томон ўқдек учиб келаёт-



ган маҳобатли бир қушга тушди. Унинг даҳшатли қора шарпаси ой ёғдусига фарқ бўлган осмон фонида шу қадар аниқ гавдаландики, тегирмончи беихтиёр:

— Тоньюэло, қара, анави учбурчакли шляпа кийган, чиллак оёқли одам Гардунья-ку! — деб юборди.

Лекин Тоньюэло бир нима деб жавоб қилишга улгурмай, бундай учрашувни зинҳор хоҳламаган қора шарпа йўлдан ўзини четга бурди-да, экинзор далани тик кесиб, мисоли чинакам сассиққузандек физиллаб югуриб кетди ва кўз очиб-юмгунча кўздан ғойиб бўлди.

— Мен ҳеч нима кўрмаяпман... — деди бир оздан кейин Тоньюэло гўё ҳеч нарса содир бўлмагандай.

— Мен ҳам, — деди Лукас амаки.

Шу пайт боя тегирмондалигида кўнглига келган шубҳа Лукасининг назарида анча аниқ ва сезиларли шаклда гавдалана бошлади.

“Бу саёҳатим, — деб мулоҳаза қиларди у ўзича, — ошиқи шайдо коррехидорнинг найранги бўлиши керак. Қари тулки бутун менинг шийпончамда хотинимга муҳаббат изҳор қилди. Сезишимча, бу мадридлик хотинбознинг сабри чидамай қолганга ўхшайди. Бутун тунда у яна тегирмонга қадам ранжида қилса керак, шунинг учун ҳам мени уйимдан олдириб кетяпти. Майли, кўра-миз! Фраскита юзини шувут қиладиган аёллардан эмас. Ҳатто уйга ўт қўйиб юборганларида ҳам у дарвозани очмайди. Боринг, ана, очдиям дейлик: агар коррехидор бирон найранг ишлатиб, ичкарига, менинг бебаҳо маҳбубам олдига киришга муваффақ бўлганидаям бари бир бу қари муттаҳам муродига етолмай қуруқ қайтиши аниқ. Фраскита ўзини хор қилиб қўядиганлардан эмас... Лекин шундай бўлса ҳам, — деб кўшиб қўйди у, — тезроқ уйга қайтиб борсам яхши бўларди!”

Худди шу маҳал Лукас билан альгвасил қишлоққа кириб келишди ва тўғри сенъор алькальднинг уйи томон йўл олишди.

## XVII б о б

### ҚИШЛОҚ ОҚСОҚОЛИ

Сенъор Хуан Лопес уйида ҳам, хизмат жойида ҳам ўзига тобе бўлган одамлар билан муомала қилишда, зolim, қаҳҳор ва такаббур бўлиб кетарди, лекин шунга қарамай, хизмат бурчидан, рўзгор ишидан ва кун-уззукун ўз хотинини муштлаб жигини эзиб туришдан бўшаган пайтларда қишлоқ муншийи ва черков пономари билан улфатчилик қилиб бир хумча винони майдалаб ишрат қиларди; ўша куни оқшомда мана шундай одатий таомилларида бири тугай деб қолган пайтда оқсоқол (алькальд) ўз қаршисида тегирмончи турганини кўрди.

— О, Лукас амаки! — деди у гўё миясининг бурмаларидаги бўҳтон ва ёлгон торларини чертиб, ишга солмоқчи бўлгандай энсасини қашилаб. — Қалайсан? Қани, мушний, Лукас амакинга қадаҳ сун! Сенъя Фраскита қалай? Ҳалиям аввалгидай соҳибжамолми? Уни кўрмаганимгаям анча бўлди. Ҳа... Бу йил ун тегирмонингда жуда яхши тортиляпти, шундайми, ошна? Жавдар нонни буюдой нонидан фарқ қилиб бўлмаяпти! Хуш, хуш... Қани, ўтир, дамнингни ол. Шукрки, шошадиган еримиз йўқ.

— Менам шошқалоқликни ўлгудек ёмон кўраман! — деб гапта кўшилишди Лукас амаки. Шу пайтгача у чурқ этмай турган эди, лекин ваҳимали фармондан кейин бўлаётган бундай дўстона муносабатни кўриб, унинг дилидаги шубҳа яна орта бошлаган эди.

— Ҳамонки, биродарим Лукас, — деб гапиришда давом этди алькальд, — шошадиган ишинг йўқ экан, шу ерда ётиб қолақол, — эрталаб барвақт турганимизда кўриладиган ишимизни муҳокама қиламиз...

— Ҳай, начора... — деб Лукас амаки шундай киноя аралаш жавоб қилдики, унинг бу муғамбирлиги сенъор Хуан Лопеснинг устомонлигидан қолишмасди. — Шошилишч иш эмас экан... шу ерда ётиб қолсам ҳам бўлади.

— Ҳа, бу шошилинич иш эмас, ундан кейин, сен учун хавфли ҳам эмас, — деди алькальд, ўзи алдамоқчи бўлган одам томонидан алданаётганини сезмай. — Кўнглинг хотиржам бўлсин. Ҳей, Тоньюэло, анави яшиқни берироқ суриб қўй, Лукас ўтирсин.

— Ундай бўлса... қиттай-қиттай қилармиз? — деди тегирмончи яшиқка ўтираркан.

— Ушла, — деди алькальд унга лим-лим қадаҳни узатаркан.

— Бундай олижаноб одамнинг қўлидан май ичиш кони савоб... Жанобим ўлари ҳалоллаб берсинлар!

— Яхши. Сенинг соғлиғинг учун! — деди сеньор Хуан Лопес, қадаҳнинг ярмини ичиб узатаркан.

— Сизнинг саломатлигингиз учун, сеньор алькальд! — деди Лукас амаки ва қадаҳни ичиб бўшатди.

— Эй, Мануэла! — деб хизматкорини чақирди алькальд. — Бекангга бориб, Лукас амаки бизникида ётиб қоларкан, деб айт. Унинг учун чордоққа ўрин солиб қўйсин.

— Э, йўқ! Ҳеч ҳожати йўқ! Мен пичанхонадаям худди қиролдек ҳузур қилиб ухлайвераман.

— Тортинма, бизда ўрин-кўрпа сероб.

— Ишонаман! Лекин бекамни безовта қилишдан на ҳожат? Менда плаш бор...

— Майли, ўзинг биласан... Мануэла, бекангга айт, ҳеч нима керак эмас экан, де...

— Агар ижозат берсангиз, — деди Лукас амаки оғзини катта очиб, пайдар-пай ҳомуза тортаркан, — ҳозироқ ётиб ухлардим. Кеча кечаси ишим кўпайиб кетиб, бир лаҳза ҳам мижжа қоқмаган эдим...

— Майли! — деб лутф кўрсатди алькальд. — Бемалол бориб ухлайвер.

— Биз ҳам энди уйга бора қолайлик, — деди пономарь яна қиттай ичиш илинжида кўзачадан кўз узмай. — Соат ҳам унга яқинлашиб қолгандир.

— Чорак кам ўн, — деди мунший хумчада қолган винони қадаҳларга қуяр экан.

— Бўпти, ухлаймиз, жаноблар! — деди меҳмоннавоз мезбон ўз қадаҳини ичиб бўшатаркан.

— Эртагача, сеньорлар, — деди тегирмончи ҳам ўз қадаҳини бўшатиб хайрлашар экан.

— Шошма, сенга чироқ тутишади... Таньюэло! Лукас амакининг пичанхонага кузатиб қўй.

— Юринг, Лукас амаки! — деди Таньюэло йўл бошлаб.

— Худо хоҳласа, эртагача, — деди паномарь ҳамма қадаҳлар тагида қолган винони бирма-бир жиғилдонига отиб.

Шундан кейин, “De profundis”<sup>1</sup> оятини қўшиқ қилиб айтиб, гандираклаганча уйига йўл олди.

— Иш пишти, сеньор, — деди алькальд муншийга икковлари ёлғиз қолишгач, — Лукас ҳеч нимани сезмади. Энди бемалол ухласак ҳам бўлади. Коррейдорга омад тилаймиз...

## XVIII б о б

### БУЛ БОБДА КИТОБХОН ЛУКАС АМАКИНИНГ УЙҚУСИ ЗИЙРАК ЭКАНЛИГИДАН ХАБАР ТОПАДИ

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, сеньор алькальднинг пичанхонаси дарчасидан қандайдир бир одам чиқа бошлади. Бу дарча оғилхонага очилар ва ердан тахминан тўрт газча баландда эди.

Оғилхонада, одатда ўнга яқин миниладиган жониворлар: отлар, хачирлар, эшаклар турарди.

<sup>1</sup> Католикларнинг жаноза пайтида ўқийдиган оятларидан бири.

Пичанхонадан сакраб тушган одам бу ерда эгарлоғлиқ турган эшакнинг арқонини ечиб, уни дарвоза олдига етаклаб борди: илпакни тушириб, зулфини сурди ва дарвозани товуш чиқармай аста-секин очди-да, яланг далага чиқди.

Кейин эшакка миниб, товоңлари билан унинг икки биқинига ниқтаганча шаҳар томонга йўрғалатиб кетди. Лекин у биронга одамга дуч келишдан қўрқди шекилли, катта йўлдан юрмай, дала ва ўтлоқларни тик кесиб бора бошлади.

Бу одам Лукас амаки бўлиб, у ўз тегирмонига қайтаётган эди.

## XIX б о б

### ДАШТДАГИ БЕҲУДА НИДОЛАР

“Вой, тавба, ҳали шу нотавон алькальд мени лақиллатмоқчи бўлдими, мени-я, кимсан, Арченада<sup>1</sup> киндик қони тўкилган одамни-я? — деб ўзига-ўзи гапириб борарди тегирмончи. — Ҳали тонг отсин, сеньор епископнинг олдига бориб, ҳамма бўлган машмашани бир бошдан гапириб бераман. Буни қаранг-а, шундай бемаҳалда, шошилинч равишда, тагин ёлғиз ўзимни уйимдан обчиқиб кетишса, қаёқдаги бўлмағур қалбаки пул ясовчилар, жодугарлар ҳақида жавраб, қулоғимни қоқиб қўлимга беришса-ю... охир-оқибат, икки қалаҳ вино ичириб, ухлагани жўнатишса!.. Ҳаммаси тушунарли тўққиз пулдай! Гардунья оқсоқолга коррежидорнинг йўриғини олиб бориб берган... демак, айни шу чоқда коррежидор менинг хотинимга хушомад қилаётган бўлса ажабмас... Ким билсин, ҳозир етиб борганимда, у эшигимни тақиллатаётган бўлиб чиқар! Ким билсин, балки уни уйимнинг ичида учратарман!.. Ким билсин!.. Э, нима деб вайсаяпман ўзи? Ҳали ўзимнинг наварралик хотинимдан гумонсираяпманми?.. Ахир, худонинг қаҳрини келтиряпман-ку! У бундай қилолмайди... Менинг Фраскитам бундай қилолмайди! У йўл қўймайди!.. Ие, нима-лар деяпман ўзи? Бу дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин, мана, масалан, у мендай бадбашарага турмушга чиқмадими?”

Букри шундай хаёлларга бориб, бирдан йиғлаб юборди...

Кейин у эшагини “иши” деб тўхтатди, бир оз кўнгли таскин топиб, кўзёшларини артди, чуқур бир хўрсиниб қўйди-да, чўнтагидан тамаки халгасини олиб, ундан цигарка ўради, чақмоқтошни чақиб, пиликни ўт олдирди-да, цигаркасини тутатди.

Худди шу пайт бу ердан уч юз қадамча наридан ўтган катта йўлдан туёқ товуши эшитилди.

“Вой, эҳтиёт бўлишим керак-ку! — деб ўйлади Лукас. — Ҳали мени одил суд малайлари қидираётган бўлса-я? Тентаклик қилиб, ўзимни сездириб қўймасам эди!”

У чўғни яширди, эшакдан тушиб, ўзини унинг панасига олди.

Лекин эшак унинг бу ҳаракатини бошқача тушунди ва ҳузур қилиб ҳанграб юборди.

— Вой, касофат-е! — деди Лукас амаки икки қўли билан эшагининг тумшугидан бўғишга ҳаракат қиларкан.

Аксига юриб, катта йўлдан ҳам эшакнинг хантрагани эшитилди, — бу одоб юзасидан саломга алик олиш эди.

“Бўлди, қўлга тушдим! — деб ўйлади тегирмончи. — Иши эшакка тушганнинг ҳолига вой, деб бекорга айтишмаган экан”.

У шундай хаёлга бориб, эшагига сакраб минди-да, уни бегона эшак овози келган катта йўлдан тескари томонга чоғириб кетди.

Лекин қизғи шундаки, тегирмончининг эшаги билан саломлашган эшакда кетаётган мавжудот ҳам Лукас амакидан бадтар қўрқиб кетган эди. Буни сизга айтишимдан мақсад, ўша эшак минган шахс, Лукасни гўё биронга алыгвасил ёки дон Эухенио пулга ёллаган қандайдир бадкирдор одам, деб ўйлаган бўлса керак, эшагини йўлдан четга буриб, экинзор далани пайҳон қилганча ура қочиб қолди.

<sup>1</sup> Арчена — Мурсия вилоятидаги бир қишлоқ бўлиб, унинг аҳолиси ўзининг топқирлиги, идроки билан донг таратган.

Бу аснода тегирмончи ҳасратидан чанг чиқариб борарди:

— Вой, мунча зим-зиё бўлмаса бу тун! Шу ўтган бир-икки соат ичида ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди-я! Альгвасиллар қўшмачилик қилишди, алькальдлар менинг номусимга доғ туширмоқчи бўлишди, эшаклар бемаврид ханграшди, менинг қалбим эса, дунёда энг покдомон аёл бўлган хотинимдан шубҳа қила бошлади-я! Э худо, ё тангрим! Тезроқ уйимга етиб олишимга ва Фраскитамнинг ойжамолини кўришимга мадад бер!

Лукас амаки экинзорлар, дарахтзорларни тик кесиб ўтиб, соат ўн бирга яқин эсон-омон уйига етиб олди...

Жин урсин! Тегирмон дарвозаси ланг очиқ эди!

## XX б о б

### ШУБҲАЛАР ВА ҲАҚИҚАТ

Ланг очиқ эди... Лекин боя жўнаб кетаётганида хотини дарвозани ичидан қулғаб, зулфинини суриб, тамбалаганини ўз кулоғи билан эшитган эди-ку.

Демак, дарвозани фақат ўз хотини очган бўлиши мумкин.

Лекин қандай қилиб, қачон ва нега очади? Хотинини лақиллатиб киришдимикин ичкарига? Уни мажбур қилишмадимикин? Балки Фраскитанинг ўзи атайлаб коррехидор билан олдиндан келишиб қўйгандир?

Ҳозир у уйга кириб нимани кўраркин? Нимани биларкин? Қандай кўргиликка рўпара келаркин? Ё Фраскита қочиб кетдимикин? Балки уни ўғирлашгандир? Эҳтимол, у энди ўлгандир? Ё рақибининг кучоғида ётибдимикин?

“Коррехидор мени кечаси қайтиб келмайди, деб ўйлаган, — деди маъюс оҳангда Лукас амаки. — Алькальд мени зинҳор уйимга қўйиб юбормаслик ҳақида буйруқ олган бўлса ажаб эмас... Фраскита буни билармикин? У коррехидор билан тил бириктирганмикин? Ё у фириб ва зўравонлик қурбони бўлдимикин?”

Шўрлик эр шу машғум мулоҳазалар билан шийпончадан ўтиб уй остонасига етди.

Уйнинг эшити ҳам очиқ эди. Эшиқдан, ҳамма қишлоқ уйларида бўлганидек, даставвал ошхонага кириларди.

Ошхонада ҳеч ким йўқ эди. Лекин каминда лангиллаб олов ёниб турарди. Ҳолбуки, бу тегирмончи жўнаб кетаётганида ўт ёқилмаган эди, аслида ўзи то декабрнинг ўргаларигача камин ёқилмасди!

Бу ҳам етмаганидек, бу ердаги битта қозиққа ёниб турган машғала илинганди...

Бунинг сабаби нимаикин? Демак, уйда кимдир бор... Нега бугун уй худди сув қўйгандек сукутга толган?..

Хотинига нима бўлдийкин?

Лукас амаки мана энди стулларнинг суюнчиғига илинган кийимларни кўриб қолди; бу стуллар каминга яқин суриб қўйилган эди.

У бу осилган кийимларга разм солиб қаради-ю, бирдан жон ҳолатда шундай ҳайқариб юбордики, бу ҳайқариқ унинг томоғига тикилиб қолиб, сасиз нолага айланди.

Тегирмончи нафаси қайтиб, ҳозир бўғилиб ўлиб қоладигандек ҳис қилди ўзини ва беихтиёр қўллари билан томоғини ушлаб олди. Ранги мурданикидек бўзариб кетди, худди жон таслим қилаётгандай гайриихтиёрий тарзда сесканиб-сесканиб тушди, лекин қосасидан отилиб чиқиб кетгудай бўлган кўзларини стулларга илинган бегона кийимлардан ҳеч узолмади; у даҳшат оғушида эди — гўё у қатл этилишга ҳукм қилинган жиноятчи эди-ю, унга ўлимга маҳкумнинг рўдапо чакмонини кўрсатишгандай эди.

Тегирмончи кўзини узолмай тикилиб қолган кийимлар: тўқ қизил рангли плаш, учбурчакли шияга, бўзранг камзул, қора шойи ишгон, оқ пайпоқлар, олтин тўқали бошмоқлар — хуллас, манфур коррехидорнинг мукамал устбоши, шунингдек, унинг амалдорлик таёқчаси, найза-қиличи ҳатто қўлқоп-

лари эдики, булар тегирмончи иснодининг рўдапоси, номусининг кафани, бахтининг тобутига ёпиладиган қора мато эди!

Даҳшатли мушкет ҳамон бундан бир соат бурун хотини ташлаб қўйган ерда ётарди...

Лукас амаки худди шердек ташланиб, мушкетни қўлига олди. Унинг милага сумбани тиқиб, ўқланганлигига ишонч ҳосил қилди. Мушкетнинг чақмоқтоши ҳам жойида эди.

Кейин Лукас амаки зина тагига борди. Бу зина шунча йилдан бери сенья Фраскита билан иккови бирга ётиб юрган хобхонага олиб чиқарди.

— Улар тепада! — деб гўлдиради у бўғиқ овоз билан.

Тегирмончи зинанинг биринчи пиллапоясига қадам қўяркан, биров мени кузатмаяптимикин, деб атрофига аланглаб қараб қўйди.

“Ҳеч зоғ йўқ, — деди ўзига-ўзи Лукас, — тангримдан бошқа... Наҳотки худо йўл қўйса бунга!”

Тегирмончи энди қатъий бир қарорга келиб, зинадан яна бир пиллапояга кўтарилишга чоғланган эди, бирдан олазарак бўлаётган кўзи столда ётган буклоғлиқ бир варақ қоғозга тушди. Лукас худди жўжага ташланган калхатдек стол томонга отилди ва ҳаяжондан чангак бўлиб қолган бармоқлари билан қоғозга чанг солди.

Бу сенья Фраскитанинг жиянини ишга тайинлаш ҳақидаги ҳужжат бўлиб, унга дон Эухенио де Суньяга-и-Понсе де Леон имзо чеккан эди.

“Мана, битим ҳам тайёр! — деб ўйлади Лукас амаки, гўё ич-ичидан отилиб чиқаётган фарёдни бўғмоқчи ва айни пайтда ўз газабини қониқтирмоқчи бўлгандай, қоғозни оғзига тиқиб. — Унинг ўз жигарини мендан ортиқроқ яхши кўришини кўпдан бери сезиб юрардим!.. О, нега худо бизга фарзанд ато этмади-я! Ҳамма бало шунда!”

Бояқишнинг ўпкаси тўлиб, ҳўнграб йиғлаб юборишига бир баҳя қолди. Унинг телбаваш газабдан нафаси қайтиб кетди ва хирқироқ овозда пичирлади:

— Юқорига! Юқорига чиқиш керак!

Сўнг у бир қўли билан пиллапояларни пайпаслаб, иккинчи қўлидаги мушкетни судраб, коррехидор имзо чеккан қабиҳ қоғозни тишлаганча, зинадан юқорига кўтарила бошлади.

У хобхонанинг берк эшигига яқин келиб, унинг тирқиши ва калит тешигидан ичкарида чироқ ёниб турганини билди.

“Улар шу ерда!” — деб такрорлади у.

Лукас бир зумга тўхтаб қолди. Газабдан тутоқиб кетган эди.

Кейин у хобхона эшиги тагигача эмаклаб борди.

Ичкари сув қўйгандек жим-жит эди.

“Агар у ерда ҳеч ким бўлмаса-чи?” — деган ҳадикли умид пайдо бўлди хаёлида.

Лекин шу заҳоти бечоранинг қулогига кимнингдир йўталгани эшитилди.

Бу кўсов коррехидорнинг йўтали эди.

Энди унда ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди. У сувга фарқ бўлаётган эди, аммо жон сақлаб қолиши учун халоскор чўп ҳам анқонинг уруғи эди унга.

Бу қоронғи қўйнидаги зина бошида тегирмончининг даҳшатли жилмайиши худди зулмат осмонда бирдан чақмоқ чақнагандек бўлди.

Лекин эркак кишининг қалбида баъзан аланга олган олов олдида дунёдаги жамияки чарчоқлар нима экан?

Шунга қарамай, Лукас амаки — унинг қалби ўзи, юқорида айтиб ўтганимиздек, шунақа эди, — ўз ганимининг йўталганини эшитган заҳоти кўнгли тинчиди.

Уни ошкоралиқдан қўра шубҳа кўпроқ изтиробга соларди. Унинг ўзи Фраскитага, сен ҳаётимнинг якка-ю ягона қувончисан, аммо сенга бўлган ишончимни йўқотсам, ўша заҳоти мен мутлақо бошқа одамга айланаман, деб айтган эди-ку, бутун.

Юқорида биз Лукасни Венеция маврига қиёс қилган эдик; худди Отеллода бўлганидек, хотинидан ихлоси қайтган тегирмончида муҳаббат туйғусидан зумда асар ҳам қолмади, унинг бутун руҳий ҳолати чаппасидан кетди ва бу-

тун дунё унинг кўзига зулматтоҳ бўлди. Фарқ фақат шунда эдики, Лукас амакининг табиати Дездемонанинг телба қотилиникидан сал ювошроқ, аммо анча худбин эди.

Шу пайтда бундай вазиятда жуда камдан-кам содир бўладиган ҳол юз берди: тегирмончининг юраги шубҳа ёхуд умиддан (энди унисининг ҳам, бунисининг ҳам фарқи йўқ эди) яна бир лаҳзагагина ҳаяжонга тушди.

“Балки мен янглишаётгандирман? — деб ўйлади у. — Эҳтимол, бу йўталган Фраскитадир?..”

Унинг руҳи шу қадар тушиб кетган эдики, ҳатто камин яқинида стулларга илиб қўйилган коррехидорнинг кийим-бошларини ҳам, келганида дарвозанинг ланг очиқ бўлганини ҳам, номусига тажовуз қилувчи ҳужжатни ўз кўзи билан ўқитганини ҳам унутиб қўйган эди...

У газаб ва ҳаяжондан қалт-қалт титраганча, энгашиб кулф тешигидан мўралади.

Бу тешиқдан каравотнинг бош томонидаги тумордаккина учбурчак жой кўзга ташланди. Лекин ёстиқларнинг бир чеккаси ва у ерда ётган коррехидорнинг боши айнан шу учбурчак жойда эди!

Яна тегирмончининг афғини иближсона истеҳзо буриштириб юборди.

У гўё яна иқболга эришгандай эди.

— Мана, энди бор ҳақиқат менга аён бўлди! Нима қилишни яхшилаб ўйлаб кўрайлик! — деб пичирлади у ва бамайлихотир кайфиятда қаддини ростлади.

“Жуда нозик иш... Ҳаммасини пухта ўйлаб кўриш керак. Вақтим етарли”, — дея мулоҳаза қиларди ва зинадан тусмоллаб оёқ босиб, аста-аста тушаркан.

Лукас бошини чангаллаганча, ошхона ўртасидаги стулга ўгириб қолди.

У шу алфозда ўй суриб ўтираркан, нимадир унинг оёғига аста урилиб, хаёлини қочириб юборди.

Бу тиззасидан сирғалиб тушган мушкет эди. Бу тегирмончини жанита даъват этувчи туртки эди.

— Йўқ! Айтяпман-ку, сенга, йўқ! — деб пичирлади Лукас амаки мушкетига юзланиб. — Керак эмассан менга! Ҳамма уларга ачинади... Мени эса дорга осиади! Ахир бу кимсан, коррехидор-а... Испанияда коррехидорнинг қотилини кечирмайдилар. “Фақат рашк даъвати билан ўлдирган, кейин ечинтириб, каравотига ётқизиб қўйган”, дейишади. Яна одамлар, Лукас хотинини, зино ишда шубҳа қилгани учун ўлдирган, дейишади... Ва мени дорга осиади. Албатта, осиади!

Бу ҳам етмагандек, умримнинг охирида, одамлар мен ҳақимда, Лукаснинг иродаси заиф экан, енгилтақлик қилди, деб гапира бошлайдилар, ҳамма устимдан кула бошлайди! Бу кунга тушишига ўзи сабабчи, дейишади: негаки, мен букриман, Фраскита бўлса, дилбар аёл! Йўқ, асло бундай қилолмайман! Мен ўзим учун қасос олишим керак. Қасос олсам, марра меники — унда ҳаммадан нафратланаман, уларни мазах қилиб куламан! О, шундай мазах қилайки, кейин ҳат ким мени букри деб масхара қилолмасин, — кўплар ҳозир букримга ҳавас қиладиган бўлишган! Лекин мени дорга оссалар, букрим жуда кулгили кўринса керак!

Лукас амаки шундай мулоҳаза қилар экан, нима деётганини ўзи ҳам билмасди. Ҳар қалай, шу мулоҳазалари таъсирида у мушкетни жойига қўйди ва қўлини орқасига боғлаб, бошини ҳам қилганча, у ёқдан-бу ёққа танда қўя бошлади. У ўз хотини ва коррехидорни таҳқирловчи жуда антиқа бир чора қидираётгандай, кўзини ердан узмасди. Лекин бунинг учун судга арз қилмоқчи ҳам, уларни кечирмоқчи ҳам, худого солмоқчи ҳам, коррехидор билан яккама-якка жанг қилмоқчи ҳам эмасди...

Шу пайт Лукаснинг кўзи бирдан коррехидорнинг кийимларига тушди-ю... турган ерида донг қотиб қолди...

Унинг чеҳрасида бирин-кетин мамнунлик, қувонч ва шодиёна аломатлари пайдо бўла бошлади... У худди телба одамдай кулиб юборди. Юқоридагилар эшитмасин учун, товуш чиқармай, худди тутқаноғи тутган одамга ўхшаб, қорнини чангаллаганча, қотиб-қотиб кулди. Бу Мефистофелга хос чинакам заҳарханда кулги эди.

Ниҳоят, у бир оз таскин топди ва шоша-пиша ечина бошлади. У ўз

кийимларини коррехидорнинг уст-боши осилган стулларга илди ва унинг тилга тўқали бошмоғидан тортиб учбурчакли шляпасигача — ҳамма уст-бошини кийиб олди, найза-шамширини белига олиб, устидан тўқ-қизил плашини кийди, қўлига мансаб асосини олиб, қатга йўлдан худди дон Эухенио де Суньигага ўхшаб, икки томонга чайқалиб шаҳар томон кетиб бораркан, дам-бадам миясига ўтириб қолган бир жумлани такрорларди:

— Лекин коррехидорнинг хотиниям нозандайгина!

## XXI б о б

### ЎЗИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ

Биз Лукас амаки билан вақтинчалик хайрлашайлик-да, сенья Фраскитани ёлғиз ўзини тегирмонда қолдирганимиз пайтдан то унинг эри қайтиб келиб, уйда шунча ғайриоддий ўзгаришларни кўргунча юз берган ҳодисалар билан шуғулланайлик...

Лукас амаки Тоньюэло кузатувида уйдан жўнаб кетганига тахминан бир соатча вақт бўлди. То эри қайтиб келгунча ётмасликка аҳд қилиб, юқори қаватдаги хобхонада тўр тўқиб ўтирган ғамзада жувон бирдан ташқарида, тегирмон нови ўрнатилган жойда кимнингдир аянч билан чинқирганини эшитди.

— Вой, чўкиб кетаман, ёрдам беринглар! Фраскита!.. — деб фарёд қиларди тамоман ночор аҳволга тушган эркак овози.

“Вой ўлмасам, Лукас бўлса-я!” — деб кўнглидан ўтказди ваҳимага тушган наварралик жувон.

Гардунья айтганидек, хобхонадан тегирмон новига очиладиган яна битта мўъжазгина эшик бор эди. Сенья Фраскита ёрдам сўраб нола чеккан одамнинг овозини танимаганлигидан, тараддуланиб ўтирмай дарров ўша эшикни очди, очди-ю, коррехидорга рўпара келди — у шовуллаб оқаётган сувдан эндигина базўр эмаклаб чиққан, бошдан-оёқ шалаббо эди...

— Ё Ййсо алайҳиссалом! Ё Ййсо алайҳиссалом! — дея гўлдирарди сассиқ чол. — Куним битди, ажалим етди, деб ўйловдим!

— Ие! Ҳали бу сизмисиз? Бу қанақаси? Қандай ҳаддингиз сиғди? Шу бемаҳалда нима бор сизга бу ерда?.. — деган саволлар билан тегирмончининг хотини коррехидорга ташланди, унинг овозида ҳадикдан кўра нафрат кўпроқ эди, аммо шунга қарамай, у беихтиёр орқасига тисарилди.

— Жим бўл! Жим! — дея гўлдираганча коррехидор Фраскита кетидан хонага кириб олди. — Ҳозир сента ҳамма гапни тушунтириб бераман... Биласанми, сал бўлмаса сувга чўкиб кетаёздим! Сув мени худди бир хасдек оқизиб кетди! Аҳволимга қара — шилтам чиқди!

— Даф бўлинг! Даф бўлинг уйимдан! — деб чинқирди баттар газаби ортган Фраскита. — Менга тушунтиришингизнинг ҳожати йўқ!.. Шундоқ ҳам ҳаммасига тушуниб турибман. Сувга оққангиз билан неча пуллик ишим бор? Нима, мен сизни чақирувдимми? О! Қандай разолат! Ҳали шу ниятда эримга одам юборган экансиз-да?

— Олдин эшит, жонгинам...

— Ҳеч нима эшитмайман! Ҳозироқ қорангизни ўчиринг, сеньор коррехидор!.. Даф бўлинг, бўлмаса, сизни бир балога гирифтор қилиб кўйишим мумкин!

— Нима дединг?

— Эшитдингиз нима деганимни! Ҳозир эрим уйда йўқ, лекин ўзим ҳам сизни хонадонимизни ҳурмат қилишга мажбур эта оламан. Агар энди сизни яна ўзим сувга итариб юборишимни хоҳламасангиз, жўнаб қолинг уйингизга!

— Қизалоғим! Қичқирма, ахир мен кар эмасман!.. — деди қари хотинбоз. — Бу ерга бекорга келганим йўқ!.. Қишлоқ оқсоқоли янглишиб эрингни ҳибсага олибди, уни озод қилгани келдим... Лекин сен олдин кийимларимни қуриштиб бер... Роса шилтаю шалаббо бўлдим!

— Кетинг, деб айтдим мен сизга!

— Жим бўл, тенгак... ҳеч нимага тушунмаяпсан! Қара... Мана, жиянингни ишга тайинлаш ҳақида фармон... Каминга олов ёқ, кейин бемалол гаплашамиз... То кийимларим қуригунча, мен мана шу каравотда ётиб тураман...

— Ҳа-а, гап бу ёқда денг! Нима мақсадда келганингиз энди менга аён! Эрим Лукасни нега қўлга олганингиз сабабини мана энди тушундим! Нега бу ерга жиянимни ишга тайинлаш ҳақидаги фармон билан келганингизни ҳам энди тушундим! Ё авлиё-ю анбиёлар! Қаранг-а, ким деб ўйлаётти ўзи мени бу тасқара?

— Фраскита! Унутма, мен коррехидорман-а!

— Менга деса қирол бўлмайсизми! Бир гўрсиз ҳаммангиз! Мен ўз эримнинг хотини, ўз уйимнинг бекасиман! Нима, ҳали мени коррехидордан қўрқадди, деб ўйлаганмидингиз? Мен ҳали Мадридга, керак бўлса, ундан ҳам на-рига бориб, коррехидор номига доғ тушираётган қари фосиқнинг танобини тортиб қўйишга қурбим етади! Ундан олдин, эртагаёқ мен хотинингизнинг олдида бораман...

— Йўқ, йўқ, асло бундай қилма! — деб чинқириб юборди коррехидор. — Сен, хотин, ҳаддингдан ошма! Агар гапларимга қулоқ солмасанг, отиб ташлайман!

— Отасиз? — бўғиқ овоз билан сўради сенья Фраскита.

— Ҳа, отаман... Бу қилмишим учун менга ҳеч нима бўлмайди. Зеро мен шаҳардан йўлга чиққанимда, жиноятчиларни тутгани кетяпман, деб айтганман... Ке, қўй, ўжарлик қилма... менга кўнгили қўй... ахир, мен сени жонимдан ортиқ севаман!

— Мени отмоқчимисиз ҳали? — деб такрорлади наварралик жувон икки қўлини орқасига қилиб, гўё ғанимига ҳамла қилмоқчи бўлгандай, бугун гавдасини олдинга ташларкан.

— Агар айтганимга кирмай терслик қилсанг, сени ўлдириб, дўқ-пўписаларингдан ҳам... бу ҳусни жамолингдан ҳам бира-тўла кутуламан, — деди юрак олдириб қўйган коррехидор ёнидан бир жуфт чўнтак пистолетини чиқараркан.

— Оҳ-ҳо, бир чўнтагингизда пистолет, иккинчисида — жиянимни ишга тайинловчи фармон, денг? — деди сенья Фраскита бошини сарак-сарак қилганча. — Ҳай, начора, сенъор, бошқа иложим йўқ. Бир дақиқа сабр қилиб туринг, ошхонага тушиб каминга ўт ёқиб чиқай.

Шундай деб у зина томон юрди ва физиллаганча пастга тушди.

Коррехидор Фраскитани қочиб кетади деб ўйлаб, қўлига шамчироқ олдида, орқасидан эрташди. Лекин у жуда секин ҳаракат қилгани сабабли, энди пастга тушиб, ошхона остонасига етганида наварралик жувонга рўпара келди. У орқасига қайтаётган эди.

— Демак, жаноблари мени отмоқчилар-а? — деди шаддод аёл бир қадам орқага чекинаркан. — Ундай бўлса, қани, ўзингизни ҳимоя қилинг! Хизматингизга тайёрман.

Шундай деб у қиссамизда каттагина рол ўйнаётган ўша мушкетни коррехидорга ўқталди.

— Ташла мушкетни, касофат! Бу нима қилганинг?! — деб чинқириб юборди қўрққанидан мурдадек бўзариб кетган коррехидор. — Мен ҳазиллашгандим... Мана, кўр... Пистолетлар ўқланмаган. Лекин фармон — ҳақиқий... Мана у... Ма, ол... Уни сента бераман... У сеники... Эвазига ҳеч нима сўрамайман...

Бугун вужуди қалт-қалт тиграётган коррехидор қоғозни столга қўйди.

— Яхши бўлди! — деди аёл. — Эртага эрталаб эримга нонушта тайёрлаш учун ўчоққа олов ёққанимда бинойидек тутангириқ бўлади. Менга ҳеч нима керак эмас сиздан. Жияним Эстельядан бу ёққа келмайди, келганида ҳам, сизнинг мана шу мараз қоғозга имзо чеккан қўлингизни синдиргани келади! Ҳозироқ даф бўлинг уйимдан! Эшитяпсизми? Жўнанг! Жўнанг! Қорангизни ўчиринг! Аччиғимни чиқарманг, бўлмаса ёмон бўлади!

Коррехидор бунга жавобан ҳеч нима демади. Унинг ранги бирдан оқариб, деярли кўкариб кетди, кўзлари ола-кула бўлиб, аъзои бадани худди безгак хуруж қилгандек дағ-дағ қалтирай, тишлари тақиллай бошлади, кейин бу руҳий ларзага дош беролмай гурс этиб ерга кулади.



Сувга йиқилиб тушиб, жиққа ҳўл кийимлари баданига елимдек ёпишганида ваҳимага тушган, хобхонадаги даҳанаки жанг, наварралик аёл ўқталган мушкет рўпарасида қўрққанидан жон ҳовучлаб тургани — буларнинг бари нимжон қарияни адоий тамом қилган эди.

— Ҳўл! — деб гўлдиради у. — Гардуньяни чақир!.. Чақир Гардуньяни, у шу атропода... жарда бўлиши керак... Менинг бу хонадонда ўлишим мумкин эмас!..

У бошқа ҳеч нима деёлмади. Кўзларининг оқи кўришиб, худди мурдадек оёқ-кўлини узатди.

“Вой, ростданам ўлиб қолса-я? — деган фикр лип этиб ўтди сенья Фраскитанинг хаёлидан. — Бундан бадтар кўргилик бўлиши мумкин эмас. Ўлиб қолса, уни нима қиламан? Агар ўлиб қолса, нима деган одам бўламан? Лукас нима деб ўйлайди?.. Қандай оқлайман ўзимни, эшикни унга ўзим очганимдан кейин?.. Йўқ! Йўқ! Мен бунинг ёнида қолмаслигим, эримни қидириб топишим керак. Мен номусимни пок сақлаш учун ҳеч нимадан қайтмайман!”

Аёл шу қарорга келиб, мушкетни ташлади, физиллаганча оғилга бориб, эшакни ечди ва уни бир амаллаб эгарлади-да, дарвозани очди, тўладан келган, барваста жувон бўлса ҳам, бир сакраб, эшакка минди ва уни жар томон чоғтириб кетди.

— Гардунья! Ҳой, Гардунья! — деб у анча наридан чақира бошлади.

— Бу ёқдаман! — деб жавоб қилди ниҳоят алыгвасил гов орқасидан қорасини кўрсатиб. — Сизмисиз, сенья Фраскита!

— Ҳа, менман. Тегирмонга югур, хўжайинингга ёрдам қил. У ўляпти!..

— Ҳазил қиятсизми? Ишонмайман!

— Ҳазилга бало борми шу топда, Гардунья?

— Узингиз-чи, тасаддуқ? Узингиз қаёққа кетятсиз шу бемаҳалда?

— Менми?.. Нарн тур, галваре! Мен... шаҳарга, табибга кетятман! — деб жавоб қилди сенья Фраскита, эшагининг биқинига товони билан ниқтаб ва оёғининг учи билан Гардуньяни тепиб юбориб.

У жунаб кетди... лекин Гардуньяга айтганидек, шаҳарга эмас, балки қўшни кишлоқ сари йўл олди...

Гардунья бу нарсага эътибор бермади — тегирмон томонга ўқдай югуриб бораркан, ўзича шундай мулоҳаза қиларди:

“У табибга кетди!.. Бошқа нимаям келарди кўлидан? Лекин бечора коррехидорга нима жин урди? Келиб-келиб шундай пайтда касал бўладими? Сузонгич сигирга худо шох ато этмайди, деб тўғри айтишар экан!”

## XXII б о б

### ГАРДУНЬЯНИНГ ҒАЙРАТИ ЖЎШ УРМОҚДА

Гардунья тегирмонга етиб келганида, коррехидор энди ҳушига келиб, ўрнидан туришга уринаётган эди.

Унинг ёнида ерда шамчироқ ёниб турарди — коррехидор уни боя хобхонадан олиб чиққан эди.

— Кетдимми? — деб сўради дон Эухенио биринчи навбатда.

— Ким?

— Анави иблис!.. Тегирмончининг хотинини айтятман...

— Ҳа, сенбор... У кетди... Лекин кайфияти яхши эди, деёлмайман...

— Оҳ, Гардунья, мен ўламан...

— Нима бўлди ўзи сизга, жаноби олийлари? Азбаройи худо, мен...

— Сувга йиқилиб тушиб шалаббо бўлдим... Совуқ қотиб қалтираб кетятман...

— Ҳа, тушундим! Демак, айб сувда!

— Гардунья!.. Гапингнинг маза-матраси йўқ!

— Мен ҳеч нима гапирётганим йўқ, сенбор...

— Ҳа, бўпти... мени қутқар бу фалокатдан...

— Жоним билан... Мана кўрасиз, сенбор, зумда кифтини келтираман ҳамма ишнн!

Альгвасил шундай деб, кўз очиб-юмгунча бир қўлига шамчироқни ушлаб иккинчи қўли билан коррехидорни қўлтиқлаб, хобхонага етаклаб олиб чиқди, уни қип-яланғоч қилиб ечинтириб, тўшакка ётқизди, кейин омборхонага физиллаб бориб, бир кучоқ ўтин олиб келди-да, ошхонадаги каминга олов ёқиб, юқори қаватдан хўжайинининг кийим-бошларини олиб тушиб, уларни стулларнинг суянчиқларига илиб чиқди, фонусни ёқиб, уни қозиққа илди, шундан кейин хобхонага қайтиб чиқди.

— Хўш, қалай ҳис қиляпсиз ўзингизни? — деб сўради у дон Эухениодан ва унинг юзини яхшироқ кўриш учун шамчироқни баланд кўтарди.

— Жуда яхши! Ҳадемай терласам керак... Лекин эртага сени дорга осаман, Гардунья!

— Вой, нега энди, сеньор?

— Тагин сўрайди-я, нега деб! Нима, ўша сен тузган аҳмоқона режа бўйича, мен бу тўшакда ёлғиз ўзим ётишим керакмиди, ё мени болалигимда бир марта сувга солиб чўқинтирганлари каммиди?... Эртагаёқ дорга осиласан!

— Тушунтириброқ айтсангиз-чи, ахир, зоти олийлари, нима бўлди ўзи?

— Сенья Фраскита мени ўлдирмоқчи бўлди. Сенинг маслаҳатингга кириб, кўрган “фойдам” шу бўлди. Гапимга ишонавер, сени албатта дорга осаман эртага эрталаб!

— Бирон ишқал чиқдими, сеньор коррехидор? — деди альгвасил.

— Нима, менинг бу ерда бемажол ётганимдан шундай хаёлга бордингми?

— Йўқ, сеньор. Бунга сабаб, сенья Фраскита табибни бошлаб келгани шаҳарга жўнаб кетаётганида кўзимга асло бадқаҳр бўлиб кўринмаган эди...

— Нима дединг? Ё тангрим! Сен унинг шаҳар томонга кетаётганини аниқ биласанми? — деб юборди юраги орқасига тортиб кетган дон Эухенио.

— Ҳарҳолда, унинг ўзи шундай деб айтди менга...

— Югур, Гардунья! Уч шаҳарга!.. Оҳ, мен адойи тамом бўлдим!.. Биласанми, нега шаҳарга кетган Фраскита? Ҳамма бўлган гапни хотинимга айтгани!.. Менинг бу ерда ётганимни унга хабар қилгани!.. Вой, худойим-е! Шўрим курсин, нега илгарироқ кўнглимга келмабди-я? Мен бўлсам, у эрини топгани қишлоққа кетган, деб ўйловдим, лекин эри ишончли қўлда. — Бундан кўнглим тўқ! Агар бу аёл шаҳарга кетган бўлса, унда... Гардунья, оёғингни қўлингга олиб, шаҳарга уч... Ахир сен чаққоноеқсан-ку, қутқар мени шарманда бўлишдан! Уша бадбахт аёлнинг уйимга киришига йўл қўйма!

— Агар шу амрларини бажарсам, жаноби олийлари мени дорга осмайдиларми?

— Осишни ўйламайман ҳам. Сенга яна этик ҳам совға қиламан: у оёғимга катта келди, лекин ҳали яп-янги. Мен сенга, нима хоҳласанг шуни бераман!

— Ундай бўлса, ўқ бўлиб учаман. Сиз хотиржам ухлайверинг, жаноби олийлари. Уша наварралик хотинни ҳибста оламан-да, яна ярим соатдан кейин хузурингизда бўламан. Лозим бўлганда, мен эшакдан ҳам тезроқ югура оламан.

Гардунья шундай деди-ю физилиганча зинадан тушиб кетди. Китобхон тушуниб турган бўлса керак, айни Гардунья тегирмондан жўнаб кетган пайтда бу ерга тегирмончи келган ва қулф тешигидан мўралаб, ҳар хил мўъжизаларни кўрган эди.

Алқисса, майли, коррехидор бегона тўшакда ётиб терлайверсин, Гардунья эса шаҳар томон ўқдай учаверсин, салдан сўнг унинг кетидан Лукас амаки ҳам бошига учбурчакли шляпа, эгнига тўқ-қизил рангли плаш кийиб равона бўлаверсин, вале биз оёқни қўлга олиб, муҳтарама сенья Фраскитанинг кетидан қишлоқ сари йўл оламиз.

### XXIII б о б

## ЯНА САҲРОДА, ЛЕКИН ЭНДИ ТАНИШ ОВОЗЛАР

Наварралик жувон тегирмондан чиқиб, қишлоқ сари кетаётганида, кимнингдир дала ўртасида туриб олиб, чақмоқ чақаётганини кўриб сал чўчигандай бўлди.

“Вой, тагин бу коррехидорнинг айғоқчиси бўлса-я! Агар йўлимни тўсса нима қилдим?” — деб ўйлади у.

Шу пайт бирдан эшак ханграб юборди.

“Шу бийдай далада ярим кечада эшак нима қилиб юрибди?” — деб қўнглидан ўтказди сенья Фраскита. — Ахир, бу атрофда на экинзор дала, на бирон турар жой бор-ку... Чамамда, мени жинлар мазах қилмоқчи-ёв! Лекин у эримнинг эшаги эмаслиги аниқ... Менинг Лукасим бу ерда, катта йўлдан четда шу бемахалда нима қилади? Турган гап! Бу айғоқчи!”

Шу маҳал сенья Фраскита минган эшак ҳам, саломга алиқ олишни лозим топди шекилли, ханграб юборди.

— Учир овозингни, яшшамагур! — дея ўдағайлади аёл эшагини халачўп билан ҳайдар экан.

Наварралик аёл ҳам бегона одам билан учрашишдан қўрқиб, эшагини йўлдан четта буриб, даладан чопгириб кетди.

## XXIV б о б

### ЎША ЗАМОН ҚИРОЛИ

Сеньор алькалд кечқурунги тўкин майхўрликдан кейин, уйига кириб, муҳтарама рафиқасига орқа ўтириб ётди. Лекин орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас Тоньюэло эр-хотин ётган уйнинг эшигини гурсиллатиб уриб, сеньор Хуан Лопеса, тегирмончининг хотини сенья Фраскита у билан гаплашмоқчи эканлигини айтди.

Биз эндигина кўзи илинган алькальднинг нималар деб тўнғилагани, қандай сўкингани ҳақида тўхталиб ўтирмай, воқеани тўғридан-тўғри унинг мушакларини чиниқтириш учун машқ қилаётган гимнастикачига ўшаб керишиб, сенья Фраскитанинг олдига чиққан ва ҳар ҳомуза торганида тегирмончининг хотинидан ҳол-аҳвол сўраган пайтидан бошлаб қоламиз:

— О, қалай, бебаҳо соғлигингиз, сенья Фраскита? Қайси шамол учирди? Ахир, Тоньюэло сизга, тегирмондан ҳеч қасқа кетманг, деб тайинлаган бўлса керак? Шуми ҳали ҳокимият амрига итоат этганингиз?

— Мен эрим Лукасни кўришим керак! — деди наварралик аёл қатъий оҳангда. — Мен уни ҳозирнинг ўзида кўришим керак! Унга, хотининг шу ерда, деб айтгинг!

— Керак! Керак! Сеньора, сиз шахсан қиролнинг ўзи билан гаплашаётганингизни унутиб қўяяпсиз!

— Бу қирол-пирол деган майнавозчиликни йиғиштиринг, сеньор Хуан, ҳазил қилишга ҳолим йўқ менинг! Бошимдан нималар кечганини, нима учун эримни ҳибса олганингизни ўзингиз жуда яхши биласиз.

— Мен ҳеч нима билмайман, сенья Фраскита... Энди эрингиз масаласига келсак, у асло ҳибсада эмас, бу ерда бамайлихотир ухлаб ётибди. Ҳой, Тоньюэло! Тоньюэло, деяпман, физилаб пичанхонага бор-да, Лукас амакига айт, дарров етиб келсин бу ёққа... Ана, ҳозир келади... Хўш, ўзингизга нима бўлди?.. Ёлғиз ухлашга қўрқингизми?

— Уялинг-е, сеньор Хуан! Яхши биласиз — мен бунақа ҳазилни ёқтирмайман! Ҳаммаси кундай равшан: Сиз билан сеньор коррехидор мени бадном қилмоқчи бўлгансизлар, лекин икковингиз ҳам қуруққа чопдингиз! Мен — бу ердан ва шаънимга доғ туширадиган ҳеч нима бўлгани йўқ, аммо сеньор коррехидор ҳозир тегирмонда жони чиқай-чиқай деб чўзилиб ётибди...

— Коррехидор-а? — деб ҳайқириб юборди қишлоқ оқсоқоли. — Шу гапингиз ростми, сеньора?

— Мен ёлғон гапирмайман. У тегирмон новита йиқилиб тушиб, сувга чўкиб кетишига бир баҳа қолибди. Эҳтимол, у зотилжам бўлгандир, ё бошқа бирон дардга чалингандир... Буёғи энди унинг хотинига ҳавола. Мен бу ерга эримни олиб кетгани келдим. Биз эртала эрталабоқ Мадридга жунаймиз ва ҳамма бўлган машамшани қиролга сўзлаб берамиз...

— Ана холос! Жин урсин! — деб гўлдиради сеньор Хуан Лопес. — Менга қара, Мануэла! Сен, қазим, бориб менга ҳачирни эгарла... Сенья Фраскита, мен тегирмонга бораман, агар сеньор коррехидор бирон фалокатга учраган бўлса, шўрингиз қурийд!

— Сеньор, алькальд, сеньор алькальд! — деб қичқирди шу пайт хонага жонҳолатда ҳовлиқиб кириб келган Тоньюэло. — Лукас амаки пичанхонада йўқ, унинг эшаги ҳам йўқ, оғилхонанинг дарвозаси ланг очик... Бир сўз билан айтганда, қушча учиб кетибди!..

— Нима деб валдираяпсан? — дея дағдаға қилди сеньор Хуан Лопес.

— Ё муқаддас биби Марям! Ишқилиб, уйимизда бирон фалокат юз бермасайди! — деди сенья Фраскита. — Тезроқ борақолайлик, сеньор алькальд, дам ганимат!.. Агар эрим шу пайтда коррехидорни тегирмонда учратса, уни ўлдириб қўйиши аниқ..

— Сиз Лукасни тегирмонга кетган деб ўйлайсизми?

— Бўлмаса, қаёққа борарди? Сизга яна бошқа гапни айттай... Боя мен бу ёққа келаётганимда, йўлда уни учратдим, лекин танимадим. Вой ўлмасам, далада турволиб чақмоқ тошдан пилга тутатаётган эрим эди-ку! Э худо! Буни қаранг-а, баъзида ҳайвонлар одамлардан ақллироқ бўлишаркан-а! Буни айтишимдан мақсад, сеньор Хуан, эшакларимиз бир-бирини таниб, ҳанграшишди-ю, лекин мен билан Лукас бир-биримизни танимадик... Аксинча, бир-биримизни айтоқчи деб ўйлаб, икки томонга тирақайлаб қочдик!..

— Ўргилдим ўша, Лукасингиздан! — деди алькальд. — Ҳа, яхши, кетдик, сизларга нима чора кўришни ўша ерда ҳал қиламиз. Мен билан ҳазиллашганинг ҳолига вой! Чунки мен қиролман!.. Эй Мануэла, менга мансаб таёқчамни олиб кел, кейин беканга айт, мен кетяпман! — Чўри қиз “хўп” дегандек бош эгди.

Бу аснода сеньор Хуан Лопеснинг хаचери эгарланиб шай турганидан, сенья Фраскита билан алькальд Тоньюэло кузатувида тегирмон сари равона бўлишди.

## XXV б о б

### ГАРДУНЬЯНИНГ ОМАДИ

Биз ўзимизни ҳар қандай чопқирдан ҳам чопқирроқ деб тасаввур қилайлик-да, олдинроқ бўлган воқеага назар ташлайлик.

Гардунья шаҳарнинг ҳамма кўчаларини изғиб чиқиб, сенья Фраскитани топа олмади ва яна, ўзи айтган пайтда тегирмонга қайтиб келди.

Айёр алыгвасил йўл-йўлакай коррехимьентога<sup>1</sup> кириб ўтишни ҳам унутмади. Ҳаммаёқ тинч, осойишта эди. Ҳамма эшиклар, худди кундуз кунда бўлганидек, ланг очик эди. У ерда ўзи шунақа одат ўрнатилган эди: то ҳукумат мансабдорлари зиммаларига юкланган муқаддас бурчни адо этиб, маҳкаммага қайтиб келмагунларича эшиклар ёпилмасди. Зина майдончасида ва қабулхонада алыгвасиллар ва ўзга ходимлар коррехидорнинг қайтишини кутиб, тинчгина мудраб ўтиришарди. Лекин улардан икки-учтаси Гардуньянинг оёқ товушини эшитиб, кўзларини очишди ва ўзларининг бевосита раҳбарларидан:

— Сеньор келдими? — деб сўрашди.

— Йўқ ҳали! Тинчланинглар. Мен бирон янгилик бормикин, деб билгани келувдим...

— Янгилик йўқ.

— Сеньора қалай?

— У ўзида.

— Яқин орада бу ердан биронга аёл ўтмадими?

— Кечқурундан бери биронга ҳам одам келмади.

— Гап бундай: сизлар ҳеч кимни, у ким бўлмасин, нима деб гапирмасин, ичкарига қўйманглар. Шу билан бирга, сеньорни ё сеньорани сўраб келган ҳар қандай одамни, ҳатто у пайғамбар бўлса ҳам, дарҳол қўлга олиб, ҳибс этинглар.

— Чамаси, бугун каттагина ҳайвонга тузоқ қўйилган, шекилли?

<sup>1</sup> Коррехимьенто — коррехидорнинг қароргоҳи ва маҳкамаси.

— Энг йирик ҳайвонга, — деди Гардуња маънодор қилиб. — Баски, бу ишга шахсан коррехидор билан икковимиз киришган эканмиз, унинг қанчалик нозиклигига тушунгандирсиз!.. Хўп, хайр ҳозирча, хушёр бўлинглар!

— Худо ёр бўлсин, сеньор Бастьян! — дейишди ҳаммалари бараварига.

— Омад мени тарк этипти! — деб гўлдиради Гардуња маҳкамадан чиқиб кетаркан. — Ҳатто хотин зоти ҳам менга фириб бериб мот қилмоқда! Тегирмончининг хотини, шаҳарга кетяпман, деб ўзи қишлоққа, эрининг олдига жуфтакни ростлаб қолганга ўхшайди... Эҳ, оvsар Гардуња, қаёқда қолди сенинг исковучлигинг?

У шундай ўй-хаёллар билан яна тегирмон сари йўл олди.

Альгвасилнинг аввалги ис билиши қолмаганлигидан зорланиши тўғри эди, у ҳатто жар ёқасидан ўтаётиб, бу ердаги толзорга яширинган тўқ-қизил плаш кийган одамни ҳам пайқамади.

Бу одам Лукас амаки эди: у бошдан-оёқ коррехидорнинг кийимини кийиб олиб, шаҳарга йўл оларкан, нукул қуйидаги ўзи учун анъана бўлиб қолган гапни такрорларди:

— Лекин коррехидорнинг хотини ҳам нозандайгина!

Гардуња ҳеч нимани пайқамай, Лукасинг ёнгинасидан ўтиб кетди, сохта коррехидор бўлса, ўзи бекинган жойдан чиқиб, шаҳар томон йўл олди...

Биз ушбу бобнинг бошида айтганимиздек, альгвасил салдан кейин яна тегирмонга кириб борди.

## XXVI б о б

### НОГАҲОНИЙ ҚАРОР

Коррехидор Лукас амакининг кўзига кулф тешигидан қандай кўринган бўлса, ҳануз шу алфозда, шу вазиятда тўшақда чўзилиб ётарди.

— Мен яхшигина терладим, Гардуња! Бу мени тумов бўлишдан сақлаб қолди! — деди у остонада пайдо бўлган альгвасилни кўргани ҳамоно. — Хўш, Фраскита нима бўлди? Уни топдингми? Бу ёққа бошлаб келдингми? Ишқилиб, хотиним билан учрашмадими?

— Сеньор, — деб аянчли овозда гап бошлади Гардуња. — Тегирмончининг хотини мени аҳмоқ қилиб лақиллатиб кетибди: у шаҳарга эмас, қишлоққа, эрининг олдига жўнаворибди. Кечиринг мени лақмалитим учун...

— Қайтага, яхши бўпти! Жуда яхши бўпти! — деди мадридлик хотинбоз ва кўзлари газабдан ўтдек чақнаб кетди. — Демак, ҳамма иш жойида! Энди Лукас амаки билан сенья Фраскита икковлари ҳали тонг отмасданоқ битта кишан билан занжирбанд этилиб, инквизация қамоқхонасига жўнайдилар. Мен икковини ўша ерда чиритиб юбораман, шу билан улар бугун тунда бўлган воқеалар ҳақида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очолмайдилар. Гардуња, менга кийимларимни олиб чиқ, қуриб қолгандир энди... Тезроқ мени кийинтир! Мана, хуштор яна коррехидорга айланди!..

Гардуња кийимларни олиб чиққани ошхонага тушиб кетди...

## XXVII б о б

### ҚИРОЛ НОМИ БИЛАН

Бу аснода сенья Фраскита, сеньор Хуан Лопес ва Тоньюэллар тегирмонга етай деб қолган эдилар, яна бир неча дақиқадан кейин улар тегирмон дарвозаси олдида тўхтадилар.

— Олдин мен кираман! — деди алькальд. — Зеро, мен ҳукуматман! Сен, Таньюэло, орқамдан юр, лекин сиз, сенья Фраскита, то чақирмагунимизча, шу ерда қолинг.

Сеньор Хуан Лопес ҳовлига кириб, шийпончага ўтди ва у ерда ой ёруғи-

да букри одамни кўриб қолди, у одам эгнига дағал матодан тикилган камзул ва шим кийиб, устидан белини қора белбоғ билан боғлаган, оёғига яшил пайпоқ, бошига духоба қалпоқ кийиб елкасига қора плаш ташлаб олган эдики, бу кийимларнинг бари тегирмончининг кунда кийиб юрадиган одатий либоси эди.

— Бу ўша! — деб чинқириб юборди алькальд. — Қирол номи билан! Таслим бўлинг, Лукас!

Духоба қалпоқ кийган одам шартта ўзини ичкарига урмоқчи бўлди.

— Таслим бўл! — деб бақирди Тоньюэло ҳам унга ташланиб гирибонидан оларкан; сўнг тиззаси билан унинг қорнига тегиб ерга йиқитди.

Шу пайт қандайдир бир ваҳший ҳайвон Тоньюэлонинг устига ташланиб, унинг белбоғидан тортиди-да, тош тўшалган саҳнга улоқтирди ва икки юзига беаёв тарсаки ура бошлади.

Бу сенья Фраскита эди.

— Аблах! Тегма менинг Лукасимга! — деб қичқирарди у.

Шу чоқ саҳнага янги персонаж эшак етаклаб чиқиб келди, лекин бу ерда бўлаётган тўс-тўполонни кўриб, Тоньюэлони қутқариш учун у ҳам жангга киришди...

Бу Гардунья эди: у қиллоқ оқсоқолини дон Эухенио де Суньига деб ўйлаб, тегирмончининг хотинига бақирди:

— Сеньора, тегманг менинг хўжайинимга!

Шундай деб у аёлни оқсоқол устига ағдарди.

Икки ўт орасида қолган сенья Фраскита Гардуньянинг қорнига шундай зарб билан мушт туширдики, у чалқанча йиқилиб, узала тушиб ётиб қолди.

Энди саҳнада бир йўла тўрт киши бир-бирига маташпанча у ёқдан-бу ёққа умбалоқ ошиб олишарди.

Сеньор Хуан Лопес сохта Лукаснинг ўрнидан туришга имкон бермай, оёғи билан унинг кўкрагини босиб турар эди.

— Гардунья! Ёрдам бер! Мен коррехидорман, ахир! — деб чийиллади ниҳоят дон Эухенио, алькальднинг бука терисидан тикилган этиги пошнаси остида анжирдек эзилиб кетаётганини ҳис қилиб.

— Ие, ахир, бу чиндан ҳам коррехидор-ку! — деб юборди ваҳимага тушган сеньор Хуан Лопес.

— Коррехидор! — деб такрорлади ҳамма бараварига.

Мушглашаётганлар алҳол оёққа туришди.

— Ҳамма ҳибсага олинсин! — деб ўшқирди дон Эухенио де Суньига. — Ҳаммалари дорга осилсин!

— Сеньор... — дея ёлборди Хуан Лопес унинг қаршисида тиз чўқар экан. — Бизни афв этинг, зоти олийлари, танимай қолдик! Танимасни сийламас, дейдилар... Бунақа жайдари кийимда сизни қандай таниб бўларди, ахир?

— Каллаварам! — деб ўдағайлади унга коррехидор. — Ахир, эгнимга бирон нима кийишим керакмиди? Нима, хабаринг йўқми бутун уст-бошимни ўғирлаб кетишганидан? Нима, ҳали билмайсанми, Лукас бошчилик қилаётган қароқчилар...

— Ёлгон! — деб бақирди наварралик жувон.

— Менга қаранг, сенья Фраскита, — деди Гардунья уни бир четга таклиф қилар экан. — Сеньор коррехидор ва қолган ҳамманинг ижозати билан сизга шуни айтмоқчиманки... Агар бу можарони ўзингиз бир амаллаб баргараф қилмасангиз, жаноби олийлари ҳаммамизни Лукасга кўшиб дорга осадил!..

— Тушунтириброқ айтинг, ўзи нима гап? — деб сўради сенья Фраскита.

— Гап шундаки, Лукас амаки ҳозир коррехидорнинг кийимида шаҳар кезиб юрибди... Худо кўрсатмасин, бу либос билан ҳали у коррехидорнинг рафиқаси — хоним-афандининг ҳузурига ҳам кириб бориши мумкин!

— Ё Ййсо алайҳиссалом! — деб юборди бирдан тегирмончининг хотини. — Демак, эрим менинг номусимга доғ тушган деб ўйлаган! Бундан чиқди, у шаҳарга қасос олгани кетган!.. Қани, кетдик, кетдик тезроқ шаҳарга, нима қилсангиз қилинг, лекин мени Лукас олдида оқланг!

— Кетдик шаҳарга! Мен бу одамнинг оғзига келган ҳар қандай бало-баттар гаплар билан хотинимнинг дилини ранжитишига йўл қўймайман, — деди

коррехидор эгарлоглиқ турган эшаклардан бири томон йўналаркан. — Миндириб кўйинг мени, алькальд.

— Ҳа, яхши, шаҳарга бўлса, шаҳарга... — деди Гардуња. — Лекин, сеньор коррехидор, сизнинг кийимингизни кийган Лукас амаки ишқилиб хотинингиз билан суҳбатлашишдан нарига ўтмасин-да!

— Нима деб валдираяпсан, аблах? — дея дон Эухенио де Суньига ўшқириб берди. — Нима, сенингча, ўша муттаҳамнинг қўлидан...

— Ҳамма нарса келади! — деб гапни илиб кетди сенья Фраскита.

### XXVIII б о б

## “Ё МУҚАДДАС БИБИ МАРЯМ! ҲОЗИР ЯРИМ ТУН! СОАТ УН ИККИ ЯРИМ! ҲАВО ОЧИҚ”<sup>1</sup>

Тунги қоровуллар шундай деб ҳайқириб кўчама-кўча кезиб юришган пайтда, эшак минган тегирмончининг хотини ва коррехидор, ҳачир минган сеньор Хуан Лопес ва уларни пиёда кузатган алыгвасиллар коррехимьенто эшпиги тагига етиб келишди.

Эшик тақа-тақ берк эди.

Демак, ҳукмдорларнинг ҳам, маҳкама ходимларининг ҳам бутунги иши тутаган деб ўйлаш мумкин эди.

“Иш чатоқ” — деб ўйлади Гардуња ва эшикни унга осилган залвар тўқмоқ билан бир неча марта урди.

Улар узоқ кутишди, лекин ҳеч ким эшикни очмади ҳам, “ким” деб сўрамади ҳам.

Сенья Фраскитанинг рангида қон қолмаган эди.

Коррехидор бу орада иккала қўлидаги ҳамма тирноқларини кемириб бўлди.

Ҳамма сукутда.

Алыгвасиллар ва сеньор Хуан Лопес навбатма-навбат маҳкама эшигини гурсиллатиб уришди... Лекин наф бўлмади! Ичкаридан садо чиқмади! Ҳеч ким эшикни очмади! Ҳатто “тиқ” этган товуш ҳам эшитилмади!

Фақат ҳовлидаги фавворадан отилаётган сувнинг бир оҳангда шилдираши эшитиларди.

Ўтган ҳар бир дақиқа гўё йилдек бўлиб туюлди кутаётганларга.

Ниҳоят, соат бирга яқин иккинчи қаватдаги бир дераза очилиб, қандайдир аёл овози сўради:

— Ким у?

— Бу энаганинг овози... — деб пичирлади Гардуња.

— Мен! — деб жавоб қилди дон Эухенио де Суньига. — Эшикни очинг!

Яна жимлик.

— Ким у “мен” деган? — ниҳоят сўради энага.

— Нима, мени танимаяпсанми? Мен хўжайинингман!.. Коррехидор...

Яна жимлик.

— Йўлингиздан қолманг, худо ёр бўлсин! — деди оқкўнгил аёл. — Менинг хўжайиним қайтиб келганига бир соат бўлди, ҳозир ухламоқдалар. Сиз ҳам уйингизга бориб ётинг. Ухлаб турсангиз кайфингиз тарқалиб, хушингизни йиғиб оласиз.

Кейин дераза “қарс” этиб ёпилди.

Сенья Фраскита икки қўли билан юзини беркитиб олди.

— Энага! — деб бор овози билан бақирди туюқиб кетган коррехидор. — Нима, эшитмаяпсанми? Буюраман сенга, эшикни оч! Ахир, танийётандирсан мени овозимдан? Нима, сениям дорга осдиришимни хоҳлайсанми?

Дераза яна очилди.

— Бу қанақа безорилик!.. — деб қичқирди энага. — Ким ўзи у кўчани бошига кўтариб тўполон қилаётган?

<sup>1</sup> Испания шаҳарларида тунги кўча қоровулларининг анъанавий ҳайқириги. Улар вақтнинг қанча бўлгани ва об-ҳавони муттасил равишда муайян вақт оралигида эълон қилиб турганлар.

— Бу мен — коррехидорман!

— Бас қилинг майнавозчиликни! Ахир, айтдим-ку сизга, сеньор коррехидор уйга кириб келганида ҳали соат ўн иккиям бўлгани йўқ эди... У киши хоним-афандининг бўлмасига кириб эшикни ичидан беркигиб олдилар — буни ўз кўзим билан кўрдим!

— Нима, сиз ҳали мен билан ҳазиллашяпсизми?.. Бўпти, шошманг!.. Кўрса-тиб қўяман мен билан ҳазиллашиш қанақа бўлишини!..

Шу маҳал эшик очилиб, ичкаридан таёқлар билан қуроолланган бир гала хизматкорлар, ювиндихўрлар отилиб чиқишди ва эшик олдида турганларни дўшпослай кетишди.

— Қани у! Қани ўша ўзини коррехидор, деган безори! — деб бақирларди улар. — Қани ўша тўполончи? Қани ўша арақхўр?

Маҳкама эшиги тагида шунақанги тўс-тўполон бошландики, ҳеч ким ҳеч кимни танимасди, чунки кўча зим-зиё эди, лекин шунга қарамай, коррехидор, Гардуња, сеньор Хуан Лопес ва Тоньюэлолар насибаларига олам-жаҳон таёқ едилар.

Дон Эухенио де Суньиганинг шу бугунги тунда иккинчи марта таёқ билан сийланиши эди.

Бу ур-йиқитдан ўзини четга олиб турган сенья Фраскита умрида биринчи марта йиғлаб юборди...

— Лукас! Лукас! — дея лаблари пичирларди унинг. — Мендан гумонсирабсан-да! Бошқа аёлни оғушингга олишга журъат этибсан-да! Оҳ, шўргинам курсин менинг! Э худо, ўзинг бу мусибатни бошимиздан соқит қил!

## XXIX б о б

### POST NUBILA ... DIANA<sup>1</sup>

— Нима тўполон? — деган вазмин ва ёқимли овоз шовқин кўтарган оломон боши узра тантанавор янгради.

Ҳамма бошини кўтариб, балконда бошдан-оёқ қора кийган аёлни кўрди.

— Хоним-афанди! — дейишди хизматкорлар ва дарҳол калтаклашни бас қилишди.

— Хотиним! — деди дон Эухенио.

— Уларни ўтказиб юборинг... Сеньор коррехидор рухсат берди... — деб қўшиб қўйди сеньора.

Хизматкорлар йўл очишди, сеньор Суньига билан унинг ҳамроҳлари йўлакка киришди, кейин зинадан юқорига кўтарила бошлашди. Дунёда ўлимга маҳкум этилган биронта ҳам жиноятчи жаллод кундаси олдига ўз уйининг зинасидан чиқаётган бу коррехидорчалик оёқлари қалтираб ва даҳшатдан афт-ангори гезариб кўтарилмаган бўлса керак. Бироқ шундай бўлса ҳам, унинг ҳаёлидаги ўз айби билан бошидан кечирган аламли ва кулгили ҳодисалар ўрнини аста-секин бадном, шармандайи-шармисор бўлганлиги ҳақидаги ўй эгаллай бошлади.

“Энг аввало, — деб фикр юритарди у, — мен Суньига-и-Понсе де Леонман... Буни унутган одамнинг шўри қуриydi! Хотинимнинг ҳолига воёй, агар менинг номимга доғ туширган бўлса!”

## XXX б о б

### МАШҲУРА СЕНЬОРА

Коррехидорнинг хотини ўз эри ва унинг қишлоқи мулозимларини маҳкаманинг катта залида қабул қилди.

У бир ўзи эшик томон кўз тикиб турарди.

Ҳали анча ёш бўлган бу улғусифат хоним ўзининг сипо ва айни пайтда

<sup>1</sup> Post nubila... Diana — Булуғлардан кейин... Диана (яъни ой, лот.). Бу ибора зулмат ўрнига зиё, қайту ўрнига қувонч келди, деган маънони билдиради.



хушбичим хусн-латофати билан ўзгалардан ажралиб турарди. Унинг либоси ўша давр дидига монанд ҳам басавлат, ҳам одми эди. У эгнига нафис қора жун газламадан тикилган бурма кофта, калта ва тор юбка кийган, хушқомат елкасига тўр ҳошияли оқ-сарик рангли шоҳи қийиқ рўмол ташлаган, мармардек оппоқ қўлларига тирсақларигача етувчи узун қора қўлқоп кийган эди. Унинг Филиппин оролларидан келтирилган каттакон елпигичи билан елпичи туришида виқор ва улуғворлик зоҳир бўлиб, бу — хоним-афандининг бекусур ахлоқ соҳибаси эканлигидан далолат берарди.

Бу соҳибжамол аёлнинг қай бир жиҳатлари қироличага ва кўп жиҳатлари католик монастирининг аббатисасига ўхшаб кетардики, унинг қиёфасида атрофидаги одамларга нисбатан ҳам эъзоз-эҳтиром, ҳам таҳдид акс этарди. Бунинг устига, унинг шундай бемаҳалда бу қадар шоҳона ясаниб кийингани, ўзини мағрурона тугиши, залнинг чароғон қилиб ёритилгани — булар ҳаммаси хоним-афанди томонидан уюштирилган ўз эрининг жирканч ва разил қилмишларига зид бўлган сохта тантанаворлик эди.

Ниҳоят, шуни ҳам айтиш жоизки, бу сеньоранинг исми донья Мерседес Каррильо де Альборнос-и-Эспиноза де лос Монтерес бўлиб, у бир пайтлар ушбу шаҳарни забт этган шавкатли муҳориблар наслидан эди. Унинг ота-онаси оқсуякларга хос гурур даъвати билан қизини қари ва бадавлат коррехидорга турмушга чиқишга мажбур қилдилар ва у, гарчи монастиргача кетиш, таркидунё қилиш иштиёқида юрган бўлса ҳам, ноиложликдан ўзининг бу хоҳиш-истакларини қурбон қилган эди.

Биз тасвирлаётган воқеалар пайтида унинг ўйноқи мадридликдан икки фарзанди бор эди; яна, айтишларича, учинчисига ҳомилалор эди...

Келинг, азизлар, ўз ҳикоямиз ўзанига ўтайлик.

## XXXI б о б

### ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

— Мерседес! — деб бақирди коррехидор кўзи рафиқасига тушар-тушмас. — Мен алҳол билишни истайман, сен...

— Ие, Лукас амаки! Сизмидингиз? — деб эрининг сўзини бўлди коррехидорнинг хотини. — Бирон кор-ҳол бўлдимми тегирмонингизда?

— Сеньора! Менинг ҳазилга тоқатим йўқ! — деб жавоб қилди дарғазаб коррехидор. — Сизга ўз ҳақимда ҳисобот беришдан олдин билишим керак: менинг ор-номусимга нима бўлди?

— Мен буни қаяқдан билай! Нима, ор-номусингизни сақлаб қўйгани менга берганмидингиз?

— Ҳа, сеньора... Сизга! — деди дон Эухенио. — Эрларнинг ор-номусини ҳамиша хотинлари гард юқтирмай асрайди!

— Ундай бўлса, азизим Лукас, буни ўз хотинингиздан сўранг... Ана, ўзи ҳам шу ерда экан.

Остонада туриб қолган сенья Фраскитанинг кўксидан аяғчли бир нола отилиб чиқди.

— Кириг, сеньора, ўтириг... — деди коррехидорнинг рафиқаси тегирмончининг хотинига шоҳона салобат билан ва ўзи кенг диван томон йўналди.

Наварралик саховатли аёл бу таҳқирланган... эҳтимолки, икки карра таҳқирланган сеньоранинг самимий мурувватини дарҳол қадрлади, унинг ўзи ҳам ҳиммат-мурувват кўрсатишда бу ҳоқима сеньорадан қолишмасди. Шу боис у вужудида жўш ураётган ғазаб алангасини сўндира олди ва эҳтиром юзасидан сукут сақлаб тураверди. Узининг бегуноҳлигига, ҳақ эканлигига қатъий ишонган сенья Фраскита бегуноҳ эканлигини айтишга шошилмасди. Ҳозир у ўзи айблашни хоҳларди... О, жуда хоҳларди, лекин коррехидорнинг хотинини эмас, албатта!.. У Лукас билан ҳисоблашиб қўймоқчи эди, лекин Лукас кўринмасди.

— Сенья Фраскита!.. — деб таклифини такрорлади машҳура хоним наварралик аёлнинг жойидан жилмаганини кўриб. — Айтдим-ку, сизга, — кириг, ўтириг, деб.

Ушбу иккинчи таклиф биринчисига нисбатан самимийроқ ва хушмуомала оҳангда такрорланган эди... Чамаси, коррехидорнинг рафиқаси бу аёлнинг ўзини фаросат соҳибасидек мағрур тутишини, боз устига, унинг мафтункор гўзаллигини кўриб, ўзи ҳам қаршисида турган бу хилқатнинг худди ўзига ўхшаган бахтсиз бир шўрлик аёл эканлигини беихтиёр ҳис этган бўлса керак. Унинг ўзи-ку фақат тақдир уни коррехидор билан қовуштиргани учун бахтсиз эди.

Узларини иккиёқлама кундош ҳисоблаган бу иккала аёл бир-бирларига мамнунлик ва мурувват билан нигоҳ ташладилар, ташладилар-у бирдан худди энди бир-бирини кўриш бахтига мушарраф бўлган икки опа-сингилдай, қалблари бир-бирларига талпинаётганини сезиб, таажжуб қилдилар.

Беғубор қорли чўққилар худди шу тариқа бир-бирларини узоқдан туриб танийдилар ва саломлашадилар.

Мана шундай тотли ҳиссиётлар оғушида бўлган тегирмончининг хотини залла савлат тўкиб кириб келди ва стул чеккасига ўтирди.

Сенья Фраскига тегирмондан чиқаётганида, нуфузли одамлар билан учрашагини ўйлаб, ўзига оро берган ва дурустроқ кийинган эди; қора фланелдан тикилган узун-узун шокилали мантильяси<sup>1</sup> ўзига жуда ярашган, шу боис у ҳақиқий сеньораларга ўхшаб кетган эди.

Энди коррехидорга келсак, айтишларича, бу ердаги воқеа давомида у чурқ этиб оғиз очмаган. Сал олдинроқ сенья Фраскиганинг кўксидан отилиб чиққан нола, шунингдек унинг залла кириб келиши коррехидорнинг дилини ларзага келтирмаган деб бўлмайди. У ўз хотинидан ҳам кўра тегирмончининг хотинидан кўпроқ кўрқаётган эди.

— Мана, Лукас амаки... — деб гапида давом этди донья Мерседес ўз эрига юзланиб. — Сенья Фраскига рўпарангизда... Энди бояги саволингизни такрорлашингиз мумкин! Сўрайверинг ундан ор-номусингизни!

— Мерседес! — деб чинқириб юборди коррехидор. — Чормихга тортилган Ийсо ҳаққи қасамки, менинг нималарга қодир эканлигимни билмайсан ҳали! Худо ҳаққи, илтижо қиламан сендан, ҳазилни бас қил ва бу ерда мен йўғимда нималар бўлганини очиқ сўзлаб бер!.. Қани ўша одам?

— Қим? Эримми?... Эрим ўрнидан туряпти, ҳозир бу ерга чиқиб келади.

— Ўрнидан туряпти! — дея чинқириб юборди дон Эухенио.

— Ҳайрон бўляпсизми? Сизнингча ҳар бир диёнатли одам бундай пайтда ўз уйида, худо қовуштирган рафиқасининг ёнида бўлмай қаерда бўлиши керак?

— Мерседита, нималар деяпсан! Биз бу ерда ёлғиз эмасмиз! Мен — коррехидорман, ахир!

— Менга бунақа кичқирманг, Лукас амаки, йўқса алыгвасилларга буюрман — қамаб қўйишади сизни! — деди хоним-афанди ўрнидан турар экан.

— Мени-я? Мени қамашадими? Шаҳар коррехидорини-я?

— Одил суд вакили, қирол ноиби бўлмиш шаҳар коррехидори, — деб машҳура сеньора шундай ҳокимона овоз билан гапира бошладики, сохта тегирмончининг нола-ю афғонига энди ҳеч ким кулоқ солмай қўйди, — кундалик савоб ишларини бажаргач, ҳордиқ чиқаргани ўз вақтида уйига қайтиб келиб, эртага у яна раиятнинг номуси ва ҳаётини, ҳар бир хонадоннинг муқаддаслигини, аёлларнинг маъсумалигини ҳимоя қилишга киришади ва ҳеч кимнинг — ҳатто коррехидор либосини кийиб олган одамнинг ҳам — бировларнинг хотини ётган хобхонага киришга йўл қўймайди, токи ҳеч ким бундай аёлнинг эзгу фазилатини гафлатда қолдириб, оромбахш уйқусини бузмасин, беқусур уйқусидан ўзининг жирканч мақсадлари йўлида фойдаланмасин...

— Мерседита, қаёқдан олдинг бу қуруқ сафсатани? — чайналиб гапирди оғзида тиши қолмаган коррехидор. — Агар шуларнинг ҳаммаси менинг уйимда юз бергани рост бўлса, унда мен сени фирибгар, бевафо, фоҳиша деб атайман!

— Ким билан гаплашяпти ўзи бу одам? — деди жирканиш билан коррехидорнинг рафиқаси, залдаги одамларга бир-бир кўз югуртириб чиқаркан. — Ким ўзи бу аҳмоқ одам? Ким ўзи бу бадмаст? Мен унинг ҳурматли тегирмончимиз Лукас амаки эканлигига ишоналмай қолдим, гарчи уст-боши ўшани-

<sup>1</sup> М а н т и л ь я — испан аёллари елкаларига ташлаб юрадиган тўр рўмол.

ки бўлса ҳам!.. Гапимни эшитинг, сеньор Хуан Лопес, — деб у каловланиб қолган алькальдга юзланди. — Менинг эрим, шаҳар коррехидори бундан икки соатча бурун уйга ўзининг учбурчакли шляпаси, тўқ-қизил плашида, ёнида қиличи, қўлида дурбош асоси билан кириб келди... У уйга кириб, зинадан кўтарилпанда ва қабулхонадан ўтаётганида ҳозир бу ерда турган хизматчилар ва альгвасиллар у билан саломлашдилар-да, ҳамма эшикларни беркитишди. Шундан кейин менинг хобхонамга ҳеч ким кирмади, то сиз келгунингизча. Гапим тўғрими? Айтинглр..

— Тўппа-тўғри! Ҳаммаси худди сиз айтгандек бўлди, хоним-афанди! — деб бараварига чулдирашди хизматкорлар ҳам, альгвасиллар ҳам; зал эшиги олдида уймалашиб турган одамларнинг ҳаммаси бу ғайриоддий воқеани томоша қилиб турардилар.

— Даф бўлинглар! — деб ўкириб берди дон Эухенио худди қутурган итдай оғзидан тупук сочиб. — Гардунья! Гардунья! Мени таҳқирлаётган бу аблаҳларнинг ҳаммасини ҳибсга ол! Ҳаммасини қама! Ҳаммаси дорга осилсин!

Лекин Гардунья қаёққадир гум бўлган эди.

— Лекин, шунга қарамай, сеньор... — деб гапида давом этди донья Мерседес гап оҳангини ўзгартириб нигоҳини ниҳоят ўз эрининг юзига қадаб ҳамда қуюшқондан чиқиб кетишдан қўрқиб, энди унга ўз эрига юзланаётгандай мурожаат қилиб: — Фараз қилайлик, сиз чиндан-да менинг эримсиз... Фараз қилайлик, сиз аслида дон Эухенио де Суньига-и-Понсе де Леоннинг ўзисиз...

— Ўзиман!

— Яна фараз қилайликки, мен хобхонамга коррехидор либосида кириб келган одамни сиз деб ўйлаб, бир жиҳатдан хатога йўл қўйгандирман...

— Аблаҳлар! — деб бақирди қария ва қиличини суғурмоқчи бўлди, аммо унинг қўлига белидаги тегирмончининг белбоғи илинди, холос.

Наварраллик жувон бутун вужудини рашк туйғуси қамраб олганини ошкор қилмаслик учун мантильясининг бир чеги билан юзини беркитди.

— Кўнглингизга келган ҳамма нарсаларни бўлган деб фараз қилайлик... — деб гапида давом этди донья Мерседес ҳайратомуз хотиржамлик билан. — Лекин сиз, афандим, олдин менга фақат шуни айтинг-чи, мени айблашга қандай асосингиз бор? Менинг қораловчим бўлишга ўзи ҳаққингиз борми? Мени суд қилишга нима ҳаққингиз бор? Нима, сиз черковда ваъз тингладингизми? Ё тавба-тазарру қилгани борганмидингиз у ерга? Ё бўлмаса шу пайтгача кечки ибодатда турганмидингиз? Қаёқдан олдингиз ўзи эгнингиздаги либосни? Бу сеньора билан биргаликда ҳозир қаёқдан келдингиз? Туннинг ярмини қаёқларда ўтказдингиз?

— Менга ружсат этинг... — деди ўзини ортиқ босиб туrolмаган сенья Фраскита коррехидор билан унинг хотини ўртасида отилиб чиқаркан.

Бироқ донья Мерседес уни огоҳлантириб деди:

— Сеньора, мен сиздан изоҳ талаб қилаётганим йўқ.. Уни менга берманг! Ҳозир бу ерга сиздан изоҳ талаб қила олувчи одам келяпти.. Нима гапингиз бўлса, ҳаммасини унга айтинг!

Шу пайт эшик очилиб, остонада бошдан-оёқ коррехидорнинг кийимини кийиб, белига қилич таққан, қўлқоп кийган қўлига дурбош асо ушлаган — хуллас, шаҳар кенгашининг мажлисида иштирок этишга шайлангандек қиёфада Лукас амаки пайдо бўлди.

### XXXII б о б

## ИШОНЧ ТОҒНИ ҲАМ ЖОЙИДАН ЖИЛДИРАДИ

— Хайрли оқшом, — деди Лукас амаки худди дон Эухенио де Суньига сингари тамшаниб ва учбурчакли шляпани бошидан олиб.

Кейин у икки томонга чайқалиб юриб, коррехидорнинг хотини олдида борди-да, унинг қўлини олиб ўпди.

Ҳамма ҳайратда эди. Лукас амаки билан ҳақиқий коррехидор ўртасидаги ўхшашлик мисоли икки томчи сувдек эди. Улар ақл бовар қилмайдиган дара-

жада бир-бирларига ўшардиларки, уй ходимлари ва ҳатто сеньор Хуан Лопеснинг ўзи ҳам кулгидан ўзларини тўхтата олмадилар.

Дон Эухенио энди бу таҳқирга чидай олмади ва Лукас амаки устига жонжаҳди билан ташланди.

Лекин сенья Фраскита ўзининг бақувват қўли билан коррехидорни бир чеккага улоқтириб юбориб, уни эрига йўлатмади, қолаверса жаноби олиёларининг ўзи ҳам яна пўстаги қоқилиб шарманда бўлишдан қўрқиб, аламини ичига ютишни лозим топди.

Лукас амаки хотинини кўрган заҳоти мурдадек оқариб кетди, лекин кейин ўзини қўлга олиб (гарчи юраги отилиб чиқиб кетмасин учун кўкрагини чангаллаб олган бўлса ҳам), яна коррехидорни жигига тегिश учун деди:

— Худо сени ўз паноҳида асрасин, Фраскита! Жиянингта фармонимни юборгандирсан?

Шу пайт наварралик аёлни бир кўрсангиз эди! У мангильясини юзидан олиб ташлаб, бошини адл кўтарди ва сохта коррехидорга худди она шердек мағрур нигоҳ ташлади (унинг нигоҳи мисоли ханжарнинг тигидек ўткир эди) ва деди:

— Мен сендан ҳазар қиламан, Лукас!

Бу гапни у худди эрининг юзига тулургандек нафрат билан айтди.

Тегирмончи ўз хотинининг илк сўзларини эшитган ҳамано тамомила ўзгарди. Қалбини қаттиқ ҳаяжонга солувчи қандайдир руҳий кўтаринкилик ажиб бир зиё билан бутун вужудига шодмонлик бахш этди. У тегирмонда ўз кўзи билан кўрган ва ўйлаган нарсаларини дафъатан фаромуш қилиб, кўзларида шашқатор ёш билан сидқидилдан шундай деди:

— Демак, сен ҳалиям менинг Фраскитамсан-а?

— Йўқ! — деб жавоб қилди наварралик аёл ўз қаҳру ғазабини тушовлай олмай. — Энди мен сенинг Фраскитанг эмасман!.. Мен... Сен ўзингнинг тунги қилмишларингни бир кўз олдинга келтир, шунда сени севган қалбни қанчалик беаёв топгаб, хор қилганингни тушунасан!..

Шундай деб туриб у хўнграб юборди. Муз тоғи парчаланиб қуласа шу тарзда эрий бошлайди.

Коррехидорнинг хотини чидаб туrolмади, — у сенья Фраскитанинг олди-га келиб, уни чин меҳр ила бағрига босди.

Сенья Фраскита беихтиёр уни ўпаркан, худди она меҳрига зор бўлган қизалоқдек, пиқ-пиқ йиғлаганча дерди:

— Сеньора, сеньора! Мен жудаям бахтсизман!

— Йўқ, сен ўйлаганчалик эмас! — дерди коррехидорнинг хотини ҳам ҳиссиётга берилиб кетиб, юм-юм йиғларкан.

— Йўқ, ҳаммадан ҳам мен бахтсизроқман! — деб зорланарди Лукас амаки мушлари билан кўзёшларини қимганибгина артаркан.

— Хўш, мен-чи? — ниҳоят, дон Эухениодан ҳам садо чиқди; у бошқаларнинг йиғисини кўриб, қўнгли юмшадими, ё сув йўли билан, яъни оддий қилиб айтадиган бўлсак, кўзёшлар ёрдамида ўзини оқлашга уриндими, бирдан ўзини-ўзи койишга тушди: Мен қаллобман! Жирканч махлуқман! Ахлоқсиз бузуқ одамман! Ажаб қилдинглар, хўб қилдинглар!

Сўнг у юзини сеньор Хуан Лопеснинг қорнига босиб ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

Энди алькальд ҳам, бошқа ҳамма хизматчилар ҳам ув тортиб, хўнграб йиғлашга тушдилар. Гарчи ҳамма гап яхшилиқ билан тутагандек туюлса ҳам, ҳали ҳеч нима ойдинлашмаган эди.

### XXXIII б о б

## ХЎШ, ЎЗИНГ-ЧИ?

Лукас биринчи бўлиб бу кўзёшлар океани қаъридан қалқиб чиқди.

У кулф тешиги орқали кўрганларини яна эслай бошлади.

— Сеньорлар, келинлар, аниқлайлик... — деб у гап бошлаган эди, коррехидорнинг хотини унинг сўзини бўлди:

— Бунинг аниқлайдиган ери йўқ, Лукас амаки, хотинингиз — фаришта!

— Яхши, лекин...

— “Лекин-пекин”и йўқ... Рухсат беринг, ҳамма гапни ўзи айтсин, аминманки, у ўзини оқлай олади. Зеро, мен бу сеньорани биринчи марта кўрганимдаёқ, сиз айтган бир олам гумонларга қарамай, унинг бекусур фаришта эканлигини қалбим билан ҳис қилдим.

— Яхши, майли, гапирсин! — деди Лукас амаки.

— Менинг айтадиган гапим йўқ, — деб эътироз билдирди тегирмончининг хотини. — Сен гапиришинг керак!.. Ахир, сен-ку... — Шундай деди-ю тугилиб қолди: коррехидорнинг хотинига бўлган теран эҳтиром туйғуси гапни давом эттиришга йўл қўймади.

— Хўш, ўзинг-чи? — деб сўради яна ишончини йўқота бошлаган Лукас амаки.

— Ҳозир гап сенья Фраскита ҳақида эмас!.. — деб чийиллади коррехидор; у ҳам рашк билан заҳарланган шубҳаларига қайта бошлаган эди. — Энди гап сиз билан мана бу сеньор ҳақида бориши керак!.. О, Мерседита! Ким ўйлабди сенинг бунақа...

— Хўш, ўзинг-чи? — деди Мерседес хоним эрига тикилиб қараркан.

Хуллас, бу эр-хотин анча вақтгача топиб олган фақат битта гаплари билан даҳанаки жанг қилиб турди.

— Сен-чи?

— Ўзинг-чи?

— Сен!

— Йўқ, сен.

— Тавба, қандай ҳаддинг сизди?

Ҳоказо ва ҳоказо гаплар.

Бу “жанг” ҳали узоқ давом этиши мумкин эди-ю, лекин коррехидорнинг хотини яна ўз иззат-эътиборини тиклаб олиб, дон Эухениога деди:

— Биз ҳозир бу ҳақда гапирмаймиз? Бу икковимизнинг ишимиз — уни кейин муҳокама қиламиз. Ҳозир энг муҳими, Лукас амакининг кўнглини тинчйтишимиз керак; менимча бу қийин иш эмас. Бу ерда Хуан Лопес бор, Тоньюэло ҳам шу ерда — улар сенья Фраскитанинг беғуноҳлигини икки оғиз сўз билан исботлашлари мумкин.

— Эркакларнинг менга гувоҳлик беришига зор эмасман, — деди сенья Фраскита. — Менинг иккита жуда ишончли гувоҳим бор. Уларни алдаб ҳам, пора билан оғдириб ҳам бўлмайди...

— Қаерда улар? — деб сўради тегирмончи.

— Пастда, эшик олдида туришипти...

— Айт уларга, сеньоранинг розилиги билан бу ёққа чиқишсин.

— У шўрликлар бу ёққа чиқа олмайди...

— Ҳа-а, демак, улар аёллар!.. Улар юз-хотирга боришмайди, дегин.

— Улар аёллар эмас. Лекин икковлари ҳам аёл жинсидан...

— Ана холос! Бундан чиқди, қиз болалар экан-де?.. Исмлари... исмлари нима?

— Бирининг исми Пиньона, иккинчисиники — Ливиана...

— Ия, ўзимизнинг эшаклар-ку!.. Нима, энди мени майна қилмоқчимисан, Фраскита?

— Йўқ, гапим жиддий. Сен сеньор коррехидорни хобхонамизда ётганини кўрганингда мен тегирмондан узоқда эдим — буни фақат шу эшакларимиз исботлаши мумкин.

— Худо ҳаққи, тушунтириброқ гапир.

— Яхши, эшит бўлмаса, Лукас... Ҳали мендан ноҳақ гумонсираганинг учун уялганингдан, қанийди ер ёрилса-ю ер тагига кириб кетсам, дейсан!.. Сен қоронғида қишлоқдан тегирмонга қайтиб келаётганингда мен қишлоққа кетаётган эдим. Шунда биз сен билан учрашдик. Лекин сен негадир қатта йўлдан келмаётганинг, аниқроғи, йўлдан четта бурилиб тўхтаб, чақмоқ тошни тошга уриб, пилта тутатаётган эдинг...

— Гапинг тўғри, мен тўхтовдим! Кейин-чи?

— Шу пайт эшагинг ханграб юборди...

— Буям тўғри!.. Оҳ, бахтимдан ўргилай!.. Гапир, гапиравер, ҳар бир айтган сўзинг менга бир йиллик ҳаётимни қайтариб берапти.

— Эшагининг ханграшига йўл томондан бошқа эшак ханграб жўр бўлди.  
— Ҳа, ҳа!.. Худого шукр-е! Уша ханграган овозни ҳали ҳам эшитаётгандай-ман!

— Бу икки эшак Ливиана билан Пиньона эди, — улар бир-бирини таниб, худди қадрдон дугоналардек саломлашишди, аммо сен билан мен бир-биримизни танимадик ҳам, кўришмадик ҳам!

— Бўлди, бўлди, бошқа ҳеч нима гапирма! Ҳеч нима!..

— Биз бир-биримизни таниш у ёқда турсин, — деб гапида давом этди сенья Фраскита, — кўрқиб кетиб, икковимиз икки томонга қоча бошладик... Энди ишонгандирсан менинг тегирмонда бўлмаганлигимга?.. Энди агар сенъор коррехидорнинг нима учун бизнинг каравотимизда ётганини билмоқчи бўлсанг, эгнингдаги кийимни пайпаслаб кўр, — у ҳали ҳам унча қуриманган, нам бўлса керак... Мана шу кийим ҳамма гапни мендан кўра яхшироқ тушунтириб беради сенга... Жаноби олийлари ариққа йиқилиб, жиққа хўл бўлибдилар, шунинг учун Гардунья у кишини ечинтириб каравотга ётқизган! Энди жиянимни ишга тайинлаш ҳақидаги фармон ҳақида билмоқчи бўлсанг... Йўқ, ҳозир бу ҳақда ҳеч нима гапирмайман. Узимиз ёлғиз қолганимизда, ҳамма гапни сенга бирма-бир ҳикоя қилиб бераман... ҳозир сенъоранинг ҳузурларида бу ҳақда гапиришим ноқулай.

— Сенья Фраскита рост гапирдилар, айтганларининг ҳаммаси рост! — деди шоша-пиша сенъор Хуан Лопес; у мазкур маҳкамада ҳақиқий бошлиқ донья Мерседес эканлигини сезган ва унга тилёғламалик қилмоқчи эди.

— Ҳаммаси тўғри! Ҳаммаси тўғри! — деб тасдиқлади Тоньюэло ҳам ўзининг бевосита бошлиғи фикрини қувватлашга уринаркан.

— Бўлди... етар, — деб хулоса қилди сенья Фраскитанинг изоҳи бундан нарига ўтмаганидан суюниб кетган коррехидор.

— Демак, сенда айб йўқ! — деди Лукас амаки ҳақиқат олдида бош эгаркан. — Фраскита, менинг суюкли Фраскитам! Сени ноҳақ айблаганим учун кечир мени, кел, сени бир бағримга босай!

— Ҳо, анойинг йўқ! — деди сенья Фраскита ўзини ундан четта оларкан. — Мен олдин сенинг изоҳингни эшитмоқчиман.

— Сенья Фраскита учун ҳам, ўзим учун ҳам изоҳни мен бераман... — деб гапга аралашди донья Мерседес.

— Мен буни бир соатдан бери кутяпман! — деди коррехидор ўзини яна мансабдор қилиб кўрсатишга уринаркан.

— Лекин, мен, — деб гапида давом этди коррехидорнинг хотини эридан жирканиб, унга орқа ўтираркан, — то бу сенъорлар кийимларини алмаштириб олгунча кутиб тураман... Фақат ўшандагина, шундаям лозим топганим одамга изоҳ бераман.

— Юрақолинг... юринг, кийим алмаштираман... — деб юзланди тегирмончи дон Эухениога, уни ўлдириб қўймаганидан хурсанд бўлиб; лекин ҳамон унга мавр Отеллонинг даргазаб кўзлари билан ўкрайиб қарарди. — Мен бўғилиб кетяпман бу кийимингизда! У мени бадбахт қилди!..

— Чунки сен муносиб эмассан бундай либосга! — деди коррехидор. — Лекин мен буни кийишни орзиқиб кутяпман, шунда мен сени ва сенга қўшиб дунёнинг ярми одамлари дорга осаман, агар хотинимнинг изоҳи мени қониқтирмаса.

Эрининг бу гапларини эшитган донья Мерседес вазифаси одамларни ҳимоя қилиш бўлган гамгузор фаришталаргагина хос бўлган майин табассум билан ҳамма турганларга таскин берди.

### XXXIV б о б

## КОРРЕХИДОРНИНГ ХОТИНИ ЧАККИ ЭМАС ЭКАН!

Коррехидор билан Лукас амаки залдан чиқиб кетишгач, донья Мерседес яна диванга ўтириб, ўз ёнига сенья Фраскитани таклиф қилди, сўнг эшик олдида турган хизматчилар-у, уй ходимларига мулоийим овозда солдагина гап билан мурожаат қилди:

— Мана энди, азизларим, бу мухтарама аёлга мен бу ерда қилган ҳамма ёмон ишларни оқизмай-томизмай ўзинглар бемалол гапириб беринглар.

“Туртинчи табақа”<sup>1</sup> намояндалари яқинроқ келишди ва бир-бирларининг сўзини бўлиб, барабар чуғурлаша бошлашди; лекин бу хонадонда энг кўп ҳурматга сазовор бўлган энага ҳаммани тинч бўлишга ундади ва ўзи шундай деб гап бошлади:

— Сизга маълум бўлсинким, сенья Фраскита, бугун тунда бекам билан биз болалар хонасида хўжайиннинг келишини кутиб ўтирган эдик; биз вақт тезроқ ўтсин учун учинчи марта дуо ўқий бошладик, сабабки, Гардуньянинг гапига қараганда, сеньор коррехидор бугун тунда қандайдир ёвуз ниятли одамларни тутиш билан банд экан. Шунинг учун икковимиз ҳам янгиликни билмай уйкуга ётишни хоҳламадик. Шу пайт бирдан соҳибларимиз ётадиган қўшни хонада бир нима тарақлаб кетди. Биз қўрққанимиздан шамлек қотиб қолдик, лекин илож қанча, нима гап экан деб билгани хобхонага кирдик. Кириб кўрсак... ё биби Марям!.. соҳибимнинг кийимини кийган қандайдир бир бегона одам (у сизнинг эрингиз эди) каравот тагига кириб яширинмоқчи. Биз жонқолатда: “Ўғри, ўғри!” — деб бақирдик. Зумда алыгвасиллар югуриб келишиб, сохта коррехидорни яширинган еридан тортиб чиқаришди. Шунда ҳаммамиз, Лукас амакини танидик. Бекам унинг эғнида сеньор коррехидорнинг уст-бошини кўрдилар-у, бу одам эримни ўлдирган, деб ўйлаб шундай аянч билан саннаб йиғлай бошладиларки, бундай мусибат қаттиқ тошнинг бошига тушса, у ҳам йиғлай бошлаган бўларди... Бизлар бўлсак, ўрни бошга кўтарганча, “Қамаш керак! Қамаш керак бу ўғрини, бу қотилни!” деб бақирардик. Одамлар эрингиз ҳақида бундан ҳам бешбаттар гапларни айтишди. У ўзининг қамоққа ташланишини эшитиб, гап бошлади. “Мен, деди у, ҳозир сизларга бир гап айтишим керак, лекин иложи бўлганда уни, то ўла-ўлгунимча айтмаган бўлардим. Сеньора, мен ўғри ҳам, қотил ҳам эмасман: менинг номусимни ўғирлаб, уни оёғости қилган — қатл этган одам ҳозир менинг уйимда хотиним билан бир тўшақда ётибди”.

— Бечора Лукас! — деб хўрсиниб қўйди сенья Фраскита.

— Шўрим курсин! — деди пичирлаб донья Мерседес.

— Бизлар ҳам шундай: “Бечора Лукас амаки, шўрлик сеньора!” — дедик. Негаки... очигини айтсам, сеньора Фраскита, хўжайинимизнинг сизга хушгор бўлиб қолганидан хабаримиз бор эди... Гарчи ҳеч ким тасаввур қила олмаган бўлса ҳам унинг бундай...

— Энага! — деб койиб берди коррехидорнинг хотини. — Бас қил...

— Буёғини мен гапирман! — деди алыгвасиллардан бири ўртага чўккан сукутдан фойдаланиб сўз оларкан. — Лукас амаки бизни роса гўл қилди: эғнидаги кийими ҳам, оёқ олиши ҳам худди сеньор коррехидорники эди. Бу ерга у яхши ният билан келмаган экан. Хайрият, бекам ҳали ётмаган эканлар, агар сеньора ухлаётган бўлганларида, худо кўрсатмасин, биласизми, яна нималар бўлиши мумкин эди?..

— Бе, қўйсанг-чи! Топган гапингни қара-ю! — деб ошпаз хотин гапга аралашди. — Сендан ўзи ҳеч қачон ақлли гап чиқмаган! Гап бундай бўлган эди, сенья Фраскита, Лукас амаки нима мақсадда бекамнинг хобхонасига кирганини айтишга мажбур бўлди. У ёмон ниятда келган экан бу ерга. Турган гап, бекам ўзларини тутиб туролмай, шунақанги шарақлатиб тарсаки тортиб юбордиларки, эрингиз тушунтирмоқчи бўлган гапининг ярми бўғзида тикилиб қолди! Мен ҳам уни астар-аврасини ағдариб роса қаргадим, ҳатто кўзларини ўйиб олмоқчи ҳам бўлдим. Ахир, ўзингиз тушунасиз-ку, сенья Фраскита, бировнинг уйига бундай шум ният билан келиш...

— Сайра-я, сайра! — деди эшикбон ошпаз хотиннинг олдига ўтиб. — Гап бундай бўлган эди, сенья Фраскита, эшитсангиз, ҳамма нарса ойдинлашади-қўяди. Сеньора тўғри қилдилар... Кейин сал ҳовурларидан тушгач, Лукас амакига раҳм қилдилар ва сеньор коррехидорнинг ўз мартабасига нолойиқ иш тутанлигини ўйлаб, эрингизга тахминан шундай сўзлар билан юзланадилар:

<sup>1</sup> Туртинчи табақа — яъни авом халқ. Дастлабки уч табақа: дворянлар, руҳонийлар ва буржуазия.

“Гарчи сиз, Лукас амаки, уйимга шум ният билан келган бўлсангиз ҳам, гарчи мен буни ўла-ўлгунимча кечирмасам ҳам, келинг, ҳозир келишиб, бир йўл тугайлик: сизнинг хотинингиз билан менинг эрим ўзларини вақтинча ўзлари қўйган тузоққа илинган деб фараз қилсинлар ва сизни, кийим алмашилгани сабабли улардан қасд олган, деб ўйласинлар. Бу фириб бизнинг энг зўр қасосимиз бўлади. Кейин, лозим топилган пайтда сирни очамиз”. Шундан кейин бегойим билан Лукас амаки бизга жаноби олийлари келганида нима қилиш кераклигини ўргатишди. Мана шунинг учун ҳам мен Себастьян Гардуньяни у дунё-ю бу дунё эсидан чиқмайдиган қилиб пўстагини қоқдим!

Эшикбон ҳикоясини тугатди. Сеньора Мерседес билан тегирмончининг хотини эса, яна анчагача дам-бадам бир-бирларини кучоқлаб, ўпиб нималарнидир пичирлашиб, гоҳ-гоҳда қотиб-қотиб кулиб ўтиришди.

Афсус, биз уларнинг сўхбатини эшита олмадик... Лекин китобхон уларнинг нима ҳақда пичирлашганини ҳеч қўйналмай тасаввур қилиши мумкин; китобхон аёллар-ку, инчунин.

## XXXV б о б

### БЕГОЙИМНИНГ БУЙРУҒИ

Шу пайт залга коррехидор билан Лукас амаки, ҳар бири ўз кийимида, қайтиб киришди.

— Энди бевосита менга тааллуқли бўлган гапларни аниқлаймиз! — деди шавкатли дон Эухенио де Суньяга.

У қўлидаги дурбош асони полга икки марта гурсиллатиб уриб, ўз хотинига гайритавсиф виқор ва такаббурлик билан мурожаат қилди:

— Мерседита, мен изоҳингни кутяпман...

Бу аснода тегирмончининг хотини ўрнидан турди ва Лукас амакининг олдига бориб, ярашиш аломати сифатида, уни шундай чимчиб олдики, эрининг кўз олди қоронғилашиб кетди.

Коррехидор бу сўзсиз саҳнани кузатаркан серрайиб қолди; бундай бесабаб ярашувни у тасаввур ҳам қила олмаганди. Сўнг тиржайганча яна хотинига юзланди:

— Сеньора! Фақат иккаламизга тааллуқли гаплар ҳам ойдинлашмади. Шубҳаларимни бартараф қилинг... Мен буни эрингиз ва коррехидор сифатида талаб қиламан!

Шундай деб у яна дурбош асосини полга урди.

Донья Мерседес дон Эухенионинг гапига парво қилмай, сенья Фраскитага яқинлашди:

— Кетяписизларми? Майли, борақолинглар, ҳеч нимадан хавотир олманглар: бу воқеанинг ҳеч қандай натижаси бўлмайди... Роза! Уларга чироқ тут... Борақолинг, Лукас амаки, худо ёр бўлсин!

— Э йўқ! — деб гапга аралашди коррехидор. — Лукас бу ердан кетмайди! То мен бутун ҳақиқатни билмагунимча Лукас қамоқда бўлади! Ҳей, альгвазиллар! Қирол номи билан!..

Лекин биронга ҳам ходим дон Эухенионинг даъватига парво қилмади. Ҳамма донья Мерседесдан кўз узмасди.

— Кўрамиз, қани тегиб кўр-чи уларга!.. Ҳозироқ қўйиб юбор уларни! — деди хоним-афанди эрига ҳужум қилмоқчи бўлгандай олға юраркан ва назокатли имо билан ҳаммани залдан чиқиб кетишга ундар экан.

— Ахир мен... Ахир сен... Лекин биз... Лекин улар... — деб тамшанарди қария хотинининг этагига ёпишганча.

Лекин ҳеч ким жаноб коррехидор томонга қайрилиб ҳам қарамади.

Ҳамма бегоналар чиқиб кетиб, залда ихтилофдаги эр-хотин қолгач, донья Мерседес, ниҳоят, эрининг саволига жавоб беришни лозим топди. Лекин у шундай оҳангда гапирдики, бутун Русия маликаси гуноҳ иш қилган министрни кўзларидан ўт чақнаб, Сибирга то ўлгунича сургун қилганида тахминан шу тарзда фармон берган бўлса керак.



— Сен минг йил умр кечирганингда ҳам, бутун тунда менинг ётоғимда нималар бўлганини билолмайсан... Агар ўзинг бу ерда бўлганингда, нима бўлганини суриштиришингга эҳтиёж қолмасди. Сен бўлсанг бошқа ёқларда юрибсан. Бутундан эътиборан, энди мени ҳеч нима ва ҳеч ким ҳеч қачон сенинг найрангларингга чидашга мажбур эта олмайди. Мен сендан жирканаман, агар болаларимнинг отаси бўлмаганингда, ҳозирнинг ўзида сени балкондан улоқтириб юборардим. Шуни қулоғингга қуйиб ол: бундан буён сен ҳеч қачон менинг ётоғимга кирмайсан!.. Хайрли тун, кавальеро!

Дон Эухенио хотинининг бу гапларини мутелик билан тинглади, зеро, у хотини билан ёлғиз қолганида доимо ундан чўчиб турарди.

Сеньора эрига айтадиган гапини гапириб бўлиб, кабинет томон йўл олди, кабинетдан ўтиб, ўзининг хобхонасига кирди-да, эшикни ичидан занжирлаб олди. Бечора коррехидор зал ўртасида қаққайиб туриб қолди сўнг милклари орасидан (чунки оғзида тиши қолмаган эди-да) ўта беҳаёлик билан гўлдираб қўйди:

— О-о, мен бунчалик осон қутуламан, деб ўйламовдим!.. Майли, ҳали Гардунья бошқасини топиб беради.

### XXXVI б о б

## ХУЛОСА, ҚИССАДАН ҲИССА ВА ХОТИМА

Лукас амаки ва сенья Фраскита шаҳардан чиқиб, тегирмон томон кета бошлаганларида, қушлар қуёш чиқишини қутлаб чуғурлаша бошлаган эдилар.

Эр-хотин эгарлоғлик эшаклар орқасидан яёв юриб борарди.

— Якшанбада черковга бориб тавба-тазарру қиласан, — дерди аёл эрига, — мен бутун кечаси қилган аҳмоқликларинг, гуноҳларингдан покланишинг керак...

— Бу гапинг тўғри... — деди тегирмончи. — Лекин сен ҳам менинг бир илтимосимни бажарсанг: каравотимиздаги тўшак, кўрпа-ёстиқ, чойшабларни бечораҳол одамларга бериб юбориб, ҳаммасини янгила. Мен анави захарли илон ётган ўринга ўлсам ҳам ётмайман!

— Уни менга эслатма, Лукас! — деди сенья Фраскита. — Яхшиси, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик. Менга бир яхшилик қилсанг...

— Жоним билан...

— Ёзда мени Солан де Кабрасга чўмилгани оборсанг.

— Сабаб?

— Шояд биз ҳам фарзанд кўрсак.

— Яхши фикр! Албатта олиб бораман, агар худо ўша кунларга етказса.

Мана, улар тегирмонга етиб келдилар. Бу пайт энди уфқдан бош кўгараётган қуёш тоғ чўққиларини мунаввар қила бошлаган эди.

.....  
 Ўша куниеқ кечқурун, юз берган можародан сўнг ҳеч қандай ташриф бўлишини кутмаган эр-хотинни ҳайратда қолдириб, тегирмонга анча-мунча нуфузли меҳмонлар келишди. Илгари ҳеч бунақа кўп меҳмон келмасди. Кейинроқ маълум бўлишича, уларни ҳазрати бузургнинг ўзи таклиф қилган экан; меҳмон бўлиб келган муҳтарам епископ, бир талай дин пешволари-ю, ҳуқуқ маслаҳатчилари ва яна бир нечта мансабдор шахс шийпончага зўрға сиғишди.

Фақат коррехидор етишмасди.

Ҳамма меҳмонлар жойлашиб ўтиришгандан кейин, сеньор епископ шундай калималар ила бу ерда ҳозир бўлганларга ваъз қилди:

— Маълумингиз бўлган ҳодисаларнинг айнан шу хонадонда содир бўлганлиги туфайли, эъзозли дин пешволари ва камина бу ҳурматли эр-хотинни жамоатчиликнинг ноҳақ таъна-маломатларидан ҳимоялаш мақсадида, бояги-боягидай ушбу тегирмонга ташриф буюришни канда қилмагаймиз, зеро, ўзининг манфур қилмишлари ила хушахлоқ, шундай табаррук жамоа шаънига доғ туширган кимсагина таъна ва таҳқирга лойиқдир.

Кейин епископ сенья Фраскитага юзланиб, мулоҳазали бўлишни, одмироқ кийинишни, қўллари ва бўйинини очиб юрмасликни худди ўз отасидек насиҳат қилди. Лукас амакига эса, кўпроқ беғараз, кўпроқ эҳтиёткор бўлиш ва олий рутбадаги одамларни кўпроқ иззат-эҳтиром қилиш ҳақида ўтиб берди. Сеньор епископ нутқининг ниҳоясида ҳаммани дуо қилди ва бугун ҳали кечлик қилмаганини, шу боис бир мириқиб узумхўрлик қилмоқчи эканлигини айтди.

Епископнинг бу охирги калимаси ҳамма меҳмонларнинг дилидаги гап эди... Шу куни кечқурун шийпонча тепасидаги токнинг узуми беаёв узилди. Кейин тегирмончи ҳисобласа, меҳмонлар икки сават узумни пок-покиза туширишипти.

Бундай хушбахра оқшомлар салкам уч йилгача давом этди, кейин кутилмаганда Испанияга Наполеон қўшини бостириб кирди ва мамлакатда мустақиллик учун уруш бошланди.

Сеньор епископ, хатиб ва руҳоний ота 1808 йилда, адвокат ва оқшомги учрашувнинг бошқа қатнашчилари 1809 йилдан то 1812 йилгача бўлган вақт ичида қазо қилдилар; улар бутун мамлакатни босиб кетган, ҳатто жомеда ибодат чоғида ҳам оғизларидан тамаки трубкаларини олмайдиган босқинчи французларнинг қорибодларига чидолмай ўлиб кетдилар.

Тегирмонда бошқа бир марта ҳам қорасини кўрсатмаган коррехидор француз маршали томонидан ишдан олинди (у мамлакатнинг ажнабий давлат томонидан забт этилганига ҳеч чидай олмаган эди) ва қамоқда жон таслим қилди.

Донья Мерседес бошқа турмуш қурмади; у ўз ўғилларига жуда яхши тарбия берди, сўнг қариган чоғида монастирни ошён қилди ва ўша ерда буюк зоҳид сифатида довруқ қозониб, бу дунёдан кўз юмди.

Гардунья французларга сотилди.

Сеньор Хуан Лопес партизан отрядига қўмондонлик қилди ва жуда кўп французларнинг ёстигини қуригиб, Баса яқинидаги жангда ўз альгвасили билан биргаликда ҳалок бўлди.

Ва, ниҳоят, Лукас амаки билан сенья Фраскита Солан де Кабрасга борган бўлишларига қарамай, қилган беҳисоб назр-ниёзларига қарамай, фарзанд кўрмадилар, аммо бир-бирларини аввалгидай севиб, узоқ умр кечирдилар ва мамлакатда юз берган бир қатор тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлиб, қариган чоғларида дорилбақога рихлат этдилар. Лекин у пайтларда урф бўлган доира шляпалар ҳам бу икки қариянинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган учбурчакли шляпани уларнинг хотирасидан, барибир, ўчириб ташлай олмадилар.



Владимир ВОЙНОВИЧ

# Монументал тарғибот

Роман

Иккинчи қисм

## КЎШИҚЛАР БИРЛА КУРАШИБ ВА ҒОЛИБ КЕЛИБ...

1

**О**лтинчи ноябр куни кечга томон Аглая Степановна Ревкинининг эшигини кимдир аста тақиллатди. Аглая ҳўл қўлларида сочиқ билан йўлакка чиқди, лекин “ким?” деб овоз беришга улгурмай, эшик худди даҳшатли воқеалар ҳақидаги фильмларда учрайдиган мудҳиш бир гижирлаш билан аста очила бошлади ва аввал елка кўринди. Бу елкада ҳарбий кителларнинг оҳори тўкилиб кетган мовути бор эди. Елкадан кейин аста-аста гавда кўринди. Аввалига ғира-шира кўринган гавда охир-пировардида таниб оладиган тусга кирди. Бу одам уй бошқарувчиси Дмитрий Иванович Кашляев бўлиб, унинг лақаби Диванич эди. Икки бети ҳам, бурни ҳам қип-қизил бу одам метереология хизматининг собиқ полковниги эди, уни армиядан пиёнисталиги учун эмас — агар пиёнисталик учун ҳайдашадиган бўлса, Совет Армиясининг жамики офицерлар корпусини тарқатиб юбориш керак эди. Собиқ полковник Кашляевнинг айби шу бўлган эдики, у Мудофаа вазирлигининг олинолид кенгликларидаги Метереология хизматининг раҳбари бўлатуриб, ўзига тобе ходимлар томонидан (табиийки, бу ишда ўзи ҳам фаол қатнашган) турли хил сезгир асбоб-ускуналардаги спиртнинг ичилиб юборилишига ва унинг ўрнига сув қуйиб қўйилишига йўл қўйган. Иш шу даражага бориб етганки, ҳарбий округнинг асосий метерстанциясидаги асосий термометр роппа-росаноль градусда музлаб қолаверган. Шунга қарамай, метереология хизмати ишлашда давом этган. Бу хизмат об-ҳаво тўғрисидаги маълумотлар ва прогнозлар тузиб, уларни тарқатиб туришган. Бу маълумотлардан ҳарбий-денгиз флотининг кемалари ва стратегик авиация қисмлари мунтазам фойдаланишган. Тўғри, Диванич жуда тажрибали метереолог эди. Жорий ҳароратни, шунингдек, шамолнинг кучи ва йўналишини бармоғини сўлакайи билан ҳўллаб, юқорига кўтариб туриш йўли билан аниқларди, яқин кунларда бўладиган об-ҳавонинг ҳолатини эса умумий белгиларга қараб, шунингдек, фронтда ўқ теккан тиззасидаги оғриқнинг кучига қараб аниқларди. Ҳа, энди, хато ҳам қилиб турарди — бу дунёда адашмайдиган одам бор эканми. Лекин Бош метереология марказидан кўп адашмасди. Шуниси ҳам борки, Бош метереология маркази ҳам худди ўша сабабга кўра адашган бўлиши мумкин. Диванични армиядан бўшатиб юборишди, энди у уй бошқарувчиси бўлиб хизмат қиляпти, маоши унча катта эмас эди, лекин полковник бўлгани учун оладиган салмоқли нафақаси ҳам бор.

Эшик гижирлар, Диванич унинг бир табақасини қўли билан ушлаб турган ҳолда, унга суқилиб киришда давом этарди. У эшикни тутиб турар экан, уни сал-палгина — ўзи зўрға сиғадиган даражада очган эди, бу билан у ўзининг ўта хокисор ва камсуқум эканини намоиш этмоқчи. “Ҳа энди, шу одамга

Давоми. Боши ўтган сонда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

51

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам эшикни ланг очмаса ҳеч кимнинг қўнгли қолмайди” демоқчидай эди. Аммо айни чоқда ўзининг муайян ўжарлигини ҳам кўрсатмоқчи, эшикни жиндай очган бўлса-да, ундан бемалол киражагини намоён этмоқчидай эди. Ниҳоят, у ичкарига кирди — унинг бутун бўй-басти, турқи Аглаянинг кўз ўнгида намоён бўлди. У офицер кийимида эди, олиб ташланган погонлар ва петлицаларнинг ўрни ҳали ўнгиб улгурмай, кийимида иккита тугмаси бор — буларнинг бири ҳарбийларники, иккинчиси эса ҳунар билим юртининг талабалари қадайдиган тугма эди.

— Ҳўш дегандан билсак, саломат бўлсинлар, Аглестейна, ҳўш десак, байрамингиз муборак бўлсин... — Полковник гардиши қизил, соябони дарз кетган фуражасини олиб, бошини бир силайди. Бунинг натижасида қазғоқ шамолга учраган қоқи гулдай тўзиб кетди, кейин унинг елкасига қўнишдан олдин Диваничнинг боши узра бир неча сония муаллақ туриб қолди.

Аглая ҳеч нарса демай, келган одамга саволчан назар билан тикилиб турарди. Диванич ҳам нима мақсадда келганини унутиб қўйгандек унга бақрайганча термулиб турарди.

— Мана, ҳўш дегандан маълумингизким, келдим, — деди полковник ва яна бошини силади.

— Келибсан-келибсан, қани, кир ичкарига, фақат оёғингни ечиб кир, сенинг кетингдан пол артишга тоқатим йўқ.

— Ҳа, бу гапинг тўғри, — деб унинг гапини маъқуллади Кашляев. — Кўчадаги лой, қўпол қилиб айтганда, одамни кўмади. Кўчадаги лойни уйга олиб кириш ярамайди.

Гапини охирига етказмай, бир вақтлар сариқ бўлган, эндиликда олачалпак рангдаги ботинкасини ечди, сўнг оёғидаги жун пайпоқ билан бўялган полдан сирпангандай юриб ичкарига кирди. Жун пайпоқнинг тешигидан бошмалдоғи чиқиб турарди. У уй бекасининг орқасидан эргашиб, меҳмонхонага қадам қўйди. Қадам қўйди-ю, тўсатдан қаршисидан фил чиқиб қолгандай, ёхуд Америкадаги машҳур осмонўпар бино — “Эмпайр Стэйт Билдинг”ни кўриб қолгандай ҳанг-манг бўлиб қолди.

Унинг қаршисида бутун бўй-басти ва бутун ҳарбийча кийим-кечаги билан Олий Бош қўмондон турарди, унинг чап қўлида қўлқоп, ўнг қўли эса шифтга тиралиб турипти. Аглая уни ювиб-тозалаб қўйишти, у тўша-тўғри Диваничнинг кўзларига тикилиб қарамоқда. Унинг бутун чап томони беш лампочкали қандилнинг шуъласида хира ялтираб турипти.

Диванич бу ҳайкал шу хонадонда турганидан хабардор эди, ўзи аслида бу ерга ҳайкални кўргани келган эди. Лекин шундай бўлса-да, ҳайкални кўрди-ю, унинг важоҳатидан бутун эс-ҳушидан айрилиб қолгандай бўлди.

— Ё-о-о, — дея хитоб қилди Диванич. Бу хитобдан кейин унинг кўкрагида бошқа бирон маънилироқ хитобни айтишга етадиган ҳаво қолмаган эди.

Шу алфозда оғзи очилганча тураверди у. Ниҳоят, уй бекаси нима мақсадда келганини суриштириб, унинг ҳушини жойига келтирди.

— Ҳа, энди, шу... — деб хижолатга туша бошлади Диванич, лекин маънилироқ гап айтишга улгурмай, яна нигоҳини ҳайкалга қадаб, индамай тураверди.

— Нима юмуш билан келдинг, айт, — деб саволини такрорлади Аглая.

— Ҳа, энди, шу... — деб бирон-бир тайинли гап айтишга уринди Диванич ва елкаларини қимирлатиб қўйди. — Манавини, — деб қўли билан ишора қилди Диванич. — Уй аҳли биргаликда ариза ёзиб, вазни катталигидан шикоят қилиштипти. Уйимизга ортиқча юк бўлармиш, уни кўтара олмасмиш. Қўпол қилиб айтганда, пол мустаҳкам эмас-да. Тухватуллинларнинг уйида шифтга дарз кетишти.

— Ҳўш, нима бўлди? — деб сўради Аглая.

Кашляев бир вақтнинг ўзида қўлларини икки томонга ёйиб, елкаларини қисиб ва лабларини юмиб, бу берилган саволга унда қониқарли жавоб йўқлигини баён этди. Кейин бироз кучайиб бўлса-да, тушунарлироқ бир-икки оғиз гап айтишга уриниб кўрди.

— Шу десангиз, дарз кетипти. Мен айтдим, — дарз кетган бўлса нима, — дедим. Сенга халақит беряптими, дедим. Бошинг дарз кетмапти-ку, ҳар қалай, дедим. Нега халақит бермас экан, — дейди. Тунов куни шўрва ичиб ўтирсам, дейди — ичидан қаттиқ нарса чиқди, дейди: Бирор суяк-пуюкми деб ўйлапти. Кейин қараса, суяк-пуюк эмас, шувоқ парчаси эмиш. Қўпол қилиб айтганда, уй шароитига мосланган эмас-да. Майдонда бўлса, бошқа гап эди, у турган жойида тураверарди. Мабодо қулаб тушганда ҳам, ҳечқиси йўқ эди. Ҳайкалнинг жойи майдонда, одамлар келади, томоша қилади, пойига гуллар қўяди, ёки экскурсия қилишади. Бу ерда одамлар яшайдиган уй бўлса, қўпол қилиб айтганда, харилари қурт еб, чириб ётипти. Бирон нарса бўлиб қолса, мени-ку, майли, қамашар, лекин Тухватуллинларни босиб қолади-ку. Ҳаммаси тил тортмай ўлади. Бошқа одамлар ҳам ўзининг хавотирларини ўйлашади.

Аглая бу гапларнинг ҳаммасини икки қўлини кўкрагига қовуштириб туриб тинглади. Чуқур хўрсинди.

— Хўш, нима демоқчи бўляпсан? Мен ҳайкални чиқариб ташлайми? Сталинни бирор ёққа чиқариб ташлайми? Сталинни-я?

Кашляев маъюс тортиб, чуқур хўрсинди.

— Мен нима, ахир, унақа деяётганим йўқ-ку. Тирик бўлганда бошқа гап эди. Мен ўзим, қўпол қилиб айтганда, унинг учун бешинчи қаватдан... анақа... нима дерди... — Кашляев гапининг охирини айтмади, гўё ҳамдардлик кутгандай эҳтиром билан ҳайкалга жовдиради. Аммо нигоҳи унинг кўзига тушгач, бесаранжом бўлиб қолди. Ҳайкал унга ёқтирмай шунақа нигоҳ билан қараб турардики, Диваничнинг юраги така-пука бўлиб кетди. У ҳатто бир-икки қадам орқасига тисарилди ва Аглая берган саволни аниқ эшита олмади ҳам. У қайтариб сўради:

— Нима?

— Ичасанми деб сўраяпман.

— Арақми? — Кашляев донг қотиб қолди. Кейин беихтиёр тамшанди. Полковник, “йўқ, икки дунёда ҳам ичмайман” дегиси келди. Шундай дейди-ю, мағрур қадам ташлаб чиқиб кетади. Ёки бўлмаса чиқиб кетишдан олдин пошналарини бир-бирига уриб, честь берса-ю, бирор кўтаринки гапни айтса. Бу гап совет офицерининг шаънига муносиб бўлса... Унинг назарида ҳали ўз офицерлик шаънини ичкиликка қўшиб ичиб тугатгани йўқ эди. Лекин у ҳали бирон марта ҳам бу ишни қилгани йўқ, бирор жойда бунақа гапларни гапирган эмас. Ҳолбуки, неча маргалаб шунақа қилишга баҳонаи сабаб тутилган эди. Чунки уй аҳли кимдир ҳар эҳтимолга қарши унга беш сўм ёки уч сўм тутқазар, баъзилар эса унинг ўта ношуд қиёфасини кўриб бир сўм бериш билан кифояланарди. У бўлса, нимаики беришса, ҳаммасини олаверар, ҳеч нўшхўрт чиқармас эди. Ҳозир ҳам жиндай нўш айлаш ҳақидаги таклифни эшитди-ю, бир неча дақиқа бўғим-бўғимлари бўшашиб кетди, кейин кўзини ҳайкалдан олиб, эшитилар-эшитилмас “майли” деди. Сўнг у ўчоқ бошига таклиф қилиниб, думалоқ стол ёнига ўтқазилди. Стол устига клеёнка ёзилган бўлиб, унга Кремль минораларининг тасвири туширилганди.

Аглаянинг уйида арақ ҳаммавақт бўларди. Партизанлик қилиб юрган вақтларидан бери у мунгазам равишда ҳар куни кечкурун овқат олдидан бир-икки рюмка ичиб турарди, лекин бундан ортигини сира ўзига эрк бермасди, негаки ашаддий пиёнисталик оқибатида муқаррар равишда жигар тош қотиб қолади деб эшитган эди.

Аглая “Саратов” совутгичидан бир шиша “Московская” арагини олди — унинг қоғозида бир қанча медалларнинг тасвири туширилган эди, арақ билан бирга иккита совуған котлет, совуған картошка, тузланган карам ва бир банка сайра консервасини олди. Арақнинг юпқа маъданан ишланган қопқоғидаги думчасидан тишлаб очди. Ҳолбуки, уни бармоқлари билан ушлаб тортса ҳам бўларди.

— О, — дея хитоб қилди Кашляев. — Мана бунни қойил деса арзийди. Хўп

эркакча иш бўлди-да. Лекин мен ўзим бунақа очолмайман. Кальцийнинг йўқлиги ва витаминларнинг етарли эмаслиги вазидан тишлар қимирлаб қолган...

— Хўп, майли, олдик, унинг учун, — рюмкаларни тўлдириб, таклиф қилди Аглая.

— Унда чўқиштирамаймиз, — деди Кашляев.

— Йўқ, чўқиштирамаймиз, — деб унинг гапини қайтарди Аглая. — Биз учун у мангу тирик.

— Мангу тирик, — деб уни маъқуллади Кашляев ва ўрнидан турди. У ҳақли равишда мангу тирик одам учун туриб ичмоқ жоиз деб ҳисоблаган эди. У билан бирга уй бекаси ҳам ўрнидан турди.

Ярим кечадан анча ўтгандан кейин даҳлизга чиқиб, устки кийимларини кийиб, меҳмонхонага қайтиб кирди-да, ҳайкал олдида бир муддат эҳтиром сақлаб турди ва деди:

— Улуғ одам эди. Ҳақиқий саркарда эди.

— Энди бунақалар йўқ, — деди надомат билан Аглая.

— Бўлмайди ҳам, — полковникнинг кўзи ёшланди. У апил-тапил кўзёши-ни артиб, уйни тарк этди.

## 2

Эртаси кунни эшик яна оҳиста тикиллади. Аглая яна Кашляев келган бўлса керак, деб ўйлади, лекин эшикни очиб, қаршисида Калининга ўхшаган бир чол турганини кўрди. У ҳам эчки соқол, мўйлови ҳам опшоқ, кўзойнаги темир гардишли, кўк мовут пальтоси жуда кўҳна, нафталин ҳиди уриб қолганди.

Қария Аглаяга фуқаролар иморатларидан фойдаланиш бўйича назорат инспекторининг ҳужжатини кўрсатди ва ичкарига киришга изн сўраб, калишини ечди.

Ҳайкал олдида тўхтади, кўзойнагининг устидан унга зеҳн солди, кейин бошини чайқалди:

— Вой, хоним-ей, жуда катта, жуда баҳайбат нарса экан-ку. Мени маъзур тутасиз, баъзи бир ўлчовларни қилмасам бўлмайди.

У пальтосини ечиб стул устига ташлади, бошқа стулни эса ҳайкал ёнига олиб келди.

— Ижозат берасизми? — деди у ва Аглаянинг ижозатини кутмай стул устига чиқиб, чўнтагидан ихчамгина букланадиган метрни олди ва ҳайкални ўлчашга киришди.

— Ўлчаб нима қиласиз? Нега керак бу? — деб сўради Аглая.

— Нима қилардим ўлчаб? Ўз-ўзидан аёнки, бирон буюм ҳақида фикр айтмоқ учун аввало уни ўлчаб чиқиш керак. Мен анойи одам эмасман, ёшлигимда бичиқчининг шогирди бўлиб ишлаганман, ўша пайтдан бери менга бунақа ишлар жуда яхши таниш. Лекин бичиқчимиз жуда ажойиб одам эди, аммо қаҳри қаттиқ эди. Жиндай адашадиган бўлсанг, тарсаки билан шунақа тушириб қолардики, эхонанг чиқиб кетарди. Бизни қаттиққўллик билан ана шунақа тарбиялаган, лекин фойдаси катта бўлган.

У йиғитлардек студдан полга сакраб тушди, чўнтагидан ёндафтери билан сиёҳранг қаламинини олди, ёзиб олган ўлчовларини бир-бирига кўпайтириб чиқди. Кўшиб, кўпайтириш, бўлиши билан, инграниб юборди:

— Вой-бў-ў, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

— Нима бўлиши мумкин эмас? — сўради Аглая.

— Ҳеч нарса мумкин эмас. Менинг бевосита раҳбарим айтадиганидек, ўлчовларга чеклов йўқ. Бунақа залворли буюмни бу ердаги ҳарилар кўтармайди. Бу темир-терсакни бу ердан чиқариб ташлашга тўғри келади.

— Бу темир-терсак эмас, — деди Аглая аччиғи келиб. — Бу — ўртоқ Сталин.

— Йўқ, азизим, — деди соқолини силкитиб қария. — Бу ўртоқ Сталин

эмас, балки темир эритмаси билан углероднинг қоришмасидан иборат, унинг солиштирма оғирлиги бир куб сантиметрга саккиз граммдан тўғри келади. Бу масалада сизга қатъий сўзимни айтаман — бу буюмни бу ердан чиқармаса бўлмайди.

Аглая лип этиб хонасига кириб кетди-да, у ердан битта қизил ўн сўмлик-ни олиб чиқиб, заррача хижолат тортмай, уни меҳмонга узатди.

— Мана, олинг.

— Бу нима? — деб сўради қария узатилган пулга кўз қири билан қараб.

— Ўзингиз кўрмаяпсизми? — деб сўради Аглая мазах қилиб.

Аглая ҳамиша чин этиқодли коммунист, партия раҳбари бўлган эди, совет ҳокимиятига ҳам, совет халқига ҳам жуда ишонарди. Совет халқининг коммунистик идеалларига садоқатига, унинг маънавий соғломлиги ва сотилмаслигига ишонарди. Лекин айни чоқда шубҳа қилмас эдики, бу халқнинг айрим олинган ҳар бир аъзоси беш сўм учун (ўн сўм учун-ку гапирмаса ҳам бўлади) ҳамма нарсасини — танини ҳам, жонини ҳам, ватанини ҳам, халқини ҳам, коммунистик идеалларни ҳам сотиб юборишга тайёр. Агар Аглая бирон романда ёки ҳикояда ёзувчи томонидан тўқиб чиқарилган амалдор тўқиб чиқарилган илтимосидан пора олди, деган гапни ўқиб қолса, шу заҳотиёқ у бир зум кечтирмасдан муҳарририятга газабли раддия ёзиб юборарди. Бу — бизнинг воқелигимизга бўҳтон. Бизнинг совет ходимларимиз пора олмайди, бунақа қасддан тўқиб чиқарилган бўҳтонларнинг муаллифларини имкони борича қаттиқ жазолаш керак. Бироқ реал ҳаётда Аглая ҳатто тасаввур ҳам қилолмас эдики, совет хизматчиси катта бўладими ёки майдами — бундан қатъи назар, биров бирор нарсани бераман деса-ю, у олмаса ёхуд биров бир нарсани бер деса-ю, бермаса? Бундай одамлар эса бор эди. Албаттга, ҳар бир вилоятда ва ҳатто ҳар бир районда эмас, аммо баъзи бир жойларда ўтмиш қолдиқлари сифатида учраб турарди. Биз тасвирлаётган инспектор ҳам худди ана шундай одамлар сирасидан эди. У қатъий оҳангда деди:

— Йўқ, бўлмайди, қўйинг. Раҳмат.

— Ҳа, камлик қиладими? — деди Аглая истеҳзо билан.

— Кам эмас, — деди қария. — Менимча, амалига яраша. Фақат, азизим, мен, умуман, пора олмайман. Маошimgа тирикчилик қилишни афзал кўраман. Маошга тирикчилик қилиш осон эмас-у, лекин хотиржам яшайсан. Кечалари тушимга “қора қарға” кириб чиқмайди, турма занжирларининг шилдираши ҳам қулоғimgа эшитилиб турмайди.

Аглая хижолатга тушди, бу пора эмас, ҳа, энди, дўстона бир совға-да, деб бир нималарни минғирлади, аммо қария бу ўринда ҳам бўй бермади.

— Йўқ, қўйинг, мени маъзур тутасиз, дўстона пораларни ҳам олмайман. Лекин сиз ортиқча ташвишланманг. Эртага сизнинг ҳузурингизга бошқалар келади. Улар мендан каттароқ амалда. Ана улар олади. Тўғри, уларга ўн сўмликнинг ўзи камлик қилади. Аммо улар сизга — муҳтарама хоним — ҳайкалингиз билан бирга қўшнингизнинг бошига қулаб тушмоғингизга эрк беришади. Энди уёғи менинг ишим эмас. Мен кетдим, бориб хулосамни ёзиб берай.

Қария бир зумда ғойиб бўлди.

Аглаянинг уйига пода-пода бўлиб, бирининг кетидан бири ҳар хил назоратчилар жуда серқатнов бўлиб қолди. Улар бутунлай бошқа ташкилотлардан бўлиб, нимани текширишлари ҳам унча маълум эмас эди. Лекин ҳаммалари беистисно қай бирлари беш сўм, қай бирлари эса ўн сўм олишарди. Шу жиҳатдан улар бизга таниш қариядан фарқ қилишарди. Баъзи бирлари эса йиғирма беш сўмни ҳам талаб қилаверишарди. Натижада шундай вазият вужудга келдики, Аглаянинг тагида турадиган қўшнисини Георгий Жуков шундай деди:

— Унинг уйида турадиган одам ичмайди, чекмайди-ю, лекин пул талаб қилаверади.

Маҳаллий тушунчаларга кўра Аглая унчалик фақир эмас эди. Унинг омонат дафтарчасида анча-мунча маблағи бор эди. Аглаянинг ўзи уни камтарона меҳнати туфайли йиғилган жамғарма деб ҳисоблар ва кўп йиллар мобайнида

унга қўл теккизмас эди. Бир вақтлар махсус партия чопари устида ярим ҳарбийча кийим, биқинида брезент қинда тўппончаси бор одам ҳар ойда унга конверт олиб келар ва ундан тилхат олиб, Аглаяга топширар эди. Конвертнинг ичида унинг иккинчи маоши бўларди. Бунақа маошни номенклатура ходимлари елкаларида жуда катта масъулиятни кўтариб юрганлари учун олардилар. Аглаянинг маоши иккита эди, аммо унинг ўша пайтдаги турмуш кечириш тарзида битта маоши ҳам кифоя қиларди, иккинчи маошини эса бир тийинига тегмай омонат кассасига олиб бориб қўярди. Оқибатда унинг ҳисобида бирмунча маблағ йиғилиб қолди. Нафақат турли-туман бегоналарнинг ҳасадли қарашлари бўйича, балки Аглаянинг ўзининг назарида ҳам йиғилиб қолган маблағ жуда катта бойликдай кўринар ва бу бойлик харжланган билан тугамайдигандай туюларди. Аммо маҳаллий текширувчиларнинг ҳаммасининг нафсини қондириш учун бу бойлик камлик қилиб қолди. Камсуқум жамғарма кўз ўнгида эриб тугаб бормоқда эди, текширувчилар эса борган сари сурбетроқ ва ебтўймасроқ бўлиб бормоқда эди.

### 3

Хрушчев Сталинни фош қилиб жуда катта хатога йўл қўйди деб ҳисобларди Адмирал. У ТГИДнинг ёзилмаган қонунини бузди. Бу қонунга кўра ҳеч нарса ҳеч қачон шубҳа остига олинмаслиги керак эди. Модомики, Сталинни сўқнишга рухсат қилиниптими, демак, Ленин масаласида ҳам шубҳагумонларга бориш мумкин. Лениннинг ҳар қандай гуноҳи азимлардан фориғ эканига ишонилмаса, унда БТИД тўғрисида ҳам ўйлаб кўргинг келиб кетади — у чиндан ҳам бирдан-бир тўғри илмий дунёқарашмикин ёки сал бошқачамикин?

— БТИД, — деб ўзиникини маъқуллайди Адмирал, — худди автомобил филдирагига ўхшайди. Филдиракнинг бирор жойи тешилмагунча, унда комил ишонч билан юраверса бўлади. Битта тешик пайдо бўлдимиз, бас, уни алмаштириш керак.

— Ёки ямаш керак. — дедим мен.

— Ёки ямаш керак, — деб гапимни маъқуллади Адмирал. — Лекин энди у ямоқли филдиракка айланади. Идеал БТИД эса филдиракдан фарқ қилароқ, ҳеч қандай шароитда ҳеч нарса билан тешиб бўлмайдиган бир нарса бўлмоғи керак.

1961 йилнинг кузидан бошлаб Долгов аҳолисининг кўпчилигида, тўғрироқ айтганда, ҳаммасида шаҳар ва район ҳаётида нимадир тузатиб бўлмас даражада ўзгариб кетди деган тушунча пайдо бўлган эди. Ҳайкални олиб ташлашди — бамисоли филдиракдан ўқини олиб ташлагандай бўлди. У бир марказ эди, ҳамма нарса шу марказ атрофида айланарди. Ортиқ энди у марказ қолмади. Сталиннинг ҳайкали жойида турганида жўроғий маънода ҳамма мўлжал унга қараб олинарди, бошқа маънода ҳам у марказлик ролини ўтар эди. Шаҳарга тасодифан келиб қолган одам шу ерда истиқомат қилувчи кишидан фалон жойга қандоқ борилади деб сўраб қолса, унга шундай дейишарди; тўғри кетаверасан, ҳайкалга етиб борганингдан кейин ўнга бурилсан. Ёки чапга бурилсан. Ёки яна нарига кетаверасан. Энди эса ҳайкал йўқ. Ундан фақат шоҳсупа қолган. Кимдир ундаги “И.В.Сталин” деган ёзувни ўчириб ташламоқчи бўлипти, — лекин охиригача ўчира олмапти. Бу гранит кўп одамларнинг хаёлотига ғалати таъсир кўрсатарди. Бу шоҳсупага қараб туриб одамлар унинг тепасида кимдир туриши керак эканини жуда яхши ҳис қилардилар. Агар ҳеч ким турмаса, гўё бутун ҳаётда ҳамма нарсани тутиб турган ғоятда муҳим ўқ йўқ бўлиб кетгандай эди. Ўқ йўқолгандан кейин илгари қилиш мумкин бўлмаган нарсаларнинг ҳаммасини энди бемалол қилавериш мумкиндай кўринарди. Одамларнинг гап-сўзларига қараганда, айни ўша кезлардан бошлаб, ота-оналарнинг гаплари болаларининг қулоғига камроқ кирадиган бўлиб қолганмиш, ишлаб чиқаришда интизом бўшашиб кетган эмиш, халққа алко-



голлик ичимликларни сотишдан тушадиган тушум кўпайганмиш, абортларнинг сони кўпайибди, фуқароларнинг ҳаётига, номусига, молу мулкига тажовуз қиладиган жинойтларнинг миқдори ўсиб кетишти. Албатта, Долгов аҳли авваллари ҳам байрам кунларида ўзаро жиқиллашиб қолишганда бир-бирларига пичоқ уриб, паншаха санчиб, тўқмоқ билан бошига тушириб туришган, лекин буларнинг бари эски урф-одатлар исканжасидан қутулмаганлик оқибатида рўй берарди. Ҳайкал ағдариб ташлангандан кейин шундай бир ҳодиса шакллана бошладики, кейинчалик унга “ҳудудсиз жинойт” деб ном қўйишди. Прокурор Строгий ўзининг балоғатга етмаган қизининг номусига тегиб қўйиб, фош бўлди. Тахминан ўша кезларда районда бу жойлар тарихида биринчи марта одамларни сурункасига ўлдирадиган қотил пайдо бўлиб қолди. Кейин маълум бўлишича, бу қотил маданият техникумида марксизм-ленинизмдан дарс берадиган ўқитувчи экан. У “Долгов ҳақиқати” газетасида мунтазам равишда совет ахлоқи масаласида мақолалар чиқариб турар экан. Шон-шухрат хиёбонида номаълум безорилар бир неча қабри оёғости қилишди, сағаналар устидаги қабр тошларини ағдаришиб, уларга безориларча ҳар хил сўкишларни ёзиб кетишди. Улар, айниқса, Розенбаумнинг қабрини вайрон қилишди, қабр тошини гурзи билан уриб, майда-майда қилиб ташлашди.

Сталиннинг ҳайкали масаласига келсак, унинг тўғрисида шаҳарда бири-биридан бемаъни миш-мишлар тарқади. Аглаянинг тагида яшайдиган қўшнилари айтишича, улар иккинчи қаватда кимдир кечалари гурс-гурс қадам ташлаб юриб чиқишини ўз кулоқлари билан эшитишти. Қадам товуши эшитилармиш, харишлар гирчиллармиш, шифтдаги қандиллар чайқалармиш, шифтдан шувоқ шувиллаб кўчиб тушармиш. Кейин кимдир оқшом ғира-ширасида яланликда тентираб юрган бир одамни кўрипти. Бир кун ярим кечадан ошганда Георгий Жуков тўйиб ичишдан кейин чеккани кўчага чиқиб қараса, ҳарбий шинел кийиб олган бир чолни кўрипти. У елкалари букчайган ҳолда чилим чекиб ўтирган эмиш. Георгий Жуков унинг орқасидан яқинлашиб келиб сўрапти:

— Отахон, тутатиб олсам бўладими?

Отахон унга юзини ўтириб қарапти. Жуков қараса, чолнинг юзи темирдан эмиш, кўзи ҳам катта-катта эмиш, қорачиғининг ўрнида тешик бор эмиш. Тешик бўлса ҳам Жуковга шунақа ўқрайиб қараптики...

— Узр, отахон, — депти Жуков ва секин туёғини шиқилилатиб қолипти. Уйга кириб, эшикнинг қўнжидан хотинидан яшириб қўйган чорактани олиб паққос туширипти, кейин хотинига орқасини ўтириб ётишти-ю, шу ётганича рошпа-роса тўрт сутка деганда кўзини очипти. Бу тўғрида ҳатто касаллик варақасида расман қайд қилинипти ҳам. Ўшандан бери Жуковнинг ҳаётида чекишни ташлаганини айтмаса, тилга олишга арзигулик бирон воқеа содир бўлмапти. Бироқ аввалгига қараганда янада кўпроқ ича бошлади. Лекин папиросни қайтиб оғзига олмади. Лекин бундан мақсади мутлақо саломатлигини асраш эмас эди, нима дейсиз, ташлади — тамом. Тўрт суткалик хушсизлигидан кейин ўзига келган кунни эрталаб оч қоринга битта папиросни олиб, ҳожатга кирди, яхшилаб ўрнашиб олиб, ёниб турган гугуртни папиросига олиб борган ҳам эдики, тўсатдан темир юзни, ўртаси тешик темир кўзларни эслади-ю, бутунлай чекишдан ишгиёқ ийқолди-қолди. Ўзининг тундаги кўзига кўринган нарсаларни Жуков ҳеч кимга айтгани йўқ, лекин сирли темир қария ҳақидаги гап-сўзларга астойдил қулоқ тута бошлади. Миш-мишлар эса кунлар ўтган сари ортгандан ортиб борарди. Кимдир қаердадир уни (одамлар унинг номини атамасликка ҳаракат қилишарди) учратган эмиш, у гоҳ темир одам қиёфасида, гоҳ оддий одам қиёфасида кўринармиш, одамлардан районда аҳвол қалай, оддий одамларнинг турмуши қанақа, бошлиқлар зулмини ошириб юборишмаяптими, уларнинг ўзлари қандай яшашяпти, кўзларини ёғ босиб кетмадимидеб сўрармиш. Шундай гувоҳликлар ҳам бор эдики, ҳар гал ой тўлган тунда ҳайкал ўз ўрнига — шохсупа устига чиқиб олармиш ва у ерда қўлини ҳавога кўтарган ҳолда турармиш, лекин биронга тирик жон унга яқинлашаман деса

ҳавога сингиб, йўқ бўлиб кетар эмиш. Албатта, буларнинг ҳаммаси бор-йўғи миш-мишлар эди холос ва уларга ғоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқ керак эди. Долгов шахри ва унинг теварак-атрофида яшайдиган одамлар ўртасида ибтидоий даражада қолган, ҳар нарсага ишониб кетаверадиган овсар ва лақмалар кўп эди. Улар дуохонларга, экстрасенсларга, жосусларга, бутун жаҳон яҳудийларига ва мўмиёларга ишонаверардилар. Уларнинг орасида анча-мунча хаёлпарастлари ҳам борлигидан хабардор эдим, гапларига қараганда улар турли-туман инслар, жинслар, шайтонлар, ажиналар, девлар, арвоқлар ва бошқа шунга ўхшаш махлуқлар билан, ҳатто бошқа сайёралардан келганлар билан шахсан учрашишган, уларнинг ликобчаларида ҳамда бошқа учқичларида ўзга галактикаларга ҳам бориб келишган.

Албатта, маърифатли одам бу гапларга ишонмоғи шарт эмас, аммо Сталиннинг вафотидан кейин унинг руҳи яна кўп йиллар мобайнида Долгов районининг бутун ҳудуди устида, Совет Иттифоқининг жамики ҳудуди бўйлаб, қолаверса, яна бошқа кенгроқ фазолар бўйлаб ҳам кезиб юргани тарихий фактдир ва уни рад этмоқ амримаҳолдир.

#### 4

Ҳайкалнинг ўзича ҳар хил жойларга қадамранжида қилиб туриши тўғрисидаги миш-мишларга Аглая эътибор бермас эди, чунки у ҳайкалнинг ҳеч қаерга жилмаётганини жуда яхши биларди. Аммо унинг назарида ҳайкал ҳеч қаерга жилмаса ҳам, барибир, иттифоқ миқёсидаги ёхуд маҳаллий кўламдаги ҳодисалар унга қандайдир тарзда таъсир қилар, баъзи бирларини эса у ҳатто олдиндан сезгандай ҳам бўларди. У бир нарсани пайқагандек бўларди — мамлакатда Аглаянинг кўнглига ёқадиган воқеалар содир бўлса, ҳайкал ичидан нурланиб кетарди десак муболаға бўлар-у, лекин сал-пал ёришиб кетгандай бўларди. Шу даражада ёришардики, бирор эксперт комиссияси ўта сезгир асбобини ишга солса, уни аниқлаши ҳам мумкин эди. Худди шунингдек, юз ифодасида ҳам сезилар-сезилмас ўзгариш юз берарди. Шуниси ҳам борки, Аглая ўзига-ўзи тўла ишонмасди, баъзан менга шундоқ туюлаётгандир деб шубҳа-гумонга ҳам борарди. Лекин туюлса ҳам жуда вақтида ва ҳаммаша ўринли туюларди. Бутун унга бирор нарса туюлса, эртага, албатта, бирор воқеа рўй бермай қолмасди.

Кунлардан бирида Аглая одатдагидан кўра кечроқ уйғонди. Қуёш чарақлаб туришти. У ўрнидан туриб, ҳайкалга кўз ташлади. Ҳайкални чанг қоллагити. Аглая ўзидан уялиб кетди. Тосга илиқ сув қуйди, бир бўлак кир совунни олди. Ҳайкалнинг ёнига столни, стол устига стулни қўйди-да, ўзи омонатгина турган стул устига чиқиб ҳайкални ювишга киришти.

Ҳайкалтарош Огородов ҳайкални жуда синчковлик билан ясаган эди. Ҳатто бурнининг ичи-ю, қулоқларидаги чуқурчалар ҳам ҳафсала билан ясалганди. Лекин ҳаммаша шу чуқурчаларда чанг тўпланиб қоларди. Аглая сочига ишлатадиган тўғнағичининг учига пахта ўраб, хўллади-да, бурун ичларини, қулоғидаги чуқурчаларни яхшилаб артиб чиқди. Ҳайкални ювар экан, ҳатто ўғлини эркалатиб ҳам айтмаган ширин гапларни айтди.

— Ҳозир-да... Бир зумда бошларини ювиб қўямиз, — деб ўзича жаврарди Аглая. — Кейин кўзларини, бурунларини, қулоқларини, елкаларини, орқаларини, қоринларини ювиб, озода қилиб қўямиз. — Шундай жаврай-жаврай ювишда давом этиб, Аглая шинелнинг икки томонга қайилиб турган этакларига етиб борди. Этаклар тагидан кителнинг пастки қисми кўриниб турарди ва ўша ердан ҳайкалнинг оёқлари бошланарди. Худди шу жойдан оёқларнинг орасини юваётиб, Аглая бирдан жуда ғалати бўлиб кетди. У негадир хижолат чекдими ёхуд саросимага тушдими — ҳарҳолда, оёқларнинг ораси теп-тексис ва силлиқ эди. Бунақа силлиқлик фақат аёл кишида ёхуд умуман ножинс бирор махлуқда бўлиши мумкин эди, холос. Шу ҳолат нечундир Аглаяни саросимага солиб қўйди. Унинг хаёлига кўққисдан бир фикр келди — бунинг

учун Аглая ўзидан аччиқланиб кетди, лекин, барибир, кўнглидаги шубҳа тарқамади. Унинг кўнглидаги тирик Сталиннинг шу жойида нимаси бор эди, деган савол гимиллади. Аглая бу жойда ҳеч нарса бўлмаган деб ўйлаёлмас эди, лекин бу жойда ҳеч нарсаси бўлмаган деб тасаввур қилишнинг ҳам сира иложи йўқ эди. У ўзини-ўзи “аҳмоқ” деб сўкди ва, умуман, хаёлига шунақа фикрлар келгани учун “қариб қуйилмаган эси паст”, дея койинди. У бунақа фикрларни ўзидан нари қувлашга ҳаракат қилди, лекин улар, барибир, қайтиб келиб, унинг кўнглини хижил қилишда давом этаверди. У Сталин ҳам олдин одам бўлганини тушунарди, лекин унинг эл қатори ҳожатга қатнаганини ёки аёлларни ҳомиладор қилганини хаёлига сиғдира олмади. Буларнинг бари ўта бемаъни мулоҳазалар эди, лекин шундай бўлса-да, улар унинг миёнага ўрнашиб олиб, тинимсиз безовта қилишда давом этарди. Аҳвол шу даражага етиб бордики, Аглая ҳайкални юваётиб, ўша ўзини хижолатга солаётган жойга қўл тегизмай ўтаётганини пайқаб қолди. Бир неча муддатдан кейин қараса, ҳайкалнинг ҳамма жойи топ-тоза, озода бўлипти-ю, ўша жойи кирроқ бўлиб қолаверипти. Аглая у ерни ҳам тозалаб ювишга киришди-ю, лекин хижолатпазликдан бутунлай фориг бўла олмади. Ўз-ўзидан равшанки, Аглая кўнглидаги гулгулани бирор кимсага айтгани йўқ. Бирор кимсага миш-мишу иғво тарқатишга баҳона ҳам бергани йўқ, лекин орадан кўп ўтмай, шаҳар бўйлаб бўлмағур миш-мишлар ўрмалаб қолди. Эмишки, Аглая ҳайкал билан дон олишиб юрган эмиш, гўё ҳайкал эру, Аглая унга хотин эмиш. Ахир, шунақа ҳам бемаъни гап бўладими? Ҳеч жаҳонда тирик одам чўян ҳайкал билан турмуш қурмоғи мумкинми? Буни ҳеч қандай одам тасаввурига сиғдира олмаса ҳам керак. Аммо юқорида айтиб ўтганимиздек, Долговда истиқомат қиладиган одамлар ўлгудай лақма ва ҳар нарсага ишонувчан эдилар.

Аёл сифатида Аглаянинг шахвоният бобидаги тажрибаси анча кам эди. Бори ҳам унчалик муваффақиятли бўлган эмасди. Албатта, у турмуш қурган, Андрей Ревкин деган эри бўлган. Ҳаётида бир-икки марта зинонамо ишлардан бўлган (умри мобайнида бўлган бўлса, икки-уч марта бўлган). Аммо эркак киши билан яқинлик ҳеч қачон уни ҳузур-ҳаловатнинг юксак чўққиларига олиб чиққан, унга тузукроқ лаззат бахш этган эмас. Ҳарҳолда, синглиси Наталья гапириб берадиган ҳолатни бирон марта ҳам бошидан кечирган эмас. Натальянинг айтишича, эркак киши билан яқинлик қилса, у қутуриб кетармиш ва дунёда ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган лаззат олармиш. Бу туйғуни синглиси орғазм деб атайди. Бу туйғуни тузукроқ айтиб бер, қанақа бўлади ўзи?” — деб илтимос қилса, кўзларини бақрайтиради-ю, қиқир-қиқир кулади, холос.

— Нима бало, сен бунга сўз билан айтиб бериб бўлади, деб ўйлайсанми? Бу — биласанми... Бу — анақа, жуда ҳам алламбало-да...

Наталья унинг нима эканини бундан тузукроқ қилиб айтиб беролмайди, лекин Аглая қай бир йўсинда ўзи тушуниб олган эди. У баъзи бир эркаклар билан бўлганида шунга яқин ҳолатни кечирган эди. Ҳатто анави Шалейко деган бетамиз билан ҳам ана шу “алламбало” ҳолатнинг рўй беришига сал қолганди. Лекин рўй бермади. Ўша лаҳзада ҳам, ундан аввал ҳам, кейин ҳам бунақа ҳолат рўй бермади. Бунақа ҳолат фақат бир мартагина рўй берганди, холос.

39-йилнинг кузида Аглая Москвага Бутунитгифок қишлоқ хўжалиги кўргазмасига борган эди. Уни кўргазмага қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғор ходими сифатида юборишган эди. Унинг партия ходими сифатидаги фаоллигини шундай баҳолашган эдилар. Кўргазмада ўз-ўзидан аёнки, ҳар хил учрашувлар, нутқлар, зиёфатлар бўлди, кейин Итгифок уйининг Колонна залида социалистик меҳнат зарбдорларининг слёти ўтди. Меҳмонлар орасида бутун мамлакатта донғи кетган одамлар — беш йилликлар қаҳрамонлари, ғаллакорлар, пўлат қувовчилар, шахтерлар, ҳар хил қишловлар, қитғалар аро учишларнинг ишгирикчилари, спорт чемпионлари бор эди. Уларнинг орасида шахтер Алексей Стахановни, тракторчи Паша Ангелинани, учувчи Во-

допьяновни, артист Михаил Жаровни учратиш мумкин эди. Тўртинчи қаторда Аглаянинг ёнида машҳур паровоз ҳайдовчиси машинист Петр Федорович Уриконос ўтирарди. У жуда оғир поездларни ҳайдарди. Бу ишда шунақа шухрат қозондики, гўё бу оғир поездларни у бошқараётган паровоз тортмайди, балки унинг ўзи судраб юради деб ўйлаш мумкин эди. Слётга йиғилганлар анча вақтгача гимир-гимир қилиб жойлашишди, кейин нимқоронғи саҳнага қараб, қизил мовут ёпилган столга ва унинг устига қатор териб қўйилган графинларга қараб, ниманидир кутишди. Тўсатдан саҳна чарақлаб ёришиб кетди ва ўнг томондаги пардалар орасидан тўп бўлишиб Сиёсий бюро аъзолари чиқиб келди. Кривонос Аглаянинг қулоғига уларнинг номларини бирин-кетин шивирлаб айтиб турди. Аглаянинг ўзи уларнинг ҳаммасини биларди, лекин уларнинг барини шундоққина ёнида портретларда эмас, тирик ҳолатда кўришни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ана — Ворошилов, Будённий, Калинин, Микоян, Каганович, Шверник. Слёт қатнашчилари ўринларидан туриб, доҳийларни гулдурос қарсақлар билан олқишладилар ва доҳийлар ҳам қатнашчилар шаънига қарсақлар чалишди. Шундан кейин доҳийлар бирин-кетин ўтира бошлашди ва Калинин икки қўли билан ишора қилиб одамларни ҳам ўтиришга таклиф қилди.

— Нима учундир ўртоқ Сталин кўринмайди, — деб шивирлади Кривонос Аглаяга.

— Жуда банд бўлса керак-да, — деган тахминни айтди Аглая.

— Ўртоқ Сталин ҳамиша жуда банд, — деди Кривонос. — Аммо меҳнат кишилари учун у ҳамиша вақт топаолади.

У гапини айтиб улгурмай, чап томондаги пардалар орасидан ўрта бўйлик, қора мўйловлик, ярим ҳарбийча мовут френч кийиб олган одам чиқди ва аста юриб стуллар томон йўналди.

Бутун зал худди бир одамдай оёққа қалқди. Ҳамма билан бирга Аглая ҳам сапчиб ўрнидан турди. Худди шу чоқ тўсатдан ўша “алламбало” туйғу унинг бутун вужудини чулғаб олди. Унинг бутун гавдасидан чақмоқ чақнаб ўтгандек бўлди, кўксига жуда ажойиб бир илиқлик туйди, кейин бу илиқлик пастга — қорнининг тагига тушди. У ўзини бошқара олмай қолди, икки қўли билан олдинда турган стулнинг суянчигини чангаллаб, овози борича ҳайқириб юборди ва назарида кучи борича оёғи билан тепинди ҳам. Кейин ўзига келиб, аҳволимни қўшним пайқаб қолмадимикин деб хавотир бўлди. Бироқ қўшнисини унинг аҳволини пайқаман эди, чунки унинг ўзи ҳам шу чоқда жазавага тушиб, нималарнидир палапартиш бақириб-чақириш билан банд эди. Кейинчалик Аглая бу аҳволга тушган ёлғиз мен ўзим эмас, балки ўша залга йиғилган айюҳаннос солганларнинг ҳаммаси ҳам шу аҳволга тушган кўринди, деб ўйлади.

## 5

Бир замонлар Аглая совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашга тезроқ қўшилиш мақсадида ёшига етти ёш қўшиб, ҳужжатларини тўғрилаб олган эди. 1962 йилда у ҳали ана шу тўғриланган ҳужжатлари бўйича ҳам нафақа ёшига етгани йўқ, шундай бўлса-да, уни фронт йўлларидagi стажини ҳисобга олишиб, нафақага жўнатишди. Лекин унга шахсий нафақа беришмади. Ҳолбуки, Аглая бутун ҳаёти билан, партия ва ҳукуматга садоқати билан шахсий нафақага муносиб эди. Унинг оддий нафақаси жамики қўшимчалари билан 82 сўм-у 60 тийин бўлди, холос. Даромадинг шу бўлгандан кейин бир бўлак совун харид қилишдан аввал минг томонини ўйлаб кўрасан. Шуниси ҳам борки, Аглая оддий совун эмас, атир совун ишлатарди. Рост, ҳар хил текширувчиларнинг кети узилиб, уларга кетадиган сарф-харажатлар тўхтади. Сталин полни ўйиб тушиб кетмади, пастда яшайдиганлар кўниқиб, ҳеч қачон арз қилмай қўйишди ва ҳеч ким Аглаяга хархаша қилмай қўйди.

Кундалик хизмат вазифаларидан фориг бўлгач, Аглая ўзини мутлақо бе-

бошвоқ ҳис қилди ва нима иш билан шуғулланишни билмай қолди. Чиқиб ҳовлида кампирлар билан скамейкада ўтириб олиб, гап сотишсинми? Боднинг хуружлари ва ҳазми таомнинг бузилгани тўғрисидаги уларнинг зорланишларини тингласинми? Улар узундан-узоқ қилиб қўрган тушларини бир-бирларига айтиб беришади, невараларининг қилғиликларини оғиз тўлдириб гапиришади. Улардан боднинг тузлаш сирларини ҳам билиб олса бўлади. Инглиз тилини ўрганмоққа киришмоқчи бўлди ва ҳатто аллақайдан бошловчи ўрганувчи учун қўлланма ҳам топиб келди. Аммо бир ҳафта шуғулланиб, қийналиб кетди-да, йиғиштириб қўя қолди. Нима кераги бор? Бу инглизчани ўрганиб бошига урармиди?

Бироқ кунлардан бирида у китоблари териб қўйилган тоқчага қаради. Унинг китоблари орасида Сталиннинг асарлари асосий ўринни эгалларди. У қўлини узатиб тўғри келган бир китобни олди — бу Сталин асарларининг олтинчи жилди эди. Жилдни очди-ю, унда босилган асар “Ленинизм асослари ҳақида” эканини кўрди ва яқин келажақда ўзининг асосий вазифаси нима эканини англади. Аглая бу асарни ёд олиб чиқади. Ҳар куни ёд олади. Ҳар куни бир саҳифадан ёд олади. Бир юз-у йитирма саҳифа — бу атиги тўрт ойлик иш.

Шу куни кечқуруноқ Аглая ўзининг шуғулланиши учун жой тайёрлади. Ҳайкалнинг пойига айиқ терисини тортиди (ўзи ҳам роса чанг йиғилиб қолган экан-да), унинг устига иккита ёстиқ ташлади, умумий дафтар билан “Иттифоқ” заводида чиқарилган автомат ручка қўйди. Хонасидан стол устида турадиган лампа чироқни олиб чиқиб, айиқ терисининг ёнига қўйди, бир рюмка арақ ичди, стакандаги чойдан бир-икки ҳўшлади ва ишга киришди. Ишни муқаддимадан бошлади.

“Ленинизм асослари, — деб ўқиди Аглая овозини чиқариб, — катта мавзудир”. Ўқиди-ю, “эса-чи” деган хаёл ўтди кўнглидан. Жуда катта мавзу. “Уни қамраб олмоқ учун, — деб давом этиларди муқаддимада, — бутун бошли бир китоб керак”. “Бир китоб камлик қилар-ов” деб ўйлади Аглая. Сўнг бу фикри муаллиф фикрига тўғри келганини кўриб, жуда қувониб кетди. “Қолаверса, бир қатор китоблар керак” деб давом этганди муаллиф. Бундан руҳланган Аглая овозини кўтариб, ифода билан ўқий бошлади. Ўқир экан, овозининг оҳангдорлигига ўзи ҳам маҳлиё бўлиб қолганди.

“Ленинизм” асосларини баён қилиб бериш ҳали Ленин дунёқарашининг асосларини баён қилиб бериш деган маънони билдирмайди”.

Аглая Сталинни кўз олдига келтирди, ҳайкални эмас, ўшанда Колонна залида ўз кўзи билан кўрган тирик Сталинни келтирди. Унинг хона бўйлаб аста-аста қадам ташлаб юраётганини, трубкасини торта-торта енгил грузинча оҳангда хаёлчанлик билан гапини айтиб ёздирётганини хаёлида гавдалантирди:

— Лениннинг дунёқараши билан ленинизм асослари ҳажмига кўра айнан бир нарса эмас. Ленин — марксист ва табиийки, унинг дунёқарашининг асосида марксизм ётади. Лекин бундан ленинизм асосларининг баённи, албатта, марксизм асосларининг баёнидан бошламоқ керак деган хулоса келиб чиқмайди...

“Келиб чиқмайди”, — дея маъқуллади Аглая ва кўзларини юмганча бутун абзацни такрорлашга уриниб кўрди. “Дунёқараш асосларини баён қилиш... маънони билдиради”. Шундай деб тўхтаб қолди. Бу нима дегани? Қанақа маънони билдиради? Эслолмади. Китобни очиб қаради: ... маънони билдирмайди”. Э-э, маъно билдирмайди” экан. “Ленинизм асосларини баён қилиш ҳали Ленин дунёқарашининг асосларини баён қилиш деган маънони билдирмайди”.

Охир-пировардида, Аглая бу жумлани эслаб қолди. Аммо абзацнинг охирига борганда охириги сўзлар хотирасида қоларди-ю, бошидаги сўзлар кўтарилиб кетарди. Лекин у таслим бўлмасликка аҳд қилди — ҳар оқшом ҳайкалнинг пойига ўтириб олиб, такрор қилди, ўқиди, конспект олди, яна такрорлади. Бунақа қаттиқ ишлаб ўрганмаган мияси ёрилиб кетай дерди, лекин иш бора-бора аста-секин силжий бошлади. Икки ҳафта деганда “Хўш, шундай

қилиб, ленинизм нима дегани?” — деган саволга етиб борди. Уч ҳафта шу масалага бағишланган саҳифа устида бош қотирди, аммо ленинизм нима дегани эканини англаёлмади, афтидан, муаллифнинг ўзи ҳам тушунмаганга ўхшайди, негаки, Ленин фикрларини узундан-узун таҳлил қилиб бўлгандан кейин, яна ўша саволга қайтиб келади: “Хўш, шундай қилиб ленинизм нима дегани?”

## 6

Бу орада Аглаянинг нуқтаи назаридан қараганда мамлакатда кўп ғалати воқеалар содир бўлмоқда эди. Кал Америкага сафар қилди. Айова штатида бўлди. У ерда маккажўхорининг жуда зўр ўсишини кўрди ва Кушкадан тортиб тундрагача бўлган маконни ана шу мўъжизакор экин билан тўлдириб ташласа, колхоз тузумининг нуқсонларини шу билан ёпиб юбориш мумкин деган тўхтамга келди. Айтилди — қилинади-да. Бутун мамлакатта маккажўхори экилди. Лекин жўхориси қурмагур ҳамма жойда ҳам униб чиқавермади. Партияни қишлоқ ва шаҳар обкомларига бўлишди. Жўхоридан унум бўлмади. Министрликларни совнархозга айлантириб кўришди, яна бўлмади, кор қилмади. Маккажўхорита туфлашди-да, рус тилини ислоҳот қилишга киришишди.

62-йилда Кариб танглиги содир бўлди. Кал Кубага ракеталар ўрнатилган кемаларни жўнатди — ракеталарни Кубада ўрнатиб, Америкага тўғрилаб қўймоқчи эдилар. Америкаликлар бунга зинҳор-базинҳор йўл қўймасликларини айтдилар. Улар ҳам Кубага ўзларининг авианосларини ва сув ости кемаларини жўнатишди. Кал ён бермади, Америка президенти Кеннеди ҳам “хўп” деб қўя қолмади. Асаблар уруши икки кун давом этди. Икки қудратли давлатнинг ҳарбий кемалари орасидаги масофа тобора қисқариб бормоқда эди. Асаби заифроқ америкаликлар нитроглицерин ютиб жон сақлай бошладилар. Баъзи бирлари эса баланд иморатларнинг деразасидан ўзларини ерга отишди. Совет кишилари етарли даражада ахборотга эга бўлмаганлари учун унча безовта бўлганлари йўқ ва ўзларини деразадан отмадилар ҳам. Лекин баъзи бир бохабарлари анча ташвишга тушиб қолишувди.

Ўша кунларда Марат Аглаяга орол устида булутлар қуюқлашаётгани тўғрисида, синоптиклар бўрон бўлиши мумкинлигидан огоҳ қилишаётгани ҳақида ёзди. Шунинг учун хотини билан ўғлини Ватанига жўнатиб юборишти. Лекин бўрон Москвага ҳам етиб бориши мумкин бўлгани учун Зоя қўлидаги гўдаги Андрей Маратович билан бирга бувисиникига борақолса қандай бўларкин? Бувиси унга жавоб ёзиб, жамиятда чириш давом этаётганини маълум қилди. Марказий матбуотда Сталин тўғрисида сохта материаллар тобора кўпроқ пайдо бўлмоқда, унинг сафдошларини ҳам қўшиб қоралашяпти. Халқ ўртасида бири-бирдан ёмон латифалар юришти, одамлар ҳеч нарсадан тап тортмай, хорижий радиостанцияларни очикдан-очик тинглашяпти, советларга қарши қаратилган асарлар ёзиб, уни тарқатишяпти. Партия сафлари эса ёт унсурлар билан борган сари кўпроқ булганиб бормоқда. Кўп одамлар партиёга мартаба орттириш йўлида қиряпти ва ўзининг мавқеидан ифлос мақсадларда фойдаланяпти. Мактуб Долговдан Гаваннага етиб боргунча, нифоқ эсон-омон ҳал қилинди ва неваранинг бувисиникига келишига ҳожат қолмади.

Ўша 62-йилнинг ўзида Новочеркасскдаги исён тўғрисида миш-мишлар тарқалди. Бу исённи бизнинг қўшинларимиз танклар ёрдамида шафқатсизлик билан бостиришти. Аглая бу воқеага қандай муносабатда бўлишни билмай қолди. У халқ манфаатига қарши қаратилган тузумга ва Калга қарши бош кўтарган ишчиларга хайрхоҳ эди, аммо айни чоқда бунақа исёнларни халққа қарши йўналтирилган ҳаракат сифатида жуда қаттиқ шафқатсизлик билан бостириш кераклигига заррача шубҳа қилмасди. Исённи бошлаб берганлар отиб ташланганини эшитиб, Аглая ҳам уларнинг отиб ташланганидан дарғазаб бўлди, ҳамда кам отилганига аччиғи келди.

Бу воқеаларнинг садоси тинмай туриб, яна бир воқеа бўй берди. У аввал-

гиларидан ҳам ёқимсизроқ эди ва Аглая уни Кариб можаросидан кўра юрагига яқинроқ олди. Кўпдан бери ўзининг танқидбозлиги билан ном чиқарган “Новый мир” журналида ҳеч кимга маълум бўлмаган бир собиқ маҳбуснинг қиссасини босиб чиқаришди. Бу қисса пайдо бўлиши биланоқ унинг муаллифини улугъ ёзувчи деб эълон қилишди. Бу қиссанинг қаҳрамони шунақа одам эдики, унақаси ҳали совет адабиётида бирон марта ҳам қаламга олинмаган эди. Асар қаҳрамонлари ишчи эмас, колхозчи эмас, меҳнаткаш зиёли эмас, маҳбуслар эди. Маҳбус бўлганда ҳам, тасодифан йўлидан адашган ва тузалиш йўлига қадам қўйган эмас, сиёсий маҳбус эди. Бунинг устига улар яхши одамлар сифатида тасвирланган эди. Гўёки улар бекордан-бекорга шунча азобу қийноқларга дучор қилинган эмиш. Ички қўшинларнинг аскарларини эса муаллиф энг қора бўёқларда тасвирлаган, уларнинг шаънига ҳақоратларини аямаган эди. Лекин энг ёмони шунда эдики, китобхонларимиз ҳаддан ташқари сиёсий жиҳатдан гўр экан — улар орқа-олдиларига қарамай, бу асарни ўқишга тушишди. Асар қўлма-қўл бўлиб кетди. Одамлар бир-бирлари билан учрашганларида овозларини пасайтириб, теварак-атрофларига аланг-жаланг қараб, “ўқидингизми?” деб сўрашардилар.

Аглая асарнинг бошланишинигина ўқиди. Олти ёки етти саҳифа ўқигандан сўнг, ўз-ўзига бу журналга иккинчи марта қўлимнинг учини ҳам тегизмайман деб сўз берди. Лекин, минг афсуски, бу қисса бунақа асарларнинг ягонаси эмас экан. Гоҳ у, гоҳ бу журналда — қалин ёки юпқалигидан қатъи назар, баъзан ҳатто газеталарда шундай романлар, қиссалар, ҳикоялар, шеърлар, мақолалар, фельетонлар босилдики, уларнинг муаллифлари муттасил равишда совет тарихига тупуриш билан банд бўлишди. Сталин тўғрисида ёзилган гапларни-ку, айтмаёқ кўя қолайлик — уларни ижирғанмасдан, кўнгилозмасдан тилга олиб бўлмайди. Ленинга панд берган ҳам у, Ленин гвардиясини маҳв этган ҳам у, Кировни ўлдирган, зиёлиларга қиргин келтирган, деҳқонларни хонавайрон қилган, армияни раҳбариятсиз қолдирган, урушга тайёргарлик кўрмаган, ўзи бункерга кириб биқиниб олган, танқидга тоқати йўқ — буларнинг ҳам бари Сталин эди.

## 7

Аглаяни ларзага солган номаълум маҳбуснинг (у бир зумда жуда машҳур бўлиб кетди) асари “Новый мир”дан кейин дарҳол миллионлаб нусхада “Роман-газета”да босилди, кейин қалин муқовада алоҳида китоб ҳолида босилди ва кўп ўтмай, яна бир бор юпқа муқовада нашр этилди ва бир зумда бутун мамлакат бўйлаб гонконг гриппидай ёйилиб кетди. Долговда ҳам одамлар дунёдаги ҳамма нарсани паққос эсларидан чиқариб, фақат шу китоб ҳақида гаплашишар, уни ўқиб чиқишга ошиқишар, ўқиб чиққандан кейин эса унинг тўғрисида кўтаринки ибораларда завқ-шавқларини баён қилишарди. Кимнингки бу асардан завқ-шавқи етарли юксакликларга кўтарилган бўлмаса, бизнинг фикримизга кўра у қип-қизил аҳмоқ ёки бундан ҳам бешбадтар — органларнинг топширигини бажарувчи айғоқчи эди.

Қиссани биринчи бўлиб қўлига олган одам, албатта, Марк Семенович бўлган эди. У журнални Москвадан олиб келди. Унга муаллифнинг ўзи беришпти. Марк Семенович у билан Ханги-Манси лагеридан бирга бўлган экан. Журнални олиб келгандан кейин Марк Семенович уни ҳар хил одамларга ўқишга берди. Бу одамлар ичида мен ҳам бор эдим. Лекин ростини айтсам, менга журнал жуда қийинчилик билан тегди. Шубкин журнални ўқишга одамлар навбатда туришганини айтди, шунинг учун уни менга атиги икки соатга бериб туриши мумкин экан.

— Нима бало, мазах қилиясизми? — дедим мен. — Бутун бошли бир қиссани икки соатда ўқиб чиқиб бўларканми?

— Нега бўлмас экан? — деб сўради Марк Семенович ҳайрон бўлиб. — Қисса бор-йўғи бир юзу йигирма бетдан иборат. Наҳотки, сиз бир минутда

бир саҳифани ўқиб чиқолмайсиз? — Шундоқ деди-ю, гапани дарҳол ўнглаб олди. — Ҳа-я, вой азизим-ей, унутибман. Сиз тез ўқиш усулларини ўрганган эмассиз-а?

Охир-пировардида, мен ундан журнални эртага эрталабгача тилаб олдим, лекин унга пешинда қайтардим, негаки бу кашфиёт шодиёнасини Адмирал билан баҳам кўрмоқчи бўлдим. Адмирал мендан бир айланиб келишимни илтимос қилди. Мен магазинга бордим, почтага кириб чиқдим, уй бошқармасига бориб келдим. Қайтиб келсам, Адмирал қиссани ўқиб тугатиб қўйишти. Қисса унга маъкул бўлишти. “Ёмон эмас, — деди у. Бу унинг тилида энг юксак мақтов эди. Унинг учун “Анна Каренина”, “Оталар ва болалар”, “Ака-ука Карамазовлар” “ёмон эмас” эди. Рост, унинг асарга берадиган бундан ҳам ортиқроқ баҳоси бор эди — бу “чакана эмас” деган баҳо эди. Бироқ бу баҳо “Уруш ва тинчлик”ка, “Ўлик жонлар”га, “Евгений Онегин”га, “Илиада”га, “Илюхий комедия”гагина тааллуқли эди. “Чакана эмас” асарлар сафи шу рўйхат билан чекланар эди, шекилли. Сирасини айтганда, унинг ўқиладиган нарсаларга берадиган тўрттагина баҳоси бор эди, холос. Булар ўша “чакана эмас”, “ёмон эмас-у”, яна “бўлади”, “ўзимиз қатори” деган баҳолар эди. Бешинчи тоифа асарлар жумласига ҳеч қандай шароитда ўқиш шарт бўлмаган ёхуд ўқиб бўлмайдиган асарлар кирарди. Бу тоифага у “бўйи бир қарич” деб баҳо берарди ва унга “Тинч Дон”дан бошқа бутун совет адабиётини киритарди. Шунингдек, ҳозирги гарб адабиётининг кўп қисмини, ҳатто Габриэл Гарсия Маркесни ҳам шу тоифага кўшарди. Одатда мен Адмиралнинг баҳоларини бир оз киноя билан қабул қилардим, бироқ бу гал ҳазилга ёхуд кинояга ўрин қолмаган эди. Мен уни каллаварам аҳмоқлар қаторига кўша олмасдим, табиийки, унинг органлар билан алоқаси бор деб гумон қилишни ҳам истамас эдим. Мен у билан баҳс қила бошладим, қисса “чакана эмас” деб туриб олдим, у бўлса “ёмон эмас” деб, айтганидан қолмади. Мен унга “чакана эмас” дедим, у менга “ёмон эмас” деди. Мен унга фикрингизга қўшилмайман дедим. Сиз менинг фикримга қўшилишингиз мумкин эмасми ёки қўшилолмайсизми? — деди у, негаки, — дейди у яна, — сизда ҳеч қанақа фикрнинг ўзи йўқ. Қизиқ бўлди-ку бу гап. Менда фикрнинг ўзи бўлмаса, нима бор экан? Сизда муайян вақтда муайян доирадаги одамларнинг кайфиятига мувофиқ равишда муайян нарса тўғрисида фалондай фикр бўлмоғи керак деган тасаввур бор, холос. Сиз ўз доирангизда ана шундай бир тасаввурни шакллантирасиз-да, уни ўзингизнинг фикрингиз деб ҳисоблайсиз ва бу фикрингизга қўшилмаганларга кун бермайсиз. Агар мен айтсамки, мен бу нарса ҳақида фалон-фалондай деб ўйлайман десам. Лекин бу ўйлаганим сизнинг ва даврангизнинг фикрига кўра ўша нарса ҳақида ўйлашим керак бўлган ўйларга тўғри келмаса, сиз ҳатто тасаввур қила олмайсизки, бу менинг ўз фикрим, ҳалол фикрим, ундан кўра мени аллақандай нуқсонларим важдан шундай ўйлаяпти деб тасаввур қилмоқ ёхуд, худо кўрсатмасин, бундан ҳам бадтарроқ — кимнингдир манфаати йўлида ёки ҳатто кимнингдир тошшириғи билан шундай ўйлаяпти, бегона овозларнинг ноғорасига ўйнаяпти деб ҳисобламоғингиз осонроқ-да. Ахир гапим тўғри эмасми? — дея у савол назари билан менга синчиклаб тикилди.

Адмиралдан чиндан-да бирон масалада гумонсираятман деб тан олишга журъат қилолмасдим. Шунинг учун унинг яна бир гапига чидаб, тинглашга тўғри келди. Унинг фикрича, мен билан на бир қанча одам БТИД нинг асосий нуқталаридан воз кечган эмишимиз-у, лекин ич-ичимизда ҳали ҳам БТИД нинг муте фуқароси бўлиб қолавераётган эканмиз. Шу важдан ҳар бир жузъий ҳодисани изоҳлар эканмиз, шу изоҳимизни бирдан-бир тўғри ва илмий изоҳ деб ҳисоблаб, бошқача бўлмоғи мумкин эмас деб қарар эканмиз.

Назаримда, мен Адмиралнинг бунақа қаттиқ ҳаяжонланганини сира кўрмаган эдим.

— На илож, — дедим мен унга, — кўриб турибман — сиз учун ҳеч кимнинг фикри икки пуллик қимматга эга эмас.

— Мутлақо тўғри айтасиз, мен учун ҳеч кимнинг фикри инobatли эмас.



— Нечук шунақа? — дедим ўзимни йўқотиб қўйиб. — Мен тушуна олмайман. Ахир, бирор одам бордир, сиз унинг фикрига ишонадиган?

— Мен бўлсам бошқа нарсани тушуна олмайман — мен нима учун бошқа бировга ўзимга қараганда кўпроқ ишонмоғим керак? Сиз бошингизга кўтарётган адиб масаласига келсак, ишончингиз комил бўлсинки, бироз вақт ўтгандан кейин сизнинг унга муҳаббатингиз анча совиб қолади ва сиз кўнглингизга яқин бошқа адибни топиб оласиз.

— Икки дунёда ҳам бундай бўлмайди, — дедим мен.

Адмирал гаров ўйнаймиз деди, мен рози бўлдим.

— Фақат шартим бор, — деди Адмирал, — гаровимизни қоғозга тушириб қўямиз. Бўлмаса, сиз кейинчалик тониб кетипингиз мумкин.

Мен рози бўлдим ва мен — фалончи пистончиев шуни тасдиқлайманки, фалончи ҳамма даврлар ва ҳамма халқларнинг энг буюк адиблари сафига мансубдир ва менинг бу қатъий фикрим бирон фурсат келиб ўзгармоғи амримаҳолдир деган мазмунда тилхатга ўхшаган бир қоғоз ёзиб бердим.

Менинг тан олмоғим ҳаддан ташқари қийин, лекин орадан ўн беш ёки йигирма йил ўтди, мен йўл-йўлакай Адмирални кўриб келгани бордим. Бу пайтга келиб Адмирал анча қариб қолган эди. У қандайдир бир китобни ўқиб ўтирган экан. “Нима ўқияпсиз?” деб сўрадим мен. “Қайта ўқияпман” деб жавоб берди у ва менга китобнинг муқовасини кўрсатди. “Ҳар хил бемаъни нарсаларга вақт сарфлаб ўтирмасангиз нима эди?” — У менга кинояомуз бир нигоҳ билан қаради. “Сиз, нима бало, муаллифни унча хуш кўрмайсизми, дейман?” “Уни хуш кўраман ёки кўрмайман дея олмайман”, — деб елкамни қисдим. Шунда Адмирал — жуда кекчи одам-да — столнинг нариги чеккасида турган қутичани олиб беришимни илтимос қилди. Мен сирлари кўчиб кетган қадимий қутичани олиб бердим. Адмирал истехзоли бир нимкулги билан қутичани очиб, унинг ичидан аллақандай қоғозни олиб, менга узатди ва сўради: “Мана бу ёзувни танийсизми?”

Бунақа вақтларда нима дерди? Қалламга қон югургандай бўлди. Икки бетимга қизиллик югурди. Мен ҳеч қачон тасаввур қилмаган эдимки, хотирам бир вақти келиб менга бу қадар панд беради. Мен худди ана шу ёзувчини бир вақтлар чин юракдан яхши кўриб бошимга кўтарганимни, уни кўтариб, жаҳон классикларининг энг олдинги қаторларига қўйганимни паққос унутиб қўйибман.

Сирасини айтганда, бундай ёқимсиз эътирофни айтиш мен учун осон кўчаётгани йўқ, лекин ҳаддан ташқари ҳалол одам бўлганим учун бу гапларни айтмай қололмас эдим. Яна бунинг устига шу гапларнинг баридан бир хулоса ҳам чиқардим. Жонли, тирик одамни бошимизга кўтариб, осмонга чиқариб қўямиз-да, кейин уни шу фазилатлардан холироқ тарзда кўришни сира истамаймиз. Унинг илоҳий фазилатлари масаласида кўнглимизда зарра шубҳа бўлиб қолса, уни дарҳол ўзимиз олиб чиқиб қўйган юксакликлардан жаҳаннам қаърига улоқтирамыз ва бу гал энди унинг ҳақиқий фазилатларидан ҳам кўз юмиб юборамиз.

Адмиралниқидан зўр хижолат ичида чиқиб кетар эканман, унга дедим: “Ҳа, энди, албатта, муайян шароитда муболагага йўл қўйган бўлсам қўйгандирман. Ҳозир хижолат чекапман. Лекин сиз нима учун ҳозир уни қайта ўқияпсиз?”

— Ҳа, энди, — деди Адмирал камсуқум табассум билан. — Мен бунга ўқийётган бўлсам, шу вайдан ўқияпманки, баъзи ўринлари чиндан-да ёмон ёзилган эмас.

## 8

Адмиралнинг фикри ҳалол ва беғараз эканини мен кечикиб бўлса ҳамки, эътироф этаман, лекин бу гапларни Шубкин тўғрисида айта олмайман. Аввалига бир вақтлар лагерда бирга ўтирган тақдирдошининг асарини ўзи елиб-югуриб ҳар томонга тарқатди, ўзи уни мақтаб, кўкларга чиқариб қўйди, кейин эса ўзи унга ҳасад қила бошлади. Унинг муваффақиятини кўриб, куйиб кет-

ди, шекилли, менинг ўзим бундан бешбадтар воқеаларни кўрганман, не-не кўргиликларни бошимдан кечирмаганман, ёзаман десам, униқидан тузукроқ қилиб ёза оламан дея кўкрагга ура бошлади. Фақат вақти етишмаётган экан. У ҳатто қиссадан бир нечта нуқсон топти ва асарда маҳбуслар ҳаёти бир томонлама тасвирланган деб гап чиқарди. Муаллиф лагерни шундай кўрсатадики, гўё у ерда фақат оддий одамларнинг ўзигина ўтирган. У ҳақиқий зиёлиларни, олий интилишларга эга бўлган одамларни, гоёвий курашчиларни кўрмаган. Ҳолбуки, ана шулар ҳеч нарсага қарамай ўз эътиқодларига ва аъмолларига содиқ қолган.

Бу пайтга келиб бизнинг муҳтимизда муайян бир қараш шаклланган эди. Бу қарашга биноан Шубкин яхши одам, яхши жамоатчи, фаол, иқтидорли, туппа-тузук ҳикоялар, очерклар, шеърлар ёзади, КПСС Марказқўмига мактубларни қоғириб ташлайди, лекин бундан каттароқ адабий ишларга уқуви етмаса керак. Хуллас, шунақа фикрда юрганымда бир кунни Шубкинни сартарошхонада учратиб қолдим. У тепакалининг қулоғи тепасида ўстан тукларини тарашилатгани кирган экан. Мени кўриб, “Бугун кечкурун нима иш қиласиз?” деб сўраб қолди. “Нима қилди?” “Ҳеч нарса. Агар қиладиган ишингиз бўлмаса, соат етилларда бизникига келинг”. Мен, нима қиламан кириб, деб сўрадим. У сирли равишда кулди-да, сиз келаверинг, кейин биласиз, деди. Мен, албатта, бордим. Борсам, аллақандай анча одам тўпланган экан. Унинг қўлида тарбияланувчи Влад Распадов, Света Журкина, Алеша Коновалов ва яна кимдир бор экан — буниси эсимдан чиқипти. Стуллар етишмади — стулларнинг ўзи бор-йўғи иккита эди, холос. Биз ҳаммамиз жой топиб ўтирдик. Кимдир каравотга, кимдир ерга, кимдир дераза раҳига ўтирди. Шубкиннинг ўзи қалпоғи синиб кетган торшернинг ёнидаги ўриндиғи чўкиб кетган оромкурсига ўтирди. Антонина меҳмонларга чой тарқатиб чиқди. Кимгадир стаканда, кимгадир финжонда, кимгадир шиша банкада чой тегди. Менга майонездан бўшаган ярим литрлик банка тўғри келди. Шубкиннинг ўзи бўлса кефир идишининг кенггина оғзидан хўплаб ўтирди. Бир хўплам ичади-да, кефир шишасини полга, чап оёғининг ёнига қўяди. Журнал столчасининг устидаги ликобчада бир уюм сомбуса турарди. Сомбуса мурабболи экан — биз уни кўз очиб-юмгунча бир ёқлик қилиб ташладик.

Шундай қилиб, уйнинг эгаси ўриндиқда ўтирар, қўлида оч житарранг картон папкани ушлаб олган, унинг устига йирик ҳарфлар билан “Докладга” деган сўз ёзилганди. Папканинг устига това ҳам қўйилган бўлса керак, ундан шапалоқдек доғ ҳосил бўлган. Папканинг оқ боғичлари қўл тегавериб кирланиб, қорайиб кетган.

Бугун у ўзига ўхшамас эди. Негадир, қаттиқ ҳаяжонда, ҳадеганда асабийлашар, ҳамма нарса гашини келтирарди. Титроқ бармоқлари билан у папканинг боғичини ечди, унинг ичидан биринчи варақни олиб, бурнининг учидаги кўзойнагини тўғрилаб, ўқий бошлади.

“Тагидан арраланган тик қарағай қандай қулашини кўрганмисиз?”

Менинг назаримда бу жумла Гоголга тақлидга ўхшаб кетди. Ҳозир бу жумладан кейин бундай жумла келади: “Йўқ, сиз тагидан арраланган тик қарағайнинг қандай қулашини кўрмагансиз”.

Шу пайт эшиқдан тентак Шурочканинг қора мушуги кириб, хонани кесиб ўтди-да, менинг тиззамга сакради. Мен уни тинчитиш учун силадим, у бўлса тиззамда ётиб олиб, хуррак отабошлади. Шубкин ўқишни тўхтатиб, менга ўқрайиб қараб қолди — унинг қарашида таъна сезилиб турарди — гўё мушук эмас, хурракни мен отаётгандай. Мен хижолат тортиб, мушукни йўлакка чиқариб юбордим.

“Тагидан арраланган тик қарағайнинг қандай қулаганини...” дея Шубкин яна ўқий бошлади, лекин мушук эшикни тирнаб хархаша қила бошлади.

Распадов йўлакка чиқиб, депсиниб мушукка пўлиса қилди.

“Тагидан арраланган тик қарағайнинг” дея яна бошлади Шубкин, аммо бу гал хонага ари учиб кирди ва ўзини деразага уриб фингиллай бошлади.

Кўпчиликлашиб, уни қувиб ҳайдашди, аммо у бизнинг ниятларимизни тушунгиси келмади — биз уни дарча томон ҳайдасак, у ўзини деразага ура-ура гингиллашда давом этди. Ниҳоят, Антонина уни сочиқ билан уриб тинчитди. Ҳар эҳгимолга қарши дарчани ёлиб қўйишди, ҳаммалари тинчлик сақлаб қотиб ўтиришди, бехосдан қимирлаб қолишса, стулни, каравотни гижирлаб кетмасин деб кўрқишди. Аммо Шубкин ўқишни давом эттираман деб оғиз жуфтлаши биланоқ девор ортидан қироат билан аниқ-таниқ айтилган жумлалар янгради:

“Лениннинг дунёқараши ва ленинизм асослари ҳажман айнан бир нарса эмас. Ленин марксист ва унинг дунёқарашининг асосини, албатта, марксизм ташиқил қилади. Аммо бундан мутлақо ленинизмни баён қилишни марксизм асосларини баён қилишдан бошлаш керак деган хулоса келиб чиқмайди”.

— Ё Парвардигор, — дея қўлларини икки ёнга узатди Антонина. Қолганлар эса кулиб юборишди. Распадов кулги аралаш сўз қотди:

— Фаҳмлашимча, мавзуларингиз бир-бирига ўхшар экан.

Света Журкина гапга тушунмади-да, девор томонга бош ирғаб, қўшнинг кимга нимани ўқиб бераётганини сўради.

— Сталиннинг “Ленинизм асослари” асарини ўқияпти, — деди Шубкин.

— Кимга ўқиб бераяпти уни?

— Сталинга, — деди Распадов.

Яна ҳаммалари кулиб юборишди.

— “Лениннинг дунёқараши...” — дея такрорлай бошлади Аглая девор ортидан.

— Бўпти, — деди Шубкин хомуш тортиб. — Мен давом этаман. Сизлар эътибор берманлар.

“Тагидан арраланган тик қарағайнинг қандай қулашини сиз кўрганмисиз?..” Бундан кейин жумла Гоголона руҳда давом этмади, кетидан бошқа жумла келди: “Қарағай худди душман ўқиға учган гвардиячи каби эгилмай, букилмай тик қулайди”. Бу тимсол, албатта, жимжимадор, анча ноаниқ эди. Қанақа “гвардиячи?” Кимнинг гвардиясидан. Қанақа вазиятда ўққа учган ва нега эгилмасдан, букилмасдан йиқилади? Мен ҳеч қачон ўққа учган гвардиячинини кўрган эмасман, лекин нима учундир менга шундай туюладики, ўққа учганда гвардиячилар ҳам бошқа одамларга ўхшаб ҳар хил тарзда йиқилади.

Гапнинг индалосини айтганда, мен аслида хаёлан бўлса-да, унинг ёзганини ғалвирдан ўтказиб тафтиш қилганим йўқ. Очиғини айтганда аста-секин Шубкин асарининг жозибаси мени бутунлай чулғаб олди. Шу боис ўз вазифасини бадий бажо келтирган эди. Айрим иборалар ёхуд сўзлар оҳангини таъкидлар ва бўрттирарди. Диалогларни ҳар хил овозда — гоҳида йўғон, гоҳида ингичка товуш билан, қандайдир йўл билан ҳатто қорнинг гижирлаши ёхуд бензинда ишлайдиган “Дружба” аррасининг овозига ҳам тақлид қилар, йиқилаётган дарахтнинг қасир-қусуригача ифодалаб берарди.

• Кейинчалик муаллифнинг ўзи тушунтириб берганига қараганда, биринчи боб бутун асарни тушунмоқ учун калитлик вазифасини ўтар эди. Гап ўрмон кесишда ишлайдиган маҳбуслар бригадаси ҳақида борарди. Бу бригада шу лагер жойлашган вилоятдаги энг яхши бригада эди. Бригаданинг бошлиғи большевик, инқилоб ва фўқаролар урушининг қаҳрамони, тасодифан отувдан омон қолган Алексей Константинович Назаров эди. Аслида Назаров жуда тажрибали ўрмон кесувчи эди, лекин фалокат босиб хато қилиб қўйди ва ўзи арралаган қарағай уни босиб қолади. Шуни айтмоқ керакки, Шубкин қарағайнинг ади қадди-қоматини, уни қандай қилиб таг-тагидан арралаганларини, қарағай эса “қилт” этмай, тик тураверганини жуда ёрқин тасвирлаб берган эди. Шунда Назаров қарағайнинг арраланган жойига болга урипти. Қарағай гўё ўз ўқи атрофида айланаётгандай бўлипти, унинг шох-шаббалари ҳам пастдан қараганда кўм-кўк осмон бағридан чирпирак бўлиб рақс тушаётгандай айлана бошлапти. Кейин баҳайбат дарахт айланишдан тўхтамай, бир томонга оға бошлайди ва ниҳоят қулоқни қоматта келтирувчи қасир-қусур билан, ёнве-

ридаги қарағайларнинг шохларини қарсиллатиб синдириб, пастак буталарни тагида мажақлаб қулайди. Бирга ишлаётган ээklar<sup>1</sup> заифгина инграш овозини дарров эшитмайдилар. Кейин югуриб келиб қарашса, қарағай тагида дарахт босиб қолган большевик Назаров ётипти. Қарағай унинг кўкрагидан босиб тушипти, эзиб, қорнинг ичига киргизиб юборипти. Дарахт жуда йўғон эди, на уни қимирлатиб бўларди, на унинг остидан эзилиб ётган одамни суғуриб олишининг иложи бор эди. Дарахтни бир-икки бўлакка қирқиб, ажратиб ташлаш учун эса вақт керак эди. Қиссанинг қаҳрамони Шубкиннинг ўзига ўхшарди. У (Қисса биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинарди) воқеа содир бўлган жойга югуриб келганида, Назаров ҳали тирик бўлади. “Унинг боши, — деб овозини пасайтириб ўқиди Шубкин, — орқасига осилганча ётипти. Оғзининг бурчақларидан қонга бўялган пуфакчалар чиқиб ёрилар, бурнидан ҳам, ўнг қулоғидан ҳам қон сизиб оқарди. Мен унга яқинлашиб борар эканман, уни ҳушсиз деб ўйладим, ундан нари кетмоқчи бўлган эдим, тўсатдан унинг бир кўзи очилганини кўриб қолдим. У бир кўзи билан менга қараб турар, лаблари қимирлаб, нималарнидир шивирларди. Афтидан, у ўзи учун қандайдир жуда муҳим бир гапни айтишга уринарди. Мен юрагимдаги кўркувни босиб, унинг лабларига қулоғимни тутдим. Тутдим-у, мени бир умр ларзага солган сўзларни эшитдим:

— Ленинни ўқинг, — деди хириллаб Назаров. — Ҳамиша Ильични ўқинг. Кўнглингиз хушнуд чоғларда Ленинни ўқинг. Бошингизга мушкул ишлар тушганда Ленинни ўқинг. Бетоб бўлиб қолганингизда, жон таслим қилаётганингизда Ленинни ўқинг. Шунда сиз ҳамма нарсанинг тагига етасиз, ҳамма нарсани енгиб ўтасиз. Ўқинг Ле...”

Мен батафсил тасвирлаб ўтирмайман — биз ҳаммамиз — ўрмон кесувчи маҳбуслар ҳақидаги қиссанинг биринчи тингловчилари ана шу манзарадан ларзага тушдик. Сўнгра бениҳоя зўр қизиқиш билан Сталин лагерларининг дўзахона азобларига дош бериб, ўзларининг ёрқин идеалларига ишончини сақлаб қололган инсоннинг кейинги тарихини кузатиб бордик. Бу эътиқод унга ақл бовар қилмайдиган имтиҳонларга дош беришга ёрдам берган ва улар турмага тушмасларидан олдин қанчалик матонатли бўлган бўлсалар, идеалларига садоқатлари наҳадар зўр бўлган бўлса, эркинликка чиққанларида ҳам шундай қолган эдилар.

Албатта, бу пайтларга келганда мен, аллақачон расво бўлиб, бузилиб бўлган эдим. Порлоқ идеаллар ҳақидаги — гап-сўзлар ғашимни келтирарди, бироқ бу галгиси — мустасно эди. Гарчи романда гап ленинчи коммунист тўғрисида борса-да, унда ҳарҳолда Сталин лагерлари, тергов қамоқхоналари, сургунга жўнатадиган пунктлар, карцерлар, терговчилар, соқчилар, тезкор вакиллар, соқчи итлар тасвирланганди. Хулласи калом, ҳали бунақа асарларнинг фурсати етиб келмаган эди ва бу яқин ўртада етиб келиши ҳам ҳали қоронғу эди. Романнинг фурсати ҳали етгани йўқ эди, аммо Жиноят мажмуаси 70-молдасининг фурсати эса (аксилшўравий тарғибот ва ташвиқот, уч йилдан етти йилгача қамоқ жазоси) ҳали ўтиб кетгани йўқ эди. Шуни инобатга олганда, бу — нима деса бўлади? — шунчаки оддий бир ижодий жасорат эмас, балки фуқаролик жасоратининг ҳам намоён бўлиши эди. Бунинг устига муаллиф турманинг қозонидаги насибасини роса тўйиб еб чиққан ҳам эди. Бундай вазият, албатта, бутун асарни қабул қилишга таъсир кўрсатмай қолмасди. Мен ҳам бутунлай шу вазият таъсирида эдим. Шу ваздан гарчи менда ҳали баъзи бир шак-шубҳалар бор бўлса-да, Шубкиннинг “Ўрмон кесувчилар” қиссасини Адмиралга — унинг ёғоч омборига олиб бориб бердим.

— Хўш, қалай? — деб сўрадим эртаси куни эрталаб унинг олдига югуриб келиб. — Бу асар ҳақида нима дея оласиз? Ёмон эмас-а?

Адмирал кўзойнагини тақиб, унинг устидан менга анчагача қараб турди (ажаб, кўзойнагининг устидан қарайдиган бўлса, уни тақиб нима қиларди?)

— Сиз ёмон эмас демоқчимисиз? — дедим жиндай хижолат бўлиб.

— Йўқ, — деб жавоб берди менга Адмирал. — Сизнинг Шубкиннингиз

<sup>1</sup> Э к л а р — маҳбуслар.

тўғрисида айтсам — бир гапни айтақолай — ёзувчи сифатида у анча ожиз, мутафаккир сифатида бетамиз, қолган масалаларда мен унинг қаршисида бошимни эгаман.

## 9

— “Би-би-си”дан гапирамиз. Ғарб мухбирлари Москвадан хабар беришади: Никита Хрушчев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиблик лавозимидан олиб ташланган ва Президиум таркибидан чиқарилган. Шундан кейин анчадан бери ишга солинмай қантариб қўйилган овоз ўчирувчи, овоз бўғувчи ускуналар ишга туширилди, уларнинг шовуллашидан ҳеч нарсани англаб бўлмай қолди.

Аглая ёстиқдан бошини кўтариб ўйланиб қолди — бу гаплар унинг тушига кирдими ёки чиндан ҳам радио карнайидан айтилдими? Ҳушини йиғиб олиб, дарҳол телевизорни қўйди.

Ҳали жуда эрта эди, лекин биринчи канал орқали болалар учун “Қизалоқ ва айиқ” деган мультипликацион фильм намойиш этилмоқда эди. Иккинчи канал эса ҳали ишлаётгани йўқ эди. Аглаянинг тарелкага ўхшаган эски радиокарнайи бор эди. Аглая уни қўйиб, бир соат мобайнида сурункасига “Бадантарбияга сафлан”, “Қишлоқ меҳнаткашлари учун”, “Пионер эрталиги”, “Композитор Туликов хузурда” деган эшиттиришларни тинглади. Ниҳоят, янгиликларга ҳам етиб келди, аммо унда учта космонавт, ҳосил учун кураш, аллақердаги домна печнинг ишлари, янги дизел кемасининг сувга туширилиши ҳақидаги хабарлардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Аглаяда совет матбуотини истеъмол қилиш тажрибаси катта эди, шунинг учун эшитган гапларидан муайян ахборотни чиқариб ола билди. Сухандонлар Хрушчев тўғрисида ломим деб оғиз очишмади, одатда уни ҳар қандай эшиттиришда ҳам, албатта, бир-икки эслаб ўтишар эди. Ҳозир эса унинг бирон марта ҳам тилга олинмагани бежиз эмас эди. Бу “Би-би-си”нинг гаплари беҳуда эмаслигидан далолат берувчи бир белги эди.

Аглая тузукроқ кийиниб, уйдан чиқди ва Шубкиннинг эшигини тикқиллатди. Шубкин унинг олдига заҳил рангда, соқоли олинмаган ҳолда, лекин устида бамазе пижамада намоён бўлди.

— Ие, сизмисиз? — деб ҳайрон бўлди у Аглаяни кўриб. — Менинг олдимга келдингизми?

— Сизга келдим, — деди Аглая.

— Кириг, — дея у йўл берди Аглаяга ва қўли билан иягини яшириб деди: — Фақат илтимос — даҳанаки жанг қилмаймиз. Мен гриппман, касалим юқиб қолади.

— Қўрқманг, — деди юввошгина оҳангда Аглая. — Мен сиздан бир нарсани сўрагани келдим. Манави сабилнингиз... — Аглая ўзини қизиқтираётган нарсани сўрамоқчи ва айни чоқда унга нафратини ифода ҳам қилмоқчи эди. — Анави сабил Би-би-сингиз тўғри гапирдими?

— Ёлгон. Ишонманг. — Беморга жон киргандай бўлди. — Би-би-си ҳаминша ёлгон гапиради, лекин қанақа ёлгонни тилга олса, ўша гап доимо ҳаётда рўй беради.

Аглая қўшнисига ҳеч нарса демай, орқасига қайтди. Уйига кириши билан бутун вужудини шунақа зўр бир қувонч чулғаб олдики, Аглая унга берилиб, ўзининг темир суйтилигининг ёнига югурди, уни кучоқлаб ўпа бошлади, ҳовлиққанидан ҳайкалга бурнини уриб олди, кулди, йиғлади, алланималар деб валдиради.

— Ҳайдалипти. Ҳайдалипти Кал. Кетига тепишипти. Итнинг куни тушишти бошига. Ҳайдалипти. — Аглая ирғишлар, лабини буриштириб, тилини чиқариб, кўзга кўринмас душманини мазах қилар ва тинимсиз жаврарди: — Бизнинг сеvimли... бизнинг ҳурматли, бизнинг қимматли... Ҳе-е, ўша маккажў-хорихўр, совнархозчи, гўнқарға бўлмай ўл.

Кечкурун эса унинг хузурига ҳеч кимдан рухсат сўрамай ва ҳеч кимнинг таклифини кутмай Диванич кириб келди. У байрамларда қиядиган полковниклик кийимини кийиб олипти. У дазмолланган, ямаб чатилган, ҳамма тутмалари қадалган, оғзидаги ясама тишлари ялтираган, кўксила орден ва медаллар. У қуруқ келгани йўқ эди — қип-қизил чинни гул билан икки шиша молдаван коньягини кўтариб келипти. Коньякнинг ҳар бир шишаси тўрт сўм ўн икки тийин турарди.

— Ижозатингиз билан, Аглестепна, — деди Диванич ўзига ярашмаган тақалғуф билан, — бу доврўқли муносабати ила сизни фронтдагига ўхшаб, биродарларча бир кучоқлаб ўпиб қўйсам...

Шундай муқаддимадан кейин у Аглаянинг чап бетидан ўпиб қўйди, кейин ўнг бетидан ўпти, кейин эса худди афсонавий қон сўрувчи махлуқ каби лабини унинг лабларига қаттиқ босди, ҳатто жисмоний шама воситаси сифатида тилини ҳам ишга солишга уриниб кўрди, лекин Аглая энсаси қотиб, анча кўполлик билан уни итариб ташлади.

— Нима қилияпсан? — деб жаҳли чиқиб сўради Аглая.

— Нима, мумкин эмасми? — дея гўллик билан сўради Кашляев.

— Ҳожати йўқ, — деди Аглая. — Мен нафақахўрман. Бозорга борсам ҳамма мени “буви” деб чақиради.

— Мени бува дейишади, — деди Диванич. — Менга қизим неvara туғиб берди.

— Бўпти-да... — деди Аглая. — Бобо бўлиб ҳам қўлингга эрк берасанми?

— Ҳар қасққа узатаётганим йўқ-ку, — деди Диванич. — Мен ҳарбий одамман. Менга мумкин деб айтишса, кўпол қилиб айтганда, олға силжийман, керак дейишса, атакага ташланаман, мумкин эмас дейишса, чекинаман, лекин ҳеч қачон таслим бўлмайман.

Лекин нима бўлганда ҳам Аглаяга хушқўди.

Шалейкодан кейин ҳеч ким унга ишқибозлик қилмаган эди.

Бу байрамни Аглая Унинг билан бирга нишонлашни ихтиёр этди. Шунинг учун байрам муносабати билан “Унинг” хонасига дастурхон тузади, биринчи қадахни Унинг учун кўтаришди. У сезилар-сезилмас нурланиб турар, ўзи хушқайфиятда эди.

— Мен ўзимни худди 45-йилнинг тўққизинчи майидагидек ҳис қилияман, — деди Аглая.

— Мен эса, тўғриси айтсам, бунақа кунлар келишига ишонмай қўйган эдим.

— Ишонмай қўйиб бекор қилган экансан, — деди Аглая. — Сталин бизга таълим бериб, ҳеч қачон ишончингни йўқотма деб ўргатган эди. Эсингда борми, у кўп айтиб юрадиган бир Масал бор эди. Бор-ку... Қайиқда... Бўрон қутуради. Қайиқдагилар кўрқиб кетишади. Кўллари эшкак эшишга ярамай қолади. Шунда ҳаммаларини тўлқин ювиб кетади... Бошқалари бўлса таслим бўлмайди. Улар эшкак эшаверишади, эшаверишади. — У стулда ўтирган жойида худди эшкак эшаётгандай ҳаракатлар қилиб чайқалди. — Улар тўлқинга қарши, шамолга қарши эшкак эшаверишади. Улар ишончларини йўқотишмайди, кейин... Менга қара, деб ўзининг гапини ўзи бўлди Аглая. — Нима деб ўйлаясан, энди Кални нима қилишаркин?

— Қамашса керак, — деди Диванич балиқни газак қилар экан.

— Менимча, отишар-ов, — деди хаёлчан Аглая.

— Йўт-е, отишмайди... — деб эътироз билдирди Диванич. — Ҳозир замон бошқа. Ҳар қалай, ҳозир ленинча нормаларни ва социалистик қонунчиликни тиклаймиз деб ётиштипти-ку...

— Нима бўлди сенга, полковник? Жинни-пинни эмасмисан? Кални отиб ташлашса, ўшанда социалистик қонунчилик бўлади. Улар қилган ишларининг ҳаммаси қонунчилик эмас, иркит ишлар. Мамлакатни чоҳ ёқасига олиб бориб қўйишди-ку. Ана, анави, — боши билан Шубкиннинг уйи томон ишора қилди, — оғзига нима келса қайтармай ёзиб ётипти. Қамоқлар тўғрисида ёзипти. Ҳозир ҳамма қамоқни ёзадиган бўлиб кетди. Гўё бошқа мавзу қуриб қолгандек. Ҳамманинг жиловини елкасига ташлаб қўйишди. Одамлар чет эл радиосини эштитишяпти, аксилшўровий латифалар айтишяпти, партия аъзолари

болаларини черковда чўқинтираяпти. Одамлар ҳеч нарсадан қўрқмай қўйишди. Йўқ, менга қўйиб берса, Кални Қизил Майдонда бутун халқнинг кўз ўнгида... Йўқ, отмас эдим... осар эдим.

— Э, қўйсанг-чи, бутун халқ Қизил Майдонга сиғар эканми? — деб сўз қотди Диванич. — Лекин хабар топса, бир зумда ёпирилиб келади. Бир-бирини босиб янчиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас. Лекин, барибир, майдонга ҳамма сиғмайди.

— Сиғмаса нима? Сиғмаганлари телевизордан кўради-қўяди. Одам остиганини кўрганмисан ўзинг?

— Йўқ, — деди Кашляев. — Кўпол қилиб айтганда, худо асраган. Кўп нарсани кўрганман-у, бунисини кўрган эмасман.

Диванич ўзига ҳам, Аглаяга ҳам коньякдан қўйди, нонга икки тўғрамдан колбаса қўйди.

— Кўрмаган экансан-да... Биз Долговни немислардан тортиб олганимизда, райком олдидаги майдонда шаҳар ҳокимини, полиция бошлиғини ва немислар билан ишрат қилган фоҳиша аёлни осган эдик. Ўшанда, хоҳ ишон, хоҳ ишонма, фоҳиша аёл қилг этмай туриб берган эди, ҳатто осаётган партизанининг башарасига туфлаган эди. Шаҳар ҳокими кўрқувдан дағ-дағ титраб тўхтовсиз чўқинарди. Лекин ҳеч нарса деб илтимос қилгани йўқ. Полицай бўлса, ҳатто эслашга ҳам ҳазар қиласан, киши, тўрт оёқлаб эмаклаб юриб, кечиринглар, раҳм қилинглар деб роса ялинниб-ёлворганди. Мен эсам унга “ўзинг-чи, аблаҳ, бизнинг йитилларимизга раҳм қилганмисан?” Ўшанда шу учқовини остиганимизда, баъзи бир асаби бўш одамлар ҳушларидан кетиб йиқилишди. Мен эса тап тортмай қараб туравердим.

— Қизиқ бўларканми? — эҳтиёткорлик билан сўради Диванич.

— Жуда ҳам. Биласанми, одамни осиганда, аввал унинг бутун гавдаси зир титраб кетаркан, худди томири тортишаётгандек бўлар экан. Кейин эса кўзи қинидан чиқиб кетиб, тили ҳам осилиб қоларкан. Кейин...

— Бўлди, бўлди, қўй, гапирма. Кераги йўқ, — деб Диванич иккала қулоғини беркитиб олди.

— Нега энди керак эмас экан? — деб ҳайрон бўлди Аглая. — Сен, ахир, ҳарбий одамсан-ку? Фронт кўргансан.

— Фронт кўрганим тўғри, — деб унинг гапини маъқуллади ғурур билан Диванич. — Бутун урушни, кўпол қилиб айтганда, бошидан охиригача ўтганман. Лекин мен, Агластепна, чин кўнгилдан мени кечирасан-у, гарчи фронт кўрган бўлсам-да, умримда ҳали ҳеч кимни ҳе-е... унақа... кўпол қилиб айтганда... ҳеч кимни осган эмасман... Шунақа... — Бу гапларни айтар экан, унинг қиёфаси маъюсланди, гуноҳкорона тус олди, гўё у ўзининг бутун қусурини бор бўйича кўриб тургандай ва шунга хижолат чекаётгандай кўринарди.

— Сен мунтазам қисмларда хизмат қилгансан-да... Мен партизанлик қилганман. Партизанликда эса командир ҳам ўзинг, она ҳам, ота ҳам ўзинг, ҳарбий трибунал ҳам ўзинг. Ўзимиз тутар, ўзимиз ҳукм қилар, ўзимиз ҳукмни ижро қилар эдик. — У рюмкадан бир хўшлади, бир бўлак колбасани газак қилди. — Бизга осон бўлган деб ўйлайсанми? Нима, мен одам эмасмидим?

— Йўғ-е, Агластепна. Унақа деманг, — деди Диванич юраги така-пука бўлиб. — Қўйинг, унақа деманг. Гарчи сиз, кўпол қилиб айтганда, аёллар зотига мансуб бўлсангиз ҳам, олий партиявий сифатлар ва жасорат бобида биз ҳаммамиз сиздан ибрат олмоғимиз керак.

— Бу гапнинг бошқа гап. Ибрат олавер, — деди Аглая. — Мен аёлман. Онаман. Ўғлим бор. Дипломатия йўлидан кетди... Бироқ қаршимда душман пайдо бўлса, унга ҳеч қандай шафқат йўқ. Унинг бўйнига сиртмоқ тортмоқдан бошқа гап йўқ.

— Агластепна, азизим, бўлди, бас қил, етар, — деб қўлларини сарак-сарак қилди полковник. — Бунақа гапларни қўй, кўнглим беҳузур бўлиб кетяпти.

— Майли, жин урсин сени, — деб унга қўл силтади Аглая. Коньяк таъсир қилиб, у ширкайф ҳолатдан ошиб қолган эди. Ҳозир дунёни сув босса, тўпигига

чиқмайди даражага етиб қолганди... — Гапимни эшитишни истамасанг, майли, кел, бирорта қўшиқ айтайлик...

— Бу бошқа гап... — деди Диванич. У ўтирган жойида қалдини ростлади, пиджагини этагидан тортиб тўғрилади. Томоғини силаган бўлди, кейин томоғини қириб, ярим овозда “Катюша” қўшиғини айта бошлади.

— Мунча эски қўшиқдан бошладинг, — деди Аглая. — Ундан кўра, яхши-си... — Шундай деб, ўнг қўлини пастдан юқорига ва ўнгдан сўлга бир маромда ҳаракатлантириб, тамакидан хирпи бўлган овози билан қўшиқ айта бошлади:

Азиз Ватан кенгликлариди  
Жанг ва меҳнат ичра тобланиб,  
Биз куйлаймиз мағрур, бахтиёр  
Авж пардада — жонажон доҳий...

Чап қўли билан Аглая Диваничга жўр бўлишга ишора қилди ва яна бир марта томоқ қириб ашулага жўр бўлди.

— Сталин — шонимиз, шавкатимиз.

— Сталин деб парвоз қиламиз.

— Қўшиқлар-ла зафарлар кучиб,

— Сталин ортидан юрар халқимиз.

Ҳойнаҳой, ҳозирги авлод бунақа гапларни тасаввур қилишга қийналса керак. — У пайтларда одамлар шунақа қўшиқларни саҳнадан туриб эмас, сафда юрганда эмас — уйда ўтириб, кўнгилхушлиги учун айтишар ва бундан гоётда хузурланар эдилар.

Кечаси соат ўн иккида эшикни қоқиб қолишди. Аглая очди. Остонада Ида Самойловна турарди. У ювилавериб ўнгиб кетган халат кийиб олган, ҳали куриб битмаган сочларига жингалак-жингалак бўлсин учун алланимабалоларни қистириб олган эди.

— Безовга қилаётганим учун мени кечирасизлар, — деди у. — Ашулангизни сал пастроқ айтсангиз бўлармикин? Менинг онам бетоб. У сира ухлаёлмапти.

— Хоҳласа — ухлайди... — деди Аглая. — Биз фронтда замбарак отиб турганда ҳам, бомба ташлаётганда ҳам ухлайверардик.

Шундай деб эшикни “тақ” этказиб ёпиб қўйди.

— Ким келган экан? — деб сўради Диванич.

— Ҳеч ким, — деди Аглая. — Кел, манавини айтайлик. — Шундай деб ашула оҳангида бир томондан иккинчи томонга чайқала бошлади.

Эшикни яна қоқишди. Аглая қўшни хотин яна келди деб ўйлади ва ранжиган қиёфада эшикни очди. Унинг қаршисида бўйнига осиб олган аккордеону, ҳар қўлида бир шишадан арақ тутган Георгий Жуков турарди.

— Ҳа, нима гап? — деб сўради Аглая ҳайрон бўлиб.

— Сизлар нимани байрам қиляписизлар? — деб сўради у.

— Сенга барибир эмасми? Нима ишинг бор?

— Менга-ку барибир-а, лекин менда ҳам байрам қиладиган сабаб бор-да. Ўғил кўрдим. Бирга ичишадиган одам йўқ. Ўғлим тўрт ярим кило. Мана бундай. — У арақ тутган қўлларини ёйиб, чақалоқнинг тахминий бўйини кўрсата бошлади. Кейин эса ичгани сари қўллари лаққабалиқ ушлаган балиқчининг қўлларидек борган сари кенгроқ ёйилиб борди.

— Кир, — деб ижозат берди Аглая.

## 10

Бу орада Ревекка Моисеевнанинг юрак санчиги яна хуруж қилиб қолган эди. Қизи унга уч барабар орттириб валокардин қўйиб берди. Ҳозир онасининг ёнида каравотда боши қотган ҳолда нима қилишини билмай ўтирипти. Ўз-ўзидан аёнки, уларнинг телефони йўқ эди, тез ёрдамни чақириб келай



деса, узоқ, фойдаси йўқ. Ўтган гал унинг ҳафсаласи роса пир бўлганди. “Онангиз неча ёшда? — деб сўрашган эди ўшанда “тез ёрдам”дагилар. — Саксон иккидами? Биз бунақа қари беморларга бормаймиз”.

Ида Самойловна Бауман онасининг қўлидан ушлаб ўтирарди. Юрак хуружи ўтиб кетаётгандек эди, валокардин таъсирини кўрсатди, кампир кўзини юмиб, ухлай бошлади. Аммо унинг кўзи илинар-илинмас девор ортидан яна кўшиқ янгради, бу гал энди кўшиққа аккордеон ҳам жўр бўлганди. Унинг жўрлигида кўшиқ аввалгидан кўра баландроқ янграрди. Яна “Азиз ватан кенгликлариди” деган кўшиқни айтишди, кейин танаффус қилмай бошқа кўшиқни айтишди. Бу кўшиқ ҳам Ватан ҳақида, тоғ бургути тўғрисида, сеvimли, доно ва қадрдон Сталин ҳақида халқнинг гўзал кўшиқлар тўқиши ҳақида эди.

Ида Самойловна эски туфлисини қўлига олиб, пошнаси билан деворни тақиллатди.

Худди шу пайтда Марк Семенович Шубкин ҳам ёзув машинкасини чиқиллатиб, КПСС Марказий Комитетига навбатдаги мактубини тўқиб ўтирарди. Даставвал у ўртоқ Брежнев ва ўртоқ Косигинларни юксак лавозимларга — Марказкўмнинг биринчи котиби ва СССР Министрлар Советининг раиси қилиб сайланганлари билан табриклади. Сўнгра партиянинг қарорлари ғоятда мардона ва ўз вақтида қабул қилинган қарорлар эканини айтиб, уларни тўлатўкис маъқуллашини маълум қилади. Бу қарорлар мамлакатда янги бир шахсга сифинишга — бу гал Сталин шахсига эмас, Хрушчев шахсига сифинишга йўл қўймасликка қаратилган. Шубкин мактубида ички ва ташқи сиёсат бобида Хрушчев ўзбошимчалик билан қилган ишларни қоралашини айтади. Шу билан бирга у партиянинг сталинизмга қайтишга йўл қўймаслигига, Сталин қилган ёвузликларни оқламаслигига ва цензурани таг-тути билан бекор қилишга умид қилишини айтади.

Унинг ёзув машинкаси одатда қаттиқ чиқилларди, лекин ҳозир унинг чиқиллаши эпитилмай қолди, негаки, кўшиқ билан аккордеон овози янада баландроқ пардаларга кўтарилган эди.

Соат иккидан ошганди Ида Самойловна халатининг устидан пальтосини ташлаб олиб, милицияга югурди. Иттифоқо, маҳалла нозири капитан Анатолий Сергеевич Сараев ҳам шу ерда экан. Яқин-яқинларгача у ҳам шу уйда — Комсомол боши берк кўчаси №-а уйда истиқомат қиларди. Яқинда яшаш шароитини яхшилаш мақсадида унга янги қурилган иморатдан жой беришганди. Сал кеч бўлса ҳам борлигининг сабаби шунда эдики, у навбатчи катта лейтенант Жихарев билан бирга унинг туғилган кунини нишонламоқда эди. Шу муносабат билан улар ойнабанд тўсиқнинг нариги томонига ўтириб олиб, қалайи чойнақдан қалайи финжонга мусодара қилинган қўлбола арақдан қуйишиб, ичишиб, нон, колбаса ва пиёз билан газак қилишмоқда эди. Арақнинг таъсирида суҳбатлари ҳам қизиб келганди — улар ҳар хил муҳим нарсалар тўғрисида, масалан, бошқа сайёраларда ҳаёт бор-йўқлиги, зебранинг отдан нима билан фарқ қилиши, милициянинг янги формаси бу яқин ўртада жорий қилинадими-йўқми деган масалалар атрофида гурунглашиб ўтиришарди.

Тун нисбатан тинч ўтмоқда эди. Дастлабки қамоқ камераларида атиги уч киши ўтиришти — уларнинг бири кайф билан хотинини қаттиқ савалаган киши ва ҳосилни йигиб олишга кўмаклашгани келган иккита олифта талаба. Студент йигитни сочини ҳаддан зиёд узун қилиб ўстиргани учун қамашган, талаба қизини эса танцага жинси шим кийиб келгани етмагандай, орқасига Америка байроғининг сувратини ёпиштириб олгани учун вақтинча ушлаб туриштипти. Эркак хужрага олиб киришлари биланоқ ёғоч чорпоёга чиқиб, дарҳол уйкута тушди, талаба қиз жиндай йиғлаб, у ҳам ухлаб қолди, йигит эса эшикни тақиллатиб, тўполон қилмоқда, ҳақ-хуқуқини таллашиб, уни дарҳол қўйиб юборишларини талаб қилмоқда эди.

— Эрталаб икковингизнинг сочингизни устарада қирдириб ташлаб, кейин жавобингизни берамиз, — деди Жихарев.

— Ҳаққингиз йўқ. — деб қичқирди эшик ортидан йигит. — Қайси қонунда сочининг узунлиги белгилаб қўйилган? Конституциядами? Жиноят мажмуасидами? КПСС Программасидами?

— Бақирма. Бўлмаса, таъзирингни бериб қўямиз, — деди Сараев дилкашлик билан.

— Нима? — дея қичқирди йигит. — Ҳаққингиз йўқ. Қани, қўлингизни текказиб кўринг-чи. Мен сизларни судга бераман.

— Шошмай тур, — деди Жихарев Сараевга ва камерага кириб кетди. У кириши биланоқ камерадан бақирган-чақирган овозлар эшитилди.

— Нима қилипсан? Қўйвор. Бандит. Гестапо-чи. Мен арз қил...

Шу нуқтада бақириқ-чақириқлар тўхтади ва Жихарев стол олдига қайтиб, муштумидаги қон юқини арта бошлади.

— Кўзойнаги тирнаб олди, — деб тушунгирди у Сараевга. Кейин зорлана бошлади: — Қанақа одамлар-а, буларнинг ўзи? Ўзлари тинчгина юрмайдилар-да, бошқаларнинг асабларини қўзғашади.

У ўзи учун ҳам, ошнасига ҳам яна бир мартадан қуйди. Ичишди, газак қилишди, хотинлар, қайноналар тўғрисида гап сотишди, Ковровода чиқариладиган мотоциклларга қараганда, Ижевск мотоциклларининг устунликларини муҳокама қилишди, табиийки, ўша куннинг энг асосий сиёсий воқеаси ҳам уларнинг эътиборидан соқит қолмади.

— Хрущчевни бартараф қилишди, — деди Жихарев.

— Бартараф қилишди, — деб маъқуллади Сараев. Шундан сўнг икковлари ҳам анча вақт индамай қолишди. Яна нима дейишларини билмай ўйланиб ўтиришди.

— Ҳа, бартараф қилишди, — деб такрорлади Жихарев.

— Ҳа, — деб маъқуллади Сараев.

Яна анчагача индамай қолишди.

— Энди, — деб кўнглидаги тахминини айтди Жихарев, — Сталин уларнинг ҳаммасининг таъзирини бериб қўяди.

— Қандай қилиб бериб қўяркан? У ўлган-ку? — Унинг гапига ишонқирамади Сараев.

— Ҳамма гап шундаки, у ўлган эмас-да, — деди Жихарев.

— Қайси маънода? — деб сўради Сараев.

— Шу маънодаки, у ўлган эмас, тирик, — деди Жихарев ва Сараевга Кремлда официант бўлиб ишлайдиган қайнисидан эшитган гапларини гапириб берди. Сталин 53-йилда ўлмаган экан, лекин ўзини ўлганга солиб ётган экан. Кейин ғойиб бўлипти. Мўйловини қириб ташлапти, устига эски-туски кийимларни кийиб олиб, бир замонлар подшо Александр I қилганидек, Россия бўйлаб тиланчилик қилиб юрган эмиш. Аслида эса, халқнинг тирикчилиги қанақа ўтаётганини, коммунизм қурилиши давом этаётган-этмаётганини кузатиб юрганмиш.

— Бўлмаган гап, — деб баҳо берди Сараев бу гапларнинг барига. Шу пайт унинг қаршисида собиқ қўшниси Ида Самойловна пайдо бўлиб қолди. У Агдая Степановнанинг устидан шикоят қилиб келипти — меҳмонлари билан шовқинлашиб, тинчлик бермаётган экан.

— Толя, — деди Сараевга Ида Самойловна. — Сиздан ўтиниб сўраб илтимос қиламан, барака топкур. Сиз менинг онамни биласиз-ку. Унинг хасталигидан ҳам хабардорсиз. Қўшнилари эса тун билан овозлари борича қўшиқ айтиб ётишипти.

Сараев энги билан оғзини артди, соатига қаради ва бориб текшириб кўришга ваъда берди.

— Дарров борармикинсиз? — деб сўради Ида Самойловна.

— Ҳа, дарров етиб бораман, — деб жавоб берди тоқатсизланиб участка нозири. Аммо Ида Самойловна чиқиб кетиши билан Сараев Жихаревга унинг тўғрисидаги фикрини — Жихаревнинг гапи турган-битгани ёлгон эканини айтди. Бунга Сараевнинг ўзи шахсан гувоҳлик бериши мумкин эмиш. 53-йилнинг мартада у милиция мактабида ўқиб юрган пайтларида уни Москвага жўнатишган эканлар. Шунда у Пушкин кўчасининг бошида — Лазар Кагано-

вич номидаги метрополитеннинг Охотний ряд станциясидан чиқаверишда кўриқчиликда турган экан, ўшанда милиционерларга кечаси тобут ёнига келиб видолашишга рухсат беришипти...

— Ўшанда мен Сталиннинг жасадини худди сени кўриб тургандай яқиндан кўрганман.

— “Сени кўргандай” деганинг нимаси? — деб ўлкаламоқчи бўлди Жихарев. — Мен ўлган эмасман-ку.

— Гап ўлган-ўлмаганда эмас. Гап шундаки, ўшанда шундоққина ёнида турган эдим. Орамиз бир метрча келарди. Йўқ, ярим метрча. Мана, мен бу ерда турган бўлсам, Сталин мана бу ерда ётган эди. — Сараев тобутда ётган жасадни кўрсатмоқчи бўлиб, ҳатто орқасига ташланди, аммо кайфи тароқ бўлгани учун мувозанатини йўқотди. Жихарев уни вақтида ушлаб қолмаганда, гурсиллаб йиқилиши турган гап эди.

— Шунақа, — деб давом этди Сараев қаддини ростлаб олиб. — Унинг юзини худди сеникидай кўрганман. У бутунлай жонсиз эди. Нафаси йўқ эди. Кўзи юмуқ эди. Лекин жиндай пардоз қилинган эди. Ранги ҳам худди тирик одамникига ўхшарди. Ўлик бўлса ҳам, озодагина эди.

— Мен унинг ўлганини айтаётганим йўқ. Фақат жасад Сталинники эмас эди дейман. Тобутда ётган халқ артисти Геловани бўлган. Сталиннинг ўрнига уни ётқизиб қўйишган.

— Тириклай ётқизиб қўйишганми? — деб сўради даҳшатга тушган Сараев.

— Нега тириклай бўлар экан? — деди елкаларини қисиб Жихарев. — Хўб гапларни гапирасан-да... Тириклай эмиш... Нима, шу даражада ваҳшийми улар тирик одамни тобутга солиб. Дори бериб, ухлатиб қўйишган.

— Ухлатиб қўйишган бўлса, майли. Анча пул олган бўлса керак, ҳойна-ҳой?

— Бўлмаса-чи, — деди Жихарев комил ишонч билан. — Чакана пул олмаган бўлса керак. У бутун СССР халқ артисти-ку. Уларга қанча пул тўлашларини биласанми?

— Қанча тўлашади? — деб сўради Сараев.

— Сўрама. Жуда кўп, — деди Жихарев ва хўрсиниб қўйди.

Сараев чойнакни энгаштириб, ўзига ҳам, шеригига ҳам қўлбола арақдан яна қўйди. Индамай чўқиштиришди, ичишди, кекиришди, газак қилишди.

— Хўп, майли, — деди Сараев обдон ўйлаб кўргандан кейин. — Бунисини-ку, тобутга солишипти, Сталиннинг ўзи қасққа қойиб бўлган?

— Сента боядан бери нима деяпман? Кетган. Ҳеч кимга ҳеч нарса демай, бош олиб чиқиб кетган. Фақат Молотовнинг ўзига бир энлик хат қолдиришти.

Капитан Сараев Жихаревнинг биронга ҳам гапига ишонгани йўқ, лекин у билан ортиқ баҳслашиб ўтирмади, бунинг устига, ичадиган нарса ҳам тутаган эди, вақт ҳам алламахал бўлиб қолди. Аммо уйига кетаётиб, кўққисдан эсига тушиб қолди — яқинда вокзалда бир тиланчи чолни ушлаган эди, уни милицияга олиб бормоқчи бўлган эди, лекин чоли тушмагур, йигирма беш сўм бериб қутулиб кетди. Сараев бунга зигирдек ҳам ажаблангани йўқ, чунки анчадан бери тиланчиларнинг кўпчилиги анча бой одамлар эканини яхши билар эди. Ҳозир ўша тиланчини эслаб, унинг қиёфасида алланечук галати бир нарсаси бор эди. Бу тиланчи унга кимнидир эслатди. Ҳозир эсласа, тиланчи — биласизми кимга ўхшаб кетарди?.. Э-э, буларнинг бари бемаъни гаплар, — деди Сараев ўзига-ўзи. — Бемаъни гап — тамом-вассалом. Худди шу пайтда у очиқ деразадан келаётган авж пардалардаги қўшиқни эшитди.

## 11

Уйга киравериш йўлаги ҳар доимгидек қоронғи эди. Аммо юқорида алланарса хира шуъла бериб, йилгираб турарди. Бу — устига халатини ташлаб, оёғида шиппак билан зинага чиққан Ида Бауманнинг қўлидаги шам эди.

— Вой, бормисиз-а. Раҳмат келганингиз учун, — деди у мутаассир бўлиб. — Сира иложимиз қолмади-ку. Онамнинг касали хуруж қилипти, булар бўлса

мана бунақа ишлар қилиб ўтиришти. Хўп, майли, ўн биргача айтишсин. Бунга рухсат берилган. Биз соат ўн иккигача чидадик. Аммо қанча чидаш мумкин, ахир?

Врачларга орқа қилиш, қонунни пеш қилиш, вақт кеч бўлиб қолганини тикиштириш етарли далил бўлмаслигини тушунган Ида Самойловна милиционернинг қўлига битта уч сўмлик тутқазди, Сараев уни қўли билан пайпаслаб кўриб, беш сўмлик деб ўйлади ва дарров чўнтагига солиб кўйди. Шундан кейин Аглаянинг эшигини қаттиқ-қаттиқ тақиллатди. Аввал одоб билан, бармоғини букиб тақиллатди. Кейин мушгини ишга солди. Ундан кейин тўпшончасининг кўндоғи билан эшикни урди. Ҳеч ким жавоб бермади. Шундан кейин Сараев эшикни очиб, ичкарига кирди.

Ўтириш жуда авжида эди. Хона ичини тўлдириб юборган тамаки тутунини қўли билан ҳайдай-ҳайдай, участка нозирни ўзига ўнбоши билан ўтирган уй бекасини кўрди. У устига тўқ ҳаворанг жакет кийиб олган эди. Унинг ёнида меҳмонлари Диванич билан Георгий Жуков ўтиришипти. Уларнинг орқасида эса кўкиш тамаки тутуни орасида ўнг қўлини шифтга тираган ҳолда чўян генералиссимус турар эди.

Диваничнинг юзини тер қоплаган, зўриқишдан бўғриқиб кетган. Унинг устида ҳарбийлар киядиган кўк гимнастерка, шимини камар ўрнига иккала елкаси орқали ўтказилган резина тасма билан тутиб туришти. Полковниклар киядиган кителени эса ечиб, стулнинг орқа суянчигига ташлаб кўйган. Жуков бўлса, курсида омонатгина ўтириб, гавдасини бир оз орқага ташлаб, кўзларини қисганича аккордеонида куй чалмоқда. Аглая унга раҳбарлик қилмоқда. У жон-жаҳди билан қўларини силкитиб, куй ва қўшиққа дирижерлик қилмоқда. Буни у илҳом билан, жон-дилидан қияпти. Шу топда у ўзини бениҳоя бахтиёр ҳис этмоқда. Эҳтимолки, умри бино бўлиб, у ҳали бирон марта ҳам бундай даражада ўзини бахтиёр ҳис этмаган эди.

Мана шунақа дақиқада Сараев кириб келди, қўшиқ айтаётганлар яна “бир неча кадрдон дўстлар” ҳақидаги мисрани куйлашди-да, Сараевга қарашди. Сараев эса уларга ва уларнинг орқасидаги чўян ҳайкалга анграйтанча қараб турарди. Ҳайкалнинг чўян нигоҳи остида Сараев нечукдир бўшашиб қолди, аввалги қатъиятидан асар ҳам қолмаганди. Пўписа ўрнига, у Аглаядан узр сўради:

— Мени кечирасиз...

Лекин Диванич бармоғи билан унга жим туришни буюрди ва чала қолган кўшиққа қайтди.

— Бир неча кадрдон дўстлар...

— Хотираси кадрли ҳар нарасаки бор... — дея қолган жойидан илиб кетди Аглая.

— Мени кечирасиз, Аглая Степановна, — деб такрорлади капитан. — Ўтиришларингни тўхтатишга тўғри келади.

Аккордеон сўнгги марта аянчли чийиллади. Жуков унинг ичидаги дамини чиқариб юборди-да, ён чўнтагидан дастрўмолини олди. Диванич индамай диққат билан капитанга қараб турарди. Аглая бўлса, қутидан бир дона папирос олиб, бармоқлари билан эзгилади, мундштук томонини бир-икки столга урди-да, ҳозир кайфияти бузилажагини ҳис қилиб, уни тутатди.

— Мени кечирасиз, — деди паст овозда Сараев учинчи марта. — Соат йигирма учдан кейин рухсат берилмайди.

— Рухсат берилмайди? — деб қайтариб сўради Аглая.

— Рухсат берилмайди, — деб такрорлади Сараев.

— Одамларнинг турмушида бирон воқеа рўй берган бўлса-чи? Агар одам, кўпол қилиб айтганда, фарзанд кўрган бўлса-чи? Унда ҳам рухсат йўқми?

— Ким фарзанд кўрган? — деб сўради милиционер.

— Масалан, мен фарзанд кўрдим, — деб тан олди Жуков. — Тўрт ярим кило. Мана бундай... — У қўларини ёйиб кўрсатди. Ҳозир аввалги кўрсатганига камида яна икки қарич қўшилган эди. — Паровоздай бўкиради.

— Паровоздай? — деб қайтариб сўради Диванич. — Йигирма учдан кейин ҳам бўкирадимми? Ўн беш суткага қамоққа олинсин. Тўғрими, капитан?

— Қамоққа тушса, бадтарроқ бақиради, — деди Аглая. Бугун ҳатто Аглая ҳам ҳазил-мутойибага мойилроқ эди.

— Майли, лекин мен сизларни огоҳлантириб қўйдим, — деди участка но-зири қўлидан келган даражада жиддий оҳангда. — Бу ёғига ўзинглар биласиз-лар. Қондани бузсанглар, ўзим шахса... албатта, буни менга сира кераги йўқ — лекин мажбур бўламан... кечирасизлар... маъмурий чора кўришга тўғри келади...

Диванич бирдан тутақиб кетди.

— Маъмурий жавобгарликка дейсанми? Кимни? Уними? — деди бармоғи-ни Аглая томон нуқиб. — Бизнинг қахрамонимизни-я? Тилларда дoston бўлган одамни-я? Ёки мана буни жавобгар қилмоқчимисан? У жангчи-ку, танкчи йигит, Венгрияда аксилинқилобчиларнинг додини берган. Ё меними? Полковникни-я? Икки уруш фахрийсини? Менинг ҳам, қўпол қилиб айтганда, хизматларим бордир. Ёки мана буними?

Диванич Сталин томонга қўл чўзди-да, ўзининг оғзидан бехос чиқиб кетган гапга ўзи кўрқиб, тўсатдан шивирлаб гапира бошлади.

— Менга қара, биродари азиз, бунақа гапларингни қўй. Ундан кўра, ўтир биз билан. Нишонлаймиз. Ўзинг кўриб турибсан, нишонламаса бўлмайдиган воқеалар бўляпти. Бир томондан, одам туғилган. Иккинчи томондан... нима десам экан-а... э-э... гапимни тушундинг-а, капитан?

— Худди шундоқ, ўртоқ полковник, — деди унинг гапига кўниб Сараев.

— Ундоқ бўлса, жуда соз, ўтир... Агар бека қарши бўлмаса...

Бека қарши эмасди, у аввалига участка нозирига ўртоқ Сталиннинг саломатлигига ичишни таклиф қилди. Капитан ўлган одамнинг саломатлигига ичиб бўладими-йўқми, буни билолмай, бироз гарангсиб турди, кейин ўзича биров узатиб тургандан кейин ичса бўлаверади деган тўхтама келди. Ва, умуман, ўлган одамларни соғлом деб ҳисоблаш мумкин, чунки улар ҳеч қачон касал бўлмайди.

## 12

— Ана кўрдингми, — деди Ида Бауман кексайиб қолган онасига. — Ҳам-маси жойида. Ана, милиционер келиб, бу безбетларни жой-жойига ўтқазиб қўйди.

У стаканга қирқ томчи валокардиндан томизди, онасининг ёстигини тўғри-лади, кампирнинг оёғига иситгич қўйди, устидаги адёлини тортиб, текисла-ди, кейин ўзининг хонасига кириб, энди чорпояга ўтирган ҳам эдики, тўсатдан девор ортидан яна қўшиқ янгради. Бу галги қўшиқ замбаракчилар ҳақида эди, қўшиқнинг ўзи ҳам тўпларнинг ўзидай шиддат билан гумбурларди.

Эй тўпчилар, ватан чорлайди,  
Сталиндан келмишдир буйруқ.

Ида Самойловна қўшиқ айтаётганларга таъна билан қараганча, эшикнинг кесақисига суяниб қотиб қолди.

Бирдан юз минг тўп оғзидан  
Ўқ ёғилсин оналар учун.  
Ватан учун. Сталин учун.  
Ўт оч, тўпчи, аяма ёвни.

— Уялмайсизми-а? — деди Ида Самойловна, лекин ўзининг овозини ўзи эшитмади. Ашула айтаётганлар эса унга мутлақо эътибор ҳам беришаётгани йўқ эди. Фақат капитан Сараевгина нақорат такроран айтилаётганда, қўшиқ-

нинг айрим мисраларини ўзгартириб, атайин Ида Самойловнага атаб, ҳозирги вазиятга мос сўзларни айтди, холос.

Бирдан юз минг тўп оғзидан,  
Ўқ ёғилсин жуҳуд устига.  
Ватан учун. Сталин учун.  
Ўт оч, тўпчи, аяма ёвни.

Бундан кейин содир бўлган воқеалар манзарасини жуда ҳам тахминий равишда фақат воқеа иштирокчиларининг ўзлари берган гувоҳликлар асосидагина тиклаш мумкин. Гап шундаки, воқеа иштирокчиларидан бошқа гувоҳнинг ўзи йўқ эди, улар берган кўрсатмалар эса гоят чалкаш ва бири бирига зид бўлди. Воқеа тахминан бундай бўлган эди: тунги безориларнинг кирдикорларидан газаби бўғзига келган Ида Самойловна уларга қараб, ер тепиниб, ўшқира бошлаган. Шунда капитан Сараев ўрнидан сапчиб туриб, Ида Самойловнага қараб у ҳам депсина бошлаган. Кейинчалик, тушунтиришга кўра, шунчаки Ида Самойловнанинг жигига тегиш учун ҳазил қилиб депсинган. Ида Самойловна ҳазилни тушунмай, капитаннинг башарасига туфлаган. У, табиийки, бунақа ҳақоратга чидаб туролмасди. Бунинг устига у формада эди, ёнида қуроли бор эди, тўпшончасининг қинини стулга осиб қўйган эди. У шартта туриб, қиндан тўпшончани олган-у, уни жабрдийда Бауманга ўқталган.

— Ҳозир отиб ташлайман, қанжиқ, — деб бақирган у, лекин шу заҳоти бекани эслаб, унга мурожаат қилиб деган: — Оғзимни пештаҳам қилганим учун кечирасиз.

Жабрдийда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган тарзда дод-вой кўтарган ва хонадан югуриб қочиб чиққан. Сараев бўлса кўлда тўпшончаси билан унинг кетидан ташланган, унда (кейинчалик берган кўрсатмасига кўра) овчилик инстинкти уйғониб қолипти-ю, ўзи ҳам билмаган ҳолда Ида Самойловнанинг кетидан қувиб, у яшайдиган хонага бостириб кирган. Хонада қаравотда устига тунги чит кўйлак кийган, пайпоқсиз озгин оёқларини полга осилтириб олган, кўриниши жиннисанги бир кампир ўтирган экан. Кўлида қурол билан уйга бостириб кирган одамни кўриб, кампир полга қулаган ва “Вой-дод, казаклар” деб ҳайқирганича эмаклаб қаравотнинг тагига ўзини урган. Лекин кампир бу ишени охирига етказишга муваффақ бўлмаган, бир-икки эмаклагандаёқ юраги ёрилиб, боши қаравотнинг тагига суқилган ҳолда, тана эса тўрт оёқлаб турганича жон таслим қилган. Бу манзарани шовқин-суронга югуриб келган қўшнилари кўришган. Айтишларича, бу воқеа Сараевнинг миясига урган-у, бир зумда унинг кайфи тарқаб кетган. У тўпшончасини қинига солиб қўйган, кампирнинг томирини ушлаб кўрган, кейин ўридан туриб, ҳеч кимга мурожаат қилмай, шундай деган: “Қизиқ гап-а. Мен қанақасига казак бўлай? Бизда ҳеч қанақа казак-пазак йўқ. Бизда қонуний совет ҳокимияти бор, холос”. Шу гапларни айтиб, хонадан чиқиб кетган.

Албатта, байрам расво бўлган эди. Бизнинг қаҳрамонларимиз ким ва қандай бўлишларидан қатъи назар, албатта, кампирни ўлдиришни хаёлларига ҳам келтирган эмаслар. Ҳазиллашиш, кўрқитиш бўлса, бошқа масала.

Бу ишдан катта можаро кўзгалгани йўқ. Тўғри, Ида Бауман уларнинг тўртовларини ҳам судга беришга ҳаракат қилиб кўрди, лекин охир-нировардида унга яхшилаб уқтиришдики, Ревкина, Кашляев, Жуков деган фуқаролар фақат жамоат тартибини арзимаган даражада бузганлар, холос ва бунинг учун уларга танбеҳ берилди. Милиционер Сорокин масаласига келсак, гарчи бу ўрида у ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетган бўлса-да, у ўқ узгани йўқ-ку. Фуқаро Ревекка Бауман қаравотнинг тагига кирмаслиги керак эди. Унинг ёшида бунақа мураккаб жисмоний ҳаракатлар қилиш ярамайди, яна бунинг устига юрак оғриги хуруж қилиб турган бир пайтда. Кўпчилик шундай тўхтамга кел-

дики, кампир ёшнини яшаб, ошини ошаб бўлган эди, бугун бўлмаса, эртага бундай бўлмаса, бошқачароқ, барибир, ўларди. Хуллас, капитан Сараева ҳайфсан эълон қилинди ва навбатдаги майор унвонини бериш бир йилга кечиктирилди. Қолган воқеалар эса ўз мароми билан давом этаверди.

### Учинчи қисм

## БЕҲУДА ИЛИНЖЛАР

### 1

Ҳокимият тепасига янги раҳбарият келиши билан Аглаяга хушқадиган кўпгина миш-мишлар пайдо бўлди. Брежнев, Косигин, Кал ҳукмронлик қилган даврни шармандали ўн йиллик деб атаганмиш. Шу икковидан бири ёки яна бошқа бировини айтган эмишки, яқин орада ўтган ўн йилликдаги чиркин либерализмга барҳам берилди. Бу сўзлар бежиз айтилмагани сезилиб турарди. Партия мажлисларида, пленумларида, конференцияларда Сталиннинг номи ижобий маънода аввал қўрқа-писа тилга олинарди, кейин эса баралла айтиладиган бўлиб қолди. Унинг номи тилга олинганда залда қарсақлар янграрди. “Галаба” деган маҳаллий кинотеатрда аввал эски ҳужжатли фильмларда, кейин эса бадиий фильмларда ҳам таниш образ пайдо бўла бошлади. Аввал аллақайда қайси бир идорада унинг суврати бир лаҳзагина лип этиб кўриниб ўтди. Ҳа, ўша — Аглаянинг столи устида турган трубка чекиб турган суврат. Кейин эса унинг тириклик пайти — Техрондаги “Катта учлик” учрашуви”да қатнашуви кўрсатилди. Кейин Москва остонасидаги жанг санаси муносабати билан Сталиннинг ўзини кўрсатишди — у туриши керак бўлган жойда — Мавзолей минбарида турар эди. Ҳар гал Сталинни кинода кўрсатиб қолишса, Аглаяни бундан Диванич огоҳ қилар эди. Аглая ҳам дарҳол ҳар қандай ишини йиғиштириб, қадрдон чеҳрани бир лаҳза бўлса-да, кўриб қолмоқ учун кинотеатрга — эрталабки сеансга югурар эди. Кинони томоша қилар экан, залдаги томошабинларга қараб, ўзининг илинжларида ёлғиз эмаслигига ишонч ҳосил қиларди. Ҳар экранда таниш чеҳра пайдо бўлиши билан орқа қаторлардан ҳадик аралаш қарсақлар чалинади. Баъзан эса бундай қарсақлар яккам-дуккам бўларди. Аглаянинг ўзи ҳам қарсақ чаларди ва назарида, катта жасорат кўрсатаётгандай бўларди. Ҳолбуки, янги келган ҳокимиятга бундай қарсақлар жуда маъқул келарди. Аглая қарсагини чалиб, теварак-гирдига қараб, биттами, бир нечтами ҳамфикрлари ким эканини кўрмоқчи бўлар, бироқ зал қоронғусида унинг кимлигини ажратиш бўлмасди. Фильм тутагач, одамлар тарқаётганларида ҳам уларнинг чеҳраларига қараб кимлар чапак чалганини билиб олишнинг иложи йўқ эди.

### 2

КПСС Марказқўмининг 1964 йил Октябр пленумидан кейинги бошқа ўзгариш белгиларини ҳам Аглая қўнғлида катта умидлар билан кутиб оларди. Обкомларни шаҳар ва қишлоқ обкомлари деб ажратиш бекор қилинди. Газета саҳифаларидан “шахсга сифиниш” деган ибора ғойиб бўлди. Деярлик ҳеч қаерда ҳеч ким ғайриқонуний қатлиомлар тўғрисида гапирмай қўйди, мабодо бирорта одам гапириб қолса ҳам ийманиб, қимтиниб гапирарди. Бундай ҳолларда “ҳа энди, қатлиомлар унчалик кўп бўлган эмас, маҳобат қилаверманлар” деб уларни тартибга чақирадиганлар ҳам топшилиб турарди. Маккажўхорини “далалар маликаси” деб аташ ҳам барҳам топти. Уни ялпи экишни ҳам бас қилишди. Унинг ўрнига ёзувчиларни қамашди. Тўғри, бор-йўғи иккита ёзувчинини қамашди. Ҳозирча. Аммо қолганларини ҳам қамашади деган илинж бор эди. Битта математикни жиннихонага тикиб қўйишди. Битта тарихчини ҳам

ўша ерга жойлашди. Чехославак ревизионистлари ўзларининг мақсади инсоний қиёфага эга бўлган социализм қуриш эканини эълон қилишди. Совет танклари Прагага кириб бориб, ревизионистларнинг хатоларини тўғрилаб кўйишди. Аглая бу воқеаларни кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўларди. Гарчи унинг назарида КПСС раҳбарияти адолатсиз иш тутаётган бўлса-да... Сталинни кинода кўрсатиб туришипти, лекин аҳён-аҳёнда ҳадик билан кўрсатишади. Унинг ўзининг аҳволи эса ҳамон ўзгаришсиз қолмоқда эди. Ҳеч ким ундан кечирим сўраб, партияга тиклашни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ эди.

### 3

Аммо Аглая воқеаларнинг ривожини суст бораётганидан норози бўлса, унинг қўшниси Марк Семенович Шубкин ҳам бу ривожланишнинг йўналишидан мамнун эмасди. Ленинчи-коммунист сифатида бунга индамай қараб туролмасди. У Марказқўмга ёзувчиларни озод қилишни, Чехословакиядан қўшинларни олиб чиқишни талаб қилиб мактублар ёзди. У партиянинг ички ҳаётида ленинчи нормаларга қайтиш зарурлигини, сталинизм қурбонлари хотирасига ёдгорлик ўрнатишни, цензурани бекор қилишни, унинг ўрмон кесувчилар ҳақидаги романини етакчи совет журналларидан бирида босиб чиқаришни талаб қилди. Унинг навбатдаги мактубига жавоб анча тез келди ва бу жавобдан Шубкин фаҳмладикки, замон биринчи қарашда кўринганидан кўра тезроқ ўзгариб бормоқда. Унга келган жавобда сизнинг таклифларингиз ошқора тарзда ифвогарона йўналишга эга, улардан сиёсий ғўрликнинг ҳиди келиб турипти ва эҳтимолки, ундан-да бадтар хусусиятга эга бўлса ҳам ажаб эмас, деб ёзилганди. Унга яна шуни маълум қилишган эдиларки, агар у ўзи тўқиб-бичган ёлгонларини тарқатишни бас қилмаса, унга КПСС сафларини тарк этишга тўғри келади ва ҳатто бундан ёмонроқ оқибатлар ҳам бўлиши мумкин. Шубкин бой ҳаётини тажрибага эга, бунинг устига ривожланган бадний хаёлотли бор. Шунинг учун у “бундан ёмонроқ оқибатлар бўлиши мумкин” деган гапни ўқиб, дарҳол қалин Ханги-Манси тайгасини, унинг кўкракдан келадиган қор қатламларини, 50 градуслик совуқларини, бензинда ишлайдиган “Дўстлик” деган арранинг чийиллашини, совуқ урган бурунни кўз олдига келтирди. У бир неча муддат мактублар ёзишни йиғиштирди, анча тилини тийиб қолди. Ким билади дейсиз — эҳтимол, у бутунлай тилини тийиб ҳам кетиши мумкин эди, лекин бир кун радионинг қулоғини бураб, Би-би-сини тинглаб қолди. Унинг ахборотидан ўзининг ўрмон кесувчилар ҳақидаги романи Мюнхенда “Глобус” деган таниқли муҳожирлар нашриёти томонидан нашр этилганидан хабар топди. Шубкин бу воқеанинг қандай рўй берганидан мутлақо беҳабар эди. Афтидан, унинг асарининг қўлёзмаси одамлар орасида юрган-у, охир-пировардида, шундай бир қўла тушганки, бу қўл уни Ғарбга олиб кетган. Шундай қилиб, районда ўзининг диссиденти пайдо бўлди. Дастлабки пайтларда маҳаллий органлар бу ҳолдан ғоятда хурсанд бўлишди. Диссидентлар бўлмаса, марказдаги бошлиқларда бу жойларда органларнинг кераги йўқ деган фикр ҳам туғилиши мумкин эди-да. Диссидент бўлса, шу ҳам бўлади. Штатларни кенгайтириш мумкин, бюджетни кўпайтиришни талаб қиласан, иш ҳажми кенгайди ва ҳаётингни мутлақо хавф остида қолдирмаган ҳолда бирон-бир қаҳрамонона жасорат курсатишинг имкони туғилади. Нима учун дейилса, диссидент жисмонан эмас, мафкуравий жиҳатдан хавфли. Унинг ёнида қуроли йўқ, ўзи бесўнақай, яширинишни билмайди, таъқибдан қочиб қутулиш қўлидан келмайди. Шунинг учун агар Долговда Шубкин бўлмаганда, уни ўйлаб топмоқ керак бўларди. Орган ходимлари ўйлаб топмишга ҳам устаси фаранг эдилар, лекин ҳозирги шароитда бунга ҳожат қолмади. Ҳаётнинг ўзида Шубкин бор, унинг теварагида шогирдларидан ва мухлисларидан ташкил топган бутун бошли тўғараги бор. Буларнинг барини назорат остида тутмоқ керак, бунинг учун эса штат керак, маош керак, машина ва ҳоказолар керак



Шундай қилиб, Шубкин майдонга чиқди. У намоён бўлди ва органлар ишга киришди. Улар органга чақирिқ қоғози юборишди. Шубкин ҳар эҳтимолга қарши турмада керак бўладиган энг зарур нарсаларини — иссиқ пайпоқ, узун ишгон, кружка, қошиқ ва Эдуард Багрицкийнинг шеърлар китобини халтага жойлади.

Кейин халтани қўлтиқлаб, тўғри органга йўл олди. Табиийки, Антонина унинг орқасидан борди. Органнинг эшиги ёнида жиддий хайрлашишди.

Шубкин кўп соатлар мобайнида давом этадиган, кишининг бор кучини сўриб оладиган, бақириб-чақиритишлар, дўқ-пўписалар, кўпол сўзлар билан сўкишлар, нури ўтқир чироқларни кўзга рўпара қилишлар билан тўла сўроқларга чоғланиб келган эди. Амалда бундай бўлмади. Кутганидай бўлмаганини кўриб Шубкин ҳайрон қолди ва анча енгил тортиди. Коротитшкин деган терговчининг қадди-қомати мутлақо фамилиясига мос эмас экан. Биноийдек ўрта бўй, ўрта яшар, кўримсизгина, елкадор, қўллари дўмбоққина, сергук яноқлари ҳам дўмбоқ бир одам эди. Сочлари малла, қошлари ўнгтан, кўзи нурсиз, лаблари нотекис, лекин сўйловлари йўқ. У олабўжига ўхшамас эди, аммо айни чоқда, кўзлари ишчи-деҳқон ишига садоқатдан ҳаммиша яллиғланиб юрадиган, инқилоб душманларига, араққа, тамаки тутунига нафратдан чақнаб турадиган эски замон чекистларига ҳам ўхшамас эди. У устида арзон баҳо костюми билан Шубкинни идорага кириш олдига кутиб олди ва қўлтиғидаги халтасини кўриб жуда ҳайрон қолди.

— Чиндан ҳам, сизга нима жин урган ўзи? Нега кўтариб келдингиз халтангизни? Наҳотки, сиз органлар тўғрисида шунақа галати фикрда бўлсангиз? Наҳотки, биз ҳар қандай одамни дабдурустдан турмага жўнатишдан бошқани билмасак? Бу аёл сиз билан биргами? Беринг халтангизни у кишига. Мабодо зарур бўлиб қолса — бунақаси ҳам, албатта, бўлиб туради, кейин олиб келиб беради.

Халтани Антонинанинг қўлида қолдиришди. Бу — яхшилик аломати эди. Бу чақирувнинг охири яхшилик билан туташига ишора қилувчи яна бир нарса шу бўлдики, Шубкинга муваққат ижозатнома беришди. Шундан кейин Коротитшкин Марк Семеновични узун йўлакдан етаклаб кетди. Йўл-йўлакай ҳозирги об-ҳавонинг инжиқликларидан, инсониятнинг химия ва атом энергияси соҳасидаги ютуқлари унга таъсир қилиши мумкинми-йўқлигидан гаплашиб боришди. Ниҳоят, Шубкин кенг бир хонага кириб қолди. Хонада ўнг томонида Дзержинскийнинг деворга илиғлиқ суврати тагида ёзув столи ортида Муходав деган фамилиялик бир одам ўтирарди. У бадқовоқ, озгин, ранги заҳил бўлиб, айни ўша 20-йилларнинг чекистларига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Дзержинскийнинг иккинчи суврати остидаги стол Коротитшкинники экан. Коротитшкин меҳмонга стул қўйиб берди. Стул оддий стул бўлиб, орқа суянчигига дермантин қопланган эди. Кейин ўзи ҳам ўтирди-да, саккизта бармоғини бир-бирига қовуштирди, иккита бош бармоғини эса гўё хаёл сураётган пайтларида айлангириб туришга керак бўладигандай бўш қолдирди.

— Хўш, — деди у бармоқларини айлангириб, Марк Семеновичга қараб жилмаяр экан, — суҳбатимизни бошлашдан аввал, марҳамат қилиб, исми шарифингизни ва фамилиянгизни айтсангиз.

— Бу нима, сўроқми? — деб сўради Шубкин.

— Йўғ-е, сўроқ эмас, — деб шоша-пиша эътироз билдирди Коротитшкин. — Бу шунчаки бир суҳбат, холос.

— Ҳозирча суҳбат, — дея мингирлади ўтирган жойидан Муходав. Коротитшкин унинг мингирлашига эътибор бермади, ўзини эшитмаганга солди ва ошқора хайрхоҳлик билан Шубкинга исми шарифи ва фамилиясини айтишни сўрагани шунчаки бир расмиятчилик эканини, эҳтимол, у ортиқча эканини, унга эътибор бермаслик кераклигини тушунтирди ва моҳиятан, сиз билан бошқа нарса тўғрисида гаплашамиз, деди.

— Мен сизнинг “Ўрмон ўтказиш” деган ҳикоянгизни ўқидим.

— Ҳикоя эмас, роман, — деб унинг гапини тўғрилади Шубкин.

— Роман эмас, аксилшўровий бўҳтон, — деди хонанинг нариги томони-дан Муходав. У суҳбатда бевосита қатнашаётгани йўқ эди. У ўз жойида ўти-рар, аллақандай қоғозларни титкилар, қай бирларини ўқир, нималарнидир ёзар, бир нималарнидир таъкидлаб остига чизар эди. Айтаётган луқмаларини ҳам гўё тўғридан-тўғри бизга йўналтирмай, ўзича айтаётгандай бўларди.

— Бошқаларга қандай эканини билмадим-у, — деб давом этди Коротиш-кин, — ҳамкасбига кўз қирини ташлаб, — лекин менга кўп жойи маъқул бўлди. Мен, албатта, мутахассис эмасман, менинг соҳам меъморчилик. Турар-жой бинолари, жамоатчилик бинолари, клублар, маданият саройлари деган-дек. Лекин мени обкомга чақиришди. Сиз ўзингиз ҳам коммунистсиз, ше-килли?

— Бунақа коммунистларни отиб битириш керак, — деб баланд овозда ўзига-ўзи гапирди Муходав.

— Хуллас, обкомга чақиришди, Сергей Сергеич, шу ёққа ўтмасанг бўлмай-ди дейишди, халқаро вазият шуни тақозо қиляпти дейишди. Партия илтимос қилса, мен йўқ дея олармидим? Йўқ, Марк Семенович, йўқ демоққа сира иложим йўқ, чунки мен ҳар нарсадан олдин партиянинг солдатиман, ватан-парварман. Мана, ўтирибман бу ерда. Юрагим эса, — у чуқур хўрсинди ва хаёлчан гапирди, — қоғозни соғинди, чизмаларимни соғинди. Ҳа, энди бу гапларнинг ҳаммаси лирика. Хуллас, гапнинг индаллосини айтганда, сизнинг “ўрмон-чўл” ингиз менга анча-мунча маъқул бўлди. Айрим ўринлари. Қала-мининг равон. Табиатни жуда яхши тасвирлагансиз. Айниқса, ханси-манси ўрмонларини. Ўзингиз бўлгансиз-а, у ерларда?

— Бўлганман, — деб бош ирғади Шубкин.

— Яна борса ҳам бўлаверади, — деди қоғозларидан кўз узиб Муходав.

— Аммо яхлит олганда, — деб давом этди Коротишкин, — сиз тасвирла-ган нарсалар одамда жуда оғир кайфият уйғотади. Менимча, сиз бир оз... э-э... нима десак экан, бўёқлар жуда қуюқлашиб кетган...

— Мен партия XX съездда фош қилган ҳодисалар тўғрисида ёзганман, — деб эслатди Шубкин.

— Ҳамма гап шундаки, партия уларни фош қилди. Фош қилди, — бўлди-да. Етади. Етади, — деб такрорлади Коротишкин Шубкинга ёлборувчи назар билан тикилиб. — Ахир, нима қиламиз ҳаммавақт ёмон нарсаларни эслайве-риб? Ўз ярамизни ўзимиз тирнашнинг нима кераги бор? Ўтмишнинг тепаси-да депсиниб тураверамизми? Олга босиш керак, Марк Семенович. Теварагин-гизга қаранг, қандай воқеалар содир бўлмоқда. Братск ГЭСининг қурилиши давом этмоқда. Стерлитмақда янги домна ишга туширилди. Бизнинг ситирла-римиз йилга уч юз литрча сут бeryпти. Бизнинг партиямиз бутун жаҳонда тинчлик учун бениҳоя катта кураш олиб бoryпти. Сиз эса ҳали ҳам ўзингиз-нинг ўрмон кесувчиларингизни қўймайсиз. Майли эди, агар сиз “Ўрмончи-лар” ингизни ўзингиз учун ёки дўстларингиз учунгина ёзган бўлсангиз. Йўқ, унақа эмас, сиз уни Фарбга ошириб юборибсиз.

— Мен оширганам йўқ, — деб тезгина жавоб берди Шубкин.

— Кўлёманинг ўзи учиб бориб қолган, — деб гап қўшди Муходав.

— Билмадим, ўзи учиб борганми, биров олиб борганми? — деди Шубкин унга ўтирилиб. — Лекин мен — ўзингиз яхши биласиз, чет элларга борма-ман. Ёки мен кўзларингизни шамғалат қилиб бориб келганманми? — деб сўради пичинг билан у. Аммо Муходав ўзининг қоғозлари билан андармон бўлиб, Шубкиннинг гапига парво қилмади, Коротишкин эса уни маъқуллади.

— Тўғри, тўғри, сиз четга чиққанингиз йўқ. Ҳеч ким бунақа деяётгани йўқ. Аммо кўлёмани бермоқ учун одамнинг ўзи бормоғи шарт эмас. Доимо қайнаб турадиган хорижий дипломатлар ва мухбирлар бор. Уларнинг ҳаммаси ҳам пок ниятли одамлар эмас.

— Ҳаммаси беистисно Марказий Разведка Бошқармасининг одамлари, — деб луқма ташлади Муходав.

— Ҳа, баракалла, — дея уни маъқуллади Коротишкин. — Биздаги маълу-

мотларга қараганда, ЦРУ ўз фаолиятини кучайтирган. Улар бизнинг зиёлиларнинг онгсиз қисмидан фойдаланишни мўлжалламоқда. Бизнинг занжири-миздаги заиф ҳалқани қидиришади. Сизнинг фельетонингиз тасодифан аксилшўравий нашриётда эълон қилингани йўқ. Бу нашриёт ходимларининг ҳаммаси оқ гвардиячилар, влосовчилар ва собиқ полицайлар. Улар совет кишиларини отган, яҳудий миллатига мансубларини газ камераларига ташлаган. Ва албаттаки, улар сизнинг ўша мақталган асарингизга икки қўллари билан ёпишиб олганлар. Демак, асарингиз уларга маъқул бўлган.

— Агар менинг китобим уларга ёққан бўлса, демак, яхши китоб экан-да, — деди Шубкин ички мамнуният билан.

— Аксилшўравий-да, — деб кесатди Муходав.

— Кошки эди фақат аксилшўравий бўлса, — деб хўрсинди Коротишкин.

— Минг афсуски, китобингиз халққа қарши қаратилган, Марк Семенович. — Йўқ, — деди у ошқора тарадуд билан. — Биз ҳозирча сизга қарши жазо чораларини қўлламаймиз.

— Лекин қўлласак чакки бўлмасди, — деб ҳазиллашган бўлди Муходав.

— Ҳозир 37-йил эмас, — биз ҳам бошқа одамлармиз. Биз бутунлай бошқа одамлармиз, Марк Семенович, — дея эҳтирос билан уқтира кетди Коротишкин. — Биз учун бугун энг муҳими — инсонни сақлаб қолиш, унинг нотўғри қилиқлар қилишига йўл қўймасликдир. Ҳозир муросасиз мафкуравий кураш кетяпти. Ким кимни? Бундай шароитда... Агар сиз бизнинг матбуотимизга мурожаат қилсангиз, яхши бўлар эди. Бу масалада биз сизга ёрдам берамиз, ҳа, ёрдам берамиз...

— Акс ҳолда ёмон бўлади, — деди Муходав ўзига-ўзи гапиргандай.

— Пўписа қиляпсизми? — деб сўради Шубкин.

— Мутлақо. Бу пўписа эмас, — деди шоша-пиша Коротишкин. — Ҳеч қанақа дўқ-пўписага йўл қўйилмайди. Лекин ўзингиздан қолар гап йўқ — агар сиз ўзингиз хулосалар чиқариб олмасангиз унда биз... лекин биз нима ҳам қила олар эдик, Марк Семенович, ўзингиз тушунасиз-ку, биз гуманистлармиз, лекин...

— Агар душман таслим бўлмаса, уни мажақлаб ташлайдилар, — деб хулоса ясади Муходав. — Бундан ташқари, сиздан бир илтимос. Жуда катта илтимос. Ўртамиздаги гап-сўзлар шу ерда қолсин. Ҳеч кимга оғиз оча кўрманг...

Тамом-вассалом. Коротишкин Шубкиндан ҳатто сир сақлаш тўғрисида тилхат ҳам олмади.

Долговдаги Агляга ўхшаган ва ҳатто Диванич тоифасидаги бир одамлар органларнинг бунақа инсонпарварлигини тушунмас эдилар. Бу Шубкин деганлари советларга қарши даҳшатли бир асар ёзса-ю, уни муҳожирлар журналида эълон қилса, нима учун уни бу қилиғи важдан қамаб қўйишмайди? Лекин бу одамлар кўп нарсаларни тушунмас эдилар. Масалан, шунини тушунмас эдиларки, Шубкин районда ўзига хос ягона диссидент эди. Улар ўн киши бўлганида, эҳтимол, битта-иккитасини ўтқазиб қўйса бўлаверар эди. Биттаю-битта диссидентни қамаб қўйсанг, унда кимга қарши курашасан?

#### 4

Албатта, Коротишкин Шубкин ўз хатоларининг ғоятда ҳалокатли эканини англаб етишидан ва кўрқиб кетишидан умидвор эди. Шундай умидвор бўлиши ҳам тўғри эди. Шубкин социалистик қонунчиликка ишонар эди, аммо бу ишончининг жуда кўп “лекин” бор эди. У Марказқўмга бошқа хат ёзмасликка қарор қилди, ўзининг адабий асарларини тарқатишни ҳам йиғиштирадиган бўлди. Энди Москвага ҳам бормади, диссидентлар ва мухбирлар билан учрашишни ҳам бас қилади. Шундан сўнг у шунақа намунали тарзда ҳаёт кечири бошладики, бундан бизнинг органларимизнинг бошлари осмонга етмоғи керак эди ва улар энг итоаткор ҳамда ўртак олса арзийдиган фуқаро сифатида унинг сувратини кўринарли жойга осиб қўйишса арзирди. Шубкин

уларга айни диссидент сифатида керак эди. Шунинг учун улар қандай қилиб Шубкинни яна шу йўлга юришга ундаш имкониятларини ўйлашарди. Ниҳоят, ўйлай-ўйлай топишди. “Долгов ҳақиқати”да “Кундан-кунга кун бадтар” деган мақола босилди. Мақолада Шубкиннинг ҳаёт йўли баён қилинган, унда эса қай бир жойларида очикдан-очик, қай бир жойларида имо-ишоралар билан унинг яхудий эканига шама қилинган эди. Шунингдек, унинг совет қонунларини бузиб юргани, аксилшўравий фаолият учун қамалгани, инсонпарварлик мулоҳазаларига бориб, муддатидан олдин озод қилингани ҳам айтилган эди. Аммо мақолада унинг бутунлай оқлангани ҳақида лом-мим дейилмаганди. Аксинча, Марк Семеновичнинг ўтган ишларидан тегинши сабоқ чиқариб олмагани, янги аксилшўравий фаолият ботқоғига ботиб қолгани, ҳозирги пайтда Фарбнинг махсус органлари қўлида ўйинчоқ бўлиб қолгани, уни тарбиялаб вояга етказган, едириб-ичирган, уст-боши ва пойафзал берган, маълумотли қилган ватанига қарши бўхтонларга тўла асарлар ёзиб, уларни чет эл хизматлари қўлига етказиб бериб турганлиги таъкидланган эди.

Бу мақолани Шубкин ўзини яна қамашларидан далолат берувчи бир огоҳлантириш ўрнида қабул қилди ва москвалик бир тажрибали диссидентнинг маслаҳатига амал қилишга аҳд қилди. Бу диссидент унга қутулиб қолишнинг ягона йўли фақат ошкоралик ва ошкоралиқдир деб тушунтирди.

Агар лом-мим демай индамай ўтираверсанг сени, албатта, қамашади. Агар шовқин кўтарсанг, Фарбнинг эътиборини чиндан ўзингга жалб қилолсанг, сен улардан эмас, улар сендан кўрқишади.

Шубкин бу гапга ишониб, ҳаракат қила бошлади. Аввалига қараганда янада андишасизлик билан ҳаракат қилди. Авваллари фақат КПСС Марказқўмига, “Правда”га, “Известия” газеталарига ёзарди. Асл нусхани Марказқўмга жўнатса, мактубнинг нусхаларини “Правда” ва “Известия”га юборарди. Кейин эса хориждаги коммунистик газеталарга — “Юманите”, “Морнинг стар”, “Уни-та”ларга юбора бошлади. Ниҳоят, у ҳам етарли бўлмади. Энди унинг мактублари тўғридан-тўғри “Таймс”га, “Нью-Йорк таймс”га, “Фитаро”га, “Дивельт”га йўл оларди. Бир зумда Шубкин бу газеталарнинг коммунистик газеталардан нима билан фарқланишини ўз кўзи билан кўрди. Унинг мактуби дарҳол эълон қилинди, эълон қилинганда ҳам газеталарнинг энг кўзга кўринарли жойларида босилди. Шубкин тилга тушиб кетди. Унинг ёзганлари мунтазам равишда эфирда янграй бошлади. “Америка овози”, “Немис тўлқини”, “Озодлик”, “Би-би-си” уларни беҳисоб равишда такрор-такрор эшиттирар эди. Эшиттиришлар кўпайган сари Шубкинга бериладиган таърифлар ҳам зўрайиб борди. Кун ўтган сари бу таърифлар баландроқ ва жарангдорроқ бўла борди. Атоқли диссидент, йирик ёзувчи. Таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси.

Долговдаги органлар саросимага тушиб қолишди. Шубкинни бундай фаолиятга ўзлари ундаб қўйиб, энди нима қилишларини билмай, гарант эдилар. У жуда машҳур бўлиб кетди, эндиликда унга қай томондан ёндашиш ҳам маълум эмасди. Яқин-яқинларда ҳам уни осонгина қамаб қўя қолса бўларди. Ҳеч қанақа ғалва бўлмасди, шовқин-сурон кўтарилмаст эди. Энди-чи? Короткишкиннинг ўзини бир зумда ишдан олиш мумкин, қамаш ҳам мумкин, ҳатто зарур бўлса отиб ташласа ҳам бўлаверади. Ҳеч ким “ғиринг” демайди, ҳатто ҳеч ким сезмайди ҳам. Шубкинни-чи? Қани, қўлингни теккизиб кўр-чи, бу “овозлар” у бошқа матбуот органлари бутун сайёрани тўс-тўполон қилиб шунақа шовқин кўтаришадики, кўрадиганингни кўраверасан. Шовқин-сурон ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ҳамма ташкилотларнинг қўлоғига етиб боради, улар ўзларининг президентларига мурожаат қилишади, президентлар эса Шубкин масаласини Брежневга айтишади. Брежневнинг аччиги келади, Андроповни чақиради, Андропов бешинчи бошқарманинг бошлиғини чақиради, бешинчи бошқарманинг бошлиғи вилоят бошқармасининг бошлиғини чақиради, у Долгов бўлимига кўнғироқ қилади. Ана унда кўрасиз — Короткишкиннинг аҳволи нима бўлади — худо билади?

Нима қилишини билолмаган Короткишкин ҳеч нарса қилмасликка, яъни

ҳеч қанақа Шубкин йўқдай, бепарво юраверишга жаҳд қилди. Бу эса Шубкинга қўл келди. Ҳеч кимнинг у билан иши бўлмаётганини кўрган Шубкин жуда ҳам босар-тусарини билмай қолди — энди у нафақат газеталарга мурожаат қиладиган бўлиб қолди, у президентларга, премьер-министрларга, тўғридан-тўғри жаҳон жамоатчилигига, яъни, сирасини айтганда, бутун инсониятга мурожаат қила бошлади. У ҳамма нарса тўғрисида ёзаверарди. Расмий ҳукуматнинг коммунизмдан чекингани тўғрисида ёзарди. Бюрократизм ва порахўрлик тўғрисида ёзарди. Ялпи ичкиликбозлик тўғрисида ёзарди. Одамларни диний эътиқоди учун таъқиб қилишлар тўғрисида ёзарди. Ҳукумат маданий қадриятларга ғамхўрлик қилмаётгани ҳам унинг назаридан четда қолмасди.

Бу материалларнинг ҳаммасини у қандайдир йўллар билан Москвага етказарди, бу материаллар Москвадан Фарбга етиб борарди ва Шубкин оқшомлари эфир тўлқинларида ўз фамилиясини излар ва топар эди ҳам.

— Бери кел, — деб чақирарди у бундай ҳолларда Антонинани. — Нима гаплар бўлаётганини эшит.

Шубкин хурсанд бўларди, Антонинани эса ғам босарди.

— Вой, худойим-эй. Қамаб қўйишади, Марк Семенович. Вой шўрим-ей, қамаб қўйишади. — Шундай деб алам билан бошини сарак-сарак қиларди у.

— Қўрқма, Тоняжоним, қамашмайди, — деб уни тинчлантирарди Марк Семенович. — Қандай ҳаддилари сиғади мени қамашпа. Ахир, мени бутун дунё билади-ку.

Лекин уни, албатта, ишдан ҳайдашди. Партиядан ҳам ўчиришди.

Бироқ айна шу кезларда у марксизм-ленинизмдан юз ўтира бошлади. Ҳарқолда, ҳатто унинг онгида ҳам қандайдир бурилиш содир бўла бошлади. Аммо у шунақа одам эдики, БТИД сиз яшай олмасди. Шунинг учун у БТИДни яқин-яқинларда ўзи халқ учун афъюндир деб атаб юрган дунёқарашдан излай бошлади.

## 5

Биз 1969 йил ёзининг охирида Долговда содир бўлган бир муҳим ҳодисани зинҳор-базинҳор эътиборимиздан соқит қила олмаймиз. Георгий Жуков билан унинг хотини Елизавета ўғиллари Ванянинг беш ёшга тўлганини нишонлашга жаҳд қилишиб, Долговдан ўтадиган поезднинг кузатувчисидан бир канистр Польша спиртини сотиб олишди ва меҳмон чақирди. Спирт заҳар экан, уни ичиб эру хотин Жуковлар тил тортмай ўлишди, меҳмонлардан яна биттаси ҳам улардан ибрат олиб, оламдан кўз юмди, уч киши эса кўр бўлиб қолди. Фаррош аёл Валентина яккаю ягона кўзи қарогининг дардида бир ҳафта уввос тортиб йиғлади, ҳатто ўз жонига қасд ҳам қилмоқчи бўлди, аммо кейин бу иши номаъқул эканини, энди ўғлидан қолган зурриёд — невараси Ваняни боқиб улғайтириш учун яшамоғи кераклигини англади.

Шуларни айтмаганда, бошқа жиҳатлардан бу йил чакки эмас эди.

“Долгов ҳақиқати”да “Садоқат” деган мақола босилиб чиқди. У анча аввал ёзилган эди. Олтмиш бешинчи йилнинг бошланишида Аглаянинг ҳузурига муҳбир келган эди. У Аглаяга бир уюм савол берганди. Орадан кўп ўтмай у мақолани ёзиб тутатди, лекин ўша пайтларда мақола дунё юзини кўрмади. Аглаянинг қулоғига чалинган гапларга қараганда, таҳририятда ўқтин-ўқтин материални заҳирада ётган жойидан олишар эканлар, ўқишар эканлар, босишга тайёрлашар ҳам эканлар, лекин ҳар гал энг охириги дақиқада кимдир “ҳали бу мақоланинг фурсати келгани йўқ” деб қолдириб юборар экан. Афтидан, унинг вақти энди келганга ўхшайди. Мақола каттагина бўлиб, икки саҳифанинг пастки қисмини эгаллаган эди. Унда Аглая Ревкинанинг қахрамонона таржимаи ҳоли бошдан-оёқ батафсил ҳикоя қилинганди. Ростини айтганда, ҳаётининг айрим ўринлари сал-пал бўяб-бежаб берилганди, эътиқодларининг мустаҳкамлиги тилга олинганди. Унинг бошига кўп синовлар тушгани, у кўп таъқибларга учрагани, буларнинг барига чидагани, ўз эътиқодларига содиқ

қолгани, партияга, давлатга, инқилобга содиқ қолгани айтилган эди. Шундан кейин унинг ўз ҳаётида кўрсатган энг асосий жасорати батафсил тасвирлаб берилганди. Бу жасорат — монументал тарғиботнинг дурдона асари бўлмиш қимматли ҳайкални асраб қолгани эди. Мақолада бу дурдона асар унга маҳтал бўлиб ётган шоҳсупадан яна ўрин оладиган кунлар келишига умид билдирилган эди.

Мақола босилиб чиққан куннинг эртасига чопар “Хурматли Аглая Степановна. Зудлик билан райкомга келиб кетишпнгизни илтимос қиламан. Поросянинов”, деб ёзилган икки энлик мактубини кўтариб, Аглаянинг уйига ўзининг икки оёғида йўртиб келди. Бу икки фактнинг бир-бирига тўғри келиб қолганини тасодифга йўйсак, унча тўғри бўлмайди.

Аглая аввалига чопар орқали хат жўнатганини катта холасиникига жўнатмоқчи бўлди, лекин кейин қизиқиш устун келди.

Райкомга отланар экан, орденлари билан гимнастеркамни кийсаммикан деб ўйлади, лекин ҳозир бу жуда ярашмаган бир қилиқ бўларди деган тўхтамга келди. Тўқ ҳаворанг костюмини кийди, костюмнинг тагида оқ кофточкаси, костюмининг кўкрагида орденлар планкаси ва дорилфунун нишонни. Бу нишонни аллақайси партия курсларида ўқигани учун олган. Унинг собиқ хонаси Аглая замонларидаги камтарона тусини йўқотган эди. Стол билан жавон янги, карел қайинидан, оғир бронза қандил, чироқ ўрнатадиган жойлари алланечук парилар шаклида ишланган, юмшоққина чарм диван, иккита чарм ўриндиқ пастакроқ яна бир хонтахта, устида “Огонёк” ва “Работница” журналлари. Поросяниновнинг боши устида Ленин ва Брежневнинг сувратлари.

— Яхшимисан, Аглая Степановна, — деб очиқ чеҳра билан саломлашди Поросянинов. У ўтирган ўрнидан туриб, стол ортидан чиқди-да, унинг истиқболига юрди, ҳатто у билан кучоқлашиб кўришгани кучоқларини очди, кейин кўққисдан Аглаянинг аёллиги эсига тушиб қолди-да, бу шаҳидан қайтди. Аглая ҳам чалакам-чатти қилиб, “мисиз” деб кўришгандай бўлди-да, котибнинг кучоғидан ўзини олиб қочди. Поросянинов анча зийрак одам эди, у ҳамма гапни дарҳол сезди-да, Аглаяни ўриндиқлардан бирига ўтиришга таклиф қилди, ўзи унинг рўпарасидаги ўриндиққа чўкди. Гўё гапни нимадан бошлашини билмаётгандай бир оз сукутга чўмди, кейин мийиғида кулди-да, Аглаянинг кўзларига тикилиб туриб гапира кетди:

— Гап бундоқ. Ўтган ишга саловат. Гина-гудуратни қўяйлик. Сен ўзининг принципааллигинг учун азият чекдинг, буни тушунамиз ва эътиборга оламиз. Баъзи бир ошириб юборилган хатоларни тўғрилаш фурсати келди деган фикр бор. Шунинг учун сенга маълум қиламан — сени партиядан ўчириш ҳақидаги қарор бекор қилинди. Аввалги стажинг қолади, узилиш бўлмайди, яшаш жойингда яна партия ҳисобига туришинг мумкин, кейин аниқлик киритамиз. Бу гаплар бўйича савол борми?

— Бор, — деди Аглая. — Мен узр сўрашларини талаб қиламан.

— Нима? — деб ажабланди Поросянинов.

— Ахир мендан кечирим сўрашларинг керак-ку.

— Ҳа. — Поросянинов хўрсинди, унга тикилиб қаради ва дардканшлик билан деди: — Аглая Степановна. Менинг қимматли партиядош дўстим. Сен жуда яхши биласанки, бизнинг партиямиз хатоларни тан олади, тузатади, лекин кечирим сўрамайди.

— Майли, — деб кўнди Аглая. — Унда иккинчи савол бор: Сталинни қачон оқлайсизлар?

Поросянинов хижолат чекди. Ўйланди.

— Биринчидан, — деди у, — Сталиндан фарқ қилароқ, сен тўла оқлангансан. Шунинг учун сен “сиз” деб эмас, “биз” деб гапиришга ҳаққинг бор. Хўш, саволинг нима?

— Биз Сталинни қачон оқлаймиз? — дея олмошларни алмаштириб сўради у.

— Сенинг саволингта менда қарши савол бор: Сталинни нима қиласан, бошингта урасанми? — Шундай деб у Аглаяга бақрайиб тикилиб қолди.

— Нима? — деди Аглая ақли шошиб.

— Ҳеч нима, ўтди-кетди, — деди Поросьянинов ва яна расмий оҳангга кўчди. — Бизда, Аглая Степановна, партиядда бир фикр бор — Сталиннинг ўзи ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлаган. Тарихни айрим қаҳрамонлар яратмайди, балки халқ коммунистик партия раҳбарлигида тарихни яратади. Ҳозирги босқичда халқ биринчи ленинчи ўртоқ Брежневнинг раҳбарлигида тарихни яратмоқда. Бу бекатдан ҳам, — у Аглаянинг ўнглини олишига йўл қўймади, — биз ўтиб бўлдик. Энди бошқа поездга чиқамиз. Биз, яъни районнинг партия раҳбарияти сенга республика миқёсидаги нафақа тайинлаш тўғрисида тақдимнома жўнатдик. Кейин мана, мана буни ол. Сочига йўлланма. Мана, билет — истасанг темир йўлики, истасанг самолёт билети. Ҳақи тўланган. Бир дамингни ол, даволан, саунага туш, ҳар хил муолажалар ол, массаж, балчиқли ванналар, Шарко души. Фойдаси қатта. Ўзим синаганман. Яхшилаб дамингни олиб, куч йигиб қайтганиндан кейин олдимга кир. Хоҳласанг, районда сенга муносиб бирор жамоатчилик ишини топиб берамиз, йўқ десанг, майли, дамингни олавер, китобингни ўқи, марксизм-ленинизм классикларини ўрган.

## 6

Диванич Аглаяни кузатиб қўймоқчи бўлди ва чемоданини станциягача пиёда кўтариб борди. Вокзалда иккита милиция машинаси тепасидаги кўк чироғини милтиратиб турарди. Улардан бошқа яна битта оқиш “Волга” ва устига тортилган брезент тагида аскар йигитлар ўтирган юк машинаси бор эди.

Биринчи йўлнинг перрони, шовқин-сурон авжида эди. Аглая танимайдиган одамлар қандайдир тўйда шодон яйрашмоқда эди. Келин оқ кўйлақда, бошида оқ фата, куёв тимқора костюмда, ёқасига оқ атиргул қадаб олган. Куёв-келиннинг ошналари, дугоналари, ота-оналари, қариндош-уруғлари, яна аллақандай одамлар. Тилла тишли аёл гармончи йигит завқ билан гармонини чалаяпти, ёши ўтинқираб қолган эркак билан аёл рақс тушишмоқда. Аёл ўйинга тушиб туриб, анча шалоқ лапарлар айтапти. Биринчи қарашда, тўйга ўхшаган оддий тўй. Лекин унда алланечук галати бир нарса сезиларди. Аллақандай одамлар жуда безовталаниб туришар, кўзлари бежо эди. Уларнинг теварак-атрофига аланг-жалаң назар ташлашганини Аглая кейин эслади. Аллақандай бежолликларини ҳис қилганида Аглая ўзининг ташвишлари билан овора эди. Менга йўлланма бериб алдаб қўйиб, йўғимда уйдан ҳайкални олиб чиқиб кетишмаса гўрга эди деб хавотирда эди у.

— Йўт-е, — деб уни тинчлангирди Диванич. — Бунақага ўхшамайди. Ҳозир, аксинча, унинг буткул оқланиши кутиляпти-ку.

— Майли, — деди Аглая. — Агар бир нарса бўлиб қолса, дарров почтага югур, менга телеграмма бер. Очiq ёзма. “Бувам бетоб бўлиб қолди” деб ёз. Уқдингми?

— Бувам соппа-соғ бўлса-чи? — деб ҳазиллашди Диванич.

— Агар ҳаммаси жойида бўлса, ҳеч нарса деб ёзма.

Аглаянинг билети тўртинчи вагонга эди. Вагон тўғри Аглаянинг рўпарасида тўхтади. Аввал вагондан жингалак сочлари қизил шапкасининг тагида ўйнаб чиқиб турган кузатувчи аёл сакраб тушди. Унинг кетидан майдончада Шубкин билан Антонина пайдо бўлди. “Яна Москвага борибди-да”, деб ўйлади Аглая гаши келиб. Шубкин Аглаяни кўриб ҳайрон бўлди, — “бу ерда нима бор бу хотинга?” деган хаёлга борди, лекин барибир, унга қараб жилмайди ва “Яхшимисиз?” деб салом берди. Аглая унга жавоб бермади, лекин Антонина билан саломлашди. Шубкин кўлидаги қорни қаппайган портфель билан перронга сакраб тушди, кейин ҳамроҳининг тушишига ёрдамлашиб юборди. Аглая вагон тутқичини ушлаб, зинага оёқ қўймоқча чоғланган ҳам эдики, Диванич унинг енгидан тортқилади. “Нима гап?” деб сўрамоқчи бўлди Аглая, лекин Диваничнинг ишораларига бўйсуниб, Шубкин кетган томонга қаради. Қаради-ю, жуда ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлди. Шубкин вокзалнинг эши-

гига яқинлашиши билан тўй қилаётганларнинг ҳаммаси, шу жумладан, келин билан куёв ҳам Шубкин билан Антонинани куршаб олишди. Шу топнинг ўзида аллақасқдан перронга оқиш “Волга” елиб келди. Аглая аввалига Антонинанинг “Марк Семенович” деб қичқирганини эшитди, кейин Марк Семеновичнинг ўзининг овози эшитилди: “Нима гап, ўртоқлар? Нима гап деб сўраяпман? Мен норозиллик билдираман”. Шундан кейин машина эшикларининг шарақлаб ёпилгани эшитилди. Кейинги дақиқада “Волга” гилдиракларини чийиллатиб, оломоннинг орасидан ажралиб чиқди-да, перрондан физиллаб юриб кетди. Унинг орқасидан қўлларини икки ёнига ёйганича Антонина халлослаб югуриб борарди. Пакгузга етмасдан машина чапта қайилди ва ғойиб бўлди. Тоня эса тўхтади-да, турган жойида қимир этмай, қотиб қолганди. У иккала қўлини ҳам жуда бесўнақай тарзда олдинга чўзиб олганди, гўё ҳозир бу узатилган қўлларга кимдир бир нарса қўядигандек. Перрондаги одамлар бир зумда тарқаб кетди. Нима воқеа бўлганини Аглая энди тушунди — перронда ҳеч қанақа тўй-пўй бўлмаган экан, балки Шубкинни қўлга олиш бўйича махсус операция ўтказилган экан.

— Ҳа, — деди Диванич мужмал бир туйғу билан. — Жуда бошланчиди, азаматлар. Энди у, қўпол қилиб айтганда, ўлганда ҳам эркинликка чиқмайди.

## 7

Бошқалар қанақа билмадим-у, лекин мен ёшим ўтган сари бизнинг русча қишқимизга, қорларимизга, изғиринлар, бўронларимизга ҳушим йўқроқ бўлиб бормоқда. Ҳатто кўшиқда айтганлари “изғирин ва ажиб яхши кун” деганлари ҳам менга унча маъқул бўлмай қолди. Менга жануб қишлари борган сари кўпроқ маъқул келяпти — юмшоқ, қуёши ҳам кўзни қамаштирадиган эмас, ёмғирлари ҳам илиққина, оқшомлари ҳам унча совуқ эмас, гулзорлардаги гуллар ҳам аллақачон сўлган бўлсалар-да, музлаб тош қотган эмас.

КПССнинг аллақайси съезди номидаги санаторияда ўрта даражадаги совет номенклатураси ходимлари соғлиқларини тўғрилаб кетарди. Булар — Марказқўмнинг бўлим мудирларининг муовинлари, министрларнинг муовинлари, бош бошқармаларнинг бошлиқлари ёзилмаган (балки аллақаерларда қоғозга туширилган бўлиши ҳам мумкин) мартабалар рўйхатига кўра бу тоифага истеъфодаги генераллар ҳам, ишлаб чиқаришнинг айрим илғорлари ҳам, юқори мансаб одамларига яқин кўрилган ижодий зиёлиларнинг вакиллари — ёзувчилар, rassомлар, артистлардан иборат эди. Артистлардан ҳозир СССР халқ артисти Николай Крючков дам олмоқда эди. У тез-тез одим ташлаб юрар, ҳаммага ялтоқлик билан жилмайиб қўяр, эрталаблари эса катта сочиқни бўйнига ташлаб денгиз сари югурар ва денгиз суви анча совиб қолганига қарамай чўмилирди.

Аглаянинг денгизга хуши йўқ эди, бунинг устига у сузишни билмасди, ҳатто ёзда ҳам қирғоққа яқин жойда сувни шунчаки шапиллатиб ётишни ёқтирмас эди. Бунинг эвазига у рус ҳаммомини, унинг иссиқ буғини, хушбўй қайин супургиларини жуда қадрлар эди. Лекин ҳеч қачон ҳаммомга бормасди. Одамлардан уяларди. Долговда таниқли одам бўлгани учун ҳаммомда аёллар уни яланғоч ҳолда роса кўриб олишарди-ю, кейин қип-яланғоч Ревкинани кўрганмиз деб ғийбат қилиб юришади деб ўйлар эди. Аглая бир вақтлар ўзини шунақа тутар эдики, уни қип-яланғоч ҳолда тасаввур қилишга ҳар қандай одамнинг ҳам юраги дов беравермас эди. Бу ерда русча ҳаммом йўқ экан-у, сауна бор экан. Албатта, рус ҳаммоми қаёқда-ю, сауна қаёқда. Лекин сувсизликда таяммум деганларидек... Аглая бу ердаги аёлларнинг ҳеч қайсисидан тортинмади, уларнинг ҳаммаси бир тоифанинг одамлари эди. Лекин ҳаммасининг ҳам юраги тор эди. Фақат невараларидан, парҳездан, пардоз-андоздан, яшариш йўлларида гапиришар эди, холос. Уларни ўша пайтларда аёлларнинг кўкракларига укол қилиш йўли билан шакл-шамойил бериш масалалари қизиқтирарди. Ҳолбуки, бу нарса Ғарбда эндигина расм бўлиб келмоқда эди.



Уч маҳал овқат, баданни уқалаш, балчиқли ванналар, сауна ва танга роҳат бағишлайдиган бошқа муолажалардан кейин ҳам бўш вақт кўп қоларди. Аммо Аглая “Ленинизм асослари”ни уйда унутиб қолдирган эди, спорт билан шуғулланиб ўрганмаган эди, шунинг учун бўш вақтини нима билан тўлдиришни билмай анча сиқилди. Газета ўқишни кўпдан бери йиғиштириб қўйганди, телевизор кўришга эса эринарди. Сирасини айтганда, телевизорда Брежневдан бошқа кўрадиган нима бор? Деярли ҳар куни уни нима биландир мукофотлашарди ёки у кимгадир мукофот топширарди. Уни ҳафсала билан шу қадар кўп кўрсатишар эдики, одамлар телевидение дастурини — “ҳаммаси унинг тўғрисида ва яна жиндай об-ҳаво ҳақида” деб аташадиган бўлиб қолганди.

Вестибюлда ҳамма деворларга совет халқининг бахтиёр ҳаётини ва халқлар дўстлигини кўрсатувчи сувратлар ишланган эди. Асосий иморатга кириладиган эшикнинг чап томонида, ёғочдан ясалган катта идишда пальма дарахти қўйилганди. Унинг тарвақайлаб кетган шоҳлари ва япроқлари тагида бамазе пажаме ёхуд кўк спорт костюми кийиб олган дам олувчилар домино ўйнаб ўтиришарди. Одми одамлар даврасида домино ўйналса, бу ўйин одатда ҳар хил мавзулардаги гурунлар, ҳазил-мутойибалар, латифалар, илмоқли гаплар билан ўтади. Аммо номенклатура ходимлари бир жойга йиғилиб қолишса, ўзларини анча-мунча эҳтиёткорлик билан тутишади. Ҳарҳолда, синашта бўлмаган одам билан ҳазил-мутойиба қилолмайсан-да — аввал унинг кимлигини билиш керак, қандай мансабда эканига қараб иш тутмоқ лозим. Шунинг учун диққатларини бир жойга жам қилиб, индамай ўтириб ўйнашарди. Уларнинг қиёфасига қараган одам булар жуда жиддий бир иш билан банд бўлишса керак деб ўйлаши тайин эди. Лекин аҳён-аҳёнда бунақа давраларда ҳам кимдир ҳамма нарсани унутиб, баланд овозда “тутатдим” ёки “икки томонни ёпдим”, деб қичқирарди. Лекин шу ондаёқ нафаси ичига тушиб кетар, бундай казозолар даврасида ҳаддан зиёд баланд овозда гапириб юбормадиммикин, бирорталарининг энсаси қотмадиммикин деб юраги така-пука бўларди. Сўнг ҳар эҳтимолга қарши елкасини қисиб хоксоргина бўлиб ўтираверарди.

Аглая ҳам бекорчиликдан домино ўйнамоқчи бўлди — нимаси бор, ҳамма ўйнапти-ку. Лекин қараса, бу ерда ҳам анчагина укув керак экан, кимнинг қўлида қандай тоши борлигини, шеригининг имо-ишораларини билиб туриш, рақибининг ниятларини тусмоллаб бўлса-да, фаҳмлаш, ўйиннинг умумий йўналишини сезиб туриш керак. Бу ерда шу масалаларда шунақа устаси фаранглар йиғилган эканки, Аглая уларнинг олдида ип эшолмас эди. Аглая кўп сайр қила бошлади. У сайр қиладиган йўллари тез-тез ўзгартириб турарди — гоҳида денгиз бўйидаги йўлда сайр қилса, гоҳида юқоридаги — денгиз вокзали билан “Дердона” меҳмонхонаси оралиғидаги сайр боғда кезишни ёқтирарди. Ёлғиз ўзи аста одимлаб сайр қиларди ва турмуш ҳақида ўйлашиб кетарди. Ҳаёт кўп ғалати нарса бўлар экан — у ҳеч қачон сен ўйлагандек, сенинг кўнглингдэгидек бўлмайди. Бир вақтлар эри гапириб берганди. У пайтларда Андрей ҳали ёш коммунист эди. Ушанда у коммунизмга яқинлашгани сари одамлар гоъвий жиҳатдан чиниқиб боради, ўзи тўғрисида камроқ ўйлаб, жамоатчилик ишлари ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлади деган эди. Ҳақиқатда қандай бўлиб чиқди? Одамлар турмуш ботқоғига ботиб қолишди, фақат ўзининг қорнини ўйлайди, қандай қилиб ўзининг турмушини яхшилаш йўллари излайди. Молпараслик руҳи, молу дунёга муккасидан кетиши жуда кўп одамларни чулбаб олди, партия одамлар онгидаги, ўйларидаги бунақа йўналишга қарши курашаётгани йўқ, балки аксинча партиянинг ўзи молу дунёга муккасидан кетди.

Ошхонада Аглая бир чеккада — бурчакдаги столда ўтирарди. Аввал бир ўзи ўтириб юрди. Аммо бир куни нонуштага келса, кўкрагига “адда” деган ёзув ёзилган тўққаворанг свитер кийган, ёши ўтиб қолган бир одам унинг столида ўтириб, иштаҳа билан шовлани тушириб ўтирипти.

— Яхшимисиз? — деди Аглая.

— Саломат бўлинг, — деди у эркак ошпоқ сочлари калта тарашланган бо-

шини кўтариб. Унинг юзи қорамғиз, яноқлари бўртиб чиққан, қошлари пахмоқ эди. Буни кўриб, Аллая энтикиб кетди.

— Ие, сизмисиз?

Эркак бу саволга жиндай ажабланди, ўз-ўзига, елкаларига, кўкрагига бир қараб олди ва тан олди:

— Ҳа, менман. Ўхшайманми?

— Генерал-майор Бурдалаковсиз-а?

— Генерал-лейтенант, — деб унинг гапини тўғрилади суҳбатдоши. У ўзини бу ерда таниганларидан жуда мамнун бўлган эди. Ҳолбуки, уни таниганларида Федор Федорович Бурдалаков учун ажабланидиган ҳеч нарса йўқ эди. Телевидениенинг шарофати билан, кинохроникадаги тасвирлар ва газеталардаги сувратлар туфайли уни, яъни генерални, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, жамоат арбобини, жуда муҳим жамоатчилик ҳаракатини бошлаб берган одамлардан бирини мамлакатда амалда ҳамма танир эди.

## 8

“Ўзим учун ва анави йигит учун” деб ном олган ҳаракат шундай бир вақтда туғилдики, бу пайтга келиб, халқ коммунизм қурилиши тўғрисидаги умумий гаплардан анча толиққан ва моддий рағбатларга анча муҳтож бўлиб қолганди. Унга эса пул ўрнига, турмушини яхшилаш ўрнига янгидан-янги порлоқ идеялар тўқиб беришар, олдига ватанпарварлик гоёларини ташлаб туришарди. Гоявий қуролланган халқ партия ва комсомолнинг чақириғи билан ёхуд суд ҳукмига кўра Тайгада ўрмон кесар, каналлар қазир, қўриқ ерларни очар, Байкал-Амур магистралини қуради. Шунча меҳнат қилган одамларнинг турар жойи чодирлар ва бараклар эди, ейдиган овқати оғизга олиб бўлмайдиган таом эди. Соғлигини, кучини, ақл-заковатини текинга сарфлаб ётган халқ янада жўшқинроқ ишласин учун партия уни турли-туман орденлар, медаллар, нишонлар, ёрлиқлар, кўчма байроқлар ва бошқа латта-путталар билан мукофотлар, ҳар хил сохта ҳаракатларни ўйлаб чиқарар ва уларни халқнинг ўзи ўйлаб топган ҳаракат деб ишонтиришга уринарди. Бундай ҳаракатлар кўп эди. Бундай ҳаракатларнинг қатнашчиларига отни қўйиб тракторга ўтириш таклиф қилинарди, улар зарбдорларча меҳнат қилишга, илғорларга тенглашишга, иккинчи касбни эгаллашга, беш йилликни тўрт йилда бажаришга, оғир юк ортилган поездларни ҳайдашга, пахтани икки қўллаб теришга, ёлғиз ўзи бирийўла ўн иккита станокда ишлашга, тежалан материаллардан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга, Американи қувиб ўтишга, қолоқларсиз меҳнат қилишга ва анави йигит учун ҳам ишлашга чақирилди.

Соғлом фикр юритиб кўрилса, анави йигит учун ишлаш тўғрисидаги чақириқ унчалик тўғри эмас эди. Анави йигит учун ишлаш деган гапнинг ўзи нима дегани? Унинг қанақа маъноси бор? Агар у емаса, ичмаса, ўзи учун бошқа сарф-харажатлар талаб қилмаса, унинг учун ишлашнинг нима кераги бор? Очигини айтганда, бу ҳаракат ўша йигитга нисбатан ўринсиз ва одобсиз таънадан бошқа нарса эмас эди — ўша йигитни қаерлардadir қолдириб кетишган, у ҳозир ўша жойларда индамай ётипти, бу ёқдагилар эса коммунизм қурилишида қатнашмаётгани учун ундан ўпкалабгина қолишмоқда. Шунга қарамасдан, “Ўзим учун ва ўша йигит учун” деган ҳаракат мавжуд эди ва уни бошлаб берган одамлардан бири “ўша йигит учун” шахсан бир нарсалик бўлиб қолиш бобида катта тажрибага эга бўлган Федор Федорович Бурдалаков эди.

## 9

Бурдалаков учун “анави йигит” деганлари тайинли одам эди. Уни Сергей Жуков деб аташарди, ёки янада жўнроқ айтганда, у Сережа эди. Қирқ учинчи йилда Федя билан Сергей фронт чизигининг нариги томонига разведкага бирга боришган эди, дадил ҳаракат қилишиб, жуда қимматли маълумотлар-

ни топиб келишган, ҳатто бир-икки марта “тил” ҳам ушлаб келишганди. У пайтларда ҳали ҳадеганда орден-медал берилавермас эди, лекин Федя билан Сергей ўша пайтдаёқ довураклиги учун орден олишганди. Улар ҳамиша икковлари бирга кетишар ва бирга қайтишарди. Аммо бир кун Федя Бурдалаков ёлғиз ўзи қайтди. Навбатдаги топшириқни бажариб бўлиб, улар Сергей икковлари душманнинг орқа томонидан ўрмон оралаб ўз марраларига қайтаётганда пистирмага дуч келиб қолишади. Қисқа муддатли жангга Сергей қорнидан ўқ ейди. Бир неча муддат Федя бутун кучдан қолиб, уни орқалаб кўтариб келади. Лекин бу мутлақо маъносиз иш эди ҳамда жуда хатарли эди. Сержадан тўхтовсиз қон оқар, у инқиллар, бақириб-чақирарди, додларди. Шу жойда уни фронт чизигидан олиб ўтишнинг сира ҳам иложи йўқ эди — унинг бақириб-чақиритишларини немислар, албатта, эшитарди. Фронт чизигидан олиб ўтган тақдирда ҳам бунинг Сержанинг азобларини бир оз узайтиришдан бошқа нафи бўлмасди. Сергей уни фойдасиз азоб-уқубатлардан халос этишни сўраб, ялиниб-ёлборди. Сергейнинг ўзи жон беришидан олдинроқ оёғидаги ҳали яп-янгини этигини ечиб дўстига берган.

Федор масаласида бекорга шубҳа-гумонлар туғдирмай қўя қолайлик. Кўплаб ёвларни нариги дунёга жўнатган бу одам дўстининг азобини енгиллатиш учун бўлса-да, унга ўқ узиб, нариги дунёга жўнатишга тайёр эмасди. Ҳатто ҳозиргидай мудҳиш шароитда — шундан бошқа чора қолмаган бир ҳолда ҳам бунақа ишга унинг қўли бормас эди. Аммо у нима қилсин? Унинг нима иложи бор? Сержани ташлаб, битта ўзи кетаверсинми? Ёки унинг ёнида қолиб, немисларнинг қўлига тушиши керакми? Жуда муҳим маълумотлар қисмга етказилмасинми? Ахир, жуда кўп масалаларнинг ҳал қилиниши шу маълумотларга боғлиқ-ку. Умида ҳеч қачон бунақа вазиятларга тушиб кўрмаган одам бунақа вазиятларда қолган одамларнинг хатти-ҳаракатлари устидан ҳукм чиқармаганлари маъқул. Эҳтимол, гуманистлик унвонига даъвогарлик қиладиган бирор кимса Федорнинг ўрнида бўлганида ҳеч нарса қилмай қараб ўтираверган бўларди. Агар шундай қилганида бу Сергейнинг ўзи учун жуда ёмон бўларди, фақат Сергей учунгина эмас, гуманист учун ҳам, қолганлар учун ҳам ёмон бўларди. Федя Бурдалаков мен гуманистманми, бошқаманми деб ўйланиб ўтиргани йўқ. У ярим фляга арақни уриб олди-да, сўнгги меҳр-шафқат ҳаракатини бажо келтирди, яъни ҳозирги тил билан айтганда, эвтаназияни амалга оширди. Амалга оширгандан кейин эса узоқ йиғлади.

Ўзининг ямалавериби, соғ жойи қолмаган этигини Федя ўрмонга ташлаб кетди. Қисмга қайтиб келгач, Сергейнинг душман билан тенгсиз жангга қаҳрамонларча ҳалок бўлганини маълум қилди, тафсилотларини гапириб ўтирмади. Бу тафсилотларнинг кимга ҳам кераги бор эди, дейсиз? Одамлар шунақа қирилаётган эдики, битта-яримтанинг ўлими ҳеч кимнинг юрагига гўлгула солмасди. Федя Сергей учун унга тегишли бўлган уч кунлик улушни олди, шунинг ичида уч марта юз граммдан бериладиган жанговар арақ ҳам бор эди. Кейин армия газетасининг муҳбири билан қилган суҳбатида душманга қарши икки кишининг номидан — ўзи ва дўсти Сереганинг номидан жанг қилишга ваъда берди. Сирасини айтганда, ана ўшанда унинг калласида биринчи марта “ўша йигит” гоёси ёзилган.

Серега масаласига қайтадиган бўлсак, унинг ўлгандан кейинги тақдири ҳам қайғули бўлди. Бурдалаков унинг ҳалокати тўғрисида рота командирига хабар берди. Рота командири бу маълумотларни юқорига жўнатмоқчи бўлди, лекин шу пайтда унинг ўзи “тил”га айланиб қолди ва душман разведкачилари уни фронтнинг нариги томонига олиб кетиб қолишди. Шундай қилиб, рота командири бедарак йўқолди ва Серегани ҳам ўзи билан бедарак йўқолганлар томонига тортиб кетди. Шу сабаб бўлиб, Сереганинг Долгов шахрида истиқомат қиладиган хотини — фаррош Валентинанинг бошига кўп мусибатлар тушди.

Федор Бурдалаков чакки жанг қилмаган эди. Бунга гап йўқ. Фронт чизигидан олсда жойлашган штабларда ўтириб умр ўтказгани йўқ, фронт орқа-

сидаги таъминот органларига раҳбарлик қилгани йўқ. Энг қизғин жангларда ҳам ўзи учун, ҳам дўсти Сергеа учун душманга қарши жанг қилган, катта жасоратлар кўрсатган, бунинг учун унвонлар борасида пояма-поя кўтарилиб борган, ҳукумат уни орден-медаллардан ҳам куруқ қолдирган эмас. Уруш охирида боргани сари, орденларни аямай бераверишган. Урушни полковник унвониди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлиб тутатди. Кейин Совет Армиясининг Бош сиёсий бошқармасида хизмат қилиб юриб, биринчи генераллик юлдузини олди, иккинчи юлдузни эса истеъфога чиқаётганида беришди. Аммо қаерда хизмат қилмасин, нима билан машғул бўлмасин Бурдалаков ҳеч қачон “ўша йигит”ни — гармончи, ҳазилкаш, довярак Серегани эсдан чиқармайди. Имконини топган жойда унинг тўғрисида гапириб беради, унинг номидан нутқлар сўзлайди, урушдан кейинги тинчлик замонларида ҳам унинг номига аталган эътибор белгиларини, унвонлари, инъомларини, кўпинча эса турли миқдордаги пулларни ҳам олади. У ўзи учун ҳам, Сергеа учун ҳам олаверган. Сереганинг оиласидан эса ҳамма ҳазар қилган, уни ҳамма унутиб юборган, бу оила қашшоқлик ичида ҳаёт кечирган. Рост, бундан Бурдалаковнинг хабари бўлмаган. Федор Федорович нафақага нисбатан эрта чиққан эди. Нафақага чиққанида тоғни урса толқон қиладиган қуввати бор эди. Ҳарҳолда, у ҳали оғир буюмларни кўтариб, бир жойдан иккинчи жойга кўчириб қўйса бўлаверарди, бирор ерни кавлаши, унга бурғи солиши ёки бирор машинанинг мурувватини бураб, ишга солмоғи, жилла бўлмаганда бирор идорада савлат тўкиб ўтирмоғи мумкин эди, аммо у эндиликда узлуксиз равишда ва ортиқча танаффусларсиз мажлисларда, митингларда умр ўтказадиган, ҳайъатларда ўтирадиган бўлиб қолди, яъни энди у ватанпарварлик ҳаракати деб аталадиган фаолият билан шуғулланадиган бўлиб қолганди. Табиийки, у ўзини ўзи ҳам “ватанпарвар” деб атай бошлаган эди.

Аммо у ўзининг — яна бир қарра таъкидлаб айтамыз — сохта эмас, ҳақиқий жасоратларини амалга оширгандан бери анча вақт ўтиб кетди, баъзи бир нарсалар унут бўла бошлади, баъзи бирлари хира тортиб, устини пўпанак қоплади, баъзи бир нарсалар эса китоблардан ўқилган, тўқима воқеалар билан аралашиб кетадиган бўлиб қолди. Аста-секин Федорнинг хотиралари тинчлик замонлари журналистлари тўқиб чиқарадиган гапларга ўхшаб қола бошлади. Бу журналистларнинг уруш ҳақидаги тасаввурлари кинофильмларни кўриб ҳосил қилинган, бу кинофильмларни қўйган режиссерлар эса уруш ҳақидаги тасаввурларини журналистларнинг мақолаларидан ҳосил қилган бўлардилар.

Федор Федорович ўзининг ва ўзгаларнинг жанговар шухратлари қанот ёйган жойлар бўйлаб қўп саёҳатлар қиларди. Эндиликда у ҳарбий хизматлари учун эмас, тинч қурилиш борасидаги хизматлари учун инъомлар олар, имтиёзларга эга бўлар, яхши шифохоналарда дам олар, генералларга аталган поликлиникаларда даволанар, ўзининг турар жой шароитини яхшилар, эски дала боғини янгисига алмаштиради. Шу тариқа у, охир-пировардида, қип-қизил текинхўрга айланди-қолди. Бундайлар шундай тоифаданки, улар ўнлаб йиллар мобайнида фақат ўтмишни хотирлашдан бўшамайдилар, бир вақтлардаги жасоратларини қайта-қайта оғиз тўлдириб ҳикоя қиладилар, рассомларга, ёзувчиларга, олимларга ақл ўргатадилар, насихат қиладилар, кўрсатмалар берадилар, сувратни қандай чизиш кераклигини, китобни қандай ёзмоқ жоизлигини, илмни қасққа қараб силжитмоқ кераклигини ўргатадилар. Табиийки, уларнинг маслаҳатларига қулоқ осмаган ёзувчилар, рассомлар ва олимларнинг ҳаммаси меҳнаткаш халқнинг бўйнига миниб олган аксилватанпарварлар ва текинхўрлар ҳисобланади.

Муҳтарам китобхон. Сиздан ўтиниб сўрайман — зинҳор-базинҳор муаллиф бугун ҳаётини ватанига бахшида этган фидокор одамларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишти деган ўйга бориб юрманг. Муаллиф душманга қарши мардларча курашган ҳамма одамларнинг ҳурматини бажо келтиради (айни чоқда курашда унчалик довярак бўлмаганларни ҳам ҳурмат қилади, негаки, уларга уруш янада даҳшатлироқ кўринган-да). Муаллиф Федор Бурдалаковга ҳам гоётда

эҳтиром билан муносабатда бўлур эди, лекин бу одамнинг бир жиҳати борда — у ўзи билмаган нарсаларни одамларга ўргатишга ишқибоз. У истаган одамга истаган нарсасини ўргатаверади, агар борди-ю қандайдир гуруҳлар ёки рассомлардан, ёзувчилардан, генетиклардан, кибернетиклардан чиққан айрим шахслар унинг насиҳатларига етарли даражада эътибор бермаса, уларнинг ҳолига воя: генерал Бурдалаков шахсан ўзи ёзув машинкасининг ёнига ўтиради-ю, уни пулемёт отгандай тақирлатиб, мактубни қотириб ташлайди: “Биз ким, Улуғ Ватан урушининг аскарлари, фахрийлари Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид бўлган қаҳрамон жангчилар номидан фалончи-фалончиларни шафқатсиз жазолашни талаб қиламиз”. Совет ҳукумати ҳам бунақа хизмат кўрсатган мўътабар одамларнинг талабларини ўқиб, кўпинча “йўқ” дейишга истиҳола қилар эди.

Яқин замонлардан бери генерал Бурдалаков ўрнак қилиб кўрсатмоқ учун қалин матодан махсус тикилган ғилофда қизил байроқ олиб юрарди. Бу оддий байроқ эмас эди, уни ўқлар ва снаряд парчалари тешиб ўтган, етмаган жойлари оддий пичоқ билан ўйиб олинган, бир чеккасига “гвардия” деган нишоннинг суврати туширилган ва “Дашь Берлин” деган ёзув тикилган эди. Бу байроқ билан гўё Федор Федорович 1945 йилда душманнинг пойтахтини ишғол қилганмиш. Агар унинг гапларини тингласанг ва тарихнинг бошқа ҳамма маълум фактларини хотирангдан чиқариб турсанг, ўйлаш мумкинки, Бурдалаков душман пойтахтини айиқни қиш уйқусида ётганида уясида босиб олгандай ишғол қилган эмиш. Берлин масаласида биз бир нарса дея олмаймиз, лекин Бурдалаков бу байроқ билан совет шаҳарларидан кўпини ишғол қилган. Жуда кўп саналарда — Совет Армияси кунда, Ҳарбий-Денгиз флоти кунда, Галаба кунда, Улуғ Ватан уруши бошланган кунда, немислар Москва остида тор-мор келтирилган кунда, айрим жанглар содир бўлган кунларда, вилоятлар озод қилинган, дарёлар кечиб ўтилган, истеҳкомлар ҳужум билан олиниб, плацдармлар эгалланган кунларда, душман пойтахти ишғол қилинган кунда — Федор Федорович, албатта, бу тантаналарнинг ҳаммасида иштирок этар, ёнида байроғи ҳам бўларди. Яна бир марта эслатамиз — у ҳеч қачон Серегани эсидан чиқармас, унинг номидан гапирар ва, умуман, шаҳидлар номидан гапирар, улар номидан қасам ичар ва улар номидан лаънатлар ёғдирарди. Уларни билмай туриб, уларга нисбатан кўнгилда бир илиқ меҳр туймай туриб, уруш учун олиш мумкин бўлган жамики ардоқларни, иззат-икромни, унвонларни, орден-медалларни, улушларни олиб бўлиб, эсон-омон ёшнини яшаб, фалон жойга етказиб қўйган одам ўн гулидан бир гули очилмай ҳалок бўлган, шоир сўзлари билан айтганда “севгиси чала қолган, папирсини охиригача чеколмай” кетган, ному нишон қолдирмай исиз йўқ бўлиб кетганлар номидан гапириш жуда уят нарса.

## 10

Ҳаммасидан ташқари Федор Федорович Бурдалаков жуда одамшаванда экан ва соғлом тарзда ҳаёт кечиришга мойил экан. У Аглая билан жуда осон дўстлашиб олди, уни ўзига яқин олиб “Глаша” деб атай бошлади. “Инфарктдан югуриб қоч” деган хорижда чиққан китобни ўқишга бериб турди ва уни ҳам эрталаблари денгиз бўйида лўкиллаб чопишга кўндирди. Аглаянинг спорт билан шуғулланишга тўғри келадиган кийими йўқ эди, аммо генерал горком котибига кўнгиноқ қилди, горком котиби горижроқум раисига кўнгиноқ қилди, у горторг директорига, горторг директори эса спорт товарлари магазинининг директорига кўнгиноқ қилди. Қарабсизки, икки кун ўтмай, Аглая кўкрагида “Динамо” деб эзилган спорт машқларида кийиладиган кўк трикотаж костюм ва оёғида эндигина расм бўлаётган кроссовкада биринчи марта югуришга чиқди. Бурдалаковнинг ўзи эса спортчилар киядиган калта иштонда, устида “Адидас” фирмасининг спорт костюми, оёғида ҳам “Адидас” фирмаси чиқарган кроссовка бор эди.

Гавдали, қадди-қомати келишган, соч-соқоли оқарган бўлса-да, ҳали чех-расига қарилик нуқси урмаган, юзи офтобда қорайган Федор Федорович турган жойида депсиниб, сабр-тоқат билан Аглаяни кутиб турарди.

Генерал Аглаяга маъқул бўлди. Унинг орқаси курашчиларники сингари кенг эди, елкалари бир оз букик, кураклари ўйнаб турарди. Оёқлари ҳам бақувват, мускулдор, чайпир, офтобда қорайган болдирлари сийрак тук билан қопланган, худди қумда ишқалагандек ялтираб турарди.

Улар ҳар куни пастга қараб ҳалқа-ҳалқа бўлиб тушиб кетган, асфальтланган тик йўлча бўйлаб денгиз бўйига тушишарди. Йўлда бўйнига сочигини ташлаб олган, ҳансираб, ҳарсиллаб юқорига югуриб кетаётган артист Крюковга рўпара келишарди.

Биринчи куни Аглая зўр-базўр эллик метрча масофани югуриб ўтди, лекин бир ҳафтадан кейин у денгиз вокзали билан меҳмонхона орасидаги масофани осонгина югуриб ўтадиган бўлди. Қўйиб берса, Аглая яна югуриши мумкин эди. Аммо ёши ўтган сари жуда эҳтиёткор бўлиб бораётган Федор Федорович уни шахдидан қайтарди, керагидан ортиқ зўриқиш белни синдиради, деди.

— Мана, — деди у Аглаяга ёнма-ён югуриб кетаётиб, — қани энди сиз, бунинг устига чекишни ҳам ташласангиз. Лоақал камайтирсангиз ҳам майли эди. Ўпкангиз — ўпка эмас, ичидан қараса, аллақачон, мўрига айланиб кетган. Ҳаммаёгини қурум босган. Агар ўзингиз ичингизга бир қараганингизда даҳшатга тушган бўлардингиз. Мен ҳам роса чекканман. Билмадим, кимга ўхшаб чекканман десамикин. Кейин оёғимга оғриқ берди. Докторга борсам, чекишни ташланг, бўлмаса оёқсиз қоласиз, деди. Мен унга “раҳмат” дедим, поликлиникадан чиқдим-у, ёнимдаги папирос қутисини олиб, ахлат қутисига улоқтирдим. Шундан бери олти йил ўтди, бир дона ҳам чекканим йўқ ҳали.

Одатда, генерал Аглая билан ёнма-ён югурарди, лекин баъзи кунларда “Бир шаталоқ отиб келай” деб уни огоҳлантирарди-ю, тезлаб югуриб кетарди. Аглаядан уч юз метрлар масофага узоқлашгач, кейин яна шошмасдан орқасига югурарди.

Югуришдан кейин бадани қизиб кетган, сув терга тушган Аглая йўлдан секин-секин юқорига ўрмалаб чиқар, баъзан эса орқасига ўтирилиб пастга қарарди. Пастда Бурдалаков муздай денгиз сувида сузиб юрган бўларди.

Аглая денгизда чўмилишга журъати етишмади, лекин у душда иссиқ ва совуқ сувларни алмаштириб чўмилишни ёқтирарди. У иссиқ сувни очиб қўяр, бир оздан кейин иссигини тўхтатиб совуғини очар, кейин яна иссигига ўтар ва бу аҳвол бир неча марта такрорланарди.

Улар нонушгага бирга тушишар, столга бирга ўтиришарди. Улар тушганида стол устига ичига қаймоқ солинган, устига қоғоз сочиқчалар ёлиб қўйилган стаканлар, ликопчада каша, учта тухумдан тайёрланган қуймоқ ва бир бўлак пишлоқ уларни кутиб турган бўларди. Аглаянинг эрталабдан иштаҳаси бўғилиб турипти — у бир тишлам нон еб, бир хўплам чой ичди-ю, папиросга тутинди.

— Яна заҳари заққумингизни бошладингизми? — деди генерал койингандек.

Аглая хижолатга тушди, ўзини-ўзи оқлай бошлади.

— Оч қоринга чекмаяпман-ку.

— Алдаманг, — деди генерал муғамбирлик билан кўзларини қисиб. — Ўзингизни алдаяпсиз, мени ҳам алдамоқчи бўляпсиз. Мен ўзим ҳам сизга ўхшаган эдим. Уйғониб, кўзимни очишим билан қўлим ўзидан-ўзи папиросга чўзилаверарди. Ўзим дағ-дағ қалтирайман. Тезроқ шу сабилни сўрақолсам дейман. Оч қоринга чекмайин деб нондан бир тишлайманми, сабзимни, котлетми — нима бўлса, ўшандан озгимга оламан. Хуллас, бирон нарсани апил-тапил ютаман-у, дарров тутатишга тушаман. Нафсим қонгандек бўлади. Глаша, чекадиган одам эрталабдан обдон қорнини тўйгазиб олмоғи керак. Хитойларнинг бир доно гапи ҳам бор-ку, нонуштангни ўзинг е дейишади...

— Биладан, — деб унинг гапни бўлди Аглая. — Тушлигингни дўстинг билан баҳам кўр, кечки овқатни душманинга бер.

— Ҳа, баракалла, — деб бош ирғади Бурдалаков. — Менинг бир ошнам бор, Васька Серов деган. У ҳам генерал. Жуда қувноқ, ҳазилкаш. Нақд бола-нинг ўзи дейсиз. Соч-соқолига оқ ҳам тушди, олтмишдан ошиб қолди-ю, нуқул ҳазиллашгани-ҳазиллашган. “Мен, дейди, Федя, хитойча қоидага амал қилиб яшайман, нонуштамни ўзим ейман, тушлигимни сен билан баҳам кўришга тайёрман, кечки овқатимни хотинимга бераман”. Шунақа деб кулгани-кулган.

Албатта, Бурдалаков Аглаяга ҳаммавақт ҳам ақл ўргатавермас ёки тарбия беравермасди, кўпинча у ўзининг жанговар ўтмишидан бирон воқеани гапириб берар ва яна бу ҳикоялар социалистик реализм жанрида бўлиб, “Огонёк” ёки “Совет жангчиси” журналидан олинганга ўхшарди.

Унинг давримизнинг донгдор одамлар тўғрисидаги ҳикоялари жуда жонли чиқарди, бунақа одамларни у ҳаётида жуда кўп учратган эди. КПСС Марказ-қўмининг аъзолари, министрлар, генераллар — уларнинг ҳаммаси эсида турарди ва ҳаммасини исми шарифлари билан атарди. Леонид Ильич, Алексей Николаевич, Николай Викторович, Михаил Андреевич, Анастас Иванович... Юқори давралардаги ва, айниқса, Кремлдаги зиёфатлар ҳақида гапириб беришни ёқтирарди. Бунақа зиёфатларда ким бўлгани, дастурхон қанақа тузалгани, қандиллари қандай чарақлаши, қанақа идишларда қандай таомлар тортилгани, қадарларга нималар қуйилгани...

Нонуштадан кейин муолажага кетишарди. Бурдалаков массажага борарди, солярийда кварц нурларида тобланарди. Шарко душига тушарди (нимаики текки бўлса, биронгасини чиқитга чиқармай, фойдаланишга ҳаракат қиларди). Аглаянинг жадвалида эса электрофорез билан балчиқ бор эди — кейинги пайтларда тиззаси билан қўл бўғимлари оғрийдиган бўлиб қолганди.

Сайр қилишларга ҳам етарли вақт қоларди. Тушлик олдидан ва тушлиқдан кейинги кундузги уйқудан кейин санаторий хиёбонларида бирга сайр қилишарди. Хиёбонлар ҳалқа-ҳалқа бўлиб бир текис жойлашган эди. Номи унутилиб кетган зукколар бу ҳалқалар “Кичик инфаркт ҳалқаси” ва “катта инфаркт ҳалқаси” деб ном беришганди. Қизиқ, Федор Федорович кун давомида ҳар хил қиёфаларга кирарди — кечга яқинлашган сари у қарироқ кўринарди. Тушлиқдан кейин устига фуқаролар киядиган плашни ташлаб олиб, бошида қўлда тўқилган қалпоқ билан, қўлини орқасига қовуштириб, худди буйраги хаста одамларнинг юришидан қилиб бир оз букчайиб сайр қиларди. Аглая эса унинг ёнида борар ва назарида сайр қилишга қўллари халақит бераётгандай бўлаверарди — уларни қайси аҳволда тутмасин — орқасига қиладими, кўкрагига қовуштириб оладими, ёнида осилиб турадими, бари бир, нотабийдек туюларди.

## 11

Улар кўпинча сайр қилиб юриб, денгизга олиб тушадиган тик қиялик олдига келиб қолишарди. Бу ерда ўтирадиган жойлари ёғочдан, оёқлари ва сунячиқлари чўяндан ишланган скамейка бор эди. Одатда у бўш бўларди. Лекин баъзида банд ҳам бўларди. Кўздан нарироқ бирон хилватда дилкашлик қилишни истаб қолган эркак-аёллар ўқтин-ўқтин скамейкани банд қилиб турарди. Генерал билан Аглая скамейканинг ёнига келишар, ярим овозда гурунлашиб ўтиришарди. Ёшлар ўтиришган бўлса, улар келиб ёнларига ўтиришгач, хижолат чекишар, ранжишар, ёпишиб ўтирганлар бир-биридан қочиброқ ўтирар, чехраларидан энсалари қотгани билиниб турарди. Ўқтин-ўқтин янги келганларга қараб қўйишарди, аммо уларнинг бемалол гаплашиб ўтирганларини кўриб, бу ерда астойдил ўрнашиб олишганини сезардилар-да, ўринларидан туриб, индамай, бошқа хилватроқ жой топгани кетишарди.

Бурдалаковга бунақа вазият жуда ёқарди. У жуфт-жуфт бўлиб ўтирганлар-

ни хуржитишни жуда яхши кўрарди. Ва нафақат одамларни... Ёшлигида у қиплоқ бўйлаб қўлида таёқ кўтариб юрар ва чагишиб қолган итларни бир-биридан ажратарди.

— Қарасам, — дерди у Аглаяга, — бирор навқирон чиройли жувон курортга келади. Эри уни кузатиб қўяди, кутиб олади. Нима, хотини бу ерда, албатта, бирон ўйнаш орттириб олишига унинг ақли етмайдими?

— Ҳамма ҳам шунақа қилавермас, — деди Аглая.

— Ҳаммаси шунақа, — деди унинг гапига қўшилмай Федор Федорович. — Ўта бадбашара бўлса, билмадим. Ўзи бинойидек бўлса, қараса қарагундек чиройли бўлса, хотирингиз жам бўлаверсин. Мен курортларда кўп бўлганман. Аммо имконияти бўлатуриб, бирон эркакка кўз сузмаган биронта ҳам аёлни кўрган эмасман. Айтганча, немисларда бир одат бор экан — йилда бир кун эру хотин бир-бирларига хиёнат қилишар экан, ҳатто хушторлари билан бир кеча ётишар ҳам экан. Лекин кейин бир йил мобайнида бунақа нарсани хаёлларига ҳам келтирмас экан. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Худди бизда курортга бориб келгандай... Бориб келдингми, бўлди, ўтган ишга саловат, гулдур-гуп, бу ёғига оғзингни юм. Янаги йилга курорт мавсуми бошлангунга қадар...

— Ҳа, энди ҳамма ҳам баравар эмас, — деди Аглая. — Мен яқинда бир фильм кўргандим. “Каштанка аёл” деган...

— Каштанкаликми ёки кучукчалими? — деб сўради Бурдалаков.

— Шошмай туринг, — Аглая ўйлаиб қолди, кейин хўрсинди. — Каллам курсин. “Кучукчали аёл” эди. Кичкинагина кучукчаси бор эди. Бу хотин ишени курортда бошлайди-ю, курортдан кейин ҳам ўзини тўхтата олмайди. Бўлмаса, эри бор, ити бор...

— Итми, кучукчами? — деб сўради генерал.

— Эсимда ҳам қолмапти. Киноларга унча хушим йўқ. Кўзимнинг қири билан кўраман. Қараб ўтираман-у, миямда бошқа ўй-хаёллар бўлади.

— Ҳарқолда, ҳеч ақлим етмайди, — деди генерал, — нимани ўйларкин бизнинг назоратчи органларимиз? Баъзан шунақа бемаза нарсаларни кўрсатишадик... Китоблар-чи? Китобларда нималарни ёзишяпти? Яна цензура дейишади. Ёзувчимиз ўн мингта бўлгандан кейин бизда қанақа адабиёт бўлсин? Тасаввур қила оласизми? Ўн минг-а. Менинг дивизиямда солдатлар икки баравар кам эди. Бир марта Леонид Ильич билан гаплашганда шу масалани кўтардим. Леонид Ильич, — дедим. — Нима кераги бор бизга шунча ёзувчининг? — дедим. — Бештасини танлаб олинг. Ҳа, майли ўнта бўлсин. Лекин партиявий бўлсин, онгли бўлсин. Ўшаларга мавзуларни бўлиб беринг, ўгириб ишлашсин...

— Нима, сиз Брежнев билан шахсан танишмисиз? — деб сўради Аглая.

— Леонид Ильич биланми? — деб қайтариб сўради Бурдалаков. — Бўлма-са-чи? Шу атрофларда танишганман. Агар ўнгта, манави томонга пароходда юрсангиз, аввал Туапсе келади, кейин Новороссийск бўлади. Новороссийска етмасдан бир бурун келади, Мисхако деб аталади. Мис хако эмас, қўшилиб ёзилади. Биз шу ерга қирқ учинчи йилда майор Цезар Куниковнинг қўмондонлигида десант бўлиб туширилган эдик. Ўзи яхудий бўлса ҳам, жуда довурак одам эди.

— Брежнев ҳам сизлар билан биргамиди?

— Нима десамикан, бирга бўлиб бирга эмас эди-ку, лекин келиб турарди. Асосий кучларимиз етиб келганда Брежнев улар билан бирга келди. У армия сиёсий бўлимининг бошлиғи эди.

Ўрни келганда айтиб қўяй — менга “Жасурлиги учун” медалини топширган эди. Шуниси қизиқки, ҳозиргача эсида турипти. Бирон-бир фахрийлар йиғинидами ё шунга ўхшаш бирон мажлис-пажлисида учрашиб қолсак, мен ундан сўрайман: “Леонид Ильич, — дейман, — эсингиздами медал топширган эдингиз? У бўлса кулади. Хўп қизиқ гапларни гапирасан-да, Федя, дейди. Нечук сени унутиб юборар эканман, дейди. Мен сизга айтсам заб яхши одамда. Ҳа, энди ичкиликка суяги йўкроқ, аёл кишини кўрганда ийиб кетади,



аммо лекин бирон илтимосингиз бўлса, сизни эътибор бериб эшитади. Кейин бармоғини мана бундай нуқадидан, ёрдамчисига “ёзиб қўй, кейин текшириб кўр, албатта, бажарилсин” деб кўрсатма беради”.

Аглая билан учрашган кезларида Федор Федоровичнинг бева қолганига унча кўп бўлгани йўқ эди — ярим йил муқаддам хотини ўпка ракидан вафот этганди. “У ҳам сизга ўхшаб чекарди” деди Федор Федорович Аглаяга. Хотини вафот этгач, у шаҳар ташқарисидан яшади. Москвада, Беговая кўчасида унинг жуда яхши генералларга муносиб квартираси бор эди. Лекин у билан қирқларга кирган, “қари қиз” қизи билан бирга турарди. Унинг феъли жуда оғир эди. Кичкина қизи Асенья кўҳликкига бўлиб, айтган жойидан кесадиган хилдан эди, эркакларга шунақалари кўпроқ ёқади. У бир дипломатга эрга тегди, ҳозир иккита боласи билан Ҳиндистонда. Кичкина ўғлини қуролдош ўғлининг шарафига Сергей деб атаган эди. У отасининг изидан кетди. Ҳарбий. Ҳозир эскадрильяда сиёсий қисмининг муовини.

— Шаҳардан ташқарида дала ҳовлингиз борми? — деб қизиқсинди Аглая.

— Ҳа-да. Жуда катта эди. Ерининг ўзи ярим гектар келарди. Икки қаватли. Саккизта хона. Тасаввур қиласизми? Баъзан шунақа хафа бўлиб кетаманки, кўнглим тўлиб кетади.

— Нима гап, тинчликми? — деб сўради Аглая безовталаниб.

— Бошқаларда саккиз кишига битта хона. Менда бўлса, бир ўзимга саккиз хонали. Мана, шу десангиз, битта хонага кириб олиб, ўзим ёлғиз ўтира-вераман, қолган еттига хона ҳувиллаб ётади. Бошқа хонага кириб ўтирсам, бояги хона ҳувиллаб қолади.

## 12

Аглаяни жуда хурсанд қилган нарса шу бўлдики, Федор Федорович унга ҳаммаслақ чиқиб қолди. Уларнинг деярлик ҳамма фикрлари бир жойдан чиқди. Федор Федорович Октябр инқилоби, фуқаролар уруши, электрлаштириш, sanoatлаштириш, муҳолифатни тор-мор келтириш, Улуғ Ватан уруши, Сталин, муваффақиятларимиз ва ғалабаларимизда Сталиннинг роли масаласидаги Аглаянинг ҳамма фикрларига тарафдор бўлиб чиқди. Хрушчевга ҳам унинг муносабати ёмон эди, лекин Брежневга эса жуда ижобий муносабатда эди. Аглая эса ўзи тўғрисида шундай деб айта олмасди. Федор Федорович ҳам Аглаяга ўхшаб ревизионистларни ёмон кўрарди. Негаки, улар ўтмишга ёмон муносабатда бўлишди, партия ва совет ҳокимиятини танқид қилишди, адабиётда ва тасвирий санъатда реализмга қараганда ҳар хил шаклбозликларни афзал кўришди.

— Яқинда кўргазмада бўлдим, — деб гапириб берди Федор Федорович. — Истеъдодли ёш рассомлар бор дейишди. Уларни модернистлар деб аташар экан. Мавҳумиятчилар. Қани бир кўриб қўяй дедим. Ҳаммаси алмойи-алжойи сувратлардан иборат. Биронтасида тарихча маъно йўқ. Ҳар қанча кўзингни лўқ қилиб қарама, сувратдаги нима эканини билолмайсан. Уйми, ўрмонми, дарёми, итми — ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди. У ёққа бир чизик тортилган, бу ёққа бир жингала ишланган. Мен шунақа рассомлардан бирининг ёнига бориб, ҳушмуомалалик билан “Сувратингиз нима деб аталади?” деб сўрадим. “Унсизлик” деди у. “Унсизлик” деб эмас, “мянсиязлик” деб қўйсангиз тузукроқ бўлар экан, — дедим. Қанақасиз, ўзингиз, дедим. Нима суврат ишляпсиз, бўёқни нималарга сарфляпсиз? Қўйиб берса, эшак думи билан бу сувратингиздан яшироқ чизади, — дедим. У бўлса, нима деди денг? Ўлтидай сурбет, беҳаё экан. Мен, — дейди — сиз билан бунақа паст савияда гаплашишни ҳам истамайман. Вой, ярамас-ей, дедим мен. Сенга ўхшаган текинхўрлар халқнинг бўйнига миниб олиб, бўлар-бўлмас расмларини чизиб юрсин деб фронтда қон тўкиб келган эканман-да. Уйга келдим-у, ўтириб газетага ёздим. Яна уч-тўртта фахрий йитиларга айтдим, имзо чекишди, газетага босиб чиқарди. Анали рассомга формализм учун Рассомлар уюшмасидан хайфсан беришди. Менимча, тўғри қилишди деб ҳисоблайман.

— Нотўғри қилишган, — дея кескин эътироз билдирди Аглая. /  
 — Нега нотўғри бўлар экан? — деб ҳайрон бўлди генерал. — Унинг ишлаган суврати нақадар расво эканини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да, — деди Аглая. У ҳам ҳаяжонланиб кетганидан, мушларини тугиб олган эди. — Бунинг учун хайфсан бериш керак эмас, бунинг учун уларни отиш керак.

— Нима? — Бурдалаков сапчиб тушди. У томоғига чивин кириб кетгандай, энтикли, гапиролмай қолди. — О. О... Сиз... О, — деб тили калдиради. Кейин бир оз ўнглиниб олиб деди: — Жуда жўшқин аёлсиз-да...

— Сиз нима деб ўйляяпсиз, — деб давом этди Аглая. — Ахир, бу рассомнингизнинг қилган иши унчалик беозор иш эмас. Улар бизнинг ёшларимизни йўлдан уришади, онгини заҳарлайди. Биз урушда йигирма миллион совет кишисидан жудо бўлдик. Хўш, мана шунақаларни деб уларни қурбон қилдикми? — Шу дақиқада унга шундай туюлиб кетдики, йигирма миллион совет кишисининг ҳалок бўлганига чиндан ҳам ана шу абстрактционизм ботқоғига ботган рассомлар айбдор. — Йўқ, — деди Аглая шафқат қилиш учун бирон баҳона тополмай. — Йўқ, уларни фақат — отиш керак...

— Ҳа, — деб уни маъқулади Бурдалаков. — Сиз ҳаққа ўхшайсиз. Бизда фронтда бунақаларни...

У бизда фронтда бунақа рассомларни шартга отиб ташлашарди демоқчи эди, лекин жиндай ўйлашиб, фронтда бунақа рассомлар бўлганини эслаёлмади. Фронтда карикатура ишлайдиган сувраткаш бор эди, у жанговар варақага Гитлернинг сувратларини чизиб берарди, лекин мавҳум сувратлар ишлаган биронта ҳам рассом бўлган эмасди.

— Ҳа, шунақа, — генерал нечукдир бўшашиб қолди ва оғзига кафтини тўсиб эснади. — Ўртоқ Сталиннинг хотираси масаласига келадиган бўлсак, менимча, яқин орада унга нисбатан адолат тикланса керак. Эҳтимолки, бу бир неча кундан кейиноқ юз бериб қолар. Менга битта жуда ҳам масъул ўртоқ айтган эди. — Шундай деб Федор Федорович аланг-жалаңг теварак-атрофига қаради, орқасидаги бутазорни гумон билан кўздан кечирди ва овозини пасайтириб, шивирлашга ўтди. — Айтгандики, яқинда махсус қарор чиқар эмиш. Ҳозир Михаил Андреевич Суслов махсус шу қарор устида ишлаётган эмиш.

Уйқудан олдин улар яна ошхонага киришди. У ерда столда устита сочиқча ёпиб қўйилган стаканларда кефир турарди. Аглая ўзига тегишли кефирни шу жойнинг ўзида ичиб қўя қолди, Федор Федорович бўлса, ўзининг кефирини хонасига олиб кириб кетди. Уларнинг хоналари ёнма-ён жойлашган эди. Зинадан чиққандаги иккинчи хона генералники, унинг ёнидаги эса Аглаяники эди. Одатда, улар генералнинг эшиги олдида хайр-маъзур қилишарди-да, эрталаб туриб бирга югургани учрашмоқ учун уй-уйларига кириб кетишарди.

## 13

Баъзи-баъзида машҳур генералнинг Сочида дам олаётганини эшитганлар уни қўшни санаторияга ёхуд шу яқин ўртадаги биронта шаҳарчагами таклиф қилишарди. Генерал у ерда дам олувчилар, ёшлар, солдатлар, денгизчилар, фахрийлар билан учрашарди. Бу учрашувларга у генераллик кийимини кийиб, елкасида тилла погонларини ярқиратиб, кўксига орден-медаллари-ю, Олтин юлдузини шилдиратиб, зарбоф камарини тақиб борарди. Бундай пайтларда у жуда салобатли бўлиб кетар ва унинг ёнига йўлаб бўлмайдигандай кўринарди. Аммо у ҳеч қаердан қолдирмай кўтариб юрадиган филофланган байроғини қўлга олиши биланоқ унинг салобатидан путур кетар, ўзи эса қўлда ҳасса ушлаган Чарли Чаплинга ўхшаб қоларди. Баъзан у кун бўйи йўқ бўлиб кетар ва ҳатто икки кунлаб ҳам қолиб кетарди. Улфатидан ажралган Аглая зерикиб қоларди. Эрталаблари у ёлғиз югурарди — лекин генерал йўғида масофани қисқартгирар, денгиз вокзалигача борарди-да, ўша ердан орқасига қайтарди.

Бир куни генерални вертолетда Самтрелиа шахрита таклиф қилишди ва жуда кўп халта-хуржунлар билан қайтариб олиб келиб қўйишди. Улар “қуёшли Гуржистон меҳнаткашлари”нинг, яъни маҳаллий партиявий хўжайинларнинг совға-саломларига тўла эди. Совғалар ичида тўрт литрли пластмасса идишда “Изабелла” шароби ҳам бор эди.

Генерал Аглаяни майхўрликка таклиф қилди.

Аглая рози бўлди ва Бурдалаковнинг хонасига бир оз ийманиброқ кириб борди. Шу пайтга қадар уларнинг иккови ҳам ўзларини икки қадрдон нафақахўрдек тутишар ва хатти-ҳаракатларида бундан ўзга муносабатга имо-ишора ҳам йўқ эди. Энди генералнинг назарида ҳам, Аглаянинг назарида ҳам уларнинг муносабатлари шунақа бир нуқтага етиб келдики, бундан бу ёғига аниқлик киритмаса бўлмай қолди. Ҳар нима деганингизда ҳам, генерал ҳам бўйдоқ, Аглаянинг ҳам боши очик. Икковлари ҳам бир ёшга бориб қолишган, лекин ҳамма нарсани соқит қиладиган даражага етишган эмас. Хуллас, Аглая унинг хонасига кириб борар экан, мўлжалида бирор аниқ ўйлаган нарсаси йўқ эди, лекин юраги сездики, ораларида қандайдир изҳори дил содир бўлади. Федор Федоровичнинг хонаси ҳам Аглаянинг хонасидан фарқ қилмасди. Бу хона ҳам — чорбурчак, қўш деразали, ёғоч каравотли, диванли, бир чеккада журналлар учун столча ва деворларига иккита суврат осилган. Бир деворда Шишкиннинг айиқлари, иккинчи девордагиси эса маҳаллий расомнинг “Бўрон бўлади” деб аталган расми бўлиб, унда қоялар, маёқ ва тўлқинлар тасвирланган эди.

— Мана, — деди Бурдалаков, — бу ҳам рассом, аммо сувратини кўрса бўлади, тушунса бўлади. Мана буниси тошлар, буниси тўлқинлар, буниси маёқ. Эҳтимол, бу рассом унча истеъдодли эмасдир, лекин ҳаммаси ҳаётий. Баъзиларни кига ўхшаш мавҳум эмас. “Кримда жанг” деган бир суврат кўрдим, ҳаммаёқ тутун билан қопланган, тутуннинг орасидан ҳеч нарса кўринмайди.

Столча устида ўтган йилги кроссворди чала ечилган “Огонёк” журналидан ташқари боя зикр этилган тўрт литрли идишда вино, иккита юпқа стакан, бир вазада мева (олма билан мандарин), оби нон, бир ликобчада пишлоқ ва яна колбасага ўхшаган алланарса турарди. Федор Федорович унинг чурчело деган грузинча таом эканини айтди ва қандай тайёрланишини гапириб берди.

— Чучелла дейсизми? — деб сўради Аглая. — Бу нима, Ким Ир Сеннинг исмими?

— Йўқ, — деди жиддий оҳангда Федор Федорович. — Ўртоқ Ким Ир Сенни корейслар буюк чуче деб аташади. Бу чурчело, чуч эмас, чурчело. Кези келганда айтиб қўяй — чурч дегани инглиз тилида черков дегани бўлади. Сизнинг саломатлигингиз учун, Глаша.

Шароб истеъмом қилиш санъатида Федор Федорович зўр билимдонлигини намоён қилиб, аввал стаканини ёруғта солиб кўрди, кейин уни бир оз чайқаб турди, сўнг стаканни айлантирди. Стакан ичидаги ичимлик ҳам айланиб, гирдоб ҳосил бўлди. Генерал уни бир оз ушлаб тургач, шаробдан хўшлаб кўрди-да, бошини кўтариб Аглаяга қаради.

— Хўш, қалай? Ёқдими? Кези келганда айтиб қўяй, битта тиббиёт фанлари доктори менга тушунтирган эдики, алкоғол, — у “а” товушига ургу берди, — агар меъёрида истеъмом қилинса фавқулудда фойдали нарса экан. Бу сизга папирос чекиш эмас. Чекишдан фақат зиён кўрасиз. Бундан эса... Шекспир ҳар куни канда қилмай шампан ичиб юрган. Немисларнинг ёзувчиси Гёте ҳам ҳар куни бир шиша қизил шароб ичар экан. Ўртоқ Сталин ҳам “Хванчкара” деган қизил шаробни яхши кўрарди. Лекин у арақдан ҳам олиб турарди. Мен ўзим Сталин билан арақни чўқиштириб ичганман.

— Сиз-а, — деди ажабланиб Аглая. — Сталин билан-а. Шахсан-а?

— Албатта, шахсан-да... — деб жилмайди Федор Федорович. — Ношахсан чўқиштириш ҳам бўларканми? Агар сиз ғалаба паради тасвирланган эски кино хроникани кўрган бўлсангиз, ўша ерда мени ҳам кўрган бўлишингиз керак. Унда мен ҳали ёш эдим. Мўйловим ҳам бор эди. Фашистлар байроғини олиб

бориб ташлаятман. Қани, олинг, еб ўтиринг. Манави пишлоқ сулугини деб аталади. У ҳам жуда мазали. Ҳазми жуда енгил. Кальцийи бор. Аёллар организмига кони фойда-да. Ҳа-я... — Федор Федорович шаробдан бир хўтлади, бошини орқасига ташлади, нигоҳи бир оз хира тортиди. — Кейин параддан сўнг Кремлда ҳукумат қабули бўлди. Энди, бир таомлар тортилдими, қўяверасиз. Умримда кўрмаган овқатлар. Ҳозир, албатта, таом масаласида саводим чиқиб қолган, у пайтларда ҳали ҳеч нарсани кўрмаган бўз йигит эдим. Тустовуқни умримда биринчи марта ўша ерда кўрганман. Шампиньон деган қўзиқориндан қилинган жульепни ҳам биринчи бор ўшанда татиб кўргандим. Таомдан кейин оёқнинг чигалини ёзгани столдан турдик. Катта офицерлардан бир гуруҳи дераза олдида тўпланиб қолибмиз. Чекаймиз, чақчақлашяпмиз. Шунда кўққисдан дўстим Васька Серов биқинимга туртиб қолди. Нега туртасан, деган маънода унга ўтирилиб қарадим. Қарасам — ё табангдан кетай — шундоққина олдимда ўртоқ Сталиннинг ўзи турипти. Кўксиди битта Олтин юлдуз. Тамом, бошқа ҳеч нарса йўқ. Орамиз сиз билан менинг оралигимча бор. Ҳатто ундан ҳам камроқ. Қўлида қадаҳда арақ. Унинг ёнида эса Вячеслав Михайлович Молотов, Георгий Максимилианович Маленков ва маршал Иван Степанович Конев. Тасаввур қиласизми, ўртоқ Сталин ўнг қўлидаги қадаҳни чап қўлига олди-да, ўнг қўлини менга узатиб, “Яхшимисиз, мен Сталинман”, деди. Ҳа, худди шундай, тўппа-тўғри “Мен Сталинман” деди. Тўғри мен унинг кимлигини билмаслигим ҳам мумкиндай. Мен шошиб қолдим. Оғзим очилганча, анграйиб туриб қолибман. Сталин бўлса мендан: “Сизнинг-чи? Исми шарифингиз қанақа?” деб сўради. Мен унга жавоб бермоқчи бўлиб ҳарчанд уринаман, овозим чиқмайди. Тилим танглаймга ёпишиб қолганга ўхшайди. Ўртоқ Сталин бўлса, менга қараганча жавобимни кутиб турипти. Шу жойда, яхши, мени Конев кутқариб қолди. Бу, деди, ўртоқ Сталин, полковник Бурдалаков бўлади.

Сталин бўлса суриштира бошлади.

— Бурдалаков? Федор Федоровичми? Бир юз ўн тўртинчи гвардиячи моторлашган ўқчи дивизиянинг командирими? Собиқ разведкачи-а?

Буни эшитиб, бутунлай тилдан қолдим. Сиз тасаввур қилиясизми — генералиссимус, Олий Бош қўмондон. Унинг ихтиёрида қанчадан-қанча дивизиялар, одамлар, разведкачилар бор. Наҳотки, у ҳар бирининг кимлиги-ю, исми шарифига эсида тутса? У бўлса менга нима дейди денг? “Сиз, ўртоқ Бурдалаков, нима бало ичмайсизми?” Мен бўлсам — ўзингиз тасаввур қилаверинг — ўлғудай кўрқиб кетдим, нима деб жавоб беришимни билмайман. “Ичман” десам, “пиёниста экан” деб ўйлаши мумкин. “Умуман, ичмайман” десам, бу ҳам яхши эмас. Анграйганимча индамай турибман. Ўртоқ Сталин яна Коневга гап қотди:

— Бунингиз ҳам гунг, ҳам ичмайдиган экан.

Шунда Иван Степанович яна жонимга ора кирди. “Ўртоқ Сталин, — деб луқма ташлади у, — фронт кўрган разведкачи нечук ичмайдиган бўлар экан?” “Мен ҳам шуни айтяпман-да, — деди ўртоқ Сталин. — Ичмайдиган разведкачи бўлмайди? Ичадиган одам разведкачи бўлмаслиги мумкин. Соқов одам разведкачи бўлиши мумкин, у кўрса, эшитса бўлди-да, лекин у ичмайдиган бўла олмайди. Ичмайдиган одам ҳеч қачон разведкачи бўла олмайди”.

— Ўртоқ Сталин менга қараб ана шунақа гапларни айтди. Мен уларни бир умрга эслаб қолдим, — деди Федор Федорович қўлида бир бўлак чурчелони ушлаб туриб. Кейин ўйга чўмди. Бир оз сукутдан сўнг яна жонланди. — Сиз тасаввур қила оласизми? Шундан кейин у менга яна сўз қотди: “Агар сиз — ўртоқ Бурдалаков қарши бўлмасангиз, келинг, сиз билан бир ичишайлик”. Тасаввур қилинг-а — “қарши бўлмасангиз” дейди-я. Яна мутакаббир бўлган дейишади? Мутакаббирлик нима қилиб юрипти — агар у полковникдан мен билан ичишасанми деб сўраб турса? Э-э, агар у менга “Ҳой Бурдалаков, манави бир челақ арақни ичиб юбор-чи, деб буюрса, арақ эмас, керосин бўлса ҳам ичиб ташламаймани? Ўшанда қўлимда бир стакан арақ қаёқдан пайдо

бўлиб қолди — худо ҳаққи, билмайман. “Хўш, нима учун ичамиз?” — деб сўради у. Мен нима бўлса бўлди дедим-да, юрак ютиб, унинг кўзларига тикилиб туриб, — “Ўртоқ Сталин учун” дедим. У бўлса, яна жилмайди-да, “На-чора, ўртоқ Сталин учун бўлса, Сталин учун-да. Ўртоқ Сталин ҳам жуда унақа нобоп ўртоқлардан эмас” деди. У стаканини узатди, биз чўқиштирдик, у ўзининг стаканидан бир хўплади-да, менга қаради. Мен бўлсам урушдан олди-ноқ қишлоқда юрганымда арақни хўпламай, тўғри ичишни ўрганган эдим. Оғзимни очаман-да, қуйиб юборавераман — арақ тўғри жигилдонга ўтиб кетаверади. Мана бундай.

Федор Федорович стаканига шаробни тўлдириб қўйди, ўрнидан турди, бо-шини орқага ташлаб, оғзини катта очди-да, стаканни қийшайтириб, винони оғзига қуя бошлади. Шароб булоқ сувидек жилдираб унинг томоғидан ўта бошлади. Лекин генералнинг томоғи ҳам, ияги ҳам қилт этмади.

— Қойил-е, — деб баҳо берди унга Аглая. — Зўр экансиз.

— Ўртоқ Сталин ҳам ҳайрон қолганди. Сталин қанақа ичишимга қараб турди-да, “Ие, сиз Бурдалаков эмас, Вурдалаков экансиз-ку” деди. Айтгандай, нега фамилиянгиз бунақа? Қаердан келиб қолган бу фамилия?

Нима ҳам дея олардим мен ўртоқ Сталинга? “Билолмдим, дедим, ўртоқ Сталин. — Албатта, сиз билмайсиз, — деди ўртоқ Сталин. — Авлод-аждола-рингиздан бирортаси ўтмишда қон сўрувчи махлуқларга алоқадор бўлгандир. — Аммо, — деди у гапини давом эттириб, — буни сизга ҳазил тариқасида айтяп-ман.” — Шундай деб кулиб юборди-да, нари кетди. Йўл-йўлакай Коневга нималарнидир гапириб кетди. Албатта, бу гаплар мен тўғримда эмас эди. Эҳти-мол, у шу заҳотиёқ мени эсидан чиқариб юборгандир. Лекин мен учун бу хотира умримнинг охиригача сақланиб қолади. Мен ҳаётим давомида катта одамларни кўп кўрганман, лекин Сталин — Сталин-да.

Генерал билан унинг меҳмони ҳаяжонга чулганиб индамай қолишди — у ўтганларни эслаб, Аглая эса бу хотираларни эшитиб ҳаяжонланмоқда эди.

— Ҳозир одамлар гап қилиб юришипти, — деди Аглая генерал бу гапни рад этар деган умидда — Сталин гўё чўтир бўлган эмиш.

— Бўлмаган гап, — деб гапни дарҳол рад этди генерал. — Нега чўтир бўлар экан? Қаёқдан чўтир бўлган экан? Мен бунақа гапни гапириб юрган ҳар бир одамни — билмадим нима қилардим. Унинг чеҳраси жуда бежирим, мардона, ҳақиқий ўрисча чеҳра эди.

— Лекин у ҳар нима бўлганда ҳам гуржи миллатидан чиққан эди, — деб аниқлик киритишни лозим топди Аглая.

— Ҳа, шунақа, — деди генерал. — Гапингиз тўғри, лекин чеҳраси ўрисча эди.

Яна жиндай ичишди, кейин Федор Федорович Аглаяга альбомларини кўрсата бошлади. Уларда ҳар хил фотосувратлар бўлиб, уларнинг баъзи бирлари ўнгиб кетганди. Сувратлар одатдаги оилавий сувратлар эди. Хотини билан никоҳдан кейин. Фарзандлар гўдаклигида. Болалар катта бўлишганда. Велосипедда сайр. Чўмилишда. Ўғли ва қизи. Учта бола. Федор Федоровичнинг ватанпарварлик фаолияти алоҳида альбомда акс этган. Альбомнинг биринчи саҳифасида яқинда олинган фотосуврат. Унда генерал бутун бўйу баста билан, ҳарбий кийимда, орден-медаллари билан тушипти. Кўп сувратларда унинг турли-туман маро-симларда ишгирок этгани акс этган. Мана у тўпчилар билим юртининг бити-рувчилари олдида нутқ сўзляпти. Манаев — кўрғонда фахрийлар учрашуви. Федор Федоровичга орден топшириляпти. Буниси ёрлиқ, яна орден топшириляпти. Маршал Чуйков билан ёнма-ён. Маршал Баграмян билан. 9 май куни Боль-шой театрнинг олдида фахрийлар учрашуви. Яна бир марта Большой театр олдида. Сўнгра бирдан у Брежнев билан. Сталин ҳақидаги ҳикоядан кейин Брежнев унча ҳаяжонга солгани йўқ, лекин бари бир, бу суврат ҳам қизиқ эди.

— Сиз унга нима топширяпсиз? — деб сўради Аглая.

— Бизнинг клубимизнинг фахрий раиси экани ҳақидаги ҳужжат. Мана буни

кўрпаксизми? Мен байроқнинг ёнидаман. Уни ёйиқ ҳолида кўрмагансиз-а? Ҳозир кўрсатаман.

У байроқни филофидан олиб ёйди ва уни кўлига ушлаб Аглаянинг олди-дан тантанали юриш қилиб ўтди. Шу билан байроқни кўтариб, Берлинга қандай кириб борганини кўрсатгандай бўлди. Аглая оғир жанглар кетаётган бир ша-роитда шаҳарга қандай қилиб бу тарзда кириб бориш мумкинлигини тасав-вур қилмоқчи бўлди, лекин қилолмади.

— Ахир, сиз дивизия командири бўлиб бўлган эдингиз-ку? Тўғридан-тўғри ўзингиз байроқ билан шундай қила олармидингиз?

— Қизиқ гапни гапирдингиз-ку, — дея қизишиб эътироз билдирди гене-рал. — Ёшлигимда қанақа одам бўлганимни сиз кўз олдингизга келтира ол-майсиз-ку? Ёш эдим. Қанақа ёш эдим — айтайми? Уруш тамом бўлганида мен ўттиз олти ёшда эдим. Ўттиз олти ёшимда аллақачон дивизияга коман-дирлик қилганман. Солдатлар мени “отахон” деб чақирарди. Лекин шунақа ўт-олов эдимки, қўяверасиз. Ҳар нима бўлса-да, олдинги сафда юришга ҳаракат қилардим. Байроқ билан ҳам. Бўлмаса-чи? Бир куни жангга яловбардоримиз ўқ еб, қулаб тушди. Дарров ҳаёлимдан ўтди: байроғимиз ерда ётса, бу маъна-вий жиҳатдан шахсий составга ёмон таъсир қилмайдими? Шунда мен, агар билсангиз, — генералда яна ўт туташди, у яна жунбишга келди — сапчиб олдинга ташландим ва... — Шундан кейин у бир манзарани гапириб бера бош-лади. Бу манзара Аглаяга яқинда кўрган аллақайси фильмдаги манзарага жуда ўхшаб кетарди.

Аглая соатига қаради. Соат ўн бирга яқинлаб қолган эди. У ўрнидан кўзғолди.

— Майли, мен борай энди...

— Шошмай туринг, — деб уни тўхтатди Бурдалаков.

Аглая унга синовчан назар ташлади.

— Сизга кўрсатишни унутибман, — деди Бурдалаков ва ёзув столининг галадонидан чўзинчоқ бир буюм олди. У кумуш қинли ханжар экан. — Буни менга Самтрелиада курулдош дўстим генерал Шалико Курашвили совға қил-ди. XIX асрнинг бошларида ясалган ва генерал Александр Петрович Ермолов-га тортиқ қилишган. Эсингиздами — Кавказни фатҳ этган шунақа генерал ўтган.

Ханжар тўғри тигли эди, дастаси олтиндан ишланган бўлиб, унинг охи-рига йўлбарснинг боши ишланган, унинг кўзлари эса ёқутдан эди. Ханжарга хат ёзилган экан, Аглая кўзойнаксиз бир амаллаб ўқиди: “Дўстни асрайди, ёвни қийратади” — деб овоз чиқариб ўқиди Аглая ва генералга қаради: — Бу нима дегани?

— Ҳайронман, — деб қўлларини ёйди Федор Федорович, — ҳеч тагига етолмаяпман. Шалико ҳам билмади. Бамисоли бир жумбоқ. Нима қилдик, эр-тага эрталаб ҳар доимгидек дарвоза олдида учрашамизми?

— Майли, — деди Аглая сал-пал ҳафсаласи пир бўлиб. Федор Федорович Аглаяни эшигининг тагига кузатиб қўйди.

## 14

Эртаси куни яна югуришди, овқатланишди, сайр қилишди, кечкурун ге-нерал Аглаяни яна хонасига олиб кирди. “Изабелла”нинг қолганини ичишди, яна альбом кўришди. Бу гал альбомларда газеталардан қирқиб олинган мате-риаллар бор эди. Уларнинг орасида генерал билан учта суҳбат, учта катта ма-қола, жуда кўп миқдорда майда хабарлар бор эди. Мақолалардан бири “Уруш қахрамонининг тинчлик кунларидаги ҳаёти”, иккинчиси “Бўсағаларда”, учин-чиси эса “Ҳеч ким унутилгани йўқ, ҳеч нарса унут бўлгани йўқ” деб аталар-ди. Бу мақола генералнинг ҳалок бўлган ўртоқлари, шу жумладан, Сергей Жуков тўғрисидаги хотираларидан иборат эди. Аммо газета материалари-нинг кўпчилиги турли парадлар, мажлислар, митинглар, зиёфатлар ва бошқа

тантанали маросимлар ҳақидаги ахборотлардан ташкил топганди. Уларда Бурдалаков ҳам иштирок этган бўлиб, унинг фамилияси баъзан машҳур ва донгдор фамилиялар қаторида санаб ўтиларди.

Ўтиришди, вино ичишди, урушни эслашди, хасталиклар ҳақида гаплашишди, табиатдаги мувозанатнинг бузилгани, ёшларнинг бебошлиги, шарм-ҳаё қолмаётгани, кўчаларда кучоқлашиб юришлари, шорти ва сарафанда юришдан хижолат чекмасликлари тўғрисида турунглашишди. Пляжда-ку, ёшлар кийган нарсани кийим деб аташга тил бормади, ҳадемай, умуман, қип-яланғоч юришса ҳам бўлаверадиган бўлиб қолди.

— Хорижда, — деди Федор Федорович, — умуман олганда, шундай пляжлар борки, уларда эркак ва аёллар бир-биридан сира уялишмайди ва қип-яланғоч чўмилишаверади.

Бу тўғрида гапирар экан, у энсаси қотиб, пешоналари тиришди.

Ниҳоят, шундай дақиқалар келдики, генерал билан Аглая ўртасидаги муносабатлар муқаррар равишда бошқача тус олди. Генерал гўёки билмагандек қўлини беҳосдан унинг тиззасига қўйди, ўзи эса бошини тескари томонга ўтирди. Аглая сесканиб тушди, қимир этмай қотиб қолди-да, бошини бошқа томонга бурди.

— Оби-ҳаводан ҳам борган сари путур кетяпти, — деди генерал.

— Ҳа, — деб унинг гапини маъқуллади Аглая.

— Зинҳор-базинҳор қўзиқорин ейиш керак эмас, — деди у ва тўсатдан ҳеч қанақа гап-сўзсиз Аглаяга шунақа шиддат билан ташландики, Берлинни ҳам шунақа забт билан ишғол қилган бўлса ажаб эмасди.

Генерал Аглаяни орқаси билан каравотига йиқитиб, қўлини юбкасининг тагига тикди. Қўли резинкага илинди. Аглая бунақа шиддатли хужумни кутмаган эди, ғайриихтиёр равишда қаршилик кўрсата бошлади, иккала қўли билан кўкрагидан итарди, худди шу пайтнинг ўзиде худди киноларда бўладигандек, лекин бу гал кинода эмас, ҳаётнинг ўзиде эшик тақиллаб қолди. Генерал кўрқиб кетди ва ваҳимага тушиб, сапчиб туриб кетди. Аглая қаради, столга қаради, стол устида ичиб тугатилмаган шарбат ва еб битирилмаган мева-чева турарди. Бу вазиятда ҳеч қанақа ғайритабиий ва ғайриқонуний ҳол йўқ эди. Бунинг устига уларнинг иккови ҳам эркиндай одамлар эди. Лекин улар эркин одамлар эмас эди, улар совет кишилари эди. Улар худди болалар каби сенинг истақларингдан ҳар бири дарҳол фош бўлади, дарҳол муҳокама қилинади, қораланади ва жазоланади деган тушунчада тарбия топган эдилар. Мана шу қилгиликлари учун уларни йўлланмадан маҳрум қилишлари, санаториядан ҳайдаб юборишлари, “Крокодил” журналида уриб чиқишлари, шахсий ишларини кўриб чиқишлари, партиядан ҳайдашлари мумкин эди. Бундай бўлса, бу генерал учун ҳалокатга тенг бўларди. Аглая учун эса... Аглая учун ҳеч нарса бўлмас эди, лекин шундай бўлса-да, у ҳам жуда кўрқиб кетди.

Шунинг учун эшикни қаттиқ қоққанларида генерал апил-тапил стол устини йиғиштира бошлади, Аглая эса қарама-қарши томондаги девор ёнига бориб, шоша-пиша юбкасини тўғрилади-да, деразага тикилиб қолди. Ўйлаш мумкин эдики, Аглая бу ерга атайин бировнинг деразасидан шаҳарнинг кечки манзарасини томоша қилгани келган. Ниҳоят, Федор Федорович эшикнинг олдида бориб, уни қия очди ва эшик олдида навбатчи Полинани кўрди. Барваста, кўкрақдор, эгнига ёпишиб турган “жерси” материалидан кофта кийиб олган бу аёл қўлида бир варақ қоғоз ушлаб турарди.

— Сизга мактуб бор, — деди Полина ва хонага синчиклаб назар ташлади.

— Раҳмат, — деди генерал гавдаси билан хонани унинг назаридан пана қилишга интилиб. У гўёки парвозга чоғланаётгандай икки қўлини икки ёнга ёйиб олган эди.

— Хонангизни йиғиштириб бериш керак эмасми? — деб сўради Полина лоақал унинг қўлтигидан бирон нарсани кўришга интилиб.

— Нимани кутиб турибсиз? — деб сўради генерал.

— Жавоб ёзиб берасизми? Ёки жавоб бўлмайдимми?

— Ҳали билмайман, — деди Федор Федорович ва тўсатдан аллақачон бо-  
лалик даврини тарк этганини эслади. У, ахир, генерал, бунинг устига бўйдоқ,  
ҳаққи бор. Биров қоралайдиган ҳеч иш қилгани йўқ. У нима билан машғул  
эканига кимнинг нима иши бор?

— Мактубни ўқиб чиқай-чи, — деди у қаҳр билан. — Зарур бўлса, сизни  
чақираман. Агар зарур бўлмаса... — у гапини тугатиш учун бирон-бир тузук-  
роқ нарсани тополмади, шунинг учун жўнгина тугата қолди. — Агар зарур бўлма-  
са, сизни чақириб овора қилмайман.

У навбатчи аёлнинг шундоққина тумшуғи олдида эшикни ёпди ва ўзича  
бир нарсаларни мингирлаб, журнал столчаси томон йўналди. Унинг кўзойна-  
ги столча устида ётарди. Кўзойнакни олиб, мактубни ўқиди-да, Аглаяни ча-  
қирди:

— Аглая Степановна.

Аглая унга томон ўгирилди ва ҳали буткул йўқолмаган хижолат ичида аста  
унинг ёнига борди. Генерал индамай унга мактубни узатди.

— Кўзойнагингизни бериб турунг, бўлмаса, — деб илтимос қилди у кўзой-  
накка муҳтожлигидан жиндай хижолат бўлиб. Кейин мактубни ўқиди.

“Федька, мен Новороссийскдаман. Тезда етиб кел. Л.Брежнев”.

— Борасизми? — деб сўради Аглая.

Генерал унга таажжуб билан қаради ва Аглаянинг ўзи жуда бемаъни савол  
бериб қўйганини англади.

Чорак соат ҳам ўтмай, генерал Бурдалаков тантаналарда киядиган ҳарбий  
кийимини кийиб, ҳамма орден-медалларини тақиб, олтин погонини ярқира-  
тиб, белида зарбоф белбоғи билан, бошида қоракўл телпаги билан, бир қўлида  
портфели, иккинчи қўлида ҳар эҳтимолга қарши олиб олган байроғи билан  
пастга тушди-да, уни кутиб турган ҳукумат “Чайка”сига ўтирди.

## 15

Генерал Бурдалаковнинг бунақа шошилигич равишда чақирилишига сабаб  
шу бўлдики, Новороссийскка келган КПСС Марказқўмининг Бош котиби  
Брежнев ўзининг олгмиш учинчи туғилган кунини жанговар дўстлари ораси-  
да нишонлашга қарор қилган эди. Леонид Ильич 19 декабрда туғилган — Сталин  
туғилган кунга бор-йўғи икки кун етмай қолган, холос.

Бунақа кутилмаган таклифни олгандан кейин Бурдалаков шошиб қолди  
— юксак мартабали тўй болага у нимани совға қилса бўларкин? Ханжар эси-  
га тушди, уни қўлига олди ва совға қилсамми-қилмасамми деб тараддулла-  
ниб қолди. Ханжарнинг тиғидаги ёзув уни анча хижолатга солиб қўйган эди.  
Бироқ генералнинг қўлида тўғри келадиган тузукроқ нарсаси бўлмаганидан  
(бунақа одамга бўлар-бўлмас нарсани совға қилиб бўлмайди-да) у ҳар эҳти-  
молга қарши ханжарни портфелига солиб, йўлга равона бўлди.

Генерал тушган машина қаршисида очилган қизил юлдузли кўк дарвоза-  
дан ўтиб, Новороссийскка яқин жойда жойлашган ҳукумат чорбоғининг тер-  
риториясига кириб борганида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Дарвозадан  
ўтишлари биланоқ, машинани тўхтатишди. Устига кийиб олган плаш-палат-  
каси погонини яшириб турган навбатчи офицер генералдан ҳужжатларини  
кўрсатишни илтимос қилди. Ҳукумат чорбоғи тепасида тўлин ой нур сочиб  
турарди. Ой нури шунақа ёруғ эдики, ҳатто китоб ўқиса ҳам бўларди. Ундан  
ташқари дарвоза ёнида прожектор ёниб турипти. Аммо офицер буларнинг ус-  
тига чўнтак фонарини ёқиб, ҳужжатдаги сувратни генералнинг юзига соли-  
тириб кўрди-да, сўради:

— Сувратни олдирганингизга кўп бўлганми?

— Нима, қариб қолибманми? — деб сўради Бурдалаков таманно билан.

— Ҳужжатингизни янгиламоғингиз керак, — деди офицер йигит ва  
кейинги саволини берди: — Курол борми?



— Нима деяпсиз? — деди комил ишонч билан Бурдалаков. — Қанақа қурол? Менда қурол нима қилсин?

— Портфелингизда нима бор?

— Ҳа-я, портфелдами? — деб Бурдалаков ивирсиланиб қолди, портфелнинг қулфини очар экан. — Портфелда ҳеч нарса йўқ. Портфелда нима бўлиши мумкин? Ички кийимим, пайпоқ, сочиқ. Ие, ҳа-я. — Айни шу чоқда портфелнинг қулфи очилганда, Бурдалаков эслади. — Ҳа-я. Яна манави бор. Мана, манави... Мана.

— Бу ёққа беринг. — Офицернинг қўли чўртан балиқдай портфелнинг ичига шўнғиди ва ундан ханжарни олди. Офицер ўчирилмаган қўл фонарини чўнтагига суқди-да, ханжарни қинидан чиқарди. Синчиклаб Бурдалаковга қаради:

— Яна қурол йўқ дейсиз-а.

— Бу қурол эмас, — деб эътироз билдирди Бурдалаков. — Бунинг нимаси қурол?

— Қурол бўлмаса, нима бу?

— Буми? — деб қайтариб сўради Бурдалаков. Бир вақтлар болалигида у савол берган ўқитувчидан шунақа тарзда саволини такрорлаб сўрагучи эди. Ўқитувчи бармоғи билан жўрофия харитасидаги Камчатка оролини кўрсатиб, “Бу нима?” деб сўраган эди. Ўспирин Бурдалаков эса “Буми?” деб қайтариб сўраб, жавоб осмондан тушиб қолишидан умидвор бўлган эди. Ҳозир ҳам худди ўшандагидай қайтариб сўради.

— Бу қурол бўлмай нима? — деб сўради офицер.

— Йўғ-е, — деб яна кўпроқ ивирсиди Бурдалаков. — Қанақасига қурол бўлсин? Бу Леонид Ильичнинг туғилган кунига совға.

Уларнинг ёнига яна бир офицер келди. Унинг мартабаси каттароқ бўлса керак, лекин устидаги плаш-палатка бу офицернинг ҳам погонларини яшириб турарди. Нима гапчилигини суришгирди. Биринчи офицер тушунтириб берди. Иккинчи офицер ханжарни қўлига олди, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди ва ундаги ёзувни кўриб қизиқиш билан сўради:

— Бу ёзувнинг маъноси нима?

— Ўзим ҳам билмайман, — деди ялтоқланиб генерал. — Эҳтимол, бирон бир шартли белгидир. Грузинларнинг мақоли ҳам бўлиши мумкин. Ҳарқолда, қадимги буюм-да...

— Ҳа, кўриниб турипти — бутун ясалган эмас, — деди ҳарбий ва негадир хўрсинди. Бир оз ўйланиб тургандан кейин, деди: — Бундай қиламиз, ўртоқ генерал. Сиз бу буюмни бизга ташлаб кетинг. Биз суриштирамиз, аниқлаймиз ва эртага бус-бутун ҳолда бирон жойига заҳа етказмай қайтариб берамиз.

— Лекин эртага эрталабдан кеч бўлмасин, — деб тайинлади Бурдалаков.

— Кечикмайди, — деди ҳарбий. — Балки бутун кечроқ бўлса ҳам қайтариб берамиз.

Шундай деб, қўлини чеккасига олиб бориб честь берди-да, машинани ўтказиб юборди.

Асосий чорбоғ — оқ тошдан қурилган тўрт устунлик иморат экан. У денгиз бўйидаги тик соҳилга қурилган экан. Унинг ён-берида яна беш-олтита камсуқумроқ коттежлар қурилган. Бурдалаков машинадан чиқиб улгурганча унинг ёнига оқсоч аёл югуриб келди. Бу жойларда оқсоч хотинни “энага” деб аташ расм бўлган экан. Энага элик ёшлар атрофидаги кўзойнак таққан, сочларини баланд қилиб турмаклаган аёл экан. У инқилобдан олдинги ҳаётни тасвирловчи фильмлардаги ўқитувчи аёлга ўхшаб кетарди.

— Мени Паша хола дейишади, — деди у генералга. Лекин гапнинг индал-лосини айтганда, бу аёл генералга жиянликка ярар эди. Унинг қўлидан портфелини олди-да, ўзини иккинчи қаватдаги хонага бошлади.

Хона ёмон эмас эди — энлик ёғоч каравот, “Рекорд” телевизори, бир чеккада бет-қўл ювадиган жой.

— Нонушгани эртага эрталаб асосий корпусда қиласиз. Кечки овқатга кеч қолдингиз — вақт ўтиб кетди. Лекин сизга манавини — гуляш, қуймоқ ва кефир олиб келганман. Чой йўлакдаги титанда.

— Ҳожатга ҳовлига чиқиладимми? — деб сўради Бурдалаков жиндай энсаси қотганини яширмай.

— Нега энди? — деб уни тинчлантирди Паша хола. — Биринчи қаватда. Зинадан тушишингиз билан чапдаги иккинчи эшик. Ундан кейинги эшик — душхона.

Бурдалаков унинг қўлига уч сўм берди. Паша хола уч сўмни олиб чиқиб кетди.

Йўлда бир оз толиққан генерал тамадди қилмай қўяқолди, у каравотдаги тўшакни ростлади-да, мундирини ечиб, пижамасини кийди. Биринчи қаватга ҳожатга тушиб чиқмоқчи бўлди, кейин айнади. Бет-қўлини ювадиган жой жуда баланд экан, оёғининг учида туриб, чўзилиб ювинишга тўғри келди. Шу пайтда вертолет учиб ўтди. Шунинг учун бўлса керак, эшикнинг гий-қиллаб очилганини эшитмай қолди. Кейин кимнингдир томоқ қириб йўталганини эшитди-да, унга ўгирилиб қаради. Қаради-ю, тахта бўлиб қотиб қолди. Шунақа ҳолатга тушдики, гўё оёғи остидаги пол ёрилиб, пастга тушиб кетаётгандай бўлди. Унинг қаршисида фуқароча кийимда, лекин кўкси тўла орден-медаллар билан, қўлини орқасига қовуштирганича жилмайиб Леонид Ильич Брежнев турарди.

— Ие, ие, — деди саросимага тушган Бурдалаков апил-тапил жиноят қуролларини яширар экан. — Узур, узур... Мен... анака...

— Хижолат бўлма, — деди Ильич. — Турмушда бўлади-да бунақа гаплар. Гапнинг индаллосини айтганда, фақат мурдаларгина қўл ювадиган жойдан бунақа мақсадда фойдаланмайди. — У қўлини орқасидан олди — Бурдалаков унинг бир қўлида ўзининг ханжарини кўрди. Брежнев ханжарни стол устига қўйди ва Бурдалаковни кучоқлади, анча вақтгача унинг елкасига қоқиб туриб, кўришганидан беҳад хурсанд эканини такрор-такрор айтди.

— Хурсандман, хурсандман. Ҳа, худо ҳаққи, чин дилимдан хурсандман.

— Мен ҳам хурсандман, — деди Бурдалаков.

— Ҳа, албатта, хурсанд бўласан-да... Сенинг йўлинг бошқа, сенинг амалинг шунақаки, хурсанд бўлмасанг бўлмайди, — деб ҳазиллашди Брежнев. — Менинг хурсандчилигимнинг баҳоси юқорироқ. Сени кўрганымдан яна шунинг учун хурсандманки, фронтда тобланган жанговар дўстликни жуда қадрлайман. Бизда эса қанақа бўлади? Амалинг қанча юқори бўлса, ҳамма сени жон-дилидан яхши кўргандай бўлади-ю, лекин ким чинакамига яхши кўради-ю, ким шунчаки лаганбардорлиги билан ялтоқланади — сира тагига етолмайсан. Сен билан бизнинг дўстлигимиз эса — нима дейди — ўтда тобланган дўстлик. Сен дурустсан-ку. Ҳеч семирмабсан. Парҳезни қаттиқ ушлайсанми дейман-да. Ё бошқа гап борми?

— Югуриб тураман, Леонид Ильич. Сизга ҳам шуни маслаҳат бераман. Ҳар куни эрталаб қирқ минут лўкиллаб югураман. Роса терлайман. Тамом. Қараб-сизки, ҳеч қанақа қорин-порин бўлмайди.

— Бўлмайди, дегин... — деб такрорлади Брежнев. — Лекин бу сабил ҳазилакам қорин эмас-да. Нима дейди — меҳнатда орттирилган сўтал. Лекин мен югураман десам вақт қани? Бундан ташқари, мабодо югурадиган бўлсам, орқадан бир взвод соқчилар югура бошлайди. Мен сенинг олдинга манавини кўтариб келдим. Менга соқчилар бошлиғи олиб келиб берди. Ўтган йилги суиқасддан кейин у хушёр тортиб қолган. Ҳар эҳтимолга қарши генералдан олиб қўйдим дейди. Лекин ўзини ҳам роса тузладим-да. Мен унга “буни, ахир, Шарлотта Корде олиб келгани йўқ, менинг дўстим олиб келибди-ку”, дедим. Буни нима мақсадда олиб келганингни кўнглим сезиб турипти.

— Кўнглингиз сезиб турган бўлса, тўғри сезипти, — деди Бурдалаков, — лекин мен сизга кугилмаган совға қилмоқчи эдим.

— На чора? — дея елкасини қисди Брежнев. — Сюрприз бўлмаса бўлмайди-да. Мен айлангириб кўрдим. Қимматбаҳо нарса экан.

Бурдалаков “йўқ унақа эмас” деб манзират қилмай қўяқолди — ханжар чиндан ҳам қимматбаҳо ва ноёб нарса эди. Бурдалаков илгари ханжар кимники бўлганини айтиб берди.

— Ермолловники бўлганми? — дея эҳтиром билан сўради Брежнев. — Шунақа дегин? — Ялтираган нарсаси бор — ҳаммасини жон-дилидан яхши кўрадиган ва ҳали нафсининг бу майлини тўдириб улгурмаган Брежнев ханжарнинг даммини эҳтиёткорлик билан силаб кўрди. — Бизнинг Украинада бунақа нарсани “ўзи ўтқир, ўзидан-да, дами ўтқир” дейишади. Тигини қара — йўлбарсни қара, йўлбарсни. Даҳшат-а. Р-р-р-р-р, — деб ириллади у йўлбарсга қараб ва ўзининг ҳазилидан ўзи хурсанд бўлиб кулди.

Леонид Ильич совгадан жуда хурсанд бўлди. У генерални кучоқлаб елкаларига уриб қўйди, бу ханжарни чорбоғидаги уйнинг деворига осиб қўйишини, у Брежневнинг кўпдан бери йнгиб юрган қимматбаҳо қуроллари ичида муносиб ўрин эгаллашини ваъда қилди. Бу аснода у ҳам ханжардаги ғалати ёзувга эътибор берди. “Дўстни асрайди, ёвни қийратади”. Нима дегани бу? Қандай тушунмоқ керак? Бунга қандай маъно берса бўлади?”

— Ўзим ҳам роса бошимни қотириятман, Леонид Ильич, лекин ҳеч бир тўхтама келолмаятман.

— Эҳтимол, бу гапнинг маъноси бошқадир. Шу маънода бўлиши мумкинки, агар душманни, айтайлик, кана чақса, душман кечаси билан ухлаёлмай чиқади ва эртасига тузукроқ жанг қилолмайди. Ёки бўлмаса, бит бўлиши мумкин. Бит душманга тиф касалини юқтиради... Йўқ, — деб ўзининг гапини ўзи бўлди КПСС Марказқўмининг Бош котиби. — Йўқ, менимча, бу ерда аллақандай бошқа бир нарса кўзда тутиляпти. Менга қара, бу ханжар гуржиларники, шунақами? Ханжарни олиб, меникига бораёлик, Грузия ички ишлар министрени топиб, ўшандан сўраймиз. У билиши керак. Пижаманда чиқсанг ҳам бўлаверади. Устинга шинелингни ташлаб ол, бўлади.

Ой шундоққина бош устида муаллақ осилиб турарди. У бамисоли ёритувчи ракетасга ўхшарди, неон чироқлар теварак-атрофга оқиш шуъла таратмоқда, бу ерларда кўз етган жойларнинг ҳаммаси муғлақо кимсасиздай туюлар, лекин бундай тасаввур бутунлай ёлғон эди — деярли ҳар бир бутанинг панасида биттадан махфий хизмат ходими биқиниб турарди.

— Яна ой тўлипти, — деди Брежнев ранжиган оҳангда. — Авваллари ой тўлганини яхши кўрардим, энди ёқтирмайтман. Америкаликлар ойга қўнишгандан бери ойга қараёлмайдиган бўлиб қолдим. Назаримда, уларнинг ой бегида суваракдек ўрмалаб кетаётгани кўз ўнгимдан ўтаётгандек бўлаверади.

— Ой туфайли менга бошқа бир нарсанинг ташвиши тинчлик бермайди, — деди Бурдалаков. — Урушни эслаб кетаман. Разведкага бориш керак, аммо тепада ой чиқиб турипти. Баъзан шунақа алам қилиб кетадики, зенит тўпидан ойни ўққа тутгинг келиб кетади.

Грузин министрени қидиришга тўғри келмади, у бош корпуснинг фойесида узун бурунли, мўйловдор референти билан шахмат ўйнаб ўтирган экан.

— О, Эдуард, — деди хурсанд бўлиб Брежнев, — ўзимиз ҳам сени излаб юрандик.

Брежнев министрга ханжарни, ханжардаги ёзувни кўрсатди ва у нима маъно билдиришини сўради. Министр кўлида ханжарни айлангириб кўрди-да, референтга оширди. У ҳам ханжарни айлангириб кўрди, тирноғи билан тигининг даммини текширган бўлди, “пўлати Дамашқий экан” деди ва ханжарни ясаган устанинг фамилиясига эътиборни қаратди.

— О, о, — деди у. — Бу ҳақиқий Меладзенинг иши-ку.

— Кимнинг? — деб сўради Брежнев.

— Отар Меладзе, машҳур қуролсоз уста. Бу одамни бизда қуролсозликнинг Старивердиси деб аташарди.

Бунақа гапни эшитгач, Бурдалаков, “эҳ аттанг, совға масаласида сал шошибман-да”, деган ўйга борди. Лекин бунақа совға эвазига погонда яна бир юлдуз пайдо бўлиши мумкинлигини ўйлаб, бир оз хотиржам бўлди.

— Ҳа, ҳа, — деб кулиб юборди Брежнев. — Мен ўзимни Ойстрах деб ҳис қила бошладим.

— Нега Ойстрах деб ҳис қиласиз? — деб сўради министр Эдуард.

— Гапни ҳам қотирасан-да, — деб хижолат билан ерга қаради Брежнев. — Лекин бу қиёс унга маъқул келгани яққол кўриниб турарди. — Хўш, ёзувчи? У қандай маъно англатади?

— Менимча, — деди референт ва чиндан-да, ўйланиб қолди. — Бу ерда, менимча, битта вергул етишмаяпти. Дўстни асрайди вергул — душманни қийратади деб ўқиш керак.

— Аҳа, — деди Брежнев хурсанд бўлиб. — Демак, дўстни асрайди, душманни қийратади. Лекин бари бир, ҳеч нарса тушунганим йўқ.

— Нега энди? — деб сабр-тоқат билан тушунтира бошлади референт. — Дўстни асрайди, яъни унинг бошига оғир иш тушиб қолса, унга ёрдамга келади, душманни эса маҳв этади, уни мағлуб қилади. Пастернакнинг бир сатри бор эди, эсингиздами? “Ғалабадан мағлубиятни ўзинг фарқламоғинг ғоятда мушкул”.

— Буни қара-я. Жуда осон гап экан-ку.

## 16

Ҳозир унутилиб кетаётган сиёсий арбоб Леонид Ильич Брежнев ҳаётнинг ҳамма лаззатли томонларини жуда яхши кўрарди. Аёллар масаласида суягн йўқроқ эди, ширин таомнинг гадоси эди, қимматбаҳо автомобилларга, моддий шаклларда ифода қилинган ҳурмат-эътиборга, орденларга, қуроолларга, олтинга, дури жавоҳирларга, ялтирайдиган, жаранглайдиган нарсаларнинг ҳаммасига муҳаббати зўр эди. Бундан ташқари у бировнинг мақташини ҳам жонидан ортиқ яхши кўрарди. Туғилган кунни эса мақтовлар учун ҳам, совғасаломлар учун ҳам жуда ўнг келадиган айём эмасмиди? Бундан ҳам яхшироқ баҳона бўлиши мумкинми?

Олтмиш уч ёш унчалик юбилейбоп сана бўлмаса-да, тўйболанинг ўзи ҳам, унинг меҳмонлари ҳам бу кунни жуда ўринлатиб нишонлашди. Турли-туман ўтқир ичимликлардан тўйиб ичилди, ҳар хил тотли таомлардан беҳисоб ейилди, бениҳоя кўп алёрлар айтилди, тўйболанинг сон-саноқсиз фазилатларини шарафлаб мадҳиялар ўқилди. Бурдалаков тонгги соат беш дегандагина ўрмалаб каравотига етиб борди, кун бўйи аста-аста ўзига келди, кечкурун эса “Пермь” крейсерининг шахсий состави олдида нутқ сўзлади (ҳарқалай, байроғи бу гал ҳам асқотиб қолди) фақат йигирма биринчи декабрда — яна бир бошқа улуг инсоннинг туғилган кунини тушшиқдан кейин Сочига жўнаб кетди.

Инсоф билан айтганда, эътироф этмоқ керакки, гарчи генерал Новороссийскда бўлган вақтини бошдан-охиригача кайф билан ўтказган бўлса-да, у Аглаяни бир неча марта эслади. Йўқ, йўқ, у ўзининг ҳаёт йўлини Аглая билан бир умрга боғлаш ҳақида ўйлагани йўқ, аммо ораларидаги муносабатларнинг қай бир даражага ўсиб етишини истисно қилмас эди. Аглая унга ўзининг тўғрилиги билан ёқиб қолган эди. У ноз-карашмани билмайди, кўзларини сузмайди, ҳамма нарса ҳақида ўзининг фикрига эга ва бу фикрини чайналмай тўша-тўғри айтади-қўяди. Айни чоқда у ҳали етарли даражада жозиблага эга. Шунинг учун генерал Сочига қайтишдан аввал ноёб буюмларни топшининг синалган йўлини ишга солди. У Новороссийск шаҳар партия кўмитасининг котибига, шаҳар ижроқўмнинг раисига кўнғироқ қилди, у ўз навбатида яна кимгадир кўнғироқ қилди ва, охир-оқибатда, Федор Федорович Новороссийск шаҳрининг бош универмагига бориб қолди. Бу ерда у “Заря” деган аёллар соатини ва “Москва чироқлари” деган атирни харид қилди — бу нарсаларни генералнинг марҳумаси яхши кўрарди.

Санаторийга у кечки овқатдан бир оз олдин етиб келди. Байроқни бурчакка кўйди, шинелини ечди ва совға-саломини кўтариб, кўкрагидаги орден-медалларини шилдирадиб қўшнисиникига йўл олди. Такаллуф билан аста эшикни қоқди. Ҳеч ким жавоб бермади. У яна бир марта тақиллатди. Эшик қия очилди-да, Бурдалаков қаршисидида Сталиннинг кўп йиллик сафдоши Вячес-

лав Михайлович Молотовни кўрди. Гарчи Молотов кўндан бери ҳокимият чўққиларидан улоқтириб ташланган ва имтиёзлар бобида иккинчи даражали номенклатура ходимларига тенглаштириб қўйилган бўлса-да, Бурдалаков бу одамнинг давлатда Сталиндан кейинги иккинчи одам бўлганини унутгани йўқ эди. Шунинг учун у Молотовни кўриб, ўзини йўқотиб қўйди — унинг оғзи очилганча қолди. Ундан “а”, “о”, “у” деганга ўхшаш маъносиз товушлардан бошқа овоз чиқмади. Молотов кўзойнагининг сал-пал қорайтирилган шишаси орқали Бурдалаковга, унинг погонларига ва орденларига сергакланиб қаради: бу генерал бирон фалокатни бошлаб келмаган бўлса гўрга эди. Қамоққа олишга келган бўлса ҳам ажаб эмас деган хавотир ўтди унинг кўнглидан.

— И-и, — деди Бурдалаков.

— И-и? — деб сўради Молотов.

— Йў-ў, — деб эътироз билдирди Бурдалаков.

— Тушунолмадим — сизга нима керак? — собиқ доҳийнинг аччиғи кела бошлади.

— Аглая Степановна қани? — деб ниҳоят тилга кирди Бурдалаков.

— Ҳеч қанақа Аглая Степановнани билмайман, — деди Молотов ва унинг юзига қарс этиб эшикни ёпди.

Бурдалаков пастта тушди, хўжалик мудираси Калерия Фроловнани топди. У Аглая Степановнанинг бугун эрталаб йўланмада кўрсатилган муҳлатидан ҳали бир ҳафта борлигига қарамасдан санаториядан кетиб қолганини айтди. Нима учун, қанақасига, нега кетади — Калерия Фроловна буларни билмас экан, Федор Федорович эса тусмолдан бу гапларни сезиб турарди.

## 17

Воқеа аслида мана бундай бўлган эди. Федор Федоровичнинг қўққисдан жўнаб кетгани Аглаяга сира ёқмади. Йўқ, Аглая Феодор Федорович масаласида жиддийроқ бирон нарсани мўлжаллагани йўқ эди. Тўғри, уларнинг сўнгги учрашуви бу масалада унинг кўнглида баъзи бир умидларни уйғотган ҳам бўлиши мумкин эди. Аглаянинг ранжиганига асосий сабаб шу бўлган эдики, унинг кетиши кутилмаганда содир бўлди, ҳолбуки Аглая бир-икки кундан кейин келадиган бир санани генерал билан бирга нишонлашни мўлжаллаб қўйганди.

Бу орада яна бир ёқимсиз воқеа рўй берди. 20-декабр куни эрталаб Динаничдан мактуб олди. Мактуб жимжимадор ёзувда ва ғалати бир услубда ёзилган эди:

“Яхшимисиз, Аглая Степановна. Эртангиз хайрли бўлсин. Балки ҳозир оқшом чоғидир. Мазкур мактубни сизга танишингиз, истеъфодаги полковник Д.И.Кашляев ёзмоқда. Сизга етиб маълум бўлгайким, мен сизга бизнинг мамлакатимиз ва бошқа халқларнинг улуғ саркардаси генераллиссимус ўртоқ И.В.Сталин таваллудининг тўқсон йиллиги муносабати билан ўзимнинг табрикларимни йўллаймаман. Шунинг билан бирга ижозатингиз билан сизга узоқ йиллар соғ-саломат бўлмоғингизни ва ширин-шакар турмуш кечирмоғингизни тилайман. Бошқа ёзадиган тайинли ҳеч нарса йўқ, ҳаво жуда совиб кетди. Аҳолини ўтин ва кўмир билан таъминлашда узилишлар сезилмоқда. Агар эшик ва деразаларнинг тапқи кўринишга қараб ҳукм қилинса, шунингдек, кўни-қўшнилари кўрсатмаларига қараганда, квартирангиз жойида, саришга, хавотир олманг. Бобомиз соғ-омон юрипти. Бўлди, бор гап шу. Сизга тилагим шуки, сиз тўлақонли дам олиш ва бир маромдаги овқатланишдан лаззат олингиз, негаки, бу нарса саломатлик масаласида ва ўзингизни яхши ҳис қилмоғингиз учун гоёта фойдалидир. Боқий сўз — хайр. Сизнинг танишингиз ўртоқ Кашляев Д.И. — истеъфодаги полковник.

...Шунинг баробарида ижозатингиз билан сизга шуни маълум қиламанки, куни кеча сизнинг кўшинингиз Шубкин М.С. жинойт содир этмагани учун қамоқдан озод қилинди. Унинг озод қилинишга баъзи бир гарб мамлакатла-

ридаги ашаддий аксилшўравий доиралар кўтарган норозилик шов-шувлари ҳам сабаб бўлди.

Диваничнинг мактуби, аниқроқ қилиб айтганда, мактубнинг ўзи эмас, балки унинг сўнггидаги бу хабар Аглаяга ёқмади ва унда кейин маълум бўлишча, асосли хавотирлар тугдирди.

## 18

Ўша куни Аглая вақтлроқ ётди. Ҳаво очиқ эди. Осмонда тўлин ой нур сочмоқда. Аглая анча вақт ойма тикилиб ётди. Бир вақтлар ўтган замонларда Андрей Ревкин шунақа тўлин ойда унга нималарнидир кўрсатган эди. Ҳозир ўша кўрсатганларини топмоқчи бўлди. У пайтларда Аглая ҳали Андрейга тегмаган эди, Андрей унинг жанговар дўсти эди, холос. Ўшанда улар НКВД отряди билан биргаликда қишлоқда коллективлаштиришни ўтказувчи комсомол ёшлар гуруҳи таркибида оқшом чоғида Грязное деган қишлоқ бўсағасига келиб қолишди ва тонг отгунча бир фарам пичаннинг устида ётишди. Сокин ва ойдин тун эди. Теварак-атрофда ўтлоқ ва унинг устида унда-бунда сочилиб ётган гарамлар қорайиб кўринарди. Яккам-дуккам дарахтлар гўёки қайларгадир санғиб кетишяётганга ўхшар ва нарироқда улар бирлашиб, дарёдан кўтарилаётган оқш туман бағрига синғиб кетарди. Туман бағрида қишлоқдаги нотекис қурилган ёғоч уйлар қоп-қорайиб кўринарди. Қишлоқ уйкута гарқ бўлган, ҳаммаёқда сукунат ҳоким эди. Фақат ўқтин-ўқтин итларнинг жон ҳолатда ҳуришлари ёки чўзиб ҳуришларигина бу сукунатни бузарди. Аввал бир ит увлашга бошлар, кейин яна бири унга жўр бўлар, кейин учинчиси қўшилиб, кўплашиб улишга тушишарди. Улиганда ҳам бири иккинчисидан ўтказишга қасд қилгандай, жон-жаҳдлари билан улишар ва бу улишдан ҳатто фарамда ётган одамларнинг ҳам юрагини ваҳима босарди. Аммо ярим тунга бориб итларнинг уни ўчди ва ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди. Фақат пичаннинг гижирлаши ва чигирткаларнинг чириллаши эшитиларди, холос. Ҳар хил ялғироқ кўнғизлар худди самолётдек физиллаб учиб туришарди. Андрей Аглаянинг ёнига сурилди-да, қўли билан тимирскилаб, унинг кўкраklarини эзгилай бошлади. У пайтларда ҳали Аглаянинг кўкраги диркиллаган, ҳеч кимнинг қўли тегмаган эди. Аввалига Андрей гимнастерканинг устидан ушлади, кейин бир-иккита тугмасини ечиб, қўлини ичкарига тикди. Аглая ҳам унга талпинди, лекин ихтиёрини Андрейга беришдан аввал ундан ёши каттароқ ва назарий жиҳатдан пухтароқ ўртоқ сифатида иккита большевик партиянинг муҳим топширигини бажараётган, мана шунақа иккинчи даражали иш билан шуғулланиши мумкинми, деб сўради. Андрей унга “мумкин” деб жавоб берди ва далил сифатида Марксни мисол қилиб келтирди. Маркс биронта ҳам инсоний сифат менга бегона эмас деган экан. Ўртоқ Ленин ҳам Инесса Арманда ёзган мактубида материалист ва реалист бўлиш большевиклар табиатнинг объектив қонуниятларини бекор қилаолмайдилар ва ҳар хил жинсга мансуб бўлган партиядош ўртоқлар ўртасида бир-бирларига интилиш бўлиши мумкин деган экан. Бу интилишни босиб қўйиб бўлмайди, ундан қочиб қутулишнинг ҳам иложи йўқ, шунинг учун бир жинсга мансуб ўртоқлар иккинчи жинсга мансуб ўртоқларни тушунмоқлари керак ва ҳар иккала томонда туғилган иштиёқни қондириш керак, шунда улар чиндан-да муҳим бўлган топшириқларни бажаришдан чалғимайдилар.

Ревкин Аглаяни ишонтирди ва Аглая унга ўзини бахш этди, лекин бундан аввал уни биринчидан, мен ҳали қизман, иккинчидан, ҳозир бола кўришни истамайман деб огоҳлантирди. Аглая бу иш биринчи марта бўлганида қаттиқ оғриқ беради деб эшитган эди, шунинг учун Андрей ишини бажаргунча юраги така-пука бўлиб ётди. Кийим-боши расво бўлмасин учун Аглая белидан пастдаги ҳамма нарсасини ечиб ташлади. Аммо Андрей ўз кийимларини бир ёқлик қилиб бўлгунча Аглаянинг эҳгирози сўниб бўлди ва унда энди фақат қизиқиш қолди. Қизиқиш-у кўркув... Лекин кўрққани беҳуда бўлиб

чиқди. Уни шу нарса ажаблантирдикки, унга оғриқ ҳам билинмади, ёқимли ҳам бўлмади, ёқимсиз ҳам бўлмади. Қайси бир дақиқада унинг назарида ҳатто Андрей адашиб кетгандай туюлди, фақат қўлини чўзиб текшириб кўргандан кейингина бунақа эмас эканига ишонч ҳосил қилди. Ишини бажариб бўлгач, Андрей Аглаяни ҳомила бўлиб қолишидан эҳтиёт қилиб, қорнига тўкди. Аглая қўлини тикиб, таъмини кўрди. “Қалай, ширинми?” деб сўради Андрей. Аглая: “ҳом тухумнинг мазасига ўхшайди” деб жавоб берди. Андрей бир оз чўзилиб ётгандан кейин сўради: нега сен қизман дединг? Аглая жавоб берди: қизман деганимнинг боиси шуки, мен ҳақиқатан ҳам қиз эдим. Мен, умуман, ҳеч қачон ёлгон гапирмайман, сенга ҳам ёлгон гапирмоқчи эмасман. “Нега бўлмаса, қон чиқмади?” деб сўради Андрей. “Ўзим ҳам ҳайронман”, деб жавоб берди Аглая. Кейин Аглаяга врач тушунтириб берди — у табиатан шундай яратилган экан, шунақаси ҳам бўларкан, жинсий алоқадан кейин ҳам ҳеч нарса ўзгармас экан, шундайлигича қолаверар экан. Аглаяда бу ҳолат фарзанд кўргунигача давом этди. Шундай қилиб, Аглая ўзини туққанга қадар ҳеч муболағасиз бокира деб ҳисоблаши мумкин эди ва қай бир маънода у туққанидан кейин ҳам бокиралигича қолган эди.

Шундан кейин Аглая билан Андрей чалқанча ойга тикилиб ётишди. Андрей ундан “кўряпсанми, Ойда акаси укасини сўймоқда?” деди. Аглая “нима, у ерда ҳам синфий кураш бўляптими?” деб сўради. У кулиб юбориб жавоб берди: “У ерда синфий кураш бўлиши мумкин эмас, чунки у ерда синфларнинг ўзи йўқ”. Аглая бу гал ҳам ҳеч нарса тушунмади ва у ерда синфсиз жамият куриб бўлинган бўлса керак деб ўйлади. Андрей яна кулиб юборди ва у ерда жамият деган нарсанинг ўзи йўқ, чунки унда, умуман, биронта тирик жон йўқ, деб жавоб берди. Бўлмаса, акаси нега укасини сўяди? У қанақа ака ўзи? Андрей Аглаяга ётиги билан тушунтирди. Ойда ҳеч қанақа ака-ука йўқ. Лекин анави доғларга тикилиб қараса, улар одамларга ўхшайди, уларнинг баъзилари бошқаларини сўяётганга ўхшайди. Ана, кўряпсанми? Кўряпсанми? — деб сўради Андрей. — Йўқ, — жавоб берди Аглая, — доғларни кўряпман-у, одамларни кўрмайман. Шунда у қизга “сенда хаёлот деган нарсанинг ўзи йўқ экан” деди. У ўзи тўғрисида бунақа гапни илгари ҳам эшитганди. Мактабда ўқиб юрган кезларида битта ўқитувчиси энсаси қотиб, “сенда на фантазия бор, на юмор туйғуси бор, на гўзалликни тузукроқ ҳис қиласан” деган эди. Унинг синглиси Натальяда (у Аглаядан бир ёш кичик эди, лекин у билан бир синфда ўқир эди) ўқитувчи фантазия ҳам бор деди, гўзаллик туйғусини ҳам кўрди, яна бир нарса — бир нарсаларни кўрди (кейинчалик директорнинг кабинетига у билан ётиб тургандан сўнг) яна нималардир бор эди, Аглаяда эса ҳеч вақо йўқ экан. Лекин бу нарса уни сира ташвишга солмас эди, чунки унда бошқа туйғулардан ташқари ўзида бирор қусур ёки нуқс борлигини ҳис қилиш ҳам йўқ экан. У ҳазил-мутойибани ҳаммавақт ҳам тушунавермасди ва шеър, балет, операга ўхшаган нарсаларнинг нима зарурлиги борлигини билмас эди. Ахир, одамлар ҳаётда шеър билан гапирмайди-ку, ёхуд уларга ўқ тегса, рақсга тушишмайди, ўлим тўшагида ётишганда қўшиқ айтишмайди. Аглая бу санъатларнинг мавжудлигига фақат фавқулодда ҳоллардагина йўл қўймоғи мумкин эди — улар инқилоб ёхуд уруш қаҳрамонларини мадҳ этгандагина, совет аскарларининг жанговар руҳини кўтаргандагина, ёки халқ оммасига социалистик режаларни бажаришга ёрдам бергандагина зарур бўларди.

Аглая ўзининг номерида ётипти. Деразадан ой нур тўкиб туришти, ойнинг юзидаги доғлар ҳам кўриниб туришти. Булар ўша доғлар эди, лекин ҳали ҳам оддий доғнинг ўзи эди, уларда ҳеч қанақа ака-укалар ёхуд биродарлар кўринаётгани йўқ эди. Аглая Андрейнинг ойга узоқ қараб бўлмайди, касал бўлиб қоласан, кечаси қип-яланғоч аҳволда томма-том юрадиган одат чиқарасан деган гапларини эслади. У кўрқиб кетди. Аглая кечалари қип-яланғоч аҳволда томма-том юрмоқчи эмас эди, унинг ёшида бу иш хатарли эди, ундан ташқари кап-катта хотин қип-яланғоч юрса уят бўларди-да. Аглая кўзларини юмиб,

деворга ўтирилиб олди, анчадан кейин кўзларини очди-ю, ўзи истамаган нар-саси рўй берганини кўриб лол қолди — у қип-яланғоч ҳолда томда турарди. Андрей айтган касалга жуда тез ва осон чалиниб қолганига ҳайрон бўлди. Аг-лая заррача ҳам кўрққани йўқ, лекин яланғочлиги ва томдан кетиб бораётга-ни, хаҳо кетиб бораётганигина эмас, ўқтин-ўқтин пайпоғи билан томга ен-гил-енгил тегиниб, худди парвоз қилиб кетаётгани унга ғалати ва қизиқ кўринди. У бирпастда том тугаб қолишидан умидвор бўлди, лекин том ҳаддан ташқари узун экан. Аввал том қиррали ва қия эди, кейин ясси ва текис бўлиб қолди. У текис эди-ю, лекин қайси томонга қарама, кети-охири кўрин-мас эди. Аглая югурди, югурди, унга халта кўтарган, чемодан ушлаган одам-лар рўпара кела бошлади, уларнинг сафларининг ҳам кети-охири кўринмас, улар тўхтамасдан шитоб билан кетиб боришарди, лекин кетиб бораётган жой-ларида Аглаяга ўтирилиб қарашарди. Аглая эса нима қилишини билмасди — устида уст-боши йўқ, бирор нарсанинг панасига ўтиб яширинишнинг ҳам иложи йўқ, томда на биронта мўри, на бошқа бирон пана бўладиган нарса бор. Аглая кўққисдан бир нарсани кўриб қолди, аввалига бу нарсани Аглая мўри бўлса керак деб ўйлади, лекин у мўри эмас, шоҳсупа экан. Шоҳсупага “И.В.Сталин” деб ёзиб қўйилган, лекин унинг устида устига генералиссимус шинелини кийиб олган, қўлида “Даешь Берлин” деган ёзувли байроқ билан тирик Брежневнинг ўзи турганмиш. Аглая эҳтиром билан сўрапти: “Сиз ҳам Берлинни олганмисиз?” У жавоб беришти: “Бўлмаса-чи? Федор Федорович би-лан икковимиз олганмиз”. “Мен билмаган эканман, — дебди Аглая. — Ста-лин қасқда эди?” “У мана бу ерда турганди”. “Қаерда у ҳозир?” “Анави то-монда”. Аглая Брежнев кўрсатган томонга югуриб кетди. Бир оз югургач, Ста-линни кўрди, тўғрироғи, Сталиннинг орқасини кўрди. У нима тўғрисидадир хаёл суриб кетиб борарди. Кетиб борар экан, оёқлари билан худди тўпни олиб кетаётгандай ҳаракатлар қиларди. Аглая Сталинни олдинда хатар кутиб турга-нини биларди, уни огоҳлантирмоқчи бўлди, хатарнинг олдини олмоқчи бўлди ва жон-жаҳди билан югуриб кетди, бироқ бирдан тойиб кетди-ю, томдан ерга қулаб тушди. Бунга ўзи ҳайрон бўлди, негаки, кечаси ойдинда томда яланғоч юрадиган хасталар ҳеч қачон йиқилмайди, деб эшитган эди. Аглая аввал ҳайрон бўлди, кейин кўрқиб кетди. Шу аснода у уйғониб кетди ва анчагача нима бўлаётганини, қаерда эканини биллолмай ётди.

Ҳали тонг отгани йўқ. Ой нур сочишда давом этипти. Аммо бу пайтга ке-либ ой ҳам уфққа анча ёнбошлаб қолган эди. Аглая каравотнинг бош томони-даги чироқни ёқди, қўли билан тимирскилаб, жавонча устидаги соатини топди-да, чироққа тутиб қаради. Соат йипирма минути кам олти эди.

Аглаянинг уйқуси ўчиб кетди. Кўрган туши аниқ-таниқ миясида эди. Бу тушнинг қандай маъноси борикин? Кейин кўққисдан эсига тушди — бутун 21 декабр-ку. Унинг туғилган куни. Тўқсон ёшга киради. Тўқсон ёш — катта ёш, — деб ўйлай бошлади Аглая, — лекин бир хил одамлар бемалол тўқсон-га етиб боришади. Унинг холаси Елена Григорьевна тўқсон олти ёшда вафот этганди. Жуда енгил, ақли қосир, бировга сариқ чақалик фойдаси тегмайдиган аёл эди. Нега энди Сталиндек одам ҳеч бўлмаса юзга кирмайди? У яна қанча иш қилиб улгуриши мумкин эди.

Аглая тезгина кийиниб пастга тушди. Пастда телефон турадиган столнинг ёнида энсизгина каравот устида навбатчи Екатерина Григорьевна уқлаб ётар-ди. Қалин тўқилган пайпоғини болдирига тушириб қўйишти. Оёғига кигиз шип-пак кийиб олипти. Зинада қадам товушини эшитиши биланоқ навбатчи дар-ҳол уйғонди, оёғини полга осилтириб олди, сўнгра аввал эшикнинг ёнида турган катта соатга қаради, ундан кейин Аглаяга саволчан назар ташлади.

— Ассалому алайкум, — деди Аглая.

— Ваалайкум... — деб жавоб берди навбатчи аёл ўша пайтда расмга кира бошлаган одатга кўра алиқни чала олиб.

— Газеталарни соат нечада олиб келишаркин, билмайсизми? — деб сўради Аглая.



Екатерина Григорьевна яна бир марта соатга қараб олиб, эсноғини босиб жавоб берди:

— Соат тўққизда олиб келишади. Нима эди?

— Олдинроқ бирон жойдан газета топишнинг иложи йўқмикин, — деб сўради Аглая.

— Денгиз, — деди навбатчи аёл оғзини катта очиб эснаркан кафти билан уни тўсиб. — Вокзалида... — Бошини сарак-сарак чайқади.

Аглаянинг омади бор экан — денгиз вокзалидаги киоск очилган экан. Газеталарни ҳозиргина маҳаллий босмахонадан олиб келишипти. “Правда”нинг матрицаларини самолётда олиб келиб, шу ерда босишарди. Аглая газетадан бир дона сотиб олди. Газетадан нафақат бўёқ ҳиди келарди, балки у босмахона машинасидан чиқмагану, ҳозиргина тандирдан узилган нондай илиққина эди. Аглая газетанинг биринчи саҳифасида “И.В.Сталин таваллудининг 90 йиллигига” деган йирик ҳарфлар билан терилган мақолани кўрди. Мақола катта бўлиб, бир подвал жойни эгаллаганди. Шу заҳотиёқ унга нимадир маъқул бўлмади. Эҳтимол, Сталиннинг суврати берилмагани ёқмагандир. Эҳтимолки, “Ўртоқ Сталин таваллудининг...” демай жўнгина И.В.Сталин таваллудининг...” дейилгани таъбига ўтиришмагандир. У ҳовлиқиб, мақолани шу ернинг ўзида ўқиб чиқмоқчи бўлди, лекин кўзойнагини унутиб қолдиргани эсига тушди, кўзойнак бўлмаса, кўзи йирик ҳарфларни ўқишдан бошқага ярамас эди. Шоша-пиша меҳмонхонага йўл олди. Навбатчи аёл ўтирган жойини супуриб-сидириб қўйишти, ўзи телефоннинг ёнида ўтиришти.

— Газета олдингизми? — деб сўради у хушмуомалалик билан.

— Олдим, — деб тўнғиллади Аглая ва мақолани тезроқ ўқиб чиқишга шошилиб хонасига кўтарилди.

Мақола уни ларзага солди. Эҳтимолки, Калнинг йигирманчи съезддаги нутқи ҳам уни бунчалик ларзага солган эмас эди. Калдан-ку бирон тузукроқ нарсани кутишнинг ўзи номаъқулчилик эди. Мақола кишини умидвор қиладиган руҳда бошланган эди. Бу мақола ҳам Кал даврида пайдо бўлган кўплаб мақолалардан ҳеч нарсаси билан ажралиб турмас эди. Сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган мақола эди. Унинг баъзи бир хизматлари эътироф этилганди, аммо эътироф этишнинг ўнлаб “лекин”лари бор эди. Ёшлик йилларидан бошлаб инқилобий ҳаракатга қўшилган. “Звезда” ва “Правда” газеталарини ташкил қилишда фаол ишгирок этган. Большевиклар фаолиятига раҳбарлик қилишда қатнашган. Бошқалар билан бирга троцкийчиларга, ўнг оппортунистларга қарши курашга раҳбарлик қилган.

“Бошқалар билан бирга” эмиш. Ҳолбуки, “Ленин билан биргаликда” дейиш керак эди. Энг асосийларидан бири эмас. Иккинчи устундаёқ яна бир шармандали гап айтилган. “Сталиннинг фаолиятини баҳолашда КПСС Марказқўмининг 1956 йил 30 июндаги “Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини бартараф қилиш тўғрисида”ги қарорини дастуриламал деб билади”.

Мақоланинг ундан кейинги қисми турган-битгани расво эди. “Шу билан бирга Сталин назарий ва сиёсий хатоларга йўл қўйди. Бу хатолар, айниқса, унинг ҳаётининг сўнгги даврида жуда оғир характер касб этди... Ундан кейин аста-секин ленинча принциплардан чекина борди... Асосиз равишда демократияни чеклаш ва социалистик қонунчиликни кўпол равишда бузиш фактлари, асосиз қатлиомлар... душман ҳужумининг муҳлатларини аниқлашда муайян хатоларга йўл қўйди... Ўзининг XX съездида партия шахсга сиғинишни фош қилди ва қоралади. Партия... тиклаш бўйича жуда катта ишларни амалга оширди...”

Буларни ўқиб Аглая жинни бўлиб қолаёзди. У газетани мижғилади, бурда-бурда қилиб йиртди, уларга туфлаб ташлади ва туфланган кўйи оёқлари остига ташлаб топтади. Кейин тўсатдан хаёлига келиб қолган бир фикр уни саросимага солиб қўйди, уни бу ерга атайин юборишган бўлишса-я? Алдаб уйдан чиқариб олиб, Аглая йўқлигида унинг ҳайкалинини олиб чиқиб кетишса, олиб бориб ахлатхонага ташлашса нима бўлади. Улар бошқа шаҳарлардаги

унга қўйилган ҳайкалларнинг ҳаммасини шундай қилишди-ку. Улар анави генерални ҳам Аглаянинг ёнига атайин юборишган — генерал унинг кўнглини олиб, асосий масаладан чалғитиб турган.

— Қип-қизил аҳмоқ эканман, — деди у ўзига-ўзи ва “аҳмоқ, аҳмоқ, аҳмоқ” дея сон-саноксиз марта такрор қила-қила, телефонга югурди ва навбатчидан тез такси чақириб беришни сўради.

Вақт ҳали эрта эди, иш кам эди, такси тез келди. Аглая катта чемоданини кўтариб тушди, навбатчи аёлга беш сўм берди ва у билан хайрлашиб, вокзалга йўл олди.

## 19

Аглаянинг омади юришиб, купелик жойга чипта олди. Йилнинг бу фаслида поездлар бўш бўлади. Сочидан Воронежгача у купеда ёлғиз ўзи келди. Унинг жойи пастда эди, лекин ўзи юқори каравотга чиқиб жойлашиб олди — бу ерда камроқ халақит беришади деб ўйлади. Кун бўйи ётди ва ўйини ўйлади, лекин ўйининг тагига етолмади. У ҳозирги раҳбарларни тушуна олмай хуноб эди. Ҳатто кални ҳам тузукроқ тушунарди. У доҳийни фош қилиб, шу билан мартаба орттирмоқчи бўлган, эҳтимолки, ўз вақтида камситиб хўрлаганлари учун Сталиндан аламини олмоқчи бўлгандир, шу йўл билан халқ ўртасида арзон обрў орттирмоқчи бўлгандир, Фарбга яхши кўринишга ҳаракат қилгандир. Булар-чи, булар? Қай мақсадда иш тутишяпти? Мамлакатни қасёққа олиб кетишяпти? Нима мақсадда? Хрушчевни ағдариб ташлашди, мафкуравий қарорлар чиқаришди, обкомларни қўшиб юборишди, журналларни ёшиб қўйишди, диссидентларни қувғин остига олишди?

Воронейда купега темирйўлчи кийинидаги бир одам чиқди. У кўп ўтмай тушиб кетди. Унинг ўрнига икки киши — танк қўшинлари майорлари ва яна бир аёл чиқди. Бу аёл майорлардан бирининг хотини экан. Эри уни Пончик деб чақирар экан. Офицерлар купега кириб, жойлашиб улгурмаслариданоқ бир шиша арақ чиқаришди, Пончик бўлса, газетага ўралган қовурилган товуқ олди. Пончикнинг эри вагон кузатувчисининг олдига бориб, чой ичадиган тўртта стакан олиб келди, иккинчи майор бошини кўтариб Аглаяга қаради:

— Мени маъзур тугадилар, хоним, улфатчилигимизга қўшилсангиз дегандик.

— Раҳмат, — деб таклифни рад этди, лекин бир оз ўтгач, йўқ деганига афсусланди. Айниқса, стаканларнинг жангир-жунгирини, товуқ суякларининг қисир-қисирини эшитиб, иштаҳаси очилди. Ҳарбийларнинг гап-сўзларига қараб, уларнинг Чехословакияда хизмат қилишларини билди. Аглая ётган жойидан бошини осилтириб, у ердаги аксилинқилобчилар нима қилишаётганини сўради.

— Қайси маънода? — деб сўради Пончикнинг эри.

— Чехларда аксишўровий кайфиятлар кучлими-йўқми — шунини билмоқчи эдим.

— Кучли, — деди майор.

— Тахминан ўзимиздагига ўхшаган, — деб гап қўшди унинг шериги.

— Менга қаранг, — деди Аглая ҳаяжонланиб. — Умуман олганда, армия муҳитида ўртоқ Сталинга муносабат қанақа?

Пастдагилар индамай қолишди. Бир оздан кейин Пончикнинг эри гапирди.

— Биласизми, хоним, ҳарбийларнинг бир олати бор — биз ичиб ўтирганда сиёсатдан гаплашмаймиз.

— Хушёрлигимизда эса инчунун... — деб аниқлик киритди иккинчи майор.

— Лекин умуман олганда, — деди Пончикнинг эри, — биз совет офицерларимиз, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини тўлалигича маъқуллаймиз.

Офицерларнинг кўнгилларидаги гапни айтишдан ҳадиксираётгани яққол кўриниб турарди. Уларнинг бундай феъли Аглаяни яна аламли ўйлар оғушига бошлади. Ҳозирги раҳбарлар одамларни қай аҳволга солиб қўйишди-я, деб ўйлади у. Ҳатто ҳарбий офицерлар ҳам ўз фикрларини очиқ айтишдан қўрқишади. Шундай деб ўйлар экан, унинг назарида авваллари жантовар офицерлар ўз фикрларини айтишдан қўрқмас эдилар.

Кечаси туш кўрди. Тушида аллақандай одамлар унинг уйидан Сталиннинг ҳайкалини тобутга солиб олиб чиқиб кетишяпти. Бу ишга Поросьянинов ва Микоян раҳбарлик қилмоқда. Бу тушни кўриб Аглая қўрқиб кетди ва худди кеча кечаси меҳмонхонада бўлганидек инқилаб, босинқирай бошлади.

— Сизга нима бўлди? — деб сўради Пончик хавотирланиб. — Бирор жойингиз оғрияптими?

— Йўқ, йўқ... — деди Аглая уйқусираб ва шу заҳоти яна ўкраб юборди — бу галги туши янада қўрқинчли эди — Сталин тирик эмиш-у, лекин ахлатхонада ётган эмиш.

Долговга етиб бориб, у вокзалда қандайдир самосвални тўхтатди ва шоферга бир сўм бериб, уйига етиб олди. Аглая зинадан югуриб чиқаётиб, юқоридан тушиб келаётган Шубкинга урилиб кетди ва уни йиқитаёзди. Шубкин ўзи яхши кўрган “Бригантина” деган қўшиқни хиргойи қилиб тушаётган эди.

Аглаянинг қўли қалтираб, ҳадеганда калитни қулфга сола билмади. Ниҳоят, бир амаллаб қулфни очди, Аглая эшикни итарди ва чемоданини остонанинг ўзида қолдириб, меҳмонхонага отилди.

У ўзининг жойида турган эди. Елкасини бир оз қисиб олган, маъюс, устини чанг қоплаган. Унинг авзойидан мағлубиятини узил-кесил тан олгани кўриниб турарди.

— Ўртоқ Сталин, — деди Аглая ва унинг қаршисида тиз чўкди.

Қўли билан унинг чўян оёқларини кучоқлади, бетини уларга қўйди-да, хўнграб йиглаб юборди.

•  
*Давоми бор.*

*Озод ПАРАФИДДИНОВ*  
*таржимаси.*



## Аҳмад ЯССАВИЙ

# Ҳикматлар

### 1

**Х**алқа курса эранлар, жон бер пир хизматида,  
Берк боғлагил белингни, жон бер пир хизматида.

Пир хизматида юргил, куйиб-ёниб қул бўлгил,  
Шароби антаҳур ичгил, жон бер пир хизматида.

Пир муридни чўпони, пир муридни имони,  
Йўқдир шавқи гумони, жон бер пир хизматида.

Пир муридни ҳадяси, рози андин худоси,  
Бўлур пушги паноси, жон бер пир хизматида.

Пирингга қилгил хизмат, пирингни қилма ғийбат,  
Муртад бўлурсан тоабат, жон бер пир хизматида.

Пирингни қил ибодат, бўлгай ишинг саодат,  
Пирсизлар ер надомат, жон бер пир хизматида.

---

### ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲИКМАТЛАРИ

Кўҳна Сайрам шаҳрида жуда кўп алломалар, фузалолар етишиб чиққан. Улар илм-фаннинг турли соҳаларида ижод қилганлар, барча туркий эллар маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшганлар. Жумладан, ўрта асрларда Қуръони Каримни тафсир қилган Қози Байзовий, турли илм-фанлар билимдони, фикҳ олими Ҳасан Байзовий, 37 та китоб ёзган Лутфилло Сарёмий, шайхулмашойих, файласуф Хожа Аҳмад Яссавий ва бошқаларнинг номлари жаҳон аҳли донишларига маълум ва машҳурдир. Бугун биз тасаввуф илмининг буюк намояндаси, Шарқ тасаввуфида муносиб ўринга эга бўлган, туркий шеъриятининг йирик вакили Аҳмад Яссавийнинг янги топилган ҳикматлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Сайрамда таваллуд топган ва жаҳоннинг кўп шаҳарларида таълим олган Хожа Аҳмад Яссавийнинг ота-боболари силсиласи Ҳазрат Алининг фарзанди Муҳаммад Ҳанафияга бориб тақалиши жамоатчиликка маълум. Ислом илмини, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифни пухта ўрганган Хожа Аҳмад Яссавий юртимизда Ислом динини кенг ёйишга катта хизмат қилди. Араб, форс тилларини пухта билган шоир ўз шеърларини туркий тилда ёзиб, халққа ислом таълимотини кенг тарғиб этди. Мана, тўққиз асрдан бери улуғ юртдошимизнинг ҳикматларини туркий халқлар қимматли хазина сифатида ўқиб, баҳра олиб келмоқда. Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари XIX-XX асрларда Қозон, Тошкент, Истанбул ва бошқа шаҳарларда қайта-қайта нашр этилган эди. Бу "Девони Ҳикмат" китобида шоирнинг 75 тагина, баъзиларида 150 та ҳикмати ўрин олган.

Пирсизлар пири шайтон, анда йўқдир ҳеч гумон,  
Гуё дўзахда чандон, жон бер пир хизматида.

Пир муридга раҳнамо, пир бўлсин сендин ризо,  
Пир ризо — Худо ризо, жон бер пир хизматида.

Хожа Аҳмад Туркистоний, пирлари Ҳамадоний,  
Бешак кўрсатур Худони, жон бер пир хизматида.

## 2

Ҳақ ёдини айтган кўнгил равшан бўлур,  
Зокир ёдин айтса кўнгил нурга тўлур,  
Фиску фасод зангорлари очилиб юрур,  
Кўнгил кўзин очиб анда кўрар дўстлар.

Қул Хожани хизматида жон бермайин,  
Толибларга дуру гавҳар кон бўлмайин,  
Муродига етмас киши қон бўлмайин,  
Ёлфон даво қилган йўлда қолур дўстлар.

Ҳақ зикрини кўнгил ичра жо қилмаса,  
Ўздин кечиб халқга таъя по бўлмаса,  
Очуқ юзлук гунчалайин во бўлмаса,  
Мақсудига начук анда етар дўстлар.

Эр бўлмади ул ким таъя по бўлмади,  
Мардонларни хизматида жо бўлмади,  
Гул гунчаси нам тегмади, гул бўлмади,  
Дуо олмай начук анда ётар дўстлар.

Пири комил мукамал бўлган киши,  
Шамси-қамар янглиғ ёрур ичи-тоши,  
Зарра қолмас кўнгил ичра ғулу ғашши,  
Назар қилса ҳар ёнини кўрар дўстлар.  
Таваккални рост қилгонлар йўлга кирур,

Истиклол замонлари келиб, Хожа Аҳмад Яссавийнинг "Девони Ҳикмат" китоби Тошкент, Олмаота ва бошқа шаҳарларда қайта-қайта нашр этила бошлади. Бу аллома шоирнинг дурдона меросига талабнинг катталигидан дарак беради.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг Сайрамда яшаган 39-40-бўғин набира авлоди Отахон Азизхон ўглининг жавонида бир қалин кўлёзмага дуч келдик. Не бахтки, салкам минг саҳифалик бу кўҳна китобда Хожа Аҳмад Яссавийнинг 200 дан ортиқ ҳикмати бўлиб, буларнинг орасида аввалроқ нашр этилган китобларда учрамаган анчагина ҳикматлар бор эди. Бу улкан хазина билан танишар эканмиз, у бундан 200-250 йил илгари китобат қилинган деган хулосага келдик.

Кўлёзма кўп ўқилганидан саҳифалари йиртилиб кетган, четлари қайта елимланган, вақт ўтиши билан айрим ҳарфлар ўча бошлаган аҳволда эди. Бу уни ўқишни қийинлаштирди. Туркий халқлар адабиёти, тили, маданияти, фалсафаси, тарихи ривожига катта ҳисса қўшган мутасаввуф шоир Аҳмад Яссавийнинг янги ҳикматлари ҳам халқ мулкига айланиши керак, деган ниятда уларни саралашга киришдик.

Ўзбек адабиётида ҳикмат жанрининг юзага келиб, ривож топишида катта хизмат қилган Султон Орифиннинг буюклиги янги ҳикматлари билан яна баландроқ гавдаланди. Бу ҳикматларда ҳам адабий тил жонли халқ тили асосида шаклланган бўлиб, Қуръони-Карим ва Ҳадиси Шариф йўл-йўриқлари ўқувчига шеърӣ сатрларда баён этилади.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг чуқур ва бой мазмунга эга бу янги ҳикматларида ҳам шоирнинг фалсафӣ дунёқараши кўзга яққол ташланади. Шоир инсонни яхшиликка — маърифат ва диёнатга чорлайди. Ҳикматларда комил инсоний фазилатлар: оддийлик, камтаринлик, меҳр-муҳаббат, ишқ-садоқат, ҳақиқат, адолат, инсоний тенглик, илм, иб-

Андишадин кўнгил уйин холи қилур,  
Аждар ютса олим юзин билмас недур,  
Ҳақдин қўрқсанг барча сендин қўрқар дўстлар.

Қул Хожа Аҳмад мосуводин кўнгил уздур,  
Ҳиммат қилиб ҳақ ёдига кўнгил кездур,  
Эранларни хизматида ушбу сўздур,  
Ҳиммат қилгон сир дарёга чўмар дўстлар.

## 3

Туркистоннинг еринда холи эрмас эранлар,  
Ҳар бир қулоч еринда, ётур мардон эранлар.

Қутб-ул ақтаб ҳар бири Туркистондур манзили,  
Йиғилсалар бир ерга Туркистонни тузарлар.

Лашкар тортиб ҳар подшоҳ келса булар устига,  
Ботин билан барчасин зеру забар қилурлар.

Ҳар ким адаб сақламай Туркистонга қўл сунса,  
Қачон қўяр бир соат, тутиб бўғзин бичарлар.

Золим агар беадаб зулм айласа элига,  
Золим зулми билинса, филҳол ани урарлар.

Риоя қил халқини, яхши тингла додини,  
Ризо қил бир туркийни, мадад санга қилурлар.

Қул Хожа Аҳмад сан доим эранларга қил дуо,  
Қил Таважжуҳ аларга, ишнинг осон қилурлар.

дат улуғланади, кенг тарғиб этилади. Шунингдек, шоир ўз ҳикматларида ёмонлик, нодонлик, жаҳолат, адолатсизлик, нафсга берилиш сингари иллатларни танқид қиладди, қоралайди. Айни чоғда ёмон иллат эгалари жаҳаннамга маҳкум эканлиги таъкидланади.

Топилган янги ҳикматларни шу кунларда машҳур қозоқ шоири Исроил Сафарбоев қозоқ тилига таржима қиляпти. Шунингдек, янги ҳикматлардан камина тайёрлаган мажмуа Истанбулда нашр этилди.

Умид қиламизки, Аҳмад Яссавийнинг жамоатчиликка маълум бўлмаган яна янги ҳикматлари топилиши мумкин. Зеро, улуғ юртдошимиз ўзи айтганидай:

Қул Хожа Аҳмад, ҳар бир сўзинг дардга дармон,  
Толибларга баён қилсам, қолмас армон.  
Тўрт минг тўрт юз ҳикмат айтдим, ҳақдин фармон,  
Фармон бўлса, то ўлгунча бўзласам ман.

Кўраяпсизки, ҳазратнинг биз билмаган ҳикматлари ҳали жуда ҳам кўп. Буларни излаб топиш ва халққа етказиш мақсадга мувофиқдир. "Ғариб Аҳмад сўзи ҳаргиз қаримас, агар ер остига кирса чиримас", деганди шоирнинг ўзи. Ана шундай умрбоқий ҳикматлар эл мулкига айланиши айни савобдир.

Ҳозир Сайрамда сақланаётган минг саҳифалик ҳикматлар тўпламида Яссавийнинг жуда кўп шоғирдлари ижодидан намуналар ҳам берилган. Уларнинг ижодидида ҳам, Аҳмад Яссавий сингари Қуръон ва Ҳадис йўриқлари у ёки бу мавзуда таъкидланади.

Инсонни маърифатга, солиҳ амалларга, ҳалолликка чорловчи бу асарлар ҳам тадқиқ этилса ва матбуотда ёритилса, улуғ ва савоб иш бўларди.

Мираҳмад МИРХОЛДОР ўғли.  
Сайрам қишлоғи,  
"Сайрам" музейи мудири.

## 4

Қаъба тавоф қилай десанг, бузма, кўнгилни овлағил,  
Ҳирсу таманно лашкарин шаҳру вужуддин қувлағил,

Барча китоб маъносин ўқур одам ўланлар,  
Барча кўнгил қиссасин бузма, кўнгилни овлағил.

Қаъба бино қилди Халил, кўнгил бино қилди Жалил,  
Йўқдур бу сўзда “қийлу қол”, бузма, кўнгилни овлағил,

Қаъба Халил ранжидур, кўнгил Халилнинг ганжидур,  
Кўнгил бузган ёлғончидур, бузма, кўнгилни овлағил.

Ошиқ куллар Ҳаққа етар, ҳар манзилга тушиб ўтар,  
Муродиға ботроғ етар, бузма, кўнгилни овлағил.

Кул Хожа Аҳмад мўъмин деб, охиратни гамин еб,  
Ҳақ дийдорин кўрай деб, бузма, кўнгилни овлағил.

## 5

Одам ўғлин оздурғон нафсу ҳаво эмасму?  
Чиркин дунёга солғон нафсу ҳаво эмасму?

Дин ишини қўйдурғон, дунёлиғни суйдурғон,  
Кибр тўнин кийдурғон нафсу ҳаво эмасму?

Манлик отин миндирғон, ёмон-ёзуқ қилдурғон,  
Ҳаром молни йигдурғон нафсу ҳаво эмасму?

Ҳирс уйини тезлатган, яхши-ёмон сўзлатган,  
Заҳри қотилга солғон нафсу ҳаво эмасму?

Ота-она, ўғил-қиз, бир-биридан айирғон,  
Улуғ қайғуга қўйғон, нафсу ҳаво эмасму?

Эй Кул Аҳмад, Ҳаққа ўй, нафсинг сўзини сан қўй,  
Бил, ёлғончи, ғаразғўй нафсу ҳаво эмасму?

## 6

Ийди Қурбон ойи келди, келинг, дўстлар,  
Зоҳир-ботин равшан қилиб дийдор кўрунг,  
Эътикофда холис бўлиб нафсни урунг,  
Жону дилни бир тан қилиб дийдор кўрунг.

Нафсни уруб дин қалъасин қилинг холи,  
Аллоҳ десанг келур ғайбдан овоз-уни,  
Беҳабарлар билмас эрмуш сўз захмини,  
Жону-дилни эҳсон қилиб дийдор кўрунг.

Нафсни уруб дин қалъасин қилинг омон,  
Инъом берса сан эрурсан онда шодмон,  
Рўзи маҳшар хожанг боқар санга чандон,  
Нафсни уруб тонгла онда дийдор кўрунг.

Тавба қилсанг Лупух каби тавба қилгил,  
 Андин сўнгра Ҳақ раҳматин боқиб кўргил,  
 Нодонликда умринг ўтди, инсоф қилгил,  
 Ҳақдин кўрқиб инсоф қилиб дийдор кўрунг.

Ҳайвон қилмай одам қилди кўрмоқ учун,  
 Қиёматнинг шиддатидин ҳуркмоқ учун,  
 Ҳақ қаҳридин кўрқиб ёшинг тўкмоқ учун,  
 Вовайло то афғон қилиб, дийдор кўрунг.

Эй булҳавас, ошиқ бўлсанг жондин кечгил,  
 Тун уйқуни ҳаром қилиб, ёшинг сочгил,  
 Андин сўнгра шавқ шаробин тўё ичгил,  
 Жондин кечиб, жоно бўлиб дийдор кўрунг.

Неча айтсам эшитмассан, эй беҳабар,  
 Нодонларга токай чекай хуни жигар,  
 Доно бўлсанг ҳар бир сўзум дуру гавҳар,  
 Гуҳар топиб афғон қилиб дийдор кўрунг.

Қул Хожа Аҳмад тавба тўнин киймоқ керак,  
 Ҳақдин кўрқиб нафси шумни қўймоқ керак,  
 Халқдин кечиб ёлғиз Ҳақни суймоқ керак,  
 Аслинг туфроқ султон бўлиб дийдор кўрунг.

## 7

Холиқимни изларман, ҳеч билмасман, қайдадур,  
 Қуръон ичра оят бор, қайда десам андадур.

Жонлар боши йўлдадур, мақсуд эранлардадур,  
 Эр суҳбатин тиласанг нафсин ўлтиргандадур.

Нафс уйидир кибру кин, анда йўқдур зарра дин,  
 Иқрорсизин келганлар шак билан гумондадур.

Манманлик қаттиқ тошдин, кўяр сени ҳақ ишдин,  
 Ишқ ила манманликни тошдек ушотқондадур.

Жоним жанондин келур, таним жанобат бўлур,  
 Танни ғусули сувдадур, жонни ғусули қайдадур.

Танни ғусулидир имон, такрор қилгил ҳар замон,  
 Такрор қилган ошиқлар учмоҳни ичиндадур.

Парда кўтар, эй санам, то жамолинг кўрайин,  
 Овоз келур пардадин одоб сақлагандадур.

Эранлар бир луқмани қирқ йилда пишурдилар,  
 Емаганни едурдилар карам эранлардадур.

Аё дўстим, биродар, туну кун йўлни кўзла,  
 Кўринг Хожа Аҳмадни кон била макондадир.

## 8

Аллоҳ деган орифларнинг кўрсам юзин,  
 Кеча-кундуз тинмай ёдин айтсам мано,  
 Охиратга Аллоҳ деб борур бўлсам,  
 Мен ҳам мудом Аллоҳ дею айтсам мано.



Қаю қулга Аллоҳ ёди бўлса ҳамроҳ,  
 Очилур кўзи, йўлин топар, бўлмас гумроҳ,  
 Ёдлик қулдин қочар эрмиш гафлат гуноҳ,  
 Рўзи қилса гуноҳлардин тонсам мано.

Тан-жон бирлан бир орифин тутсам илқин,  
 Ҳамроҳ бўлиб жоним бирлан десам ёдин,  
 Аллоҳ дею мани қўйса Раббисидин,  
 Нодон ўзум ул Орифни кўрсам мано.

Аллоҳ деган ошиқ қуллар топди давлат,  
 Топар давлат берса анга улуғ ҳиммат,  
 Ёри айлар ҳар кишини Қодир қудрат,  
 Бедор бўлуб ул ҳимматни топсам мано.

Аллоҳ деган орифларни кўз ёшани,  
 Зое қўймас Қодир эгам ҳар ишини,  
 Равшан қилур Қодир эгам ич-тошини,  
 Ман ҳам мудом тинмай Аллоҳ десам мано.

Қул Хожа Аҳмад тинмай Аллоҳ дегил,  
 Охиратни азобидин қайғу егил,  
 Нафсага мудом ҳалол луқма рўзи бергил,  
 Мўъмин бирла сўзлашибон ўлсам мано.

## 9

Олимлари илм бирла бўлди азиз,  
 Жоҳиллари жаҳл бирла бўлди ожиз,  
 Ким қул бўлур Ҳазратингда нидоматсиз,  
 Надоматда бўлуб қуллуқ қилмоқ керак.

Аллоҳ ёди кўнгилларда фано бўлса,  
 Очилур ботин қачон Рабдин нидо бўлса,  
 Мурид керак Боязиддик сафо бўлса,  
 Андоғ мурид муродиға етмоқ керак.

Мурид керак кўнглин тамом берса пирга,  
 Андин сўнгро пир назари бўлса анга,  
 Этагини маҳкам тутуб топшур анга,  
 Андоғ мурид мақсудига етмоқ керак.

Пир муриднинг Каъбасидур агар билса,  
 Шаксиз бўлур ул шаробни мурид ичса,  
 Қаю мурид пир сариға шак келтирса,  
 Қиёмат кун тўнғиз сурат қўбмоқ керак.

Бўлғум дею эранларни суҳбатида,  
 Каттиғ қўрқил Ал-Қария оятида,  
 “Евма якун аннос кал фаройиш” соатида,<sup>1</sup>  
 Қўп йиғлагил тонгла анда кулмоқ керак.

Бўйним қисиб келдим санга даргоҳинга,  
 Шайх Иброҳим фарзандлари Шайх Аҳмадга,  
 Лойиқ бўлдим дею келдим иродатта,  
 Бу дунёни тарки таслим қилмоқ керак.

<sup>1</sup> “Қуръон”нинг 101-ал-Қорна сурасидаги бир оят: “Ҳамма пахта уқпардай учиб кетадиган кун”.

Қул Хожа Аҳмад кечгул энди жондин равон,  
Кетсун энди ботинингдин ғафлат тамом,  
Туну куну пиширгил сен тилда имон,  
Мундин ўтиб ул манзилга етмоқ керак.

## 10

Замоно охир бўлса, аё дўстлар,  
Турлук-турлук балолари қўпар эрмиш,  
Ул балони ўзи суйган дарвешлари,  
Илкин очиб дуо айлаб қувар эрмиш.

Ул дарвешнинг азиз боши халқни йўли,  
Қайда борса таниб бўлмас қулнинг қули,  
Ошиқларни шайдо қилур учган қули,  
Ихлос билан боргон ошиқ топар эрмиш.

Ул дарвешни топсанг жонинг бермасмусан,  
Босқан изин кўзларингга сурмасмусан,  
Шому саҳар хизматида турмасмусан,  
Хизмат қилган ҳар сир кўрса ёпар эрмиш.

Жому жаҳоннамо бўлиб сирлар кўрғай,  
Кўрмадим деб ондин-мундин Ҳақни сўрғай,  
Навтолибдек халқа ичра ўзин урғай,  
Ғарибларни изин излаб ўпор эрмиш.

Пайғамбари охир замон суннатлари,  
Иброҳиму Ҳалиуллоҳ миллатлари,  
Фақир сўрмоқ Ҳақ Мустафо одатлари,  
Фақир сўргон имон билан борор эрмиш.

Ондоғ дарвеш ҳақдин ўзга қилмас калом,  
Хизр Илёс ғавсулғиёс анга ғулом,  
Зоҳирлари кимни кўрса қилғай салом,  
Ботинлари Ҳақ қиличдин чопар эрмиш.

Юз минг салом Ҳақдин паём анга келгай,  
Саҳар вақтда файзу футуҳ тўла олгай,  
Эътикофлик толиб борса назар қилгай,  
Ножинсларни суҳбатидан қувар эрмиш.

Ошиқларни Ҳаққа етган бул фарёди,  
Аршни бузар ошиқларни қилган доди,  
Рўза-намоз, тасбеҳлари Ҳақни ёди,  
Аҳлин топса кўз ёшини сочар эрмиш.

Ошиқларни Ҳақ бўйнига ғулар солгай,  
Малоиклар занжир солиб олиб юргай,  
Бир оҳ урса етти дўзах ўртаб куйгай,  
Дуди чиқса ою-кунни тутар эрмиш.

## 11

Келинг, йигилинг, зокир қуллар, зикр айталинг,  
Аллоҳ ёдин айтсанг ақлинг ортар эрмиш,  
Руҳ қушини титрар бўлса болу пари,  
Парвоз қилиб Аршдин курсга қўнар эрмиш.

Кулман деган тинмай Аллоҳ зикрин айтар,  
Ишқ ўтига куюб-ёниб фарёд этар,  
Нечалари умрин билмай елга сотар,  
Фафлат бирлан жаҳаннамга кетар эрмиш.

Охирзамон шайхи тузар суратларин,  
Зоҳид тақво қилмай бузар сийратларин,  
Каромат дер ҳўбу хаёл ривоятларин,  
Риё бирлан ўзин халққа сотар эрмиш.

Аё гофил, умрунг ўтар билсанг елдек,  
Кўз ёшингни оқуз доим оби селдек,  
Сени суёр фармонида мисли қулдек,  
Хожа суйса сени озод этар эрмиш.

Фафлат билан умрунг сени ўтар, билгил,  
Жонинг бирлан хизматини туриб қилгил,  
Кеча-кундуз даргоҳига муқим тургин,  
Хизмат қилган муродиға етар эрмиш.

Кул Хожа Аҳмад ҳикмат айтиб йиғла саҳар,  
Эранларни қилғонидин олгил хабар,  
Сўз аслини билганларга мисли гавҳар,  
Зоҳирига боқгон қуруқ қолар эрмиш.

## 12

Ҳеч билмадим начук кетди умрум мани,  
Сўрар бўлса ман қул онда на қилгайман?  
На бўлғуси йўлга солсанг ман осийни,  
Сўрар бўлса, ман қул анда на қилгайман?

Тузук йўлдин озғанимни билмадим ман,  
Ҳақ сўзини қулоғимга олмадим ман,  
Бу дунёдин кетаримни билмадим ман,  
Сўрар бўлса ман қул анда на қилгайман?

Кетганлардин ибрат олиб йўлга кирмай,  
Навҳа зори фарёд уруб ўзни билмай,  
Ман юрурман кеча-кундуз йўлни билмай,  
Сўрар бўлса ман қул анда на айгайман?

Жонинг чиқиб, танинг ётур тор лаҳадда,  
Сўрғувчилар кириб келса бу ҳолатда,  
Оқар ёшим, кетар ҳушум ўшал вақтда,  
Сўрар бўлса ман қул анда на айгайман?

Гофилликда юрур эдинг итдек шошиб,  
Танинг ётур тор лаҳадда куюб-пишиб,  
Иш қилмадинг бу дунёда елдек эсиб,  
Сўрар бўлса ман қул анда на айгайман?

Кул Хожа Аҳмад бу дунёдин тавба қилгил,  
Тавба қилиб йўл бошига бора тургил,  
Хос қуллардин йўлбошчини сўраб тургил,  
Сўрар бўлса ман қул анда на айгайман?

## 13

Қодир Мавлим қудратидин ибрат олиб,  
Куни йўлга кўнглим боғлаб олғум келур,  
Иброҳимдек Ҳақдин фармон тегса манга,  
Исмоилдек азиз жондин кечгум келур.

Нафсу ҳаво отин миниб бозор этиб,  
Евуқ-йироқ қариндошни озор этиб,  
Билмайин ман ўз-ўзимни ўтга отиб,  
Вақти бўлди ўтдин ўзим юлғум келур.

Кўз очилиб ҳаром танлар қувватланди,  
Нафси ҳаво такаббурлар бутогланди,  
Ишқ-муҳаббат ўти кўнглум ичра ёнди,  
Ул бутогни эмди ўзим кесгум келур.

Ошиқ учун Мусо Шуайб қулин кутар,  
Тасбиҳ айтиб Исо кўкда қуллуқ этар,  
Эрни дею Мусо Рабдин тилаб дийдор,  
Ҳақ йўлида Ҳаққа жоним бергум келур.

Далил сўздин сўзлаюрман дўст тилиндин,  
Ҳақиқатлар чиқмас эрмиш кирган йўлдин,  
Илм маъносин вужудига келтуруб ҳолдин,  
Ҳол сўзларин дўстлар аро айғум келур.

Шариатда имом кўтарур қавмининг юкин,  
Ҳақиқатлар бўлур эрмиш Ҳаққа тайин,  
Ҳақиқатни хуррами рост, ота Ҳақим,  
Иҳром боғлаб имомларга айғум келур.

### “ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲИКМАТЛАРИ” КИТОБИ ҲАҚИДА

Маълумки, мустақилликдан кейин шўро замонда асарлари кенг халқ оmmasига етказилмай келган бир қанча ижодкорларнинг, хусусан, тасаввуф адабиётининг вакиллари асарларини нашр этиш имконияти туғилди.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларининг юргимизда кетма-кет чоп қилиниши бу фикрнинг ёрқин исботи бўлиши мумкин.

Яссавий ҳикматлари 1991 йилда “Ҳикматлар” номи билан адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов томонидан нашр этилган бўлса, орадан бир йил ўтиб, “Девони ҳикмат”ни Расулмуҳаммад Абдушукуров нашрга тайёрлаб, ўқувчиларга тақдим этди.

Кейинги пайтларда “Девони ҳикмат” Туркияда, Қозоғистонда ва Туркманистонда ҳам чоп этилди. Яқинда сайрамлик тарихчи Мираҳмад Мирхолдор ўғли ва усмонли турк олими Метин Оқар “Хожа

Аҳмад Яссавийнинг янги топилган ҳикматлари” номли китобни Истанбулда нашр эттиришди.

Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу китобнинг чиқиши Аҳмад Яссавий меросини ўқиб-ўрганиш ва тадқиқ этиш учун маълум бир аҳамиятта моликдир.

Бу китоб Аҳмад Яссавий авлодидан бўлмиш Сайрамда истиқомат қилувчи Отахон Азлархон қўлида сақланаётган ҳикматлар мажмуасига асосланган.

Мираҳмад Мирхолдор ўғли ушбу китобнинг муқаддимасида “Шуни ҳам айтиш керакки, қўлёзманинг охириги қисмларида Аҳмад Яссавийнинг жуда кўп издошларининг ҳикматлари ҳам ўрин олган...” деган фикрни баён қилган.

Биз “Аҳмад Яссавийнинг янги топилган ҳикматлари”ни кўздан кечириб, олимнинг таъкиди тўғри эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Чунки китобхонлар

диққатига ҳавола этилган ҳикматларнинг бир қанчасини Яссавийга нисбат бериш мушкул. Бундан ташқари, уларнинг аксарияти “Девони ҳикмат”нинг бошқа нусхаларидаги ҳикматлар тилидан жиддий фарқ қилади. Масалан:

“Ўлум келмас санго сўзлаб,  
турубдур ул сани кўзлаб,  
Қутулмассан ўзунг гизлаб,  
яроғинг қил, аё ғофил”,

— деган мисралар Истанбул нусхасида:

“Келур бир от, эгари йўқ,  
бошинда ҳам юғони йўқ,  
Қаю кунға қарори йўқ,  
яроғинг қил, аё ғофил”,

— тарзида ўрин олган, ёки Тошкент нусхаларидаги:

Намозинг хуш яроғ бўлғой,  
ўқуғонинг жазо бўлғой,  
Бу исёнинг қабо бўлғой,  
яроғинг қил, аё ғофил, —  
мисралари янги нашрда умуман йўқ.

“Девони ҳикмат”нинг қадимги нусхаси бизгача етиб келмаганлиги кўпчиликка аён. Лекин кейинги асрлардаги қўлёзмалар, тошбосма нусхалар, юртимиздаги ва Туркиядаги жорий алифбода chop этилган нашрлар асосида “Девони ҳикмат”нинг қиёсий, яъни ишончли бир матнини тайёрлаш бир заруриятга айланди. Бу яссавийшуносликдаги энг муҳим ва алоҳида илмий-амалий қимматга эга бўлган иш ҳисобланади.

Мазкур изланишлар ҳам мана шу ишда ёрдам беради. Демак, яссавийшуносликда бош вазифа — Аҳмад Яссавий ҳикматларининг илмий-қиёсий матнини тайёрлаш. Ана шунда Яссавийнинг ижоди, тариқати, ҳатто таржимаи ҳолига доир бир қатор мунозарали масалалар ўз-ўзидан равшанлашади. Шунингдек, Яссавий мактаби шоирларининг “Девони ҳикмат”га қўшилган шеърларини ажратишни мақсад қилиб қўймоқ зарурдир.

*Нодирхон ҲАСАН,  
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги  
Тил ва адабиёт институти  
докторанти.*



Андрей АНАНОВ

# ОШИҒИМ ОЛЧИ БЎЛДИ

Қисса

## ТИНТУВ

**Х**аммаси олдиндан икир-чикиригача ҳисобга олиб қўйилган эди.

Ҳозир эшик тақиллайди. Тўғрироғи, аввал эшик қўнғироғи жиринглайди. Бироқ бу қўнғироқ умумий бўлиб, асосан бегоналарга мўлжалланган. Ўзимизникилар эса бошқа яширин қўнғироқ тугмачаси борлигини билишади. Сирасини айтганда, ўзимизникилар бармоқ билан санарли, улар кам келишади. Шунинг учун бегона қўнғироқ овози келди дегунча, юрагимиз така-пука бўлиб кетади.

Борди-ю, қўнғироқ (бегонаси) журъатсизгина, қисқа-қисқа жирингласа, бу, шубҳасиз, эшикни адаштиргани бўлади.. “Хит”лар босган қўнғироқ бутунлай бошқача — узун-узун, амрона, қаттиқ жиринглайди.

Ана шунда нафасингни ичга ютасан. Шовқин солиш йўқ, кундузи қуёш, кечаси кўчадаги чироқ нурини ичкарига киришдан сақловчи деразанинг духоба пардалари таранг тортиб қўйилганини текшириш керак. Бу ҳар икки томони бирдек ялтирай-диган духоба парданинг ноёб хили.

Ҳар эҳтимолга қарши чироқни ўчириб, пардалар орасидаги тирқишдан мўрала-са ҳам бўлади. Подъездга очиқ-ошқора кириб келган кимса худди шундай чиқиб кетади. Шундан унинг кимлигини билса бўлади. Ёки эса сақлаб қолиш, ёки деразадан чақириниш мумкин.

Борди-ю, кимдир шунчаки эшикни адаштирган бўлса, бир-икки жиринглатади-да, кетади. Фақат “хит”лар, ўғрилар ёки қароқчилар, ЖЭК хизматчилари — қувур-созлар, электрсозларгина узоқ жиринглатишлари мумкин. Бироқ ЖЭК хизматчиларининг бу хонадонда қиладиган ишлари йўқ — хонадон соҳибни қўли гул, ҳаммасини ўзи тинчитади. Бир гал шундай бўлдики, биронта ҳам сантехник янги, замонавий швед “Компакт”ни ўрнатишга журъат қилолмади. Ҳаммалари бир овоздан ҳожатхонанинг ичи торлигини ва оқова қувурини бош қувурга улаш тизими мулақо бошқачалигини рўқач қилишди. “Компакт” балконда бир йил ётди.

Бир куни, ЖЭК сантехниги, қўйиб бераман дегандан кейин, ичкарига киришга рұхсат бердик. Кўз очиб-юмгунча у эски унитазни кўчириб олди, уни бамисоли чақалоқдай бағрига олиб кучоқлади-да, қандайдир зарур мурватчасини олиб қайтиб келаман деганича бадар кетди. Орадан икки кун ўтди, биринчи куни сабр қилиб чидаб турдик, иккинчи куни қўшниларникига чиқишга мажбур бўлдик. Учинчи куни ҳаммасига тушурдим-да, балкондан “Компакт”ни олиб келдим. Эски автомобил ка-

**АМИР ФАЙЗУЛЛА**  
таржимаси

Андрей Анановни “янги Фаберже” деб аташади. У етмиш-инчи йилларнинг ўрталарида кумуш ва тошларга ишлов бериш билан шуғулланиб, анча бурун Россияда биринчи хусусий заргарлик ширкатига асос солди. Бир неча йил ичидаёқ унинг маҳсулотлари жаҳонни забт этди. Мана, энди бу машҳур заргар янги жавоҳир — сўз инжуларига мурожаат қилмоқда. Асар қисқартириб босилаётир.

мерасидан бир қисмини кесиб олиб, ичидан пўлат пружинани шундоқ ўрнатиб, “Компакт”ни бош қувурга улаган эдим, оқова ҳеч бир тўхтовсиз оқиб кетаверди. Бу ишларнинг барчаси бор-йўғи бир соатгина вақтимни олди, холос. Шу “Компакт” ҳалиям жойида турибди, мана, ўн бир йилдирки, сувни беҳато қўйиб берапти.

Демак, бизларга электрсозлар, сантехниклар ҳамда газчиларнинг кераги йўқ экан. Бизда газнинг ўзи йўқ. Бизда электршпига. Аммо бизда ўғрилар бор. Лекин улар билан муомала қилиш у қадар мураккаб иш эмас.

Ҳозирги пайтда ўғрилар қонуни бўйича яшайдиганлар бошқа ҳунарларга ўтиб кетишган, улар ҳар қандай қулфни хотин-қизларнинг тўғнағичи билан очадиган устаси фарангларга, энг мураккаб пўлат сандиқнинг аллақандай мослама ёрдамида кўз очиб-юмгунча авра-астарини ағдариб ташлайдиган “жарроҳ”ларга айланишган. Шунақалардан охиргиси қолган, фамилияси Дубовик деган — Давлат хавфсизлиги қўмитаси идораларининг кекса ходими. Тинтув пайтларида ичидаги нарсаларга заррача зиён-заҳмат етказмай қанчалаб пўлат сандиқларни очмаган. Лекин ўлгудай қайсар, кўп оғрийди, ўзиям кўп ичади. Акс ҳолда ундан зўр одам бўлмасди.

Шундай қилиб, эндиги ўғриларни у қадар устаси фаранг деб бўлмайди, уларнинг кушандаси “хит”лар ҳам мақташга арзимайди. Улари ҳам, булари ҳам кўпол, сурбетларча ҳаракат қилади, бирлари мисранг билан уриб эшикни синдиурса, бошқалари тўқмоқ билан уриб, кўрсатма олади. Хуллас, униси ҳам, буниси ҳам бир-биридан қолишмайди.

Аммо менинг эшигимни мисранг билан синдириб бўлмайди. У — пўлатдан, пўлат қопламали. Уни бомба қўйиб портлатиш керак, холос. Қулфлари ҳам жуда ўйлаб қилинган. Ташқаридан оддийгина кўрингани билан унақа-мунақасининг тиши ўтмайди.

Хонадонимга кираверишда ичкарида газ тўппонча, яъни қарахт қилувчи электр асбоби шай туради. Дейлик, сиз уйга келдингиз, эшикка яқинлашдингиз, орқадан эса кимдир елкангизга тўппонча тирайди: — “Жим, шовқин солма, эшикни оч!” Шунда биринчи эшикни калит билан очасиз-да, иккинчисини очатуриб эпчиллик қиласиз, шартта ўтириб оласиз-да, ҳалиги асбоб билан меҳмонни қарахт қилиб кўясиз. У икки метр нарига учиб тушади. Бадтарроқ қарахт қилиб қўйиш учун энди газ тўппончани қайта ишга солишингиз мумкин. Сўнг эшикни таққа ёпиб оласиз, вассалом.

Ўғрилар билан қароқчилар ўртасидаги фарқ қўйидагича: ўғрилар уй эгаси йўқ пайтида келишга ҳаракат қилишади, қароқчилар эса уй эгаси борида. Ўғрилар титкилашади, сиздаги қимматбаҳо нарсани қидиришади, қароқчилар эса қаҳва ичадилар ва ўзингиз бор бисотингизни мана деб унинг кафтига келтириб қўйишингизни пойлаб ўтиришади.

Қароқчилар почтальон қиёфасида куппа-кундузи киришга ҳаракат қилишади. Улар болани ўғирлашлари мумкин (агар бола ҳовлида қаровсиз ўйнаб юрган бўлса), сўнг сиздан эвазига пул талаб қилишади. Босқинчилар учун ҳар доим сақлаш рухсатномаси бўлган қўшоғиз милтиқ шай туради, ҳозирги вақтда эса ички ишлар вазирлигининг махсус розилиги билан берилган “ПМ” тўппончаси бўлади.

Бир гап бўлса, ҳамма нарса чаппасига айланиб кетиши ҳеч гап эмас, автоҳайдовчининг малакаси бир зумдаёқ мўлжални аниқ олиш имконини беради. Жоннингиздан умидингиз бўлса, келманг, муҳтарам қароқчивойлар. Бу ерда жон таслим қилишингиз ҳам мумкин.

Хуфия заргарлик касби ўта саришталик бўлишни талаб этади. Ҳамма нарса ўз жойида — катта-кичик қутичаларда, хил-хили билан жойланган бўлиши керак, ҳаммаси кафтдагидек кўриниб турмоғи лозим. Шунда ишлашга ҳам, тинтув қилишга ҳам қулай бўлади. Чунки тинтув қилинганидан кейин тортиб олинади-да. Рўйхатга олиш осон бўлиши учун қутичалар рақамлаб қўйилган бўлиши керак. У ёқда, Қўмитада қайси қутида ётганини кейин аниқлашади ва ўша тартибда қайтариб беришлари ҳам мумкин.

Олтин ва қумуш қуқунлари ўзларининг софлик даражасига қараб қатъий равишда алоҳида ётмоғи лозим. Албатта, магазинники бўлиши керак, заводдан ўғирлангани ва техник йўл билан эритиб олингани кетмайди. Бунинг жавобгарлиги ҳам катта — 88-модда бўйича олтидан ўн беш йилгача. Маъдан миқдори жуда катта бўлса — энг

юқориги муддат берилади. Жуда катта миқдордагиси қанча бўлишини ҳеч ким билмайди... Баъзиларнинг айтишича, ўн мингдан юқори<sup>1</sup> эмиш, бошқаларнинг гапича — юз мингдан юқори. Буни фақат прокурор билади — бу унинг кайфияти қанақа бўлишига боғлиқ.

Олмос — бу алоҳида масала. Агар тошлар “яланғоч”, гардишсиз бўлса, унда тагин ўша 88-га тортишлари мумкин: яланғоч тош — бу валюта дегани, гардишли тош — бу буюм дегани. Бунинг учун 88-иси тўғри келмайди.

Агар уйда ишласангиз, буюртмани мижозлардан, уларнинг хом ашёсидан қабул қилсангиз, — олтинми, қимматбаҳо тошми, бундан қатъи назар, бу энг енгил моддага киради. Бунинг учун кўп деганда уч йил беришади. Бунгача эса ҳайфсан, жарима, шартли қамоқ. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам албатта сизнинг маҳсулот тайёрлаш ускуналарингиз мусодара этилади. Шу боис асбоб-ускуналар ҳам, хом ашёлар ҳам жой-жойида мутлақо ботартиб турган бўлиши лозим. Сиз эса кундузими, кечасими ҳар соатда, ҳар сонияда энг мудҳиш нарсага тайёр бўлиб туришингиз шарт.

Отам ақлли ва ҳалол одам эди. Катта сержант унвони билан 1941-1945 йиллардаги фашизм билан бўлган урушнинг бошидан-охиригача иштирок этган. Урушдан кейин математика профессори бўлган. Умрида биронта одамни алдамаган. Ўзидаги теран илмий заковатни яхшилик билан йўғирган ҳолда фаолият кўрсатарди. Шулардан баъзилари қуйидагилар: “Ҳаётнинг маъноси кутмоқ ва умид қилмоқдан иборат.” Яна бири: “Ҳаёт бир эшикни ёпишдан аввал бошқасини очишни унутмайди”. Яна: “Тиз чўкиб яшагандан, тик туриб ўлган афзал”. У, дарвоқе, худди шундай ўлди. Тик туриб. Ўн бир қаватли уй тоmidан сакраб, кираверишдаги эшик соябонига тик тушган.

Мен, тик туриб ўлган афзал деган қарорга келдим. Тўғрироғи, ўтириб ўлган афзал. Заргарлик иш столида. Менинг виждоним ҳамиша пок бўлган. Умримда ҳеч қачон ўз мижозларимдан олган олтинлардан бир заррасини ҳам ўзлаштирмадим. Бугун дунёда заргарни иззату икром қилганлар, бизнинг тузумимизда эса — қамаганлар. Начора, дедим мен, замона доим зўрники бўлган. Бу — тузумнинг иллати. Сўнгра мен оддий йўл билан иш олиб боришга қарор қилдим. Ўша пайтда драматик театрда режиссёр бўлиб ишлардим. Маошим ойига бир юз эллик сўм эди, эзгу орзуим — автомобил учун ойига ўн-йигирма сўмдан тугиб қўйиб, қолганига тирикчилик қилса бўларди.

Машина ўшанда етти ярим минг сўм турарди. Агар боягидек оз-оздан тугиб борсам, машинани роса ўттиз йилдан кейин бемалол олар эканман.

Оқшомлари, тунлари ва дам олиш кунлари ишлаб мен беш минг сўмгача топар эдим. Йилига бу олтинмиш минг сўм дегани. Уч йилда — бир юз саксон минг. Бинобарин, менинг бўлажак уч йиллик ўтириб ишлашим бемалол ўзини оқлар экан.

Биз уйдан чиқдик-да, автомобилга ўтирдик. Бироқ жўнашга улурмадик. Автомобил кўзғалиши ҳамон хотиним: “Қара, хитлар кимнидир қўлга олгани келишди...” деди. Кўзим ҳовлимизга аста кириб келаётган қора “Волга”га тушди. Кўрдим-у, миямга қон қуйилди. Мен бу туйғуни яхши билардим. Курашни олдиндан ҳис этиш туйғуси. Вужуддаги барча кучларнинг юқори даражада жам бўлиши. Воқеалар гирдобиди, музда, ёмғир остида қолганда шундай бўлади. Машина ҳар сонияда ихтиёрдан чиқиб кетиши мумкин, бунда ягона халоскорлик — ишқилиб двигател тўхтаб қолмасин-да.

Мен аста-секин узоқлашиб кетавердим. Шу топ “Волга”да ўтирган фуқаро кийимигадаги уч киши мени кўриб қолди ва ҳовлимиздан чиқаверишда йўлимни тўсиб, тўхтади. Улардан бири эшикни очди-да, ўзини вазмин тутиб сўради:

— Андрей Георгиевичмисиз?

Ҳаммаси тугади. Манзилга етдик. Сезгир хотинимнинг тахмини тўғри чиқди. Магнитофон тасмасидан ҳам тезроқ чириллаб айланаётган фикрлар силсиласи шууримда аллақандай ғашилик уйғотганча беихтиёр кўнглимдан биргина ўй кечди: “Бу — Қўмита”. Хонадонимиз калити умумий боғичда бўлиб, ўт олдириш қулфчасида осилиб турарди. Унда жиноят белгилари — контрабанда сифатида Исроилдан кел-

<sup>1</sup> 1993 йилдаги нарҳда.



тирилган эллик каратлик<sup>1</sup> майда олмос тошчалари. Бу — 88-модда. Илож йўқ... Илож йўқ... Илож йўқ... Курашмоқ керак... Ниманидир ўйлаб топиш керак... Таслим бўлиш қочмайди... Йўлини қилиш керак... Бироқ қандай қилиб...? Бошқа илож йўқ.

Мен машинадан чиқдим. У ўз машинасидан чиқди.

Ўзимни танишгирдим. Гувоҳномасини кўрсатди. Одесса вилояти бўйича ДХК (Давлат хавфсизлиги қўмитаси) майори. Нима учун Одесса вилояти бўйича? Нима учун ўз вилоятимиз бўйича эмас?

— Хонадонингизга борайлик, Андрей Георгиевич.

Мен, чўккан чўпга ёпишар, қабилда дедим:

— Кечирасиз, қандай ҳуқуқ бўйича бундай деяписиз? Эшитишимча, бундай ҳолларда тинтув ўтказишга санкция кўрсатилар экан...

Майор бирданига тундлашди.

— Ўтир машинага!..

Мен машинага ўтирдим. Миямда ўйлар чарх урарди. Энди машинадан чиқмайман. Лекин улар хотинимни чақирришмаяпти. Унда ҳам хонадонимиз калитлари бор эди. У фаросатли аёл. Бирон нарса ўйлаб топади. Машина ичида майор портфелдан қороз олди. “Маҳсулотни тортиб олиш тўғрисида қабул қилинган қарор...”

— Кечирасиз, бу ерда прокурорнинг имзоси йўқ-ку. Фақат прокуратура терговчисининг имзоси бор, холос.

— Ҳозир сени туман милиция бўлимига олиб бораман. У ерда сени шахсий текширувдан ўтказишади, хонадонинг калитини олишади. Тамом. Сен менга бошқа керак бўлмайсан.

— Унда нега ҳамма жойда прокурор санкцияси ҳақида гапиришади?

— Бу милиция учун керак. Сени эса ДХКга олиб бораёпмиз. Боз устига, бизда қалтис вазиятларда мустақил иш кўришимизга ҳуқуқ берилган. Эшикни бузиб кириш ва жиноятчига шикаст етказиш мақсадида ўқ узишгача ҳаққимиз бор. Англагандирсан?

Ҳа, англадим. Жуда тез англадим. Мен ўзи ҳар доим яхши англайман. Бироқ бундай ҳол биринчи марта содир бўлаяпти, истисно тарзида. Мен уларнинг жаҳлини кўзғатмаслик кераклигини тушундим. Яхши муомала қилиш керак. Ҳозир ўзим саҳнага қўйилмоқчи ва бош ролни ҳам ўзим ўйнамоқчи бўлган спектаклнинг биринчи қисми бошланади. Нима бўлганда ҳам мен мутахассисман. Актер ва режиссёрман. Ахир, падарига қусур, мени давлат пулларини исроф қилиб бекорга ўқитишганми.

— Кечирасиз, ўртоқ майор. Ўзингиз тушунасиз, нима бўлганда ҳам бундай вазиятга биринчи марта тушиб турибман. Келинг, уйга кирайлик.

— Мана бу бошқа гап! — Майор яна жилмайди. У пастак бўйли тўладан келган одам бўлиб, ёши мендан катта эмасди, балки ёшроқ бўлса ҳам эҳтимол. — Девордармиён кўшниларинг борми? Одамшавандароғидан уч-тўрттасини чақир.

— Илтимос, кўшниларни чақирманг. Уяламан. Ўткинчилардан олинг...

— Яхши, — мурувват кўрсатди майор. Кейин тасодифий йўловчилардан олиб келгани ёрдамчисини жўнатди. Кўп ўтмай икки одам пайдо бўлди.

— Қани, кетдик. Тўхта, дарвоқе, хотининг қаерда?

Мен машина томонга қарадим. Машинада ҳеч ким йўқ эди. Хотиним ҳув нарида аста яёв кетиб борарди. (Улар хотинимнинг иродалилигига тан беришади ҳали.)

Зумда хотинимнинг орқасидан қувиб етишди. Уни орқага қайтаришди. Ўшандай юриш билан хотиним буёққа яқинлашиб келарди. Гўё менга ўйлаб олишим учун атайлаб вақтни чўзаётгандай.

Бироқ ортиқча вақтнинг энди менга ҳожати қолмаганди. Мен: “Кечирасиз, ўртоқ майор” дея самимий (балки ўта самимий) равишда гапира бошлаганимдаёқ ҳаммасини миямда пишитиб олган эдим. Жудаям ҳаммасини эмас. Бироқ ўйиннинг биринчи кўринишини пишитиб олгандим.

Подъездга етти киши кириб келдик. Парда очилди.

Хонадонга биринчи бўлиб мен кирдим. Орқамдан майор кирди. Кейин хотиним. Сафнинг охирида иккала қўмитачию одамшаванда шахслар келарди. Камбаргина даҳлиздан ўтдик, у ерда менинг иш столим, тўғрироғи, стол ҳам эмас, осилиб тура-

<sup>1</sup> К а р а т — заргарликда кичик ўлчов миқдори (тарж.).

диган қопқоғи менга стол вазифасини ўтовчи секретерим<sup>1</sup> турарди. Секретердан бир метрча чапда ҳожатхона эшиги, ўнг томонда — ётоқхонага кирадиган, ўртада эса ишхонага кирадиган эшик.

Мана шу секретерда, унинг тоқчаларининг пастки бўлмасида ҳамма нарса, йиллар давомида йиққан-терганларим ётарди, — булар фақат соҳиби учунгина қимматли ва ёдгорлик ҳисобланувчи энг бебаҳо ашёлар: асбоб-ускуналарим, қутгичларим, филофчаларим, шиша идишчаларим ва яна кўплаб саноқсиз нарсаларим эди.

Асбоб-ускуналарим, бурагич ва қисқичларим билан ёнма-ён ўша лаънати банкча ҳам шу секретерда ётарди, банкча ичида айна пайтда худди кўзача ичига қамалган жин каби менинг 88-моддам ўтирибди. Бу эллик қаратлик майда олмос парчалари, контрабанда бўлиб, у менга ё озодлик, ё қамоқ ҳаля қилиши керак эди!

Мен уни яқинда бир разилдан ясаб берган узугим эвазига ҳақ сифатида олган эдим, айнан ўша бориб мени сотган. Ҳа, сотган, чунки менинг қутулиб кетолмаслигимни, уйимда заргарлик асбоб-ускуналари, олмосларим борлигини, менинг анча-мунча номим чиққан заргар эканимни, ҳаммадан ҳам бу муртад мендан ўзининг барча ашқол-дашқолини олиб, мен билан ҳисоб-китоб тутаганини билар эди.

Анчадан бери мен унинг буюртмасини бажариб келар эдим, бироқ бу ишнинг охири вой бўлишини сезганимдан кейин бас қилиб қўя қолган эдим. Мўмай фойдадан воз кечиб қўя қолган эдим. Бироқ майда олмос тошчалардан воз кечмаганим, чунки баъзилар учун бу жинойтнинг ашёвий далили, контрабанда, валюта бўлса, мен учун — ҳунаримнинг дастмоясини эди, бусиз мен нозик, нафис, ноёб буюмлар ярата олмас эдим. Мана, энди мана шу қутгича бошимга битган бало бўлиб турибди.

— Сиз қидираётган нарса мана бу ерда, — дедим мен ва секретерга ишора қилдим. Қўмитачининг барибир гапимга юз фоиз ишонмаслигини билиб турсам-да, тўғриси айтганга не етсин. Станиславский: “Ёмон нарсани ўйнаётганинда ундаги яхши жойни қидир”, деб бекорга айтмаган-ку.

Мен айнан шу нарсани ҳисобга олган эдим. Биринчи саҳнани бехато ўйнаб, бир оз вақтдан ютаман, вақт эса тўхтовсиз ўтиб турган бўлади. Бу орада мен навбатдаги саҳнани ўйнаб олишим керак бўлар эди.

— Бўпти, бунга яхши ниятлар учун ўзингизга қолдирасиз. — Майор менга кадрдонларча кулиб қўйди. Ҳа, мен сиз мугтаамларни яхши биламан дегандек. Сўнг секретердан узоқлашиб, ишхонага кириб кетди.

Иккинчи қўмитачи хонани обдон тинтув қилишга киришди. Учинчисин пальто осиблиқ илгич ҳамда даҳлизни титкиларди.

Одамшаванда шахслар оёғи куйган товукдек питирлашарди.

Хотиним ўриндиқда ўтирганча жимгина уларни кузатарди.

Мен ишхонада ўзимга қаҳва дамлардим. Майорга ҳам манзират қилдим. У ичмайман, деди. Қаҳва қайнатар эканман, фақат бир нарсани ўйлардим: “Ҳеч бўлмаса охири марта қаҳва ичиб қолай”.

Зимдан (унинг ўзича) менга қандай таъсир кўрсатишини кузатиб бораркан, майор шошмайгина ошхонани тинтиди. Шакарни шопириб қаради, унни, қутгичлардаги зирavorларни титкилади.

Мен қаҳва ҳўплар ва режиссёрлик вазифамни — секретерни очиб берганимни — “оқлаш”ни ўйлардим.

Театрда бир тушунча бор — янги мизансаҳнага ўтишни “оқлаш” деган. Масалан, агар саҳнада сўзлашиб ўтирган актёр бирдан сапчиб туриб, бурчакка чопиб борса-да, ердан топиб олган тугмача билан қайтиб келса, ҳаммаси тушунарли бўлади — демак, у тугмасини йўқотиб қўйгану, бирдан кўзи тушиб, чопиб кетган ва ердан олган.

Худди шу нарса “ўтишни оқлаш” дейлади.

Мен ошхонада ўтирар ва зўр бериб секретерни очиш учун баҳона қидирар, шу ишимни оқлаш учун йўл излардим.

Вақт эса аёвсиз олға интиларди.

Майор ошхонани тинтиб бўлаётганди.

Бирдан мен ҳожатхонага киришга руҳсат сўрадим. (Шуни айтиш керакки, тўсатдан миямга шу фикр келиб қолганди. Лекин уни амалга ошириш шу қадар қийин эдики, бунинг бирон-бир натижа беришига кўзим етмасди. Бироқ ортиқ пайсалга солиб бўлмасди).

<sup>1</sup> С е к р е т е р — қават-қават гададонлари бўлган заргарлик иш жовони (тарж.).

Илтимосимни эшитиб, майор ҳушёр тортди. Исковуч итдай қулоқлари диккайди. У ўлка ҳидини олаётганди.

Аввалига у мени обдон тинтув қилди. Кейин бирпас ўйланиб турди-да, уй кийимимни сўради. Менинг спорт либосимни ҳам тинтув қилди. Кийимимни алмаштиришимни буюрди. Ёнимдан чиққан буюмларни Қўмитачи диққат билан текшириб кўриш учун тутиб қўйди. Сўнгра биз биргаликда ҳожатхонага кетдик. У ерда ҳамма бурчакка кўз югуртирди, унитаз ортида ҳар эҳтимолга қарши, рўзгорда асқотишга асраб қўйилган тахтачаю фанерчаларни чиқариб ташлади, ҳожатхона чўткасини олиб, синчиклаб қараб чиқди.

Мен унинг орқасида турардим, вақт, назаримда, тўхтаб қолгандек эди. Спектаклнинг кульминацион нуқтасига етиб келмоқда эдим. Энди сахнани охиригача, асосий воқеагача олиб бориш лозим эди. Бу воқеа қаҳрамони тепага қараб кўтарилаётган оққуш нухса дастакли афсонавий швед “Компакт”ни бўлиши керак эди. Бутун “Компакт” ҳам эмас, фақат унинг дастаги, дастаги ҳам эмас, балки дастакни ўққа маҳкамлаб турувчи мурват эди у. Чунки шу мурватни бурабгина “Компакт”ни очиш мумкин эди. Бунинг учун эса бурагич керак. Бурагич эса майорда йўқ. Тўппончаси бор, гувоҳномаси бор, аммо бурагичи йўқ. Тўғри ҳам. Чунки, агар ҳар бир майор бурагичи билан юрадиган бўлса, қанча бурагич керак бўлмасди! Майор оппоқ “Компакт”га ўйчан қараб қолди. У текшириб кўрмаган ягона нарса шу эди — бунга фаҳми етмагани кўриниб турарди, бироқ ё майор эринаётганди, ё қандай очишни билмаётганди.

Охири тоқатим тоқ бўлиб мен унга дўқ аралаш дедим:

— Ҳуш, энди кирсам бўлар?..

Майор бир фикрга келганди:

— Манови нарса қандай очилади?

Мен “билмасам” дедим жўрттага.

Майор айтасан деб туриб олди.

Мен “ёрилиб” кетдим:

— Дастагида кичкина мурвати бор. Шунини бураш керак. Кейин ҳаммаси тутдай тўкилади.

— Бура.

Раҳмат, Константин Сергеевич Станиславский. Раҳмат, Изакин Абрамович Гриншпун. Сизлар менга “ўтишларни оқлаш”ни ўргатдингиз. Майор билан сўзлашиб ва унинг кўзига тик қараб туриб, мен секретерни очдим ва кўр-кўрона, фақат хотира ва сезги билан муъжазгина қутичани пайпаслаб топдим. Уни бармоқларим орасига қистириб олдим. Шу қўлим билан пайпаслаб бурагични олдим-да, мурватни бурадим.

Майор унитаз устига энгашиди.

Мен қутичани тинтиб кўрилган спорт либосимнинг чўнтагига солдим.

Спектакл деярли ўйнаб бўлинганди. Ҳаял ўтмай таъзимга чиқишим мумкин бўлади. Кейин маълум бўлишича, таъзимгача ҳали анча бор экан.

Ниҳоят, яхши “ният”га навбат келди. Майор билан иккала ёрдамчиси секретерни титкилашга тушиб кетди.

Унинг ичидан қутичалар, тутунчалар, қоғоз халгачалар, банкачалар бирин-кетин саф тортиб чиқиб кела бошлади. Шу ерда мен гўё гид вазифасини ўтамоқда эдим — бу нарсаларнинг нималиги ва нимага кераклигини тушунтирар, асбоб-ускуналарни намойиш этар, Фаберже устахонасидан ундирганим росмана қадимги лобзик (олтин аралайдиган аррача) билан мақтанардим. Майор тезоблар (кислоталар) турган юқори тоқчага ўрлай бошлади.

— Кераги йўқ, — огоҳлантирдим уни, — шимингизнинг тешилгани қолади.

Майор кўнди.

Менинг ички ишончим (секретерда бошқа далиллар йўқлигига амин эдим) “меҳмон”ларга ўтгани шундоқ кўриниб турарди. Муваффақиятсиз чиққан тинтув билан тинчишиб, энди улар расмийчиликни поёнига етказгандек бўлиб кўринаётганди.

Кўп ўтмай турли-туман нарсалар билан тўлиб-тошган секретер қопқоғининг устида тирноқча бўш жой қолмади. Шунда майор буларнинг барчасини хонадаги столга олиб ўтишга қарор қилди, у ерда мен кўздан кечириладиган ва мендан тортиб олиннадиган нарсаларни айтиб туришим керак экан, у эса уларни тортиб олинган буюмлар рўйхатига ёзиб бораркан. Бизлар жимгина столга келиб ўтирдик ва мен би-

рин-кетин заргарлик буюмларини унга томон суриб қўйиб, уларнинг номларини айта бошладим. Майор ёзиб борди.

Бирдан кўзим қайта эритишга мўлжалланган турли олтин қийқимлари сақланувчи бир қутича ичида ялтираб турган иккита кичкина-кичкина қисмчага тушди. Бу қисмчаларни мен айнан ҳалиги муртад сотқинга ясаган эдим ва мана шу бир жуфт қисм кейинчалик менинг ўша муртад билан алоқамга далил бўлиши мумкин эди. Мен эса буни хоҳламасдим.

Қисмчалар ёнида қутичада йигирма беш грамм вазндаги олтин қуймаси ётарди. Мен шунга ачиндим.

Мен хотинимдан шўрва келтиришини сўрадим.

Хотиним ҳайрон бўлди ва “Сабр қил, кейин овқатланаверасан”, деди.

— Кейин кеч бўлади. Бутун у ерда бизга овқат беришмайди.

— Нима? — ҳайрон бўлди хотиним. — Бизни олиб кетишадими?

— Сен нима деб ўйловдинг?

— Ақли одам билан ишлаш мазза-да, — таъкидлади майор.

Хотиним бир ликопчада карам шўрва билан бир бўлак нон келтирди. Мен нонни қисмчалар билан олтин қуймаси ётган қутича ёнига қўйдим.

Карам шўрва ичар эканман, рўйхатга олинаётган буюмларни бирма-бир айтиб борардим.

Нонни қўлга олардим-да, тишлардим, кейин қутича ёнига қўярдим.

Олардим, тишлардим, қўярдим.

Қўлим бир маромдаги ҳаракатга ўрганиб борарди. Қўлим тобора ишончлироқ ҳаракат қиларди. Бир гал нон ўрнига қутичадаги қисмчаларни олиб оғзимга солганимда ҳеч ким бунга эътибор қилмади.

Оғзимдан қисмчаларни қошиққа, қошиқдан ликопчага ўтказдим. Улар карам шўрва тагида кўринмай кетди. Шунда мен бутунлай нафсим ҳақалак отиб, олтин парчасини ҳам ямлаб юбордим. Кўп ўтмай у ҳам ликопчага келиб тушди.

Бобом дадамга овқатдан кейин ликопчани топ-тоза қилиб қўйишни ўргатган. Ундаги ҳамма нарса еб-ичилишни керак. Дадам мени ҳам шунга ўргатган. Хотиним бу одатимни билар эди. Қарайдики, умримда биринчи марта овқатни чала едим. “Олтин карам шўрвани” ўзимдан нари суриб қўйдим-да, “Йиғишгир” дедим. Фаросатли хотиним шўрвани тўкиб ташламади. У ликопчани ошхонага олиб кетди ва устидан қопқоқ ёпиб қўйди.

Мен икки кундан кейин уйга қайтиб келдим, карам шўрва, табиийки, ачиб бўлганди.

Бироқ, маълумки, олтин шўрвада ҳам айнаймайди.

## МУТТАҲАМЛАР

Эллигинчи йиллар эди...

У вақтларда велосипед дегани камдан-кам болаларда (катталарда ҳам) бўларди. Кўпинча омадли одамларнинг икки гилдиракли самокатлари бўларди, югуриб келиб ирғиб устига чиқиб олишарди-да, ора-сира бир оёғи билан ерни тепиб-тепиб катта тезликда ҳайдаб кетишарди, кейин иккала оёқни самокат устига қўйганча рулни тўғри қизалоқлар устига қараб буришар ва қизалоқлар қий-чув солиб, ҳар томонга қочиб қолишарди.

Биз қариндошларимизникига меҳмонга бордик. Нима бўлди-ю, амакимнинг ўғли Володя менга самокат совға қилди. Сабаби, ўзининг ёши самокат учидан анча ўтиб қолганди. Володя мендан беш ёш катта эди.

Орадан кўп йиллар ўтиб, мен ўзимнинг биринчи “Москвич”имни олганимда ҳам бу қадар севинмагандим. Мен уни рулидан ушлаб, бутун Дзержинский тумани орқали ўзимизнинг Литейний туманига тантанавор олиб ўтандим.

Хуллас, оқсочимиз Фаина билан Таврия боғига боришимизни бесабрлик билан кутиб, тун бўйи ухлолмадим.

Кираверишдан сал нарида бир тепалик бўлиб, устида доирасимон музқаймоқ дўкони жойлашганди. Омадли самокат эгалари учини мана шу тепаликдан бошлашарди. Пастдаги қўлчани айланиб ўтган узун хиёбондан майда оқ гуллар билан қопланган қуюқ бутазор ортига ўтиб кетишарди.

Мана, мен самокат билан тепалик устида турибман. Ким билсин, биринчи марта учаётганим асар қилдим, сал каловланиб қолдим. Оқсоч қаёққадир ғойиб бўлган-ди. Афтидан, унинг ўша пайтда юрадиган солдат йигити бор эди.

— Ҳой бола, бир учиб келай, мен сенга машиначамни бераман...

Қаршимда ўзим тенги бир бола турарди, бошида ўша пайтда расм бўлган кепка-лондонкани тескари кийган, оёғида қора боғичли жигарранг ботинка.

Мен индамай машиначани олдим, бола чап оёғини самокатга қўйди-да, қора боғичли жигарранг ботинкаси билан ерни бир тепди ва тепаликдан ўқдай пастга шўнғидию ҳаял ўтмай хиёбоннинг нариги чеккасида кўздан ғойиб бўлди...

Мен ўша жойда кутиб туравердим.

Ниҳоят, ўзида йўқ шод Фаина пайдо бўлди ва дарров сўради:

— Самокат қани?

— Бир болага учишга бергандим...

— Самокатдан ажрабсан, у энди қайтмайди.

— Қайтади. Унинг машиначаси менда.

Фаина қўлимдан занглаган ўйинчоқни қолқиб олди-да, жаҳл билан буталар ичига улоқтирди.

Бола, эҳтимол, жуда олисга кетиб қолганди, елдай учиб кетар экан, у иккала оёғини самокат устига қўйиб олган, тумтарақай қочаётган қизалоқларга гердаийб қараётган бўлса керак, ҳойнаҳой.

Бу менинг муттаҳамга биринчи бор дуч келишим эди. Ҳозиргиларнинг тили билан айтганда, “лаққа балиқ” бўлиб қолавергандим.

Барибир одамларга ишониш керак. Соддаликка йўйишса йўйишар, аммо ишониш керак...

Мени аэропортта олиб келаётган қора “Мерседес” Омскни кўз очиб-юмгунча ортда қолдирди-да, дашт йўлига чиқиб олди. Тўсатдан катта тезликда бизни қувиб ўтаётган “БМВ” ичидан автомат тумшуги кўринди...

Машинада ўтирганимизда ўқ овози деярли эшитилмас экан, филдирак ва мотор товушлари босиб кетаркан. Ўқ кузовни тешиб ўтганда шунақа бир овоз чиқар эканки, гўё консерва банкасини миҳ билан ўйгандай.

Хуллас, орқадаги чап қанотдан учта тешик очишди-да, қувиб ўтиб, дангал илгариллаб кетишди. Ё сибирлик шерикларини чўчитишди, ё бизни бошқа биров билан адаштиришди.

Мен Европанинг барча бозорларини ортда қолдириб кетувчи бир маҳаллий бозор очиш ниятида заргарлик буюмлари тўшамини Сибирга олиб кетаётган эдим, бироқ сибирлик дўстларим қайсидир ишни хом қилишганди. Муздек меҳмонхонада, маҳаллий “люкс”да икки кун ўтирдим, дейлик, “Отел де Пари”дагидек менга халат ва шиппак беришмади, “рум сервис”<sup>1</sup> деганини эшитмаганман ҳам, қувурлардан иссиқ ўрнига муздек сув оқарди. Учунчи куни сибир миллионларидан қўлимни ювишга қарор қилдим, каравот тагидан қимматбаҳо тошлар солинган жомадонни суғуриб олдим-да, мени аэропортта элтиб қўйишларини сўрадим.

Бироқ кўрганим “йўл азоби, гўр азоби” охиргиси эмас экан. Охирида равшан бўлдики, менга ҳеч ким чипта буюриб қўймаган экан, Санкт-Петербургда тўғри учадиган рейс бугун йўқ экан. Москва орқали учишга, Домодедовода кўниб ўтишга ва ўша ердан Шереметьево аэропортига ўтишга тўғри келди.

Бундан ўттиз йил муқаддам охирги марта Ленинободга, Республика драма театрига ёш актёр сифатида учиб кетганимда худди шундай саргузаштни бошдан ўтказгандим.

Ниҳоят, самолёт кўна бошлади. Москва. Етиб келдим-а, деб енгил нафас олгандим, бироқ “чув” тушганимни билдим.

Ҳар доимгидек, Домодедовога учиб келган йўловчиларни чаққон ҳайдовчилар тўдаси қуршаб олади ва маъноли овозда такси хизмати кўрсатишга тайёр эканликларини айтишади.

— Жаноб, сизни обориб қўйсам бўладими?

Қаршимда одми кийинган ва табассумли чеҳраси билан шубҳага асло ўрин қолдирмайдиган ёш йигит турарди. Мен шу куни умримда биринчи марта хатога йўл

<sup>1</sup> “Хизмат кўрсатиш уйи” (ингл.).

қўйдим. Бу, албатта, бирданига содир бўлмади. Мен дарҳол инкор маъносида бош чайқадим, бу билан ҳамма ишим жойида демоқчи бўлдим, аҳволимдан ҳам унинг хизматиға муҳтож эмаслигимни бемалол англаса бўларди, чунки ҳайдовчим фураж-касини тутамлаганча нарсаларимни олишға ва бажонидил эшикни очишға шай бўлиб, хизмат машинаси ёнида турарди.

Агар такси олиш зарурати туғилса, у сизни эмас, сиз уни олишингиз кераклигини билардим.

Ҳалиги йигит жудаям одобли, бироқ паришонхотир эди. Синиқ товушда деди:

— Эҳ, хотинимға совға олмоқчи эдим...

Бирдан меҳрим ийиб кетди-ку. Ҳатто, йўлқира ҳақини ҳам тўлайман, устига-устак, болакайға миттигина, шабададай шаффоф, эмалли пасха тухумчани ҳам совға қиламан, бунақасини умрида кўрмаган бўлади, деб ўйладим.

— Машинангиз қанақа?

— “Олтилик”.

— Ҳм... Бўпти, кетдик. Шереметьевоға қанча оласиз?

— Эллик минг.

Ростини айтсам, мен рус нарх-наволари тартибини яхши билмасдим. Париждагини эса аниқ биламан: Шарль де Голль аэропортидан марказгача — икки юз эллик франк.

Мен рози бўлдим ва шу топ иккинчи хатоға йўл қўйдим: машинада нечта йўловчи бўлишини сўрамабман. Балки йўловчилар бўлмаслигига одатланиб қолганимдир бу.

“Олтилик” олдида плаш кийган бир рангпар одам уёқдан-буёққа юриб турарди, у жомадонидан кильки ва қўлбола тухумли бутерброд олди-да, вақтини зое кетказмаслик учун тамадди қила бошлади. Мен бу яна бир йўловчи бўлса керак деб ўйладим, бироқ унинг қўлбола бутерброди, эғнидаги росмана сафар плаши ва парти кетиб шарти қолган жомадони мени қаттиқ таажжубға солди.

Ҳалиги киши жудаям хушмуомала экан, бирпасда ёқамдан кириб енгимдан чиқа қолди-ку. Ўзининг Сочиданлигини айтди, менинг у ерда бўлган-бўлмаганлигимни сўради.

Сочида бўлганманми? Ҳа, у ерда менинг энг яхши йилларим кечган, аввал “Жемчужина”да, сўнгра эса “Дагомис”да. Айни ёшлик пайтларимиз эди ўшанда...

Сухбат қизигандан қизиб кетди. Сафимизга яна бир ҳамроҳ қўшилди, у ҳам Сибирдан келган ажабтовур мусофир экан. Ана буни росмана омад деса бўлади.

Шифтда ухлашнинг бир ноқулай томони шундаки, устингдаги кўрпа ерга тушиб кетади, деган матални бежиз айтишмаган-да.

Айнан мана шу ноўнғайликни деб мен бошимға бало ортдирдим.

Машинаға ўтира бошладик. Янги йўловчи олд томондан жой олди, мен одатим бўйича орқа ўриндиқ томонға ўтдим ва аввал бутербродли мусофирни ўтказишға қарор қилдим. Лекин у метрогача боришини баҳона қилиб, рад этди, шу тариқа мен орқа ўриндиққа биринчи бўлиб ўтирдим.

Унг томонимда дастаги синиқ эшик, чап томонимда йўловчи. Чекиниш йўллари мен учун кесиб қўйилганди.

Энди кўзгалган ҳам эдикки, бизнинг ёқимтой ҳайдовчимиз ёнига аллақандай бир исқирт югуриб келди:

— Серёга, анови ерда биттасини метрогача йигирмата “кўк”ига олиб кет!

Қизик, ҳайдовчи тасодифан Домодедовоға боришим керак бўлиб қолди, деганди-ку...

Нимагадир Домодедово билан Шереметьево ўртасида метро йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги хаёлимға ҳам келмабди. Лекин мен кескин оҳангда дедим:

— Йигит, сал инсоф ҳам керак-да. Ё юр, ё мен тушиб қолай. Ўзи икки киши зўрға сиғдик-ку.

— Лекин йигирмата “кўк”и... йигитлар, — деди ҳайдовчи тиржайиб, — сал сурилинглар, а?

— Ё юр, ё мен тушиб қоламан, — такрорладим мен.

Машина юриб кетди.

Мен майин теридан тикилган ва қимматбаҳо тошларға тўла паришча ҳамёнимни тизсамға қўйиб ўтирдим. Чап қўл бармоғимда одатдагидек бобомнинг олмос

күзги узуги ялтирарди, оилавий ривоятта кўра у бобомнинг Монте-Карлодаги ўйинлар уйида уни тўла хонавайрон бўлишдан сақлаб қолган экан, гоҳо енги остидан “Ананов” ширкатининг олмосли соати кўриниб тураркан. Бу ўзига хос ажойиб реклама вазифасини ўтаркан.

Биринчидан, иккинчиси, маълум бўлишяча, Челябинскдан келган иккала мусофир қизгин суҳбатлашарди.

Аниғини айтолмайман-у, аммо юрагимнинг тубида қандайдир ғашлик ҳис этмоқда эдим. Чор атроф зим-зиё қоронғуликдан иборат ва рутубатли эди, қандайдир коп-қора ва лойли йўлдан кетиб борардик.

Бирдан суҳбат ўйиндаги бизнесга келиб тақалди. Сочилик мусофир “Жемчужина” меҳмонхонаси рўпарасида турган кемадаги янги қовоқхонани мақтарди.

“Нимада ўйнашаркин улар у ерда? Рулеткада бўлмаса керак? Ахир, у ер тинмай чайқалиб туради-ку?!” — ўйладим мен. Ўйладим-да, шунини сўрадим.

— Ҳе-йўқ, қартада.

— Блек-жекми?

— Йўқ, оддий бир ўйин, иккита қартада. Ўн етти одам бараварига ўйнаши мумкин.

Шунда иккита қарталиқ ўйин олдинда ўтирганни ҳам қизиқтириб қолди:

— Ўргатсанг-чи! Бизлар дала ҳовлида кўпинча қарта ўйнаймиз, одам роса кўп бўлади.

— Қартасиз ўргатиб бўларканми, иложи йўқ бунинг, — таранг қилди сочилик.

Қартадан гап очилиши билан мен хушёр тортдим. Лекин сир бой бермадим. Саёҳатларда ва кемаларда, парклар ёки Петропавловск яқинидаги пляжда ўйналган қарта ўйинлари нима билан туташини мен ёшлигимдан билардим. Аввалига “бир-бир сўм”дан бошланади, сўнг кишибилмас қарта дастаси ўзгара бошлайди, “алмашади”, “лаққа” туширишади, ёнидаги бор буд-шудини ва қимматбаҳо буюмларини шилиб олишади. Лекин бу илгари бўлар эди, бу бизнинг ёшлигимиздаги гаплар... Ўша оддий ҳолат ҳозир, йигирманчи аср охирига келиб такрорланишига ишонгинг ҳам келмайди, бунинг устига бу ўйинда мендек номини ярим жаҳон биладиган заргар ҳам иштирок этса.

— Қартасиз мен ҳеч нима ўргатмайман, — деди сочилик бироз дили оғригандек.

— Бор-да, қарта бор! Бусиз менга ҳеч қанақа командировка татимайди! Қарталар, шашкалар...

“Ундан кўра ишни ўйласанг-чи, овсар”, — дилимдан ўтказдим мен.

Олдиндаги одам қарта дастасини узатди. Кўшним йўл-йўлакай қартадаги тузларни чиқариб санай бошлади.

— Ие! Иккита туз етишмаяпти-ку! — ғалати оҳангда деди у.

— Бўлиши мумкин эмас... Туф-е, тўғри... — шундай дея олдиндаги мусофир бошқа чўнтагидан иккита тузни чиқарди.

Юрагим бир тутам бўлди ва яна ёшлигимни эслаб кетдим. Ўшанда мен колхозда ишлаб тошган пулимга сотиб олган, анодланган биринчи “Победа” соатини ютқазиб қўйган эдим.

Мен сочиликнинг гапларига қулоқ сола бошладим.

— Қўлларга иккитадан қарта сузилади. Туз — ўн бир очко, ўнлик — ўн очко, дама — уч очко, қолганлари қартада ёзилгандек. Иккита қарта кўшимча қарта олишга сузилади. Агар уларни олсангиз, икки баравар банка тикишингиз керак бўлади, лекин унда кўшимча олган қартангиздаги очколарга бир очко кўшилади...

Синонга сочилик қарталарни ҳамёним устига қўйиб қарта сузишга киришди. Сузиб бўлгач, ўзининг эски қарталарини ташлаб-ташлаб қандай савдоланиш ва кўшимча қартани қандай олиш кераклигини бирма-бир намоёниш қила бошлади.

— Ана шунақа. Энди худди қовоқхонадагидек чинакамига сузаман, — тантанавор деди у. Нимагадир дастанини фақат қуйи қисмини чийлаб ва “олишга” имкон бермай, у қарталарни сузиб чиқди:

— Банкада синов учун ўн минг, — шундай дея у ҳамёним устига қоғоз пулни қўйди.

Узоқ умрим давомида мен кўп нарсаларни кўрдим. Кўп нарсаларга ўргандим. Таалаблик йилларимда автопойгачи бўлгандим, бильярдни қотириб қўярдим, таниқли олим — профессор Широхов ўқиган математика лекцияларида, Ленинград уни-

верситети тарих факультетининг лекторияси — улкан аудиториянинг энг охириги қаторида преференсни шавқ билан ўйнардим. Мени маъзур тутинг, жаноб профессор.

Бир кунни мен икки фирром дўстга тўқнаш келиб қолдим. Жуда юқори техникада ўйнаб туриб мен уларга қарши ҳеч нарса қилолмай қолдим — улар деярли ҳар сузишда “тўққизлик” ва “митги”га ўйнар эди. Ақлдан жаҳолат устун келган эди.

Мендан ютиб олган пулга менинг ўзимни “меҳмон” қилишди. Бизлар дўстлашиб қолдик. Кейинчалик улардан бири — мутлақ одобли йигит Юра Рожковский менга қирриқлик маҳоратининг сирларини очиб берди. Мен қобил шогирд чиқиб қолдим. Мен буюк фирромбоз бўлишга аҳд қилдим. Ҳар доим ҳалол шериклар билан ҳалол ўйнаб, мен беҳад завқланардим, “жуфтлик”ка ўйнаган бошловчи қирриқларни бир чўқишда қочирардим.

Шу даражада маҳоратта эришдимки, қирриқлар билан ўйнар эканман, ўзимга йирик қаргаларни, уларга эса “ёмон тахланган” яхши қаргаларни бийлатмасдим. Ренонсли зот “тўққизликни” ёки тутилган саккизликли “митги”ни “бланк” билан. Тўққиз секунд ичида қаргаларга қарамасдан “мижоз” билан бемалол гаплашиб ўтириб мен ўтгиз олти қарта ичида йигирма иккитасини саралаб олардим, мижозга қаргани олишга берар ва бир қўлим билан “вольт” қилар эдим.

(Кимки бу атамаларни тушунмаса, маълумотлар олгани Домодедовога мурожаат қилиши мумкин.)

— Банкада ўн минг сўм. Синов учун.

Мен машинадан чиқиб кетолмасдим. “Йўловчилар” икки нафар, улар, шубҳасиз, устаси фаранглар. Яна ҳайдовчи ҳам бор... Мен қора майин чарм ҳамёнимни қандай олсаму қандай жуфтакни ростлаб қолсам экан, деб роса бош қотирмоқда эдим. Сочилик эса, гўё туйқусдан бўлганидек, уни неча бор туртиб қўйди, афтидан ҳамён ичидаги нарсани билишга ундаётганди.

Ўйиндан бўйин товлаб бўлмасди. Бундай ҳолда шериклардан биттаси ишни “хурматсизлик” баҳонаси билан жанжалга олиб келиб тақашни ва жанжал муштлашуви пулни зўрлаб тортиб олиш билан ниҳоясига етиши мумкин.

Мен устаси фарангларни доғда қолдиришга қарор қилдим. Сўнг жуфтакни ростлаб қоламан. Ҳозирча булар бари ҳақиқий ўйин, алдам-қалдамлик йўқ, мен ҳам “мижоз” эмас, шунчаки йўловчиман, деган фикр ҳужмрон эди миямда.

Ҳар икки қартада энг юқори очколар миқдори — йигирма икки, ўн биттадан иккита туз. Агар қолган икки туз қўшимча қарта ичида турган бўлса, унда улар бир очко кўпроқ тош босади ва бу ушбу оддийгина ўйиндаги энг кучли комбинация ҳисобланади.

Шундай қилиб, тезда ичимда ҳисоб-китоб қилиб чиқдим, агар мен “йўловчи” бўлсам ва ўйин ҳақиқий бўлса, унда қўлимда ҳозир ҳар қандай икки ютуқ қартаси бўлади. Борди-ю, мен “мижоз” бўлсам, унда қарта сузилгандан кейин менда иккита туз бўлиши керак, қолган иккита туз ердаги қарталар ичида ётган бўлиши лозим. Ҳақиқий “лаққа”да бўлганидек, мен ердан қарта олмаслигим керак, чунки бусиз ҳам менинг қарталарим ўзи зўр. Ердан қарталарни йўловчилардан бири олади, шундай қилиб, унинг қўлида мағлубиятсиз комбинация бўлади, икки тузли мижоз эса зўр омад келди деб ўйлаб, ютишга ишонади-да, ўзидаги борини ўртага ташлайди. Натижада у ёлғиз пайпоқда қолади ва банкни тенглаштириш учун пули қолмайди, ёки шерик ердан қарта олади-да, ҳаяжон-ла қичқирганча тузларни ағдаради — гишт қолипдан кўчади!

Инсоф қилишса, “лаққани” лойли ҳалқа йўлда машинадан туширишади ва метрогача бир амаллаб етиб олиши учун бир озгина пул беришади. Инсоф қилишмаса, айлангириб бошига солишади.

Бу иш ҳалол бўлган, муттаҳамлик қилишнинг деярли имкони йўқ, “лаққани” ҳеч ким мажбурлаб ўйнатмаган.

Мен ўз қарталаримни кўтардим. Қарасам, иккита туз.

Ҳаммаси равшан. Мен — “мижоз”ман.

Нима ҳам дердим, мусофир дўстлар, баракалла. Устаси фарангни доғда қолдирдингиз. Лекин жўжани кузда санаймиз.

Наҳд пулим қанчалигини ўзимча чамалаб чиқдим. Портфелимда саккиз миллионча сўм ва яна озгина валюта бор эди.

Мен ўн мингга столга қўйдим. Ўйин бошланди.



Олдиндаги ўйинчи юзта тикди. Сочилик ярим миллион тикди. Мен олти юз тикдим ва яна қўшдим.

Икки даврандан сўнг банк саккиз миллионга етиб, навбат менга келган эди. Энди ердан қарта олиш ва қарталаримни очиш учун мен икки барабар банк қўйишим керак эди. Лекин менга ердан қарта бермасликлари мумкин.

Қўшним ўзини Станиславский тизимининг энг яхши анъаналарига мос равишда тутмоқда эди. Бироқ шу топ олдиндаги айтиб қолди:

— Борди-ю, пул тугаб қолса, юз граммга чегириб қолса бўладими?

Оббо шоввоз-ей! Сен ниманга чегириб қоласан, ахир, Ижевскдан командировкага келяпсан-ку! Кимга ҳам қолдирардинг? Ўрмон қоровулигами?

— Болалар, валюта ҳам олаверасизларми?

— Қайси нарх бўйича? МБми?<sup>1</sup>

— МБ. МБ.

Мен ўзимча икки барабар қийматни ҳисоблаб чиқдим, қарталаримни “стол”га қўйдим-да, ердаги қарталарни чангалладим. Бундан шерикларим бўкириб юборишди:

— Қаяққа!!!

— Мен икки барабар қилиб қўйдим, — хотиржам тусда дедим мен. — Гарчи... аҳмоқман-да, олмасам ҳам бўлаверарди... Шундоқ ҳам қарталарим яхши... — Мен ўзимни “чойнак” қилиб кўрсатишга тиришаётгандим. Хуллас, мен уларни чув туширдим. Менинг қўлимда мағлубиятсиз комбинация бор эди. Ердаги қарталар ичидан иккита туз.

“Шериклар” алам билан қарталарни ташлашди, мен пулларни шишириб олдим ва санаб ҳам ўтирмай чўнтакларимга тикдим.

Энди жуфтакни ростлаш қолганди.

— Ҳа... — чўзиб деди олдиндаги, “лаққа”нинг улоқни олиб кетганига ҳамон ишонмай. — Хўп, майли, бўлар иш бўлди, суз яна, тагин бир қўл ўйнайлик. Суза қол, — шопирди у шеригини.

— Йўқ, болалар. Ҳозирча сузмай турамыз. Аввал сизларнинг хатоларингизни бир эслатиб қўймоқчиман.

— Қанақа хатоларни? — ажабланди олдиндаги.

— Сизларнинг биринчи хатонгиз шундаки, сизлар мени Сибирдан чиққан “лаққа” деб ўйладингиз, чунки Омск рейси билан учиб келгандим-да. Лекин мен Омскдан эмасман. Мен шимолий пойтахтданман, яъни Питердан. Санк-Петербургда. Ҳали Омскда ўтмаган нарсамизни биз Питердаёқ унута бошлаймиз. Сизларнинг иккинчи хатонгиз, — таҳқирланган йигитларнинг ташланишга бўлган шахтларини кесдим мен, — бу сенинг юз граммга олиб қўйиш ҳақидаги гуллаганинг бўлди. Ҳой бола, ўйлаб кўрсанг-чи! Қанақасига олиб қўярдинг, сен ахир Ижевскданмиди ёки анови Челябинскданми, эсимда йўқ, командировкага келаётган одам бўлсанг. — (Бола қарахт ҳолда сукут сақларди). — Сен эса, биродар, қойил, — мақтадим қўшнимни, — ҳалиги килькили бутербродинг қиммат туради. Буни сенга қаерда ўргатишди?

— Жойи кўп, — хушламайгина жавоб берди у. Умуман, у кўп сукут сақларди, афтидан, ҳозир ёки бирпасдан сўнг мени тузлашни ўйларди...

— Энди эса, болалар, асосий ишга ўтайлик. Сизларнинг қарта билан бундай муомала қилганингиз учун қўлларингизни синдирса ҳам оз!

— Нимага энди?

— Ҳозир айтаман. Масалан, сени олайлик. Дастадаги тузларни “мижоз”нинг юз-кўзича ўмариб оляпсан, кейин қарасаки улар ўзингнинг қўлингга, ушлаб кўришга ҳам қўймайсан... Ахир, шу инсофданми, йигитлар? Модомики сенга тузлар керак экан, понг учун пулсиз ўйнагин эди, билдирмай олгин эди, дастани шундай сузгинки, “мижоз” ажабланмасин, қайтанга миннатдор бўлсин, сенга ўхшаб қирриқлик қилмасин, — таладагиларга тегмасдан пастки бешпасини тупуклайсан, холос. Ундан кўра туртишга узатсанг-чи, шунда ҳам ўзингнинг “бузмакор”ингга эмас, “мижоз”га узат, токи у бундан кейин ҳеч нарсани тушунолмаб қолсин. Тушундингми? Қани, чиқар.

Қўшним беихтиёр дастани “чиқарди”.

— Хўш, буёғи нима бўлади?

<sup>1</sup> М Б — Марказий Банк.

— Бу ёғига ўзим сузаман.

Мен қарталарни сузиб чиқдим.

“Болалар” қарталарга шундай тикилиб қарашардики, гўё биринчи марта кўраётгандек. Мен, афтидан, уларнинг устаси фаранг деган номларини бир пул қилган, гурурларини синдирган эдим.

— Хўш, нега ўтирибсизлар? Қарталарни олинглар.

Улар қарталарни олишди ва уларга тикилиб қолишди.

— Хўш, нега кўзингни узмай қолдинг? Тузларни кўрмаганмидинг? Ҳали ердагининг ичида иккитаси ётибди, олиб қарашинг мумкин.

Кўшним ердаги қарталарни кўтарди. У ерда иккита туз бор эди.

— Вой жалл..., иккинчи қўл ҳам кетди... — босиқ овозда деди у шеригига. — Ўргатсанг-чи.

— Текинга ким ўргатибди.

— Қанча?

— Хў-ў-ўш, — ўйчан чўзиб дедим мен... — Шереметьевога боришга бўлиши қанча?

— Бир юз эллик “кўки”дан.

— Ҳа, майли. Кўймадинлар-да. Шереметьевога кетдик, йўл-йўлакай сизларга ўргатиб бораман. Дарвоқе, ҳозир қаердамиз?

— Окружнойдамиз, хўжайин, — овоз берди ҳайдовчи.

— Бир соатда улгурасанми?

— Ҳаракат қиламан.

“Овчилар саргузашти” кўшиғига монанд равишда ҳайдовчи чамбарни айлантитарди. Кўп ўтмай таниш жойлар кўрина бошлади, кейин Ленинград хлебони келди. Мен сал енгил тортидим.

Мен янги дўстларимга бир нечта оддий-оддий ўйин усулларини ўргатдим. Улар нафасларини ютиб ўтиришарди. Ниҳоят, олдинда аэропорт кўринди.

— Депутатлар залига, — қисқагина амр қилдим мен.

“Командировкачилар” руҳсизгина жилмайиб кўйишди.

— Оббо, жалл... депутатлар қандай яшашимизни билишсайди...

Мен ҳайдовчига ютиб олган пуллардан биттасини суғуриб узатдим.

— Энди яхши яшайсизлар, — дедим-у, машинадан чиқдим.

— Ҳеч бўлмаса пивога жиндай қолдирсангиз бўларди, — ойна ичидан маҳзун жилмайиб деди кўшним.

— Сенга мумкин эмас. Сенинг уй вазифанг бор.

Шошмасликка ҳам, имилламасликка ҳам ҳаракат қилганча мен нажот зали томон жуфтакни ростлаб қолдим. Жуфтакни ҳам ростладим, қимматбаҳо тошлар тўла ҳамёнимни ҳам сақлаб қолдим. Эҳтимол, ҳаётимни ҳам.

Бир ҳафтадан сўнг Москвага учдим. Стюардесса такаллуф билан бериб кетган “Смена” газетасини очиб қарар эканман, кўзим тасодифлар рукни остидаги бир мақолага тушди:

“Ишбилармон Х. тасодифий йўловчиларга 130 миллион сўмни ютқазиб кўйганди, ютқазиб кўйилган пулларини қайтариб олишга уринганида эса унинг бошига тўппонча дастаси билан зарба беришган ва йўлга ташлаб кетишган”.

Ҳойнаҳой, бу ҳалиги “шогирд”ларим бўлса керак, шогирд устоздан ўтибди деганлари ростга ўхшайди.

## ВАЛЯ ПАВЛОВА

Биз ёзда, “Ленфильм”да учрашиб қолдик. Мен Ленинград театр институти режиссёрлик факультетининг биринчи курсини эндигина тугатган палларим эди. Мен йигирма уч баҳорни кўрган ёш бола эдим.

У ҳам ўша институтни битирган эди, бироқ олти йил олдин, Россиянинг йирик театрларида ишлаган. У ўттизларга кирган аёл эди.

Ўша кунни бир шиша араққа Валянинг соатини гаровга кўйдик-да, эрталаб актёр шеригимнинг ошхонасидаги йиғма каравотда уйғондик. Шундан сўнг биз роса беш йилгача бирга умргузаронлик қилдик.

Мен ўқишимни режиссёрлик факультетининг сиртқи бўлимига ўтқаздим ва иккаламиз қаерда имконимиз етса, ўша ерда — радиода, телевидениеда, кинода ишладик. Сўнг театрга бордик — аввал Қозонда, кейинчалик эса Петрозаводскда. Бирмунча вақт Валя Литейнийдаги Драма ва комедия театрида ишлади, бироқ кейин бош режиссёр билан чиқишолмай қолиб, кетишига тўғри келди.

Биз оғир, аммо гўзал ва қувноқ яшардик. Мен Қорбобо ва Валя Қорқизни ўйнаган “арча кампанияси” учун қалам ҳақи олиб, гоҳо “бойиган” пайтларимиз ҳам бўларди. Шунда ресторанга борардик, донм бир жойга — “Европа” меҳмонхонасининг иккинчи қаватида. Бироқ биз кўпинча харждан сиқилиб юрардик, бир сўм билан навбатдаги қалам ҳақиғача амал-тақал қилиб етиб олардик, гоҳида эса умуман бир тийинсиз қолардик. Шунда бозорга борардик-да, мевалардан, қуритилган замбурурдан ва гуллардан ўғирлардик. Бир-биримизнинг ҳаракатларимизни биримиз олиб-биримиз кўйиб шарҳ қилганча бозордаги ҳангомаларни эслаб, хоҳлашиб қулишар эдик: бу биз учун ўйин, спектакл ё лавҳалардай бўлиб, гўё Валя енгилтабиат, эркатой, пулни аямай соғурувчи хотин родини, мен эса қаттиққўл бой эр родини ўйнаган бўлардик ва мен шундай дер эдим:

— Жойига кўй-чи. Бас. Бугун сен кундалик аҳмоқлигинг учун оладиган нақд минг сўмнинг тагига сув куйдинг.

Шунда у “итоаткорлик” билан ўғирланган гулларни жойига қўярди, “минг” сўздан ўзини йўқотиб кўйган сотувчи эса, — бўлмасам-чи, у пайтларда бу пулга минилмаган автомобиль берарди, — узоқлашиб кетаётган “миллионер”ларнинг ортидан ҳавас билан қараб қоларди.

Бироқ одатда гуллар Валаяда қоларди ва шунда комедиянинг иккинчи кўриниши бошланарди. Биз мевалар сотиладиган растадаги хатти-ҳаракатларидан ўт чақнайдиغان сухсурдай грузин йигитини танлардик ва ўйинни бошлардик. Йўл-йўлакай Валя сотувчи билан гап сотиб қоларди ва охирида грузин гуллар билан, Валя эса бир қопчиқ мева билан қоларди. Гоҳо қийин ҳолатда мен пайдо бўлардим ва шундай дердим:

— Ҳайрон бўлманг. “Ленфильм” киностудияси. Биз машҳур актриса Павлова ҳақидаги кинони суратта олаёмиз. Бу эса репетиция.

Шу билан ҳаммаси жой-жойига тушарди-қўярди.

Афтидан, мен уни севардим. У худо берган истеъдод эгаси, ажойиб актриса эди, театрда ўзининг аёлга мос ва хос мавқеига эга эди. “Ҳаётбахш ўлим”даги Медея ва Мария Стюарт, Леди Макбет ва Комиссар унинг севган роллари эди. У доим жўшқин, ғайрату иштиёққа тўлиб-тошиб турарди. Ҳар қандай телбалик ва таваккалликдан қайтмайдиган ажойиб қобилият соҳибаси эди.

Мени ундаги нимадир, қандайдир жозиба ўзига тортгани-тортган эди. Эҳтимол, бу ундаги истеъдод ва ғайрат бўлса керак. Мен зимдан у билан курашар эдим, чунки эркак сифатида мен биринчи бўлишим керак эди-да. Бироқ кўп нарсада у биринчи бўларди ва мен олишганим-олишган эди. Мен Театр институтида ўқирдим, театрларда ишлардим, билим юртида дарс берардим, у билан бир ойма айру тушиб, йилида икки марта сессияга кетар эдим. У менга узун-узун чиройли хатлар ёзарди. Нимагадир мен асабийлашардим, рашқдан қийналардим, бир оз муддатта бўлса-да, ҳиссиётлардан қутулиш мақсадида унга хиёнат қилардим, унга томон интилардим, туйғулар жунбушига чидолмай, бўкиб ичардим, севардим ва нафрат қилардим.

Диплом спектакли кўйгани Саранска кетганимда у мени ташлаб кетди. Уни қардобалетдан бир бола олиб кетганид, икки ҳафтадан кейин эса бола уни ташлаб кетди. У менга қайтиб келишга уриниб кўрди, бироқ мен унинг хиёнатини кечиролмас эдим, унинг бу иши ўшанда менга хиёнат бўлиб кўринган эди-да.

Кейин, анчадан сўнг мен уни тушундим ва кечирдим. Вақти-вақти билан унга бутун умрим давомида ёрдам бериб юрдим. Унинг оғир ва қисқа ҳаётида ёрдам кўрсатдим. Бироқ, эҳтимол, худо уни нимаси учундир жазолаган эди. Эҳтимол, мени ташлаб кетгани учундир.

Мени эса паноҳкор фаришам асраган эди. У мени ташлаб кетгани учун ҳам одам бўлган бўлсам, ажаб эмас.

Бироқ ўшанда мен буни тушунмагандим. Азобланган сайин ичкиликка ружу қилардим.

Ниҳоят, умримда биринчи марта ўз исминини кўрдим — режиссёр “Андрей Ана-

нов сахнага қўйди” — бу театр афишасидаги ёзув эди. Умримда биринчи марта қалам ҳақини олдим — етти юз сўмдан кўпроқ. Ўша пайтларда бу катта пул эди. Валентина мени Ленинградда кутарди, янги 1972 йил яқинлашиб келарди. Биз келишиб қўйган эдик — мен диплом спектакли қўйган театрдан уйга, Питерга 31 декабрда учиб келишим керак эди. Биз янги йилни иккаламиз уйда танҳо байрам қилишимиз керак эди. Биз телефонда ҳар кунни гаплашардик, мен унга томон интилардим ва юрагимда бошқа ҳеч қандай гап йўқ эди.

Мен Ленинградга бир кун аввал, 30 декабрда учиб келишга қарор қилдим. Ўшанда биз яшаб турган 7-Красноармейскдаги уйда уни топмадим. Қўшнилар, яқинда у Виборгдаги ота-онасиникига кетди, дейишди. Бу эса электричкада уч соатлик йўл эди.

Мен нарсаларни уйда қолдирдим, чўнтакларимни пул ва совғалар билан қаппайтирдим-да, кечки поезд билан Виборгга қараб парвона бўлдим. Бироқ уни у ерда ҳам топмадим. “Ленинградга кетди”, деди қайнонам, кўзларини олиб қочиб. Қандайдир нохушликни ҳис этдим ва тонги биринчи поездда уйга қайтдим.

Ленинградда Финляндия вокзалида поезддан тушиб, нима учун мени Валя кутиб туриши лозим бўлган 7-Красноармейскдаги уйимга эмас, балки Литейний кўприги орқали ўзимнинг эски хонадонимга, ота-онам ҳузурига пиёда йўл олганимни тушунтира олмайман. Хонамга кирдим, дарҳол кўзим стол устида ётган хатга тушди. Ўша заҳоти ҳаммасини англадим.

“Кечир мени, Андрюша. Мен нима қилишимни билолмайман.

Ҳеч нима чиқмаслигини олдиндан билган ҳолда мен бошқани севиб қолдим... Мени қидирма... Сен ҳеч нарсани ўзгартира олмайсан... қачон бўлмасин, бу ишимдан қаттиқ пушаймон қиламан... лекин ҳозир...”

Бу жуда қаттиқ зарба эди. Мен бирмунча муддат гаранг бўлиб қолдим. Нима бўлганини англашга уринган ҳолда хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошладим.

Эрталабки соат тўққиз эди. 1972 йил 31 декабрь.

Уйда ота-онам янги йилга деб олиб қўйган бир шиша коньякни кўриб қолдим ва олдинма-кейин икки чой стаканни тўлдириб сипқордим. Ойим уйғонди. У дарҳол ҳаммасини тушунди, бироқ менга бир оғиз бир нима демади.

Мен ҳамма пулни, ўзимнинг дастлабки қалам ҳақим етти юз сўмни олдим. Бу пул билан унга эркак киши бўлганимни, ёрдам беришга, рўзғор тутишга қодир эканлигимни, истасядодли аёлга таянч бўла олишимни кўз-кўз қилмоқчи эдим, бу пул билан менинг уста режиссёр бўла олганимни ва энди мен кемамиз дарғаси бўлиб етишганимни, у эса мен билан бирга репетиция қила олиши мумкинлигини ва гапимга киришини кўрсатиб қўйишим керак эди, мен бу пулни чўнтагимга суқдим-да, ичгани кетдим.

Мен бутун мактаб таътилим давомида ичдим, қўлимдан келганча ичишга сарфладим, мен “Европа” меҳмонхонаси ресторанининг узоқ бурчагига қараб никоҳ узугимни итқитдим, узук майин жингирлаганча дуб паркетдан думалаб кетди.

Таажубки, кўп йиллардан кейин мана шу узук ўзимга қайтди. Бу пайтга келиб мен заргар бўлган эдим, уйда ишлардим ва мижозлардан буюртмалар олардим. Кунлардан бирида буюртма бергани келган аёл буюм учун хом ашё сифатида менга бир никоҳ узугини тутди. Мен ҳали уни қўлимга олганимча, қараб кўрганамча, “Валя, 1968” деган ўймали ёзув акс этиб туриши лозим бўлган ички қисмига кўз солганимча йўқ эди, бироқ ташқаридан қараганда минглаб бошқа узуклардан ҳеч нимаси билан ажралиб турмаган бу узук меники эканини ҳис этдим.

Ўйма ёзувга кўз солдим у бунга ишончим комил бўлди. Мижоз аёл кетди, нима қилишим керак дея унга узоқ тикилиб қолдим. Албатта, ўрнига ўзимнинг олтинимдан қуйиб, узукни олиб қолишим мумкин эди.

Мен бизнинг ҳаётимизни, бизнинг ажрашувимизни, янги йил хатини, ичкиликка ружу қилганимни, азобларимни, рашким ва муҳаббатимни эслай кетдим.

Мен узукни эритиб юбордим. У кичик бир маъдан қатрасига айланди.

...Шундай қилиб, барча қалам ҳақимни ичиб тугатдим, уй аптечасидаги календуланинг барча настойкасини ичиб тугатдим, иккита кичик арақни деб мен тўртинчи қаватнинг карнизидан ойимнинг кулфлог хонасига юриб ўтдим, арақларни ўша ерда сипқордим ва тагин ўша карниздан юриб орқага қайтдим. Лекин бу ичкилик ружуси

мени қутқариб қолди. Акс ҳолда мен у турган жойга борар эдим-да, уни ўлдирган бўлар эдим. Мен унинг қаердалигини билардим.

Ўн кундан кейин вужудим таслим бўлди. Мен Литейнийда, диванда ўзимга келдим, мен аста-секинлик билан минг укубатда ҳаётга қайтмоқда эдим. Бир неча кундан сўнг бир оз ўзимга келгач, қайта Саранскдаги театрға учиб кетдим — янги спектакл қўйишим керак эди.

Бир неча кундан кейин мен хушдан кетиб қолдим — тунда, меҳмонхона бўлмасида, — қорнимда чидаб бўлмас оғриқ турди-ю, ўзимни жарроҳлик столида кўрдим...

...Наркоз аста-секинлик билан ўтиб борарди. Мени операция қилишганини англадим, мен энди ҳаммасини эшитар, англай олардим. Жарроҳларнинг шундай дейишганини эшитиб ётардим: “Бўлди, тўрт соатлик жарроҳлик операциясидан кейин чекишимиз мумкин”, — шундай дея чеккани чиқиб кетишди. Жарроҳлик хонасида қолган икки ҳамшира ўзларининг қизларға хос гапларини шивирлашар эдилар.

Мен момиқ пахтадан яралгандай ҳилвираб ётар эдим. Бирдан қарахланган тилим ҳиқилдоғимға тортилиб бораётганини, унинг ваннанинги пробкасидай тўсиб қўйилганини ҳис этдим. Мен ётган жойимда бўғиға бошладим. Қўлимдан ҳеч нарса келмаётганди. На гапира, на чақира, на қўлимни қимирлата олардим, ҳамширалар эса ҳамон шивирлашарди.

Шу топ бир латиға эсимға тушиб қолди. Ҳа, мен на яқинлар, на Валя, на олий ва абадий нарса ҳақида ўйлар эдим. Мен шу мавзудаги бир латифани эсладим.

...Чекка бир жойдаги касалхона. Туман миқёсидаги йирик партия ходимини операцияға тайёрлашарди. Операция хонаси жиҳозларға лиммо-лим — сунгий юрак дейсизми, сунгий буйрак дейсизми, ҳаммаси шу ерда, ҳар томонға резина ичаклар, найчалар тортиб ташланган, асбобларнинг миллиари титрайди. Москвадан профессор, тиббиёт илмининг юлдузи чақирилган. Юлдуз операция хонасига кириб келади, беморға яқинлашади, бемор бўғилиб хириллай бошлайди.

Асбобларни қайта-қайта текширишади. Ҳаммаси бехато ишлаб турибди. Ҳаво, кислород, қон келиб турибди.

Бироқ ҳар гал профессор беморға яқинлашди демагунча у хириллай бошлайди. Шунда профессор буюради: “Унға қоғоз билан қалам беринг, балки нима гаплигини ёзар”.

Бемор қоғозға ниманидир ёзган бўлади, профессор яқин боради ва унинг қўлидан қоғозни олиб, ўқий бошлайди, бемор шу заҳоти ўлиб қолади.

— Жудаям ноаниқ қилиб ёзилган, — дебди чол-профессор. Ассистент қоғозни олади-да, баланд овозда ўқийди:

— “Резина ичакдан тушсанг-чи, қанжиқ!”

Худди шундайин, мен ҳам латиға билан ўлган эканман.

Айтишларича, чекиб бўлгач, врачлар операция хонасига қайтиб киришади. Бу ҳам бўлса менинги бахтим-да.

— Қаранглар, — дебди биттаси, — нимагадир беморимиз кўқариб кетибди!

Бўлмаса-чи, кўқармай қизарармидинг. Резина ичакдан тушсанг-чи, қанжиқ!

Бир неча кунгача бўм-бўш меҳмонхона бўлмамдаги телефон тўхтовсиз жиринглайди. Ниҳоят, дадам англаб етади-да, навбатчиларға қўнғироқ қилади.

— Анановми? Ўн тўртинчи хонадагими? Ахир у ўлган-ку! Сиз кими бўласиз?

Дадам уйда ҳеч нима демасдан ўша заҳоти Саранскка учиб кетган. У менга кейин ҳикоя қилиб берди, йўл бўйи қандайдир хатолик содир бўлганини сезибди. Бир вақтлар уруш вақтида ҳам ойимға худди шундай дейишган экан:

— Сержант Анановми? Ахир у ўлган-ку!

Ойим дадамни моргда, мархумлар столида ҳали иссиқ ҳолатда топган экан. Ойим ҳам қандайдир хатолик содир бўлганлигига қаттиқ ишонган экан. Операциядан бир неча кун кейин мен чидаб туролмадим ва Валяға телеграмма жўнатдим. Менда клиник ўлим содир бўлганлигини, операция қилинганимни ёздим ва тезда учиб келишини илтимос қилдим. Бироқ у келмади. У телеграмма юборди: “Мени аҳмоқ қиламан деб ўйлама. Мен сенинги мелодрамангға ишонмайман”.

Шундан кейин мен унга ҳеч қачон ва ҳеч нима ёзмадим.

...Мен яна уйландим, жозибадор Стелла исмида ажойиб, гўзал, бокира ва мени жонидан севувчи қизға уйландим, бу пайтга келиб Валя яна ҳаётимда пайдо бўлди.

Валя менга қўнғироқ қилди.

Маълум бўлишича, у иккиқат бўлибди, Ригадан келибди, ўша вақтда у театрда ишлаётган экан, Ленинградда туғишга аҳд қилибди, ҳозир “Снегирёвка”да турганмиш, унга ёғ, чой, қанд ва пул керак экан, янги эри Ригада ичишга ружу қилганмиш ва келишга шошилмаётганмиш.

Мен ҳаётимизнинг бошланғич паллаларини эслаб кетдим. Ўшанда дастлабки уч-рашувимиздан уч ҳафта ўтгач, Валя боласини олдириб ташлашга кетган эди, мен унга беш сўм пул, қанд, чой ва ёғ олиб берган эдим.

Орадан кўп йиллар ўтди, мен тагин унга ёғ, қанд, чой ва пул олиб бораяпман.

Кейин эса мен уни ўғли Максим билан туғуруқхонадан чиқаётганида учратдим, таомилга кўра санитар қизнинг чўнтагига уч сўм солиб қўйдим.

— Бахтли отани ўғилча билан табриклайман, — деди санитар қиз.

...Йиллар ўтаверди. Вақти-вақти билан Валя менга кўнғироқ қилар ва пул сўрар эди. Мен унга пул жўнатар эдим. Кунларнинг бирида эса Валя яна кўнғироқ қилди ва етиб келишимни ўтинди. Унинг эри бахтсиз ҳодиса қурбони бўлибди. Ёш, бакуват йигит экан, бош мия шикастланишидан кейин у актёр учун бебаҳо ҳисобланган энг азиз нарсадан жудо бўлибди — у тилдан қолиб, биринчи гуруҳ ногирони бўлибди. Валя гамининг чегараси йўқ эди. Мен машинада Ригага етиб келдим, Валининг эрини ўзим билан олиб келдим-да, Ленинградга жойладим. Коммунал квартирамизнинг битта хонасида уч нафар одам — Стелла, мен ва Валининг эри ўн кун турдик. Ўн кун мен йигитга заргарлик санъати сирларини ўргатдим, у ростданам қўли гул чиқиб қолди. Оддий жараёнларни у тез ўзлаштира бошлади.

Бирмунча муддатдан кейин мен Ригага бориб, Валини кўндирдим. Шоғирдимнинг қўли анча ҳунарга келиб қолган ва унча-мунча пул ҳам ишлаб топмоқда эди. Ўғли ҳам вояга етмоқда эди.

Сўнги марта Валя Петербургда тўқсонинчи йилларнинг бошида келди. Ўлгани келди. Ташхиси — ўпка саратони. Икки ой касалхонада ётди ва мен унга яна қанд, чой, ёғ, дори-дармон ва пул элтар эдим.

— Андрюша, менга жавоб беришса, яна юртимга, Виборгга олиб бор. Мен ўша ерда ўлишни истайман, — деб илтимос қилганди у бир гал.

Кўп ўтмай унга жавоб беришди.

Мен уни Виборгга олиб кетдим.

## ҚУЁНЧА

Ўн беш йил флотга тушиб, мен яна ичкиликка ружу қўйган эдим.

Ўша йиллари мактабларни хрушчёвчасига қайта ташкиллаштириш кетмоқда эди. Саккизинчи синфни битиргач, бизлар яна икки йил эмас, уч йил ўқишимиз кераклигини билдим. Кўплар ўшаанда ўн йиллик таълимлар сақланиб қолган “ишчи ёшлар”нинг кечки мактабларига кетиб қолди. Кимлардир чинданам кундузи ишлар эди, кимлардир иш ҳақида сохта маълумотномалар олар эди.

Мен яна ўз йўлимдан кетишга қарор қилдим: отам, математика профессори ёрдамида мустақил равишда тайёрланиб, бир йилда бутун ўрта мактаб дастурини зудлик билан топшираман-да, университетга кираман деб ўйладим. Хонадонимиздаги анъана шунини талаб этарди. Бироқ отам касал бўлиб қолди, неврозлар клиникасида узоқ қолиб кетди, бу клиника Васильевский оролининг 5-йўлида жойлашганди. Мен қаровсиз ва раҳнамосиз қолдим. Ойим ишларди ва биз укам Никита икковимиз оқсоч Фаина билан узоқ вақт бирга қолишга мажбур эдик. Фаина содда ва очикфёъл қишлоқ аёли бўлиб, оиламизда йигирма йилдан бери истиқомат қиларди.

Мен мустақил тайёрлана олмадим, охир-оқибатда, бир-икки ой беиш валақлаб юрдим-юрдим-да, дадамнинг ўша пайтларда урф бўлган ўткир учли ботинкасида бир чақасиз ва таниш-билишсиз Таллин кўчаларида пайдо бўлдим.

Ўша вақтларда биллиардга қаттиқ ҳавас қўйган кунларим эди. Аввалига Таврия боғидаги болалар майдончасида, темир соққали мўъжазгина столда ўйнай бошладим ва жуда тез ўрганиб олдим, кейин эса Ленинград зобитлар уйида буюк мутахассисга ўша йиллари маркер бўлиб ишлаган собиқ питер биллиард қироли Николай Павлович Чижга “шоғирд” тушдим. Эрталаблари мактабни айланиб келгач, зобитлар уйига келардим, бахтимга у мен турган уйдан атиги икки уй нарида жой-

лашганди. Дахлиздагилар мени бал рақслар тўгараги машгулотларига бораяпти деб ўйлашарди. Мен эса ички эшиклардан бирининг калитини олардим-да, бионинг иккинчи қисмига ўтиб кетардим ва ҳеч кимга билдирмай биллиардхонасига кириб олардим. Николай Павлович нима учун мени шогирдликка олганини тушунмасдим, эҳтимол, ёлғиз бўлгани учундир, эҳтимол, ўзининг ноёб усуллари ва ўйин сирларини кимгадир қолдириш учундир. Мен ёшимни катта қилиб айттардим, институтда ўқийман, деб алдардим, мени биллиардхона “талабаси”, яна “Пионерлар уйининг чемпиони” деб аташарди. Мен ҳақиқатан ҳам ёмон ўйнамасдим. Николай Павлович менга йўлларини кўрсатиб борарди, гоҳо эрталаблари мен ўйинда бирон-бир пулдор зобитга шерик тушардим ва бир чеккадан юта бошлардим. Ютганларимни устозимга берардим, у эса охирида менга “чайчақа” берарди. Ютқазганим учун ҳам пулни у берарди.

Шундай қилиб, Таллиндаман. Бирмунча вақт маҳаллий зобитлар уйда “гастролларда” бўлардим, оз-оз ютиб олган пулларимга музқаймоқ олиб ердим, (бу хийла қувватбахш озуқа эди), сўнг саргузаштлар пайидан тушиб, теварак-атрофларни айланардим. Бир гал мен бир штурманни ютдим, унинг ёнида пул кам экан, у мени денгиз бандаргоҳига, “Вега” ўқув кемаси — уч мачтали бригантинага олиб кетди, ўша ерда “танишганлигимизни” нишонладик ва мен тунаб қолдим. Кейин бир йўла қолиб ҳам кетдим, палуба матроси шогирди бўлиб жойлашдим, бошқача айтганда Таллин денгиз ўқув юрти ўқувчилари икки ойлик палуба амалий машгулотлари ўтадиган ғаройиб яхтанинг юнгаси бўлдим.

Саргузаштларга ишқибозлик мени “катталар” ҳаётига тортар эди. Дастлабки қисқа муддатли таътилимда бировнинг “қисқичбақали” фуражқасини мағрурона кийиб ва кубрикда эстон матросининг насияга олган кумуш узугини бармоғимга тақиб, “Мери-клуб”даги рақсга йўл олдим. Қайтиб келиб, узук эгасидан роса калтак едим. Унга фуражқанинг эгаси ёрдамлашиб турди, у ҳам эстон йиғити эди. Мен ўз назаримда ноҳақ жазоланган бўлсам-да, бу сабоқ умр бўйи эсимдан чиқмайди. Шундан бери мен эстонларни ёмон кўрадиган бўлиб қолдим.

Болалигимда баландликдан ўлғудай кўрқардим. Кемага келгач, энг баланд рейлар, ёки бўлмаса юқориги марселларда матрослар ишлашини билдим. Шогирдларни фақат кўйи поғоналарга кўйилар экан. Мен тез орада ва қутилмаган фурсатда шарманда бўлишимни англадим. Кема радиосидан кема бўйича навбатдаги команда берилишини билдирувчи қарсиллаган ва шиқиллаган товушни эшитишим ҳамон ҳар гал ичимдан ичқиринди ўтар эди. Ҳар гал нафасимни ичимга ютиб, эълонни кутар эдим:

— Ўқув елкан тревогаси. Команда юқориги ва кўйи марселларда ўз жойини эгалласин...

Юқориги марселлар — бу мачталарнинг энг охиридаги палубадан йигирма метрларча баландликдаги елкан эди.

Бироқ ҳозирча Худо менга ёр эди. Радио чурқ этмаётганди.

Бир куни тунда мен ўзимни бардам ҳис қилмоқда эдим. Команда аъзолари ва шогирдлар ухлашарди, супачадаги штурвалда вахта матроси турарди. Тун зим-зиё, юлдузсиз эди, боз устига кучли ён шамол эсарди. Кема шитоб билан гувиллаб сузиб борарди.

Вахта матроси ён-берига қарамас, икки кўзи олдинда эди, аҳён-аҳёнда штурвални туртиб кўяр эди. Палубада ҳеч ким йўқ, фақат шамол тўрларга урилиб чийиллар ва олдиндаги қоп-қора бўшлиқ ичига кириб кетган бизань-мачта гичирларди. Мен на тепага, на пастга, на ён-атрофга ҳам қарамай вантлар томон интилдим ва юқорига ўрладим.

Мен вантларнинг дастлабки марши охиригача кўз очиб-юмгунча етиб олдим. Энди мен мачта атрофини айланиб ўтувчи ўтиш супачасига келиб қолгандим. Вантлар ёғоч пиллапоячали арқон нарвончасининг навбатдаги вантлари ортида жойлашганди.

Кўлим билан супачага тирмашганча мен қарши томондаги қиррагача эгилиб етиб олдим ва жон-жаҳдим билан юқорига ўрладим. Юқориги марселгача қандай етиб борганимни айтиб ўтирмайман. Леерга маҳкам ёпишиб олганча, мачта билан барабар чайқалар эканман, ўзларини билагон кўрсатиб, мачтанинг ҳар бориб келиши олти метрдан ҳам ошиқроқ эканини айтишганда юз фоиз ҳақ эканликларини, афсуски, англаб турардим.

Қисқичлари ва думи билан чангаллаб олган қисқичбақа сингари мен ҳам дуч келган нарсага маҳкам ёпишганча қандай пасга тушиб келганимни не сўз билан айтмай? Назаримда бир бўлак илиқ ахлатга айланганману абадият сари сирғалиб кетяман. Ниҳоят, совуқ ва даҳшатдан титраб-қақшаганча ўзимнинг қадрдон иссиққина кубригимда пайдо бўлдим, бошим билан тўшакка суқилдим ва ўликдай уйкуга кетдим. Эртаси кун тунда яна бизанга кўтарилдим — энди ҳар кун тунда машқ қила бошладим ва кундан-кунга дадиллашиб боравердим. Охири шу даражага етдимки, матросларда бўлгани каби ҳатто оёғимни леерга қўйиб чиқадиган, юқориги марсел бўйлаб унинг энг чеккасигача етиб борадиган бўлдим.

Мен “Вега”да ярим йил суздим, техминимумни топшириб, “ғўра”дан иккинчи класс матросига айландим, мен эшакни ажойиб эшар, елкан тревогаси вақтида леерда икки оёқлаб туриб ва рейда қорним билан ётиб юқориги марсел елканини бемалол чайқатар эдим: ҳатто бир гал сув байрами вақтида фок-рей тумшугидан анча оғир ва хийла хатарли бўлса-да, пасга шўнғидим ҳам, чунки сув ўрнига бош билан палубага шўнғиб тушиш ҳеч гап эмасди-да. Қисқаси, мен чинакам йигит бўлгандим.

Бироқ мен яна ичкиликка берилдим. Қандай тирик қолганимга, кўпларни домига ютган мана шу чуқурлик тубига тушиб кетмаганимга, ичкиликдан адоий тамом бўлмаганимга, мастларча мушгланувларда ўлиб кетмаганимга, Литейнийдаги шифути пастак квартирамнинг қандилидаги илмоққа осилиб қолмаганимга ҳали-ҳануз ишонгим келмайди. Бир қарра кўз юмиб, қайта уйғонмасликни орзулаган пайтларимда ваҳишона ичкилик жазаваларидан мўъжизали тарзда омон қолганимни ўйлайман. Университетга қандай кирганимни, театр институтини қандай битирганимни, қирқ тўрт йил спектаклимини қандай қўйганимни, қандай қилиб машҳур спортсмен, киноартист бўлиб етишганимни ва, умуман, қандай яшаб қолганимни ҳозир ҳеч тушуна олмайман.

Ким мени қутқарар эди? Мусибат ва фожеаларни бошимдан ким аритар эди? Қайта оёққа туриб, ёруғ оламга мени ким етаклаб чиқарди? Тангрими? Ҳомий фариштами? Тақдирми? Мени яхши кўрувчи одамларми? Ёки вужудим қаърида яшовчи, мени таслим бўлишга, тақдирга тан беришимга, ўзимнинг ожизлигимни тан олишимга йўл қўймовчи тагин бирон-бир нарсами? “Бошқасини очмасдан олдин ҳеч қачон ҳаёт биринчи эшикни ёпмайди”, — дер эди менга отам. У ўз жонига қасд қилди ва мен учун бир эшик ёпилиди. Мен уни дафн этдим ва унинг хотирасига ичишни ташладим. Мен учун иккинчи эшик очилди.

Мен беш йил ичмадим. Мен бой берганимни қайта тикладим, ўша пайтда ўзим учун энг муҳим бўлган ишни адо этдим — мен ҳаётда ўз ўрнимни эгалладим, асосий саволларга ўзим учун жавоблар топдим. Нима учун яшаётганимни, ким бўлмоқчи ва қандай қилиб бўлмоқчи эканимни тушуниб етдим, мен заргарлик касбига олиб келган бахтли тасодифдан фойдаланиб қолдим, онажонимга ўзимнинг биринчи олтин буюгимни — бир вақтлар сотиб ичиб юборганим ўрнига дур кўзли тўғнағич ясаб бердим. Ойижоним ўлиб кетди, тўғнағич эса ўшандан бери ҳаминша ўзим билан бирга, галстугимда юради. Унга қараб туриб менинг нималар ҳақида ўйлашимни ва нималарни эслашимни ҳеч ким билмайди. Аммо бу оғир дoston ва буни ҳеч ким билиши ҳам керак эмас. Ичувчиларга камдан-кам ҳолларда ачинишади. Кўпроқ ёмон кўришади, улардан йирганадилар, ундан ҳам бадтарроғи — сотадилар ва ташлаб кетадилар. Қаттиқ мастлик ҳолатидан кейин ҳушига келган ичкиликбознинг нечоғли азобланишларини ичмайдиган яқинларидан биронтаси ҳеч қачон билмайди. Бу азоблар жисмоний азоблардан неча чандон азобли кечади. Мен умримда бундан ҳам кучли азобни фақат бир марта бошдан ўтказганман: Таллин касалхонасида пичоқ билан чавоқланган ва шамоллаган ичагимдаги даҳшатли оғриқдан иккинчи марта ўлганимда, перитонитнинг сўнгги босқичида шундай бўлганман. Бироқ ўшанда мени Худонинг ўзи сақлаган эди.

Кейин эса Худо менга ҳаёт фаришгаси қизалоғим Анитани юборди, узил-кесил мени ўлимдан сақлаб қолди. Менимча, мени чин дилдан севувчи яккаю ягона зот ҳам шу кишим бўлса керак. Мен уни эркалаб, Қуёнча дейман, шу Қуёнчам мени мусибатдан нари қилди, ўзи билмаган ҳолда мени қутқариб қолди, ҳолбуки, бунинг учун у уриниб-чирангани ҳам йўқ, кўзёши тўкиб, йиғи-сиғи қилгани ҳам йўқ.



Ваъз ўқиб, насиҳатлар бергани ҳам йўқ. Ҳали тили чиқмаган норасида гўлак қандай қилиб ҳам ваъз ўқиб, насиҳатлар бера олсин! Бироқ у менинг ҳаётимни сақлаб қолди ва мен бу ҳақда сўзлаб бераман.

Куёнчам Шер бўлиб туғилиши керак эди, шунда оиламизда иккита Шер бўлар эди — дада-Шер ва Куёнча-Шер. Бироқ Анита муддатидан уч ҳафта олдин дунёга келди ва Шер эмас, Саратонча бўлди. Шернинг фазилатларига эга бўлган шундоқ меҳрибон ва толели Саратонча.

...Ҳайдовчи мени бир қоп ундай дала ҳовлига келтириб ташлади. Хотиним ва қизимга кўзимни кўтариб ҳам қарамай, руҳий азоб ва уятдан гўжанак бўлганча хонамгача етиб бордим ва бошимни кўрпага буркаб ётиб олдим. Иссиқ ёз кuni эди, мен эса худди қаҳратондагидек дағ-дағ қалтирардим. Бирдан кўрпа қимирлади. Бу жимгина олдимга келган Куёнча эди ва индамай мен билан ёнма-ён ётиб олди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, унинг гўдакларча маъсум кўзларида катталарга хос дард ва мунгни кўриб, кўрқиб кетдим. Бирмунча вақт биз жимгина ётдик. Сўнг эса миттигина иссиқ кўлча мени унсиз ва эҳтиётлик билан силаётганини сездим.

Мен Анитани бағримга босдим-да, товуш чиқармай йиғлаб юбордим. Менга нима ёрдам бериши мумкинлигини ва бу бошқа бирон-бир одамнинг қўлидан келмаслигини тушунган мурғаккина жонзотга азбаройи миннатдорлигим туфайли йиғлаб юбордим. Гўдакка қапишибгина ётар эдим, кўними йўқлиги учун яна кетиб қолишидан кўрқаётгандим. Лекин у кетмади, кетмадигина эмас, мени оҳиста силар эди. Бу вақтда Анита ҳали бирга ҳам тўлмаган қип-қизил чақалоқ эди.

Бундан олдин ҳеч ким ва ҳеч қачон мени бу қадар ёввошлик, меҳрибонлик ва сабр-тоқат билан эркаламаганди. Эҳтимол, бу ўзгалар дардини ҳис этиш, ўзининг нозик ҳис-туйғулари билан ёрдам ҳақидаги ушбу кўзга кўринмас унсиз қичқирқларни идрок этиш, эвазига ўзининг қалб ҳарорати ва муҳаббатини садқа қилиш билан жавоб қайтариш барчага ҳам насиб этавермаслигидан бўлса керак. Куёнча менинг дардимни ҳис этарди, Куёнча мени севар ва менга ачинарди. Мен ҳам енгил нафас олиб тушундимки, мен ҳам ким учундир яшашим керак. Бошдан-оёқ совуқ-қонликдан иборат ва ўзгалар дардини англашга ва ҳис этишга қодир сеувучи ва бағрикенг яқинларинг йўқ бу фоний дунёда мен ёлғиз эмасман.

Узоқ вақтгача қачон стаканни кўрсам, қизимнинг кўзларидаги ўша катталарга хос мунги эсимга тушиб юрди. Шу нарса менга кўмак берди. Ўзимни ўнглашга, стаканни қўлимга олмасликка, навбатдаги ичкиликбозлик дардига гирифтор бўлмасликка ёрдам берди. Мен қарийб бир ярим йилгача ичмадим, бироқ мени дала ҳовлида силаган илиқ кўлчани аста-секин унута бошладим. Тагин ҳаммаси бошидан бошланиб кетди. Уч кун бўкиб ичаман, икки кун қалтираб ётаман, арқон ҳақидаги ўйларга кўмиламан, дивандан бағримни кўтаролмайман, учинчи кuni шўрванинг сувини ичаман, икки кун давомида олдинги ҳаётга қайтаман ва бир неча ҳафта босим ишлашман. Сўнгра — яна бари бошидан бошланади.

Менинг ҳаётимда бир вақтдаги Висоцкийнинг ҳаётига зомин бўлган “эспераль” муолажаси бор эди, у ҳалок бўлган отам ҳақидаги хотирага чандиб қўйилганди, беш йил танаффус қилдим, яна бир муолажа ўтди, яна бир ярим-икки йил танаффус қилдим-да, яна ичкиликка ружу қилдим ва ниҳоят, Куёнча йўлимни тўсди.

1989 йилнинг қишида Куёнчанинг онаси бир неча кунга Смоленскда турадиган бувисиникига кетди. Биз қизим билан иккаламиз қолдик. Мен у билан мазза қилиб айланар, уни овқатлангирар, тагликларини алмашгирар, тўри баланд болалар каравотчасига ётқизар эдим.

Бир кuni кечқурун ҳузуримга кўшни кирди. Чақалоқни ётқизиб қўйиб, биз дастурхонга ўтирдик. Аниқ нима бўлганини яхши эслаёлмайману, аммо охири шундай бўлдики, сўнгги шишани бир ўзим ича бошлаган эдим.

...Мен ярим тунда уйғондим. Пардаси тортиб қўйилган деразадан ой ярақларди, унинг совуқ нури ёритиб турган буюмларнинг сояси баҳайбат кўринарди. Мен кўрпа устида, ботинкамни ечмай ётардим, қуруқшаган томоғим ёпишиб, зўра нафас олардим. Тўсатдан ёнгинамда кимнингдир иссиқ баданини ҳис этдим. Биқинимда, чўк тушиб эгилган кўйи бошини диванимга қўйганча жиққа ҳўл Куёнча жимгина ухларди. Яланғоч оёқчалари қоп-қора полда оқариб кўринарди.

Гўдаккинамнинг ўрнида бир зум ўзимни тасаввур қилдим даҳшатдан нафасим

ичимга тушиб кетди. Куёнча тунда уйғонди. У йиғлаб мени чақирарди. Мен эсам, гирт маст бўлиб, қўшни хонада хурракни отардим. Куёнча қандайдир мўъжиза билан баланд тўрдан ошиб ўтганда, йиқилиб тушиб, оёғини синдириб олмаганди, балки йиқилгандир, лат егандир ҳам, мени чақириб йиғлагандир ҳам, охири умидини узиб, жимжит кенг хонада мени қидириб, эмаклаб келгандир. Куёнча мени топган, ҳомий фаришта сингари чўк тушганча тун бўйи ёнимда, ўлаётган отаси олдида қолган. Отаси эса бу вақтда ўзидаги бор сўнги бисоти — бир ярим яшарлик гўдакни бой беришга тап-тайёр бўлиб ётарди. Ахир, бу отани ёруғ дунёда тутиб турган қилча жон мана шу мурғак гўдак эмасмиди? Мени бало-офатлардан ҳомий фариштадек омон сақлаб қолган мана шу сўз билан изҳор этиб бўлмас бокира муҳаббат эмасмиди? Яна куч билан ўрнимдан турдим, ухлаб ётган чақалоқнинг устини алмаштириб, ётқиздим, кўрпам билан ўрадим, қолган арақни унитазга тўқдим, ечиндим ва бошимни кўрпага буркаб, пешонамни гўдакнинг озгин елкасига тираганча, ёнма-ён ётдим. Шунда вужудимдаги барча оғриқлар бирдан ғойиб бўлди ва мен жим ва тинч уйқуга кетдим.

Шундан бери кўп йиллар ўтди. Мен спиртли ичимликни бошқа оғзимга олмадим. Умид қиламанки, мен бу балоий офатдан халос топдим.

Куёнча Париждаги мактабда ўқияпти, ҳозирча французчада шариллатиб ўқийди ва ёзади. Тез-тез шамоллаб туради, асалли қайноқ сутта хушсизроқ. Куёнчанинг Парижда ойиси ва синглиси Настёша ҳам бор.

Улар иноқ яшашади ва бирга ўйнашади. Куёнча мени аввалгидек яхши кўради ва доим кўзи йўлимда тўрт. Куёнча шундай дейди: “Мен дадамдай ақллиман ва оиймдай чиройлиман”. Куёнча тез ўсапти.

Эй Худойим, ишқилиб, Куёнчани ўз паноҳингда асрагин-да.

## МОНТЕ КАРЛО

Шундай қилиб, шинам француз Монтелимеридаги байрам ниҳоясига етмоқда.

Сўнги кунларда вақти-вақти билан ҳе йўқ-бе йўқ нимагадир ўзимдан-ўзим куладиган одат чиқарган эдим. Аслида эса болалик хотираларим ва бобом Монте-Карлода мулки ва от заводини ютқазиб қўйган ашаддий қиморбоз ҳақидаги оилавий ривоятларга қаттиқ берилиб кетиб, ажиб болалигим кечган мамлакат Монакога қилажак серзавқ сафаримни хаёлдан ўтказарканман, оғзимнинг таноби қочиб кетаварди. Бироқ Монакода мени ҳаяжонга соладиган бир қиморхона эмасди. Монте-Карло марказида, барча қулайликлар ва ҳашамат билан қурилган “Отель де Пари” олдидаги Казино майдонидаги кўпни кўрган, унча ҳашамдор бўлмаган “мерседес”-да пайдо бўлдим, бир оз ўзимни йўқотдим, шууримда қандайдир билинар-билимас ғайритабиийлик ҳис этдим. Атрофимда махсус буюртма билан ясалган махсус автомобиллар зир қатнайди, ўзига тўқ, оғзида сигара, ферузаларга кўмилган бой одамлар ғала-ғовур қилади, оёқлари узун, пардай енгил голливуд қизлари у ёқдан-бу ёққа сузади, офтоб чарақлайди, денгиз томондан салқин шабада эсади, ҳар ёқдан ширин овозлик куйлари қулоққа чалинади. Мен ўзимни тасодифан зотдор хонаки итларнинг кўргазмасига тушиб қолган безот дайди кўпшакдай ҳис этмоқда эдим.

Бирпас суст босиб турдим-да, мен ўзимни қўлга олдим. Эски лимузинимни худди миллиардерлардек эринибгина кезинаётган сатанг эшикбон кўзидан нари қилиш учун отель томон юрдим.

Мен “Отель де Пари”да қиммат хона олдим, ғарибгина егуликларимни ёйиб қўйдим ва меҳмонхона бўлмасига ўхшаш ваннага кирдим-да, дабдабали кўпикка шўнгиб, ўйга чўмдим. Мен бу ерда ҳеч кимни билмасдим. Мен фақат бир нарсани билардим — мен миллионер ва худбин доноларга тўлиб-тошган бу жаннатда шуҳрат чўққисини эгаллашим мумкин эди. Бу ҳам бўлса фақат ўзимнинг ҳалол меҳнатим билан: заргарлик буюмлари йиғноғию соғлом рус авантюризми орқали. Аммо қайси томондан бошласам экан?.. Шу топ эшик тақиллади. Кирган официант столга шампан шишални челақни қўйди, челақка бир конвертни суяб қўйди-да, ваннанинг очиқ эшигига орқасини қилиб тавозе ила бурилганча, кўздан йўқолди.

Бу меҳмонхонанинг янги мижозини кутиб олишдаги расмий ҳаракатлар эди. Ас-

лида шампан пули ё ҳисоб-китоб чоғида ҳисобга олинарди, ё азалдан бўлма қийма-тига киритилган бўларди. Конвертда, албатта, директорнинг ташрифномаси солинган, унга навбатчи менежер бир нечта такаллуф сўзлари битган бўларди.

Шунда миямга бир фикр келди.

Мен Собчак хоним Париждаги қабулда французларга кўрсатган тухумнинг ўзидек қилиб пасха тухуми тайёрладим, ўзимнинг ташрифномамга “Отель де Пари”да бўлганимдан гоят бахтиёрман, деб ёздим. Сўнг курьердан директорга жўнатиб юбордим. Агар у жойида бўлса, албатта, кўнғироқ қилади. Чунки пошполик шампанига жавоб тариқасида қимматбаҳо совға юборган биринчи аҳмоқ, ҳеч шубҳасиз, мен бўлиб чиқаман. Кўнғироқни кутар эканман, йиғноғимни очдим ва кўргазмага ўхшаш бир нарса ҳозирлай бошладим.

Худди тахмин қилганимдек, кўнғироқни узоқ кутишга тўғри келмади. Қолгани хамирдан қил суғургандек битди. Директор мени бир пиёла қаҳвага таклиф қилди, мен эса уни хонаки пештахтамага.

Отель директори ҳайратдан ёқа ушлади. У ошқора қизиқиш билан буюмларни кўздан кечирди ва охирида деди:

— Сизга ким кераклигини биламан. Сизга Андре Ролфо Фонтана керак. У шу соҳанинг одами. Сизни у билан таништириб қўяман.

Месьё Ролфо Фонтана князликдаги биринчи кўргазмаларнинг мудирини, Князь Реньё III нинг яқин дўсти эди.

Кўп ўтмай у малласоч ёрдамчи қизи ҳамроҳлигида пайдо бўлди. Ролфо Фонтана ҳақиқатан ҳам гоят бообрў жанобга ўхшаш кўрпнардди. Буюмларни виқор билан кўздан кечирди, виқор билан ўриндиққа ағдарилди, бу билан у бу ерда ўзи хон, кўланкаси майдон эканини билдириб қўймоқчи эди, Монако князидан кўра билимдон мутахассис оҳангида деди:

— Чақки эмас, сиз ажабтовур Фаберже йиғноғига эга экансиз, жаноб Ананов.

— Муаллифга бу қадар тез баҳо беришга қандай журъат этдингиз? — ажабланганнамо дедим мен.

— Ҳаёғимда кўп нарсаларни кўрдим, — мамнун ва хайрхоҳлик билан жилмайди месьё.

— Мен берган баҳоингиздан лол қолдим, тўғриси, менга ноқулай: аммо тан олиш керакки, бу Фаберже эмас. Бу — Ананов. Буюмлар эса ҳозир Россияда ясалган.

Месьёнинг мамнун жилмайиши сўнди. У ҳатто бир оз қизарди ҳам. Бироқ ўзини жуда тез ўнглаб олди-да, тавозе билан таъзим қилди — “табрикларимизни қабул этинг”.

Ташриф сўнгида бутун совет ҳокимияти йилларида Монакода байрам қилинган рус рожествоси вақтида буюмлар йиғноғим билан Монте Карлога келишга таклифнома олдим. Бу ўн кунлик ташриф бўлиб, барча харажатлар ҳукумат томонидан тўланди, икки кундан кейин эса соҳилбўйи шаҳрининг марказий газетаси “Нис матэн”нинг энг аъло, сўнги рангли раҳилфасида “Мавсум юлдузлари” рунки остида менинг фотосувратим босилиб чиқди. Суврат ортида хазинам ва катта мақтов мақоласи чоп этилганди. Фотосувратда ўқувчиларга оқ костюмни, ўз қадрини биладиган ва газета рунки номига мутлақо жавоб бера оладиган салобатли жаноб қараб турарди.

Месьё Андрей Ролфо Фонтана чинакам мард инсон экан.

1991 йил декабри — 1992 йил январиди Монте Карлодаги илк кўргазма муваффақиятли ўтди, мен келаси йил келиш учун яна таклифнома олдим. Бу ишим бир чети омманинг ҳаяжонли қўллаб-қувватлаши, бир чети Андрейнинг олиёҳимматлилиги, бир чети янги дўстимиз, афсуски, марҳум шаҳзода Луи де Полиньяк ва яна бир чети Монако князи Реньё III учун олдиндан махсус тайёрланган ва ўша мафтункор Ролфо Фонтана томонидан менинг номимдан тақдим этилган совға шарофати билан бароридан келди. Хуллас, мен Монте Карлонинг забт этишда давом этмоқда эдим. Сўнги истеҳком Қизил Хоч Бали эди.

1994 йил яқинлашиб келарди. Бу вақтга келиб мен Монте Карлога хийла мустаҳкам ўрнашиб олган эдим: мен Монте Карлонинг олий жамияти доирасига кириб бордим, бу ерда менинг уч турли кўргазмам бўлиб ўтди, баҳорда Балнинг биринчи

мукофоти ва рамзини ясаб, шуҳрат чўққисига кўтарилдим. Бу — ўзи оқ кахоланг тошдан, барглари яшил нефритдан, тоғ биллуридан қилинган ва олмослар билан жилоланган гулдончага ўтқазилган атиргул эди.

Ниҳоят, бешинчи августда, туғилган кунимга уч кун қолганда Монте-Карло шуҳрат чўққисига кўтарилишимнинг сўнгги пиллапоясини босиб ўтишим керак. Бешинчи августда Қизил Хочнинг меҳр-мурувват балида мен тантанали сувратда саҳнага чиқишим ва Фаребже ва Анановнинг энг яхши анъаналарида тайёрланган меҳр-мурувват лотореяси вақтида ўйналадиган Балнинг бош мукофоти сифатида шаҳзода Альберт томонидан тасдиқланган махсус пасха тухумини бахтиёр инсонга топширишим керак. Бу фикр бошимда анча олдин, бултур балда меҳмон бўлиб қолганимдан бери айланиб юрарди. Гарчанд ўшанда мен бал бошланишидан олдин малика Каролинанинг шахсий коктейлига таклиф этилганимда бу алоҳида шараф ҳисобланарди — кечки овқат вақтида мени шаҳзода де Полиньяк қаршисига ўтқазишди, бу ҳам гоят шарафли эди, ўшанда илк бора бу юртга қадам ранжида қилганимдаги бир туйғу вужудимни қамраб олганди. Уч минг бой бекорхўжалар ўтирган бу танобий уй менга қарамаётганди, менга қўл силтамаётганди ва умуман, менинг бу ердалигимни билмасди ҳам. Бу мен учун ҳақорат қилиш билан барабар эди. Халойиқ олмос кўзли гаройиб узук совға қилган “Картье” ширкатига, бутунлай янги нусхадаги олтин билакузук инъом этган “Репосси” ширкатига столларни одатдаги атиргуллар билан тўлдириб ташлаган Карл Лагерфельдни олқишларди.

Мен стол оша шаҳзода де Полиньяк томон эгилдим, ҳозиргина меню орқасига чизган сувратни узатдим.

— Нима бу?

— Бу қизил ёқут хочли пасха тухуми, келгуси Балга менинг совғам.

— Ичида нима бор?

— Сюрприз.

— Қанақа?

— Бу сир.

Қаримсиқ шаҳзода лунжини шиширди. Шундан бошқа нарса миямга келмади. Бироқ дарҳол ўзимни қўлга олдим-да, калламни ишга солиб ноқулай вазиятдан осон кутулдим. Мен жилмайдим:

— Сир, аммо сиздан сир сақлай олмайман, шаҳзодам. Тухум ичида беш рамкача, акангиз, оила аъзоларингиз сувратлари солинган йиғма созлама бор. Лекин бу гап орамизда қолсин. Розимисиз?

— Оббо граф-ей! Қаёқдаги гапларни гапирасиз-а?.. Бу зўр гоё. Мен ҳозироқ Альберт билан гаплашаман. Дарвоқе, тухумнинг баҳоси қанча?

— Бал учун — ҳеч қанча. Бу менинг совғам.

— Барибир унинг нархи қанча туриши мумкин? — тинчимди қаримсиқ.

— Камда ярим миллион франк.

— Жуда яхши, мен ҳозироқ гаплашиб кўраман.

Кечки овқат сўнгига бориб, ҳов анави жаноб, Россиядан келган гарф Ананов ҳозиргина княз Ренье III га ҳар бири ярим миллион турадиган беш олтин портретни совға қилгани аллақачон ярим залга маълум бўлганди. Бу афсона нархи неча марта кўтарилиб зал бўйлаб тарқалар экан, Альберт менинг барча таклифларимга розилик билдириб бўлган эди ва қораламаларни юборишни сўради. Мен ундан бўлажак митти суврат чизгилари учун расмини чизишимга вақт ажратишини ва оиланинг бошқа аъзолари билан учрашувни ташкил этишини ҳамда мени шаҳзода ва маликаларнинг турли фотосувратлари билан таъминлашини илтимос қилдим.

Уч кун ўтиб мен саройга келдим. Мен кейинчалик оиламиз ҳаётида гоят муҳим рол ўйнаган доно ва меҳрибон княз Ренье билан мириқиб суҳбатлашиш, соҳибжамол малика Каролина билан танишиш, лойиҳа қисмларини шаҳзода Альберт билан муҳокама қилиш, митти сувратлар чизиш учун фотосувратлар олиш шарафига муяссар бўлдим. Саройга таклиф этилиш шарафига камдан-кам кишилар мушарраф бўлар эди.

Совға устидаги иш бутун қиш бўйи давом этди. Ажойиб митти сувратлар мусаввири Нина Клейн оила сувратларини юпқа мамонт суяги варақчасига гоят маҳорат билан чекди. Тухум чизгиси Балга бағишланган китобча муқовасига чоп этилганди.

Ниҳоят, май ойида мен княз Реньегга тайёр митти сувратларни кўрсатишим ва буюмларни тугатишим керак эди.

Бироқ князникига олдиндан белгиланган ташрифимга икки ҳафта қолганда бахтсизлик рўй берди.

Одатдагидек устахонадаги ишимдан кейин дўконимизга, “Европа” меҳмонхонасига кетдим. Дўконга жўнаш олдиндан қаҳва ичгани уйимга кирдим. Хотиним қайтишимда йўлдаги дорихонадан кичкина қизимиз учун дори ола келишимни айтди. Бояқиш Настюша афтидан қаттиқ шамоллаб қолган эди. Дўконга кирар-кирмасимдан телефон жиринглади. Хотиним экан:

— Тез... Настя ўлаяпти... — Ва йиғи овози.

Беш минутда уйга етиб келдим. Аҳвол ғоятда даҳшатли эди. Қизалоқнинг кўзлари хонасидан чиқиб кетганди, аъзойи бадани дағ-дағ титрарди. Қизалоқ атрофида тезкор тиббиётдан келган врачлар гир айланарди.

Маълум бўлишича, болалар реанимация машинаси даркор экан. Бироқ қизалоқ унамай туриб олганди.

Мен реанимация рақамларини тердим. Фамли товуш билан нозимхоначи шаҳарда фақат иккита реанимация машинаси борлигини, улардан бири бандлигини, иккинчиси эса узоқда, Купчинада эканлигини айтди.

— Машина етиб боргунча врачларнинг гапига қараганда, болангиз узилиб бўлади.

Мен бош врачни телефонга чақиришларини сўрадим ва дона-дона қилиб дедим:

— Агар машина етиб келгунча бола ўладиган бўлса, буни ўзимиз учун бир мусибат деб биламиз. Борди-ю, машина умуман келмаса ва бола ўлса, унда бу фақат менинг бошимни эмас, сенинг бошингни ҳам мусибатга қўяди. Ҳозироқ етиб бораман-да, сени бугуноқ бир ёқли қиламан. Уқдингни?

У уқди. Ўн беш минутдан кейин уй олдида машина турарди.

Қизалоқни “тезкор тиббиёт” врачлари, аjoyиб доктор Бондарь кутқариб қолди. У эндигина бир ёшга тўлган мурғаккина жонни “оғиздан оғиз”га усулида сунъий нафас олдириди, юрагини уқалади, уколлар қилди. Ниҳоят, кислород келтиришди. Настянинг яноқчаларига аста-секин ранг югура бошлади, у ўзига келмоқда эди. Уни касалхонага олиб бориш лозим эди. Мен Настюшамни касалхонага ўзим элтдим.

Болалар касалхонасида, Педиатрия институтига даставвал нима содир бўлгани ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Иккита барваста ҳамшира муштдеккина жисми каравотга маҳкам босиб олган, учинчиси эса наркозсиз йўғон нина билан укол қилипти. Бу уларда “орқа мияга укол уриш” деб аталади. Бу мудҳиш нина уришни ўйлаб чиқарган ўша золимни кўрсам эди! Гўдаккина ночор ва аянчли чинқирар эди, мен муштумимни тугаман, тишимни тишимга босаман, бироқ қани буни унутиб бўлса.

Хулласи калом бир дунё ташхис — энцефолит, менингит, истисқо — бола онаси билан касалхонада қолади. Ўн кунгача бечора қизимга азоб беришди, турли-туман тиббиёт жараёнларидан ўтказишди, бир дунё тез таъсир қилувчи дорилар билан баданини илма-тешик қилишди. Нозиккина чақалоқ қўлчалари ўтмас табибларнинг ўтмас ниналаридан ғалвир бўлиб кетганди.

Мен Монакога княз Ренье III билан олдиндан белгиланган учрашувга учиб кетишим керак эди. Узоқ иккиланишлардан кейин мен учиб кетдим.

Княз мени саройда, ўз хонасида қабул қилди. У мен олиб келган митти сувратларни синчиклаб кўздан кечирди ва жуда мамнун бўлди. Хуллас, у тухумнинг узил-кесил йиғилишига оқ йўл тилади-да, хайрлаша туриб, такаллуф билан деди:

— Менга бирон хизматингиз бўлса, бажонидил, хизматингизга тайёрман.

— Бор, монсеньор. Қизимнинг аҳволи оғир. Менга энг яхши болалар врачининг маслаҳати керак.

Ўн беш минутдан кейин князнинг шахсий врачлари бўлмаган эшиги олдида турарди, бундан барвақтроқ кела олмагани учун уэр сўради. Эртаси куни Настянинг тиббиёт ҳужжатлари ва компьютер тадқиқотлари билан хотиним Ленинграддан учиб келди. Франциянинг энг яхши врачларидан иборат консилиум таҳлилларини тадқиқ қилиб бўлгач, ҳеч иккиланишсиз хулоса чиқаришди:

— Энцефолит йўқ.

— Менингит йўқ.

— Истисқо йўқ.  
 — Нима бор бўлмаса?  
 — Ёш боланинг юқори ҳароратта бекбардошлиги ва қизгинага кераксиз ва зарарли дориларнинг катта миқдорини укол қилган врачларнинг жинояткорона хуружи бор. Беш минутдан кейин ҳаммасини ўз бўйнимга олган ҳолда телефон орқали барча дори ва уколларни бекор қилдим.

Яқинда Настенка олтига тўлди. Онаси ундан жонини аямайди. Настя чинданам ажойиб қиз бўлган, ювош, кувноқ, кўзлари кулрангга мойил кўм-кўк, сочлари тўлқин-тўлқин бўлиб эшилиб туради.

Кятга қизим Анюта иккаламиз онасининг Настяга бўлган самимий муҳаббатига ҳавасимиз келади. Гоҳо, очиги, жиндай ҳасад ҳам қиламиз.

## ОТА

Эрталабки сукунатни бузиб телефон қулоқни тешгудек узун-узун жирингларди. Ғушакни хотиним кўтарди.

Нимага эканини балмадим, аммо дарҳол англадим. Ойим кўнғироқ қиларди.

У пайтда машинамиз йўқ эди. Ҳарҳолда таксида етиб боргандик. Лекин эсимда йўқ. Эсимда бори шуки, машинада кетар эканман, Худога илтижо қилардим:

— Ишқилиб хато бўлсин-да, ишқилиб ўлмаган бўлсин-да, ишқилиб тирик бўлсин-да.

Бироқ бу қандай содир бўлганини аллақачон билардим.

Биз етиб борганимизда уйнинг ёнида, дераза томондан ҳеч нимани кўриб бўлмасди.

Одам зоти ҳам кўринмасди. На одатда бундай пайтдаги “бекорхўжа”лар, на “тез ёрдам” — ҳеч ким йўқ. Шундан кейин сал жонландим. Хатолик ўтган, қандайдир хатолик ўтган.

Биз уйни айланиб ўтдик, подъезд олдида бир нечта одамни кўрдим. Улар тик турганча нимагадир қарамоқда эдилар.

Йўқ, хатолик ўтмаган экан.

Бироқ ерда ҳеч ким ётмаганди. Фақат кираверишдаги эшик олдида кичкинагина қон ҳалқобчаси бор эди. Биз подъездга ўтдик, тўртинчи қаватдаги хонадонимиз эшиги очиқ эди. Ошхонада нотаниш одамлар ивирсирди.

Қандайдир ёт, аммо босиқ овозда қани у деб сўрадим.

— Анови ерда, — кишилар зинапоя дарчаси томон имо қилишди. Мен дарчага яқинлашдим ва ташқарига қарадим.

Отам кираверишдаги бетон томча устида юзубан ётарди. Ҳаммаси эсимда қолгани йўқ, бу бир жиҳатдан яхши бўлса керак.

Эсимда, мен бошқаришга тутиниб кетгандим, кимдир қаёққадир юбордим, пул тўшладим, арқон қадирдим, арқон билан отамни кираверишдаги бетон томчадан ерга туширдик. Ошхонадаги икки киши терговчилар бўлиб, (улар ўз жонига қасд қилганини қайд этиб қўйишлари керак), музхона ёнида ўралашарди.

— Ҳой бола, билмайсанми, уларда арақ йўқмикан?

Мен арақни олиб бердим.

Отамни томча устидан туширишга менга қарашиб юборган одам ўт ўчирувчи экан. У ҳам ёнимда ўралашарди ва ўзича минғирларди: “Жонига қасд қилганларни олиш бизнинг ишимиз эмас... Бизнинг ишимиз — ўт ўчириш...”

Мен унга пул бердим.

Эсимда, кимдир ичкаридан, онани чиқариб юборманглар, деди.

Лекин онам чиқди, индамай отамнинг ёнида чўккалади. Шу тариқа биз отам ёнида чўккалаб турдик. Бутун оила. Ойим билан Никита унсиз йиғлашарди. Кимдир яқин келди. Кўшнилари. Мен ҳайдаб юбордим. Отамнинг ўнг қўли тирноғи кўкариб кетганди.

Бекорчиҳўжалар бир неча қадам нарида туришарди. Чурқ этишмасди. Сўнг мурда ташувчи машина келди. Мен ойимдан мени отам билан мурдахонагача олиб боришини сўрадим. Мурда ташувчилар саросималаниб қолишди. Мен пул бердим. Кетдик.

Иссик куз куні эди. Мурдахона олдида одам гавжум. Музхоналар тўлиб кетган. Мурдаларни кўйгани жой йўқ. Санитарларга ялиниб, аёллар йиғларди.

Мен катта санитарни қидириб топдим. Ҳзимни таништирдим. У ўзининг исми шарифини айтди. Георгий Давидович. Тасодифий ўхшашликни кўринг.

— Қабул қилинг, адашингизни олиб келдим, — дедим мен ва пул бердим.

Отамни Георгий Давидович деб чақирдишарди.

Мен усталлик билан ора-чора пиджагимнинг ички чўнтагидаги фляжкдан хўплаб-хўплаб қўяр, одамларга уни қил, буни қил деб иш буюрар, расмиятчиликни адо этар эдим.

Уч кундан кейин қариндош-уруғлар ва хизматдошлар белгиланган вақтда мурдахона ёнида тўпландик. Мурдахонанинг видолашув зали ҳаммом кийимхонасига ўхшарди. Одамлар зир қатнарди, бир кичикроқ хонада бир вақтнинг ўзида марҳум билан ўн-ўн икки оила видолашарди.

Мен пул бердим. Георгий Давидович мурдахонани қирқ минутча тўсиб қўйди. Менинг буйруғим билан менинг бир Ҳзимни чақирди, бу пайтда отамнинг жасади солинган тобутни мурдалар ювиладиган ва кийинтириладиган хонадан олиб чиқиб, супа устига қўйилганди.

Тобут олдида иккита санитар ивирсирди, бири чол, афтидан ичкилик қовжиратганди, иккинчиси ўсмир, янгилиги шундоқ кўриниб турарди. Отам кийинтирилган эди, тобут қопқоғи ёнида турарди. Юзи дағал, тупроқ рангида, пешонасида яхши пардозланмаган пачоқ жой кўринарди, қулоғидан опшоқ чойшабга қоп-қора қон сизиб тушмоқда эди. Бош чаноғи орқа томондан очилган бўлиб, йўғон қора ип билан айлантариб тикиб қўйилганди.

— Йигитлар, уни нима билан пардозлаган эдиларинг?

Менга театр пардозлик қутчасини кўрсатишди.

Мен қутичани олдим-да, ишга тушиб кетдим. Чол нимадир деб тўнғиларди.

— Тириклигимда ўрганиб қол, — дедим мен қисқа қилиб. У четга ўтди ва кузата бошлади, мудом қандайдир бекорчи нарсаларни вайсарди, латифами ё шунчаки гапми, билиб бўлмасди.

Худди бир вақтлар театр институтидаги пардоз дарсида бўлганидек, мен саришталик билан аввал юзига мой упа суртдим, сўнгра ранг бера бошладим.

— Ҳа, чакимас... — чўзиб деди орқадан санитар. — Нима, бирга ишлармидинглар?

Мен индамай ранг беришни тугаллаётганим.

— Ё танишингмиди?

Мен индамай терининг буришган жойини текисладим, қовоқларини тортдим, лабларини бўядим.

— Қариндошингмиди ё? — тинчимани бобо.

— Отам.

Мен бамайлихотир бўяшни тугалладим.

Санитар сукот сақларди ва шундан кейин то охиригача чурқ этмади. Эҳтимол, ташқаридан туриб қараганда бу даҳшатли кўринса керак.

Мен ишимни тутатдим, ойим билан Никитани олиб келдим. Ойим энди анча ўзини тутиб олганди ва ортиқ дийдиё қилмай, бемалол турарди.

Сўнг эшикларни очдик, бошқалар ичкарига кириб келди.

Ўша кунни мен ичишни ташлагандим.

## ЎЗИНГ ҚЎЛЛА МЕНИ, ТАНГРИМ...

Булар барчаси бизга юқоридан ато этилганди. Тақдир бизларни тасодифларга тўла ҳаёт дарёсига улоқтирганди, биз эса чўп ё қовжироқ япроқдами, гугурт қути ё харидами, қайиқ ё кемадами омонат ўтирганча унинг илонизи оқими бўйлаб сузиб келмоқдамиз.

На дарёнинг жозибатор қайрилишлари, на соҳиллардаги набототни ўзгартириш, на сувни тескари томонга оқизиш ва на шамол ва тўлқинлар йўлини тўсиш қўлимиздан келарди.

Бироқ дарёмиздаги бизнинг сузишимизда биз таъсир этишга қодир нимадир бор эди. Ҳа, дарё минг қилса ҳам дарё-да, бизни кенг ўзанида Баҳри Муҳитга бориб қуйилдиган жой томон олиб кетади, унинг ҳар бир муюлишида, ҳар бир бўғинида икки қирғоқ оралиғидаги кенглик, бўшлиқ ётади, қаердадир қирғоқлар бир-бирига жуда яқин келади, оқим кучаяди, тўлқинлар остона ва шоввалар оша сагчийди, қаердадир эса сув бепоён кенглик ҳосил қилиб ёйилиб оқади, унинг оқими маромлашиб, бизнинг гоҳ у, гоҳ бу қирғоққа боришимизга имкон туғдиради, йўл-йўлакай эса гоҳ уюрмага дуч келамиз, гоҳ камарда тутилиб қоламиз, шунда катта оқим сари жонжаҳдимиз билан ҳаракат қиламиз, айнан мана шу ҳаракат бизнинг табиий куллар билан, ҳаёт билан олишувларимизнинг асил маъносини ўзида намоён этади. Биз ўз қурб-қудратимизни, истеъдоду қобилиятимизни кўрсата олишга юқоридан ато этилган бир улуш имконият ҳам аслида биз учун тағин шу Она Табиат кўрсатган эҳсондан бошқа нарса эмас.

Эсимда: эллигинчи йилларда эркалар ва аёллар мактаблари қўшилиб кетди: биз учинчи синфдаги қизлар билан бирга ўқий бошладик, ўн бир ёшимда трамвай тагида қолдим, икки дераза ўртасида ойимнинг карам тузламаси турган шиша бочкаси кираверишдаги эшиклар оралиғида кошиндор полга ағдарилиб тушиб, чил-чил бўлганди, Лугая яқинидаги дала ҳовлига ёзги балиқ овига боргандик, тузумсиз ва тақиқларсиз муқаддас оятлардан қироат қилгандик, олтмишинчи йилларда ўн йиллик мактаблар ўн бир йилликка айлантирилди (бунинг учун Хрушчёвга раҳмат дейиш керак), еттинчи синфни тугатгач, колхоздаги ёзги қишлоқ хўжалиги амалий машғулотлар вақтида ишлаб тошган пулимга ялтироқ “Победа” қўл соати сотиб олгандим.

Ҳеч кимнинг мен билан иши йўқ эди, мени ҳеч ким тарбия қилмаётганди. Отам билан ойим гинимсиз ишлашарди, илмий мақолалар ёзишарди, гоҳ-гоҳ меҳмон куттишарди, узоқ йиллар, тахминан ўн беш йилча дала ҳовли қуришди.

Менинг ўқишим енгил ва муваффақиятли кетмоқдайди, фақат “хулқ” деган жойда оқсардим. Гарчи бу безорилик эмас, болаларча шўхлик бўлса-да, табелнинг ўша қаторида “уч” баҳо пайдо бўлганида уйда кўрадиганимни кўрдим. Бир вақт тўртинчи синфдалигимдами, математика дарси кетаётувди. Семиз ва дўмбоққина муаллимимиз Нина Петровна доскада масала шартини ёзаётганди: “Заводдаги ишчи бир соатда 5 та болга чиқаради”. У қисқартириб “бол.” деб ёзиб қўйди. Орқадан туриб мен луқма ташладим:

— 5 та бола чиқаради.

Нина Петровна мени ота-онамни чақирришга юборди. Эсимда, ойим камар билан роса саваласа керак деб шунақанги кўрққандимки, қўяверасиз. Бироқ негадир ҳаммаси тинч ўтди.

Яна бир гал, бешинчи синфдалигимда, мен ғирт жиноятқорона, ҳеч тушуниб бўлмайдиган иш қилиб қўйдим.

Танаффус пайтида ҳамманинг кўз ўнгида мен оёқлари узун Алла деган бир қизнинг олдига бордим, шундоқ этагидан ушлабман-да, этагини бошигача кўтарибман. Юбка остидан қип-қизил ичкўйлак ярақлаб кўринди.

Яна мактабга ота-онамни чақирришди. Яна оқ калтак-қора калтакни кута бошладим. Бироқ нима сабаблар биландир бу можаро ҳам тиниб кетди.

Лекин мактаб деворига русчадаги уч уятли сўзни ёзганимда мени ўша заҳоти мактабдан ҳайдаб юборишганди. Бунақани ўша пайтларда “бўри паттаси бор” деб аташарди. Эҳтимол, бу менинг уят сўзни Ленин бобонинг Горькидаги суврати тагидан ёзганим учун бўлса керак. Лекин отам директор билан узоқ гаплашди ва мен қайта мактабга қабул қилиндим. Фақат бошқа синфга ўтказишди.

Мен доим яхши ўқирдим, математикани севардим, иншонни осон ёзардим, доим эркин мавзунга танлардим, иншо матни олдидан эниграф қўярдим. Қисқа-қисқа жумлаларда. Тагидан изоҳ ҳам берардим: “В.Ленин, фалон жилд, фалон бет”. Бу “ленинча сўзлар”га ҳеч ким ва ҳеч қачон чурқ этиб оғиз очолмасди.

1963 йили ўшанда Жданов номидаги Ленинград университетининг физфагига ўқишга кираётиб, “Нима учун физик бўлмоқчиман” деган мавзуда иншо ёздим. Уни қуйидаги сўзлар билан бошладим: “Физик — бу келажакнинг самовий меъмори” (ёки шунга ўхшаш бир нима эди) ва тагидан изоҳ бердим: “Хрушчёв, МҚ XIII Плену-



мида сўзланган нутқидан”. Қарабсизки, физфакка ўқишга кириб кетдим. 1967 йили Ленинград театр, мусиқа ва кинематография институтининг режиссёрлик факультетига, Изакин Абрамович Гриншун курсига ўқишга кираётди “Нима учун режиссёр бўлмоқчиман” мавзuida ёзган иншома шундай дегандим: “Режиссёр — бу инсон туйғулари меъморидир”. Ва изоҳ: “К. Станиславский. Менинг санъатдаги ҳаётим. I-қисм”.

Болалигимда ёлғонни кўп гапирардим. Айниқса, бу ёшимга кўшиб айтганимда, қилмаган ишларни қилдим деганимда, табел билан кундалик дафтардаги қалбакиликларда кўпроқ акс этарди. Мен ота-онамнинг, ҳаммасидан ҳам отамнинг имзосини хўп ўзлаштириб олгандим, отам учун кундаликка қўл қўйиб юбораварардим, гоҳо ўғлим кундаликдаги огоҳлантиришларга яраша мендан бошлаб таъзирини еди деган гапларни ёзишдан ҳам тоймасдим. Кейинчалик эса бутунлай талгайиб кетдим — энди сиеҳни ўчириш йўлини ҳам қойиллатардим. Буни мен мактабдаги кимё дарсидан билиб олгандим. Бироқ бу ҳунарни ўзлаштириб олганимдан бери ойим мени на фақат кузатадиган бўлиб қолганди, балки табел ва кундаликларимни ҳидлаб ҳам кўрарди — тагин ундан сирка ҳиди келмаётимикан. Сирка мўъжизавий кимё таркибининг ажралмас қисми эди.

Алдоқ учун ойим жазонинг зўрини топиб қўйганди. Камар менга керагича таъсир ўтказмаётганини кўриб (мен қорним билан ётиб олардим-да, тишимни-тишимга босиб ўйлардим: шошмай тур, сенинг жосуслигинг маълум бўлади-ку, ўшанда сен билан бошлаб ҳисоб-китоб қилиб қўйишади), ойим нима кўпроқ менинг эсимни жойига келтириб қўйишини англаб етди.

Алдаганим учун ойим мени сартарошхонага олиб борди-да, сочимни таг-туғи билан қирдириб ташлади. Бу, албатта, бориб турган шафқатсизлик эди. Аммо бу ҳам таъсир қилмасди. Бир гал эса мен шаталоқ отиб қочиб қолдим, тўғри кўчага, сартарошхона йўлидан қочдим, кейин куни билан отам дарс берадиган ЛИТМО ётоқхонасидаги талаба ошналарим олдида пвирсиб юрдим.

Эсимда, бу 1960 йилда бўлганди. Яъни мен ўн беш ёшда эдим. “Юмалоқ-ясси” қилиб, иккинчи семестрдан кечки мактабга кириб олгандим. Гарчи мактабга мунтазам қатнамасам-да, бизнинг синф раҳбаримиз, математика ўқитувчимиз аксар шундай дерди: “Ананов дарсларга қатнашмаса ҳам контрол ишларни бешга ёзади”. Умуман, катта ёшдаги болаларнинг мактабга қатнаши ҳаминқадар эди.

Бироқ тарих ўқитувчимиз мени ёқтирмасди, у мактаб директори ҳам бўлиб, фамилияси ўзига яраша — Ежов эди. Бир куни у шундай деб қолди:

— Ҳали битирув имтиҳонларида кўзингга кўрсатаман.

Битирув имтиҳонлари келди. Барча фанлардан маваффақиятли тошпирдим ва тарихдан яхшилаб тайёрландим, яъни қўйнимни шпаргалка ва ўқув қўлланмаси билан тўлдириб, билетдаги саволларга “зўр” жавоб бердим ва тарихдан “икки” олдим.

Барча режаларим остин-устун бўлди. Физфакка киришим бир йилга сурилиб кетди. Битирув кечаси бўлди, бир кути арақ, бутербродлар ва ўйин-кулгилар билан нишонланган шундай ажойиб кечада бирдан йўлакдаги чироқ ўчиб қолди-ю, (мен пробкани бураб қўйгандим) кимдир Ежовнинг башарасини қора қонга белабди.

Ўшанда автобусда уйга қайтиб келсам, оёғимдаги ботинкаю қўлимдаги соат йўқ эди. Эртасига кечкурун дадам мени огоҳлантирди:

— Эртага тарихдан бошқатдан имтиҳон тошпирасан.

— Қанақасига?!

— Мен туман маориф бўлимида бўлдим.

Охири бахайр бўлишига кўзим етмаганидан истар-истамас мактабга кетдим, бу гал на шпаргалка, на ўқув қўлланмаси бор эди ёнимда. Кабинетда жилмайиб мени Ежов қарши олди, мўлтайган кўзи остида “кўк қашқа” кўриниб турар, ўзининг ҳам роса попути пасайган эди.

— Билет ол.

— Нега?

— Балки у-бу нарса айтарсан.

— Айтмасам-чи?

— Унда фақат уч бўлади.

— Келишдик.

Кўзларимга ишонмасдан “тасалли балл” — эзгу учни олганча кабинетдан чиқдим. Ўзимни тутиб туролмай, остонада қайрилиб қарадим-да:

— Сизни ким бу аҳволга солди? — деб сўрадим.

Директор менга ғамгин қараб қўйди-да, бирпас сукут сақлаб, сўнг файласуфларча деди:

— Синфий душман.

Бир ойдан кейин имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, университетга кирдим. Физфакка танлов катта эди — бир ўринга қирқ одам.

Агар университетни тугатганимда, мендан яхшигина физик чиқарди. Лабораторияда ишлардим, қаттиқ жисмлар физикаси билан шуғуullanардим. Бироқ қаттиқ жисмлар мени унчалик қизиқтирмасди. Ундан кўра сарвқомат ва барно қизларнинг жисми, спорт, биллиард, преферанс ва спиртли ичимликлар тўкин-сочин бўлган шовқинли улфатчиликлар кўпроқ маҳлиё этарди.

Бир амаллаб биринчи курсни тугатдим. Ўша ерда ёши мендан анча катта артистлар билан танишиб қолдим, улар ёрдамида “Ленфильм”га кириб олдим, бу ердаги муҳитни сўз билан ифода қилиш қийин эди — сувратта олишлар, ижодий улфатчиликлар, либосларни ўлчаш, узлуксиз қаҳвахўрлик, “киноартистлар” гирдоби, ўн учинчи рақамли портвейн, оммавий сахна қизалоқлари атрофида парвона бўлишлар...

Қовун қовунни кўриб ранг олади деганларидек, моҳир артистларга ёндошавериб, мен ҳам ўзимни улардек тута бошлагандим, улфатчиликларда, ичкиликбозликларда улардан қолишмасликка тиришардим. Москвадаги Бауман боғида бўладиган ҳар йилги актёрлар “бозори”да ишгирок этардим.

Мана шу рангин манзара тўғрисида батафсил гапирмасам бўлмайди. Ҳар йилги август ойида Бауман боғига чекка вилоят театрларининг артистлари ёпирилиб келарди, режиссёрлар ҳам ўша ерга ташриф буқарди. Театрга хос ясама ҳаракатлар, имо-ишоралар қилган, “сохта овоз”ли, чўнтаклари куп-куруқ ва бир қултумнинг гадойи бўлган айрим “актёр ва актрисалар”ни кузатиш менга бир дунё завқ бағишларди.

Биз бозорга тўрт киши бўлиб келдик. Учала шеригим вилоят театрлари гуруҳига киришга обдон ҳаракат қилмоқда эди. У пайтда Иттифоқда бунақа театрлардан беш юзтаси бор эди, мен ҳам шерикларим билан саланглаб юрар, ва табиийки, ҳеч қандай ижодий режага эга эмасдим.

Бироқ қутилмаган ҳол рўй берди. Дўстларимдан биронтасини режиссёрлар таклиф қилмаётганди, лекин кўплари менга ишқибоз бўлар эди. Аввалига шартта йўқ деб юрдим, аллақачон тақдирим ҳал бўлганини, Горький номидаги катта драма театридаги Георгий Александрович (яъни Товстоногов!)даги бош ролларни вилоят ёш томошабинлар театридаги аллақандай майда ролларга ҳаргиз алмаштиришга рози бўлмаслигимни ваз қилиб кўрсатардим. Бироқ аста-секин кўнглим ийиб бораверди-да, уларнинг таклифига рози бўла бошладим, лекин шу шарт биланки, дўстларимни ишга олишса. Хуллас, учала дўстимни бир кунда ишга жойладим. Бирини Уральск, бирини Чита ва бирини Минусинск театрига. Ўзим эса “яхшилаб ўйлаб” кўришга ваъда бердим.

Лекин дўстларим “бозор”да олган пулини ҳаш-паш дегунча ичиб тугатдик. Иш-таҳа эса баланд. Ҳеч бир қутилмаганда Ленинобод шаҳри, аниқроғи, Тожикистондаги Ленинобод-30 ёпиқ турдаги шаҳарнинг драма театри бош режиссёри билан шартнома туздим.

Сирасини айтганда, оймнинг йўқлиги тақдиримни ҳал қилганди. Ойим ўша йили сентябрда ўзининг ягона хорижий иш сафарига — Голландияга геологлар конгрессига кетганди. Шуниси қизиқки, дадамга менинг бу аҳмоқона ишим ёқиб тушди, мени яхшилаб шайлади, Литейнийдаги квартирамизга кўчириб қўйди, мен ҳам янги пальто, тўқима бўйинбоғ ва шляпада, қўлимда сариқ рангли икки чемоданни туган, “ленинградлик киноартист” деган дабдалаби лақаб билан, аммо ҳеч қанақанги театр билими ё тажрибаси бўлмаган бир ҳолда тантанавор жўнаб кетардим.

Бир йилда учта театр алмашиб, биринчисидан шармандаларча ҳайдалиб (на шляпа, на сариқ жомадон иш берди), охир-оқибатда, театр ўйинлари ва усуллари ҳақида

юзакитгина билимга эга бўлдим ва Новгородда амал-тақал қилиб ишлаб юрдим. Моховога, Ленинград театр институтига келдим ва шу ерда ишга қабул қилиндим. Шу тарих университет, аниқ фанлар ва тарих факультети лекторийсидаги гардкамчилик даври ниҳоясига етди.

Ҳаёт менга воқеалар, қарсақлар, ҳаяжонли тақризлар, театр тақдимотлари ва фахрий унвонларнинг сеҳрли олами эшигини очди. Мен бу оламни севиб қолдим, қобилиятли режиссёрлигим маълум бўлди, қийин ва шўртанг театр нонини севиб қолдим. Тўғриси айтсам, касб машаққатини англаб етдим, муваффақиятлардан суюндим. Бу йўлни руса ўн тўрт йил босиб ўтдим, бир қанча бинойидек ролларни ўйнадим, қирқдан ортиқ спектакл кўйдим. Саҳнада қилаётган ишларим кимгадир кераклигига ишонардим, артистлар билан ҳалол муомалада бўлишга ҳаракат қилардим. Мен театр режиссёрлигини ҳаётимнинг бош мавзуи деб билардим. Бу инқилобий большевикча террорнинг даҳшатли тўлқини ҳаёт денгизидан соҳилга итқитиб ташлаган бадбахт рус зиёлиси фожеаси мавзуси эди. Мен Михаил Булгаковнинг “Қочиш” ва “Турбинларнинг кунлари”, Алексей Толстойнинг “Муҳожирлар” романи бўйича ўзимнинг инсценировкамни саҳналаштирдим. Булар рус руҳининг нечоғли улуғворлигини ва рус кишисининг нақадар бағрикенглигини, Франция қовоқхонасида фаррош бўлишни истамаган поручик Налимов ўз жонига қандай қасд қилганини ошқора намоён этган спектакллар эди.

Бу спектакллар орасида “чўнтақбоп” тез ва енгил қўйилган, театр репертуар режаси манфаати учун, “тирикчиликка”, яъни йиллик меъёрдан ортиқ қўйилган спектаклидан режиссёрларга тўланадиган қалам ҳақи ишлаш ниятида мендан кетгунча қабилидаги томошалар ҳам йўқ эмас эди. Меъёр ҳам чакки эмасди — бир мавсумда уч спектакль. Мен В.Ф.Комиссаржевский номидаги театрда режиссёрлик тайёргарлигидан ўтиш, ажойиб артистлар билан машқлар қилиш, ҳаётдан эрта кетган Валдис Ленцевичус, Сергей Александрович Боярскийлар билан дўстлашиш бахтига муяссар бўлдим. Бу театр ва унинг гуруҳига нисбатан алоҳида илиқ ва ёрқин муносабат ҳамон юрагимда сақланиб қолган.

Мен елканли кемада юнга бўлиб, “Шпонька” — денгизлар мактабини битириб, ва дўстларим маслаҳатига кириб, моҳир денгизчи бўлишим мумкин эди.

Мен университетни тугатиб, ўз табиий истеъдодимни ишга солиб, ажабтовур физик бўлишим мумкин эди. Мен ҳамон театрда ишлаб, спектакллар қўйиб, Театр институтида талабаларга дарс бериб юришим мумкин эди.

Мен ўша йилларда кўплаб ҳамшишаларим каби мастликда мушгллашиб, бировлар кўлидан ўз жонимга қасд қилиб, ҳаётдан аллақачон кўз юмиб кетган бўлишим мумкин эди.

Лекин ҳаёт менга бир эшикни очди.

Бу эшик Владимир хиёбони ва Стремянная кўчалари муқолишидаги большевиклар социалистик турар-жойга айлантирган бир вақтлардаги гўзал эски уйнинг учинчи қаватида жойлашганди. Мен кўлтигимга бир шиша арақни қистирганча бу йўл мени қаёққа олиб боришини хаёлимга ҳам келтирмаган ҳолда ўша эшикдан кириб бордим.

Бир лаҳзагина ёнган лампочканинг хира ёғдусида сон-саноқсиз телефон рақамлари, бир-бирдан ғалати фамилиялар, телевизион кабеллар тасқарасини чиқариб ташлаган бир вақтлардаги маҳобатли ўймақори эшик жилва қилди. Ўтмишдаги ачиқ кинодек, эшикда “Профессор Шустер, Сўзак касалликлари” деб кўринарли қилиб ёзилган мис лавҳача сақланиб қолганди. Ўзини “Императорлар театри артисти” деб аташни яхши кўрадиган ошнам Юра кираверишдан чап томондаги илгари ё одамлар турган, ё ўликлар ёриладиган жой бўлган кўричакдек қоп-қоронғи ва узун хонада яшарди.

Биз у билан бир неча йил олдин “Ленфильм”да танишиб қолгандик. У қобилиятли ва “харидоргир” артист бўлиб, кўпинча “икки оғиз сўзли” ва кичик ролларни ижро этарди, мен эса театр институти талабаси бўлиб, оммавий саҳналарда ва сўзсиз саҳналарда қатнашардим.

Гарчи ичиш деганда ўзини томдан ташлайдиганлардан бўлса-да, бошқа ленфильмчи оғаларидан у жиддий фарқ қиларди. Бироқ у бошқалардан кўра вазминроқ, салобатлироқ ва каттароқ кўринарди, бунинг устига драма театрларидан бирида актёр

бўлиб ҳам ишларди, шу тариқа у ичкиликбозлик киночилар “олий табақаси” вакили сифатида ҳам танилганди.

Юра ўз “кўричаги”да Лена деган ювош, дилкаш ва очиқ кўнгил ёш бир хотин билан турарди. Лена дастурхонни қўлидан келганча тўкис қилиб безарди-да, кейин ўзи ҳам кўпинча эрининг узун ва жонсуғулар ичкиликларига шерик бўлар эди.

Ҳаммаёғи тупуриб ташланган зинапоёдан Тангри мени қаватли уйга бошлаб кирди ва тахминан иккинчи стакандан кейин Юранинг узун ошиёни жойлашган бурчакка ишора қилди. У ерда қопқоғига эгасининг суврати туширилган қўлбола китоб жавони билан ўлик тилла балиқчали аквариум ўртасида унча катта бўлмаган, устида асбоб-ускуналар қалашиб ётган махсус ва ғаройиб кўринишдаги иш столи бор эди.

— Юра, бу нима?

Юра хижолат тортиб, жунжиқди. Афтидан асбоб-ускуналарни йиғишга ва столни беркитишга улгурмаганди, мана, сири фош бўлиб, ўз айбини ўзи очиб ўтирибди.

— Отам заргар эди. Менга ёшлигимда ўргатганди. Уймакор бўлиб ишлаганман ҳам. Ҳозир эрмак қиламан, театрдагилардан битта-яримтасининг узук-пузугини ё сирғасини тузатиб бераман... лекин сен гуллаб юрма тагин... ўзинг биласан, бунақа хунар тақиқланган...

Биринчидан, табиийки, мен буни билмасдим. Иккинчидан, арақ тутаганди. Бўлмаса бизлар озмунча ичмасдик. Қарз оладиган ҳеч ким йўқ, ҳаммадан олиб бўлганмиз.

— Юра, шу ҳам гап эканми? Ахир заргар бўлсанг! Қани, дарров бир нарса ясаб ташла, узукми, мен ёрдам бераман, айлантириб турарман ё ишқалаб ялтиратарман, қани, олга!

— Ҳафсалам йўқ ҳозир... кейин, қаерда ҳам сотардинг буни... кўзим етмайди...

— Ке қўйсанг-чи! Ётиб қолгунча отиб қол, ўртоқ Берия шундоқ деган.

Биз ёнма-ён ўтириб олдик. Биринчи марта қўлимга сеҳрли заргарлик асбобини тутдим, ҳақиқий кумуш симдан бир парча арралаб олдим, жун гилдиракчада ялтиратиб ишқаладим, бурчакка, “Москва” ресторанига чопдим ва кўп ўтмай икки шиша арақ ва бир тизим сосиска билан қайтиб келдим.

Шундан бери йиғирма беш йил ўтибди...



**Михаил ОДЕССКИЙ, Давид ФЕЛЬДМАН**

## **Адабий стратегия ва сиёсий фитна**

*“Ўн икки стул” 1920-30 йиллардаги совет танқидчилигида/*

И.А.Ильф ва Е.П.Петровнинг “Ўн икки стул” романи ватан адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутади. Илк мартаба 1928 йилда босилиб чиққан, қайта-қайта нашр этилган, ўнлаб чет тилларга таржима қилинган мазкур роман 50-йилларнинг иккинчи ярмига келиб совет адабиётининг энг яхши асарларидан бири сифатида расман тан олинди. Лекин тахминан худди шу даврлардан эътиборан бу роман совет пропагандаси, марксизм-ленинизм асосчилари фикрларини масхаралашдир дегувчи мухолифлар доимо иқтибос келтирадиган асарга айланган эди.

Совет танқидчилари ва танқидчилари роман СССР сиёсий тузумига қарши эмас, деган фикрни бир неча бор исботлашларига тўғри келди. Масалан, 1955 йилда “Ўн икки стул” ва “Олтин бузоқча” романларига сўзбоши ёзган К.М.Симонов иккинчи абзацдаёқ ҳар иккала роман социализм дунёсининг капитализмнинг чириган ва ифлос дунёси устидан порлоқ ва узил-кесил ғалабасига чин дилдан ишонган адиблар томонидан ёзилган деган фикрни махсус равишда таъкидлаган. Мазкур фикр бир неча ўринда келтириб ўтилади. Худди шунингдек, 1963 йилда “Нега сиз кулгили ёзасиз?” монографиясини нашр этган Л.М.Яновская “чет элларда совет сатирик романига қизиқишнинг баландлиги билан совет Россиясидаги камчилик ва нуқсонларга адоваткорона қизиқиш ўртасида ҳеч қандай алоқадорлик йўқ, Ильф ва Петров сатираси душманларимиз томонидан бирор мартаба ўзимизга қарши қурол сифатида фойдаланилмаган” деган фикрни тасдиқлайди. Ҳар иккала тезис ҳам юмшоқроқ қилиб айтиладиган бўлса бахслироқ, лекин бари бир Яновская ўз фикрида қатъий. Орадан йигирма йил ўтгач, Ильф ва Петровни ҳимоя қилиш анъанасини Я.С.Лурье давом эттириб, уларнинг асари советларга қарши руҳда ёзилган деган айбни инкор этади. У.А.Курдюмов тахаллуси билан Парижда “Чўчимайдиган овсарлар ўлкасида” деган китоб эълон қилади. Китобни бундай ҳимоя қилиш ғоясига у киноюмуз қараса-да, барибир у анъанани давом эттиради.

Шу нарса муҳимки, кўпгина танқидчиларнинг фикрларига қараганда, роман замондош танқидчиларнинг фавкулуддаги реакциясига сабабчи бўлган. Ильф ва Петров ижоди тўғрисидаги кўплаб китоблар муаллифи Б.Е.Галанов ёзувчиларнинг сайланма асарларининг 1961 йилда нашр этилган биринчи жилдига кирган сўзбошида шундай деб ёзади: “Ильф ва Петровнинг биринчи романи замондошларининг эътироф этишларича, жуда тезда китобхонларнинг эътиборини қозонган. Лекин танқидчилик анча пайтача сукут сақлади”. Галановнинг сўзларига қараганда, бу сукут 1929 йил 17 июнда, роман эълон қилинганидан бир йилдан кейин барҳам тоқди”. Ўша кун “Литературная газета” биринчи мартаба ҳаммуаллиф-сатирикларнинг тарафини олган танқидчи А.Н.Тарасенковнинг “Ўн икки стул” романи тўғрисидаги кичикроқ мақоласини босиб чиқарди. Нега танқидчилар шунча вақтгача сукут сақлаб, бирданига бу сукутни бузганликлари аниқланмайди. Шунингдек, Яновская юқорида эслатилган монографияда “Ўн икки стул” танқидчиларнинг эътиёткорона сукут сақлашларига қарамай китобхонлар томонидан қизгин ва бажонидил кутиб олинди”. Демак, китобхонлар асарни самимий қарши олишган, танқидчилар эса эътиёткорона муносабатларини қарийб бир йиллик сукут орқали ифодалашган. Нега улар эътиёткорлик қилишга қарор қилишгану, бир йилдан кейин бошқача фикрга келишган — бу масалалар ҳам аниқланмаган.

Шу нарса равшанки, калтабин ва қўроқ танқидчи ноёб ҳодиса ҳисобланмайди. Лекин 1928 йилда чиққан сатирик роман ҳақида гап кетар экан, “Эҳтиёткорлик” ёрлиги деб номланган атама у қалар жоиз эмас. “Афсонавий йигирманчилар” совет адабиётидаги танқидий жангларда ўзларининг ашаддийликлари билан ном қозонишган, айниқса, сатирик ёзувчиларга нисбатан ўз эҳтиёткорликларини йиғиштириб қўйишганди. Бунинг ёрқан мисоли М.А.Булгаковдек машҳур ёзувчининг таъқиб остига олинishi. “Ўн икки стул” ижодкорлари эса ҳали у вақтда унчалик машҳур эмасдилар: вақтли матбуотда чиқиб турган яккам-дукам асарлар, Петровнинг нашр этилган икки кичкина фельетон ва ҳикоялар тўпламлари — чамаси уларнинг бор-йўқ асарлари шулар эди, холос. Танқидчилар кутилмаган бу асардан довдираб, жим бўлиб қолишди. Фараз қилайлик, бу тасодифан рўй берди. Лекин худди шундай кутилмаганда бирданига жонланишди. Буни тасодифий равишда рўй берди деб бўлмайди.

Шу муносабат билан камияда учта масалани ўртага ташлаш ўринлидир. Биринчидан, қандай қилиб Ильф ва Петровдек мавжуд тузумга содиқ икки журналист (акс ҳолда улар профессионал совет журналисти бўлмас эдилар) ҳамкорликда олтинчи йилдан ортиқроқ вақт мобайнида уларнинг садоқатларига раҳна соладиган асар деб баҳоланиб келинган романни яратдилар. Иккинчидан, кўплаб қисқартиш ва тузатишлардан кейин 50-60 йилларда ҳам “советларга қарши руҳдаги асар” деб баҳоланган “Ўн икки стул” романи не сабабдан ҳушёр муҳаррирлар, улардан ҳам сергакроқ цензорлар бошида исёнкорлик руҳидаги бундай асарнинг дунё юзини кўришига тўсқинлик қилмадилар? Ниҳоят, буниси энг муҳими, не сабабдан замондош танқидчилар бир йил мобайнида эҳтиёткорлик кўрсатишди. Ахир улар ўша вақтларда ёшасига тажовузкор эдилар-ку?

Бу саволларга Ильф ва Петров ижоди тадқиқотчиларининг асарларидан жавоб топиб бўлмайди. Юқорида эслатишган Лурье китоби сингари истисно ҳолатларни ҳисобга олмаганда замондошлар томонидан “Ўн икки стул”нинг қабул қилиниши ва муаллифларнинг тутган йўллари тадқиқотчиларнинг манфаатларига мос келмаган. Ҳатто ҳаммуаллифлар ижодий биографиясини ўраниш даражасида ҳам асосий эътибор 20-30-йиллардаги сиёсий ҳолатни ҳис этмаган мемуарчиларнинг кўрсатмаларига қаратилади. Лекин мемуарчилар, айниқса, совет мемуарчилари жим туришга асослари кўп эди. Бу фикр тадқиқотчиларга ҳам тааллуқли. Адабиёт тарихининг советларда удум бўлган қоидаларига кўра у қандайдир афсонавий кенгликда қаралган, бунда ёзувчиларнинг цензорга, сиёсий идораларга чап беришлари нисбатан осон кечган. Шу боисдан ҳам “Ўн икки стул” асари ҳақидаги тарихни айна даврнинг сиёсий воқеалари фонига ўрганган маъқулроқ.

Гапни ҳаммуаллифлик масаласидан бошласак.

Бу масалани аниқлашда мемуарчилар ва адабиётшунослар фойдаланадиган асосий манба Петровнинг эсдаликларидир. Мазкур эсдаликлардан парча илк маротаба 1937 йилда вафот этган Ильфнинг 1939 йилда чиққан “Ён дафтар” китобига сўзбоши тарзида эълон қилинган эди. “Адабиёт ва санъат” ҳафтаномаси 1942 йилнинг 12 апрелида эсдаликлардан яна бир парчани эълон қилади, 1967 йилда эса “Журналист” ойномаси “Дўстим Ильф” китобининг режалари ва қораламаларини босади. Ҳаммуаллифлар қачон ва қай шароитда танишгани ва ўзларининг биринчи романлари устида қандай ишлаганликлари юқорида эслатишган эсдаликларда батафсилроқ тўхталган. Бу эсдаликларни бошқа мемуарчиларнинг материаллари ва адабиётшунослар тадқиқотлари натижалари билан солиштириб кўрамиз.

Агар мемуарчиларнинг гапларига ишонгудек бўлсак, романни ёзиш фикри 1927 йилда пайдо бўлган. Бўлажак ҳаммуаллифлар, одессалик ҳамшаҳарлар ўша пайтда Москвада чиқадиган “Гудок” газетасида ишлашар, турли тахаллуслар билан асарлар эълон қилишарди. Одессалик шоир ва журналист Илья Арнольдович Файзильберг ҳам пойтахтга келмасидан олдинроқ Ильф тахаллуси билан ижод этарди. Одесса жиноят қидирув бўлимининг собиқ ходими Евгений Петрович Катаев эса чамаси ўз касбини ўзгартиргандан кейин Петров тахаллусини танлайди. Файзильбергга янги тахаллус нима учун керак бўлганини ҳеч ким изоҳламаган. Лекин Катаев тахаллусини ўзгартирганининг муайян асоси бор. “Гудок” газетасида анчадан бери акиси Валентин ишларди. Айна мана шу Катаев Ильф ва Петровга сатирик роман сюжетини таклиф этади. Дастлабки режага кўра роман устида уч киши ишлаши мўлжалланганди: Ильф ва Петров романнинг қораламасини ёзишди, Катаев эса унга сайқал беради, муқовада учта ёзувчининг фамилияси бўлади. Бундан ҳар уччала ёзувчи ҳам ютса ютадики, ютқазмайди. Катаевнинг номи машҳур, унинг пьессаси Москва бадий театрида қўйиляпти, асарлари қўлма-қўл. Шу боисдан вақти етишмайди. Ҳаммуаллифлар ёрдамида оз меҳнат сарфлаб, қисқа вақт ичида қизиқарли сюжетни амал-

га ошириш, қўшимча қалам ҳақи ишлаш имконияти пайдо бўлади. Ильф ва Петровлар эса Катаев ёрдамида романнавис мақомига эга бўладилар, даромадлари ҳам анча ортади. “Совет романи устахонаси очил” таклифини улар бажонидил қабул қиладилар. Гарчи тез орада Катаев ўз гоёсидан воз кечган бўлса-да, икки муаллиф “Ўн икки стул” устида кечаю кундуз тинимсиз ишлашарди. Кейинроқ романи “30 кун” иллюстрацияли журнал 1928 йилнинг биринчи (январ) сонидан бошлаб, еттинчи (июл) сонидан тугаллади. Шундан кейин тез орада асар алоҳида китоб ҳолида босилиб чиқди ва ўқувчилар муҳаббатини қозонди.

Ана шундай шарт-шароитларнинг бир-бирига мос келиши натижасида икки меҳнаткаш ҳаммуаллиф пайдо бўлган имкониятдан фойдаланиб қолишади ва натижада муносиб тақдирланишди. Лекин Петровнинг Ильф билан ижодий алоқаларининг тарихи тўғрисидаги қайдларида бир-бирини инкор этувчи ёки бир-бирига зид келувчи қарама-қаршиликлар кўп учрайди. Бу қарама-қаршиликлар мемуарчи зўр бериб яширишга ҳаракат қилган ҳолатларга ишора қилади.

Ўша зиддиятларга мурожаат этиб кўрайлик.

Биринчи манзара бўлажак ҳаммуаллифларнинг танишиши билан боғлиқ. “Биз иккаламиз Одессада туғилиб ўсганмиз, танишишимиз эса Москвада рўй берган” — деб маълумот беради Петров. Унинг сўзларига қараганда бу воқеа 1923 йилда содир бўлади, лекин айнан қайси вақтдалиги Петровнинг ёдидан чиққан: “Биз қачон ва қандай қилиб Ильф билан танишганимизни эслаш олмайман. Айни танишиш дақиқалари бутунлай хотирамдан кўтарилган”.

Демак, “хотира панд берган”. Тажрибали журналист тўсатдан ўзининг энг яқин дўсти ва ҳаммуаллифи билан қачон ва қаерда танишганини унутиб қўяди. Бу нарса шунинг учун ҳам галати туюладики, замондошларининг фикрларига қараганда Петров гоёт ноёб хотирага эга бўлган. Ильф ва Петровларнинг бир-бирлари билан Москвада танишишгани ҳам гоёт ажабланарли. Улар ҳамшаҳар эдилар-ку, ахир? Устига-устак, Ильф Одессада эканлигидаёқ Валентин Катаевнинг дўсти, ҳеч бўлмаганда яқин таниши эди-ку. Акасининг ўша даврдаги яқин дўстлари, масалан Ю.К.Олена ва Л.И.Славинлар Петров билан таниш бўлишган. Улар Ильф ва Катаевлар билан Одессадаги “Шоирлар жамоаси”да иштирок этишарди. Петров ҳатто уларнинг шеърый мушоираларида ҳам қатнашган. Бундан ташқари 1920 йилдан бошлаб Валентин Катаев, Ильф, Олеша ва Славин Украин-Россия телеграф агентлигининг Одесса бўлимида ишлашган. Петров бу ерда бир неча ой мобайнида “сайёр мухбир” бўлиб ишлаган. У жиноят қидирув бўлимига 1921 йилнинг ёзидагина ишга ўтган. Бундан Петров акасининг дўстлари ва ҳамкасблари, Одесса телеграф агентлигида бирга ишлаган оғайнилари, шулар қатори айни Ильф билан таниш бўлмаганликлари эҳтимолдан ҳоли. Бунга ишонил қийин.

Аҳамияти жиҳатидан бундан кам бўлмаган иккинчи муҳим ҳолат романнинг қачон тугалланганлиги масаласидир.

“28 йилнинг январ ойида биз орзу қилган дақиқа этиб келди, — дейди Петров. — Бизнинг олдимизда шундай қалин қўлёзма ётардики, унинг ҳажми босма табоғини ҳисоблаб чиқишнинг ўзига икки соат вақт кетди. Лекин бу юмуш гоёт мароқли эди! Роман ҳақиқатан катта ҳажмли бўлиб, ҳар бири тахминан 7 босма табоқни ўз ичига олган 3 қисмдан иборат эди. Петровнинг сўзларига қараганда, романнинг иккинчи нусхаси йўқ. Улар қўлёзмани йўқотиб қўйишдан хавфсизланарди. Шу боисдан Ильф бир варақ қоғоз олиб ярим ҳазил, ярим чин қилиб: “Ушбуни топиб олгувчи одам уни мана бу адресга қайтаришлари сўралади” деб ёзиб қўйганди. Ва у бу қоғозни муқованинг орқа томонига ҳафсала билан ёпиштирди. Шундан кейин ҳаммуаллифлар “Гудок” журнали тахририятини тарк этишди. “Қор ёғиб турганди, чиналарга батартиб ўтириб, қўлёзмани уйга олиб кетдик, — эслайди Петров. — Лекин улар ҳали ўзларини эркин ва энгил сезиша олмаётганди. — Аксинча, биз тапшиш ва хавотир туйғуларини бошимиздан кечирардик. Романимизни босишадими йўқми ўзи?”

Жуда галати тарих. 1928 йилнинг январда ҳаммуаллифлар романнинг ягона нусхаси устидаги ишни тугатиб, журнал асарни босадими, йўқми, билишмасди. Лекин шу январ ойининг ўзида журнал асарни эълон қилишни бошлаб юборади. Бундай бўлиши мумкин эмас. Қўлёзма нашрга ўз-ўзидан тайёр бўлиб қолмайди. Асарни нашрга тайёрлаш катта меҳнат ва вақт талаб этади. Журнал бош муҳаррири асарни босиш ҳақидаги фикрга келгунича журнал ходимларидан бирорта одам асар билан танишиши, унга бир кун эмас, анчагина вақт сарф қилиши табиий. Бундан ташқари, цензор чийриқларидан ўтиш керак. Бу ишга аксарият ҳолатларда бир ҳафта ҳам озлик қилади. Бундан ташқари асарни қўлёзма ҳолида эмас, ўқиш, зарур ўзгартишлар киритиш осон бўлиши учун машинкаланган нусха берилиши ҳам ҳаммага аён. Сўнгра

бу нухани журнал муҳаррири кўриши, зарур ҳолатларда ўзгартиришлар киритиши ҳам мумкин. Муҳаррир ўз ўзгартишларини асар муаллифлари билан келишиб олиши, бундан кейин эса тузатишган нухани таҳририят машинкачиси қайта босиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундан кейингина кўлэмани корректор ўқийди. Одатдаги суръат билан бу ишларни бир ҳафтада бажариб бўлмайди. Ниҳоят, журналнинг ўз режаси бор: ҳар бир соннинг мундарижаси, ҳар бир бўлимдаги асарлар ҳажми, журнал сонини макет қилиш бир-бир ярим ой олдин белгиланади. Баъзан журналга ўзгартишлар киритилиши ҳам мумкин. Ўртага шошилинч материалларнинг суқилиб кириши ҳам эҳтимолдан ҳоли деб бўлмайди. Лекин бир неча боблик роман материалини, бунинг устига иллюстрацияли асарни журнал сонига бирданга тиқиштиришнинг сира иложи йўқ. Рассом асарни ўқиб чиқиши ва унга иллюстрация тайёрлаши учун бир неча кун эмас, ҳафталар керак. Бунинг устига босмаҳона ишлари: ҳарф териш, уни ўқиш, верстка қилиш, уни текшириш дегандай. Булар ҳам энг камида бир ҳафтани эгаллайди.

Бундан чиқадиغان хулоса аниқ: Петров томонидан ёзилган тарих 1 январда рўй бериб (бу нарса ҳақиқатдан жуда узок), кўлэма редакцияга эртасига тошпирилганда ҳам романни журналнинг январ сонидан чоп этиш мумкин эмасди. Ўртадаги тўсиқлар ҳаддан ташқари кўп.

Биз ҳозирча кўлэмага қарамасдан туриб, бошқа ҳолатларга бир оз тўхтадик, холос. Агар кўлэмани кузатгудай бўлсак, билдираётган фикрларимизга шубҳа қолмайди. Роман кўлэмасини ҳаммуаллифлар машинкада кўчириш учун тошпирганлар. Романнинг ҳажмини эътиборга олгудай бўлсак, уни кўчиришга бир ярим ҳафта балки ундан ҳам кўпроқ вақт кетган. Шундан кейин Ильф ва Петров асарнинг машинкаланган нухасини ўқиб, маълум тузатишлар киритишган. Асар ёзиб тугатилганидан кейин орадан камида ярим ойлар чамаси вақт ўтандан кейингина романнинг узил-кесил нухаси журнал муҳаррири қўлига етиб борган. Биринчи нашр матнига қараганда муҳаррир ҳам асар устида яхшигина тер тўккан. Агар ҳамма нарса Петров айтганидек рўй берганда эди, роман энг тези билан журналнинг март ойидангина чиқа бошларди.

Шунга қарамай “Ўн икки стул” январ ойидан эътиборан эълон қилинди. Бундан қандай хулоса чиқади?

Биринчи вариант: роман 1928 йилнинг январда эмас, камида бундан олдинги йилнинг октябр ойида ёзиб тугалланган.

Иккинчи вариант: роман ҳақиқатан ҳам январ ойида тугалланган, лекин журнал таҳририяти ҳали ёзиб тугалланмаган романни 1927 йилнинг октябридан кечикмай босишни ўз бўйига олган. Романнинг дастлабки бобларини нашрга тайёрлашни бошлаб юбориб, натижада январ сонидан асарнинг бошланиш қисмини эълон қилишга улгурган. Кейинги боблар ҳаммуаллифлардан пешма-пеш олиниб, нашрга тайёрланаверган.

Биринчи вариантни кўриб чиқайлик: роман 1927 йилнинг октябрида тугалланган. Бундан ноябр ойида асарнинг машинкаланган нухаси тайёр бўлиб, редактор ишга киришгани келиб чиқади. Лекин октябр, ҳатто ноябр ойлари ҳақиқатдан анча узок. Чунки ҳаммуаллифлар асар кўлэмасининг сўнгги саҳифасида роман ёзилган санани 1927-28 йиллар деб кўрсатганлар. “Ўн икки стул” воқеалари 1927 йилнинг апрелидан ноябригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бунинг устига асарда ўша давр вақтли матбуотида келтирилган воқеалар ҳақида ҳам гап кетади: апрел ойида бошланган Днепрострой қурилишидан то сентябрда Кримда рўй берган zilзилгача, ундан то ноябр ойидаги совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг ўн йиллигигача бўлган воқеалар тасвирланади. Шу нарса маълумки, ҳаммуаллифлар июн ойидаги таътилларини Кавказга ўтказишган. Қайтиб келганларидан кейин эса фақат “Ўн икки стул”ни ёзиш билангина шуғулланишмаган, ҳар кунни газетадаги ишларига боришган, газетада фаол қатнашиб туришган. Майли, романни ёзишга июнда киришишган ҳам дейлик, лекин шундай бўлса-да, бари бир кўлэма октябр ойида ҳам, ноябр ойида ҳам нашрга тайёр бўлмаган.

Бундан иккинчи вариант ҳақиқатга яқинлиги келиб чиқади: ҳаммуаллифлар романни 1928 йилнинг январда ёзиб тугаллашган, лекин 1927 йилнинг октябр (ёхуд ноябрда) журнал таҳририяти ҳали тугалланмаган китобни бошлашга рози бўлиб, тайёр кўлэмаларни пешма-пеш олиб турган. Машинкачига ҳам роман бобларини пешма-пеш бериб туришган. Бу кўлэмдан ҳам кўриниб турибди.

Ильф ва Петров таҳририят аъзоларига анчагина ташвиш келтиришгани аниқ. Ахир редакция мудирини муаллифлар, машинкачи, рассом ва бошқаларнинг ишларини мувофиқлаштиришига тўғри келган. Лекин ўша пайтларда “30 кун” журналида



Ильф ва Катаевларнинг эски танишлари В.И.Регинин муҳаррирлик қиларди. Инқилоб арафасидаёқ машҳур журналист сифатида ном чиқарган Регинин гражданлар урушидан кейин Одессада совет матбуоти ишhini йўлга қўяди, барча маҳаллий адиблар билан дўстона муносабатда бўлади. Ҳаммуаллифлар унинг ёрдамига умид қилишлари мумкин эди. Тўғри, бундай ёрдами журнал бош муҳаррири асарни босишга узил-кесил қарор қилгандан кейингина олиши мумкин бўларди.

1927 йилда журнал бош (ўша давр термини билан айтилса) масъул муҳаррири В.И.Нарбут эди. Ҳаммуаллифлар у билан Одессадаёқ таниш эдилар. Бир вақтлар акмеистларга мойил бўлган машҳур шоир гражданлар уруши йилларида мансаб пиллапояларидан жуда тез кўтарилди. Одессага келгач, Украина телеграф агентлиги Одесса бўлимининг хўжайинига айланади ва у ерга Катаев, Ильф ва Олеша ва бошқа Одесса шоирларини таклиф этади. Катаевнинг кичик укаси учун ҳам иш топилди. 1921 йилнинг баҳорида Нарбут мансабда кўтарилиб Украинанинг ўша пайтдаги пойтахти Харьковга ўтказилиб, мамлакат телеграф агентлигига раҳбарлик қила бошлайди. Унинг орқасидан Катаевларнинг каттаси ва Олеша ҳам жўнаб кетишади. Петров эса жиноят қидирув бўлимига ишга киради. 1922 йилда Нарбутни Москвага ишга олишади, унинг кетидан Катаев, Олеша, яна тез орада Ильф ва Петровлар ҳам Москвага келишади. Нарбут Москвага келгач, бир қанча журналларни қайта курди, "Ер ва фабрика" ("З и Ф") нашриётига асос солди, айтиш мумкинки, ВКП(б) Марказий Қўмитасининг шу нашриётдаги вакили вазифасини бажарди. Нарбут илгари ўз қўли остида ишлаган биродарларига ҳомийлик қилиб турди: Н.Я.Мандельштам ибораси билан айтиладиган бўлса "Одесса ёзувчилари унинг қўлидан нон ейишарди". "Ун икки стул"нинг биринчи алоҳида нашри ҳам "Ер ва фабрика" нашриётида босилиб чиққани бежиз эмас. Китоб 1928 йилнинг июлида, асар журналда эълон қилиниши тугаши биланоқ чоғ этилди. Бундан нашриёт ва ҳаммуаллиф ўртасида шартнома анча илгари тузилганлиги келиб чиқади. Бу Нарбут кўрсатмаси билан рўй берганлигини фаҳмлаш қийин эмас. Ундан бошқа ҳеч ким бундай ҳокимиятга эга бўлмаган.

Фикримиздан сал чекиниб бўлса-да, қўшиб қўйликки, Петров Нарбутдан фақат адабиёт соҳасидаги муваффақиятлари учунгина миннатдор эмасди. 1920 йилда Катаевларнинг каттаси Одесса Фавқулодда Комиссияси томонидан қамоққа олинди: антисовет фитнасида алоқадорликда шубҳа қилинади. Ўша давр тартиб-қоидаларига мувофиқ бунга етарли равишда далил-исботлар ҳам топилди қолади: онаси томонидан буvasи sobиқ офицер, ота томонидан буvasи эса руҳоний, отаси чиновник, диний билим юртида ўқитувчи. Катаев бир неча ой мобайнида отиб юборишларини кутиб ётади, кейин озод этишади. Адабий доиралардаги яқинлик асқотади. Катаевларнинг энг кичиги, ҳали гимназияни тугатмаган ўспирин ҳам ҳибсга олинади. У ҳали ёш бўлганлиги туфайли офицер эмасди, лекин яқин одамлари шубҳали одамлар, бунинг устига акаси ҳам ҳибсда бўлганлиги туфайли қамоққа олинади. Нарбутнинг бу ерга келиши, телеграф агентлигида ишлаши буларга жуда қўл келди.

Петров Регининни эсдаликларнинг қоралама нусхаларидагина шунчаки эсга олади. Нарбут ҳақида эса лом-мим демайди. Петров таҳририятдаги воқеа-ҳодисалар тўғрисида ёзишни истамаган. Ҳа, шундай, истамаган: у санани кўрсатишда шунчаки адашган деб бўлмайди, балки 1928 йилнинг январида Ильф муқованинг орқасига галати эслатгани ёпиштириб қўйганлиги, журнал таҳририяти қўлёзми қабул қилиб оладими, йўқми деб хавотирланганликлари ҳақидаги таъсирли тарихни ўйлаб топган... Аслида бундай бўлмаган. Журнал таҳририяти қўлёзми аллақачон қабул қилиб олган, дастлабки қисмини босиб чиқаришга улгурган эди. Бу ердаги таъсирчан тафсилотлар Петровнинг унчалик ишончли бўлмаган мулоҳазаларининг ишонтириш кучини ошириш учун хизмат қилган. Автор анъанага қарама-қарши ўлароқ реал ҳолат ҳақида лом-мим демаган, худди Ильф билан танишуви ҳолатини эсидан чиқаргандек бу тўғрисида ҳам оғиз очмаган.

Бунинг сабаби маълум, бу "30 кун" журналининг бош муҳаррири номи билан боғлиқ. Совет терминологияси номи билан айтганда Нарбут 1938 йилда "номи тилга олинмайдиганлар" қаторига кирарди. У 1936 йилда ҳибсга оlinиб, "халқ душмани" деб эълон қилинади ва қамалади. Қамоқхонада ўлади, 1956 йилда эса оқланади. Петров Ильф билан Москвада танишиши ҳолатини тўқиб ўтирмайди. Хотирадан кўтарилганлигини айтиш орқали бўлғуси ҳаммуаллифи билан илк учрашувини эсламай қўяқолган, "меҳнат фаолияти"ни "орган"даги ишдан бошлаганлигини билдирган, холос. Петров худди шундай "Ун икки стул"ни кашф этиш тарихи ва бу ишдаги Регинин ёрдами тўғрисида оғиз очмаган.

Лекин Петров “Ўн икки стул”нинг бутун тарихини бошидан-охиригача тўқмаган. Чамаси, у ўз олдига бундай вазифани қўймаган ҳам. Шундай экан, ҳақиқат у баъзан ҳикоя қилаётган ҳолатларда эмас, атайин индамай ўтган ҳолатларда кўрингандай бўлади.

Масалан, Петров маълум қилишича, Катаев “Ўн икки стул” сюжетини ҳади қилгандан кейин 1927 йилнинг август ёки сентябр ойларида ҳаммуаллифлар ҳар куни уйларига кечаси икки ёки учларда қайтишган. Зеро улар роман устидаги ишларини “Гудок”даги иш соатлари тугагандан кейингина давом эттира олганлар. “Ёзишга жуда қийнадик, — деб таъкидлайди Петров. — Биз газетада ва ҳажвий журналларда жон койишти ва астойдил ишлардик. Биз болалигимиздан меҳнатта ўргангандик ва меҳнатнинг қадрига стардик. Лекин роман ёзишнинг машаққатларидан бутунлай беҳаббар эдик. Агар мени сийқаси чиққан иборани ишлатганликда айблашмаса, бу асарни қон билан ёздик”. Эмоционал тарангликни ушлаб туришга ҳаракат қилган Петров шу ерда билмасдан оғзидан гуллаб қўяди: “Биринчи қисмини барибир ўз вақтида тугатдик. Етти босма табақ бир ойда ёзилди”.

Шу ўринга диққат қилинг. “Ўз вақтида” дейилганда қандай маъно бор, нега энди “Ўн икки стул”нинг биринчи қисмини бир ойда тугатишга қандай зарурат бор эди? Бир ярим ёки икки ойда ҳовлиқмай, азият чекмай ёзганларида нима бўларди? Ахир бу тўғрида бирор мажбурият ёки шартнома ҳақида ҳеч қаерда гап йўқ-ку: Лекин Нарбут тўғрисида ҳам ҳеч ерда гап йўқ. Модомики, ўз вақтида тугатишган экан, демак, ўртада шартнома бўлган, шу бойсдан ҳаммуаллифларнинг ўзларини тутишлари ғалати кўринмайди. Улар қийинчиликларни ёқтирганликлари учун эмас, журнал муҳаррири романнинг биринчи қисмини 1927 йилнинг октябр-ноябр ойида олиши учун ўзларини қийнашган. Ўшандагина бош муҳаррир буйруғига мувофиқ таҳририят мудирини 1928 йил январ сонига тайёрлашни ташкил этиши, ҳатто феврал сонига ҳам запас ортиб қолиши мумкин эди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Петров романнинг иккинчи ва учинчи қисмлари устида олиб борилаётган иш тўғрисида ҳеч нарса демаган. Фақат “Биз ёзишда давом этдик” деган луқмани қўшиб қўйган, холюс. Бутун ахборот шундан иборат. Лекин бошқа томондан ёндошадиган бўлсак, бу ерда ҳикоя қилинадиган воқеанинг ўзи йўқ: аввалги қийинчиликлар ва тинкани қуритадиган шошилишларга ўрин қолмаганди. Агар Ильф ва Петров романнинг биринчи қисмини бир ойда ёзишган бўлса, иккинчи ва учинчи қисмларини уч ойда ёзишган. Январга келиб март ва кейинги ойлarda чиқадиган материални топширишга бемалол улгуришган эди. Шундай қилиб, асарнинг дастлабки боблари эълон қилинган январ ойига келиб, роман ёзилиб тугалланганди. Журнал раҳбарияти ҳаммуаллифлар ўз мажбуриятларини бажаришлари тўғрисида ташвиш чекмаса ҳам бўларди.

Чамаси таҳририятдагилар ҳаммуаллифларга аввалбошдан ишонилган. Ўша йиллардаёқ китобхонлар ўртасида шухрат қозонган Катаев ўзига хос гаров вазифасини ҳам бажарган. 1928 йилда “Завод ва фабрика” нашриёти ёзувчининг икки жылдик “Танланган асарлари”ни нашр этади. У ҳаммуаллифларга асар сюжетини ҳади қилганим, йўқми — ҳозир аниқ айтиш қийин. Хужжат бўлмагач, бир нарса деб бўлмайди. Эсдалиқлар ҳисобга кирмайди. Лекин ҳар қандай бўлганда ҳам Катаев ўз укасига ва ҳамшаҳар дўстига ўз номи ва ёзувчилик обрў-эътиборини “бериб турган”. У ҳаммуаллифликдан расман воз кечгандан кейин эса Ильф ва Петров старли даражадаги материални таҳририятга тақдим этиб улгуришган эди. Орадан деярли ярим аср ўтгач, Катаев ўзининг автобиографик асари “Менинг олмос гулчамбарим” китобида август-сентябр ойларида аввал уч киши, кейинроқ икки киши билан тузилган шартнома бор эди деб ёзади.

Ильф ва Петров асарни шошилиб ёзишган, чунки Нарбут қистаб турган. Нарбутнинг шошилтиришининг сабаблари эса номаълум.

У ҳали тугалланмаган романни нашр этишга қарор қилади, ўз қарорини цензура билан келишиб олади. Бу катта масъулият эди. Ошноларга ёрдам дегандай... Лекин ошноларга роман тугаллангандан кейин ҳам ёрдам бериш мумкин эди-ку... Бир нарсани эътиборга олишимиз керак, Нарбут 1927 йилда шунчаки адабиётчи эмас, партия арбоби ҳам эди. Арбоб бўлганда ҳам каттагина арбоб ҳисобланарди. Муҳтожларга ёрдам беришнинг ҳам меъёрини биларди. Асарни ўқиган танқидчилар унга ғалати муносабатда бўлишди. Нарбут эса бошқа партия арбобларидан фарқли ўлароқ ҳеч нарсдан хавфсирамасди. Ҳали тугалланмаган романни эълон қилишни бошлаб юборишдан ташқари шубҳали сатирик романни тезликда алоҳида китоб ҳолида чиқариб юборди. Буларнинг барчаси унга нима учун керак эди?

Н.Я.Мандельштам фикрича, Нарбут ҳажвиётнинг ишқивози бўлмаган, “китоб-

нинг партиявий тўғри ва харидорбошлигидан бошқа нарсани тан олмаган”. Мазкур ромanning харидорбошлигига гап йўқ, “Ўн икки стул” уч ой кейинроқ чиқса нашриётнинг молиявий режаси ёниб кетмасди.

Нарбутни бу ерда китобнинг партиявий томони қизиқтирган.

Роман устида иш олиб борилаётган вақт партия раҳбари — И.В.Сталин ва Н.И.Бухаринларнинг “сўл оппозициячилар Л.Д.Троцкий ва унинг тарафдорларига қарши очик қақшатиқч кураши кетаётган даврга тўғри келади. Баҳснинг бош предмети НЭП — янги иқтисодий сиёсат. Троцкий Сталин ва Бухарин шахсий ҳокимиятларини мустаҳкамлаш йўлида янги иқтисодий сиёсатдан фойдаланиб, “жаҳон инқилоби” гоёсига хиёнат қилдилар деган фикрни аллақачон исботлаган. Бу ҳолат “империалистик агрессия” натижасида СССРни муқаррар равишда ҳалокатга олиб келади, марксизм дастлаб уқтирганидек, жаҳон инқилоби амалга минмай туриб “алоҳида бир мамлакатда социализм қуриш” мумкин эмас. Троцкий ва унинг тарафдорлари баҳсда зафар қучиша олмади, уларни ҳокимиятдан тобора четлаштира боришди. Лекин 1927 йилнинг баҳорида муҳолифчилар яна фаоллаша бошлади. 12 апрелда бир неча йиллардан бери фуқаролар уруши кетаётган Хитойда “большевиклаштириш” сиёсати га дарз кетди. Халқ инқилобий армиясининг қўмондони генерал Чан Кайши коммунистлар билан алоқадан воз кечди, бугина эмас, Шанхайда собиқ иттифоқчиларни оммавий қирғин қилишни буюрди. 15 апрелда совет газеталари “Шанхайдаги қонли ҳаммомлар” тўғрисидаги хабарни ёзиб чиқаришди. Троцкий сталинча-бухаринча раҳбариятнинг бу мағлубиятдан фойдаланиб, “халқаро империализм кучлари Хитойни тинчитгач, ўз колонияларини “инқилобий ёнгин”дан сақлаб қолиш чораларини кўрадилар, сўнг бирлашиб муқаррар равишда СССРга қарши уруш очадилар, дейди. СССРда эса Сталин ва Бухарин НЭПни чўзиб юборишди, бу эса “капитализмни тиклаш”га олиб келади. Троцкий фикрича, бундан қутулишнинг ягона йўли Сталин ва унинг тарафдорларини иложи борича тезроқ ҳокимиятдан четлаштириш.

Сталинча-бухаринча “бош йўл”нинг маддоҳлари қийин аҳволга тушиб қолишди. Троцкийни рад этиб интервенциянинг реал таҳдиди ҳам, СССР “ички душманлари”нинг кучи билан капитализмни тиклаш хавфи тугади дейишнинг маъноси йўқ эди. Бундай ишни қилиш қийин эмасди, лекин исботланадиган нарса советларнинг асосий мафкуравий кўрсатмаларига мос келмасди. Сталин ва Бухарин бошқа йўлни танлашди: Троцкийни бадном қилиш бошланди. Унинг муҳолифлари партия раҳбарияти пировард мақсадимиз бўлган “жаҳон инқилоби”ни инкор этаётганлари йўқ. Ҳали унга эришишга узок вақт борлиги туфайли марксистик назарияларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқ эмас, балки ҳосил бўлган реал шароитлардан келиб чиққан ва “жаҳон” инқилобий ёнгини”нинг тўла галабасини кутиб турмаган ҳолда СССР иқтисодиётини кўтаришимиз керак деб уқтиришади. “Шанхай тўнтариши” албатта ёқимсиз ҳодиса, лекин у катта урушларга олиб келадиган фавқулодда катта воқеа эмас. СССРда капитализмнинг қайта тикланиши хавфи ҳам йўқ. Бу тўғрисидаги гапларнинг ҳаммаси ва ҳарбий хавф-хатар ҳақидаги барча сафсаталар Троцкий одатдаги сўлигининг, троцкийчиларнинг “тинч қурилиши” ишига тайёр эмасликлари, одат бўлиб қолган бошқариш методларига, “ҳарбий коммунизм” тарафдори эканликлари нишонасидир. Расмий ташвиқот воситалари Троцкий ва “сўл муҳолифлар” фуқаролар уруши, “қизил террор”, вайронгарчилик, очликнинг асосий сабабчилари деб кўрсатишга ёрдам берди. Сталинча-бухаринча раҳбарият эса мамлакатдаги барқарорлик ва янги иқтисодий сиёсатнинг гаранти сифатида баҳоланди. Троцкийчиларни таҳқирлаш, ҳақоратлаш учун барча эшиклар очиб қўйилди, барча соҳаларда — адабиёт, театр ва бошқаларда сўллар устидан кулиш ҳатто рағбатлантирилди.

“Ўн икки стул” романининг сюжети эса расмий пропаганданинг йўлига ниҳоятда мос келарди. Шу нарса қизиқки, роман воқеаларининг бошланиши сифатида айни 1927 йилнинг 15 апрели олинган. Газетанинг энг муҳим янгиллиги “Шанхай тўнтариши” ҳатто “кичик шаҳарча”нинг аҳолиси томонидан муҳокама қилинади. Лекин у шунчаки воқеа сифатида муҳокама қилинади. Ҳақиқатан ҳам бирор жиддийроқ ҳодиса рўй бермайди. Қахрамонлар мамлакат бўйлаб кезиб, хазиналарни қидиришади, китобхон ҳамма ерда совет тузумининг барқарорлигини, ишлашни истаганларнинг ҳаммаси ўзларига иш топганликларини, иқтисодиёт ҳар жабҳада ривож топаётганини, тузум душманларининг “большевикларнинг тез орада қулаши”, чет эллардан ёрдамга кўз тикишнинг асоссизлигини кўриб турибди. Ҳа, СССРда истиқомат қилувчиларнинг бирортаси мавжуд тузум билан курашишга қодир эмас, зеро “халқаро империализм” кучларига эса ҳеч ким умид қила олмайди. Собиқ дворян-

лар турли хизматларга ўтиб кетишди, уларнинг аксарияти бирор нарсага яроқли эмас, собиқ савдогарлар эса ҳозир нэпманларга айланишган, ҳамёнларининг қап-пайишини ўйлашади, бошқа хил фитначи-монархистлар эса азалдан қўрқоқ, ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайди. Энг муҳими, СССРда “янгича социалистик турмуш” қарор топди. Шу боисдан, капитализмнинг янгидан тикланиши мумкин эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда роман қаҳрамонларининг ўтмишга қайтиш тўғрисидаги орзулари ҳам саробдир. Реал воқеаликни инкор этиш юзасидан қилинадиган ҳар қандай уриниш ўлимга маҳкум. Худди шунингдек троцкийчиларнинг халқаро аҳвол тўғрисидаги мулоҳазалари, умуман барча соҳаларда ультрареволюционликка интилишлари асоссиз, бемаъни, ниҳоятда кулгилдир.

Бундай ҳажвий роман “сўл мухолифлар” билан курашда ғоят асқотиши мумкин эди. Шу сабабдан улуг мартабали Нарбут ҳаммуаллифларни романни тезроқ тугатишга қистаган. Шу йўл билан баҳслар қизиб турган бир вақтда ёзувчи ва бошқа санъаткорларни (Андрей Белый, П.С.Романов, В.Маяковский, В.Э.Мейерхольд ва бошқалар) “сўл мухолифчилар”ни маза қилишга, “сўл санъат муваффақиятлари”ни, уларнинг ўрни бўлса-бўлмаса ўқиладиган “халқаро аҳвол”, “империалистик хавф-хатар” тўғрисидаги маърузалари устидан кулишга даъват этдилар. Роман жуда катта эди, ҳатто унинг қисқартирилган нусхаси журналнинг етти сонига аранг сифди. Бундай ҳодиса беэкли журналлар тарихида жуда камёб учрайди. Лекин Нарбут шунга ҳам рози бўлди, “Завод ва фабрика”нинг июл ойи нашриёт режасига киритди. Шундай катта “Ўн икки стул” романининг китоб нусхаси деярли қисқартиришларсиз чоп этилди. Буюртма сиёсий характерга эга, ахир улар Троцкийни яқсон қилишгаётганди-да!

“Сўлчилар” билан курашдаги эркинлик узоқ давом этмади. 1927 йилнинг охирига келиб “сўлчилар” батамом мағлуб бўлди. Октябр ойида обрўсизлантирилган Троцкий Марказий Қўмита таркибидан, ноябр ойида эса партиядан чиқарилди. Декабр ойида бўлиб ўтган ВКП (б)нинг XV қурултойида “сўл мухолифлар” ўз шиорларидан воз кечишди, қурултой НЭПни давом эттириш ҳақида қарор қабул қилди. 1928 йилнинг бошларида келиб, Троцкийни сургун қилиш масаласи ҳал бўлди, унинг тарафдорлари ёппасига партиядан ўчирилди. “Сўл мухолифлар” билан баҳс аввалги заруриятини йўқотди. Илгари ўринли ҳисобланган ҳазиллар энди хавфлига ўхшаб қолди. Роман яхшигина қисқартирилиб, қўлёзма “тозаланди”.

Характерли мисол келтирамиз. “Слесар, тўти ва фолбин” бобида ҳаммуаллифлар қўлга қараб фол очиш ҳолатини тасвирлаётганда Грицацуева бевасининг кафтини шундай таърифлашган эди: “Ҳаёт чизиги шунчалик узоқ чўзилган эдики, унинг бир учи томирларига бориб тақалганди. Агар ҳаёт томири рост гапиргудай бўлса, бева жаҳон инқилобигача яшаши керак эди”. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин эдики, гарчи “жаҳон урушининг” галабаси реал ва аниқ бўлса-да, узоқ келажакда рўй берадиган нарса деб қараларди. 1928 йилнинг охирида эса ҳаммуаллифлар бу ўринни аввалгисига мос келмайдиган фикр билан алмаштирадилар: энди бева қиёматгача яшаши керак эди. Бундаги ҳазил аввалги кучи ва маъносини йўқотган. Лекин ўн йил олдин, 1927 йилнинг ёзида Троцкийга қарши бу ҳазил ўзини жуда оқлаганди. Кейинчалик асардаги бундай ҳазиллар бошқа ўринлар билан бирга олиб ташланди. Натижада асарнинг учдан бир бўлаги қисқарди. Роман ҳатто Сталин ва фотидан кейинги йилларда ҳам шу ҳолда нашр этилди.

“Ўн икки стул” романининг биз томонимиздан сўзбоши ёзилган ва Вагнус нашриёти томонидан 1997 йилда босиб чиқарилган матнига қайтиб ўтирмаймиз. Романнинг сўллика қаратилган умумий йўналиши (кейинчалик бу ҳолат муаллифларнинг сўлларга қарши оппозицияда бўлиши сифатида баҳоланди) ҳаммавақт ҳам ўзгармай қолаверди. Бунда цензорлар ҳам, муҳаррирлар ҳам ҳеч нарса қилиша олмасди. Лекин романи нашр қилишда давом этишди. Чунки ундаги бош мафкуравий ғоя — СССРнинг барқарорлиги, ўтмишга қайтишнинг мумкин эмаслиги асарнинг долзарблиги, айниқса, Совет давлатининг ўн йиллиги даврида муҳим эди.

Энди танқидчиларнинг ўша давр учун хос бўлмаган ўзларини туттишлари тўғрисида.

1927 йилнинг охирида, ҳаммуаллифлар романининг охириги бобларини ёзишгаётган кезларда Троцкийни батамом енгган Сталин Бухаринни ўзининг иттифоқдошларидан санамай қўйди. Партия раҳбарияти ичидаги навбатдаги гуруҳни бадном қилишга тайёргарлик кўриляётганди. Эҳтимол, Бухарин айна ўзини навбатдаги мухолифлар гуруҳининг раҳбари сифатида айбларини ўша пайтларда балки билишга улгурмагандир.

1928 йилнинг 13 мартда “Известия” газетасида Донбассда “Контрреволюцион

ташкilot фош этилганлиги тўғрисидаги ахборот”ни эълон қилади. Ҳша йилнинг 18 майдан 15 июлигача Москвада машғум ва машҳур Шахти суд жараёни бўлиб ўтади. Марказий матбуот суднинг шов-шувларга сабаб бўлган материалларини мунтазам ёритиб боради: эллиқдан ортиқ тажрибали инженер ва техниклар, Шахти ва Дон-бассдаги бошқа туманлардаги кўмир саноати раҳбарлари “Зараркунандаликда” айбланадилар. НЭП даврида юқори мансабларга чиқиб олган бу раҳбарлар “буржуазия мутахассислари” сифатида “халқаро капитал”нинг манфаатини ҳимоя қилган, СССР хўжалигини издан чиқаришга уринган эмишлар. Айбланувчиларнинг аксарияти “зараркунандалик билан шуғулланганликлари”ни тан олдилар, кўпчилик олдида тавба-тазарру айтишди. Шахтиликларнинг ўз айбларини бўйинларига олишлари, тавба-тазаррулари, суд жараёни партия раҳбариятига саноатдаги барча камчиликларни қўлга олинган ва яна қидирилатган “зараркунандалар”нинг бўйнига ағдариш имконини берди. “Зараркунандалар”га қўл келган НЭП ҳам йўл-йўлакай қораланди.

Шахти суд жараёни Бухаринга қарши кампаниянинг, бошқачароқ айтилса, “ўнлар”га қарши курашнинг ибтидоси бўлди. “Зараркунандалар” ва “ўнлар”ни қидириш фақат кўмир саноати эмас, ҳамма жойда авж олди. Табиийки, адабиёт ҳам бундан четда қолмади.

Аваллига қидиришлар зимдан бошланди: адабий “ўнлик” нималарда намоён бўлиши аввалига расман тушунтирилмади. Масалан, 1928 йилнинг 19 майида (Шахти суд жараёни бошланишида) “Китобхон ва ёзувчи” адабий ҳафтаномасининг 20-сонида “Адабиётимизга “ўнг оғмачилар хавф туғдира оладими?” — мавзусида баҳс авж олади. А.В.Луначарский ҳафтанома вакили билан суҳбатда “ўнлик ҳозирча хавф солаётганини сезмаяпман, дейди. Лекин халқ комиссарининг фикри ҳаммага ҳам чамаси маъқул келмаган. Масалан, танқидчи С.Б.Ингулов “Хавф белгилари” мақоласида “баъзи ёзувчилар янги шаклдаги инқилобни, бу инқилоб тараққётининг янги босқичини кўрмай қўйишди”, деб таъкидлайди. “Бундай ёзувчиларнинг кўзлари инқилобнинг увадасинигина кўра олади, унинг ичини, қалбини кўра олмайди”. Шу боисдан уларнинг асарларидаги “замонамиз қаҳрамонлари” ҳақиқий ҳаётга мослашмаган, ҳеч нарсага арзимайдиган “ортиқча” ва “собик” одамлар. “Замонамиз қаҳрамони” уларнинг тасвирида янги ҳаёт қурувчиси эмас, балки растратчи.

Газета шу рубрика остида бир ҳафтадан кейин Ф.В.Гладковнинг “Хавф нимада?” деган мақоласини босиб чиқарди. Муаллиф худди Ингуловга ўхшаб хавфни “баъзи адабиётчилар замонамиздаги ортиқча кишиларни тасвирлашга мойилликда” кўрди. Гладков фикрича, “ёзиш ҳаммадан осон иш, ахлат қутисини титкилаб ўтириш хатарли: бирор касаллик юқиб, ётиб қолиш мумкин”. Табиийки, Ингулов ҳам, Гладков ҳам “ўнлар” билан курашга киришган бошқалар ҳам айни “Ўн икки стул” муаллифларини (гарчи бу гаплар уларга ҳам алоқадорлиги сезилиб турса-да) бево-сита айблашгани йўқ. Ёзга келиб баҳс жим бўлиб қолди. Бу жанг олдида бир синов эди, холос.

1928 йилнинг июлида “Ўн икки стул”нинг журнал нусхада эълон қилиниб, асарнинг босилиб чиққан нашри эндигина китоб дўконларига тарқалган вақтда Бухарин ва унинг тарафдорларига қарши биринчи жиддий ҳужум бошланди. Ҳозирча исми шарифлар саналмаётгани, лекин танқидий материаллар матнidan буни сезиб олиш қийин эмасди. Сталин партиянинг июл пленумида НЭП иқтисодий қийинчиликларимизнинг асосий сабабчиси деб баҳолади. Социализм қурилиши авж олган сари синфий кураш сусаймайди, балки кучаяди, буржуазиянинг қаршилиги ошади. Шу боисдан НЭПга зарба бериш, буржуазияга зарба бериш деган сўз, “ўнлар”нинг намояндалари НЭПни чўзишга интилишлари зарарлидир” деб уқтиради.

1928 йилнинг кузи Ильф ва Петровлар учун омадли бўлмади.

Уларга ҳомийлик қилиб турган Нарбутни сентябр ойида барча мансаблардан мосуво қилишди, партиядан ўчиришди. Бунинг сабаби “Ўн икки стул” эмасди. Гоҳ “сўл мухолифлар”, гоҳ “ўнлар” билан кураш мобайнида ВКП (б) Марказий Қўмитасидаги фитналар кучайди. Нарбут Троцкий тарафдорлари билан мунозарага ҳаддан зиёд берилиб кетганлигидан бу курашнинг қурбонига айланди. Уни граждaнлар уруши даврида қутилмаганда пайдо бўлган сиёсий айбдорлар учун жазолашди. Бу нарса Ильф ва Петровлар учун ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз таянчларини йўқотишганини англатарди. Матбуотда “кадрларни алмаштириш” масаласи кўзгаб қолди, “Гудок”нинг раҳбарияти ўзгарди, кўшгина ходимлар ишдан кетди. Октябр ойида Ильф ишдан бўшатилди. Бунинг сабаби “шпaтларнинг қисқариши” деб расман эълон қилинди. Тез орада Петров ҳам тахририятдан кетди.

Куз пайтида — сентябр-октябр ойларида, “Ўн икки стул”нинг алоҳида нашри

босилганидан кейин бир ярим-икки ой ўтгач, ҳаммуаллифлар ўз асарларига кетма-кет тақризлар чиқишини кутишган бўлса ажабмас. Аслида бошқача бўлиб чиқди. Петров Ильф ҳақидаги эсдаликларининг хомаки нусхасида шундай ёзади: “Оқшом” да биринчи тақриз эълон қилинди. Кейин ҳеч қандай тақриз чиқмади”. Петровнинг бу лўқмасига одатда тадқиқотчилар ва мемуарчилар мурожаат қилишади ва бир йил мобайнида роман ҳақида ҳеч нарса чиқмаганлигини айтишади. Аммо романнинг адабий-сиёсий моҳиятини тушунишда муҳим рол ўйнайдиган шу тақриз негадир таърир этилмайди.

Тақриз “Вечерная Москва”нинг 1928 йил 2 сентябр сониди “Л.К.” имзоси остида босилади. Уни тўлалигича келтирамиз.

“Илья Ильф ва Евг. Петров. “Ўн икки стул”. Роман. “Завод ва фабрика”. 1928 йил, Баҳоси 2 сўм 50 тийин.

Роман гарчи охирига келиб, қаҳрамонларнинг саргузаштлари кино лентасидай ўзгаравергани, ўтакетган авантюрачи Остап Бендер ва дворянларнинг собиқ йўлбошчиси, аммаси раҳбарлигида бриллиантларни яшириб юборишган стулни қидиришга йўлланган Ипполит Матвеевичнинг ҳаракатлари одамни анча толиқтиради. Хазина қайси стулга яширингани номаълумлиги туфайли ўн икки стулни қидиришга тўғри келади. Барча стуллар СССРнинг турли бурчакларига тарқалиб кетган. Роман қаҳрамонлари навбатма-навбат бойликни қидиришиб, пасткам ва биқик шаҳарчадан Москвадайдик улкан шаҳарнинг ҳаёт тарзига, ундан курортга ва бошқа жойларга саёҳат қилишади. Асардаги жуда кўп манзара — ҳазиллар жуда аёвсиз, нишонга урадиган. Асарда шоирлар муҳити яхши кўрсатилган. Романда воқеаларнинг кутилмаган тарзда ўзгариб кетишидан унумли фойдаланилади. Асарнинг хотимаси ҳам кучли таассурот қолдиради. Клубдан охириги, ўн иккинчи стулни ўғирлаш олдидан очкўзлик туфайли ўз шеригини ўлдирган Ипполит Матвеевич пировардида ана шу клубнинг ўзи машум стулдан топишган бойлик эвазига қурилганини билиб қолади. Ҳоят моҳирона топишган деталь.

Лекин китобхон қандайдир бўшлиқни туяди. Муаллифлар ҳақиқий воқеликни четлаб ўтишади — воқелик уларнинг кузатишларида ўз аксини топмаган. Улар ҳаёт саҳнасида тушиб кетаётган, йўқликка маҳкум бўлаётган ортиқча кишиларни тасвир объектга оладилар. Ҳаммуаллифлар талабалар турмушини тасвирлашга ҳаракат қилганларида ҳам дурустроқ натижага эриша олмаганлар. Уларнинг қиёфалари жуда нурсиз, яримсоя ҳолатида чиққан. Муаллифлар чамаси кузатувчанлик қобилияти ва бу кузатишларини моҳирона тасвирлай олиш иқтидоридан маҳрум бўлишмаган. Улар шу иқтидорлари билан кўпсаҳифалик фельетондан нари ўтиша олмади ғоятда ачинарли ҳолат юз берарди. Аслида “Ўн икки стул” ана шундай романдир”.

“Л.К.” мулоҳазаларида эътиборга сазовор бирор нарса йўқдай туюлади. Гарчи асар бутунлай ерга урилмаган бўлса-да, уни ижобий тақриз деб ҳам бўлмайди. Лекин бу ердаги сиёсий контекст муҳим. Тақризчининг таъналари май ойида “ўнлар” билан бўлган курашнинг ёдга туширилади: ўқувчиларга “собиқ одамлар” тўғрисида гапириш шарт эмас. Бунинг сабаби маълум — куз келиши биланоқ, Бухаринга қарши навбатдаги кураш бошқача айтганда, — адабиётда “ўнларни” фош этиш компанияси яна кучаяди. Тақриз ана шу умумий йўналишга мос келарди.

Петров ёзганидек, “Москва оқшоми”да сентябр ойида босилган тақриз бу асар тўғрисидаги дастлабки фикр бўлса ажаб эмас. Лекин ягона тақриз эмаслиги аниқ. Масалан, “Китоб ва қасаба уюшмалари” журнали сентябр сониди А.Блокнинг юқоригидан кўра кескинроқ тақризини эълон қилади. Биз бу тақризни ҳам тўла келтирамиз.

“Илья Ильф ва Евгений Петров. “Ўн икки стул”. Роман. “Завод ва фабрика”. 1928 йил. Тиражи 7000. 422 бет. Баҳоси 2 сўм 50 тийин.

“Ўн икки стул” — икки муаллифнинг коллектив ижоди, ўз мавзуга кўра адабиётимизда тобора ривож топиб бораётган янги оқим учун характерлидир. Табиатан истеъдодли ҳикоятчи бўлган Ильф ва Петровлар ёқимли ва енгил ўқиладиган кўғирчоқ яратишди. Унда узиб оладиган қочирчиқлар латифалар билан, чинакам сатирик эпизодлар енгил кулгили ҳолатлар билан қоришиб кетади.

Китобда жонли одамлар кўринмайди, унда бир-бирлари билан баъзан уришиб, баъзан ярашиб, ҳақиқий одамларга ўхшашга ҳаракат қиладиган шартли қаҳрамонлар бор, холос. Хлестаковнинг ўзига хос авлоди бўлган улуғ Бендер бриллиант изловчиларнинг юраги, мол-дунё деб жуббани ташлаган Федор ота ва ҳар хил тоифа ва унвондаги одамларнинг барчаси китобхонни қулдиришга хизмат қилади.

Қулдириш мақсадга айланиб қолган. Ҳаётнинг ярамас томонлари, бизнинг камчилик ва адолатсизликларимиз турли кулгили ҳолатлар, латифалар ва қилиқлар ор-

қали кўрсатилади. Романнинг ижтимоий қиммати унчалик аҳамиятли, бадиий қиммати айтарли баланд эмас. Асар қизиқарли енгилроқ адабиётларни ўқишга одатланган китобхонлар орасидангина ўз харидорларини топиши мумкин. Китобнинг баҳоси “30 кун” журнаlining биринчи ярим йилида босилганига қарамай ҳаддан ташқари қиммат.

Ильф ва Петров бундай заҳарли, жўшқин ва унчалик сезгир бўлмаган тақризчини пайқаммаган бўлишлари эҳтимолдан узоқ. Улар профессионал журналист бўлишгани учун вақтли матбуотни, айниқса, Москва нашрларини синчиклаб кузатишган.

Роман ҳақида яна икки ҳафтада бир марта чиқадиган “Китоб ва инқилоб” журнаlining 1929 йил 20 апрелида босилган тақризни келтириш мумкин. Бу “30 кун” журнаlining 1928 йилги сонлари обзор қилинган “Совет магазини” мақоласидир. (“Магазин” инглизча иллюстратив журнал маъносида келаяпти бу ерда.) Обзорчи нашр муваффақиятсиз чиққан, ғарб журналлари намуна қилиб олинган, у ҳатто магазинга ўхшамайди, балки сифатсиз майда-чуйда моллар уюлиб ётган дўкончага ўхшайди. Моллар тартибли эмас — деган фикрни исботлашга уринади. Журналнинг адабиёт бўлими тўғрисида гап кетгудай бўлса, — деб ёзади тақризчи, — унда босилган материалларнинг энг характерли намунаси Ильф ва Петровнинг “Ўн икки стул” роман-хроникасидир. Бу журналнинг асосий материали, уни нашр этиш ярим йил мобайнида амалга оширилган. Таҳририят асарни “классик сатирик романчиликнинг энг яхши намуналарига тақлид” деб атайди. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, тақлид муваффақиятли чиқмаган. Бир неча саҳифаларгина бу фикрдан мустасно. Ана шу бир неча саҳифалардагина ёзувчи ҳақиқий ҳажвиёт намуналарини яратади (масалан, “Гаврила”нинг ижрочиси Ляпис образи). Қолган ўринлар ўртачагина, нурсиз. Кулганинг ижтимоий объекти — манфаатпараст авантюрачи бизнинг кунларимиз учун характерли эмас. Уни ҳажв асоси қилиб бўлмайди. Муаллифлар ҳажв ўрнига арзон кўнгил очиш ва масхаралашга ўтиб кетишган. Таққирлаш ҳазил билан алмашган, синфий душманга кучли нафрат ҳисси сезилмайди, отилган ўқ бекор кетган.

Орадан ўн йил ўтгач, Петров бу обзор ҳақида лом-мим демайди. Ҳолбуки, 1929 йилда олти йиллик танаффусдан кейин “сиёсий, маданий, танқидий ва библиография журнали” қайтадан чиқа бошлаганди. Мазкур журнал кўзга кўринган ва обрўли нашрлардан эди. Бирор асар ҳақида бу журналда фикр билдириш воқеа ҳисобланарди.

Ильф ва Петровнинг бу мақолани ўз вақтида, жиллакурса кейинроқ бўлса-да, пайқамасликлари эҳтимолдан узоқроқ. Буни эслатадиган одамлар ҳам бор эди. Масалан, ҳаммуаллифларнинг эски ошниси, ўзи ҳам аввал “Гудок”да ишлаган Ю.Олеша “Ўн икки стул” тўғрисидаги тақризлар билан қизиқиб юрган, кейинчалик бу асар тўғрисида ўз фикрлари билан ўртоқлашган. Петров доимо кузатиб борадиган “Москва оқшоми” газетасида 1929 йилнинг 27 апрелида “Китоб ва инқилоб”да обзор қилинган “Совет адабиётининг йили” анкетасини чоп этади. Бу анкетада таниқли ёзувчиларнинг 1928 йилда эълон қилинган энг яхши асарлар тўғрисидаги фикрлари берилган. Олеша йилнинг энг яхши романи сифатида “Ўн икки стул”ни санайди ва мазкур асар “танқидчилик томонидан ерга урилгани” эслатилади. Петров ва Олешанинг фикрини эсламайди.

Шундай қилиб, “Ўн икки стул” эълон қилингандан кейин бир йил ичидаги тамомида бир-бирига қарама-қарши икки хил курашни эслатиш мумкин.

“Танқидчилик томонидан ерга урилган китоб ва танқидчилар сукут сақлаган китоб”.

Биринчи нуқтаи назар тамомида асосланган: салбий тақризлар ҳақиқатан ҳам чоп этилганди. Иккинчи томондан тадқиқотчилар келган бундай хулосага маълум асослар бор. Марказда чиқадиган ойлик журналда эълон қилинган ва пойтахтдаги йирик нашриётда чоп этилган роман тўғрисида, бунинг устига мавсумнинг энг оммабоп китоби тўғрисида пойтахтдаги “Октябрь”, “Новый мир” сингари йирик ва обрўли журналларда бир йил мобайнида ҳеч қандай тақриз чиқмаслиги нормал ҳол эмас. Бундан замондошларда “Ўн икки стул” яширин равишда таъқиқланган эканда, деган фикр қолиши ҳеч гап эмасди.

“Киев оқшоми” газетаси 1929 йилнинг 29 январиди О.Э.Мандельштамнинг “Герпогния елпигичи” обзор мақоласида “танқидчилар томонидан салмоқли асарга бундай муносабат уятли ва кулгили ҳолатдир”, — деб баҳо беради. Кенг ўқувчилар оmmasи ҳозир ёш авторларнинг “Ўн икки стул” деб аталган романи ялаб-юлқаб ўқишапти, — деб ҳайрон бўлади Мандельштам. Кувноқ ва заҳарханда ва ёшлик руҳи

анқиб турган бу асар тўғрисида фақат Бухарингина касаба уюшмаларининг қурул-тойида бир неча сўз айтди, холос. Ильф ва Петровларнинг китоби Бухаринга негадир керак бўлибди-ю, тақризчилар бу асарга ўзларида зарурат туюшмабди. Албатта унга ҳам қўллари етиб соч-соқолини олиб ташланади”.

Эҳтимол, Мандельштам бу асарни аллақачон танқидчилар кўриб, соч-соқолини олиб ташлашганини пайқамай қолгандир. Гап бунда эмас. Муҳими шундаки, шоир “эҳтиёткор жимликни” билса ҳам ёхуд фаҳмлаб турган бўлса ҳам танқидчи ва муҳаррирлар билан уларга мувофиқроқ тилда гапиришга ҳаракат қиляпти: “Ўн икки стул”га тақриз ёзиш ва эълон қилиш мумкин ва зарур. Бу шунчаки кулгу, ҳазил асар эмас, балки совет мамлакатига талабчан муҳаббат руҳи анқиб турган памфлет, уни Бухариннинг ўзи тасдиқлаган демоқчи бўлади.

Бухарин эса дарҳақиқат, бу асарни маъқуллаган. Мандельштам айтганидек, касаба уюшмаларининг қурултойида эмас, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг кенгашида бу ҳақда гапирган. Романдан анчагина иқтибослар келтирилган. Бухарин нутқи “Правда”нинг 2 декабр сонида босилган.

Юқорида эслатилган Лурьеннинг Ильф ва Петров ҳақидаги китобида таъкидланганидек, Бухариннинг бу роман тўғрисидаги яхши гапларидан кейин “тақризлар тўлқини” авж олди. “Унинг эътиборига тушган асарни мақташ мажбурий эмасди (1929 йилнинг охирига келиб эса, бутунлай мажбурий эмасди) лекин уни инкор этиш ҳам ноқулай эди”.

Мана шу ерда мўтабар тадқиқотчининг фикрига қўшилиш қийин. Бухарин фикри билан “Китоб ва инқилоб” журналида апрел ойида босилган тақриз орасида деярли ярим йил, “тақризлар тўлқини”гача ярим йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Гарчи профессионал танқидчилар Мандельштамдан фарқли ўлароқ “Правда” газетасини орачора эмас, мунтазам ўқиб боришса-да, Бухариннинг мақтов гаплари уларга илҳом бағишлагани йўқ. Бўлмаса бунчалик узоқ муддат жим туришмаган бўларди. “Киев оқшоми” газетасининг раҳбарияти ҳам махсус изоҳномада: “Таҳририят Мандельштамнинг қизиқарли мақоласини босиш билан бирга, унинг барча фикрларига ҳам қўшлавёрмайди” деган алоҳида писандани ҳам эълон қилди”. Бу тушунарли эди: Зеро, Бухарин бу пайтда илгариги мавқеидан анча тушганди. У расман сиёсий бюро аъзоси, партия назариётчиси, “Правда”нинг бош муҳаррири эди. Лекин содир бўлаётган ўзгаришлар “раҳбар ходимлар” газета ва журнал муҳаррирларига шундоққина кўриниб турарди. Бухариннинг деярли барча фикрларини инкор этишга киришишиб, Марказий Қўмитада уни очикдан-очик эзишарди. 1928 йилнинг ноябрида у ўзининг аввалги қарашларидан воз кечишга мажбур бўлди, Марказий Қўмита пленуми ҳам “ўнгла”ни бир овоздан қоралади. Бухарин шу ойнинг ўзида намойишкорона истезфога чиқди. Тўғриси, уни ишдан четлатишди. Мандельштам эслатган нутқ фақат ишчи ва колхозчи мухбирларгагина эмас, партия раҳбарларига ҳам эслатма эди. Бўлаётган воқеалардан яхши хабардор одамлар учун Мандельштамнинг чиқиши Сталинга қарши қаратилганди. Шундай экан, Бухариннинг мақтов сўзлари ҳосил бўлган вазиятни унчалик ўзгартира олмасди.

Адабий журналларнинг таҳририяти учун қийин даврлар эди. “Ўн икки стул” “сўл оғмачилар”га қаратилган асар бўлиб, ўша даврларда нашр этилишининг ўзига хос сабабларини илғаш қийин эмасди. Эндиликда “сўл оғмачилар”га қарши кураш тугаган, “ўнгла”га қарши кураш эса авжига чиққанди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, бу асар ҳақидаги мақтов гаплар тамомила ўринсиз, акс ҳолда бейхатиёр “ўнгла” томонига ўтиб қоласан. Нашриёт ва журнални бошқарган Нарбут мансабларидан олиб ташланган. Гарчи бу “Ўн икки стул” учун бўлмаса-да, ҳарҳолда мансабларидан ажралган. Асарни инкор этувчи тақризлар ҳам ўринли эмас, акс ҳолда “сўл оғмачилар”нинг тарафдорига айланиб қолиш ҳеч гапмас. Шу боисдан эълон қилинган бир неча тақризни умумий қоидалардан чекиниш, муҳаррирларнинг эътиборсизлиги туфайли эълон қилинган. Муҳаррирлар бу ўринда шошилмаслиги лозим эди, асарга расмий баҳо берилмагунча сукут сақлашлари талаб этиларди.

Кутиш чўзилиб кетди, тақриз қилинадиган вақт ўтди. Маълумки, тақриз оператив жанр, ўзига хос репортаж — қаерда, ким томонидан, нима босилиб чиққанлиги ҳақидаги хабар. Тақриз асар пайдо бўлгандан кейин тахминан ярим йиллар ичида босилиши лозим. Бундан кейин янги асарлар тўғрисидаги салмоқли танқидий очерклар, аналитик мақолаларнинг навбати келади. Таҳририятларда умуман Ильф ва Петров китобини тилга олишдан қочишарди.

Лекин 1929 йилнинг қишига келиб, ҳаммуаллифларнинг аҳволи анча ўнгланиб қолди.

Аввало уларга янги ҳомий топилди, бу илгариги танишлари Михаил Кольцов



эди. У худди Нарбутга ўхшаб, мансаб зинапояларидан жуда тез кўтарила бошлади. 20-йилларнинг охирига келиб, Кольцов “Правда”нинг машхур очеркчиси ва фельетончисигина эмас, балки сиёсий разведка билан чамбарчас боғлиқ халқаро ахвол тўғрисида ёзувчи таниқли шахсга айланади. Унинг бундай шухрати жаҳон ижтимоий фикрини шакллантириш юзасидан Сталиннинг нозик топшириқларини бажарувчиси бўлиб қолган 30-йилларда янада ортади. 1928 йилнинг ноябрида эса Кольцов “Чудак” номли ҳафтаноманинг илк сонини нашрга тайёрлар экан, Ильф ва Петровни тахририятга ишга олади. “Янги нашр, — деб ёзган эди Кольцов журнал ҳаммуҳаррири А.М.Горькийга ёзган хатида, — совет матбуоти сийқаси чиққан матбуотдан иборат деган фикрларга қарама-қарши ўлароқ, СССРда яхши ҳажвий журнал чиқиши мумкинлигини, у бюрократизм, лаганбардорлик, мешчанлик, иккиюзламачилик, фаол ва пассив зараркунандачиликка қарши ўт очувчи нашр бўлиши мумкинлигини исботлайди”.

Журнал гоёси ўша пайтдаги сиёсий атамалар билан аниқ ифодаланган. “Бюрократизм, лаганбардорлик” давлат аппаратидаги сиёсий қусурлар эди. Уларни матбуотда ёритиш, танқид қилиш СССРда матбуот эркинлигининг исботи. “Воқеликка нисбатан иккиюзламачилик” дейилганда совет тузуми, “фаол ва пассив зараркунандалик” дейилганда эса турли хилдаги оғмачилар кўзда тутилмоқда. Бу ўринда гап партиянинг “сталинча бош йўли”га қарши чиққанларни ҳажвий ёлғон билан фош этиш имкониятлари тўғрисида кетади. Бундай ташаббуслар энг юқори довларнинг кўллаб-қувватлаши туфайлигина амалга ошиши мумкин эди. Ўша вақтда бундай кўллаб-қувватлаш бор эди. 1928 йилнинг 19 декабрида М.Кольцов Сталин қабулида бўлади. Уларнинг ўзаро айна қандай масалаларни муҳокама қилишгани номаълум. Лекин “ВКН(б) бош котиби томонидан қабул қилинган кишиларнинг рўйхатини қайд этувчи журнал”да: “М.Е.Кольцов, фельетончи, “Правда” газетаси, адабий масалалар бўйича” деб қайд қилинган.

Кольцов журналида фақат у шахсан ишонган ва кафолат бера оладиган одамларгина ишлаган. “Сўзларга қарши руҳда ёзилган роман авторлари, бунинг устига қувғиндаги Нарбутнинг оғайнилари учун бу катта муваффақият эди. Сиёсий қарашлари бўйича ҳам, Ильф ва Петровларда яхши томонга ўзгаришлар пайдо бўлди. Худди ўша даврда — 1928 йилнинг қишига келиб, Сталин Бухаринни фош этиш босқичини поёнига етказгач, адабиётдаги “ўнг оғмачилар”га қарши курашни сусайтиришни лозим топди. Муҳолифини хотиржам қилиш, ўз кўрсатмаларини бажарадиганларни зада қилиб қўямаслик учун ҳам шундай йўл тutilланди. “Правда” газетасининг 1929 йил 22 февралда йўл-йўриқ характеридаги “Бир чалкашлик ҳақида (санъат ҳақидаги баҳсга доир)” деган мақола эълон қилинади. Мақола муаллифи П.М.Керженцев адабиётдаги “ўнг оғмачилик” ҳақидаги мулоҳазалар беъмаънилик, гап фақат санъат совет ва антисовет характеридаги асарлар устида кетиши мумкин. Лекин адабиёт тўғрисидаги ўтказилаётган баҳсда партиявий атамалардан фойдаланиш асло мумкин эмас. Бу Сталинга хос киноя эди: айна мана шу Керженцевнинг “Китобхон ва ёзувчи” 1928 йилнинг 2 декабр сониди “Бадийи адабиёт ва синфий кураш” мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда “ўнг оғмачилар” дейиш мумкин бўлган барчага, адабиётдаги мурасосозликка қарши курашга даъват этган, адабиётдаги “ўнг оғмачилар”нинг тан олинган фош этувчиси сифатида ўзини кўрсатган эди. Бу унчамунча жойда эмас, партиянинг бош газетасида рўй берган, ўзини турли одамларга қарши ўт очувчи мутахассис, билимдон қилиб кўрсатмоқчи бўлганди.

1929 йилнинг баҳорига келиб, Ильф ва Петров яна отда эдилар. Улар мўътабар журналда ишлашади ва асарлари донмо шу журналда босилиб туради. Совет цензурасини ижозати ва кўллаб-қувватлаши билан Францияда “Ўн икки стул”нинг таржимаси нашрга тайёрланаётганди. “Китоб ва инқилоб”да романининг журнал варианты тўғрисида тақриз чиққунгача берилаётган зарба асар муаллифларига эмас, балки, ҳамон журнал муҳаррири бўлиб ишлаётган Нарбутга қарши қаратилганди. Нарбут билан ҳисобни кейинроқ қилишди, бу совет журнал фаолиятида тез-тез учрайдиган одатдаги усул эди. Ўша даврда “Китоб ва инқилоб”га айна Корженцов раҳбарлик қиларди. Албатта, “Ўн икки стул”ни эсга олиб, обзорчи ҳар ерда ошкор қилинмаган тақиқни бузди, лекин журналнинг етти сониди босилаётган романини инкор этиши мумкин эмасди. Шу боисдан ҳам унчага бўлиб ўтган — “ўнг оғмачилар” билан курашнинг бошланишида асар шаънига айтилган салбий фикрларни эслатди, холос.

Мана шу вақтга келганда вазият яна ўзгарди: Сталин бухаринчиларга қарши курашни янада кучайтирди, натижада Бухарин “Правда”нинг муҳаррирлиги ва бошқа раҳбарий лавозимлардан олиб ташланди. 1929 йилнинг 22 апрелида Сталин партия

Марказий Қўмитаси пленумида “ВКП(б)даги ўнг оғмачилик тўғрисида” нутқ сўзлади. Бухарин “марксизмдан чекиниш”да, синфий кураш кучайган бир вақтда ундан воз кечишда айбланди. Синфий курашнинг кучайиши эса, Сталин сўзлари билан айтиладиган бўлса, аввало, совет ҳокимияти яширин душманларининг доимий “зараркунандалиги”да кўринади. Энди буларнинг барчаси тўғридан-тўғри Бухариннинг ноҳўя ҳаракатлари билан изоҳлана бошлади: “Шахти ишини тасодифий рўй берган деб бўлмайди. “Шахтичилар” ҳозир саноатимизнинг ҳамма жабҳаларида ўтиришибди. Уларнинг анчагина қисми аниқланган, лекин булар ҳали ҳаммаси эмас. Буржуа зиёлиларининг зараркунандалиги ривожланиб бораётган социалистик тузумга қаршилик кўрсатишнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Бу гап матбуотга бевосита алоқадор. Тузумга қаратилган ҳар қандай танқид, айниқса, ҳажвий йўсиндаги асар бухаринчилар ноҳўя ишлари туфайли майдонга келган буржуа зиёлиларининг қаршилиги сифатида қабул қилинарди. Лекин Сталин шу жойнинг ўзида яна бир пиорни майдонга ташлади. “Ҳар бир соҳада танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтирмай туриб, хўжалик, касаба уюшмалари, партия ташкилотларининг ишини яхшилаш ҳам, социализм ишини ривожлантириш ҳам, буржуа зараркунандалигини жиловлаб ҳам бўлмайди”. Шундай экан, ҳажвий чиқишлар зарурий ҳолат деб ҳисобланиши ёхуд аксилинқилобий деб қаралиши мумкин.

Совет адабиёти ва театрида ҳажвий мавзуда шу даврда баҳс авж олиб кетди. Жумладан, “Литературная газета” саҳифаларида ана шу мунозара давом этарди. 1929 йилнинг апрелида “Китобхон ва ёзувчи” ҳафтаномасининг ўрнига нашр этила бошлаган мазкур газета аввалига СССР Ёзувчилари уюшмаси ташкилоти қошидаги “партия сиёсатининг тарғиботчиси” мақомини олди. Шундай экан, мунозара материаллари ва якунига фақат адабиёттагина эмас, сиёсатта ҳам алоқадор деб қаралди. Ҳаммаси рисоладагидек тамом бўлди: “Литературная газета” шунингдек, бошқа даврий нашрлар бюрократлар, мешчанлар ва бошқа тоифадаги одамларни ҳажв остига олар эканлар, аксилинқилобчи бўлиб қолмайдилар.

Ильф ва Петровнинг ўзлари мунозарада иштирок этишмади, лекин уларнинг тарафдорлари чиқишлар қилдилар. “Литературная газета” 1929 йилнинг 17 июнида Тарасенковнинг “Фикр билдирилмаётган китоб” номли юқорида эслатилган мақолани босиб чиқарди. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг “эҳтиёткорона сукутлари” тамом бўлди. Лекин совет тадқиқотчилари не сабабдан танқидчиларнинг фаоллигига Тарасенковнинг мақоласи таъсир этди ва у нима сабабдан бошқа нашрда эмас, айти “Литературная газета”да пайдо бўлди, деган саволни ўз олдларига қўймадилар. Албатта, бу ҳолат тасодифий эмасди. “Литературная газета” таҳририяти “Ўн икки стул”ни ҳажвий тўғрисидаги мунозара доирасига киритар экан, Ильф ва Петров қўлига совет тузумига садоқати тўғрисида маълумотнома бергандай бўлди.

Гап шундаки, “Литературная газета” Тарасенков имзоси билан “Завод ва фабрика” нашриёти чоп этган “Ўн икки стул”га ҳақиқий биринчи тақризни эълон қилди. Мақола тақризнинг барча қонун-қоидаларига мос келди. Бу ўқувчиларни ҳайрон қолдирмаслиги мумкин эмасди. Ўша пайтларда роман эълон қилингандан кейин бир йил ўтгач, унга тақриз бериш урф бўлмаганди. Бу, айниқса, ҳафталиклар сингари тезкор нашрлар учун хос эмасди. Шу сабабдан кечиккан тақризга “Фикр билдирилмаётган китоб” деб сарлавҳа қўйилди. Бунинг устига газетада шу ном остида янги руқн очилди. Таҳририят изоҳида шундай эзилганди: “Литературная газета”да шу руқн остида танқидчилар томонидан адолатсиз равишда фикр билдирилмаган китобларга баҳо берилади”. Моҳият эътибори билан мазкур мақола таҳририятнинг мақоласи эди. “Литературная газета” илгари романга берилган барча баҳоларни улар умуман мавжуд бўлмагандай йўққа чиқарди. Тақризчиларга аввалги фикрларни эслан чиқариб юборишга ишора қилишди.

“Ишора” фақат мақола сарлавҳасидагина эмас, балки биринчи жумладаёқ аниқ ифода этилганди. “Ильф ва Петровларнинг биргаликда яратган романи ҳақида Ю.Олеша яқинда “Москвa оқшоми” газетаси анкетаси саволларига берган жавобида тўғри таъкидлаганидек, шу вақтгача танқидчилар томонидан адолатсиз равишда фикр билдирилмади”. Тарасенков “танқидчилар томонидан адолатсиз равишда фикр билдирилмаган” ва “ўринсиз камситилган” (Олеша аслида анкетага жавобларида айнан шундай деганди) деган ибораларнинг маъноси бир эмаслигини тушунмаган бўлиши мумкин эмас. Лекин Олешага баҳслашиб ўтиришнинг зарурилиги йўқ эди, ахир у китобни муносиб баҳолашларини истаяпти холос. Асарни танқидчилар пайқашмаётганини гапирган Мандельштам ҳам ҳақ эди. Бундан ташқари биринчи жумладаги “биргаликда эзилган роман” ибораси китобхондаги асар ҳақида журналда билдирилган биринчи фикрни ҳам гўё эслагандай бўлади”.

“Литературная газета” янги ўйин қоидаларини киритаётганди. Энди Тарасенков аввалги тақризчиларнинг номларини ҳам эслатмай, кимга зарур бўлса, ўзи топиб олар, қабилда уларни бутунлай инкор этаётганди.

Замондошлар, айниқса, қизиққан замондошларнинг буларни фаҳмлаб олишлари қийин эмасди. Масалан мурувватли тақризчи “Москва оқшоми”да “Ильф ва Петров ҳақиқий воқеликни четлаб ўтишган, “роман ҳажвиётни юқори даражага кўтара олмаган, “Китоб ва инқилоб” обзорчиси романни “нишонга тегмаган” деб атайди. Тарасенковда эса ҳаммаси аксинча: “роман ўткир ҳажвиёт билан йўғрилган”, “ҳаёти-мизнинг салбий томонларини бошлаб савалайдиган ҳажвиёт”, “Китоб ва касаба уюшмалари”даги тақриз муаллифи Ильф ва Петровларни “бачкана ҳажвиётчилик ва бежамкорлик”да айблашиб, асарга ҳам ижтимоий нуқтан назардан, ҳам бадиий нуқтан назардан паст баҳо беради. Тарасенков эса: Ильф ва Петров жанр қолипни ёриб чиқишди, “Ўн икки стул” совет адабиётининг ҳажвиётчилик соҳасидаги шубҳасиз энг муҳим ютуқларидан биридир, деб баҳо берди.

Тарасенков фамилияларини айтмаган ҳолда 1928 йилнинг майида романда “ўнг оғмачилик”нинг хавфини кўришга шошилган ёзувчиларни ҳам эслатиб ўтди. Масалан, Ингулов таъкидлаган “ёзувчиларнинг кўзлари инқилобнинг увадасинигина кўра олади, унинг ичини, қалбини кўра олмайди”, деган сўзларни эслатган ҳолда Ильф ва Петров аслида оламга ҳақиқий замондошимиз кўзи билан боқадилар, тийрак кўз билан воқеаларга ёндашадилар. Бу душманларнинг нигоҳи эмас, дўстларимизнинг кўзидир, — дейди. “Баъзи ёзувчиларнинг ортиқча замондошларимиз образларини тасвирлашга мойилликлари нохуш ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин” деган Гладков ҳам ўзига яраша баҳосини олди. Тарасенков фикрича, “Ўн икки стул” муаллифлари барча “ортиқса” ва “собик”ларни фош этади: “мослашувчи ва олғир” Остап Бендернинг барча ясама либослари ечилиб, асли ҳолида кўрсатилади, халтурачи шоирлар устидан ҳам кулинади, ошна-оғайнигарчилик, мансабпарастлик, риёкорлик ва бошқа иллатлар қораланади. Бунинг устига, Тарасенков фикрича, асар муаллифларининг метёр ва маданият туйғуси юксак. Улар қаерда енгил кулги кераклиги-ю, қаерда киноя ёки ўткир ҳажв даркорлигини яхши билинади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда “роман ҳар қандай йўллар билан китобхонларга тавсия этилмоғи даркор. Бир истак шуки, романнинг асосий сюжетига сунъий ёпиштирилган руҳоний “Федор ота”нинг тарихи билан боғлиқ бутун эпизодлар асарнинг қайта наشريда олиб ташлангани маъқул”.

Агар мақоланинг умумий руҳи романни маъқуллашга ва ҳимоя қилишга қаратилмаганда эди, бу луқма киноя деб тушуниш ҳеч гап эмасди. Зеро, асардаги қаҳрамонлардан бирини ва у билан алоқадор сюжет йўлини олиб ташлаш, ҳазилакам танбеҳ эмасди. Лекин бу ерда қандай гап айтилгани эмас, нима учун айтилгани муҳимдир. “Луқма” кўпроқ “оммавий китобхонга” эмас, танқидчиларга қаратилган. Мандельштамдан фарқи ўлароқ, Тарасенков /ёхуд таҳририят/га эҳтиёткор ҳамкасабаларни хотиржам қиладиган ҳолатлар маълум эди. Майли, тақлиф этилган тузатиш мақсадга унчалик мувофиқмасдир ёхуд бутунлай бемаънидир. Муҳими қандайдир камчиликлар кўрсатилди, улар ҳақида баҳслашиш мумкин, лекин бу камчиликлар сиёсий характерга эга эмас. Сиёсий хатолар эса бу ерда умуман йўқ, дейилмоқчи. Бунинг устига “Литературная газета” моҳият эътибори билан таҳририят мақоласи дейиш мумкин бўлган бу тақризда асар қайта нашрга тайёрланаётгани тўғрисида ўқувчиларга маълум қилиб қўйётганди. Демак, асар босмаҳонада тез орада журнал вариантини ҳам ҳисобга олганда, учинчи мартаба эълон қилинади. Бундан “Завод ва фабрика” нашриёти ва “30 кун” журнали раҳбариятининг ўзгариши романи босиб чиқариш билан боғлиқ эмас: унинг мафкуравий жиҳатдан тўғрилиги бир йил аввалгидек яна тасдиқланди.

Шу нарсани таҳлил қилиш ўринлики, Тарасенков ўз мақоласини июнда эмас, май ойида ёзган кўринади. Чунки у Олешанинг апрель ойида айтган фикрларини “яқинда” дейди. Лекин “Литературная газета”нинг муҳаррирлари нашриёт романининг қайта наشري мўлжалланаётганини эмас, алақачон тайёрлаб қўйишганини билишарди. Бунинг устига роман француз тилига таржима қилинган, асарнинг чет элда босилиб чиқиши СССР ҳақиқий демократия мамлакати эканлигини, ҳажвиёт асарлари бу ерда тақиқланмаганлигини исботлаган эди. Тарасенковнинг тақризи эълон қилинган вақтда “Ўн икки стул”нинг янги — қисқартirilган вариантини чоп этишга қўл қўйилган эди. Дарҳақиқат, тез орада тираж босилиб чиқди. 30 июнда эса “Ўн икки стул” таржимаси Францияда босилди. Роман яна сиёсий ҳозиржавоб асарга айланди. НЭП ва Бухарининг обрўсизлантириш орқали, сталинча ташвиқот янги иқтисодий сиёсат авж олган даврда Бухарин ўртага ташлаган машҳур шоир

“Бойинг!”ни ҳам обрўсизлангирди. У гарчи деҳқонларни кўзда тутган бўлса-да, кенг қатламларни ўз ичига оларди. Шу муносабат билан “Ўн икки стул” сюжети Бухарин шпорини танқид қилувчи асар сифатида талқин этилди. Троцкийга қарши қаратилган романдан Бухаринга қарши курашда ҳам фойдаланилди. Шундай экан, “Литературная газета” ҳаракати аниқ мақсадга йўналтирилганлиги.

Журналларнинг муҳаррирлари “Литературная газета”нинг фикрини бир хилда тушунишди. Тарасенков тақризига биноан аналитик характердаги мақолаларгина эмас, “Ўн икки стул” ҳақидаги танқидий очерклар ҳам тезда яратилавермайди. Роман тўғрисидаги аналитик мақолалар яна сиёсий жиҳатдан ақтуал бўлмасди. Албатта бундан бир йил аввал журналда эълон қилинган ва алоҳида китоб бўлиб чиққан, бунинг устига обдон пўстаги қоқилган роман галати кўринарди. Лекин формал жиҳатдан баҳона бор эди. Илгари бу асар тўғрисида фикр билдиришмаган тажрибали танқидчилар бу ўринда иштирок этишмади. Аввалгидек бу гал ҳам ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган адабиётчилар жонбозлик кўрсатишди.

“Октябр” журналининг еттинчи /июл/ сонидаяк, бир автор мақола билан чиқиб, гарчи фамилияни очик айтмаган бўлса-да, Тарасенков билан мунозарарага киришади. Лекин унинг сиёсий хулосаларига қўшилади, асарни “қувноқ, ғайрат билан ёзилган асар” деб баҳолайди. “Умуман олганда эса “Ўн икки стул” муваффақиятли чиққан” деган хулосага келади. Шуни эътироф этиш керакки, мазкур тақриз шошилинич материал сифатида эълон қилинган: зеро, 1929 йилнинг июни охирида “Октябр”нинг июл сони терилиб бўлинганди. Бундан “Литературная газета”нинг истаги “Октябр” таҳририяти томонидан тезда бажарилиши зарур бўлган буйруқ сифатида қабул қилинган. Журнал пролетар ёзувчилари Россия ассоциациясининг органи эди, ассоциация раҳбарияти эса кўрсатмаларни бевосита ВКП/б/ Марказий Қўмитасидан олишарди.

Россия пролетар ёзувчилари ассоциациясининг икки ҳафтада бир марта чиқадиган яна бир органи “Адабий постда” журнали гарчи кечиктирмаган бўлса-да, “Октябр” журналидек тезкорлик кўрсата олмади. “Ўн икки стул” иккинчи нашрига тақриз бу журналнинг ўн саккизинчи (август) сонида босилди. Бу ердаги муаллифнинг фикри ҳар жиҳатдан Тарасенков фикрига мос эмас, лекин “Октябр” журналидаги ҳамкасбига ўлшаб китобни “шубҳасиз ижобий воқеа” деб баҳолади. “Ильф ва Петров романининг китобхонлар ўртасида қизқиш уйғотиб, муваффақият қозонганлиги” алоҳида таъкидланади. Лекин тўғрисида айтиш керакки, бу ерда мантиқ бир оз бузилган. Романининг муваффақияти ҳақида гапиришга ҳали эрта эди (иккинчи тираж эндигина чиқиб, ҳали сотиб бўлинмаганди). Тақризда эса биринчи нашр ва асарнинг журнал варианты тўғрисида ҳам, унга билдирилган фикрлар тўғрисида ҳам ломим дейилмаганди. Лекин “Литературная газета” бошлаган ўйиннинг қондаси шу эди. У 1929 йилнинг июнигача роман ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмаган деб ёзганди.

Бу ўйин қондасини пролетар ёзувчиларнинг органи “Ёш гвардия” ҳам бузмади. Журналнинг ўн саккизинчи /сентябр/ сонида романи деярли роса мақтовчи тақриз эълон қилиниб, унда “Ўн икки стул” фақатгина катта ҳажмли сюжетта эга асаргина эмас, ҳажвий роман ҳамдир”. Шу боисдан “ҳозирги ҳажвийчиликнинг камбағал ва гоят бемазалиги кўзда тутилгудай бўлса, унинг принципиал аҳамияти янада яққолроқ кўзга ташланади”. Тарасенков сингари бу муаллиф ҳам Ильф ва Петровнинг китоби танқидчилигимиз томонидан ўз вақтида пайқалмади, деб ўз ҳамкасбларига таъна қилади. Бу ерда ҳам мантиқ бузилган: танқидчиларнинг иккинчи нашрга нисбатан фаоллигини баҳолашга ҳали эрта, унинг биринчи нашри ва журнал варианты тўғрисида эса ҳеч нарса дейилмайди.

Ильф ва Петровлар ишлайдиган “Чудай” ҳафтаномаси ҳам ўз ходимларини қўллаб-қувватлади. Ҳафтаномаининг ўттиз олтинчи /сентябр/ сонида “Огонёк” кутубхонаси” туркумида босилиб чиққан “Ўн икки стул” “Завод ва фабрика”да босилиб чиққан қисқартирилган варианты” деган рисолаи эълон қилади. Тақриз маҳддия тарзида ёзилганди: “Бу яқинда чиққан, гоят катта муваффақият қозонган, ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча чет тилларга таржима қилинган романининг энг яхши бобларидир. И.Ильф ва Е.Петровнинг романи совет танқидчилигида ҳам, чет мамлакатларнинг танқидчилигида ҳам СССРда нашр этилган энг яхши ҳажвий роман сифатида баҳоланди. Дарҳақиқат, “Ўн икки стул” гоят ўткир ҳолатларнинг мўллиги, воқеалар ёрқин чизилганлиги, характер ва тиллар аниқ чизилганлиги билан ажралиб туради. Романининг ютуғи табиий ва ўринли, “Огонёк” кутубхонаси” туркумида чиққан китобча ёш муаллифларнинг талантили асари тўғрисида китобхонларга тўла тасаввур беради”.

Тақризчи роман ҳамма жойда яхши кутиб олинаётгани эътироф этилаётгани тўғрисида ёзаркан, ёлгон-яшиқларни тўқишдан ҳам тоймайди. Лекин у ҳам ўйинни бузмайди, романнинг журнал нусхасини-ю, биринчи нашрини эса олмайди. Гап фақат “яқинда босилган”, яъни китобнинг иккинчи нашри ҳақида кетади. Бу асарнинг тарихидан беҳабар одамлар қандай қилиб яқиндагина чиққан асар чет тилларга бунчалик тез таржима қилиниб улгурилди ва нашр этилди деб бош қотиши тайин. Лекин тақризчи ва тахририят билимдон кишиларни кўзда тутишганди.

Санкт-Петербургда чиқадиган, пролетар Ёувчилар уюшмасига қарашли “Звезда” журнали ҳам муаллифларга хайрхоҳлигини ифodalади. Бу журналнинг ўнинчи сониди “Ўн икки стул”да ҳаётий ҳодисаларнинг гипреболик тасвири” асари ҳали тўла маънодаги ҳажвиёт эмас, лекин совет ҳажвиётчилиқ адабиёти биринчи босқичидаги талантли китобдир”, — дейди тақризчи. Бу тақризчи ҳам анъанага айланиб қолган ҳамкасбаларига таъна тошини отишни канда қилмайди.

“Ильф ва Петровларнинг француз тилида босилиб чиққан, Париж матбуотининг мақтовларига сазовор бўлган роман бизда бутунлай пайқалмай қолди”. Табиийки, биринчи нашр ва журнал варианты ҳақида гапирилмайди.

Бундай мисолларни яна кўшлаб келтириш мумкин. Лекин яна бир нарсани таъкидлаб қўймоқчимиз: ватандош тадқиқотчиларнинг танқидчилар барварига бу романни сезмаганлар, сўнгра бир йилдан сўнг бараварига журъат топиб, бараварига тақриз ёза бошлаганлар деган тахминларини текшириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Петров “Москва оқшоми”да роман ҳақида билдирилган ягона фикрни айтаётганда биринчи нашр ҳақидаги танқидий фикрларни ёдидан чиқармаганлиги аниқ. Ильф тўғрисидаги эсдаликлари режасини тузар экан, “Литературная газета” 1929 йилда олға ташлаган ўйин қондасини бузмасликка интилган.

Бу ўйиннинг шартини ҳар иккала муаллиф ҳам қабул қилган. Бу жиҳатдан Тарасенковга ҳаммуаллифларнинг “Чудак”нинг 1930 йил тўртинчи /январ/ сонидидаги фельетони ёрдам берган:

“Лекин шундай ҳам бўладики, танқидчилар ёш муаллифларнинг китоби тўғрисида ҳеч нарса ёзишмайди. Аллегро жим. Столпнер-Столпник жим. Гав миқ этмайди. Ҳаммаси бараварига, худди келишиб олишгандай. Улар жимликда бир-бирларига қараб қўйишади. Бу жимлик кейинчалик ўзларининг жонларига ҳам тегади шеклли.

— Китобнинг яхши ёки ёмонлигини ким билади? Ким оқибатини олдиндан айта олади. Аввал мақтаб қўйсанг-у, кейин у ёмон бўлиб чиқса-чи? Ана унда кўргуликни кўраверасиз. Ёхуд танқид қилсанг-у, тўсатдан яхши чиқиб қолса? Масхара қилишади. Ёмон аҳволда қоласан!

Танқидчилар икки йилдан кейингина ўзлари фикр билдиришга журъат этиша олмаган китобнинг бешинчи нашри чиққанини ва сиёсий маориф бош бошқармаси қишлоқ кутубхоналарига тавсия этганини сезиб қолишади.

Столпник, Аллегро, Гав ёқаларини ушлашади. Бараварига. Тезроқ, тезроқ қоғозни беринг! Сиёҳни узатиб юборинг, тезроқ! Ўзим ўрганган пером қани? Ва содиқ перолар қитирлаб ёзишга киришади”.

Фельетон билан романнинг нашр этилиши тарихи бир-бирига ҳамоҳанглигини замондошлар сезиб туришарди. Бунга шубҳа қолмаслиги учун бўлса керак, юқоридаги тақризчиларнинг ҳаммаси ҳам негадир роман “танқидчиларимизнинг эътиборидан четда қолди” деб афсусланишди.

Мақолага яқун ясаймиз.

Романнинг майдонга келиши, ўзига хос хусусиятлари, унинг нашр этилишига доир фактлар, замондош танқидчиларнинг асарга муносабатлари конкрет, воқеаларни ташқи боғланиши ва изчиллигига қараб баҳо берувчи сиёсат билан изоҳланади.

Норбут Катаевларнинг каттасига “сўл оғмачиларга” қарши роман ёзишни таклиф этганлиги ва Катаев ташаббускор бўлганлиги балки эҳтимолдир. Лекин ҳарҳолда эсдалик битувчилар ёзишганидек, ҳар қандай тасодифият, ҳеч қандай ғаройиб мослик рўй бермаган. “Ижтимоий буюртма” бўлган. Бажарувчиларнинг номзодлари ҳам тасодифий танланмаган: у шунчаки машҳур ёзувчи, драматург, фельетончи, ажойиб санъаткор эмас, бош муҳаррирнинг эски ошнаси, кўп жиҳатдан Норбутга суянадиган, уни ҳеч қачон чалмайдиган одам. Валентин Катаевга ишонмаса яна кимга ишонарди? Ҳамонки, буюртмани шошилинч равишда бажариш зарур экан, “ёзувчилар бригадаси”ни тузиш ҳам мақсадга мувофиқ келади. 1920 йилларда бундай “ёзувчилар бригадалари” тез-тез тузилиб турган. Катаев бундай ишга укаси ва дўсти — ҳамшаҳри бўлган одамни жалб этмаса, кимни ҳам жалб этарди? У Ильф ва Пет-

ровга бу тўғрисида айнан қачон оғиз очганлигини аниқ айтиш қийин. Лекин бунинг хронологик доирасини аниқлаш мураккаб эмас: бу ҳарҳолда 1927 йилнинг майдан олдин ҳам, октябр ойининг бошларидан кеч эмас. Мана шу йилнинг 15 апрелида совет газеталари “Шанхай тўнғариши” тўғрисида хабар тарқатади, май ойига келиб, Троцкий билан мунозара авжига чиқади, антитроцкийчилик кампанияси кучаяди. Июнь ойида эҳтимол Ильф ва Петровлар ҳали ҳаммуаллиф сифатида бирлашишмагандир, лекин улар илк маротаба ёзган таътиллари бирга ўтказадилар, август ва сентябр ойларида эса кечаю кундуз асар воқеалари айна 15 апрелда бошланадиган “сўл оғмачилик”ка қарши руҳдаги романни ёзадилар. Улар уйку ва дам олишни қисқартириб бўлса-да, журналнинг биринчи сонига кетадиган бобларини ёзиб улгуриш ниятида тиним билмай ишлайдилар, шошиладилар. Октябр-ноябр ойларида романни биринчи қисмини тугаллайдилар. Уни шошилинч равишда нашрга тайёрлашади. 1928 йилнинг январиди “Ун икки стул”нинг қисқартирилган нусхаси босила бошлайди. Шу даврнинг ўзидаёқ асарни “Завод ва фабрика” нашриётида чоп этиш масаласи алақачон ҳал бўлганди.

Шундай қилиб, Ильф ва Петров сиёсий фитнада иштирок этишади. Буни ўзлари тушунмаган ҳолда амалга оширдилар, дейишга асосимиз йўқ. Бунда улар нималарга таянишди, деган савол туғилади. Чамаси, улар ҳам худди бошқа ёзувчилар сингари йўл тутишган. Масалан, Булгаков сингари. Замонанинг жуда кўп олди кишилари ўшанда Троцкий мағлуб бўлиши биланоқ янги иқтисодий сиёсат узил-кесил ғалаба қозонади, турмуш даражаси ўсиб боради, сиёсий чеклашлар, “сурункали инқилоб” даври, “ҳарбий коммунизм”, “қизил террор” узлатта чекинади, — деб ишонишарди. Лекин нима бўлганда ҳам на Ильф, на Петров бу фикрларга ҳеч қачон норозилик билдиришмаган. Улар ўша даврларда рухсат этилган чегарадан ўтмасликка ҳаракат қилишарди.

Петров 1938 йилда Ильф ҳақида хотиралар ёзишни ўйлади. Лекин у Нарбут ҳақида ҳам, шу йили отилган Кольцов тўғрисида ҳам, романнинг яратилишига олиб келган троцкийчилик кампанияси хусусида кам гапирishi мумкин эмасди. Лекин Петров томонидан тўқилган Катаевнинг совғаси, меҳнатсевар ҳаммуаллифларнинг тасодифий муваффақияти тўғрисидаги афсона фавқулодда қулай эди. 1928 йилдаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши эса аввалига баравар “Ун икки стул” тўғрисида сукут сақлаган танқидчиларнинг кейинчалик бараварига бу асарга ёпишиб кетишлари ҳақидаги афсоналарни тўқишга олиб келди. Сталин вафотидан кейинги йилларда ҳам ҳар иккала афсона ҳам асқотиб келди. Бу нарса аввал ҳайдаб юборилиб, кейин ўлдирилган Троцкий ва табиики, 1938 йилда отилган Бухарин тўғрисида оғиз очмасликка олиб келарди. Ахир улар деярли ярим аср мобайнида “ҳалқ душмани” сифатида саналиб келинди. Петровнинг тахминини мемуарчилар ва тадқиқотчилар ўзларига асос қилиб ола бошладилар. Петров сингари уларнинг ҳам бошқа иложлари йўқ эди. Кимдир жон-дили билан навбатдаги “ижтимоий буюртма”ларни бажарар, кимдир салгина бўлса-да ҳақиқат пардасини очишга интилар, лекин бу ҳолат масаланинг моҳиятини ўзгартира олмасди. Сукут 1960 йилларга келиб ўз ваколатини гарданидан соқит қилди, 1980 йилларда эса узил-кесил барҳам топди. Анъана кучига кўра зиддиятлар рад этилмади, балки улар шунчаки пайқалмади. Петров томонидан таклиф этилган тахмин эса натижада узоқ вақтларгача илмий исботланган ҳақиқат мақомига эга бўлиб келди.

*“Дружба народов” журналининг 2000 йил  
12-сонидан олинди.*

*Раҳматилла ИНОҒОМОВ  
таржимаси.*



Раъно ИБРОҲИМОВА

## Жаҳон адабиёти ва фантастика

**А**булқосим Фирдавсий ўзининг машҳур “Шоҳнома” дostonи бошланишида Эрон салтанати равнақини, шу билан бирга бутун инсоният тараққиётининг энг муҳим босқичларини ҳам реалистик услубда, ҳам бадий-фантастик воқеалар орқали тасвирлайди. Севимли фарзанди Сиёмакдан айрилганига қайғуриб, дод-фарёд билан яшар экан, унга Олий тангри Хурмузд (“Авесто”да Ахурамазда — Р.И.) ёрдамга келади. У Қаюмарс ҳузурига элчиси — фаришга Сурушни юбориб, уни юпатади. Қаюмарснинг набираси, Сиёмакнинг ўғли Хушанг улғайиб, улуг баҳодир бўлиб етишади, девларни тор-мор келгириб, отасининг ўчини олади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жонзки, Фирдавсий бу воқеада илоҳий кучларнинг аралашуви каби фантастик ҳодисани ҳаётда бўлган реал ҳодиса деб, ишонч билан тасвирлайди. Шу воқеада баҳодир Хушанг қўшинида ўргатилган арслон, йўлбарс, қоплонларнинг қатнашуви каби фантастик тасвир ҳам бор. Бизнингча, бу тасвирда арслон ва йўлбарс каби кучли йиртқич ҳайвонлардан аждаҳо ва девлар ҳам кўрқади, деган қатъий бир ишонч сингдирилган. Ўз навбатида, ёвуз Аҳриман ҳам Хушангни ва жангчиларини кўрқитиш учун одамларни чирпирак қилиб осмонга кўтариб, учуриб кетиши мумкин бўлган куюн ва ғайритабиий кўрқинчли шовқинлардан фойдаланади.

Мана шу жангда Аҳриманнинг ўғли — ёш дев билан баҳодир Хушанг яккама-якка олишади ва уни ҳалок этади. Яна бир фантастик тасвир — ёвузлик подшоҳи Аҳриманнинг кучли ва кўрқинчли ўғиллари бўлиши мумкин деб тасаввур қилиш, умуман ёвузлик кучларининг кўплигини билиш билан боғлиқдир.

“Шоҳнома”да зардуштийликдан ҳам аввалги оташпарастлик диний эътиқодининг вужудга келиши, оловнинг кашф этилиши фантастик тасаввурлигидан ташқари, ёвуз кучларга қарши кураш жараёнида юз берган тасодифий ҳодиса билан боғлиқ деб тасвирланиши қизиқарлидир.

Фирдавсийнинг тасвирлашича, Хушанг кашф этган деб ҳисобланадиган олов зулматли кечаларни ёритиб, паноҳ, бошпана бўлиши ҳам одамларда унга нисбатан ҳурмат уйғотади. “Шоҳнома” дostonида тасвирланишича, қадимги одамларнинг ибтидоий тасаввурига кўра, кечалари олов ёқиш тонгда куёшнинг чиқишига ёрдам берармиш. Бу тонготар байрамни эронийлар сада байрами деб атайдилар.

Қадимги шарқ халқларининг фантастик тасаввурларига кўра, дашту далаларга ёмғир ёғдирувчи булутлар Олий тангри Хурмузднинг гўзал хогинларидир. Шу тасаввурларга кўра, бу аёллар Ноҳид юлдузидаги дарёда яшайдилар ва Ердаги дарёлар қуриб қолмаслиги учун, доимий равишда, ўз вақтида қор, ёмғирларни ёғдириб турдилар. Шунинг учун қадимгилар қор, ёмғирни ҳам муқаддас деб билганлар.

Ёвузлик тимсоли Аҳриманнинг содиқ хизматкори Апаоша исми Иблис гармсел шамолини пуркаб, экинзорларни куйдириб юборади. Қурғоқчилик, очарчилик бошланади. Лекин Ер сайёраси Сириус юлдузи буржидан ўтаётган вақтда Эзгулик тангриси Хурмузд юборган паҳлавон Тир қурғоқчилик Иблисини енгади. Яна ёмғир ёғиб, далалар яшнаб кетади.

Фирдавсийнинг “Авесто”даги диний таълимотта асосан тасвирлашича, Вритра исми Ёмонлик деви осмонни ёмғирсиз қора булутлар билан қоплаб, узоқ вақт Куёш нурини заминга ўтказмай қўяди. Лекин Баҳром (Марс) сайёраси даҳшатли чақмоқлар юбориб, Вритрани ўлдирди, Ерни яна Куёш қиздира бошлайди.

“Авесто”нинг муқаддас қонун-қондаларини яхши билган Фирдавсий “Шоҳно-

ма”да тасвирлашича, қадимги одамлар Куёш нур сочган кундузни яхши кўриб, қоронғу кечадан қўрқар эдилар. Уларнинг фантастик тасаввурича, аниқроғи, диний эътиқодига кўра, қоронғу кечалари ёвуз Аҳриман юборган ажиналар, ёвуз руҳлар одамларни адашгириш, ҳалок этиш учун хилват жойларда изғиб юрадилар. Одамлар улардан қўрқиб, кечалари билан ухламай, жинларга қарши дуо ўқиб чиқадилар. Агар ухлаб қолсалар, яхшилик келтирувчи Пародарш исмли қуш қичқариб, ажина ва бошқа ёвуз руҳларни ҳайдаб юборади.

Қоронғу кечаларда одамларнинг осойишталигини кўриқлаб, қичқариб турадиган бу қуш Ҳаққуш (Феникс) ёки бойўғли (Филин) бўлиши мумкин.

Қадимги оташпарастларнинг эътиқодига кўра, ҳар бир уйда яхшилик фаришталари Фравашалар яшайди ва хонадон эгаларини ёвуз руҳлардан ҳимоя қилади. Фравашалар ва бошқа эзгу руҳлар турли қушлар ва ҳайвонлар қиёфасида одамларни, уй-жойларни, чорва молларини ва экинзорларни кўриқлар эдилар.

Қадимги оташпарастлар тасаввурича, тоғ йўлларида одамларнинг оғирини енгил қиладиган эшаклар ҳам муқаддас ҳайвон ҳисобланган. Уларнинг тасаввурича, Варахша кўлида (дарё ёки денгизда) яшовчи уч оёқли, олти кўзли Хара исмли эшак олтин шохи билан одамларга зарар етказувчи ҳайвонларни сузиб, ҳалок этади. Эшак Хара ҳанграётганида одамларга фойдали уй ҳайвонлари болалайди, ёмон ҳайвонларнинг болалари туғилмай, она қорнида ўлиб кетади.

Фақат ҳинд халқи учунгина эмас, балки бутун дунё адабиётининг дурдона бадий асарларидан бўлган “Маҳобҳорат” дostonида ҳам ибратли ҳаёт манзаралари, гаройиб воқеалар бадий-фантастик бўёқларда тасвирланади.

Абу Райҳон Беруний бу шоҳ асарнинг қадимий Ҳиндистон халқларининг диний эътиқодлари билан боғланган бадий-фалсафий мазмунини чуқур очиб берган. Экин ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади, — деб ёзади Беруний “Ҳиндистон” китобининг 47-бобида, гарчи дунё чекланган бўлса ҳам, кунлар ўтиши билан бу икки ўсиш (экиш ва насл қолдириш) натижасида кўпайиш чекланмайди. Агарда ўсимликлардан ёки жониворлардан бирор хилининг ўсишига шароит бўлмай, ўсиш (ва кўпайиш — Р.И.)дан тўхтаса ҳам, бошқаларида бу аҳвол бўлавермайди (яъни, улар ўсиб, кўпайишда давом этади. Уларнинг ҳар бири вужудга келишда бирдан пайдо бўлиб, йўқолишда эса бирдан йўқолиб кетмайди). Бу фикрлари билан Абу Райҳон Беруний Европа файласуфлари — Г.Гегел, Л.Фейербах ва бошқалардан кўп асрлар илгари оламдаги барча ҳодисаларнинг сабабият ва оқибат, тасодиф ва зарурият, ўзаро алоқадорлик каби диалектика қонуниятларини кашф этганини кўрамыз. “Агар ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қошлаб олса, бу ҳолда (кўпчилик) ҳайвонларнинг кўпайишига ҳам, бошқа дарахтларнинг ўсишига ҳам ўрин қолмайди. Шу сабабли деҳқонлар экинларини ўтоқ қилиб, кераксизини юлиб ташлайди. Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб, ишламай, кўзачадаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди”<sup>1</sup>.

Шуниси муҳимки, Беруний ҳинд халқ эпосида тасвирланган бадий-фантастик воқеа-ҳодисаларга жиддий илмий нуқтаи назардан ёндошади. У ана шу фантастик ҳодисаларни, хусусан Васудева воқеасини, баъзилардек, чўпчак, афсона демайди, баъзи уларга инсоният маънавий тараққиётининг муҳим муаммолари сифатида қарайди ва таҳлил этади. Бизнинг назаримизда, Васудевани ислом мифологиясига кўра, Ер юзида адолат ўрнатиш учун юборилган фаришта дейиш мумкин. Лекин Васудева каби буюк зотларни ҳинд халқлари, мушриклар эътиқодига кўра, жуда кўп “худолари”дан бири деб ҳисоблайдилар. Беруний эса, Васудева ҳаётини табиатдаги ўсиш, ўзгариш, бузилиш ва тузалиш каби тараққиёт босқичлари сифатида талқин этади. Беруний шу тариқа ҳиндларнинг буюк эпосига жиддий эътибор ва чуқур ҳурмат билан қарайди. Беруний табиат, асаларилар ҳақидаги фикрларни инсоният жамиятидаги тараққиёт ва таназул ҳодисаларига таққослаб, жамият тараққиёти табиатдагига ўхшамай, мутлақо бошқача эканлигини тушунтирди.

Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” китобининг “Васудева” тўғрисида ва Бҳарата урушлари баёни деб аталган 47-бобида “Маҳобҳорат” асарининг мазмунини муфассал баён ва шарҳ қилади.

Матхура шаҳрининг золим ҳокими Канс синглиси Девакининг тўйида ғойибдан “Сенинг ўлимнинг синглингнинг боласи тарафидан бўлади” деган нидони эшитади.

<sup>1</sup> Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар. II том. Т. “Фан”, 1965. 300-бет.



Шундан сўнг золим ҳоким синглиси туққан қиз ва ўғил болаларнинг барчасини ўлдиртираверади. Девакининг фақат саккизинчи фарзанди Васудева Худонинг марҳамати билан ўлмай қолади. Девакининг эри (машҳур лашкарбони) золим подшоҳни алдаш йўлини топди. Иложини қилиб, саккизинчи ўғлини (Васудевани) подачининг хотинига бериб юборади. Бу аслзода бола пойтахтдан йироқда, қишлоқда яшай бошлайди.

Кришна исмли бу бола тимсолида худо Вишнунинг ўзи намоён эди. Унга “Худолар” томонидан ёвуз Кансни ўлдириш топширилганди. Шу боисдан унга сеҳрли ҳислатлар ато этилган эди. Болага битмас-туганмас куч, зўр донишмандлик, тенгсиз хусн ва истагига кўра ўз қиёфасини ўзгартира олиш санъатини бағишладилар.

Канс кўп ўтмай, (синглиси) Деваки ўз болаларидан бирини яширганлигини билиб қолади. Бироқ, боланинг қаердалигини, уни қандай топишни билмайди. Канснинг жизғанаги чиқади, итдек кутуради, мамлакатдаги барча чақалоқларни ўлдиришни буюради. Канснинг мулозимлари буйруқни шафқатсизлик билан бажарадилар.

Фуқароларнинг йиғи-сиғилари оламни тугиб кетади. Канс барча девларни чақириб, Кришнани (Васудева)ни ахтариб топишни, ҳар қандай йўл билан уни ўлдиришни буюради.

Кришна ҳали ёшига тўлмаган эди, девнинг хотинларидан бири унга заҳарли сут бериш учун яширинча келади. Бола бешиқда қуруқ қовоқдан ясалган кичкина шалдироғини ўйнаб ётарди. “... Кришна девнинг айёрлигини фаҳмлаб, уни чунон қаттиқ тишлайдики, у (дев-хотин) шу заҳотиёқ тил торгмай ўлади. Бошқа бир дев Кришнани икки яшарлигида ўрмонда учратиб, узун тирноқли чангалини ёйиб, болага ташланади. Бироқ Кришна девни оёғидан ушлаб, ҳавода айлантириб, дарахтга уриб, бошпини янчиб ташлайди... Бошқа бир дев бўғма илон шаклида келиб, Кришнани ютиб юборади. Бола эса илон қорнида шундай тез ўса бошлайдики, сал ўтмай, уни бошидан думигача ёриб юборади”<sup>1</sup>.

Иблисзода Канс машҳур қаҳрамонни макр билан меҳмонга чақириб, ўлдиришга аҳд қилади. Кришна меҳмонга келганида уни ўлдириш учун кутурган филларини қўйиб юборади. Енгилмас паҳлавон Кришна кутурган филларни ҳам, иблисзода Кансни ҳам ўлдириб, зиндонда ётган отасини озодликка чиқаради.

Мана шу каби бадий-фантастик тасвирларда яхшилик тимсоли бўлган қаҳрамоннинг қудрати ёвузлик кучларига бас кела оладиган чексиз куч-қудрат касб этади. Бу фантастик воқеалар Ҳиндистондан қадим Юнонистон мифологиясига, юнонларнинг ҳам мушрикларча диний эътиқодларига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Юнонларнинг Геракл ҳақидаги ривоятда ҳам қаҳрамон болалигида бешиқда ётганида душман маъбудлар юборган иккита илонни бўғиб ўлдиради. Геракл ҳам ғайритабиий куч-қудратга эга. У ўғай отаси Эфрисфейнинг маккорлиги туфайли кўп машаққатларга учрайди ва ўн иккита қаҳрамонлик кўрсатади, халқни қийнаётган золим ва йиртқич махлуқларни ўлдиради.

Беруний “Ҳиндистон” асарида баён қилинича, золим ҳоким Канс (аслида Иблис фарзанди бўлиб чиқади — Р.И.) девларига буюриб ҳам Васудевани ўлдиртирмагач, унинг фавқулудда куч-қувватидан фойдаланишни, ўз паҳлавонлари қаторида шоҳга хизмат қилишини хоҳлайди.

Беруний Васудеванинг шу хизматдалик чоғида Геракл каби кўрсатган қаҳрамонликларини баён қилади. Васудева ёвуз Канснинг нилуфарини қўриқлаб ётган маст филни ўлдиради. Бу хабар Кансга етиши билан унинг юраги ёрилиб ўлади. Сўнг, юнон қаҳрамони Эдип каби ўзи ўлдирган подшоҳнинг ўрнида адолатли подшоҳлик қилади. У Пандавлар (яъни, Панду авлодлари)дан беш биродар — Юдҳишпҳир, Аржун, Саҳдев, Бҳимсен ва Накулгага ҳомийлик қилиб, уларнинг бениҳоя қудратли душманларини енгишга ёрдам беради<sup>2</sup>.

Бадий-фантастик ва фалсафий, саргузашт руҳидаги бу дostonда ҳам худди “Авесто”даги каби яхшилик кучлари билан ёвузлик кучлари қаттиқ курашга киришадилар. Ҳар икки тарафдан жуда кўп халқ ўлиб кетади.

Беруний “Ҳиндистон” асарида Бҳарат авлодларининг ўзаро қирғин урушлари қайгули оқибатларга олиб келганлигини кўрсатади. Беруний талқинича, покдомон зохид-руҳонийни масҳара қилиш ёки бир оғиз ёлгон сўз оқибатида жуда катта фожеа-

<sup>1</sup> Жанглар қиссаси (Маҳобҳорат). — Т., “Юлдузча”, 1988, 34-бет.

<sup>2</sup> Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар. II том. 302-бет.

лар келиб чиқади. “Ўша замонда, — деб ёзади Беруний, — Дурваса деб аталган фаришга зоҳид бор эди. Васудеванинг биродарлари ва унинг фитна кўтаришга қасд қилган қабиласи бор эди. Уларнинг бири кийими остига темир товани беркитиб туриб, зоҳидни масҳара қилиб: “Қани, қурсоғимда нима бор, топинг-чи?” — деб сўраганида зоҳид “Қурсоғингда ўзинг ҳамда барча аҳллариң ўлимига сабаб бўладиган нарса бор”, деб жавоб берган”.

Бу сўзни Васудева (Кришна) эшитиб, гамгин бўлади, чунки у зоҳид нима деса, айтгани тўғри келишини билар эди. Сўнгра Васудева ўша темир товани эговлаб, майдалаб сувга ташлашни буюради. Буни бажарган киши темир тованинг озгина парчаси қолганида, менсимасдан, дарёга ўша ҳолича ташлаб юборади. Уни бир балиқ ютади. Балиқчи балиқни овлаб, уни тутиб олади ва темирдан ўқининг учига тиг ясайди. (У ўқни овчига беради.) Овчи дарахт соясида уқлаб ётган жонзот кийик деб ўйлаб, отади. Ўқнинг тиги Васудеванинг товонига тегади ва у шу яраси туфайли қувватидан айрилади.

Ҳайратланарлиси шундаки, “Маҳобҳорат” достонида бадий-фантастик воқеалар қаҳрамонларнинг мўъжизавий хислатларини намоён этса ҳам, бу қудратли қаҳрамонлар ёки уларнинг хизматкорлари йўл қўйган хато туфайли ожизланиб, ҳалокатга учраши реалистик мантиқ асосида тасвирланади.

Ислом динида биринчи инсон (Одам Ато)га фаришталарнинг сажда қилиши ҳам одамнинг билимлари туфайлидир. Демак, исломда ҳам, ҳиндларнинг диний қарашларида ҳам ҳар қандай, оддий билимлар эмас, балки илоҳий, руҳоний билимлар юксак қадрланади.

Ҳиндларнинг диний эътиқодларида бу ғояга зид равишда, худодан бошқа, турли ҳайвонларга, ҳатто насл қолдириш сабабчиси бўлган инсон олатига сажда қилишларини Беруний аниқ-равшан қоралаб, хурофот натижалари деб ҳисоблайди. “Насронийлар ота, ўғил ва пок руҳ” деб уч аёлни бир-биридан ажратиб, жавҳарлари битта деганларидек, ҳиндлар ҳам хаюлоларни (руҳлар, тасаввур, хаёлларни — Р.И.) Бароҳим, Норян ва Маҳодева деб, бир-бирдан фарқ қилиб, манбаларини битта дейдилар. Ҳиндларнинг сўзлари текширилиб, натижа чиқарилганида аниқлангани ана шудир. Аммо бу ҳақдаги хабар ва ривоятларда хурофот кўп. (Шунинг учун) ҳиндларнинг биз фаришталар деб айтган Дева табақаси ҳақидаги сўзларидан ва ҳеч бир ақлга сиғмайдиган сифатларни у табақага лойиқ кўришларидан таажжуб қилмаймиз. Исломнинг калом олимлари ундай сифатларнинг фаришталарга берилишини ман этганлар...”

Абу Райҳон Берунийнинг бу фикрларини келтиришимиздан мақсад, буюк ватандошимиз қадимий халқларнинг диний эътиқодларига хос фантастик тасаввурларни бадий санъатларга хос, кўчма маънодаги рамз ва ишоратлар деб эътироф қилишини кўрсатишдир.

Ҳинд эпослари “Маҳобҳорат” ва “Рамайна” достонларида қудратли самовий кучлар — бадий-фантастик тасвирларда ифодасини топган. Асарда турли қиёфаларда кўринувчи, “минг кўзли” Индр, “Худолар ичида енгилмас”, уч кўзли, қудратли Шива Ҳимолай тоғларининг осмонўпар чўққиларида яшайдилар. Пандавлар қиморда бутун салтанатни Кауравларга ютказиб, ўн тўрт йил ўрмонда ёввойи мевалар билан тирикчилик қилиш учун сургунга юборилдилар. Эпоснинг мазмунига кўра, Бҳарат авлодларининг икки гуруҳ шаҳзодалари соққа ташлаб, қимор ўйнашига дев ва иблис Кали айбдор. Иблис Кали бировга зарар етказмоқчи бўлса, унинг руҳига кириб олиб, қимор ўйинига мойиллик уфотади. Кўнглига, руҳига иблис кириб олгач, доно одамда ҳам қимор ўйнашга иштиёқ пайдо бўлади ва у қимор ўйнай бошлайди. Ҳалол ақлий ва жисмоний меҳнат билан мол-давлат топиш ўрнига меҳнатсиз, қимор ўйнаб, бойишга бўлган интилиш ислом таълимотида ҳам иблиснинг иши ҳисобланади. Ҳиндларнинг кўп худоларга сиғиниши буюк эпослардан маълум. Ҳинд худоларидан Шива билан Индр тасвири хаёлий, фантастик бўёқларга бой.

Юнон мифологиясида кўпчилик маъбудалар олий маъбуд Зевсга бўйсунганидек, ҳиндларнинг диний эътиқодига кўра, барча маъбудалар Индр, Шива, Кришнага бўйсундилар. “Маҳобҳорат” достонида Индр кўйидаги фантастик хислатларга эга: Ҳимолай тоғларида, чўққиларнинг чўққисида “худолар” маскани бор. Улардан бири — улуг Индр, у жанг худоси ва “худолар”нинг подшоҳи. Мингта кўзи бор. Индр ҳамма нарсани кўради-ю, бироқ ўзи ҳеч кимга кўринмайди (истаган вақтида одамларга кўриниши мумкин — Р.И.). Унинг қўлида (ҳеч ким бас келмайдиган) махфий, мўъжизали қурол бор.

“Маҳобҳорат” эпосининг мураккаб сюжетига кўра, Бҳарат авлодлари тожу тахт учун ўзаро қизгин уруш бошласа, ана шу мўъжизали қурол жуда керак бўлади, деб

Пандавларнинг етакчиси Юдхитгхир укаларидан энг жасури ва кучлиси Аржунни шу мўъжизавий қуролни топиб келишга юборади. Уни излаш жараёнида баҳодир Аржун аввал Индрга, сўнг Шивага учрайди. Асарда Шиванинг қуйидаги фантастик хислатлари тасвирланган: “Худолар ичида энгилмас, уч кўзли, қудратли Шива... учинчи кўзининг ўти билан худолар ҳамда одамларни ёндириб кул қилиши мумкин. Аржун ўрмонда ов қилаётганида биринчи марта унга фантастик овчи (олгин юзли овчи) қиёфасида кўринади. “Маҳобҳорат”га кўра, ҳиндларнинг ахлоқ-одобда худоларга қарши жанг қилиб, худони ўлдираман, деб дўқ-пўписа қилиб, унга ўқ отиш “мақтовли” хислат ҳисобланади. “У (Аржун) тоғлик овчи (шу қиёфадаги Шива)нинг кўксига мингтача ўқ узди, бироқ, у қимир этмади”. Аржун сеҳрли овчини (Шивани) сеҳрли камонидан ўқ узиб, ўлдиролмагач, уни қилич ва мушт билан, дарахт ва қоятошлар билан урди, бироқ “тоғликни” енга олмади. Шунда тоғлик (Шива) ўзи курашга тушиб, бир зумда баҳодир Аржунни майсадай гижимлаб ташлади. Аржун ўзига келиб қараса, тоғлик одамнинг пешонасида учинчи кўзи ҳам чақнарди. Шунда у (баҳодир Аржун) бўйсуниб лозимлигини англади. У рақиб қаршисида эгилиб, таъзим қилди:

— Мени кечир. Сен уч кўзли худо эканингни ҳозир пайқадим. Мен шафқатингга муҳтожман. Ҳар ишга қодир Шива, мендан марҳаматингни аяма.

Шунда Шива баҳодир Аржуннинг жасурлигини мақтаб, тилагингни айт дегач, у мўъжизали қуролни сўрайди. Шива унга қуролни бераётиб, уни огоҳлантиради: “Ҳаддан ташқари эҳтиёж туғилмагунча буни ишлатмагин. Одамлар бу ҳақда ҳеч нарса билмаслиқларини ёдиндан чиқарма. Агар бундан эҳтиётсизлик билан фойдалансанг, у бутун оламини ёндириб юбориши мумкин...”

Бу сўзларга кўра, ҳинд донишмандлари тўрт минг йил аввал ҳам атом ёки водород бомбаси каби даҳшатли қурол борлигини тафаккур қудрати билан англаб етганлар. Бу — қудратли лазер нуруларидан фойдаланувчи қуролнинг эскизи сифатида ҳам баҳоланиши мумкин.

Шива баҳодир Аржунга мўъжизавий қуролни бергач, ўзи ғойиб бўлаётганида осмон нурга тўлади, сўнг юлдузлар порлаб, бошқа худолар — ўлим “худоси” донишманд Ям, сўнг Еру осмондаги сувлар, уммонлар ҳукмдори Варун, сўнг ерости бойликларининг эгаси Кубер баҳодир Аржунга фантастик совғалар берадилар. Ўлим худоси баҳодир Аржунга душманларни, Ер юзида ноҳақлик қилувчиларни жазолаш қудратини беради. Уммонлар “худоси” Варун унга сеҳрли қармоқ беради. Нияти бузуқ кимсалар бу қармоққа тез илинади. Кубер уни кийганида кўринмас қилиб кўювчи маъдандан ясалган совут-зирҳли кийим совға қилади. Буюк инглиз фантаст адиби Герберт Уэллс “Кўринмас одам” асарини ёзишда, ўзбек фантаст адиби Тоҳир Малик “Ҳикмат афандининг ўлими” (1972) асарини ёзишида “Маҳобҳорат” эпосидаги фантастик ўринлар, Аржунга Кубер тақдим этган — кийганда кўринмас қилиб кўювчи маъдандан ясалган совут-зирҳли кийим туртки берган, илҳомлантирган бўлса, ажаб эмас.

Шундан сўнг, Еру кўкни ларзага келтирувчи гулдурос овоз билан Индрнинг элчиси жанг аравада келиб, Аржунни осмонга олиб чиқиб кетади. Аржун осмонда беш йил қолиб кетади, мўъжизавий қуролни қандай ишлатишни худодан ўрганади.

Биз бу фантастик ўринларга мурожаат қилишимиздан мақсад, Шарқ адабиётида бадий-фантастика жуда қадим замонлардан буён мавжудлигини, айни бир вақтнинг ўзида фантастик тасвирлар ижтимоий-фалсафий, сиёсий-маънавий вазифаларни бажарганлигини эътироф этишдир.

“Маҳобҳорат” эпоси таркибига кирган “Нал ва Дамаянтий” афсонаси, қудратли ва донишманд маймун Ҳануман ривояти, тошқин ва донишманд Ману (ислом мифологиясида — Нуҳ пайғамбар) ривоятини ҳам бадий фантастиканинг энг гўзал намуналаридан бири деб ҳисоблаш жоиздир.



# Тарихий орзу-умидлар даври

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари.

Масъул муҳаррир — проф. А.Саидов, Т., 2002 йил.

**К**ейинги ўн-ўн беш йил ичида Европа катта ўзгаришларни бошдан кечирди. Дунёнинг иккига ажралиб, қарама-қарши туриши тугади. Файритабий тарзда иккига бўлиб ташланган цивилизация маконларидан бири бўлган Германия яна бирлашди. Машъум Берлин деворининг қулатилиши дунё сиёсатгоҳида янги давр бошланганлигидан дарак берди.

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг 1990 йил 21 ноябрда Парижда ўтган саммити янги Европа учун Париж хартияси деб аталган юксак эътиборли ҳужжатни қабул қилди. Унда демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври кирганлигини қутлади. Европада ХУИ асрдан бошланган илмий, фалсафий, иқтисодий, социологик тафаккур кучайгандан кучайиб, XIX-XX асрларга келиб, тараққиётнинг чўққисига кўтарилди. Инсон, жамият, табиат ривожланишининг беҳад қимматли универсал қонуниятлари кашф этилди.

Дунёни билиш, англаш ва тушунишда диний эътиқодлар бари фикр равақининг гултожи сифатида Шарқда юзага чиқди. Европа эса Миср, Ассирия, Юнон, Шом, Байтулмуқаддас, Эрон, Ҳинд, Чин, Рим, Арабда вужудга келган эътиқодларнинг олтину жавоҳирларини тўлалигича ўз юрагига, қонига, вужудига сингдириб, ўтган асрларда мислсиз таҳлил-тадқиқ тегирмонларини ишга солиб, оқибат дунёда тафаккур ҳамда прагматик социологиянинг тан олинган марказига айланди. Унга пайравлик қилиб океан ортида ҳам бошқа бир қудратли фикр ва ирфон ўчоғи қад ростлади. У Европа тафаккурида прагматизм ва демократизмни янада кучайтирди. Европанинг эски томир йўллари янги шиддаткор қон қуйилди. Шулар билан бир

пайтда оламга чиққан либерализм ижтимоий, иқтисодий ҳаётнинг янгидан-янги марраларини бирин-сирин иш-ғол қилди, кучли мавқе қозонди. Либерализм инсон ҳаётининг янги ҳаракатчан кучларини очди. У Европада тадбиркорлик ва бизнес йўлидан барча ва ҳар қандай тўсиқларни улоқтириб ташлашни ўргатди. Эркинлик бўлмаган ерда тадбиркорлик ривожланмаслиги кундай равшан бўлди. Фикр ва тадбиркорлик эркинлиги Европада чинакам мўъжизалар кўрсатди. Йўл қидирувчи башоратга ёр бўлади.

Европа тафаккури башоратлари ҳаммамизнинг эсимизда:

“Ер юзида коммунизм шарпаси кезиб юрибди”.

Башорат башоратлигини қилди. Шарпа ҳам ҳақиқатан Европа ошиб дунёни хўп беармон кезди. У билан эгачидай бўлиб фашизм қутургандан қутурди. Эътиқотсизлик авжи фалакка минди. Гегемонизм икки қаҳрли система ўртасида Еленага отилган олмадай талаш бўлиб, ниҳоят, XXI асрда бир мамлакат ихтиёрига ўтди. Мутаассиблик, қашшоқлик, миллий зулм, очлик заминиде терроризм балоси бош кўтарди, дунёга алғов-далғов солди. Шу алғов-далғовлар ичида БМТ 1949 йилда “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси”ни оламга берди. Декларация шу пайтгача бўлган инсон тажрибаларини бир ҳуқуқий заминга келтирди. Лекин декларация кучга киргандан кейинги даврларда ҳам алғов-далғовлар, бўлиниш, ажралиш, қарши туришлар каймади ва тўхтамади. Ҳар қандай ғоянинг ҳаётга кириши учун одам шу ғоялар даражасига кўтарилиши зарурлиги декларациядан кейин янада равшан бўлди.

Олтин қуюлиб қолибга кираётганда ўзгача яраклайди. Декларация олтиннинг шундай қуюлиб келаётган ноёб дамларини акс эттирди. Лекин кейинги икки аср ва ундан сўнги ярим аср алғов-далғов нима бўлмасин, қандай бўлмасин, барибир демократия ва инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари ўзгармас, қиммати ҳеч қандай шароитда пасаймас кадриятлар эканлиги равшанлашди.

1975 йилги Хелсинки Яқунловчи ҳужжати, инсонийлик мезонлари бўйича 1990 йилги Копенгаген ҳужжатидан кейин Янги Европа учун Париж хартиясининг (1990 йил 21 ноябр): "Биз ЕХХҚ да иштирок этувчи давлатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари Парижда чуқур ўзгаришлар ва тарихий орзу-умидлар даврида тўпландик. Европанинг қарама-қарши туриш ва парчаланиш даври тугади. Биз бундан кейинги муносабатларимиз ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка асосланишини баён қиламиз. Европа ўтмиш меросидан халос бўлмоқда", деган сўзлар билан бошланишида том маънода янги замон башорати садо берди.

1990 йилнинг кеч қузидида қоғозга тушган бу сўзларда қанчалар маъно бор ва қанчалар реал башорат мужассам! Улар 1975 йилда Хелсинки Яқунловчи ҳужжат имзолангандан сўнг, 15 йил ўтиб, ўз ифодасини топди. Сўнг бор-йўғи бир йил ўтар-ўтмас, чор империясининг меросхўри қизил салтанатнинг чакмони чок-чокидан сўкилиб кетди ва унинг ичида бўғилиб, ҳаво етмай сарғайиб ётган асоратдаги халқлар миллий озодликка чиқдилар. Ўзбекистон ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эришди ва ўзини демократик, суверен республика деб эълон қилди. Шундан яна кўп ўтмай Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Хелсинкида 1975 йилги ЕХХТ Яқунловчи ҳужжати (1992 йил 26 феврал) ҳамда Янги Европа учун Париж хартиясига (27 октябр) имзо чекди. Бундан сал илгарироқ Ўзбекистон Прага учрашувида ЕХХТга аъзо бўлиб кирди (1992 йил 30 январ). Ислом Каримов Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилганлиги, Европа кадриятларини эътироф этганлигини билдирди.

Европа кадриятлари нима?

У аввало инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, фуқаролик жамияти ва демократик ҳаёт йўналишларидир. ЕХХҚ (1992 йилдан у Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти — ЕХХТ деб атала бошлади) аъзоси

бўлган давлатлар мана шу (уларни кенг тарзда тушунган ва қамраган ҳолда) масалалар юзасидан ўз зиммаларига залворли мажбуриятлар олдилар. Бу мажбуриятларни ҳаётга тўлиқ тадбиқ этишга, жамият ва инсон ҳаётини уларга риоя қилган ҳолда қуришга киришдилар. Бугун Ўзбекистон ЕХХТ учрашувларида, Европарламент фаолиятида фаол иштирок этмоқда.

Париж хартиясида тилга олинган орзу-умидлар қоғозда қолиб кетгани йўқ. Улар қадам-бақадам ҳаёт, сиёсат, ижтимоёт, иқтисодиёт реалликларига айлана бормоқда. Европа бугун инсонийлик, фаровон ҳаёт билан боғлиқ барча мезонлар ва муаммоларни қўймоқда ва уларнинг муваффақиятли ечимларини топмоқда. Хелсинки Яқунловчи ҳужжати имзолангандан сўнг ўтган йиллар ичида Мадридда (1983 йил 6 сентябр), Венада (1989 йил 19 январ), Копенгагенда (1990 йил 29 июн), Парижда (1990 йил 21 ноябр), Женевада (1991 йил 19 июл), Москвада (1991 йил 3 октябр), Хелсинки, Рим, Будапешт, Лиссабон ва ниҳоят 1999 йил 19 ноябрда Истамбулда олий даражадаги учрашувлар ўтказди. Уларда хавфсизлик, ҳамкорлик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кенг қамровда кўриб чиқилди. Ҳар бир олий даражадаги учрашувда масалаларнинг меъёрлари ҳамда йўналишлари белгиланиб, зарур ҳужжатлар қабул қилинди. Улар Умумжаҳон декларацияси ҳамда Хелсинки Яқунловчи ҳужжатида илгари сурилган ғоялар, қарашлар ҳамда йўл-йўриқларни тўлдирди, кенгайтирди, янги ғоялар, нуқтаи назарлар билан бойитади. ЕХХТ учрашувлари ҳужжатларининг марказида инсонийлик мезонлари туради, ҳужжатларда мезонлар ҳар бир банд, бўлимларнинг маъзига сингдирилган.

Ўзбекистонга инсонийлик мезонлари деган муҳим, серқамров тушунча ЕХХТ ҳужжатларида кўтарилган ғоялар билан бирга кириб келди. Зотан бу замон Ўзбекистоннинг турли янги тушунчалар билан бойиш ва уларни ижодий ўзлаштириш замони.

Ўзбекистон ЕХХТга аъзо бўлиб, унинг ҳужжатларини ҳам чоп этиш, тарқатиш, аҳоли ўртасида ёйиш мажбуриятини олди.

Шунга кўра Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон республикаси Миллий маркази ЕХХТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг қўллаб-қувватлаши остида ЕХХТнинг инсонийлик мезон-

лари бўйича ҳужжатлари мажмуасини илк маротаба ўзбек тилида нашр этди. Олий Мажлиснинг бир қатор кўмиталари ва комиссия ушбу мажмуани нашрга тавсия қилди. Мажмуага ЕХХТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси директори элчи Жерард Штудман кириш сўзи, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов эса сўзбоши ёзган.

Инсонийлик мезонлари тушунчаси нимани англатади?

Бу ҳақда профессор Акмал Саидов сўзбошида шундай деган: "Инсонийлик мезонлари атамаси иштирок этувчи давлатларнинг ўз зиммаларига олган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш, қонун устуворлигига риоя этиш, демократия принциплари қарор топишига кўмаклашиш ва шу билан боғлиқ ҳолда демократик институтларни барпо қилиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш, шунингдек, бутун ЕХХТ минтақасида сабр-тоқат муҳитини яратиш мажбуриятларини англатади". Ҳужжатлар инсонийлик мезонларига бевосита ва билвосита даҳлдор бўлган суверен тенглик, суверенитет ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солишга йўл қўймаслик, миллий чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинчлик воситасида ечиш, ички ишларга арашмаслик, халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ихтиёрини ҳурматлаш, давлатлар ўртасида ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликлар каби масалаларни қамраб олади, уларнинг халқаро муносабатлардаги аниқ-равшан меъёрларини белгилайди. Буларнинг бари халқлар ўртасида тинчлик, хавфсизликни мустаҳкамлаш, ўзаро тушуниш, англашга ёрдамлашиш, ирқи, жинси, тили, динидан қатъи назар, инсоннинг ахлоқий-маънавий бойишига хизмат қилади.

ЕХХТ ҳужжатларида қарашлар инсон шахсининг ўта ноёблигидан келиб чиқади. Бунда ҳар бир сўзда инсонга

буюк ва ўзгармас ҳурмат-эътибор ифодаланган. Бу жиҳатдан яна бир қарра Париж хартиясининг қуйидаги сўзларига қулоқ тутайлик:

"Демократиянинг асосан инсон шахсига бўлган ҳурмат ва қонун устуворлиги ташкил этади. Демократия ўз фикрини изҳор этиш эркинлиги, жамиятдаги барча гуруҳларга нисбатан сабр-тоқат қилиш ва ҳар бир инсон учун имкониятлар тенглигининг энг яхши кафолати ҳисобланади... Ҳеч ким қонундан устун турмаслиги керак".

Шу билан бирга ЕХХТ ҳужжатлари тинчлик, хавфсизлик, инсонлар, халқлар ҳамкорлигига хуружлар, тажовузлар камаймаганлиги, давом этаётганлигини ҳам тан олади, уларни барта-раф этиш йўлида саъйи ҳаракатларни кучайтириб боришни кўзда тутди. Лиссабон декларациясида бу бо-рада қатъий азму қарор ифодаланади: "Бу йўлда биз фақат гоъларга эмас, балки амалий натижаларга ҳам таяна-миз". Ҳужжатлар инсонийлик мезонлари учун курашга кираркан, бунда доим ёрқин, рад этиб бўлмас ман-тиққа суянади. Тез-тез такрорланиб турадиган бир ҳол: айрим давлатларнинг сиёсатдонлари ўз давлатлари манфаатларинигина кўзлаб, ҳимоя қилиб, бошқа кичикроқ давлатларнинг манфаатларини унутиб, ҳисобга олмай қўядилар. Бу адолатсизлик ва тенгсизликларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистонликлар ҳужжатлардаги тавсияларни эътиборга оладилар, улар устида тинимсиз фикрлайдилар, деб умид билдирамыз.

Олимжон Назаров ва Низомиддин Нурматов табдилидаги ЕХХТ ҳужжатларида баён қилинган инсонийлик мезонлари нақадар ранг-баранг ва нақадар мазмундор, ўта бой тушунчалар эканлигини ўқамиз. Улар ҳаммамиз учун энг олий ҳаётий, инсоний муносабатларнинг тавсияларидир. Бу мезонларни XXI асрда амалга оширмай туриб, зиёли, одил, одамга муносиб ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон шу оламшумул мезонлар ичи-га кираётгани, маъзани ўз баданига сингдираётгани — яқин келажақда уни нақадар замонавий, етук илғор мамлакатга айлантиражак.

Иброҳим ҒАФУРОВ



К.ВИСЬНЕВСКА-РОШКОВСКА

## Олтмишдан кейинги умр

### ДЕБОЧА

**Х**ар бир одамнинг ҳаёти турли босқичлардан иборат бўлади ва кўп маротаба “янгидан бошланади”. Лекин инсон ўз ҳаётининг маълум босқичини қайсидир сабабларга кўра энг бахтли давр деб ҳисоблайди. Баъзилар бегубор болалик даврларини, бошқалари қизгин, музаффар ёшликларини шундай деб биладилар. Яна бошқалар эса камолот даврини, эр-хотинлик ва ота-оналик муҳаббатини устун кўядилар. Лекин, эҳтимол, ҳеч ким ҳатто рисоладагидек ўтган кексалик даври ҳақида мақтаниб гапира олмас.

Соғлом, рисоладагидек одам атроф-муҳитга, у ёки бу фаолиятга қизиқиш билан қарайди. Инсондаги бундай истакнинг сўниши унинг ҳаёт мароми ва услубининг бузилганини кўрсатади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунда руҳиятдаги туғма камчиликлар ўзини намоён этиши мумкин. Лекин бундай ҳолатларда кўпинча чекиш, ичиш сингари зарарли одатлар, оиладаги айрим салбий тарбия қусурлари, нотўғри овқатланиш, шахсий гигиенага риоя қилмаслик сингарилар таъсир этади. Мазкур омиллар туфайли фақат инсон танасигина жабрланиб қолмасдан, унинг ақли ва юраги ҳам жароҳатланади. Бу ҳаётий куч-қувватнинг зайфлашуви, меҳнатта ишгиёқ ва ингилишнинг намоёйишида кўринади.

Шу нарсани эътиборда тутиш керакки, ҳозирги замонда халқ ҳўжалигининг жуда кўп соҳалари механизациялангтирилган, талайгина қисми конвейерлашгтирилган. Бу эса инсонни зериктиради ва толиқтиради. Бундай фаолият инсоннинг мускулларини етарли даражадаги юк билан таъминлай олмайди (бу эса ижобий омил эмас), лекин зерикарлилиги ва бир хиллиги туфайли уни чарчатади.

Фақат ишнинг хусусиятигина эмас, ўз касбига қизиқиш, унга бутун қувватини бағишлаш ҳам инсоннинг нафақага муносабатига таъсир этади. Иш одамнинг моддий эҳтиёжларини ва иззат-нафсини қондирса ҳам сеvimли бўла олади.

Инсон нима ҳам қила оларди... Дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Сув ҳам оқа-оқа ахири бир жойга бориб тўхтайди. Болалик тугайди, ўқиш йиллари ўтиб кетади, кечаги болалар эндиликда мустақил ҳаётга қадам ташлашади, эгаллаган мансаб ҳам бир кун келиб завол топади. Шунини ҳам айтиш керакки, юқори мансабларнинг “латофати” эвазига кўпинча соғлиққа путур етади, руҳий зарбага дуч келади.

Лекин ҳамма жойда ҳам кексаликка бундай муносабатда бўлинмайди. Осиё маданиятида кексаларга доим ҳурмат билан қараб келинган. Бу жойларда биринчи навбатда юздаги ажинлар ва тананинг қариши эмас, ҳаётий тажриба ва донолик эътиборга олинган, қадрланган. Масалан, Хитойда эллик ёшга кирганлигини нишонлаш бахтли кунлардан ҳисобланади: ўша одам кекса кишиларнинг имгёзли тоифасига ўтади. Кексалик аюматларини эслатиш ўша одамга нисбатан билдирилган энг катта ҳурмат ва эътироф саналади. Бу ҳолат бизнинг европаликларга жуда ғалати эшитилади... Айниқса, ташқи қиёфалари-

нинг ёмонлашгани тўғрисида кўпроқ шикоят қилишади. Айрим типик мулоҳазаларни келтирамиз.

“Кексалик — шунчалик ёқимсиз ва даҳшатли нарсаки, баъзан кундуз кунлари одамлар орасида пайдо бўлишдан уяласан... Юздаги ажинлар, осилиб тушган тери, башара ва қўллардаги доғлар...”

“Кексалик — бу бўшлиқ, зерикиш, мингирлаш, касаллик, ҳар бир ишда куч-қувватнинг етишмаслиги, ўзинг учун ҳам, ўзгалар учун ҳам азоб...”

“Кексалик — бу барча соҳадаги бадбашаралик. Шунинг учун айти куч-қувватга тўлган вақтингда ўлиб кетган афзал. Токи одамлар хотирасида сени инсон деб аташ қийин бўлган ҳолатда қолмагин”.

Лекин мазкур муаммонинг бошқа томонлари ҳам бор. Катта ёшдаги одамлар томонидан билдирилган мулоҳазалар шунини кўрсатадики, улар кўпинча кексаликка ёш одамнинг нуқтаи назари билан, аксарият ҳолларда гўзаллик ва шаҳвоний ҳис бўйича муносабатда бўладилар. Шу боисдан кексалик уларга ниҳоятда даҳшатли туюлади. Аёллар кўпроқ гўзалликларидан, кишилар эса эркаклик хусусиятларидан маҳрум бўлганликлари туфайли ўкинадилар.

Агар ақлий қобилият ва бошқа хил жозибали инсоний фазилятлар шаҳвоний ҳисдан юқори баҳоланганда кексаликка муносабат анча ўзгарган, у камроқ изтироб ва ташвишларга сабабчи бўларди.

Кексаликда ҳам инсон бахтли бўлиши мумкинми? Мумкингина эмас, бахтли бўлиши зарур. Одатда одамлар ўз ҳаётларини уч даврга бўлишади: биринчиси — болалик ва ёшлик, иккинчиси етуклик ёки ўрта ёшлик даври, учинчиси — нафақага чиққандан кейинги давр. Бу даврларнинг ҳар бирида ўзига хос ғам-ташвишлар, қувонч ва изтироблар бор, демакки, бахт туйғуси инсон ҳаётининг барча даврига хос. Кексалик давридаги бахт ва ҳаётдан мамнунликнинг манбаи турфа хил бўлиши мумкин, бу тўғрисида ушбу китобнинг кейинги бобларида фикр юритамиз.

## КЕКСАЙИШ БИОЛОГИК ҲОДИСА

Одам нега қарийди? Инсон не сабабдан ўзини ўлимга олиб борадиган жараёнга қўникишга мажбур? Бундай саволлар ёшлар учун ғалати туюлади, зеро, камдан-кам ёшларгина кексалик ва ўлим тушунчалари тўғрисида мулоҳаза юритадилар. Шу боисдан масалани бироз бошқачароқ жиҳатда қўямиз.

Бу ёруғ оламда умумий қонунга бўйсунмайдиган, қаримайдиган, мангу нарсанинг ўзи борми?

Маълумки, бирорта организм мангу яшамайди. Ҳар бир хужайра маълум муддат яшайди ва фаолият кўрсатади. Шундан кейин ё бўлиниб кетади, ё бўлмаса бошқача бўлиб туғилади. Бўлинганда икки янги хужайра пайдо бўлади.

Бундай тушунтириш масалани ниҳоятда жўнлаштиришдир, лекин бунда инсон нега қарийди ва ўлади деган саволга жавоб беришга интилиш бор. Биологларнинг уқтиришларига қараганда, бу ҳолат инсон организмнинг юқори даражада ривожланганлигининг натижасидир. Бошқа ривожланган организмларнинг ҳам қисмати шундай. Инсон эволюцион тараққиётнинг юқори босқичида туради ва унинг организмда бўлиниш хусусиятига эга бўлмаган жуда кўп хужайралар мавжуд. Масалан, инсон ҳаётининг дастлабки йилларидан кейин мия ва асаб тизимида янги хужайралар пайдо бўлмайди, шу боис мавжуд хужайралар бутун умрга етмоғи керак. Миядаги хужайралар сони тобора камайиб боради, чунки баъзилари ўлади, уларнинг ўрнига эса янгилари пайдо бўлмайди. Бу нарса скелет ва юрак мушакларига ҳам хосдир. Ҳаёт учун ғоят зарур органлар, масалан, жигар ҳали жуда кичкиналигидаёқ хужайраларнинг бўлиниш хусусиятига эга, лекин инсон улғайган сари бу қобилият тобора сусайиб боради.

Ҳаёт учун ноқулай шароитлар, инсон организмга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган турли ҳолатлар одамнинг тез қаришига, хужайраларнинг одатдагидан тезроқ емирилишига олиб келади. Одамнинг қариши физиологикдан кўра патологик характерга эга, чунки у кўпинча одатдагидан кўра эртароқ бошланади. Кўпчилик кексаликдан эмас, касалликдан вафот этади.



Барибир шундай савол туғилади: агар инсоният касалликлардан қутулса, унга энг яхши шароитлар яратиб берилса, одам қанча яшаркин?

Инсон ҳаётининг кўпгина тадқиқотчилари одам мияси ва юрагида нотўғри ва ногигиеник ҳаёт тарзи кечирилмаса 150 йил ва ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида хизмат қилиши мумкин деб ҳисоблайдилар. “Узоқ яшаш марказлари”да ўтказилган тадқиқотлар жуда кўп одамлар анча кексайғунларигача соғлом ва иш қобилиятларини сақлаган ҳолда яшашларини кўрсатди. Улар юз ёшдан ўтиб, кўпинча 120 ва ундан ортиқ ёшга етадилар. Шуни эътироф этиш лозимки, бундай одамларнинг ҳаёт кечириш тарзи ва овқатланишлари бошқаларникидан кескин фарқ қилади. Эҳтимол, айна мана шу тафовут одам организмининг имкониятларидан юқори деб ҳисобланаётган узоқ умр кўришга сабабчидир. Агар одам соғлиғи тўғрисида ўзи ғамхўрлик қилмаса, уни техниканинг юксалиши, нотўғри овқатланиш, зарарли одатлар, асабийлик ва бошқа кўплаб хатарлар таъқиб этаверади. Булар пировардида ўзининг қора ишини қилиб, одам ўрта ёшлигида, ҳатто ундан ҳам олдинроқ бирор сурункали касалликка чалинади, бу эса кексаликда оғир кўргиликка айланади. Тўғри, ҳозирги замон тиббиёти аксарият ҳолатларда одамларни ўлимдан сақлаб қолади. Лекин тиббиёт одамларнинг соғлиғини қайтариб беришга қодир эмас. Инсон ўз саломатлиғи тўғрисида бутун умр ўзи ғамхўрлик қилимоғи, курашмоғи лозим.

\* \* \*

Энди инсон қартайган сари унинг организмида содир бўладиган ўзгаришларни изоҳлашга ўғайлик. Юқориди инсон организмининг энг муҳим ҳужайралари тобора заволга йўл тутиб, аста-секин йўқолиб кетиши ҳақида гапирдик. Шунинг учун тўқималар қартайган сари ўз ҳужайраларини йўқота бошлайди, уларнинг ўрнига эса янгилари пайдо бўлмайди. Бу аввало юмшоқ органларнинг фаол тўқималари, юрак, мия, жигар, буйрақлардир. Ўз умрини тугатган фаол ҳужайралар ўрнида бирлаштирувчи тўқима пайдо бўлади, лекин у бажариши лозим бўлган вазифани бажара олмайди. Бутун орган энгиллашиб, кичрайиб, бужмайиб боради. Бундай ўзгаришлар барча органларда, шунингдек мускул ва суякларда рўй бергани туфайли, кекса одамнинг бутун организми кичрайиб ва бужмайиб боради. Мазкур ҳодисани кексалик бужмайиши дейилади. Бужмайиш гавданинг катта-кичиклигига ҳам боғлиқ. Озғин кексаларда бу жараён айниқса яққолроқ кўзга ташланади.

Маълумки, ҳар бир ҳужайра марказдаги ядро ва ҳаётий жараён учун энг керакли протоплазмалардан иборат. Инсон кексайган сайин ҳужайраларда ўзгариш рўй беради. Ҳаёт давомида тўқималардаги сув миқдори, ҳаётий жараёнларнинг фаоллиги анча камаяди. Кўплаб кексаларда олиб борилган текширишлар 25 ва 75 ёш ораллиғида асосий модда алмашуви 30 фоизга камаяр экан. Шу туфайли кекса одамларнинг организми уларнинг тўла ҳаётий фаолият кўрсатишлари учун имконият туғдириб беролмайди. Натижада моддаларнинг бир қисми чўқиндиларга айланади, бу эса тўқималарни ифлослантириб, уларнинг фаолиятини қийинлаштиради. Асосан холестерин, оҳак, қизғиш кексалик пигмент<sup>1</sup> лари ҳаракатта келади. Пигмент одам терисиди, хусусан қўлнинг тескари томони, елка ва кўкрагида ҳар хил катталиқдаги қизғиш доғлар ҳосил қилади.

Инсон организмидаги ўзгаришлар фақат ёшнинг улғайиши туфайлигина рўй бермайди, бу ҳаёт шароитининг узоқ вақт мобайнида ноқулай кечуви натижаси ҳамдир. Юқориди айтилганидек одамнинг кексайиши туфайли организм чарчаб, турли хасталиклар (бу ҳаммавақт ҳам очиқ кўриниб турмаслиги мумкин) пайдо бўлади, бу эса фаолиятни сусайтиради, қартайиш ва ўлимни тезлаштиради. Кўпинча сурункали касалликлар фоят яширин тарзда кечиши мумкин. Шу боис ёши улуг одам ўзини нисбатан яхши сезган ва уни ҳеч нарса безовта қилмаётгандай туюлса-да, буни ҳаммавақт физиологик кексайиш деб бўлмайди. Яширин хасталик аломатлари муайян шароитларда ўзини намоён этади.

<sup>1</sup> П и г м е н т -- организмда бадан, соч ва шу кабиларга ранг киритувчи табиий бўёқ моддаси.

Барча органлардаги фаол ҳужайралар камайган сари бу органлар фаолияти ҳам сусаяди. Бу жараён яширин кечади, кундалик ҳаётда одатда халақит бермайди, лекин зўриқиш, оғир юмушларни бажариш, асабийлашиш натижасида дарҳол юзага чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

Қартаяётган юрак тобора кичрайиб, бужмайиб боради. Бундан ташқари юракдан бутун орган ва тўқималарга кислород билан тўйдирилган қон оқиб борадиган артериялардаги қон айланиши кексалиқда анча сустлашади. Тўқималарнинг қон билан таъминланиши қанчалик яхши бўлса, у шунчалик яхши фаолият кўрсатади ва организмнинг қартайишига узоқроқ қаршилик кўрсатади. Қон айланишининг ёмонлашуви эса инсон органларининг тез қартайишига олиб келади.

Бутун танага қон оқиб борадиган йирик томирларнинг эластиклиги ёш ўтиши билан сусаяди ва кенгаяди, турли органларга қон етказиб берадиган ўрта ва кичик шохобчалар эса, аксинча, тобора торайиб боради. Ўз навбатида бутун тўқима ва органларни тўрдай ўрай бошлаган майда қон томирларининг қисқариши, ҳатто емирилиб кетишига олиб келади. Бу эса тўқималар қон айланишини ёмонлаштиради. Шу боисдан кўпгина кексаларнинг териси рангсиз ва совуқ бўлади, илиқ кунларда ҳам баданлари жунжикади. Қон айланишидаги бундай нуқсон ички органлар фаолиятида ҳам кузатилиши мумкин. Инсон кексайганда орган ва тўқималардан углекислота билан тўйинган қонни юракка элгувчи кўк томирлар кенгаяди. Тери остидаги томирларнинг кенгайиши аввало кафтларда, бўйинда ва чаккаларда айниқса сезилади. Томирларнинг кенгайиши оёқларда шишларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу ҳолат кўпинча кекса одамларни қийнайди.

Ўпкада ҳам нафас олиш ва қон айланишининг бузилиши мумкин. Ўпканинг кенгайиши ва шу туфайли ҳаракатнинг сусайиши тиббиётда ўпка эмфиземаси дейилади. Бу касаллик ўпканинг баъзи қисмларидагина пайдо бўлиши мумкин. Нафас йўллариининг хасталаниши натижасида ўпка тўқимаси фаолиятсизликка йўл туғиши эҳтимол. Ўпка вентиляцияси механизмнинг сусайиши натижасида кексалар ўпкасида чанглар йиғила бошлайди, йўталиш, тупириш, томоқни тозалаб олмоқ қийинлашади. Бу эса нафас йўллари ва ўпканинг доимо шамоллаб туришига мойилликни кучайтиради.

Кекса одамлардаги ўзгаришлар ўпка фаолиятини ёмонлаштиради ва организмнинг кислород билан таъминланишига салбий таъсир кўрсатади.

Буйрак фаолияти ундаги айрим фаол элементларнинг кексалиқда заифлашуви туфайли анча сусаяди. Гарчи кексаларнинг буйраклари ёшларникидек бўлмаса-да, организмни тозалаб туришдаги ўз фаолиятини қониқарли даражада бажариб туриши мумкин. Аммо унинг юки оғирлашган вақтда, масалан, одам қандайдир захарланиб қолганда буйрак фаолияти жиддий равишда бузилиши мумкин.

Ёшдаги ўзгаришлар ҳаракат органларидаги мускулларнинг бўшаши суяк ва бўғинларда сезила бошлайди. Баъзида бу белгиларни ўрта ёшли одамларда ҳам кузатиш мумкин. Бу сингари ўзгаришлар катта ёшли одамларда оғир кечади. Чунки улар нормал қариш аломати эмас.

Турли хил моддалар (гипофиз<sup>1</sup>), қалқонсимон, жинсий ва буйрак усти безлари ишлаб чиқарадиган ички секреция безлари бошқа органлар сингари қарийди, нормал кексайиш ҳодисаси рўй берганда эса бу жараён одатда унчалик ташвиш туғдирмайди. Бундан эҳтимол жинсий (тухум ва тухумдонлар) безлар мустаснодир. Чунки бу безлар кўпинча ўз фаолиятларини бошқа органларга қараганда эртароқ, баъзан эса қариллик бошланмасданоқ тутатадилар.

Шуни қайд этиш керакки, катта ёшдаги одамларда саломатлик билан сурункали касаллик ўртасидаги фарқ кўпинча унчалик сезиларли бўлмайди. Шунинг учун саломатликка инсон бутун ҳаёти мобайнида эътибор бермоғи, кексайганда эса сиҳатини мунтазам кузатиши ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтиб турмоғи зарур.

<sup>1</sup> Г и п о ф и з — мия остидаги, ўсишга таъсир кўрсатадиган ички секреция бези.

## КЕКСАЙИШ ПСИХОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

Мия олий асаб фаолиятининг органидир. У асаб тизими орқали инсон организми бошқаради. Ёш ўтиши билан бахтга қарши мианинг асаб тўқималари ҳам қартаяди. Бу жараённинг суратига (ҳар бир одамда ҳар хил) биноан психикадаги, қолаверса бутун асаб тизимидаги ўзгаришлар бошланади. Ўзгаришнинг даражасини врач-невропатолог аниқлаши мумкин. Кексалик нормал кечаётганда ўзгаришлар унчалик сезилмайди, ҳаётнинг умумий оқимига деярли таъсир этмайди. Психикада рўй берган ўзгаришларни эса психиатр ва психолог аниқлайди. Агар бу оғриқли шаклга ўтудай бўлса, даволаниш лозим.

Одамнинг ёши кексайганда унинг руҳияти ўзгаради, лекин бунинг сабаблари кўпгина омиллар билан боғлиқ. Миядаги ўзгаришлардан ташқари (хужайралар сонининг камайиши, склероз туфайли қон айланишининг ёмонлашуви) кексараётган одамларга жамоатчиликнинг таъсири ҳам катта бўлади. Руҳиятга таъсир этувчи бу ҳолат натижасида кекса одам ҳар бир туғилган кунини ташвишланиб ва изтиробда кута бошлайди, ҳар бир ажинидан уялади, “шу ёшда ноқулайдир” деб спорт билан шуғулланишни тўхтатади, ўзи ҳали фойда келтириши мумкин бўлган фаолиятни ҳам ташлаб қўяди. Инсон фаолият доирасини чеклаб қўйиб ўзининг жисмоний ва ақлий кексайишига олиб келади.

Кексайиб бораётган одамнинг изтироблари, ғамгинлиги, умидсизлиги кўпинча бунга етарли асослар бўлмаса-да, атрофдаги одамларнинг кексалик тўғрисидаги салбий фикрлари туфайли кучаяди. Инсон кўркув ва ғамгинликни юрагига қанчалик чуқурроқ олса, кексаликни шунчалик қийинчилик билан кутиб олади, унинг умри шунчалик қисқаради.

Катта ёшдаги одамлар руҳиятига унинг хотираси ва яшаб ўтилган умрнинг қимматли тажрибаси ҳам кучли таъсир кўрсатади. Ахир, кексайиб бораётган кўпгина одамлар ҳаёти, шунингдек, “нариги дунёга рихлат қилган”ларнинг йўл қўйган хатоларини кузатиш ва таҳлил қилиш мумкин. Ёшлиқда кўп ғамташвиш чекишга, мағлубият деб баҳолашга сабаб бўлган нарса кексайганда бутунлай бошқача, ҳатто яхшилик бўлиб туюлади. Ҳа, ҳақиқатан ҳаётгий муаммоларни тўғри баҳолаш учун жуда кўп йиллар керак бўларкан.

Кекса одамлар бу ҳаёт йўлини босиб ўтишган. Босиб ўтилган йўл эса одамга ҳаётгий донишмандлик, тажриба, дунёни билишни ато этади. Ҳаётгий хотираларнинг серҳосил боғидан кекса одам ўз яқинлари, айниқса, ёшлар учун қимматбаҳо ҳосил ўриши мумкин, ёшлар эса бу хазинадан фойдаланиб қолишлари даркор.

Афсуслар бўлсинки, кўпинча бу тажрибадан фойдаланмайдилар, бутгина эмас, уни инкор этадилар. Зеро, улар бу вақтда олам ёшларники, кексалар ҳеч кимга кераксиз, аҳамият қасб этмайди деган фикрда яшайдилар.

Лекин ҳаёт шуни кўрсатадики, ёшлар эс-хушларини таниб, оилали, болачақали бўлиб, ўзларини тутиб олгач, ўз сулолаларининг ўтмиши билан қизиқа бошлайдилар, бувалари, бувиларининг маслаҳатлари ва ҳикояларини эслашга тушадилар, ўз вақтида буларга кулоқ солмаганларига ўкинадилар.

Лекин ҳозир кекса одамнинг руҳияти масаласига қайтамыз. Биринчи навбатда кекса одамнинг ҳаётгий позицияси, руҳияти ва характерида пайдо бўладиган нисбатан хавфлироқ ўзгаришларга тўхталсак.

Инсон ҳаётида бош мия қобиғи катта роль ўйнаши ўз-ўзидан маълум. У қанчалик яхши ишласа инсон шунчалик самарали фаолият кўрсатади, турли вазиятларга мослаша олади, қийинчиликларни енгади, ўз фаолиятини бошқаради, ўз гап-сўзлари, ҳаракатларини назорат қилади. Бош мия қобиғидаги фаол хужайралар камайган сари унинг иши сусайиб боради. Шу маънода бир хил ёшдаги икки кекса одам ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиши мумкин.

Сўнги йилларда геронтологик тадқиқотларнинг кучайиши натижасида кексаларнинг ақлий ҳолатларига муносабат биров ўзгарди. Баъзи олимлар одамдаги ақлий қобилиятнинг ўсиши жуда эрта — 15 ва 25 ёшлар ўртасида тугайди деган фикрни илгари сурадилар. Гарчи ҳар хил шароитларда тўпланадиган таж-

риба ва билимларни кейинги ўн йилликларда ҳам олинавверса-да, инсон ақли маълум маънода тормозланади.

Бошқа олимлар эса инсон кексайганда ҳам ақли пасаймайди, балки ўзгаради, бошқачароқ бўлади, деган хулосага келганлар. Шу боис кексаларни ёшларнинг ақлий даражасини текширадиган тестлар билан синаб бўлмайди.

Инсон улғая ва кексая борган сари муомала санъати, ҳаётий масала ва муаммоларни ҳал қилиш йўллари, дипломатия, эҳтиёткорлик ва бошқаларга ўргана боради. Бу амалий донишмандлик одам кексайганда пасаймайди, аксинча, тажриба ошган сари ошиб боради, бошқача кўриниш касб этади. Тўғри, воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилияти ва янги юксакликларга интилиш ҳисси кўпинча сусаяди. Инсон дунёни, ҳаётни қандайдир узоқроқдан кузата бошлайди, ёшларнинг интилишлари, елиб-югуришларига бепарвороқ ва ҳафсаласизроқ муносабатда бўлади. Баъзида унда ҳатто содир бўлаётган нарсаларга бебақолик туйғуси пайдо бўлади, ҳаётнинг маъноси ва мақсади ҳақида ўйлашга, фалсафий умумлашмаларга қизиқиш кучаяди.

Кексаларнинг аксарияти, айниқса, эркаклар ўзларидаги шахвоний эҳтирос, имкониятнинг сўниб боришини оғир қабул қиладилар. Лекин бу, шубҳасиз, аламли ҳолатнинг ҳам қандайдир ижобий томони бор. Ахир, ёшликдаги шахвоний эҳтирос кўпинча қутилмаган мураккаблик ва фожеаларга сабабчи бўлади, иш фаолиятига салбий таъсир этади, ҳаёт ва унинг муаммоларига одилона баҳо беришдан чалғитади. Қанча-қанча ёшларнинг ҳаёти худди шу боисдан хароб бўлмайди дейсиз!

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, кекса одамларнинг ақли (агар у қариллик туфайли ақли заифликка учрамаган бўлса) ёшларникидан қолишмайди.

Лекин ақлий қобилият ҳам ёш улуғлашган сари заифлашиб бориши эҳтимолдан холи эмас. Зеро, ҳаммавақт ҳам бундай ҳол рўй беравермайди. Баъзида кекса одам ақлий қобилиятининг сусайиши ҳақидаги таассурот ёлғон бўлиб чиқиши мумкин.

Гарчи фикрлаш функциялари биров сусайса-да, касбий фаолият қобилияти узоқ вақтгача сақланиб қолмоғи мумкин. Ҳар бир ишда тажриба, кўникмалар муҳим ўрин тутаяди. Инсон буларнинг ёрдамида баъзи ишларни автоматик тарзда адо этади. Алоҳида эътибор ва тезкорлик билан қилинадиган ишларни ҳам кекса одам ўринлатиб адо этмоғи мумкин. Лекин у бунга ёшларга қараганда кўпроқ вақт сарфлайди. Кекса одамларга эҳтиёткорлик ва таваккал қилмаслик, чиранмаслик сингари сифатлар ёрдам беради. Шунинг учун ёши катта машина ҳайдовчилар ёшларга қараганда камроқ авария қиладилар. Табиийки, ёши катта одамлар салгина хато ҳам ёмон оқибатларга олиб борадиган, тез ҳаракат қилишни талаб этадиган хатолардан ўзларини тиймоқлари зарур.

Агар иш алоҳида таваккалчиликни талаб этмаса ва кекса одам шу ишнинг ҳадисини олган бўлса, у ўз вазифасини ҳатто ёшларга нисбатан яхшироқ бажариши мумкин. Чунки бу иш кекса одам учун, эҳтимол, ҳаётидаги энг сўнги қувончидир ва шу боис унга алоҳида муҳаббат ва эҳтирос билан ёндошар.

Энди кекса одамлар руҳияти, ҳаётий позицияси, муҳитга муносабати ўзгариб бораётган характери муаммоларининг ҳиссий томонларини кўриб ўтайлик. Бош мия қобиғи фаолиятининг сусайиши инсон феъл-атвори ва жўшқинлигида яшириниб ётган баъзи хусусиятларни юзага чиқаради.

Одамнинг ҳаётдаги ҳақиқий ўрни одатда ўзгаравермайди, лекин у маълум ёшга етгач, бўртиброқ кўрина бошлайди.

Биз юқорида кексайиш ҳолатининг ўзидан инсонда содир бўладиган ғамгинлик ва умидсизлик тўғрисида тўхталган эдик. Лекин кекса одамлардаги оғир руҳий сиқилиш, яқин одамлари, аёли, ёхуд эри, дўстлари ва ўртоқларидан жудо бўлиш, ёмон моддий аҳвол, фарзандларнинг оиладан чиқиб кетиши, касалга чалиниб қолишдан хавфсириш, дармонсизлик, ёлғизлик туйғуси, бутун оламга бетоналик ҳисси ва шу каби сабаблардан ҳосил бўлиши ҳам мумкин... Буларнинг барчаси кекса одамнинг ҳаёт тарзи, руҳиятига таъсир кўрсатадиган оғир юклардир. Бундай ҳолатда унинг соғлиғи, сурункали касалликлар билан оғриган ёки оғримаганлиги фоят муҳим аҳамият касб этади.

Шу туфайли кексайиб бораётган одамларнинг кайфияти турлича бўлади,

кўпинча эса уларга келажақдан умидворлик ҳисси хос бўлмайди. Ҳаётдан лаззатлана оладиган одамлар кексалар орасида кам учрайди. Америка психологлари гуруҳи олиб борган тадқиқотлар асосида ёши катта одамлар беш асосий “ҳаётий позицияси”ни ажратиб кўрсатадилар:

1. “Конструктив” позицияси. Бунга бутун умрлари давомида осойишта яшаган, ҳаётдан мамнун ва қувноқ одамлар киради. Улар бу хусусиятларини кексайганларида ҳам сақлаб қоладилар, ҳаётга ижобий муносабатда бўладилар, шу билан биргаликда яқинлашиб келаётган ўлимга тик қарайдилар, ундан кўрқмайдилар. Бундай одамлар фаол бўлишиб, ўзгаларга ёрдам беришга интилишади, ўз кексаликлари ва хасталикларидан нолишмайди, қувноқ ҳаёт кечиришга, одамлар билан бирга бўлишга, умрларининг қолган қисмини яхши ўтказишга ҳаракат қиладилар.

2. “Тобелик” позицияси. Бунга бўш характерли, иродасиз, фаол бўлмаган одамлар киради. Улар умр бўйи ишончсизлик руҳида яшайдилар, қариган чоқларида ҳам эътибор ва эътироф кўрмагач, ўзларини бахтсиз ва таҳқирланган сезадилар.

3. “Ҳимоя” позицияси ибораси ўз қобилига ўралган кексаларга тегишли. Бундай одамлар бошқалар билан яқинлашишга интилишмайди, ўз туйғуларини ҳам яширин туттишади, танҳоликни исташади, кексаликларини тан олдилари, ишдан воз кечдилари келмайди.

4. “Дунёга нафрат билан қараш” позицияси. Бундай “газабкор кексалар” ҳаётда кўрган ранж-алам ва омадсизликларини жамият ва атрофдагилардан кўрадилар. Бундай тоифадаги одамлар сергумон, тажовузкор бўладилар, ҳеч кимга ишонмайдилар, бошқаларга қарам бўлишни истамайдилар, кексаликка нафрат билан қарайдилар, ишга ёпишадилар.

5. “Ўзига ва ўз ҳаётига нафрат билан қаровчилар” позицияси. Бу тоифа одамлар беҳафсала, пассив, оғир руҳий кайфиятдаги, тақдирга ишонувчилардир. Улар ўзларини ёлғиз ва кераксиз сезадилар, ўз ҳаётларини омадсиз ҳисоблайдилар, ўлимга эса маънисиз оламдан қутулиш сифатида қарайдилар.

Юқорида саналган позициялардаги айрим ҳолатлар қоришиқ ҳолда келиши мумкин. Таъкидлаб ўтганимиздек, камдан-кам ҳолатлардагина кексаларда янги ҳаётий позиция пайдо бўлиши эҳтимол. Асосан инсон бутун умри мобайнида амал қилган ҳолатлар пайдо бўлган янги вазият тақозоси билан кучаяди, холос. Кўпинча шундай бўлади, лекин бу қатъий қоида эмас, албатта.

Ижтимоий ва иқтисодий кексайиш алоҳида эътиборни талаб этадиган масалалар. Кексайиш туфайли фаолият доирасининг торайиши ва бу билан боғлиқ равишда даромаднинг камайиши кўпинча биологик кексайиш ва соғлиқнинг ёмонлашиши билан биргаликда кечади. Бунда ўз-ўзини ишонтириш катта рол ўйнайди. Агар одам психологик жиҳатдан фалон ёшда нафақага чиқаман деб ўзини-ўзи ишонтирган бўлса, ўша ёшга етгач, ўзини жуда қартайиб қолган, “касал” сезади, адо этиб турган юмушини ҳам бажара олмайдиган ҳолатга тушади. Шу вақтда ишлаб турган фаолият доирасида ҳавасни келтирадиган бирор имконият ва таклиф пайдо бўлса, кекса одамнинг мўлжали тез ўзгаради, касаллари ҳам қочиб кетади.

## НАФАҚАГА ЧИҚИШ ДАВРИДА СОҒЛИҚ УЧУН ТУҒИЛАДИГАН ХАВФ-ХАТАР

Нормал ҳолда нафақага чиқаётган одамларнинг соғлиғи, одатда, нисбатан дуруст бўлади, акс ҳолда улар инвалидлик бўйича бундан олдинроқ нафақага чиққан бўлардилар. Лекин катта ёшдаги одамлар вақти-вақти билан баъзи касалликларга чалиниб туришлари мумкин. Бу касалликлар ишлашга маълум даражада тўсқинлик қилади, лекин бутунлай ишламасликка монелик қила олмайди. Соғлиқнинг қониқарли аҳволдалиги алдамчи бўлади. Аслида инсон организмида яширин касалликлар, масалан, парижонхотирлик, ревматизм ва бошқаларнинг дастлабки босқичи бошланаётган бўлиши мумкин. Аҳён-аҳён-дагина бу касалликлар сезилиб қолади, ёш қартайганда эса хавфли тус олади, ёмон оқибатларга олиб келади.

Табиийки, одамлар анча ёш вақтларида ҳам турли касалликлардан азият чекишлари эҳтимол. Лекин қўлингиздаги китоб меҳнат қобилиятларини йўқотмаган, нафақага чиққандан сўнг янгича ҳаётни яхши кайфиятда бошлашни, ўзидаги касалликларни даволаб, келажакда содир бўлиши эҳтимолли бор хавф-хатарлардан фориг бўлишга ҳаракат қилаётган катта ёшдаги одамларга мўлжалланган.

Соғлиққа хавф-хатар туғдирадиган сурункали касалликлар орасида саноати ривожланган мамлакатларда яшовчи XX аср кишисининг чинакамига офати ҳисобланган хотирасизлик касалини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Хотирасизлик — склероз — “тўқлик” касали. Ҳозирги даврда дунёни тўқлик ва очлик зоналарига бўлиш мумкин.

Хотирасизлик касали инсон организмдаги қон айланувчи томирларнинг ички деворларида холестерин ва турли чиқиндиларнинг йиғилиб қолишидан пайдо бўлади. Бу чиқиндилар қон томирларини торайтириб қўяди, қоннинг қувватини кесади. Ички деворларга ёпишиб қолган қуйқалар тобора кўпроқ тўпланиб, қон томирларини беркитиб қўйиши ҳеч гап эмас. Баъзида хотирасизлик “тошма”лари девордан кўчиб қон билан ҳаракатга тушади ва майда қон томирларининг йўлини беркитиб қўяди. Натижада эмболия — қон томирларининг тикилиши ҳосил бўлади.

Касалланган қон томири ёрилиб кетиб, танага қон тарқалиши ёхуд томирларда қопсимон қавариқларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу қавариқлар ҳам пировард-натижада барибир ёрилади. Агар қон томири тикилиб қолса, шу томирдан озиқланидиган тўқима қонни ололмайди ва ўлади. Инфаркт ва инсультлар кўпинча шу йўл билан содир бўлади. Катта ёшдаги одамлар оёқ қон томирларининг шундай ҳолати кўпинча панжаларнинг ишламаслигига олиб келади ва гоҳида уларни кесиб ташлашдан ўзга чора қолмайди.

Энг муҳими шундаки, бу даҳшатли хасталик кўпинча яширин равишда ривожланиб боради ва одамнинг ўзи бундан беҳабар қолади. Фақат инсон ҳаётининг иккинчи босқичидагина ўзини бирдан намоён этади, оғир оқибатларга олиб келади. Лекин инфаркт ҳам, инсульт ҳам “тиник осмондаги момақалди-роқ эмас”. Аксинча, осмонни аллақачон булут қоплаган бўлса-да, ўша одам бундан беҳабар эди.

Склерознинг сурункали ривожланиб боришига кўп овқат ейиш, ҳар куни ҳалдан ташқари кучли овқатларни истеъмол қилиш сингари омиллар сабаб бўлади. Шунинг учун семизлик одатда склерознинг ривожланишига йўл очади. Шу нарсани таъкидлаш керакки, касалликнинг ривожига ҳаммадан кўпроқ ҳайвонлар ёғи, шакар, ширинлик, тузни кўп миқдорда истеъмол қилиш сабаб бўлади. Қанд касалиги, семизлик, қон босими сингари хасталиклар, ичкилик, чекиш сингари зарарли одатлар склерознинг кучайишига олиб келади. Тез-тез оғир руҳий ҳолатларга тушиш шошма-шошарлик, ҳаяжонланиш, яхши ҳордиқ чиқармаслик, ҳаракатсизлик ва бетартиб ҳаёт кечириш склерознинг авж олишига сабабчи бўлади.

Кексалик касалликлари сабабларини ўрганиш ва даволаш билан шуғулланадиган гериатрия фани кўпроқ ана шу даҳшатли касаллик ва унинг олдини олиш масалалари билан шуғулланади.

Бу иш билан кексалик чоғида эмас, болаликдан, аниқроғи, инсон дунёга келганидан бошлаб шуғулланмоқ зарур деса муболаға бўлмайди. Америка ва инглиз олимлари аниқлашларига қараганда, 60-90 фоиз болаларда қон томирлари ва шохтомир (қон айланиш тизимининг бош томири)да склеротик ўзгаришлар бўлар экан. Бу эса ўз навбатида кейинчалик қандайдир касалликлар, кўпроқ шамоллаш жараёнлари туфайли тўқималарнинг қаттиқлашишига олиб келаркан. Ҳаётнинг иккинчи ўн йиллигида 10 фоиз ўспиринда (ўнта боладан бирида) бу ўзгаришлар анча кучайган ҳолда бўларкан. Кейинги ҳар ўн йилликда тўқималарнинг қаттиқлашиши, томирларнинг ички юзаси ўсиши давом этаверар экан.

Эллик ёшлик, ҳатто ўз соғлиғига эътибор бермаган қирқ ёшлик одамларда ҳам анчагина ўзгаришлар, айниқса юрак, мия, буйрак, шохтомир, оёқ томирларида ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Чунки склероз билан хасталаниш аввало одам организмдаги шу аъзоларда бошланади. Табиийки, бу ҳар

хил одамларда ҳар хил кечади. Масалан, тиббий профилактикага бефарқ одам мия томирлари хасталаниб, инсулытга учраши, бошқа одам эса юрак томирлари касалланиб, инфаркт бўлиши мумкин.

Олимларнинг ҳозирги вақтдаги хулосаларига қараганда, бу касаллик маълум шароитлар тақозосида ёшлик даврида бошланар экан, инсон ҳаётининг иккинчи босқичида эса оғир оқибатларга олиб келаркан. Шунинг учун болаликдан профилактика чоралари кўрилса, мазкур касалликнинг олдини олиш мумкин бўларкан. Лекин бунга қандай эришмоқ керак? Склерознинг авж олишига нималар сабаб бўлади ўзи? Касаллик сабабларини аниқлаш унчалик қийин эмас. Бахтга қарши кўпинча ёш болаларни меъеридан ортиқча овқатлантиришади, уларнинг тез ўсишлари ва семизликлари соғлиқларининг гарови деб ўйлашади. Гўдакларни аксарият ҳолларда кўп овқат ейишга мажбур қилишади, уларга ширинликларни тикиштиришади. Кейинчалик бу одат бутун умрга сақланиб қолади. Шундай бўлгач, баъзида ўттиз ёшли одамлар ҳам инфарктга йўлиқишига ҳайрон қолиб бўладими? Лекин маълум бўлишича, кўпчилик ёшларнинг касалликларига нотўғри овқатланишларидан ташқари узоқ йиллар мобайнида чекишлари сабаб бўларкан. Бу эса ўз навбатида склерозга чалинишга, алал-оқибат — инфарктга олиб келаркан.

Кексайиш палласида деярли барча одамларнинг айрим органларида склероз бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, у ҳар хил даражада намоён бўлади, ҳар доим ҳам аниқ кўринавермайди.

Бу касаллик чекинадими, йўқми? Уни самаралироқ даволашнинг имкони борми? Ҳа, бор. Маълум муолажалар тартибли овқатланиш, калорияси кам таомларни истеъмол қилиш натижасида склеротик қатламлар эриб, йўқолиб кетиши мумкин. Табиийки, бу касалликнинг даражасига боғлиқ. Янги пайдо бўлган ўзгаришлар йўқолиб кетиши, авж олган жойларда эса чандиқлар қолиши мумкин, лекин яхшиланиш томонга ўзгаришлар албатта рўй беради. Склерозни тузатишнинг энг яхши йўли парҳез асосида овқатланишдир.

Одам касаллик натижасида озганда склерознинг ривожланиши учун имконият тораяр экан.

Қайси организм склероз билан касалланишига қараб хасталик ҳар хил намоён бўлади.

Қон айланишининг ёмонлашуви ва юракнинг заифлашуви оқибатида юрак томирлари склерози пайдо бўлади. Бунда салга чарчаш, жисмоний иш билан шуғулланганда нафас сиқилиши, оёқ шишиши рўй беради.

Буйрак томирларидаги склероз ҳам худди юрак томирларига ўхшаб аввалига сезилмаслиги мумкин, лекин у кучая бошлаганда буйрак фаолияти анча ёмонлашган бўлади. Бундай ҳолатда организмдаги модда алмашуви бузилиб буйрак томирлари қонни ҳар хил зарарли моддалардан тозалай олмайди, натижада организм заҳарланади. Бундай ҳолат уремия дейилади. Мазкур касалликни фақат касалхоналардагина аниқлаш мумкин, шу боисдан ҳар бир одам қандай ёшда бўлишидан қатъи назар, вақти-вақти билан буйрагини текширтирмоғи лозим. Зеро, уремия организмга жуда усталлик билан, ташқи белгиларсиз кириб олиши мумкин.

Оёқ томирлари склерозга йўлиққанда организм ўзини тананинг бошқа жойларидаги қон айланиши ҳисобига ҳимоя қилади. Организмнинг жонсизлана бошлаган жойларига қон етказадиган майда қон томирлари кенгайди. Бу ҳам етарли даражада бўлмагач, қўл ва оёқ панжаларига қон етказилиш жараёни бузилади, аввалига юрганда, кейинроқ эса дам олаётган вақтда ҳам оғриқ пайдо бўлади. Агар даволаш ишлари самара бермай, оёқ панжалари жонсизланса, уларни кесиб ташлашдан бошқа чора қолмайди. Бу касалликда (худди бошқа склерозлар сингари) айниқса чекишнинг зарари кучли бўлади.

Мия қон томирлари склерози белгилари одатда ҳаётнинг еттинчи ўн йиллигида пайдо бўлади: бош оғриғи ва айланиши, қулоқларнинг шанғиллаши, фикр тарқоқлиги, хотиранинг ёмонлашиши ва ҳ. к. Томирларни кенгайтирадиган дорилар ичиш, тоза ҳавода дам олиш сингари турли йўллар билан мияни қон ва кислород билан таъминланса аҳвол анча яхшиланади. Лекин барибир миянинг иш қобиляти тобора сусайиб боради, муайян даврда мувозанат пайдо бўлади. Ана шу даврда рўй берадиган исталган нохуш ҳолатлар, маса-

лан, ҳаяжонланиш, қандайдир касаллик билан оғриш, жисмоний шикастланиш соғлиқнинг дарҳол ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Бу ҳолат асосан кекса одамларда, кўпроқ саксондан кейин учрайди, лекин баъзан, айниқса ашаддий чекувчилар анча ёш пайтларидаёқ бундай касалликка йўлиқишлари мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, кексайганда мияси айниш ҳаммавақт ҳам мия томирлари склерозидан пайдо бўлавермайди. Баъзида унчалик сезиларли бўлмаган склеротик ўзгаришларда ҳам мия хужайраларининг қуриши рўй бермоғи мумкин. Бундай ҳолат қон айланиши бузилганлиги ёхуд оғриқни қолдирадиган ва ухлатадиган дориларни кўп истеъмол қилиш натижасида организмнинг заҳарланиши натижасда ҳам рўй бериши эҳтимол. Кексаликда мия айнишининг склероздан фарқи шундаки, бунда миядаги тўқималарнинг ўлиши кузатилмайди. Мия айниши билан оғриган кекса одам кўчага чиққач, ўз уйини ҳам йўқотиб қўяди, замон ва маконни унутади. Лекин у жисмоний жиҳатдан нисбатан анча тетик. У ўзига ўзи хизмат қила олади, ёлғиз сайр этиши мумкин.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам руҳий ўзгаришлар бир-бирига ғоят ўхшаш бўлиб, ақлий заифликнинг кучайиши, хотиранинг пасайиши, атрофдаги нарса ва ҳодисаларга танқидий ёндошишнинг камайиши кузатилади.

Ешлар кўпинча кексалардаги бундай ҳолатни тушунмайдилар: улардан ҳайрон бўлишади, аччиқлари чиқади. Аслида эса мия айниши кексалар учун улғу фожиа.

Инсулт<sup>1</sup> ғоят оғир ва хавfli касалликдир. Мазкур касаллик кўпинча худди инфарктга ўхшаб тўсатдан пайдо бўлади. Бунинг сабаби, мия қон томирларининг тикилиб қолиши ёхуд ёрилишидир. Енгилроқ инсултларда одам эсини йўқотмайди ёхуд тезда ўзига келади, лекин тананинг ўнг ёхуд чап томони ҳаракат қобилиятини йўқотади, кўпинча бунини устига гапиролмай қолиши ёхуд гапиришга қийналиши мумкин.

Касалликнинг энг оғир даври ўтгач, беморни ҳаракат қилишга ва ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ўргатса бўлади. Ҳатто ўринда узок вақт ётиб қолган одамни ҳам маълум машқларни бажаришга ўргатиш ва ишга лаёқатини маълум даражада тиклаш мумкин. Бу эса бемор ақлий лаёқатининг ҳолатига боғлиқ.

Инсон ўз ҳаётининг иккинчи ярмида, айниқса, бешинчи ва олтинчи ўн йиллик даврида поликлиникалар онкологик бўлимларида врач кўригидан ўтмоғи лозим. Бундан мақсад ўз организмда хатарли шиш пайдо бўлишининг олдини олиш. Бир неча тавсияларни таклиф этамиз.

1. Рак касалини юзага келтирувчи моддалардан йироқроқ бўлиш, айниқса, зарарли тутун, турли газ ва тутунда пишган овқатлардан сақланиш.

2. Парҳез ва тўғри турмуш тарзини йўлга қўйиш орқали организмни чиқтириш.

3. Жуда майда, арзимас туюладиган, илгари сезилмаган касаллик белгиларига ҳам аҳамият бериш. Дарҳол тиббий кўриқдан ўтиш. Саломатликдаги салгина ўзгаришни ҳам ҳафсала билан даволаш. Агар ўз ҳолига ташлаб қўйилса бу арзимас касаллик ёмон оқибатларга олиб боради (масалан, аёлларда раkning шаклларидан бири бўлган бачадоннинг еликиши ўз вақтида даволанса бутунлай тuzалиши мумкин).

Бод касалликлари кексаларга анча азоб беради. Бу касаллик дармонсизлик ва тез қариб қолишга олиб келади. Сурункали ёхуд кучайиб борадиган бод касаллиги деб юритиладиган хасталик кўпроқ аёлларда рўй беради. Касаллик тобора кучайиб, оёқ ва қўллардаги майда томирларнинг ўзгаришига, бўртиб чиқишига олиб келади. Организмнинг бошқа жойларидаги томирларида ҳам ўзгариш юз бериши мумкин. Агар врачга мурожаат этилмаса, бу ҳолат кучайиши, ўқтин-ўқтин оёқнинг томир тортиши эҳтимол. Бундан одамнинг юриши, ҳатто ўтириши қийинлашади. Бу ҳолат тўла одамларда кўпроқ учрайди.

Бод касалликларини даволашда муайян дори, гигиена ва тўғри овқатланишга риоя қилишдан ташқари мутахассислар кузатувида ўтказиладиган да-

<sup>1</sup> И н с у л т — бош мияга қон қуйилиши ёхуд мия томирларига лахта қон тикилиши натижасида рўй берадиган оғир касаллик.



волаш машқлари катта аҳамиятга эга. Оғриқ азоб берган тақдирда ҳам бундай гимнастика билан шуғулланавериш керак. Бодга чалинган бўғимларни аяш билан туриб ўзини инвалидликка ҳукм қилиш билан баробардир.

Ёши катта одамларда суякларнинг синишига “мойиллик” кучли бўлади, айниқса, бел бўғимларида бу ҳолат кўпроқ кузатилади.

Шу нарсани таъкидлаб қўйиш лозимки, суякларнинг синишига “мойиллиги”ни парhezни сақлаш ва гимнастика орқали бартараф этиш мумкин.

Ўз оқибатига кўра семизлик хавфли касаллик ҳисобланади. Семиз одамлар фақат оз яшайдиларгина эмас, ёмон ҳам яшайдилар. Зеро, семизлик турли касалликларнинг пайдо бўлишига замин яратади (масалан, склерознинг оғир шакллари, қанд касаллиги, қон босимининг ошиши, бўғимлар боди ва бошқалар).

Қанд касаллиги кўпроқ семиз одамларда учрайди. Семиз одам ўзини доимо назорат қилиб бориши, қондаги қанд моддасининг ортиб кетишига йўл қўймаслиги лозим. Кўпинча қанд касаллигининг энгил ва яширин шакллари ҳам учрайди. Бундай касаллик фақат дори-дармон билан даволашнинггина эмас, овқатланишни тартибга солиш, шу билан тана оғирлигини маълум меъёрда сақлашни ҳам талаб этади. Албатта, озгин одамларда ҳам қанд касаллиги учраши эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин бу анча кам учрайди.

Қон босимининг кўтарилиши аксарият ҳолатларда инсон ҳаётининг иккинчи босқичида, айниқса аёлларда ҳайз кўриш тўхтагандан кейин бошланади. Катта ёшдаги одамларда қон босимининг салгина кўтарилиши фақат нормал ҳол эмас, балки шундай бўлиши ҳам керак. Чунки бу майда томирларнинг камайиши, меъёрдаги кексайиш натижаси.

Сурункали ўпка касаллари кекса одамларнинг соғлиғи ва ишга лаёқатига хавф туғдиради. Бу касалликлар орасида бронхиал астма, ўпканинг шишиши, эмфизема<sup>1</sup> си, ўпка раки ва сили ғоят хатарлидир. Ҳозирги даврда ўпка эмфиземаси ва раки жуда кўп ашаддий чекувчиларнинг ўлимига сабабчи бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, катта ёшли одамлардаги ҳатто анча авж олган сил касаллиги кўпинча сезилмай қолади. Беморнинг ўзи ва атрофидагилар баъзида йўталга ва ўзини ёмон ҳис этишга унчалик аҳамият бермайдилар, бунга кексалик белгиси, ўпканинг шишганлиги ва нафас йўлларининг яллиғланиши деб қарайдилар. Шу туфайли йўтал узоқ давом этаверса ва йўталувчи ўзини ёмон ҳис этгудай бўлса, тиббий кўриқдан ўтмоқ, биринчи навбатда рентгенга тушган маъқул.

Ёши катта одамларга овқат ҳазм қилиш йўли, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакдаги яра, йўғон ичак ва ошқозон ёсти безларининг яллиғланиши сингари хасталиклар ҳам азоб беради.

## ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИНГ КЕКСАЙИШИ

Крашевскийнинг романларидан бирида бадавлат ва келишган, эллик ёшлардаги одам уйланмоқчи бўлади. Табиийки, ёш ва гўзал қизни ахтаради. Уддабурон оналар унга ўз фарзандлари — жудаям ёш қизчаларни тақлиф этишади. Шундай оналардан бири “қизингиз ҳали жудаям ёш-ку”, деган таънага жавобан: “Эй, бизнинг ёшлигимиз нима бўларди? Икки-уч йил ўтгач, ҳаммаси жойига тушиб кетади, бундай эркакка хотин бўлиш эса...” дейди.

Ўша вақтларда ўн саккиз ёшли жувонлар узун қора қўйлак кийишарди. Бунинг устига аёллар бирор касб билан шуғулланишмас, ўз тирикчиликларини ўзлари ўтказа олмас эдилар. Айниқса, сепсиз қизларни оладиган куёвлар етарли даражада бойликка эга бўлишлари шарт эди. Инсон ёшлик вақтидаёқ бундай бойликка эга бўлиши амримаҳоллиги туфайли унинг ёши ўтинқираганроқ бўлиши табиий туюларди. Лекин ҳозир, келин-куёвларнинг ёшлари бир-бирларига деярли тенгқур, жамиятдаги мавқелари бараварроқ бўлган даврда ҳам аёллар тез вақтда қариб қолишади, шунинг учун ўзидан анча ёшроққа

<sup>1</sup> Эмфизема — касаллик туфайли бирор орган тўқималарининг кенгайиши ва унда ҳаво тупланishi.

уйланган маъкул деган фикр ҳукмрон. Бунинг тескариси эса, яъни аёлнинг эридан катта бўлиши нотабиий бўлиб, маъбул иш эмас. Ҳаётда эса унчалик ёш бўлмаган эркак тенгкур хотинидан ажрашиб, ёшгина, ўн гулидан бир гули очилмаган қизчага уйланиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бунда эркакнинг юқори лавозимларда ишлаши, яхши топиш-тутиши, уй-жойи, машинаси ва бошқалар ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Лекин бундай ҳолларда одамлар бошларини қимирлатиб қўйишса-да, барибир унчалик ҳайрон бўлишмайди: “Ахир, аёллар тез қаришади-ку!” дея қолишади.

Бошқа томондан эса статистик маълумотларга қараганда, аёллар эркакларга қараганда 6-8 йил узоқроқ умр кўришаркан. Бу қанақаси бўлди? Ахир, тез қариш тезроқ ўлимга олиб келмайдими?

Агар тап организмда кечадиган биологик жараёнлар ҳақида кетгудай бўлса, олимларнинг тадқиқотларига қараганда аёллар секинроқ қаришаркан. Буни немис илмий геронтология мактабининг тадқиқотчилари исботлашган. Уларнинг қайд этишларига қараганда кекса аёллар тўқималаридаги ўзгаришлар ўзларидан саккиз ёш кичик эркаклар тўқималарининг ҳолати била бир хил даражада бўлган. Шунинг учун улар аёлларнинг биологик кексариши кечроқ бошланар экан, деган хулосага келишган. Аслида аёлларнинг чидамлилиги ва ҳаётта мослашиши фақат кексалик даврига эмас, балки ҳаётларининг бутун босқичига тааллуқлидир. Болалар ва эркаклар, гарчи ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ хасталиклардан ҳоли бўлсалар-да, қизалоқлар ва аёлларга нисбатан кўпроқ қасала чалинадилар ва ўладилар. Педиатриянинг тараққиёти натижасида янги туғилганлар ва чақалоқларнинг ҳаёти кўпроқ сақлаб қолинмоқда. Йигирма-ўттиз ёшгача бўлган ёшларнинг сал кўпроқ қисмини эркаклар ташкил этса, учинчи ўн йилликнинг охирига келиб, қизлар ва йигитлар нисбатан деярли тенглашади. Кейинги ўн йилликларда эса эркаклар камайиб, аёллар кўпая бошлади. Кексаликда бу фарқ айниқса сезиларли бўлади. Юз ёшлилар орасида битта юз ёшли эркакка 3-4 та аёл тўғри келади. Геронтологлардан бири ҳақли равишда таъкидлаганидек, кексалик муаммолари — бу кўпчилик ҳолларда кекса аёллар, бевалар муаммосидир. Агар газеталар аҳён-аҳёнда ер юзида эркакларга қараганда аёллар кўпроқ деб қизларни чўчитиб турсалар-да, уларни хотиржам қилиш учун бу кўпроқ кексаларга тегишли маълумот эканлигини, ёшлар ўртасида эса йигитлар нисбатан кўпроқлигини айтиб қўймоқлари зарур.

Бундан чиқадими, аёллар бутун ҳаётлари мобайнида ўртача ҳисобда эркакларга қараганда биологик жиҳатдан кучлироқдир. Кексайишлари ҳам кейинроқ кечади. Эҳтимол, аёлларга юклатилган авлодни давом эттиришдек шараф туфайли ҳам балки табиатнинг шундай имтиёзлари унга ҳаётият этилгандир. Ҳомиладорлик, туғиш, бола боқиш бу ғоят машаққатли биологик юк. Ҳомиладорлик вақтида икки (баъзида уч ва ундан ортиқ) одам учун хизмат қиладиган аёл органлари биологик жиҳатдан ғоят бақувват бўлмоғи лозим.

Юқоридаги тахминни тасдиқлайдиган бошқа омил эса жинсий балоғат ёшидаги аёлларнинг деярли склерозга учрамасликларидир. Бунда аёллар жинсий гармонлари мудрофаа ролини бажаради.

Ҳайз кўриш тўхтаб, жинсий органлар фаолияти сўнаётганда, умумий кексайиш жараёнида склероз тезроқ авж олади. Масалан, склерознинг оқибати бўлган инфаркт одатда аёлларда эркакларга қараганда тахминан 10-15 йил кейин рўй беради. Бу ҳолат ҳам аёлларнинг эркакларга нисбатан узоқроқ умр кўришларига имконият яратади.

Бироқ биологик ишга қобилиятлилиқ бошқа нарсаю жозибадорлик ва туғиш ҳамда туғдириш қобилияти бошқа нарсадир. Аёллардаги туғиш қобилияти кексаликнинг илк босқичида, ҳайз кўриш тўхтагандан кейин сўнади. Аёл организми кексая бошлагач, туғиш билан боғлиқ биологик зўриқишларга дош беролмайди. Бундай зўриқиш ҳатто унинг ҳаёти учун хавф туғдиради. Шу боисдан ҳайз кўришнинг тўхташи (бу Европада ўртача 50 ёшга тўғри келади) кўпроқ биологик ёшга боғлиқ. Бунинг далили баъзи аёлларнинг одамлар узоқ умр кўрадиган ҳудудларда яшайдиган аёлларга нисбатан эртароқ қаришидир. Маълумки, одамлар узоқ умр кўрадиган ҳудудлардаги аёлларда ҳайз кўришнинг тўхташи анча кеч рўй беради. Масалан, Грузияда узоқ умр кўра-

диган аёлларда ҳайз кўриш тўхташ даврининг бошланиши 60 ёшларга тўғри келади, баъзи ҳолларда аёллар 60 ёшдан кейин ҳам фарзанд кўришган. Чамаси бундай аёлларнинг биологик ёшлари бошқа жойлардаги қирқ ёшли (ёхуд бундан сал каттароқ) аёллар билан тенг бўлган.

Аёлларнинг қариши — бу фақатгина ҳайз кўришнинг тугаши ва туғишга қобилиятликнинг сўнишигина эмас, балки ташқи кўринишнинг ҳам ёмонлашувидир. Аёлларнинг жинсий безлари фақатгина жинсий алоқа органлари-гагина таъсир этиб қолмасдан, уларнинг жозибадорлигини сақлаб қолишга ҳам ёрдам беради. Бу умумий тамойил мутлақ қонун эмас ва турли ҳолатларда турлича намоён бўлиши эҳтимол. Лекин бахтга қарши, жуда камдан-кам аёлларгина ўз саломатликларига ёшликларидан бошлаб эътибор берадилар ва бу билан ҳайз кўриш тўхтагандан кейин ҳам ўз кўринишларини яхши сақлаб қоладилар.

Ҳайз кўришнинг тўхташи кўпгина аёлларда умумий кексайишга олиб келади (юз ва қўлларда ажинлар пайдо бўлади, бўйиндаги тери осилади) ва кўпинча аёл семира бошлайди. Баъзи аёллар семириш туфайли ажинлар йўқолади ва ёшроқ кўринаман деб ҳаёл қилишади. Бу жуда хато фикрдир. Семизлик ҳар доим одамни кексароқ кўрсатади ва ташқи кўринишни бузади. Бундан ташқари семизлик склерознинг кучайишига, инсон органларининг қаришига олиб келади. Терининг эластиклик хусусияти сусайгач эса одам қанчалик семира, тери шунчалик шалвираб қолади. Семиз аёлнинг юзи ёшроқ кўриниши мумкиндир, лекин унинг гавдаси бузилади.

Ҳайз кўриш даврининг тўхташи қон айланиш тизимининг бузилишига олиб келади. Бу ҳолат асосан мияга кўпроқ қон келишида, юз ва бўйинлар қизариб, қон томирларининг кенгайишида намоён бўлади. Бундай хуружлар турли вақт бирлиги оралиғида такрорланиб туриши эҳтимолдан холи эмас. Бир неча ойдан сўнг бу йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Лекин ҳар доим шундай бўлавермайди. Хуруж баъзида жуда оғир кечади ва касбий фаолиятга жиддий салбий таъсир етказиши мумкин.

Ҳайз кўриш даври тутагандан кейин пайдо бўладиган барча хасталиклар одатда мазкур аёл ўз саломатлиги тўғрисида аввалдан қайғурмаганини, унинг организми анчадан бери ёрдамга муҳтожлигини, ҳайз кўришнинг тўхташи эса организмдаги аввалроқ намоён бўлмаган яширин жараёнларни юзага чиқарганини кўрсатади. Табиатан соғлом аёллар эса ҳайз кўришнинг тугаши даврини енгил ва беозор ўтказадилар. Соғлом турмуш тарзини кечираётган ва тўғри овқатланишни йўлга қўйган аёллар эса бу даврдан бутунлай хавфсирамасликлари мумкин.

Лекин юқорида қайд этганимиздек, кўпгина аёллар бу қоидаларга риоя қилмасликлари туфайли кутилганидан кўра эртароқ қарийдилар. Айни шу боисдан аёллар эркакларга нисбатан эрта қарийдилар деган фикр тарқалган. Бу фикрни бутунлай рад этишга журъат этамиз. Аёллар қаримайдилар, улар аввалроқ сўна бошлайдилар.

Эркакларнинг сўниши бирдан бошланмайди, балки узоқ жараённи ташкил этади, бутун организм аста-секин ва бир текис қарий бошлайди. Шу туфайли эркакларда жинсий гармонларнинг ишлаши нисбатан узоқроқ давом этади ва улар бу қобилиятларини сақлаб қолганликлари учун ҳам ёшроқ кўринадилар. Баъзи эркаклар эллиқдан ошар-ошмасларидан ўз аёлларини қариб қолган ҳисоблайдилар, ўзларини эса ҳали йигитдай фаҳмлаб, деярли умр бўйи бирга яшаган аёлларини ёшроғига алмангирмоқчи бўладилар.

Афсуски, бу хато хулосадир. Ўзларини йигитдай фаҳмлашлари организмнинг ҳақиқий ҳолатини билдирмай, жинсий хоҳишларининг сақланиб қолиши холос. Лекин склеротик жараёнлар эркакларда кўпроқ учрайди, умумий ҳаётий имкониятлари ҳам шу ёшдаги аёлларга нисбатан камроқ.

Олтмиш ёшга яқинлашаётган эркакнинг инжиқлигини кўпинча “ярим кунлик шайтон” дейишади. Лекин бу давр инсон ҳаётининг кундузи эмас, балки оқшомидир ва қалгис йўлга бошлаётган “шайтон” кўпинча панд беради, фожиа рўй беради. Кўриниши қариб қолган, жинсий масалада жозибасиздай туюладиган аёл эса қизиққон эридан узоқроқ яшайди. Эр-хотинлик, оилавий алоқаларнинг бузилиши, ҳаёт лаззатини суришни ўйлайдиган ёш аёл томон

оғиш, унинг эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиш фавқуллодда зўриқиш, чарчаб қолган ва ёш бўлмаган эркак организми учун ғоят хавфлидир.

Ақлли эркак буларнинг барчасини мулоҳазасидан ўтказиб, “кекса” умр йўлдоши билан биргаликда янги ҳаёт бошлайди, организмни яшартириш чораларини кўради. Бунинг натижаси эса унга кўпроқ мамнуният келтиради, ҳаётини узайтиради, бахтли кексалигини таъминлайди.

## ЯНГИ ҲАЁТГА СТАРТ

Шундай қилиб, олтмишдан кейин янги ҳаёт тўғрисида суҳбатлашмаяптимиз. Табиийки, 60 ва 65<sup>1</sup> ёш нафақага чиқишга сигнал. Лекин унга олдиндан тайёргарлик кўрмоқ зарур. Айниқса соғлиқ ҳақида қайғуриш, унга ёшлиқдан бошлаб эътибор берган маъқул. Лекин нафақа ёшига етгач ҳам ўз организмни соғломлаштириш устида ўйлаш кеч эмас. Бу нарса ҳеч қачон кеч эмас-ку, аммо одамнинг ёши катта бўлган сари ўз ҳаётини янги ҳаётга солишга эҳтиёткорроқ бўлиб киришган маъқул.

Деярли барча ёш нафақахўрлар ишдан бўшаган даврларининг биринчи босқичини соғлиқларини тиклашга бағишлайдилар. Буни ўз саломатликларига эътиборсиз, очиқ кўриниб турган бирор хасталик билан оғриманган одамлар ҳам тушунмоқлари зарур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам организм кексайиш жараёни давом этаётгани, ишдаги зўриқишлар, нотўғри овқатланиш, зарарли одатлар сингари турли сабаблар туфайли чарчайди. Кўпинча эса сурункали касалликлар инсон организмга салбий таъсир кўрсатади, уни яхшилаб даволашга эса вақт етишмайди. Нафақа даврида эса вақт бемалол, баъзида эса инсон уни нимага сарфлашни ҳам билмай қолади.

Шу нарсани доимо ёдда тутмоқ лозимки, нафақага чиққадан кейин одам ўзининг асосий эътиборини соғлиғини тиклашга қаратмоғи керак.

Нафақанинг дастлабки ҳафталарини бутунисича ҳордиқ чиқаришга ва ўзига келиб олишга бағишлаган маъқул. Кўпроқ ухлаш, чарчамайдиган даражада сайр қилиш, китоб ўқиш ва кўнгилли ўйинлар билан шуғулланиш фойдали. Шундан кейин соғломлаштириш жараёнига киришишни тавсия этамиз. Уни врачга учрашиш, гериатрик консалтацияга боришдан бошламоқ керак.

Гериатрик профилактика билан аслида инсон умр бўйи шуғулланмоғи керак. Бу даврда қуйидагиларга айниқса кучли эҳтиёж сезилади: 1) жиддий тиббий кўриқдан ўтиш; 2) гериатрик профилактикага асосланган турмуш тарзи.

Гериатриянинг вазифалари қаторига катта ёшли одамлардаги касалликларни даволаш, яъни меҳнат қобилиятини тиклаш ҳам кирилади. Лекин кексаликнинг олдини олиш гериатриянинг энг муҳим қисмидир.

Гериатрик ёрдам нималарда намоён бўлади? Маслаҳатхонага мурожаат этган мижоз билан аввало саломатлиги, ундаги касалликлар, ҳаётидаги мавжуд муаммо ва ҳолатлар тўғрисида суҳбатлашади. Кейин у тиббий кўриқдан ўтказилади. Олинган маълумотлар асосида врач мижознинг биологик ёшини, бошқача айтганда қариш даражасини, шунингдек, склероз бошланган-бошланмаганлигини аниқлайди. Мижоз семиз бўлса ёхуд қанд касаллиги, қон босими нормал бўлмаса, қондаги холестерин моддаси баланд даражадалиги сезилса, склеротик касалликлар (масалан, инсульт, инфаркт) хавфи кучлироқ бўлади. Бундай бемор дарҳол даволанмоғи зарур. Бу эса склероз касалликларининг олдини олишнинг муҳим узвидир.

Ҳаётда шундай вақтлар ҳам бўладики, семизликка мойил кишилар бошқалар орасида мафтункорроқ кўриниш учун ўз қоматларини сақлашга интиладилар. Бу вақт — ёшликнинг чўққиси — 18 билан 25 ёш орасидаги давр. Бу даврда модда алмашуви, одамнинг умумий ҳаракатчанлиги ғоят фаол бўлади. Дунё ёшлар кўз ўнгида бутун жилвалари билан намоён бўлади, кўпинча қизлар ва йигитлар учун овқат ягона лаззатланиш манбаи эмас. Инсон кексайганда эса овқатланиш у лаззатланадиган ягона нарсалардан бирига айланади.

<sup>1</sup> Польнада нафақа ёши аёлларда 60, эркакларда 65 ёшдан бошланади.

Ёшликдаги атрофдагиларга чиройли кўринадиган қотмалик ва келишганликни бугун умр бўйи сақлаб қолиш қандай яхши. Гериатрик профилактиканинг асосий қонуни ёш катталашгандан кейин ёшликдаги тана оғирлигидан ошмаслик, гавданинг кичрайиши ҳисобига ҳатто вазнининг камайишидир.

Семизлик организмнинг ортиқча овқатланиш туфайли пайдо бўладиган чиқиндилар билан тўлиши. Лекин ёғ қатламларининг ўсиши соғлиқ учун ягона хавф эмас. Қон томирлари ва мускуларнинг деворларида пайдо бўладиган ёғ қатламлари бошқа органларда ҳам турли-туман чиқиндиларни пайдо қилади. Гоҳида ёши ўтиши билан гавда ҳам ўсади деб кўрсатиладиган таблициалар учрайди. Бу нотўғридир. Дарҳақиқат, амалий жиҳатдан ёш ўсиши билан одамнинг ўртача оғирлиги ўсади. Лекин аслида шундай бўлиши керакми? Бундай таблициалар ёш катталашуви билан овқатга эҳтиёж камайиб боришини эътиборга олмайди. 25 ва 75 ёш орасида модда алмашуви, организмдаги кимёвий ўзгаришлар жараёни тахминан 30 фоизга камаяди. Шу муносабат билан овқатнинг қувватлилиги ва ҳажми шунга мувофиқ равишда камаймоғи керак. Лекин бу ҳақда ким бош қотириб ўтиради? Афсуски, кўпинча одамлар кексайган пайтларида қайтага ёшшиқ пайтларидагига қараганда кўпроқ овқат истеъмол қилишади. Шунини ҳам эслатиб ўтмоқ керакки, одам кексайганда ҳаракати анча сустлашади. Натижада тана оғирлиги ортиб, ҳатто семириб кетади.

Катта ёшдаги одамлар учун муқобил вазн уларнинг бўйларига қараб белгиланади. Кекса одамнинг бўйи неча сантиметр бўлса унда 100 ва яна тахминан 10 фоиз (эркаклар учун 7-8%, аёллар учун эса 12-13%) олиб ташланади. Масалан, бўйи 170 см.лик эркаклар тахминан 65 кг, аёллар эса 61 кг бўлгани мақсадга мувофиқдир.

Одам кексайган сари унинг организмда қуриш бошланади шу туфайли вазни камаё бориши керак. Агар 55 ёшлик аёл 18 ёшлик вақтидаги вазни билан бир хил даражада бўлса, бу унинг организмда анча ёғ йиғилганини билдиради. Унинг қомати ҳам ёшшиқдагидек келишган бўлмайди.

Ҳар қандай ёшдаги одамлар учун овқатланиш режимига риоя қилиш ва парҳез склерознинг олдини олади, вазни мўътадиллаштиради. Бошқача айтганда, муайян одам организмда овқатланиш натижасида пайдо бўладиган қусурларни бартараф этади. Одам ҳайвонот ёғи, қанд ва ҳар хил ширинликлар (конфет, шоколад, пирог, торт ва музқаймоқ ва б.)ни кўп истеъмол қилганда холестерин ва турли ёғ қатламларининг даражаси ошиб кетади. Бу маҳсулотлар одамни семиртиради ва шу боис катта ёшдаги одамлар уларни истеъмол қилишдан сақланганлари жоиздир.

Бошқа томондан катта ёшдаги одамлар организмда кўпинча турли витаминлар етишмайди. Овқат ҳазм қилиш йўлидаги турли сурункали хасталиклар туфайли улар осонроқ ҳазм қилинадиган маҳсулотлар (масалан, ёрмадан тайёрланган овқатлар)ни истеъмол этиб, хом маҳсулотларни ейишмайди. Шу боис организмда турли витаминларга эҳтиёж кучаяди. Тадқиқотчиларнинг текширишларида қараганда, катта ёшдаги одамлар организмдаги витаминлар кўпинча зарур миқдордан кам бўларкан. Нафақага чиққандан кейинги соғломлаштириш жараёни вақтида парҳез йўли билан бу камчиликни тuzатиб олмоқ зарур. Витаминлар фақат ҳўл мева ва сабзавотлардагина эмас, балки қора нон, ёрма, хамиртуруш (В витамини), сигир сути ва галла қайнатмаси (Е витамини), жигар ва балиқ гўшти (Д витамини), балиқ мойи (А ва Д витаминлари) ва бошқа маҳсулотлар таркибида ҳам бор. Ҳаётий жараён учун зарур бўлган минерал тузлар мева ва сабзавот, қора нон ва сугда кўпроқдир. Шу боисдан тўғри овқатланиш ғоят муҳим бўлиб, унинг хилма-хиллиги ва сифатига эътибор бермоқ зарур.

Биринчи навбатда гўштсиз овқатланишга эътибор бериш, овқатга озгина миқдорда гўшт ва балиқ қўшиш, кўпроқ табиий маҳсулотлар, айниқса, янги мева-чевалар истеъмол қилишга ҳаракат қилмоқ зарур. Иложи борица фақат қора нон ейиш, ёрмадан тайёрланган овқатларни истеъмол қилган маъкул. Сут маҳсулотлари оқсилга ғоят бой. Тухумнинг оқини иложи борица кўпроқ еган ҳолда таркибида холестерин моддаси кўп бўлган саригини эса ҳафтада 2-3 мартагина истеъмол қилган маъкул. Ўсимлик ва соя мойидангина фойдаланилса нур устига аъло нур.

Оқсил моддалари инсон саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутади, шунинг учун организмдаги оқсил моддалари миқдорининг камайишига йўл қўймаган маъкул. Оқсил организм ҳаётий фаолияти жараёнининг асосини ташкил этади. Оқсилнинг доимо янгиланиб туриши модда алмасиши асосига қурилган. Болаларда унга зарурий катталарга нисбатан кучлироқдир. Одам кексайганда унга эҳтиёж камроқ бўлади деб ҳисобланади. Кекса организм овқат таркибидаги оқсилни шунчаки ҳазм қилиши қийинроқ бўлади. Лекин оқсил истеъмол қилиш меъерини кексайганда камайтирмаган жоиз. Нўхат, ловия, соя, қора нон таркибида ўсимлик оқсиллари кўп бўлади.

Кекса одамлар учун гўшт, қолбаса маҳсулотлари, дудланган нарсалар оғирлик қилади. Улар калорияга бойлигидан ташқари қатор салбий хусусиятларга эга: 1) аввало улар чайнаш ва ҳазм қилиш учун оғир(дудланган қолбаса маҳсулотлари ва қовурилган гўшт кўпинча ичнинг бузилишига олиб келади); 2) овқатнинг ҳазм бўлмаган қисми йўғон ичақда бактерияларнинг яшаши учун шароит яратади, чирийди, бу айниқса кексаларда кўп учрайдиган қабзирчи бор одамларда ёмон оқибатга олиб келиши натижасида организм заҳарланиши мумкин; 3) гўшгдан ҳосил бўлган оқсил чириш натижасида нордон кислоталарга айланиши мумкин, бундай пайтда унинг кучини дарҳол қирқиш керак; кексалиқда эса унга қарши курашиш оғир кечеди ва тез орада организмни толиқтириб қўяди; 4) гўшт маҳсулотлари орқали организм қабул қилган кўпгина нарсалар тўқималарга ўрнашиб олиб, турли касалликларга сабабчи бўлади; 5) гўшт маҳсулотлари орқали организмдаги туз кўпайиб кетади. Бу эса кексайган пайтда ғоят зарарлидир: 6) сўйиш учун махсус боқилган моллар одатда ғоят семириб, танасини ёғ қоплайди, бу ёғни гўшгдан ажратишнинг ҳам иложи бўлмайди. Сўйиш учун боқилган молларнинг семириб кетганлиги худди одамлардаги касалликка ўхшайди.

Гўшгнинг ҳаёт ва саломатлик маҳсулоти эмаслигини ўтлар билан кун кўрадиган ғоят кучли ва соғлом ҳайвонлар тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди. Шунингдек, ҳаётларида ҳеч қачон гўшт истеъмол қилмаган ёхуд уни ейишни аниқлақачон тўхтаган вегетариан одамлар ҳаёти ҳам мисол бўла олади. Улар одатда ўзларини ғоятда енгил ҳис этадилар, соғлом яшайдилар ва узоқ умр кўрадилар. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда узоқ умр кўрувчилар гўшгни жуда кам истеъмол қиладилар. Уларнинг асосий овқатлари сабзавот, мева, қора нон, сут ва сир. Одам кўп миқдорда оқсил истеъмол қилмаслиги керак деган фикрга асосланган қарашлар ҳам бор. Масалан, янги туғилган чақалоқ энг тез ўсадиган, оқсилга эҳтиёжи ғоят кучли вақтда уни фақат она сuti орқалигина жуда кам миқдорда олади.

Оқсил асосан “қурилиш материали” вазифасини бажаради. Меъеридан ортиқча истеъмол қилинган, организм ўсишдан тўхтаган пайтлардаги оқсил танада тўхтаб қолади, “ёниб” кетмаганлари ёққа айланади. Оқсилларнинг “ёниши” ҳам фойдали эмас, чунки бунда организмда зарарли қотишмалар пайдо бўлади. Организм бу қотишмаларни йўқотиш ёхуд кучини қирқиш учун зўриқайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, таркибида оқсил моддаси ҳаддан ташқари кўп овқат маҳсулотлари ҳам организмнинг саломатлиги учун зарарли экан.

Шуни айтиш керакки, одамсифат маймунлар — шимпанзе ва горилла ҳақиқий вегетарианлар ҳисобланишади. Одамлар уларни гўштли овқатга ўргатишлари мумкин, лекин бу ҳолат уларнинг соғлиғи ва узоқ умр кўришларига салбий таъсир этади.

Кекса одамлар овқатланиш таркибига қатъий риоя этишлари, кунига бир килограммгача мева ва сабзавот ейишга ҳаракат қилишлари, шунингдек, маълум даражада қаттиқ ичишлари керак. Бу маҳсулот витаминлар ва зарур тузларнинг манбаи бўлиб, ошқозондаги овқатнинг чиришига, қабзиятга йўл қўймайди. Қора нон ҳам шунга ёрдам беради. Ёғлардан эса мол ёғи ва ўсимлик ёғи (кунига икки-уч ош қошиқдан)ни ишлатган маъкул. Ёғсиз қайнатилган бир парча гўшт ва балиқни 2-3 кунда бир марта истеъмол қилган фойдали. Сабзавот ва турли мевалардан тайёрланган шўрвани истеъмол қилиш керак.

Барча одамлар ўз вазнларини меъеридан ушлаб туришга эътибор бермоқлари зарур. Озиш жараёнини жуда эҳтиёткорлик билан сурункали олиб бориш-

га ингилиш тўғри бўлади. Бир ҳафталик озиш миқдори ярим, узоғи билан бир килограммдан ошмаслиги керак. Озиш учун аввало оқ ундан тайёрланган маҳсулотлар, шакар ва овқатларга қўшиладиган ёғни камроқ истеъмол қилиш фойдалидир. Иложи борича нон ва картошка ейишни камайтириш, шўрвани озроқ ичиш тўғри бўлади. Лекин улардан бутунлай воз кечиш мумкин эмас, бундай қилинса парҳездан ҳалдан ташқари бирёқламаликка йўл қўйилади. Масалан, шўрвани ҳафтасига 2-3 маротаба истеъмол қилиш мумкин. Овқатни хушхўр қиладиган, ишгаҳани қитиқлайдиган нарсаларни камайтирган, иложи бўлса бутунлай ишлатмаган маъқул. Шу билан бирга кунига ярим литр сут, озроқ творог, хом сабзавот ва мевалар ўз вазнига кўра овқатланишнинг асосини ташкил этгани фойдалидир.

Одамнинг озишига турли ҳолатлар сабабчи бўлиши мумкин. Бу биринчидан кексайиш, ташқи кўринишнинг ўзгариши туфайли рўй берса, баъзида овқатланиш тартибининг ўзгариши оқибатида рўй бериши мумкин. Агар парҳез бўлка нон, чой ва кофе, ёғсиз гўшт ва колбасадан иборат бўлса озиш мумкин, лекин унинг фойдаси камроқ бўлади, одам ранги тупроқ рангига ўхшаб кетади, юзидаги ажинлар кўпаяди, организмдаги витаминлар камайиб, турли касалликларга чалиниш кучаяди.

Агар одам озиш вақтида сут ичса, творог, қора нон, салат ва мевалар истеъмол қилса (гўшти овқатлардан бутунлай воз кечса ёхуд кам еса) тери ва ташқи кўринишда яхши томонга сезиларли ўзгариш рўй беради, бунинг боиси бундай парҳезда организм соғломлашади.

Агар одам вегетариан парҳезга ўтадиган бўлса, кекса одам гўшдан бутунлай воз кечиши мумкинми? Жудаям мумкин. Лекин бунда баъзи хусусиятларни эътиборга олмоқ жоиздир.

1. Агар одам болалигидан эътиборан гўштга ўрганган бўлса, уни бирдан тўхтатмаслиги керак, ўз организми ва ҳолатидаги ўзгаришларни кузатган ҳолда аста-секинлик билан гўшт истеъмол қилишни камайтириб боргани маъқул. Баъзи одамлар вегетариан парҳезни ёмон ўтказадилар. Бундай одамларда вақтинчалик камқувватлилик ва ҳатто камқонлик пайдо бўлиши мумкин. Лекин бу кўпроқ парҳез овқатларнинг таркибига боғлиқ.

2. Вегетарианлик тўла (ўт-ўланлар ва сабзавотдан тайёрланган овқатлар) ёхуд тўла бўлмаган (бундай овқатларга сут, сир ва тухум қўшилган ҳолда) бўлиши мумкин. Одатда врачлар тўла бўлмаган вегетарианликни тавсия этадилар. Тўла вегетарианлик анчагина оғир ва уни кундалик ҳаётда амалга ошириш қийин. Ейиладиган маҳсулотларни ҳафсала билан танлаш, улар таркибида оқсил моддалари борлигига эътибор бермоқ керак. Сут, сир, тухум истеъмол қилиш орқали одам оқсил моддалари етишмаслиги хавфидан ҳоли бўлади.

3. Вегетарианликка ўтаётган одам маҳсулотларнинг хилма-хиллигига эътибор бермоғи лозим. Маҳсулотнинг тўйимли бўлиши муҳимдир. Бунинг учун иложи борича маҳсулотларни хом ҳолатда ейиш, ноннинг эса қорасини ейиш керак.

Катта ёшдаги семиз одамлар вақти-вақти билан қисқа муддатли оч қолганлари маъқул. Лекин буни врачлар маслаҳатидан кейингина амалга оширишга киришиш керак. Чунки баъзи касалликлар учун очлик хатарлидир. Баъзи одамлар эса очликни бутунлай кўтара олмайди.

Очлик ёки енгил-елпи овқатланидиган кунлар кўп овқатланиш туфайли буйракда ҳосил бўладиган сурункали касалликлар учун гоётада фойдалидир. Сичқон ва каламушлар устида олиб борилган тажрибалар уларни вақти-вақти билан оч қолдириш умрларини тўйиб овқатланидиганларига қараганда анчагина узайтирган.

Демак, очлик турли касалликлар учун фойдадан холи эмас. Баъзан эса очлик даволаниш мақсадларида ҳам жуда зарурдир. Кекса одамларнинг узоқ муддатли очликлари касалхона шароитида, врачлар назоратида олиб борилмоғи лозим. Қисқа муддатли очлик эса бунга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаса тамомила хавфсиз ва шу боис касалхонада ўтиши шарт эмас.

Очлик сабзавотли овқатлар, сут ва творог истеъмол қилиш билан алмашмоғи мумкин. Бундай овқатланиш ёз ойларида икки ҳафтагача давом этса ҳам

бўлади. Лекин бугун йил мобайнида ҳафтасига икки кун сабзавотли овқатлар истеъмол қилиш фоят фойдали. Бу билан семиришнинг олди олинади, организм яшаради, унда зарарли қотишмалар пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Аргентина врачлари жуда қизиқ тадқиқот олиб борганлар. Қариялар уйларининг бирида 65 ёшдан ошган 60 киши танлаб олинган. Булар ўз хоҳишлари билан кунора овқатланишга, бошқа кунлари деярли овқатланмай фақат бир литр суг ичиб, ярим килограмм ҳўл мева ейишга рози бўлганлар. Шу билан бир вақтда одатдагидай овқатланаётган ўша ёшдаги ўшанча одам устида ҳам тажриба ўтказганлар. Уч йилдан кейин биринчи, “очлик” да яшаётганлар иккинчи гуруҳдаги нормал овқатланаётганларга қараганда икки мартаба камроқ хаста бўлганликлари ва вафот этганликлари маълум бўлган.

Бу қизиқ натижани қандай тушунтириш мумкин? Буни кўпгина одамлар организмга керагидан кўп овқат ейишлари билан тушунтирса бўлади. Кексаллик маҳалида мазкур ҳолат айниқса кучаяди. Бундай пайтларда одам баъзан қорни оч бўлмаса ҳам, бошқаларга ҳамроҳ бўлиш учун ҳам, бекорчиликдан ҳам, содир бўлган бирор ноҳуш ҳолатдан чалғиш учун ҳам, заҳира учун ҳам овқат еяверади. Овқатни ортиқча истеъмол қилиш ёшроқ одамлар учун ҳам зарарли, лекин ёш организм ортиқча юкни чиқариб ташлашда кўпроқ имкониятга эга. Ёши катта одамларда эса ҳар бир ейилган ортиқча овқат организмнинг толиқишига, қарилликни тезлашишига олиб келади.

Соғлиқни сақлаш — касалликнинг олдини олишнинг муҳим шартларидан бири жисмоний ҳаракат: гимнастика, сайр, турли саёҳатлар, чопиш, спорт ўйинлари ва бошқалардир. Нафас олишга хизмат қиладиган машқлар, душ, массаж, баданни сочиқ билан артиш каби ёрдамчи муолажаларни ҳам шунга киритиш мумкин. Шу сингари машқ ва муолажалар организмга фоят ижобий таъсир этади — уни ёшартиради, даволайди, кўпгина касалликларнинг олдини олади, қон томирлар кенгайди, қон айланиши ва нафас йўлини яхшилайдди, натижада кекса одамнинг умумий ҳолати мўътадиллашади.

Телевидение, бошқа оммавий ахборот воситалари кўпинча олтмиш йиллик юбилейлардан кейин спортнинг бирор тури билан шугулланиб, дуруст натижаларга эришганликлари ҳақида хабар бериб туради. Бунга мунтазам ўтказилган машқлар туфайли эришилади, чунки бу машқлар туфайли организм ёшаради, илгари маълум бўлмаган имкониятлар юзага чиқади. Бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Бунинг учун астойдил хоҳиш, интилиш, ҳаракат лозим.

Соғломлаштириш даврининг учинчи муҳим элементи руҳий гигиенадир, бу ўз ичига хотира ва ақлий жараёнларга эътибор бериш кайфиятини баланд тутишга интилишни олади. Биз мия ҳам яхши қон айланишни, машқни талаб этадиган орган эканлигини кўпинча унутиб қўямиз. Ҳар қандай нохушлик, одамни эзадиган келишмовчиликлар, кўрқув, ғазаб сингари туйғулар мияга, бу орқали бугун организмга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун тўсатдан эшитилган ёмон хабар ёхуд узоқ давом этган нохушликлар оғир касалликларга, ҳатто ҳалокатга олиб келади.

Руҳий тушқунлик заҳардек ёмон таъсир этади, бутун органлар ишини бузади. Бу таъсир мия орқали бутун организмга тарқалади. Натижада оғир хасталиклар бошланиши, организмга путур етиши, турли ўсимталар пайдо бўлиши мумкин. Ёшларда эса асабийлик оқибатида нафас олиш тизимида касалликлар вужудга келиши, юрак фаолиятининг бузилиши, қоринда яра пайдо бўлиши эҳтимол. Кекса одамларга эса бундай касалликлар айниқса ёмон таъсир кўрсатади, зеро, уларда организм ўзининг охириги имкониятлари даражасида ишлаётган бўлади, шу боис нисбатан озгина қўшимча ғам-ташвиш ҳам мувозанатдан чиқариб юборади. Асабийлик кекса одамларни инфаркт, инсульт, ўпканинг қаттиқ шамоллашига олиб келиши мумкин. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар соғлом одамларда бундай ҳолатларга қаршилик кўрсатиш имконияти юқори эканлигини, касалликка йўл қўймаслигини кўрсатади. Агар организмда бундай қаршилик кўрсатиш имконияти бўлмаса, катта шаҳарлардаги тутун, чиқинди газлардан ҳозиргига қараганда ҳам кўпроқ одам рак билан хасталанган бўларди. Шу боисдан бундай зарарли нарсаларга организмнинг қаршилик кўрсатиш инстинкти турли сабабларга кўра бузилган ёки



ишдан чиққан бўлса, инсон учун ғоят хатарлидир. Бундай сабабларга ташвиш, тушкунлик сингари руҳий ҳолатлар кириб, булар касалликнинг бошланиши ва авж олишига олиб келади.

Ҳаётнинг иккинчи босқичида инсоннинг психогигиенасига талабларни фикримишча, қуйидаги қатор пунктларга бўлиш мумкин:

1. Хотира сустлашишининг олдини олиш, фикрнинг тиниқ бўлишини сақлаб қолиш учун организмга жисмоний машқлар қанчалик зарур бўлса, мияга ҳам ақлий машқлар шунчалик зарур. Ақлий гимнастика хилма-хил ва кўпқиррали бўлмоғи талаб этилади.

2. Вазминлик, ҳаётбахш руҳни сақлаб қолиш, турли кўнгилочар ўйинлар воситасида ғам-ташвишдан йироқроқ юриш лозим. Табиийки, бу кўнгилочар ўйинлар тарангликни йўқотишга, кайфиятни яхшилашга хизмат қилмоғи, умидбахшлик руҳини кучайтирмоғи керак.

3. Одам руҳига салбий таъсир этувчи зиддият, келишмовчилик, душманлик, ўч олиш туйғуси сингари турли қусурлардан иложи борича йироқ бўлиш инсонга фақат фойда келтиради. Ўтмишдаги ёмон кунларни эсдан чиқариш, яхши ниятлар билан келажакка умид билан яшаган маъқул. Буларнинг барчасидан кўзда тутилган асосий муддао соғлиқ, яхши кайфият, қизиқарли ва фойдали ҳаёт. Бу қиёслаб бўлмайдиган катта бойликдир. Айниқса, кекса одамлар ўз ўтмишларидаги ғамгин нарсаларни унутишлари, яхши кайфият ва хотиржам ҳаёт кечирришга эришишлари лозим.

4. Психология билан боғлиқ муҳим муаммони — ўз фаолиятини ташкил этишни яхшилаб ўйлаб кўриш зарур. Бу муаммо инсон саломатлиги ва руҳиятига кучли таъсир кўрсатади. Ҳар қандай иш ҳам ё фақат жисмоний, ё фақат ақлий бўлмайди. Фаолиятнинг ҳар бир турида маълум мускулларгина эмас, балки мия ишгирок этади. Кекса одамларни соғломлаштиришда қўл кучига асосланган меҳнат катта ўрин тутаяди, чунки бундай меҳнат фаолиятида инсоннинг ҳам қўли, ҳам тафаккури бир вақтнинг ўзида машқ қилади. Нафақахўрнинг ҳаёти бундай машқларни ўтказиш учун кенг имкониятлар яратаяди. Уй ишлари билан бирга бундай машғулотларни ҳам назардан қочирмаган маъқул. Лекин ҳар қандай иш — бу хоҳ уй иши бўлсин, хоҳ идоралардаги фаолият бўлсин дам олиш, асабга ва организмга эркинлик бериш билан бирга олиб борилмоғи даркор. Бу эса меҳнат қобилияти анча чекланиб қолган кексалар учун ғоят муҳимдир.

Нафақа ёшидан ўтган ҳар бир одам меҳнат қилиш, дам олиш, ухлаш, кўнгилочар ўйинлар билан ҳордиқ чиқариш сингари муҳим муаммолар устида жиддий ўйлаб кўришлари керак. Ўз саломатлигини тиклаш ва мустақамлашнинг реал режасини тузиб чиқиш керак.

## КУНДАЛИК ПРОФИЛАКТИКА

Шундай қилиб ёши катта одам — нафақахўрнинг кундалик ҳаётига разм солайлик. Муҳим масалалардан бири эрталаб қачон туриш ва қанча ухлашдир.

Тадқиқотчилар томонидан аниқланишича, энг фойдали уйқу ярим кечагача бўлган уйқудир. Шунинг учун эрта ётиб эрта турган маъқул. Масалан, агар соат тўққизда ётилса, жуда фойдали бўлади, у ҳолда эрталаб бешда туриш мумкин. Лекин бундай қилинганда одам кўпинча кечқурунги кўнгилохушлик ва томошалардан маҳрум бўлиб қолади. Лекин ўнда ёки ўн бирда ётган одам ҳаммавақт ҳам эрта тура олмайди. Бу масалани ҳал этишни ҳар кимнинг ўзига ҳавола этсак-да, токи у қачон ётиш ва туришни ўз тажрибаси асосида белгилаб олсин. Кекса одамларнинг уйғуга эҳтиёжи хилма-хил бўлади. Баъзи одамларга беш соатлик уйқу етарли, баъзилар эса камида саккиз соат ухлаши керак. Лекин уйқу ўз вазифасини бажармоғи, одамга бутун кунга етадиган ҳордиқ ва қувват бермоғи лозим. Меъёридан ортиқ уйқу, уйғонгандан кейин ўринда ётавериш, кузатишларга қараганда, дангасаликка олиб келади, тетиклик ва қувватни чеклаб қўяди. Уйқу учун энг мақбул вақтни қатор тажрибалар ўтказиш асосида аниқлашни тавсия этамиз.

Лекин бир шартни бажаришдан ҳеч қачон чекинмаган маъқул — ҳамма-

вақт тоза ҳаволи уйда ётиш керак. Ҳатто қаттиқ совуқ вақтида ҳам ҳавони тозалаб туриш учун дераза ёки дарчани жиндай очиб қўймоқ фойдали. Шундай қилинганда бутун тун бўйи тоза ҳаводан нафас олинади.

Уйғонгандан кейин дарчани, ёз вақтида эса бутун ойнани очиб юбормоқ зарур. Бу фақат хонани шамоллатиш учунгина эмас, ўз терисини совутиш учун зарурий чорадир. Табиийки, бунга ўрганмаган ва шамоллашга мойил одам бундай пайтда, айниқса, қиш вақтларида эҳтиёт бўлгани яхши. Лекин биринчи ойдан кейин бундай одам тобланиб, бунақа ҳаво ваннаси хуш ёқадиган бўлади. Терининг капилляр қон томирлари бундай ўзгаришга ўрланади, бу эса организмни шамоллашдан ҳимоя қилишнинг энг яхши воситаси.

Гимнастик машқлар олдидан хонани яхшилаб шамоллатишни, полта гилла ташлашни тавсия этамиз. Шундан кейингина ички кийимда ёки енгил спорт либосида машққа киришган маъқул.

Гимнастика билан шуғулланишни эндигина бошлаётганлар машғулотларга эҳтиёткорлик билан киришадилар. Биринчи ҳафтада кунига беш минут, кейин борган сари машғулот вақтини кўпайтириб кунига ўн беш-ўттиз минутгача етказиш мумкин. Чуқур нафас олишга ёрдам берадиган машқларни яхшиси ётиб, мускулларни тўла бўш қўйган ҳолда бажарган маъқул. Аввалига оҳиста бажариладиган, елка, тирсак, бел, тиззаларни ҳаракатта келтирадиган машқларни ўтказиш зарур. Бу машқларнинг баъзиларини стулда ўтирган ҳолда бажариш мумкин. Тикка ҳолда машқ бажарганда эса қоматни иложи борича тик тутиш тавсия этилади.

Бир неча ҳафта мобайнида аста-секинлик билан мураккаброқ машқларга ўтилади. Албатта, бу машқлар врач ёки даволаш гимнастикаси мутахассиси билан маслаҳатлашган ҳолда амалга оширилади. Гимнастика машқларини зўриқ-қунгача ёки нафас қисила бошлагунгача давом эттирмаган маъқул. Юрак атрофида оғриқ рўй бергудай бўлса, машқларни дарҳол тўхтатиш, ётиш ва бир неча маротаба чуқур нафас олиш ва чиқариш керак.

Машқлардан кейин ётган ҳолда икки минут ҳордиқ чиқариш, мускулларга дам бериш даркор. Шундан кейин ваннахонага кириб ювинилади. Сув эса капилляр томирлар учун гимнастика вазифасини бажаради. Сув муолажаси ички органларининг ишини мўътадиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Лекин ҳар бир яхши нарса ҳам меъёрида бўлгани фойдалидир. Масалан, совуқ сувга бирданнига тушиш қон босимини кўтариб юбориши эҳтимолдан ҳоли эмас, бу айниқса, катта ёшдаги одамлар учун ғоят хавфлидир. Ёки баданни чўтка билан ишқалаш асаб тизими ва юракка салбий таъсир этиши, натижада одам ўзини ёмон ҳис қилиши мумкин. Шунинг учун бутун муолажа ва гимнастика машқларини эҳтиёткорлик билан ва албатта, врач маслаҳати асосида йўлга қўйган маъқул.

Баданни чўтка билан қуруқ ишқаганда оёқнинг учидан тиззагача, қўлни ишқалаганда эса тирсакгача амалга ошириш, бир жойни кўп марта ишқаламаган маъқул. Икки-уч кундан кейин баданнинг янги жойларини ишқалашга ўтиш мумкин. Ишқалаш унча қаттиқ бўлмаган ва шундай тоза чўтка билан амалга оширилади. Олдинига секинроқ, борган сари қаттикроқ ишқалашга ўтилади. Лекин бунда одам ўзини қандай ҳис этаётганини назорат қилиб турмоғи керак.

Баданни чўтка билан ишқаб бўлингач, ҳўл қўлқоп ёки сочиқ билан артилади. Бу муолажа ҳам аввалгисидек аста-секинлик ва врач рухсати билан амалга оширилади. Унчалик муздек бўлмаган совуқ сувда ювинишни тавсия этамиз.

Бундай муолажадан кейин одам лоақал бир неча соат ўзини енгил, тетик ҳис этмоғи керак. Агар у ўзини ёмон ҳис этса, ўтказилаётган муолажалар организм учун оғирлик қилганини кўрсатади, бундай ҳолда дарҳол тўхтатиш лозим. Икки-уч кундан кейин врач билан маслаҳатлашган ҳолда бу муолажаларни бошқатдан, аммо жуда эҳтиёткорлик билан бошланади.

Врач сув муолажаларини тавсия этиши мумкин. Бу баданнинг маълум жойларини совуқ сувда ювиш ва баданни қаттиқ ишқалаб артиш муолажаси. Бундай муолажа кунига бир неча маротаба такрорланади.

Сув муолажаларидан кейин бир неча қисқа гимнастик машқлар тавсия этилади.

Сўнги вақтларда йоглар системасидаги машқлар ва нафас олиш билан боғ-

лиқ машқлар расм бўлмоқда. Буларни, айниқса, нафас олиш билан боғлиқ мураккаб машқларни мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда йўлга қўйган маъқул.

Кун мобайнида овқатланиш учун ажратиладиган вақт ҳар кимда ҳар хил бўлади. Ҳар бир одам тажрибасидан келиб чиққан ҳолда овқатланиш тартибини ўзи белгилайди. Лекин бунда бир нарсага эътибор қаратишингизни маслаҳат берамиз: фақат очқаганингизни ҳис этганингиздан кейингина овқатланинг. Баъзилар яхшилаб қилинган нонушта кун бўйи ишлаш учун куч-қувват бўлади, деб фикр юритишади, бошқалар эса тўйиб нонушта қилинса, одам оғирлашиб, уйқуси келиб қолади деб ўйлайдилар.

Тажриба шуни кўрсатадики, бир хил миқдор ва калориядаги овқат кичик порцияларга бўлиниб истеъмол қилинганда, бир йўла истеъмол қилинганга қараганда қондаги холестерин моддасининг кўпайишига камроқ таъсир этади. Лекин қон овқатланишлар орасида овқатлардан ҳосил бўладиган ёғлардан тозаланиш шарт. Маълумки, кекса одамларда овқатнинг ҳазм бўлиши ёшлик даврдагига қараганда секинроқ кечади. Шунинг учун улардаги овқат истеъмол қилиш оралиғи узоқроқ бўлгани маъқул. Лекин баъзан иштаҳани қитиқловчи овқат ҳиди келганда бунга риоя қилиш қийинроқ бўлади.

Кўпчилик овқатлангандан кейин ишлаб бўлмайди деган ақйдага эга. Ҳайвонлар тўйиб овқатланишгач, тинчлик истаб қолишади, чунки уларнинг организми шу вақтда овқат ҳазм қилиш билан банд бўлади. Албатта, бу жараён овқатнинг сифати ва миқдорига боғлиқ.

Энг яхшиси меъёрни сақлаш, очиққанлик ҳақида организмдан сигнал келгандан кейингина овқатланишдир. Организм қадим вақтлардан бери уч маротаба овқатланишга, тушлиқдан кейин дам олишга одатланган. Организмнинг функцияси ва сигналлари шу ритмга мувофиқ тарзда рўй беради.

Энди кекса одамлар овқатининг сифати тўғрисида сўз юритамиз. Фараз қилайликки, одам анъанавий тарзда уч маротаба овқатланади: нонушта, тушлик, кечки овқат. Уларнинг сифати қандай бўлмоғи керак?

**Нонушта:** сут, нон, творог, сабзавот ва ҳўл мева. Сабзавотлардан нонушта маҳали энг мақбули пиёзбош, кўк пиёз, редиска, салат, помидор, петрушка, қирғичдан ўтказилган хом сабзи. Табиийки буларнинг ҳаммаси бирдангина эмас, шароитга қараб турли қоришмалар ҳолида истеъмол қилинади. Тушлик кечроқ бўладиган тақдирда буларнинг бир қисмини иккинчи нонуштада еган маъқул.

**Тушлик:** сабзавот ва мевалардан, гўштсиз ва суяксиз қайнатилган шўрва, унга қатиқ қўшиш мумкин (бу кун ора бўлгани яхши). Шўрва ичилган кунлари иккинчи овқат озроқ гўшт ёки балиқ (ёғсиз, қайнатилган) ҳафтасига икки-уч маротаба ейилгани маъқул. Кунга қайнатилган сабзавотлар, кун оралатиб хом сабзавотдан тайёрланган салат, охирида ҳўл мева еган фойдали. Гўшт ейилмаган кунлари каша, қайнатилган картошка, сабзавот, баъзан ловия ёки нўхат, сир ёки творог тавсия этилади. Турли салатлар, карам, тузланган бодринг кўп истеъмол қилинади. Тушлик ва кечки овқат орасида эса ўтлардан тайёрланган дамлама ёки мева шарбатидан ичиш мумкин.

**Кечки овқат:** қатиқ, сабзавот, қора нон. Уйқудан икки соат олдин овқатланиш керак.<sup>1</sup>

Устидан салгина асал аралаштирилган, лимонли ўтлардан тайёрланган соклар, шунингдек, сабзавот ва мева шарбатларини ичиш мумкин.

Қатиқ ўзининг қатор фойдали хусусиятларидан ташқари, овқатнинг яхши ҳазм бўлишига кўмаклашади. Карам, бодринг, лавлаги ҳам шундай вазифани бажаради.

Салатларга ўсимлик мойи, айниқса, соя ва кунгабоқар мойини ишлатиш мумкин. Нонга суртилдиган сариёғ ўрнига ёғлиқ творог ишлатган маъқулроқ.

Юқорида келтирилган овқат турларида ёғ ва шакар жуда кам қатнашади. Албатта, аввалига бундай овқатлар жуда тўйимсиз туюлиши эҳтимол. Агар одам овқат тепасига қорни очқан ҳолда ўтирса, бу таомлар ҳам жуда ёқим-

<sup>1</sup> Ўзбекистон шароитида, яъни кечки овқатларнинг калорияси кучшайгани эътиборга олиб, ётишдан камида 3-4 соат олдин овқатланган маъқул — тарж.

ли туюлади. Одатда бу маҳсулотларнинг энг фойдали томонлари, улар таркибидаги минивитаминлар қовурилганда, артилганда йўқолиб кетади, буларнинг ўрнига ош тузи, гаримдори қўшилади. Масалан, ҳақиқий қора ноннинг ўзига хос мазаси бор, оқ нон эса бемазароқ туюлгани боис турли нарсалар билан қўшиб истеъмол қилинади. Табиий нарсалар эса бундай эмас, шу сабабли уларни ёқтириш, уларга ўрганиш лозим.

Таомларни уйда тайёрлаган маъқулми ёки ошхонада овқатланиш керакми? Иложи бўлса уйда тайёрлаган яхши. Ёки бунга кўп вақт кетадими? Йўқ, бу вақтни бекорга кетказиш эмас. Ахир биз нафақага чиқилгандан кейин олти ойни саломатликни тиклашга, фақат қолган вақтларнигина бошқа ишларга сарфлашга келишиб олган эдик. Тўғри ва ҳафсала билан тайёрланган овқат эса саломатлик учун жуда фойдали. Албатта, парҳез таомлар ошхоналарида овқатланиш, ўзига мос овқатларни танлаш ҳам мумкин. Агар ошхонада овқат турлари камроқ бўлса, бирор енгилроқ таом билан кифояланиб турилса бўлади.

Хушхўр оддий овқатларни тайёрлаш унчалик қийин эмас. Куйидаги шартларни муҳим деб ҳисоблаймиз: 1) озгина сувда каша учун пишириладиган ёрма, нўхат, ловия қайнатилади. Қайнатишдан бир кун олдин уларни совуқ сувга солиб қўйишни тавсия этамиз; 2) сабзавотларни пўсти билан қайнатилган сувни тўкиб юбормаслик керак, чунки бундай сув витаминларга, минерал тузларга бой бўлади. Бундай сувлардан шўрва тайёрлаш ва қайла пиширишда фойдаланиш мумкин; 3) хомпигича ейиш мумкин бўлган таомлар бутинича қирғичдан чиқарилади ёхуд майдаланган ҳолда ишлатилади; 4) шўрва ва бошқа суюқ овқатлар, салат ва қайлаларга лимон шарбатидан, майдаланган шивит, петрушка, сельдер қўйиш фойдали бўлади; 5) иложи борича тузчи кам ишлатиш керак.

Қайлани сабзавотлар қайнатилган сувга сут ва озгина ун қўшиб тайёрланади. Шолғом, сабзи, картошка сингари сабзавотлар яхшилаб ювилгач, бутунлай қайнатилади, бу сабзавотларнинг пўстини эса қайнатилгандан кейин артилади.

Эҳтимол, тайёрлаш жуда осон бўлган хушхўр суюқ овқатнинг рецепти фойдали бўлар. Озгина кўкат илдизи билан яхшилаб ювилади, шунингдек, бир неча картошка артилиб ювилади. Икки-учга бўлинган картошкalar, турли сабзавотлар, майдаланган кўкатлар йигирма-ўттиз минут қайнатилади. Сабзавотлар пишгач, улар майдаланиб, ярим стакандан қатиқ ва сут қўшиб аралаштирилади, озроқ шивит, петрушка, лимон соки қўшилиб, туз солинади. Қатиқ ўрнига творог ҳам қўйиш мумкин. Сут ва творог оқсилга мўллиги билан бу суюқ овқатнинг қимматини оширади.

Ёши катта одамлар истеъмол қилаётган овқатларини яхшилаб чайнашлари керак. Янги сабзавотлардан тайёрланган салатлар ҳам яхшилаб чайнаб, сўнг ютилгани маъқул. Шунинг учун нафақага чиқилгандан кейинги дастлабки кунларда терапевтдан кейин тиш врачига мурожаат этиш, тишларни тузатиб олиш талаб этилади.

Ичимлик, кофе, чой масаласи-чи? Уларни ичиш мумкинми ва қандай миқдорда? Ичкилик масаласида фикр юритадиган бўлсак, у ҳаёт кечириш учун энг муҳим аъзолар — мия ва жигар хужайраларига салбий таъсир кўрсатади. Илгаридан ичкилик ичиб келаётганлар учун бу нарса айниқса хавфли. Юқорида саналган органларда ҳаёт учун хатарли ўзгаришлар рўй беради. Баъзи одамлар ичкилик томирларга ёмон таъсир қилмайди, склерознинг ривожланишига олиб келмайди, қайтага майда қон томирларини кенгайтириб қон айланишини яхшилашга хизмат қилади деб фикр юритадилар. Лекин озгина ичкилик ҳам бош мияга салбий таъсир этади, унинг иш фаолиятини сусайтиради. Ҳатто бир қадаҳ вино баъзи бир касалликлар, масалан, қон босими ёхуд ошқозон ярасига қанчалик салбий таъсир этишни тасаввур этиш қийин эмас.

Кофе, какао ва чой таркибларида ҳам томирларда қотиб қоладиган тузлар бор, шунинг учун улар хужайраларда ўрнашиб томирларнинг хасталанишига олиб келади. Какао таркибида маълум миқдорда ёғ бўлганлиги туфайли калорияли ичимлик ҳисобланади, кофе ва чой эса ёқимтой туюлади. Буларнинг ҳаммаси бош мияга, у орқали томирларга таъсир этади. Баъзи томирларни кенгайтирса, бошқаларини торайтиради.

Баъзи одамларга кофе ва аччиқ чой кучли таъсир кўрсатади. Улар уйқуни қочирадигина эмас, баъзи касалликларнинг бошланишига сабабчи бўлади. Бу ичимликлар склерознинг ривожига сабабчи бўлиш-бўлмаслиги ҳали аниқланмаган, лекин бош миёни қўзғаб уйқусизликка сабаб бўлиши, шу орқали тинчлантирадиган, уйқуни келтирадиган дориларни ичишга мажбур этиши тайин. Шунинг учун табиий кофега ахён-ахёнда ва оз миқдордагина ичиш мумкин. Яхшиси эса уни бутунлай ичмаслик.

Суюқроқ чойни ичиш мумкин, лекин уни ҳам тез-тез эмас. Ичганда ҳам шакарсиз ичмоқ керак.

Кекса одамнинг соғайишига бутунлай монелик қиладиган энг ёмон одат чекишдир. Папирос тутуни таркибида инсон саломатлиги учун гоят хатарли модда — канцероген бирикмалари ва никотин бор. Чекувчиларнинг чекмовчиларга қараганда рак касали билан касалланиш даражаси анча баланд. Ўпка раки чекувчиларда бошқаларга қараганда йигирма-ўттиз маротаба кўпроқ учрайди.

Никотин қон айланувчи томирларни торайтиради, склерознинг ривожланишига йўл очади. Шунингдек, чекувчилар инфаркт, қорин ва ўн икки бармоқли ичак яраси, сурункали бронхит (нафас йўлларидаги яллиғланиши) сингари касалликлар билан жуда эрта ва кўп оғрийдилар.

Чекувчилар, айниқса, кўп чекувчиларда пайдо бўладиган касалликлар ва ўлим сабаблари жуда кўп. Афсуслар бўлсинки, кейинги ўттиз-қирқ йил ичида чекишга ружу қўйиш кучайди. Аёллар, ҳатто болалар ўртасида чекиш оммавий тус олди. Чекувчилар томирлардаги қон айланиши ёмонлашгани туфайли бошқаларга нисбатан анча тез қарийдилар. Склероз билан ҳам эрта хасталанадилар. Дармонсизлик ва склероз билан эрта хасталаниш туфайли мункиллаб қолиш чекувчиларда чекмайдиган одамларга қараганда анча эрта бошланади.

Соғломлаштириш жараёнида самаралироқ натижага эришиш учун чекиш одатидан воз кечмоқ керак. Буни икки хил йўл билан амалга ошириш мумкин: ё кундалик чекиладиган сигаретлар сонини мунтазам камайтириш орқали, иккинчиси бирданига чекишни бутунлай ташлаш орқали. Шу нарсага эътибор бериш керакки, чекиш ташлангандан кейин кўпинча иштаҳа очилади, унчалик мақбул бўлмаган семириш бошланади. Чекиш ўрнига олма ейиш, қуритилган олхўри, ёхуд сабзи чайнаш мумкин. Сақич ҳам одамни чалғитишга ёрдам беради.

Бахтга қарши чекишни тўхтатишга иродаси етмайдиган одамлар ҳам анчагина топилади. Бундай ҳолда қуйидаги қоидага амал қилишни маслаҳат берамиз: 1) кунни уч-бештадан ортиқ сигарет чекмаслик; 2) ҳечқачон наҳорга чекмаслик; 3) сигаретнинг учдан бир қисмидан ортигини чекмаслик; 4) тунни ичига қаттиқ тортмаслик.

Чекишни ташлай олмаган одам руҳан тушмаслиги ва соғломлаштириш талбирларидан воз кечмаслиги керак. Аксинча, бундай одам соғломлаштиришнинг барча мегодларини кунт билан амалга оширгудай бўлса, зарарли одатга қарши ўз организмнинг қаршилигини шунчалик оширган бўлади. Лекин у соғломлаштириш муолажаларининг натижаси чекмайдиган одамларникидек самарали бўла олмаслигини ёдда тутмоғи керак.

Нафақа ёшидаги одамлар турли фаолиятларининг муаммолари, шунингдек, психогигиена, эрмак учун бажарадиган ишлари, дам олиши кейинги бобларда кўриб ўтилади. Бу ерда эса саломатлик учун зарур турли муолажаларни қўллаш, кунни режалаштириш масалалари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Инсон ўз ихтиёридан ташқари тушиб қоладиган шовқин, ҳавонинг ифлосланиши ва шахсий адоват сингари гоят зарарли омиллардан эҳтиёт бўлмоғи керак.

Агар уйнинг деразаси машиналардан чиқадиган газлар билан заҳарланган кўчаларга қараган бўлса, иложи борича кўпроқ вақтни очиқ ҳавода, хиёбонларда, сердароҳт жойларда ўтказган маъқул. Деразалар олдида йилнинг кўпроқ вақтида ҳавони тозалаб туришга ёрдам берадиган дарахт ва тепага ўсадиган ўсимликлар экилиши яхши натижа беради.

Дарахт, ўсимлик ва гуллар ўзидан кислород чиқаргани ва ҳавони тозала-

гани учунгина эмас, эстетик хусусиятлари билан ҳам соғлиққа ижобий таъсир кўрсатади. Кўкатлар одам руҳиятини тинчлантиради, кайфиятни кўтаради, ҳаётга муҳаббат уйғотади. Исқирт турмуш, ноэстетик муҳит одамни эзади, умидсизлик туедиради, яшашга иштиёқни сўндиради. Бундай ёқимсиз таассуротни озгина кўкат экиш орқали йўқотиш мумкин. Ҳовлиларга дарахт экиш, ахлатларни йўқотиш, кўкат ва гулларни кўпайтириш яхши натижа беради. Нафақахўрлар учун мана шундай ҳузур-ҳаловатлар майдони очик!

Уйку дориларини, тинчлантирувчи ва оғриқни қолдирувчи дориларни тез-тез ичавериш ҳам инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Бундай дорилар организмнинг захарланишига олиб келади. Масалан, тинчлантирувчи дориларни суиистеъмол қилиш одамни ташқи таъсирга янада таъсирчан қилади, оғриқни қолдирадиган дорилар эса организмда ревматизмдагига ўхшаш оғриқ уйғотади. Булар захарланиш белгиларидир. Бундай дориларга ружу қўйиш кекса одамларнинг саломатлигига салбий таъсир этади. Бу масалада ҳам врачлар маслаҳатига қулоқ солиш ўринлидир. Мазкур дориларни қабул қилишни тўхтатиш ҳеч қандай ёмон оқибатларга олиб келмайди.

Кекса одамларнинг кундалик ҳаётига оид яна баъзи маслаҳатлар фойдадан ҳоли бўлмайди.

Нафақа ёшидаги одам жуда кўп пиёда юриши керак, шунинг учун оёғини эҳтиёт қилмоғи, албатта, ортопедга кўрсатмоғи керак. Кундалик гимнастика ва оёқларни совуқ сувга ювишни одатта айлангиришни маслаҳат берамиз. Табиийки, бунга аста-секинлик билан ўрганилади. Оёқ кийимига кўп нарса боғлиқ. У қулай, енгил, иссиқ бўлмоғи керак. Оёқнинг шишиши ва ундаги қадоқларни кунг билан даволаш зарур. Бу каби муолажаларга маълум даражада вақт ажратилади.

Кўпроқ пиёда юриш, лекин чарчаб қолишга йўл қўймаслик лозим. Бундай вақтда чуқур-чуқур нафас олиш, вақти-вақти билан ҳордиқ чиқарган маъкул. Ҳар қандай ҳолатда ҳам автобус ва троллейбусга ўтириш олдидан бир неча бекат юрилса яхши бўлади.

Идораси йиғирма бешинчи қаватда жойлашган бир ғарбий герман фирмаси қизиқ тажриба ўтказибди. Бу фирманинг йиғирма беш ёшдан ошган йиғирма беш ходими ҳар кун ийғирма бешинчи қаватга яёв кўтарилишаркан. Тажриба врач назорати остида ўтказиларкан. Бу одамлар ҳеч қачон ҳеч қандай гимнастика билан шуғулланишмаган экан. Уч ой мобайнида мунтазам ўтказилган бундай тажрибадан кейин бу ходимлар текшириб кўрилганда уларнинг саломатлиги анча яхшилангани аниқланибди. Бундан шундай хулоса чиқадикки, кўпқаватли уйларда истиқомат қилувчилар лифтлардан камроқ фойдалансалар, ўз саломатликларига кўпроқ фойда келтирган бўлар эканлар. Лекин тўққизинчи қаватда яшайдиган одам узоқ вақтдан бери лифтан фойдаланиб келсаю, 65 ёшга етганда бирдангина ундан воз кечиб, яёв ўз уйига кўтарилиши мумкин эмас. Аввалига иккинчи қаватда, икки ҳафтадан кейин учинчи ва тўртинчи қаватларда, кейинроқ ўз имкониятига қараб баландроқ қаватларда лифта ўтирган маъкул.

Кўриб ўтилган жисмоний ҳаракатлардан ташқари кун мобайнида турли ҳолатларда дақиқалик гимнастикадан фойдаланган афзал. Бу алоҳида жой ҳам, вақт ҳам талаб этмайди. Чуқур нафас олиш машқини одатта айлангириш фойдали бўлади. Ҳар бир соатда ёки икки соатда очик дераза ёнида турганча бир неча бор чуқур нафас олиш ва чиқариш керак. Хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, уйларни унчалик иситиб юбормаган маъкул, зеро, саломатлик учун иссиқдан кўра совуқ фойдалироқ.

Машқлар, ҳаракатлар дам олиш, тинч ҳолатда ўтириш, мускулларни бўш қўйиб юбориш билан галма-гал олиб борилгани яхши. Ётган ҳолатда бутун мускулларга дам бериш кунига бир неча маротаба беш-ўн минутдан амалга оширилади. Лекин мускулларни бўш қўйиш шароитга қараб бундан тезроқ ҳам бўлиши мумкин. Масалан, идорада, бир жойда ўтириб ишлайдиганлар икки-уч минут қўл ва оёқларини бўшаштириб, кўзларини юмиб фикрлашни тўхтатишлари керак. Тик турган ҳолда ҳам оёқ ва қўлларга дам бериш тавсия этилади.

Бахтга қарши инсон ўзини бўш қўйиш қобилиятини тобора йўқотиб бор-

моқда. Ҳатто ётган вақтида ҳам кўпинча ундаги таранглик ҳолати кетмайди, бундан тез чарчайди ва тез қарийди. Бу эса асосан ҳаяжонланиш, нотинч ўйлар, миянинг турли муаммолар ва ташвишлар билан бандлиги туфайли рўй беради. Бу тарангликни биз ухлолмай ётган вақтимизда айниқса, яққол ҳис этамиз, бу вақтда ҳам фикрлашдан тўхтаёмиз, ташвиш тортаёмиз, турли муаммолар устида бош қотираёмиз. Шундай вақтда тана баъзи қисмларининг мускулларига (масалан, бўйин ёки елка) эътибор беришни тавсия этамиз. Уларнинг таранг ҳолатдалигини пайқаймиз. Бу аъзоларни таранг ҳолатдан тушириш учун иродани ишга солиш зарур бўлади.

Уйқусизлик муаммоси кўп жиҳатдан асабнинг таранг ҳолатига, турли масалалар гирдобидан чиқиб кетолмаслигига боғлиқ. Уйқусизлик касаллигини даволовчи махсус шифохона бошлиғи бўлган бир врач ўз миждоғларига кун мобайнида (фақат кечқурун эмас) “муаммоли бир соат” ажратишни ва шу соат давомида ўз дардлари ва муаммоларини қоғозга ёзишни ва қоғозда ҳал қилишни, шунинг қолган қисми ва айниқса, кечқурунни бўшатиб қўйишни тавсия этган. Бу даволовчи психоанализнинг бир кўриниши эди.

Энг муҳими уйқусизлик ваҳимасидан, ундан кўрқидан қутулиш керак. Зеро, кўрқув одамни асабийлаштиради ва уйқуни қочиради. Мутахассислар фикрларига кўра, организмнинг таранглик ҳолатидан чиқиши ҳам худди уйқудек одамни тетик қиладиган дам олишдир. Шу боис организмни бутунлай бўшатиш лозимки, натижада уйқу келади.

Куннинг иккинчи ярмида ва кечқурун аччиқ чой ва кофе ичмаслик, чекмаслик керак. Одамни асабийлаштирадиган нарсалардан узоқроқ бўлиш, асабни бузадиган телекўрсатувларни кўрмаслик, жанжал, баҳслардан узоқроқ бўлган маъқул. Иложи борича уйқу дориларидан воз кечишни маслаҳат берамиз.

Тушлиқдан кейин ухлаш керакми? Бу нарса ҳар кимга ҳар хил таъсир этади. Баъзи одамларга бундай уйқу ғоят фойдали. Лекин уйқу қон босимини пасайтиришини, миядаги қон айланишини сусайтиришини ёлда тутган яхши. Тўйиб овқат ейилгандан кейин ҳам шундай бўлади. Кекса одамларнинг мия томирлари кўпинча склероз туфайли торашиб қолади, агар босим жудаям тушиб кетса, қон кам келиши натижасида томирларнинг бирор жойи бекилиб қолиши эҳтимол. Натижада одам инсультга учраши ёки ҳатто тўсатдан ўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ёши катта одам тўйиб овқатланишдан ўзини тийиши ва бунақа овқатлангандан кейин асло ухлаб қолмаслиги керак.

Юқорида келтирилган қисқа тавсиялар соғломлаштириш ва профилактиканинг бутун дастурини ўз ичига олмайди.

Шунинг учун китобнинг кейинги бобларида булар тўғрисида тўхталамиз, бу ерда маълум муддатларда врач назоратидан ўтиб туришни таъкидлаймиз, холос.

*Давоми бор.*

*Раҳматилла ИНОҒОМОВ,  
таржимаси.*



## SUMMARY

The October number of the magazine will be opened by the story of Pedro de Alarcon "A Triangular Hat".

The continuation of "Monumental reference" by Vladimir Voynovich, Andrey Ananov's story "I've Succeeded" and new sound wisewords of Ahmad Yassaviy are also placed in this magazine. Except them, the magazine readers may read the article "Literal Strategy and Politickal Running" by M.Odessky and D.Feldman; "World Literature and Fantasy" by R.Ibrohimova and "Period of Historic Dreams" by I. Gafurov.

And at the page of "2002 is the Year of Appreciating Old People" readers can read a story by K.Vishnevskaya - Roshkovskaya which is named "A Life After 60".

